

**ИСКАНДАР РАҲМОН**

**ИЖОД ГУЛШАНИ**

**НАСР**

**I**

**ТОШКЕНТ  
«ISTIQLOL»  
2012**

УДК: 821.512.133-3

КБК: 84(5У)7

Р33

Раҳмон, Искандар

Наср: Жилд I / И. Раҳмон. — Тошкент: Истиқлол, 2012. — 360 б.

УДК: 821.512.133-3

КБК 84(5У)7

Маслаҳатчилар:

Абдукарим Усмонхўжаев, тиббиёт фанлари номзоди, доцент,

«Мадади Сино» соғломлаштириш академияси раиси.

Алижон Зоҳидий, тиббиёт фанлари номзоди, доцент,

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

Бадиий муҳаррирлар:

Илҳом Зайир, Салиҳ Ёкубов.

Тақризчилар:

Носир Фозилов, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби,

Давлат мукофоти лауреати.

Абдуғафур Расулов, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, Ўзбекистон Миллий

университети профессори

«Мозийга қайтиб иш кўриш хайрлик», дейдилар. Шу маънода мазкур тўплам  
Ўзбекистон Ёзувчилар ва Журналистлар ижодий уюшмалари аъзоси, Қуролли Кучлар  
фаҳрийси, Соғлиқни сақлаш аълочиси Искандар Раҳмоннинг турли йилларда ёзган  
насрый асарларидан ташкил топган бўлиб, кенг ўқувчилар оммаси, айниқса, баркамол  
авлод, ёшлиаримизни ватанпарварлик, элсеварлик, бурчта садоқат руҳида тарбиялашда  
лоимий ҳамроҳ ва мададкор бўлади, леган умиддамиш.

2012/135 A12201	Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston n...
--------------------	--

10 40547/1  
2

---

**ХОТИРА ХУРШИДИ АБАДИЙ ЎЧМАС,  
ҚАДР ҲИКМАТ ЭРУР ЭЗГУ, МУҚАДДАС!**

**ХОТИРА – МУҚАДДАС, ҚАДР – АЗИЗ**

*Хотира деганда биз бу фоний дунёдан ўтган ажододларимизни элаш, уларнинг чирогини ёқиб, эзгу ишларини давом эттиришини тушунамиз. Бу халқимизга хос азалий фазилатдир...*

*Қадрлаш дегани – бу асрлар давомида она диёримизни, халқимизнинг озодлик ва фаровон ҳаётини мардлик ва шижсаот билан ҳимоя қилган фидойи ватандошларимизни ёдга олмоқ, уларга муносаб ҳурмат ва эхтиром күрсатмоқдир.*

***Ислом КАРИМОВ,  
Узбекистон Республикаси Президенти***

*Хотира түйгүси эмг ширин газал,  
Қадр мерос зэрүр бизларга азал*

## АЖДОДЛАРИМ – АВЛОДЛАРИМ

Хотира дунёда азиз, мұytабар,  
У она, у устоз, у суюк падар.  
Ва лекин қиммати қолмасди унинг,  
Эслайдиган зурриёт бўлмаса агар.

*Абдулла ОРИПОВ,  
Ўзбекистон Қаҳрамони,  
халқ шоюри*

## ЖИГАРБАНДЛАР – МЕХРИПАЙВАНДЛАР, ЖИГАРДАГИ ЧАНДИҚ ВА ДАРДЛАР

Ривоят қилишларича, қадим замонларда, Турон замин томонларда ўзига тўқ, бадавлат, серфарзанд бир одам бўлган экан. Кўчада тасодифан, фалокат содир бўлиб, ўша одамнинг навқиран, чиройли ўғли оламдан ўтибди. Бундан эс-хушини йўқотаёзган ота тақдирига тан бериб, ортиқча дод-вой қилмай, қонли кўз ёшини, дардини ичига ютибди. Фарзанд доғига чидай олмаган онаизор фарёд чекиб, оғир хасталикка чалинибди, кўп ўтмай у ҳам бандаликни бажо келтирибди. Уйбоши бу сафар ҳам сабртоқат қилиб, дард-аламини ичига ютибди, овозини чиқармабди. Яратгандан барҳаёт бола-чақалари, оға-инилари, дўсту ёронларига омонлик, тинчлик, хотиржамлик тилабди.

Лекин аста-секин ич-ичидан пинҳона эзилиб, ўзи адо бўла бошлабди. Бу ҳам етмагандек, вақти-соати етиб, бир ота-онадан туғилган азиз ва меҳрибон жигарбанди, кенжатой укаси вафот этганида у дард-аламини ичига юта олмабди, юз-кўзи, кўкрагини юлиб тимдалабди, ўзини қайга қўйиш, бошини қайга уришни билмабди, овозининг борича қаттиқ ҳўнграб, оху фарёд чекибди.

Дафн маросими, фотиҳагарчиликлар ўтгач, бир қўшниси ундан сўрабди:

— Тақсир, кейинги йилларда бошингизга кетма-кет ташвишлар тушди, жуда оғир жудоликлар бўлди. Аллоҳ Сизга сабр-тоқат берсин, тақдир тақозосига кўникмай иложимиз қанча. Иродангиз кучли экан. Лекин бир нарса кўпчиликни ажаблантиради, сўрасам майлими?

— Нима экан, марҳамат!

— Севимли ўғлингиз тұсатдан вафот этди. Күзингиздаги ёшни бирөвға күрсатмай, барча дард-аламингизни ичингизга ютдингиз. Худди шундай қолат рафиқангиз, бир этак болаларингизнинг онасидан айрилганингизда ҳам тақрорланди. Бардош билан бу йўқотиш дардими мардонавор енгдингиз. Ва ниҳоят, куни-кеча азиз жигарпорангиз, кенжатой укангиз узоқ давом этган оғир хасталиқдан сўнг, рози-ризолик билан бу оламдан кўз юмганида ўзингизни идора қила олмай қолдингиз. Тинимсиз дод-фарёд чекдингиз. Нима, Сизда сабр-бардош тугадими? Ёки бунинг бошқа сабаби борми?

Бу жумбоқли саволдан чуқур изтиробга тушиб, сукунатга чўккан ўша киши айтган экан:

— Э, биродар, менинг дилимдан ўтган ва ўтаётган руҳий ҳолатимни синчковлик билан зымдан кузатиб, шундай савол беришга жазм қилибсиз, раҳмат! Саволингизга жавобим шуки, энг аввало барчамиз бу оламда бир-бири мизга меҳмон, ганиматмиз.

Ҳеч ким бу дунёга устун бўлиб қолмайди. Вақти-соати келиб ҳамма бирин-кетин ўтиб кета беради. Тақдирга тан бермай иложимиз йўқ. Севимли фарзандим тасодифан ўлганида ичичимдан қанча эзилмай, кўз ёшимни бирөвға күрсатмадим, овозимни чиқармадим. Фарзанд доғи ҳеч бир банданинг бошига тушмасин. «Ўзи берган эди, ўзи олди. Ҳали ёшман, бақувватман, белим тўла бола. Худо умр берса, йўқотганимнинг ўрни тўлади», деб ўзимга тасалли бердим. Хотиним ўлганида ҳам тахминан шундай фикр, мулоҳазаларга бордим, Худодан сабр тиладим. Лекин Сиз айтгандай, бир она қорнидан талашиб-тортишиб туғилган азиз жигарпорамдан айрилганимда тоқатим тоқ бўлди, бундай тенгсиз мусибатга чидай олмадим. Нафақат юз-кўзим, кўкрагимни тимдаладим, балки соchlаримни ҳам битталаб юлдим! Бундай азиз жигарпорамни менга туғиб, тарбиялаб, вояга етказиб берадиган ота-онам аллақачон ўлиб кетишиган. Шундай экан, йўқотган жигаримнинг ўрни энди тўлмайди, — дебди-ю, яна ўкириб йифлай бошлабди.

— Вой, жигарим, энди сени қайдин топаман? Жигаримни узиб кетдинг-ку!

Бошқа бир ривоятда айтилишича, саҳрова яшайдиган бир одамнинг туяси йўқолиб қолибди. У туясини қанча қидирмасин, ҳеч қаердан тополмабди. Лекин хокисор ва беозор туясини бир куни албаттга топишидан умидини узмабди. Орадан бир неча йил ўтгач, у мол бозорига борибди. Айланиб, сотувга қўйилган бир

түя қаршисида тұхтаб, унинг олдидан кета олмай қолибди. Негалир юраги гуп-гуп уриб, түянинг күзларига узоқ тикилибди. Буни сезган түя ҳам безовталаниб, бошини эгиб, лабларини осилтириб, күзларидан дув-дув ёш тұка бошлабди. «Худди менинг йўқолган түямга ўхшайди-я», дебди ҳовлиқиб ўзига ўзи. «Худди ўзи!» деган садо келибди ич-ичидан. Шундан сўнг бояги киши түянинг у ёғбу ёғидан айланиб ўтибди-да, суюниб кетганидан бўйнига осилибди. «Ниҳоят, сени топдим бўталогим, овунчоғим!», дебди түянинг қулоғига. Кейин тизгинни қўлига олиб, уни етаклашга киришибди. Бу аҳволдан ҳайрон бўлган түя эгаси дебди:

- Нима қиласыпсиз, биродар? Савдо-сотик қилмасдан нега түямнинг тизгинини қўлингизга олиб, уни етаклаяпсиз?
- Бу менинг түям! Бир неча йил аввал уни чўлда йўқотиб қўйган эдим. Мана, энди ўша түямни топдим! Түя меники!
- Буни нима билан исботлайсиз?
- Кўзи айтиб турибди-ку!
- Ҳамма түянинг кўзи бир-бирига ўхшайди-да. Бу далилингиз етарли эмас!
- Э, биродар, бу түя меники! Буни дилим сезиб турибди!
- Дилингиздан ўргилай! Аввал савдолашайлик, келишайлик. Түянинг пулини тўланг, кейин сизники бўлади. Ҳозирча, түя меники!
- Йўқ, бу түя менини деяпманми, менини! Сизга фақат суюнчи бераман холос.
- Суюнчингизни пишириб ейманми? Менга түянинг тўлиқ ҳақини тўланг!
- Ҳўп, майли. Түяни сиз айтган нархга сотиб оламан. Лекин битта шартим бор.
- Қанақа шарт?
- Гаров ўйнаймиз! Түяни бир чеккага олиб чиқиб сўямиз. Агар унинг жигаридан иккита чандиқ топилса, түя меники, сизга суюнчи бераман. Мабодо топилмаса, түя сизники. Пулимни менга икки баравар қилиб қайтарасиз. Түянинг гўшти, суяги, жуни ҳам сизга қолади.
- Келишдик!

Ўртада бир неча гувоҳлар иштирокида түяни сўйишса, ҳақиқатан ҳам унинг жигаридан иккита чандиқ топилибди! Келишувга мувоғиқ,adolat тантана қилибди.

Кейин бу воқеанинг сири, боиси нима эканлигини түя эгасидан сўрашганида у чуқур уҳ тортиб деган экан:

— Эй, биродарлар! Бу түянинг асли-насли, зоти тоза бўлгани учун мен уни бўталоқлик пайтидан астойдил сениб, асраб-

авайлаб парвариш қилғанман. У катта бўлганида не азоб-укубат билан икки марта туғди, лекин иккала боласи ҳам узоқ яшамади. Фарзанд доғи туягинамнинг қаддини буқли, кайфиятини бузди. Кўз ёшини оқизиб, ўзини доим тўдадан четга олиб, узоқ-узоқларга кетиб қоладиган одат чиқарди. Мен ҳам унинг раъйига қараб, ортиқча қаршилик кўрсатмадим. Шундай кунларнинг бирида у йўқолиб қолди. Ўзига қаердандир таскин, мадад излади шекилли.

Бу ёғи менга номаълум. Билганим, юрагимдан ҳис этганим шуки, фарзанд доғи унинг бутун вужуди, жигарида бир умрга нафақат оғриқ, балки чандик ҳам қолдиргани шак-шубҳасиз.

У-ку, тия, биродарлар! Биз эса Аллоҳ берган энг олий, онгли, тил-забонли неъмат, одаммиз! Одам зотининг жигарида қанча чандик борлигини фақат Яратганинг ўзи билади холос!

Шундай экан, бир ота-онадан туғилган жигарбандларнинг борлиги, барҳаётлиги бизнинг тенгсиз баҳтимиз, бойлигимиз, куч-қувватимиз. Уларнинг йўқлиги эса, жигаримиздаги оғриқ, чандикларимиздир!

Шу ривоятдан хулоса чиқарар эканман, шоирнинг:

— Ўксима жигарим, ўз уйингдасан! Доимо ёдимиздасан! —  
дэя нортуюдек наъра тортиб бўзлашида олам-олам маъно, мазмун  
борлигига иймоним комил.

## БОБОКАЛОНИМ

Бобокалоним Абдураҳмонхўжа Абдураззоқхўжа ўғли яшаб ўтган манзилда, яъни ҳозирги Учтепа тумани ҳудудида «Қизил Шарқ» жамоа хўжалиги тузилди. Яқин-яқингача маҳалла шу ном билан аталиб келинар эди. Республикаимиз мустақиллиги шарофати билан миллий қадриятларимизнинг тикланаётганлиги боис кенг жамоатчиликнинг хоҳишига кўра, шу даҳада яшаб ўтган, эл дуосини олган, таниқли маърифатпарвар олим ва уламо Абдураҳмон қози хотирасига маҳалланинг номини «Қозигузар» деб ўзгартириш ҳақидаги Тошкент шаҳар ҳокимиятининг 1997 йил 2 майдаги қарори эл дилидаги айни муддао бўлди.

Болалик хотидаларим осмонида ялт-ялт ёниб, хаёлимни узоқ-узоқларга олиб қочадиган бир унугтилмас воқеа кечагидек ёдимда. 1945 йилнинг боши, тизза бўйи қалин қор ёққан қаҳратон қиши эди ўшанда. Бизнинг оиласиз Эски шаҳарнинг Лаклакхона маҳалласида яшарди. Отам зотилжам билан оғриб ҳароратлари юқори кўтарилган, аллангаю оташда алаҳлаб ётар эдилар. Биз тепаларида юрак ҳовучлаб у кишига ҳамдардлик билдириб турардик.

Кечки пайт эди. Бир маҳал кутилмаганда кӯча эшик томондан дала қўшнимиз Муҳаммадали амаки ҳўнграб йигланча кириб келдилар.

— Абдураҳмон эшон қози бувамларни бериб қўйдик! Эртага пешинда жаноза ўқилади!

Уйда қий-чув, йифи-сифи бошланди. Ҳамма ҳанг-манг. Ниҳоят, эс-хушимизни бир оз йиғиб йўлга отландик. Отам бетоб бўлганликлари сабабли ёш бўлишимга қарамай, жанозага мен борадиган бўлдим. Кўчага чиққанимизда эшигимиз олдида кишинаб, оғзидан буғ чиқариб турган отга қўшилган, устига кигиз, қалин кўрпача, кўрпа тўшалган қўқон арава турарди. Эгнига пўстин, бошига қозоқи телпак кийиб олган басавлат аравакаш — Муллатош амаки йўғон гавдасига ярашмаган ҳолда ёш боладай пик-пик йиғлаб, елкаси оша силкиниб қўярди.

Биз йўл-йўлакай Эшонгузар маҳалласидан бобокалонимизнинг қадрдон дўстлари Мулла Алижон домла, Муҳиддинхон домла, Чорсудан Фуломқори Фаниев, Себзордан яна бир уламони олиб, аравада Самарқанд дарвоза, Оқтепа, Чопонота орқали не азоблар билан ярим кечада Катта Қанғли яқинидаги Миржумон даҳасидати дала ҳовлимизга етиб келдик. Қаҳратон қишиш бўлишига қарамай, бобомиз яшайдиган кӯча, ҳовли атрофида одамлар тўпланишиб, бир неча жойда гулхан ёқиб исинишар, ҳеч ким бирор ёққа кетишини хаёлига ҳам келтирмасди. Эртасига кун ёришиб, вақт пешинга оққан сари одамлар дарёдай оқиб кела бошлишиди. Улар катта ҳовли, кенг кўчага сифмай кетишиди. Ҳовли, кўчадаги қор куралгани сабабли ён-атрофда төғ-төғ қор уюмлари пайдо бўлганди. Жанозани ҳовлимизнинг ўзида Муҳиддинхон домла ўқиб, бобомиз ҳақида қисқача мътузуза қилдилар. «Ҳеч ким овозини чиқариб йиғламасин, Худонинг қаҳр-газаби келади» деганлари ёдимда. Шунга қарамай ҳамма, айниқса хотин-халажлар оғир йўқотиш аламига чидолмай, дод-фарёд кўтаришиди. Жанозада бобомизнинг севимили қизлари Тўрапошхаон аммамиз Оққўргонда, кичик амаким Абдувоҳидхон жанггоҳда бўлганликлари сабабли қатнаша олмадилар. Бу ҳам дард устига дард, алам устига алам эди. Ўша пайтларда ёшлари 10—13 атрофида бўлган Онахон, Марғубаҳон, Абираҳон, Муяссархон аммаларим соchlарини ёйиб, бийрон-бийрон айтиб йиглашар, мен ҳам белимни боғлаб, кўлимга ёғоч хасса тутиб, уларнинг айтганларини оқизмай-томизмай қайтарардим:

— Сув деганда шарбат берган отам!

Нон деганда новвот берган отам!..

Ниҳоят, жанозадан сўнг одамлар атрофи оқ сурп билан ўралган тобутни қўлма-қўл олиб, елкаларида кўтарганча Чопонота қабристони томон юришди.

Тобут ортидан кетаётган одамлар оқими Миржумондан пастдаги Абдуллажон аканинг тегирмони олдидан ўтиб, телаликка кўтарилиганида орқамга қараб ҳайратландим. Биздан бир, бир ярим чақирим нарида, қўшнимиз Мўмин тоғанинг уйлари олдида турна қатор бўлиб келаётган одамларнинг қораси кўринар, уларнинг кети узилмасди! Мен ўшандা бобом билан видолашиш учун нега бунча кўп одам йигилганига ҳайрон бўлган эдим. Кейин билсам, бобокалонимиз нафақат биз – ҳали эс-хушини яхши танимаган бола-бақралар, балки ён-атрофдаги қўни-қўшни, қариндош-уруғ, таниш-билишлар қалбига одамийлик, камтарлик, поклик, ҳалоллик, меҳр-шафқат, саховат каби эзгулик хислатлари уругини сочиб, ундириб, иззат-хурмат, катта обрў-эътибор топган табаррук зот эканлар.

Мен қадди-қоматлари келишган, оппоқ салла, банорас тўнлари ўзларига ярашиб турадиган, оқ-сариқдан келган, кўкракларини тўлдириб турган оппоқ соқолли, кўкиш кўзли, юзларидан нур, меҳр ёғилиб турган бобокалонимнинг чеҳраларини яхши эслайман. У киши бошқа фарзандлари, невара-чеваралари қатори мени ҳам суюб эркалар, беозор қиликларим, шўхликларим, қизиқ-қизиқ гап-сўзларимдан ҳузур қилиб, бош силкитиб қиқир-қиқир кулар эдилар.

Мунаввараҳон катта бувимизнинг айтишларига кўра, бобомиз XIX асрнинг охиirlарида Бухорои Шарифдаги Мирааб мадрасасида таълим олган, исломий ва дунёвий илмлардан мукаммал хабардор, ўта билимдон, доно ва зукко киши бўлган эканлар. Узоқ йиллар Чақарариқ ва Қўшмозор даҳалари оралигига жойлашган Баландмасжид ёнидаги мадрасада мударрислик (ўқитувчилик) қилганлар, кўплаб шогирдлар етиштирганлар. Йигирманчи асрнинг бошларида эса, қадрдан дўстлари Ризамат ота билан муқаддас ҳаж сафарига борганлар.

1917–1922 йилларда улар Тошкент шаҳрининг тўрт даҳасидан бири Бешёочда шариат қозиси бўлиб қизғин фаолият кўрсантишади. У кишининг бу юксак лавозимда юритган ишлари, тутган сиёсалари, чиқарган адолатли ҳукмлари, ҳали билан қилган муомалаларини ҳали-ҳануз одамлар чуқур самимият ва фахрифтихор билан эслашади ҳамда ёш авлодга намуна қилиб кўрсантишади. Бундай фикр-мулоҳазаларни табаррук оқсоқоллари миздан: Асқархўжа Ҳасанов, Сайдазимхўжа Ҳошимов, Абдувосиқхожи домла Ваҳобов, Мулла Ҳикмат ота, Мавлонбек Пўлат-

беков, Баҳромбек Дўстметов, Усмонҳожи Дўстметов, Тешабой Ёқубов, Қутбилахон Иноятхўжаев, Абдуваҳоб Азизов, профессор Карим Назаров, доцент Қобилжон Қодиров, ёзувчи ва журналистлардан Муроджон Мансуров, Абдуғаффор Маннопов, зиёкор онахонларимиздан: Марҳабохон Муҳаммадаминхўжа қизи, Муаттархон Афандихон қизи, Фаридахон Зуҳриддинхон қизи, Онахонпоша Илёсқори қизи ва бошқаларнинг дил сўзлари, хотиралиридан ҳам билиш мумкин. Уларнинг ҳикоя қилишларига қараганда, Абдураҳмонхўжа қози бобомизнинг эл-юрт ичидаги обрўлари шунчалик катта эканки, ҳатто уларнинг шарпаларини узоқдан кўрган одамлар, дарров от-уловдан пастга тушиб, икки қўлларини кўксиларига қўйиб, бошларини эгиб таъзим билан салом бериб ўтар эканлар.

Шуниси алоҳида диққатга сазоворки, бобокалонимиз Абдураҳмонхўжа Абдураззоқхўжа ўғли (1863–1945) Робияхон ва Мунавварахон исмли рафиқалари билан умргузаронлик қилганларида уларнинг ўғиллари (Абдуҳакимхўжа, Абдурафиқ қори, Абдувонидхон, Ҳабибуллахон, Ҳамидуллахон) ва қизлари (Насимахон, Тўрапошшаҳон, Азизахон, Марғубахон, Муяссархонлар) дан тарқалган авлодлар шаҳримида яшаб, илм-фан, техника, тиббиёт, адабиёт ва санъат, хуллас барча жабҳада фойдали касб-хунар, меҳнат билан шуғулланиб, жамиятимизга фойда келтироқдалар, азиз бобокалонимизнинг васиятларига содик қолмоқдалар.

## АВЛОДЛАР ДОВОНИ

Болалигим Тошкент шаҳрининг Бешёғоч даҳасига қарашли Эшонгузар, Лаклакхона маҳаллаларида ўтган. Баъзан қўнглим ота-буваларим, ёшлигимни қўмсаб қолади-да, ўша маҳаллага, танишларим олдига бораман. Шунда нималарнидир йўқотганимни ҳис этаман ва нималарнидир қайтадан топгандек бўламан. Биринчи ҳолатимда юрагимни битмас дард, алам, армон чулғаса, иккинчисида чексиз фахр, ифтихор, шукроналик ҳис-туйғулари қоплади.

Мана, собиқ Лаклакхона маҳалласидаги кўпчиликка таниш икки қаватли ғиштин бино пештоқига ўрнатилган ёдгорлик таҳтачасидаги ёзувга кўз юргутираман. Унда:

**«САЙДКАМОЛХОН ДОМЛА ҚАҲҲОРОВ (1876–1941)** – ўзбек маърифатпарвари, элшунос, шарқшунос, адлия ходими, XX асрнинг бошларида Тошкентда янги услубдаги мактаблар очган. Санкт-Петербург ва Ўрта Осиё Давлат университетларида дарс берган биринчи ўзбек зиёлиларидан», деган ёзувлар бор.

Дарҳақиқат, «Туркестанские ведомости» газетасининг 1914 йилда чоп этилган 81-сонида бу ҳақда қўшимча маълумотлар берилган: «Сайдкамолхон домла Қаҳдоров 1896—1912 йилларда Тошкент мактабларида ўзбек ва форс тилларидан дарс берган. 1912 йилдан Петербург университетининг шарқ факультетида араб, форс ва шарқ ҳалқлари этнографияси ўқитувчisi, 1914—1921 йилларда Тошкентдаги 2-босқич мактаби ўқитувчisi, 4-боқунчисиз қолган болалар уйида мудир, ўзбек эркаклар билим юртида муаллим бўлиб ишлади. 1921—1924 йилларда Тошкент уезди Пўлат волостида декрет қозиси (ҳалқ ҳаками), 1925 йилдан Ўрта Осиё Давлат университети шарқ факультети ўқитувчisi бўлиб ишлаган, 1931 йилдан бери нафақада».

Хаёлан Абдулла Қодирийнинг ўғли Ҳабибулло Қодирийнинг 1974 йили Faфур Fuлом номидаги алабиёт ва санъат нашриётида чоп этилган «Отам ҳақида» деган хотираларини варактрайман:

«1932 йилнинг баҳорида мен бел-оёқ оғриги бўлиб қолдим. Дўхтир, табибларнинг дори-дармони наф беравермагач, пишиқчилик кезларида дадам мени «ҳаво ўзгартирсин, қимиз иссин», деб Тошкент чеккасидаги Қонқус қишлоғига (Зангиготя яқинида), Камолхон домла ислми дўстининг дала ҳовлисига олиб бориб, ташлаб кетди.

Камолхон домла бизнинг шаҳар ҳовлимиизга ҳаммаҳалла, дадамдан ўн беш ёшлар чамаси катта, баланд бўйли, чўзиқ очиқ юзли, хийла ўқимишли, заъкийтаяб, тадбиркор, салобат-шижоатли, нуфузли, араб, рус тилларини яхши билувчи киши эди. Шунинг учун ҳам САГУ янги ташкил этилган кезларда Шарқ факультетида бир неча йил дарс ҳам берган. Камолхон домланинг иккита шаҳар ҳовлиси (иккаласи ҳам Эшонгузар маҳалласида) ва иккита дала ҳовлиси (бири Қатортол мавзесида) бўлар, унда болалари, келин-кеват, неваралари яшар эди.

Домланинг Қонқусдаги ери катта бўлса ҳам, кўп қисми деҳ-қончиликка яроқсиз, сувсиз эди. Фақат озгинаси обод қилинган бўлиб, унда баҳаво бир кўргон, ташқарисида эса теварагига тол экилган катта ҳовуз, бир нечта ишком узум, анжир, олма каби мевалар, қовун-тарвуз, сабзавотлар, соғин сигир ва беш—үнта қўйи бор эди. Унинг бир хизматкори бўлиб, ўзи ҳам доим боғда фимирсиб ишлаб юрар эди.

Камолхон домла жуда майин сўзли бўлиб, дадамни «сен»лаб гапирав эди. Дадам сұхбат чоғида домлага кўпинча ҳазил-мутойиба қилиб сўзларди. Домланинг «қасби» ва «хислат»лари ҳам кўп эди: намозда имомликка ҳам ўтаверар, боғбонлик ва диний илмлардан маъруза ўқир, қишлоқ аҳолисига томир кўриб табиблик қилар, меҳмондўст, саҳоватиеша, дилкаш сұхбатдош, яхши улфат эди.

Мен домланинг уйида «эрка ўғил» бўлиб яшардим. У менга табиблиқ қилиб, ҳар куни қандайдир ўсимлик илдизини (томирдори) дамлаб ичирап, кув пишиб, куни билан қимиз ичишга қистар ва профессор Фитратнинг араб алифбосидаги «Ўзбек адабиёти намуналари» китобидан ҳар куни оз-моз ўқитиб, дарс берар эди.

Дадам ҳар жума куни эрталаб (кун қизиб кетмасдан) мени кўргани келар, кечгача домла билан сұхбатлашиб, кечки пайт баъзан мен билан Қонқусда янги ташкил этилган давлат хўжалигини айланар, шанба куни эрталаб уйга қайтар эди.

Шу соқларда дадам «Ўтган кунлар»ни қайта нашрга тайёрлар эди. У бир-икки гал мени кўргани келганида ҳовуз лабидаги супада дам олиб ётиб, рюкзагида олиб чиқсан романни ўзича ўқир, баъзи жойларини тузатар ва ўринларини ўзгартириш-ўзгартирмаслик тўгрисида домла билан маслаҳатлашиб ҳам олар эди. Мен домланинг даласида бир ярим ой чамаси туриб, тузалиб уйга қайдим. Домланинг тадбиркорлик, ҳаммабоплик ҳолатлари «Обид кетмон» қиссасидаги Хатиб домла образига қисман ўхшаб кетади назаримда».

Кейинчалик мен Камолхон домланинг шажараси билан қизиқиб, бу ҳақда тўплаган маълумотларни умумлаштирганимда катта бир кашфиёт очгандек теримга сифмай севиндим, ҳайратга тушдим. Унинг отаси Абдуқаҳҳорхўжанинг 7 ўғил: Фазлидинхўжа (муфти), Тиллахўжа, Фиёсiddинхўжа, Асомиддинхўжа, Шамсиддин қори (мударрис), Сайдкамолхон, Жўрахўжа ва икки қизлари (Робияхон ва Каттахонлар) дан тарқалган авлодлари ҳозирги пайтда фан, адабиёт, санъат, маданият, тиббиёт, умуман ҳалқ хўжалигининг турли соҳаларида самарали хизмат қилишаётгани гувоҳи бўлдим. Масалан, шахсан менга тааллуқли, ибратли ва фахрли бўлган жойи шундаки, катта бобом Абдураҳмонхўжа қозининг опалари Олияхон Абдуқаҳҳорхўжанинг иккинчи ўғиллари Тиллахўжага турмушга чиқиб, ўзидан катта бир авлод, бой мерос қолдирган. Абдуқаҳҳорхўжанинг яна бир ўғли Шамсиддинқори узоқ йиллар Бухорои шариф мадрасаларида мударрислик қилган, унинг ўғли Порсохон Шамсиев етик навоийшунос олим, филология фанлари доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби даражасигача кўтарилган.

Абдуқаҳҳорхўжанинг яна бошқа фарзандлари Афандиҳон, Аббосхон домлалардан тарқалган авлодлар ичida элга таниқли зиёкор Муаттархон Афандиева, aka-ука санъаткорлар Собит ва Обид Асомовлар етишиб чиқсани ҳам қувонарлидир. Бундан ташқари, Абдураҳмонхўжа қозига турмушга чиқсан қизлари

Робияхон бизнинг улкан бир авлодимиз Раҳмоновлар сулоласига асос бўлганлиги алоҳида мавзудир ва биз бунга қайтамиз, албатта.

Энди лавҳамиз қаҳрамони, катта тоғамиз – Сайдкамолхон домланинг шахсий ҳаётларига оид маълумотларга назар ташлайдиган бўлсак, уларнинг Султонхон ва Умрихонлар билан умргузаронлик қилиб Муҳиддинхон, Садриддинхон, Хайриддинхон, Фасиҳиддинхон исмли мўмин-қобил фарзандлар, зурриётлар – улкан бир домлазодалар сулоласини қолдирганликларига гувоҳ бўламиз. Зеро, уларнинг ҳар бири ҳақида кўп ва хўп гапириш, ёзиш мумкин. Бу лавҳада фақат уларнинг айримлари исмини тилга олиш кифоядир. Булар тиббиёт фанлари номзоди, доцент Имотиддин Муҳиддинов, техника фанлари номзоди, доцент Шарофиддин Муҳиддинов, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг академиги, техника фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган механизатор Азмиддин Садриддинов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тиббиёт ходими Масловиддин Садриддинов, раҳбар ходимлардан Бадриддин Камолов, адабиётшунос Раънохон Камолова, Ҳуснияхон Шамсиева ва бошқалардир. Энг асосийси, ўтган аждод-авлодларимизнинг исмлари ва жисмлари ҳамиша барҳаёт бўлиб, руҳлари шод этилмоқда, уларнинг анъаналари, иймони бутун, эътиқоди мустаҳкам фарзандлар қалбida, ишида давом этмоқда.

## ШАМС МИСОЛ ЯШАДИ

Мустақил диёrimизда ғазал мулкининг султони Мир Алишер Навоий ҳамда буюк саркарда ва давлат арбоби, шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг муборак номлари тез-тез ёд этилиб, ноёб асарлари ташна дилларга янада ҳузур баҳш этаётган кутлуғ дамларда уларнинг асарларини пухта ўрганиб, тарихни бизга таништирган бир фидойи инсонни ёд этмоқ фарзdir.

Порсо Шамсиев... Агар «Бобурнома»нинг 1948–1949 йиллардаги ўзбек тилида нашр этилган икки қисмдан иборат матнинга назар ташласак, уни дастлаб нашрга тайёрлаган инсон Порсо Шамсиев эканлигининг гувоҳи бўламиз. Шарқшунос олимлардан Сабоҳат Азимжонова, Азиз Қаюмов, Суйима Фаниева, Абдуқодир Ҳайитметов, Абдуфаттоҳ Расулов ва бошқалар ҳам ўз мақола ва маърузаларида бу ҳақиқатни эътироф этгандар. Ўша даврда бу асар янги ўзбек алифбосида, кишилар ва жўғрофий номлар кўрсаткичи, тўлиқ луғат, баъзибир қисқа изоҳ ва таржималар иловаси билан чоп этилган. Порсо Шамсиевнинг ўзи «Бобурнома»

нашри ҳақида ёзганидек, унинг кейинги нашрларини тайёрлаш давомида айрим сўз ва атамалар транскрипциясини аниқлашда «Бобурнома» нинг Анқара (Туркия)да турк тилига қилинган таржимаси ҳамда филология фанлари номзоди, зукко арабшунос ва туркийшунос Михаил Сальенинг русчага қилган тўлиқ таржимаси ҳам кўздан кечирилгани ва шулар билан мослаштиришига уринилгани қайд этилган.

«Китобнинг охирига илова қилинган кўрсаткичлар қайта тузилиб, таржималар ҳам қайтадан қараб чиқилди, изоҳлар бирмунча тўлдирилди. Аммо илгари айтганимиздек, қилинган барча ишларимизга қарамасдан, ишда ҳали ҳам бирмунча нуқсонлар мавжудлиги аниқ... «Бобурнома»нинг цухта тайёрланган танқидий матни майдонга чиқмагунча ва «Бобурнома»да қўлланган Ўтра Осиё, Афғонистон ҳамда Ҳиндистонга оид барча тарихий номларнинг транскрипцияси аниқ ишланмагунча бу асарнинг нашрларида ноаниқликлар ва нуқсонлар юз бериши табиийдир», дейилади сўзбоши охирида.

Айтиш жоизки, мен бу табаррук инсонни яқиндан билганим туфайли, у киши ҳақида баҳоли қудрат ёзмоққа жазм қилдим. Унинг Мерганча (ҳозирги «Пахтакор» стадиони ўрни) маҳалласидаги баҳаво ва сўлим ҳовлисида раҳматли бобом, отам ва амакиларим билан бир неча бор бўлганман. Қолаверса, кейинчалик у яшаб ижод этган, ҳозир эса ёдгорлик лавҳаси ўрнатилган Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Собир Муҳамедов кўчасидаги улари менга азиз ва қадрдан эди.

Домланинг 1930 йиллари нашр этилиб, бир қанча вақт мактабларда дарслик бўлиб келган «Адабиётдан иш китоби», «Адабиёт дарслиги», «Ўзбек тили дарслиги», «Ўқиш китоби» сингари асарлари унинг қанчалик билимдон, зиёкор инсон бўлганлигини кўрсатади. Маълумки, 30-йилларнинг охиридан бошлаб Алишер Навоийнинг 500 йиллик юбилейини ўтказиш борасида шоир ижоди ва ҳаётини ўрганиш, уни ҳалқ оммасига етказиш мақсадида оммавий нашр ишлари авж олиб кетди. Мумтоз адабиёт сирларидан яхши хабардор бўлган Порсоҳон ота бу хайрли ишга жалб қилинди. У «Муҳокамат ул-луғатайн», кейинроқ «Маҳбуб-ул-қулуб», «Мажолис ун-нафоис», «Садди Искандарий» каби асарларининг нашр этилиши, кенг китобхонлар оммасига етиб боришида ҳамкаслари билан бирга самарали ишлар қилиши.

Унинг ноёб истеъоди ва ўзбек мумтоз адабиётининг ўзига хос нозик хусусиятларини яхши билиши, форс-тоҷик адабиётидан хабардорлиги, араб ва форс тилларини мукаммал билиши матншуносликда жуда асқотди.

У 1952 йилда Алишер Навоий «Сабъаи сайёр» достонининг илмий-танқидий матнини тайёрлаб, номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1955 йилда эса достонни алоҳида нашр эттириди. Матншунос олим Навоийнинг улкан «Ҳамса»си таркибидаги достонлар устида олиб борган кўп йиллик изланишларини якунлаб, 1970 йилда «Алишер Навоий «Ҳамса»сининг илмий-танқидий тексти ва уни тайёрлаш қоидалари» деган мавзуда докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Порсо Шамсиев ҳазрат Навоийнинг 525 йиллик юбилеий муносабати билан чоп этилган шоир асарларининг 15 жилдлиги учун ҳам унинг ўндан ортиқ асарларини тайёрлаб берди. Шунингдек, унинг матншуносликдаги фаолияти фақат Алишер Навоий асарлари билан чегараланиб қолмасдан, олти жилли «Ўзбек поэзияси» антологиясининг нашрларида ҳам кўринди. Бундан ташқари, у «Бобурнома»нинг тўлиқ нашрини тайёрлашга ҳам катта ҳисса кўшиди.

Ажойиб олимнинг таржима, адабий таъсир ва алоқаларга оид бир қанча ишлари адабиётимиз тарихини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Унинг Хондамир қаламига мансуб «Макорим ул-ахлоқ» асарини форсчадан ўзбек тилига моҳирона таржима қилгани, Жомий ва Навоий ижоди, ижтимоий ва ўзаро муносабатларига доир лавҳаларни жамлаган «Жомий ва Навоий» тўпламини тузганлиги фикримизнинг исботидир. Айниқса, олимнинг «Тұхват ус-салотин» асарини аниқлаши катта воқеа. Домла мазкур асар Алишер Навоий шеъриятидан саралаб олинган байтлар мажмуаси эканлигини илмий асослаб берган. Унинг луғатшуносликдаги ишлари ҳам таҳсинга сазовордир.

Хуллас, республикамизда матншунослик илмининг равнақига улкан ҳисса кўшган, забардаст тадқиқотчи ва заҳматкаш олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Порсо Шамсиевнинг илмий мероси, унинг одамийлик фазилатлари ҳақида ҳар қанча ғурур ва ифтихор билан гапирсак арзиди.

Яхшидан боғ қолади, дейди халқимиз. Ҳаётда Порсо Шамсиевдан қутлуғ из қолди. Унинг оқила рафиқаси Баҳрихон ая билан узоқ йиллар умргузаронлик қилиб, тарбиялаган ажойиб фарзандлари Мухаммадияхон, Субҳияхон, Нусхияхон, Ҳуснияхон ва Маъмуроҳонлар ўзларидан тиниб-тинчиган, оиласи, серфарзанд инсонлардир. Улар ўз падари бузруквориларининг ҳаётда қолдирган қутлуғ изларидан фақат ғурурланибгина қолмай, баҳоли қудрат уни давом ҳам эттиришгани айниқса диққатга сазовор ва ибратлидир.

## ОҒАЛАРИМИЗ ВА ТОҒАЛАРИМИЗ

Аждод-авлодларимиз ичида ҳар томонлама етук, билимдон, зукко, фидойи, қатъиятли, адолатли Инсонлар жуда кўп бўлишганки, уларнинг ҳар бири ҳақида қанча гапирсак, шунча оз. Шунинг учун ҳам алоҳида меҳр-муҳаббат, диққат-эътиборга сазовор бўлган бу азиз ва табаррук зотларни катта-кичик астойдил севиб, ўз оғамиз, тоғамиз деб эъзозлаган, чин маънода уларга эргашган. Халқимизда: «Яхши жиян тоғасига ўхшайди», деган қанотли ибора бежиз айтилмагани шу бўлса керак.

Ана шундай суюкли инсонлар сирасига шубҳасиз Зухриддинхон тоғамиз ҳам кирап эдилар.

Силсилемиз тарихига кўра, улар бобокалонимиз Абдураззоқ эшоннинг қизлари, яъни Абдураҳмон эшон отамизнинг катта опалари бўлмиш Олияхон пошша Тиллаҳўжа Абдуқаҳорхўжа ўғли билан қўшилишидан тарқалган авлод вакили ҳисобланадилар. Маълумки, бу оиласда: Сирожиддинхон, Соҳибахон, Ҳабибахон, Нодирахон, Собирахон, Баҳрихон исмли, бир-биридан гўзал ва доно ўғил-қизлар дунёга келишган. Кейинчалик қизлар вояга етиб навбати билан ўз тенглари Сайдакбарқори, Сайдқосимхўжа, Ойхўжа эшон, Афандихўжа, Порсохон Шамсиевларга турмушга чиқиб, ўzlаридан кўпайишган.

Зухриддинхон Сирожиддинхон Тиллаҳўжа ўғлининг Купидузхон билан жуфтлигидан 1903 йилда туғилган яккаю ёлғиз зурёл эди. У ёшлигидан ақлли, меҳнаткаш бўлиб ўсган. Дастлабки таълим-тарбияни ота-онаси, кейинчалик Тошкентдаги рус-тузем мактабида олган, диний ва дунёвий илмлар, айниқса ҳукуқшунослик билан қизиққан. Ўзининг ўтқир зеҳни, тиришқоқлиги, ёзув-чизувга чечанлиги, ҳуснихатда бежирим ва бетакрорлиги боис бирор маҳсус билим юртида ўқимаган бўлса ҳам, адлия соҳаси бўйича пухта-пишиқ мутахассис бўлиб етишган. Турли йилларда Яккабоғ, Зирабулоқ, Каттакўрғон туманлари, Самарқанд вилояти ҳамда Тошкент шаҳридан юқори нуфузли ҳукуқ муҳофазаси идора, маҳкамаларида масъул лавозимда ишлатан, эл-юрт назарига тушган. Лекин эгаллаган мавқеи, касби-хунарини тасдиқловчи гувоҳномаси бўлмагани сабабли нафақага чиқарилган. Бундан асло тушкунликка тушмаган Зухриддинхон узоқ йиллар Ўрта Осиё темир йўллари бошқармаси тасарруфида назоратчи сифатида меҳнат қилганлар. Мазкур маҳкамада жорий этилган имтиёзларга кўра, у киши ҳар йили меҳнат таътили вақтида оила аъзолари, невараларини олиб, собиқ Иттифоқ бўйлаб, жумладан: Москва, Санкт-Петербург, Рига, Каунас, Киев ва бошқа шаҳар-

ларга сайру саёҳатга чиққанлар, эсдаликлар ёзиш, аждодларимиз тарихи, шажарасини тузиш билан шугулланиб, оила аъзолари, яқин қариндош-уруглар ардоғида бўлганлар.

Унинг Фотимахон Усмон қори қизи (1905–1988) билан қилган умргузаронылиги боис Фаридахон (1923) ва Эркинхон (1930) исмли фарзандлари туғилиб, вояга етишади, оиласи бўлиб, ўзларидан кўпайишади.

Ёлғиз ўғил Эркинхон оила, мактабда бошланғич таълим олгач, қолганини ўрта тиббиёт билим юрти, Тошкент тиббиёт олийгоҳи, Куйбишев (ҳозирги Самара) шаҳридаги ҳарбий-тиббий академияда давом эттирган, олий тоифали мутахассис-рентгенолог бўлиб етишган. Рафиқаси доришунос Мавлудаҳон билан икки ўғил, уч қиз кўрган, узоқ йиллар Оҳангарон тумани ва Тошкент шаҳридаги нуфузли тиббий муассасаларда ишлаган, минглаб дардмандлар дардини қалб қўри, кўз нури билан астойдил даволаган.

Опалари Фаридахон 1943 йили бизнинг хонадонимиз келини бўлгач, Эркинхон акамиз билан оға-инилик муносабатларимиз янада кучайди, мустаҳкамланди. Ҳеч муболагасиз шуни айтишим жоизки, биз бир кўрна остида тепкилашиб катта бўлганмиз. Узоқ-яқиндаги қариндош-уругларимизнинг уйларида бўладиган тўй-ҳашам, маъракалар, шаҳримиздаги кино-театр, цирклардаги томошалар, оромгоҳлардаги сайлларга бирга бораардик. Бўёнин айтсан, 1945 йилнинг 1 сентяброда мени илк бор қўлимдан етаклаб, ҳозирги Эшонгузар маҳалласидаги 45-ўрта мактабга олиб борган ҳам Эркинхон акам эдилар. У киши ҳарбий-тиббий академияда ўқиган пайтлари деярли ҳар йили қиши ва ёз фаслларида таътилга чиқиб, Тошкентга келардилар. Эгниларига куйиб қўйғандек ярашган ҳарбий либосларини кўрганларнинг ҳаваси келарди.

Очиғи, менинг кейинчалик Эркинхон акамга ўхшаб тиббиёт институтига ўқишига киришим, ҳаётимни ҳарбий тиббиётга баҳшида этишимга ўша оловли ёшлиқ чоғимдаги орзу-ҳавас, нурли таассуротлар туртки бўлган десам, янгишмайман.

Минг афсуски, ҳаётда энди рўшнолик кўриб, қўли севимли ишга, оғзи ошга етганида 1985 йилнинг ёзида, қирчиллама ёшида Эркинхон акам бевақт оламдан ўтдилар. Бу оғир йўқотиш, фарзандлар-дилбандлар жамоли, камолини кўриб, диллари яйраб, кўзлари қувнаётган Зуҳриддинхон тогамиз ва Фотимахон аямизнинг қадди-қоматларини дол, ўзларини беҳол қилди. Уларга қуда-анда, қариндош-уруг, фарзанди аржумандлар ҳар қанча мадад ва таянч бўлиб, таскин беришмасин, аянчли тақдир даҳшатига дош бериш, уни сабр-тоқат билан енгиш кекса чол-кампиромидаги эчмади.

Кўп ўтмай, улар ҳам вақти-соатлари битиб, катта обрў, эътибор, иззат-икром билан олдинма-кетин дорилғанодан дорилбақога риҳлат этишди, ўзларидан яхши ном, яхши из қолдиринди. Аллоҳ уларни ўз раҳматига олиб, қоронғу гўрларини ёруғ, охиратларини обод қилган бўлсин, омин!

Шу ўринда, кези келганд Зуҳриддинхон тогамизнинг садоқатли рафиқалари Фотимахон аямиз тақдири билан боғлиқ баъзи маълумотларни қисқача баён қилишга журъат этдим.

Юқорида таъкидлаганимдек, ёшлигимдан Эркинхон акам билан ҳамроҳликда Самарқанд дарвоза даҳасида яшовчи Сайджалолхўжа, Сайдкомилхон, шунингдек, Сузукота маҳалласидаги Ҳабибулла қори тогамизнинг уйларига тез-тез бориб турардик. Бу ерлардаги Бўзсув, Заҳариқ бўйлари, Абдулла Қодирий боғидаги соя-салқин жойларда тенгқур ўртоқларимиз: Билолхон, Марҳаматхон, Маҳаматхон, Анвархон, Омонхон, Суръатхон, Файратхон, Тальятхонлар билан бирга ўйнаб, дўстона суҳбатлар қуарардик.

Тўғри, ўша пайтларда биз ташриф буюрган бу файзли, баракотли, меҳмоннавоз, дилкаш хонасон соҳиблари – тоғалари-миз, уларнинг оила аъзолари шахсан менга ким ва қандай қариндош эканлиги ҳақида ҳозиргидек аниқ ва ёрқин тушунча, тасаввурга эга эмас эдим. Шунга қарамай, орадан қанча йиллар, сувлар оқиб ўтса ҳам, бу ссрурӯғ аждод-авлод вакиллари билан қариндош-уруғчилик ришталаримиз асло узилмади, балки тобора мустаҳкамланди.

Кейин билсам, авлодимиз занжиридаги бу оға-тоғалари-мизнинг тақдири ҳам ўзига хос, ниҳоятда мураккаб ва ибратли бўлган экан.

Фаридахонхожи онамизнинг ҳикоя қилишларича, ҳозирги Кўкча, Шофайзи даҳаси, Қизил ғунча кўчаси, Бўзсув ёқаси, жарлик атрофидаги паст-баландликларда бувалари Усмонқорига қарашли катта ер майдонлари, боғ-роғлар бўлган. Унинг Саломатхон билан қилган умргузаронликлари туфайли Жамилахон ва Фотимахон исмли қизлар дунёга келишган. Оталари Усмонқори ёш вафот этгач, оналари Саломатхон икки норасида билан бева қолган. Шундай оғир ва мураккаб вазиятда Усмонқорининг туғишиган укалари Нўймонқори барча масъулиятни зиммасига олиб, етимча қизларни багрига босиб, келинойиси Саломатхонни Самарқанд дарвоза даҳасида яшовчи Асқархўжа леган кишига узатиб юборган. Бу даврда Асқархўжанинг хотини ўлиб, ёш ўғли Сайджалолхўжа билан ёлғиз яшаётган экан.

Тақдир тақозоси билан янги оила барпо этилгач, бирин-кетин Мұхаббатхон, Сайдкомилхонлар туғилишади, Сайджалолхўжа-нинг бағри тўлади, кўнгли ўсади, ука-сингил, опаларига бор меҳри, сеҳрини беради ва бундай меҳр-оқибатдан ўзи ҳам тўла-тўқис баҳраманл бўлади.

Асқархўжа бобонинг барча фарзандлари, шу жумладан, ўз отасидан етим қолса-да, меҳрибон амакиси ва ўгай отасининг бегараз ва беминнат меҳр-шафқат, мурунватида вояга етган Жамолхон (Абдуаҳадхон), Фотимахон (Зуҳриддинхон), Сайджалолхўжа (Маҳбубахон)лар, шунингдек, Мұхаббатхон (Маҳмудхўжа), Сайдкомилхон (Каримахон)лар оиласи, бола-чақали, пири бадавлат бўлишали.

Бу авлод, хонадон аъзоларининг ҳали ҳануз бир-бирларига меҳр-муҳаббатли, оқибатли, садоқатли, саховатли бўлиб ҳаёт кечиришашёттанининг жонли гувоҳиман. Қолаверса, кейинчалик бу авлоддан: эл-юрга таникли, фидойи, мустаҳкам иймон, зътиқодли инсонлар: Сайдкомилхон Саидаҳмедов, Сайдумархон Жалолов, Билолхон, Марҳаматхон, Анвархон Аминовлар, кўплаб зиёкор, шифокор, тадбиркор, косиб-хунармандлар, тижоратчилар етишиб чиқишгани қуонарлидир.

Демак, Фотимахон аямиз Сайдкомилхон тогамиз билан она бир, ота бошқа жигарбандлар бўлишган, аммо бу ҳақда ўла-ўлгуналарича ўртада бирор гап-сўз, тушунмовчилик бўлмаган.

Бундан ташқари, таниқли адиб Ҳабиб Нўймон тогамиз эса, Фотимахон аямизнинг амакилари Нўймонқорининг ўели бўлганлар. Уларниңг ҳам бир-бирларига ниҳоятда меҳрибон, иззатикромли бўлишгани ҳар қанча таҳсинга сазовордир.

Мана, Сизга авлодимизнинг фахри ва ифтихорига айланган, туғишгандан ҳам аъло, қалби қуёш, бағри дарё, меҳр-оқибатли оғажон, тогажонларимиз ҳақида тўқилмаган ҳикоят, ҳақиқатлардан бир шингил. Аллоҳ бу зоти бобаракотларнинг ҳам охиратларини обод қилган бўлсин!

Оққан дарё оқаверар, ҳаёт чархпалаги ўз маромида гир-гир айланаверар экан. Эндиликда от босмаган жойларни тойчоқлар босиб, бу аждодлардан тарқалган минглаб авлодлар ота-бобо, она-момолари, оға-инилари, тогалари изидан мардона, далил боришмоқда, уларниңг руҳларини шод этишмоқда.

## ЖОННИГИЗГА ЖОН БҮЛАЙ, ЖОНГА ДАРМОНИМ ОТАМ...

Йиллар ўтиб кетди тепангдан фир-тир.  
Отанг мозорига бордингми бир дам?  
Отанг хотирига нима эзгулик –  
Қылдингки, ўғлингдан кутарсан сен ҳам?  
*Саъдий Шерозий*

Аждодларимизнинг кекса вакилларидан Зуҳриддинхон Сирожиддинхон ўғли (1903–1986)нинг 1983 йил 27 февраль куни ёзган эсдаликларида шундай жумлалар битилган: «Бу авлод вакиллари аксариятининг фамилиялари Раҳмонов эканлиги кўпчиликка маълум. Хўш, бу ном қаердан келиб чиқди? У кимга тааллуқли?» – деган савол туғилиши табиийдир.

Ўз замонасининг маърифатпарвар зотларидан бўлмиш Абдураҳмонхўжа Абдураззоқхўжа ўғли эл-юртда шуҳрат қозонган мударрис эдилар. Бу зот ёшлик даврларида Бухоро шаҳрига бориб, Мирараб мадрасасида таълим-тарбия олиб, Тошкентга қайтганлар. Узоқ йиллар Бешёғоч даҳасидаги «Ҳонақо» мадрасасида мударрислик, яъни ўқитувчилик қилганлар, юзлаб муллаваччаларни ўқитганлар. Кейинчалик, икки муддат Бешёғоч даҳаси шариат қозиси бўлиб қизгин фаолият кўрсатганлар, халқ назарига тушганлар. Кўпчилик у кишини Қози Домла дейишининг сабаби шундан.

У зоти бобракотнинг Робияхон аммамиз билан турмуш қуришганидан сўнг туғилган тўнғич фарзанд Абдуҳакимхўжа ҳам шу мадрасада ўқиб, кўп йиллар эл-юрт хизматида бўлганлар. Кейинги фарзандлари Насимахон, Тўрапошшаҳонлар Чақарариқ маҳалласидаги Турсунхўжа хонадони келинлари, ака-ука Илесқори ва Аббосхонларнинг рафиқалари бўлишган. Насимахондан икки қиз, яъни Иноятхон ва Онахон (Наимахон)лар туғилишган. Лекин улар оналари эрта вафот этишгач, Тўрапошшаҳон тарбиясида қолишган. Оиласдаги учинчи қиз Азизахон эса Зиёвиддинқори Мўминхўжа ўғлига турмушга чиқиб, оғир хасталик туфайли оламдан ёш ўтган, фарзанд кўрмаган.

Абдурафиқхўжа Қози Домланинг иккинчи ўғиллари бўлиб, ёшлигига қориҳонада ўқиган, ширали, ёқимили овоз соҳиби эди. Кейинчалик умрининг охиригача доришунослик билан шугулланган. Абдувоҳидхўжа туғилгач, оналари вафот этган. У меҳрибон опалари, яқинлари тарбиясини олиб, не-не қийинчилклар билан ўсиб-улғайган. Ҳамма уни эркалаб, суйиб Кенжакхўжа,

Кенжә эшон деб атай бошлаган. У ўрта, олий тиббиёт билим юртларыда ўқиб, шифокор бўлиб етишган, Иккинчи жаҳон урушида қатнашган. Узоқ йиллар эл-юрт сиҳат-саломатлигини сақлаш ва уни мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса кўшган.

Абдураҳмонхўжа тогамизнинг Мунавварахон аямиз билан қилган иккинчи турмушларидан: Ҳабибулахон, Ҳамидулахон, Марғубахон, Муяссархонлар дунёга келишган. Улар ҳам оиласи, бола-чақали бўлиб, ўзларидан кўпайишган.

Бу ерда асосий гап Абдурафиқхўжа ҳакида кетар экан, шуни айтишим жоизки, у ёшлигидан ниҳоятда зийрак, ақлли, доно, ҳушёр, қариндош-уруғ, ёру биродарларга меҳрибон, ҳазилкаш, ҳушчақчақ, химматли, саҳоватли эди. Моддий, маънавий ёрдамга муҳтоjlарга ҳамиша ёрдамга тайёр, қўли очиқ, бағри кент бўлиб, тўй-ҳашам, маъракаларда фаол иштирок этарди. Жисмонан бироз заифроқ бўлишига қарамай, ниҳоятда ҳаракатчан, гайратли инсон эди. Оиласи ҳам қаттиққўл, талабчан, фарзандларини одоб-аҳлоқли, меҳнатсевар, илмли қилиб тарбиялаш, эл-юртга муносиб инсонлар бўлиб етишишларига катта эътибор берарди, уларнинг камолини кўриш орзусида яшарди.

Афсуски, 1958 йилнинг 20 декабрида куттилмаган ажал қирчиллама қирқ тўрт ёшида Абдурафиқхўжани орамиздан юлиб кетди. Отадан етим қолган ети нафар фарзанд – тўрт ўғил ва уч қиз қирқ бир ёшли Қамарияхон бағрида бўзлаб, чирқиллашиб қолишиди.

Болаларнинг тўнгичи Искандархон 21 ёшда, кенжатой қизлари Маъфурахон атиги 14 ойлик гўдак эдилар.

Бундан таишқари бу оила ўша йилнинг баҳорида Оҳангарон туманидан Тошкентга кўчиб келиб, Чопонота даҳасидан ер олиб, ёз бўйи иморат қуриб, бир уй-даҳлиз устини аранг ёпиб, сомон сувоқдан чиқариб, девор ҳали қуримай, энди ичига киришган эди. Хуллас, ўша тизза бўйи қалин қор ёққан қаҳратон қишида бу оила лойӣ, тупроқ ичиди, вайронада изиллаб қолишиди.

Лекин орадан анча йиллар ўтиб, Аллоҳнинг марҳамати, яқин қариндош-уруғ, ёру дўстларнинг бегараз ва беминнат меҳршафқати, оқибати, саҳовати, қолаверса, оила аъзоларидан ҳар бирининг букилмас иродаси, куч-ғайрати туфайли уларнинг орқасига офтоб тегди, эгилган, аммо букилмаган ва синмаган қалди-қоматларини тиклаб, эл-юрт ичиди ўз бўй-баствларини яққол кўрсата бошлашди. Бунинг ўзи бўлмади, албатта».

Мен бу эсдаликларни кўзда ёш билан ўқир эканман, раҳматли отамнинг сиймолари, беозор қаҳқаҳа ва кулгилари, жарангдор овозлари, ҳазил-хузил гап-сўzlари худди кино тасмаларига ёзилган ранг-барант лавҳалардек, бирма-бир нигоҳимдан ўта бошлади.

Эшитишимга қараганда, отам ёшликларидан касалманд бўлиб ўсганлар. Иккала буйракларидаги тош вақти-вақти билан ўзининг борлигини билдириб, хурож қилиб турган. Бундай дамларда қаттиқ оғриқ азобидан бағриларини ерга бериб, икки-уч кунлаб тўшакка ётиб қолар эканлар. Ўрта тиббиёт билим юртида ўқиб юрган талабалик вақтларида ҳам бундай ҳолат тез-тез такрорланар экан. Маҳалладош, касбдош ўртоқлари Боситхон Кабирхўжа ўғли дарров уларнинг бағрига кирап, қўлларидан етаклар, ҳатто елкаларига опичиб, уйга олиб келар эканлар. Шунинг учун бўлса керак, отам қишин-ёзин эгниларига иссиқ усти-бош кийиб, белларига тия жунидан қилинган қалин белбоғ ўраб, ўзларини асраб-авайлаб юрадилар.

1940 йилнинг бошларидаги буйракларидаги тошни олдириб ташлаш учун ТошМИдаги шифохонага ётганларини элас-элас эслайман. Эртага операция қиласиган куни онам билан уларни кўргани шифохонага борганимиз, бизни ташқи дарвоза олдигача кузатиб кўйганлари, мени бағриларига босиб кўзда ёш билан хайрлашганлари ёдимда. Ўшанда даволовчи шифокорлар: «Операция оғир кечади. Бемор ё у ёғлиқ, ё бу ёғлиқ бўлиши мумкин», деб аввалдан огоҳлантиришган экан. Бу гапни эшигтан бобом: «Ўлса, ўз ажали билан ўлсин», деб, операция қилишга розилик бермаганлар, отамни касалхона кийимида уйга олиб келишган экан. Орадан кўп ўтмай, Иккинчи жаҳон уруши бошлангач, отамнинг бетобликлари иккинчи-учинчи даражали ғамташвиш, дардга айлангани ҳақиқат.

Урушдан сўнгги 1948—1958 йилларда биз оиласиз билан Тошкент вилояти Оҳангарон туманинаги соф ҳаволи, тиник сувли, сўлим Облиқ қишлоғида яшаган пайтларимизда ҳам ўқтин-ўқтин отамнинг буйраклари шамоллаб, бир неча кунлаб оғир аҳволда ётганлари эсимда. Шундай ҳолатларда уларга раҳмим келиб сўйардим:

— Адажон, шунча қийналмай буйрагингиздаги тошни олдириб ташласангиз бўлмайдими? Ёки қаттиқ оғриқ азобига дош бера олмайман, деб қўрқасизми?

У киши менинг гапимни тинглаб, узоқ хаёлга ботиб, чукур хўрсиниб қўярдилар:

— Йўқ, болам. Мени оғриқ азоби эмас, бошқа нарса қўрқитади. Худо кўрсатмасин, операция вақтида ўлиб қолсанм, сенларга жуда қийин бўлади.

— Э, нафасингизни иссиқроқ қилинг, ҳали узоқ яшайсиз, — дердим уларнинг кўнгилларини кўтариб. Ўша пайтда менинг қўлимдан ҳеч вақо келмасди. Баъки у кишининг ўйлаганлари тўғридир, дердим ўзимга-ўзим ноиложликдан.

— Сен бироз катта бўлиб, оёққа турсанг, ўйлашиб кўрамиз, болам, — дердилар майин жилмайиб. Лекин кўнгилларидан ўша дақиқаларда нималар ўтаетганини аввало Худо, қолаверса, ўзлари билардилар, холос. Баъзан тушкунликка тушиб, менга васият қиласдилар:

— Мабодо, аҳволим оғирлашиб, нариги дунёга кетишим аломатлари сезилиб қолса, ҳеч иккиланмай, шаҳардан амаки-ларингни чақир. Мени бир амаллаб, тиламгами, наматга ўраб, Тошкентга олиб кетинглар, отамнинг ёнларига кўминглар!

1953 йилнинг март ойида қалин қор ёқкан. Халқлар доҳийси Иосиф Сталин жон талвасасида ётган, таҳликали кунлар, соатлар, дақиқаларда отам ҳам оғир бетобланиб қолдилар. Биздан шошилинчнома олган амакиларим оёқларини қўлларига олиб, отамнинг тепаларига учиб келишиди, уларга ҳамдард, мададкор бўлишиди. Чамамда, отамнинг менга қилган васиятларини амалга ошириш фурсати тобора яқинлашмоқда эди. Лекин Аллоҳнинг марҳамати билан отам бери қарадилар. Ҳаммамизнинг ичимизга бироз чироқ ёнди. Фурсат топиб, Кенжахон амаким менинг ўқишим, қандай қасб эгаси бўлмоқчи эканлигим билан қизиқдилар. Мен дилимдагини ўйламай-нетмай тилимга чиқардим:

— Худо хоҳласа, Олим Хўжаевга ўхшаган актёр ёки ёзувчи, журналист бўламан!

Бу гапни эшитган амаким ҳайрон бўлиб, дарров отамга юзландилар:

— Қори ака, ўғлингизнинг гапини эшитдинги эми? У артист ёки ёзувчи, журналист бўлармиш! Ўзи ҳеч қачон бизнинг авлодимиздан артист чиқсанми? Ё тавба! Бу нима деялти? Ёзувчи бўлиб, Жулқунбойнинг куни бошингга тушиб, авахтада отилиб кетмоқчимисан? Ёки баъзи кунгабоқар шоир, қаламкашларга ўхшаб, об-ҳавога, қуёшга қараб, шеър ёзиб кун кўрмоқчимисан! Бунакада қандай қилиб ота-онангнинг ёнига кирасану, уларнинг оғириини қачон енгил қиласан? Шунча ука-сингилларингни ким тарбиялаб ўқитади, узатади, уйлантиради? Яхшилаб ўйлаб кўр, ука. Холва деган билан оғиз чучимайди. Сенинг ниятинг хаёлий, осмондаги бўлмаган иш. Ота-бувангнинг қасбини қил! — дедилар азбаройи куйиб-пишиб, жаҳулари чиқиб.

— Майли, қўябер, ўзи билади. Ким бўлишини вақт кўрсатади, — дедилар отам секин овоз билан. — Унинг келажаги билан қизиққанинг учун раҳмат!

Бу жиддий гап-сўздан кейин эртаю кеч: «Ким бўлсам экан?» деган жумбокли савол, хаёл менга тинчлик бермай қўйди. Лекин барибир аввалги фикримдан қайтмасликка ҳаракат қиласдим.

Ўзимча театр-рассомчилик институти ёки университетнинг филология, журналистика факультетларига киришни режалаштириб, бунга ўзимни руҳан, маънан, жисмонан тайёрлардим.

1955 йили ўрта мактабни тутатиб, Тошкент шаҳрига, олий ўқув юртига кириш ҳаракатига тушибди. Шундай кунларнинг бирида яна отам бетобланиб кўрла-тўшакка ётиб қолдилар. Бутун олам кўзимга тор кўриниб, барча орзуларим чипакка чиқадиганга ўхшаб қолди. Онам, ука-сингилларимнинг юз-кўзларидаги фамташвиш юрак-бағримни эзарди. Аммо кўнглим тубининг аллақаеридадир умид учқунлари чақнарди. Орадан икки-уч кун ўтгач, отамнинг аҳволлари аста-секин енгиллашди, ўринларидан туриб, ўзларини эллааб олдилар. Руҳиятим пастлигини кўриб, кўнглимни кўттардилар:

— Искан, мен анча яхши бўлиб қолдим. Бу гал ҳам сизларнинг баҳтингизга Ҳудо мени асрари, қайтариб берди. Энди бемалол сафар анжомларингни йиғиширавер. Ҳудо хоҳласа, душанба куни Тошкентга кетасан, хоҳлаган жойингга ўқишига кириш учун хужжат топширасан.

Ўна куни шанбами, якшанбами эди, аниқ ёдимда йўқ. Кечкурун ҳовлимиздаги ариқ бўйига, супачага жой қилинди. Оила аъзоларимиз билан кечки овқатни бирга тановул қилдик. Дастан-хонга фотиҳа ўқилгач, отам мени ёнларига ўтқазиб, аста гап бошлидилар:

— Ўтган замонларда, Тошкент томонларда Абдусафихон деган бир бой бўлган экан. Унинг биттаю битта ўғли бор экан. Бой ўғлини Бухорои шарифга ўқишига юборибди. Ким Тошкентдан Бухорога борадиган бўлса, ўғлига оз-моз пул, майда-чўйда бериб юборар экан. Орадан бир йил ўтиб, ёзги таътилга чиқиб, ўғли Тошкентта бир келиб кетибди. Кейинги уч-тўрт йил ичидаги умуман қорасини кўрсатмабди. Ўқишимиз оғир, ортиқча вақтим йўқ, деган турли важ-карсон, баҳоналарни пеш қилибди. Хуллас, беш йилдан сўнг ўғли Бухородан Тошкентга қайтиб келибди. Буни эшигтан бойнинг дўст-қадрдонлари, маҳалладаги катта-кичик, қариндош-уруғлар муборакбод этиш учун унинг хонадонига ёпирилиб кела бошлишибди. Хурсанд бўлиб, терисига сифмаган бой дарров сўқимга боқилган буқа, бўрдоқи қўйини сўйидириб, катта зиёфат берибди. Ниҳоят, зиёфат якунида маҳалла оқсоқолларидан бири бойга мурожаат қилибди:

— Раҳмат тақсир, едик, ичдик, рози бўлинг. Энди муллаболани ҳузуримизга чақирсангиз. Бизга озгина ҳисобот берсалар: Қаерга бордилар? У ерда нима билан машғул бўлдилар? Қандай қасб-хунар ўрганиб келдилар?

Бой овозини баланд чиқариб, кўкрагини мағрур кўтариб, ўғлини ёнига чақириб, оқсоқолнинг илтимосини унга етказибди.

— Хўп бўлади, бажонидил! — дебди ўғил тавозе билан ўнг кўлини кўксига кўйиб.

Кейин орқаси билан гисарилиб катта айвон остидаги ертўлага кириб кетибди. Ҳали чиқмасмиш, ҳали чиқмасмиш. Бундан отасининг хуноби ошиб, сабри чидамай, овозининг борича бақирибди:

— Қаерда қолиб кетдинг, ўғлим? Тезроқ келмайсанми? Оқсоқолларимиз сени кутиб қолишиди-ку!

Бунга жавобан ертўладан ўғлининг майнингина, нозиккина овози эштилибди:

— Вой ўлай, намунча одамни шоширасиз. Кийимларимни алмаштириб олай!

Бир маҳал ертўладан оёғига қизил этик, устига ҳаворанг ялтироқ шаровар иштон, оқ шоҳи яктак кийиб, хипчагина белига яшил белбоғ боғлатан йигит икки қўлида қайроқ тош ўйнатиб, югуриб ўргага чиқибди. Ҳамма йифилған меҳмонларга олдинмакетин ўгирилиб, эгилиб таъзим қилибди. Кейин ижро этадиган рақсига монанд куйни оғзида айтиб, нозик муқом, нозу ишварашима билан, қошларию елкаларини учирив, қайроқ тошларини шақиллатиб, ўйинга тушиб кетибди!

— Най-num, на-num, най, най,

— Най-num, на-num, най, най...

Кутилмаганда бундай бемаънилик, майнавозчиликдан анграшиб, ҳангу манг бўлиб қолган меҳмонлар, фотиҳа ўқишни ҳам унутиб, аста-секин ўринларидан туриб, ташқарига чиқа бошлишибди. Отаси бечора бошини қуий эгганича, ўлтирган жойидан қимир этолмай қолибди, ер ёрилмабдию, ерга кирмабди. Мана шунаقا гап, ўғлим! Энди Сиз хоҳдаган жойингизга ўқишга киришингиз мумкин! — дедилар негадир мени сизлаб, сўзларини якунлаб.

Мен бу ҳикоятни аввал диққат билан тинглаб, роса мириқиб кулдим. Кейин эса, бирор устимдан совуқ сув қуиб юборгандек, қаттиқ сескандим, вужудимни титроқ босди, йиглашимни ҳам, кулишимни ҳам билмай, эсанкираб қолдим. Бу ҳолат ўша кечаси ҳам, эртаси куни ҳам мени асло тарқ этмади. Поездга чиқиб Тошкент сари кетар эканман, йўл бўйи фикру зикрим ўша ибратли ҳикоят таассуроти билан банд эди. Ниҳоят, қатъий қарорга келдим. Ҳеч иккilanмай, хужжатларимни Тошкент Давлат тиббиёт институти қабул ҳайъатига топширдим, имтиҳонлардан муваффақиятли ўтиб, ота-бобо касбини эгалладим. Бироқ ҳали-гача нафис адабиёт ва санъат шайдосиман, гадосиман, адосиман, тақдиримдан асло нолимайман.

Институтнинг иккинч босқич талабаси эканман, бизга Иван Пантелеимонович Погорелко деган, сарғищдан келган, узун бўйли, озингина киши урология фанидан ниҳоятда қизиқарли маъруза ўқиди. У буйрак, сийдик йўлларида учрайдиган барча касалликлар ҳақида шундай жонли, илмий, ҳаётий далиллар келтириди, кўз олдимда отамнинг умри бўйи чеккан азоб-укубатлари гавдалана бошлади. Хаёлимда унинг халоскорини топгандай суюниб кетдим. Маърузадан сўнг, домланинг олдига бориб, дардимни тўкиб солдим, ёрдам беришини илтимос қилдим.

— Жоним билан! Фақат отангизни менинг олдимга иккала буйракнинг рентген тасвири билан олиб келинг, — деди.

Орадан икки-уч ҳафта ўтгач, отам билан бу мутахассиснинг қабулида бўлдик. У бизга аниқ ва лўнда жавоб, маслаҳат берди:

— Иккала буйрагингизда ёнғоқдек тош бор. Уни фақат жарроҳлик йўли билан олиб ташлаш мумкин. Хоҳласангиз шу бутуноқ бўлимимизга ётинг. Бунинг иложи бўлмаса, ўзингизга қулай фурсатда келинг. Мен сизга албатта ёрдам бераман. Операция жуда осон ва енгил ўтади, хавотирланманг.

Шифокорнинг бундай самимий ва дўстона қабули, маслаҳатидан руҳланган отам ўша куниёқ, Ўзбекистон дорихоналар Бош бошқармаси бошлиғи номига ариза ёзиб, ўринларига вақтинча одам топиб, дорихонани расмий ҳужжатлар асосида эгасига топширгунларича яна икки-уч ҳафта ўтди. Ниҳоят, орзиқиб кутилган ҳаяжонли дақиқалар ортда қолди. Қўли енгил жарроҳ-уролог Иван Пантелеимонович Погорелко операцияни замонавий, янгича усуlda амалга оширди, бор-йўғи йигирма дақиқада иккала буйракдаги тошни хамирдан қил суургандай тош олиб, уни эсадалик учун отамнинг қўлларига тутқазди.

— Э, офарин, қўлингиз дард кўрмасин, Домла! — дедик унга миннатдорчилик билдириб.

Кейинчалик, аниқроғи, 1963 йили И.П. Погорелконинг «Буйрак ва сийдик йўлларидаги тошларни жарроҳлик усулида физиологик ҳамда тўқималарни асраб-авайлаш йўли билан даволаш» мавзусидаги докторлик диссертациясини муваффақиятли ёқлагани, профессор унвони олганидан қанчалик қувонганимиз, 1964 йили эса, унинг бевақт вафот этганидан қаттиқ изтиробга тушганимиз ҳам ҳақиқат. Яхши одам, бағри кенг олим, саховатли Устоз, мураббий эди.

Операциядан сўнг отам бир куни Чорсудаги трамвай йўли айланаси ёнидаги сартарошхонада сўзамол ва дилкаш ўртоқлари Сайдгаффорқори уста ҳузурида сухбатлашиб ўлтирсалар, бу ерга

ёшлик қадрдонлари Маман раис келиб қолибди. Улар анчадан бери күришмагани сабабли құчоқлашиб, йиглашиб ҳам олишибди. Кейин бир-бирларидан ҳол-аҳвол сұрашибди.

— Қаерларда юрибсан Абдурағиқ, ҳеч күрінмайсан ўртоқ?

— Ҳа, энди түпроқдан ташқари дегандай, ўн йилдан бери Охангарон тұманида яшаб, ишлаб турибман. Бола-чақалар күп, уларни бир амаллаб оёққа турғизиш ҳаракатидаман.

— Нима, шаҳарда сенга жой қуриб қолибдими? Тошкентта күчиб кел, истаган жойингдан қуруқ ер ажратиб беришга құrbим етади.

— Яхши бўларди, — дебдилар отам бундай таклиф, илти-фотдан хурсанд бўлиб, — тахминан бизга қаердан жой беришингиз мумкин?

— Чопонота, Катта Қанғели ҳудудидаги хоҳлаган жойингдан!

— Чопонота атрофида бўлса, яхши бўларди-да, ўртоқ. Нега десангиз, бу ерда қайнонам, қайним Тўлаганхўжа яшашади. Бундан ташқари...

— Нима, бундан ташқари? Тортинмай, кўнглингдагини айтавер, оғайнини.

— Мозорга яқинроқ жойдан берсангиз яна ҳам дуруст бўларди, демоқчиман.

— Эсинг жойидами? Келиб-келиб сендай жонажон ўртоғимга қабристон ёнидан жой бераманми?

— Беравернинг ўртоқ. Нега десангиз, болаларим ҳали ёш. Худо кўрсатмасин, тўсатдан ўлиб-нестиб қолсам, уларга оғирлигим тушмасин дейман-да! Мени бир амаллаб, мозор деворидан нариги томонга ошириб юбориша бўлди, у ёғига ўзим йўл топиб кетаман! — дебдилар денг ҳазиллашиб.

Бу қалтис ҳазилдан бир сесканиб тушган Маман раис гапни жиддий томонга бурибди:

— Яхши гапга ҳам, ёмон гапга ҳам фаришталар омин дер экан. Ниятингни яхши қил. Майли, сазанг ўлмасин ўртоқ. Қозоқ мозор яқинидаги катта соя-салқин майдон сенга бўла қолсин. Ёнидан серсув ариқ ҳам ўтади. Ўша жойда бола-чақант билан яйраб, яшнаб яшагин, яхши тўйлар қилгин! Айт, ўша қайнинг Тўлаганхўжа менга тезроқ учрашсин! — дебди раис хайрлашар экан.

Яхшининг шарофати билан дегандай, шу баҳона 1958 йилнинг эрта баҳорида оиласиз Тошкентта кўчиб келди. Бизга ажратилган азиз ва табаррук жойда узундан узун иморат қуриб, ҳовлини боғу-роғға айлантиридик, кетма-кет тўйлар қилдик.

Минг афсус ва надоматлар бўлсинки, бу жойда узоқ яшаш, кўшаш-кўшаш фарзандлари камоли, иқболини кўриш отамга насиб

этмади. Ўзлари ярми ҳазил, ярми чин маънода айтиб, орзу қилганларидек, Чопонота қабристонидаги хилхонамиз, оталари Абдураҳмон эшон Қози Домла ёnlаридан мангулликка макон топдилар. Аллоҳ уларни ва барча умидворларни ўз раҳматига олган бўлсин, омин.

## ОНАЖОН, КАЪБАМ ЎЗИНГ, СЕНСИЗ ЖАҲОННИ НА ҚИЛАЙ?..

Она деганимда, оқ соч, жафокаш,  
Мунис ва меҳрибон чехранг намоён.  
Сен, ахир бағрингда қилиб парвариш.  
Кўзимга бахш этдинг кўзгудек жаҳон.  
*Faфур Гулом*

Яна Зуҳриддинхон тогамизнинг эсдаликларига мурожаат этамиз: «Қамарияхон асли тошкентлик, Сузукота маҳаллалик оддий уста, дурадгор Саидаҳмадхўжа ва уй бекаси Камолхон жуфтлигидан 1917 йилда дунёга келган тўнгич фарзанди қобил эдилар. Юқорида айтганимиздек, Қамарияхон турмуш ўртоқлари Абдурафиққори вафотидан сўнг, бир этак, етти нафар етим, сафир болаларни бағрига босиб, шафқатсиз тақдир даҳшатидан довдираб, эсанкираб қолмади. Абдурафиқ қорининг орзу-умидларини рўёбга чиқаришни ўзининг инсонийлик бурчи, қатъий васияти деб ҳисоблади, жасорат камарини белига маҳкам боғлади. Уйига яқин ташкилот, муассасалардан бирига қора ишчи бўлиб ёлланди. Бу жойдан ҳар ойда оладиган 60–70 сўм миқдоридаги маош билан чекланиб қолмасдан, ҳовли саҳнига укроп, кашнич, петрушка, сабзи, пиёз, редиска ва бошиқа кўкат уруғларини сепиб, ўт-алафлардан тозалади. Бўш вақтларида шом қоронгусигача бозорда бўлди, ҳатто укропнинг қуруқ чўпи, бошқа кўкатларнинг илдизигача рўзгорнинг бир чеккасига яратиш, ҳаражатга муҳтожлик сезмаслик чораларини кўрди. Бўшаб қолган ер ўрнига яна турли кўкатлар уруғларини сепиб, тинимсиз меҳнатдан асло тинмади.

Мана шу арзимас, кўзга кўринмас, аммо ниҳоятда машаққатли ва ҳалол даромад ҳисобидан етим болани оч-яланғоч қўймасдан, не ҳасратда вояга етказди, кам бўлмади.

Шуниси алоҳида диққатга сазоворки, Қамарияхон туфайли бу аҳил, тутув, меҳнаткаш, жафокаш оила аъзоларининг барчаси ақлли-хушли, одобли, олий маълумотли, уй-жойли, бола-чақали бўлиб азиз ва меҳрибон волидаи муҳтарамалари боши-қошида

эрта-кеч парвонадирлар. Уни ҳар йили икки-уч маротаба турли шифохона, дам олиш масканлариға жойлаштириб, саломатлигини мунтазам кузагиб, мустаҳкамлаб турадилар. Бундан ташқари уларга шунчалик яхшиликлар қилиб, ажайиб мұйжизалар яратган оналарини бир манзилда узоқ қолдириб, зериктириб құймаслик учун навбати билан ўз уйларига олиб кеталилар, меҳр-саховат күрсатадилар, унинг күнгли истаган орзу-ұавасини мұхайе қила-дилар.

Қарабисизки, Қамарияхон эндиликда ҳаётда ҳеч қандай қийинчилик күрмагандай, шоқона иззат-хурматда шукроналик билан фаровон, осуда ҳаёт айшини сурмоқдалар. Бунга астайдил қойил қолиб, ұавас құймасликнинг иложи йүқ. Илоҳо, барчамизга ҳам шундай кетмас давлат, баҳт-саодат ёр бўлсин, насиб этсин!

— Унинг кўз қорачигилек асраб-авайлаб вояга етказган фарзандлари-дилбандлари, меҳри пайвандлари ким? — деган саволга ҳам жавобимиз тайёр.

Тўнғич фарзандлари **Искандархон** ҳарбий шифокор, ижодкор. Унинг рафиқаси Шарофатхон Саидвалихон қизи шифокор, қайнонаси ва турмуш ўргогига чинакам маддакор, ҳамкор, оиласидаги барча катта-кичик қайнилари, қайнисингиллари ва овсинларига она ёнида онадай меҳрибон, оқила, юксак фаҳм-фаросатли, садоқатли жанговар сафдош, сирдош, суҳбатдош аёл. Келиб чиқишилари менинг онам Қундузхон, оталари томонидан эса Юнус Ҳожа Эшон, Шайх Зиёвиддинхон ибн Эшон Бобохон ҳаразатлари авлодларига бориб тақалади.

Шавкатхон тиббиёт фанлари номзоди, қўли енгил, таникли ва тажрибали шифокор, тиниб-тинчимас меҳнаткаш, ниҳоятда самимий, камтар ва дилкаш йигит. Рафиқалари Саидахон менинг суюкли неварам, олий тоифали болалар шифокори, соғлиқни сақлаш аълочиси, моҳир ташкилотчи, талабчан раҳбар, меҳрибон она, бувидир.

**Муҳаммадин Абдурашодхон** (Шуҳратхон) Мавжудаҳон билан институтда бирга ўқиётган вақтларида турмуш қуришган, икковлари моҳир меъмор. Улар узоқ йиллар Ангрен шаҳри, Жиззаҳ вилояти, Тошкент шаҳридаги бир қатор нуфузли илмий-тадқиқот муассасалари, ташкилотларида фидокорона меҳнат қилиб, қишлоқ ва шаҳарларимизнинг замонавий руҳда қурилиши, гуллабяшнашига улкан ҳисса қўшаётган ҳақиқий зиёкор, бунёдкорлардан.

**Марвияхон** Тошкент тўқимачилик институтини тугатиб, ўрта мактаб ўқувчилариға тикувчилик ҳунар-касбини меҳр-муҳаббат, сабр-тоқат билан астайдил ўргатган, ниҳоятда жонкуяр, саҳо-

ватли, меҳрибон устоз, мураббийдир. Турмуш ўртоқлари таникли олим, фан арбоби, архитектор, профессор Ҳамидула Салоҳидиновнинг ота-боболари ўзимизнинг Эшонгузар маҳалласида яшашган. Онлари Муҳаббатхон исми жисмига монанд ажойиб, бебаҳо аёллар сирасига кирадилар.

**Мавлудаҳон** моҳир шифокор, филокор, вафодор қатъий сўзли, меҳр-оқибатли, солиҳа аёл. Турмуш ўртоқлари тиббиёт фанлари доктори, профессор, таникли энидемиолог олим, талабчан ва моҳир ташкилотчи, Мумтозхон Ҳакимов бизга яқин Камолон маҳалласидан бўлиб, бир-бирларига ниҳоятда меҳр-муҳаббатли, мурувватли, шириңсўзли Муинхон ва Атияхон оиласидан туғилиб, камолга етганлар.

**Абдусафихон** – Ўзбекистон Давлат мукофоти соҳиби, Ҳалқаро меъморлар академиси мухбир аъзоси. Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз ва бошқа шаҳарлардаги қадимий ёдгорлик ва обидаларни тиклаш ва қайта таъмирлашдек хайрли ва савобли ишларга бош-қош, масъул ходим, иқтидорли, талабчан, раҳбар, ташкилотчи. Рафиқаси Вазирахон моҳир, қўли енгил шифокор-стоматолог, улдабурон тадбиркор, меҳр-оқибатли, меҳрибон дўст, дугона бўлиб, Садриддинхон тогамизнинг неваралари, Назруллахон ва Гўзалхонларнинг қизлари ҳисобланади.

Ва ниҳоят, оиласинг энг эркатой ва ширинтой, кенжатой аъзоси бўлмиш **Маъфурахон** университетнинг биология факултетини тутгатгач, тиббиёт муассасалари ва ўрта мактабда ўз соҳаси бўйича ишлаб, Саидаъзамхондек мўмин, қобил, қўли очик, устоз кўрган моҳир тадбиркор йигит билан турмуш қуриб, баракали катта хонадон бекаси бўлиб баҳтли ҳаёт кечирмоқда. Фотимахон аямизнинг укалари бўлмиш Сайдкомилхон ва уларнинг меҳри дарё рафиқалари Каримахон аянинг энг суюкли келинларидан биридир.

Назаримизда Абдурафиқхўжа ва Қамарияхон барча фарзандларининг феъли-атворида ота-боболари, она-момолари, аммалари қон-қони ва жон-жонида бўлган энг яхни, ноёб хислат, фазилатлар озми-кўп ўз инникосини топган, уларнинг исмижисми, юз-кўзи, гап-сўзи, имо-ишораси, ҳатто овози шираси, ҳатти-ҳаракати, юриш-туришларида акс-садо бераётгандек, ўтган авлодлар изи йўқолмагандек туюлади. Бу аввал-охири ўтган аждод-авлодларимизнинг барҳаётлиги эмасми? Бундан қувонмай, тўлқинланмай бўладими?

Шу маънода бу аҳил ва иттифоқ оиласида дунёга келган зурриётлар, фарзанди аржумандлар, дилбандлар ҳақида гап кетадиган бўлса, уларни таърифлашга тилимиз ожиз, сўз, қофоз-қалам

хазинамиз етишмайды. Аллоҳ уларни ўз ҳибзу ҳимояс�다 арасасин, бир-бирларидан кам қилмасин! Оталари Абдурафиққорини Худо раҳматий ва жаннатий қилган бўлсин! Оналари Қамарияхон меҳнатларининг роҳатини кўриб, узок йиллар соғу саломат бўлиб, баракали, баҳтли ҳаёт кечирсинглар, омин!»

Бу самимий дил изҳорларидан сўнг хаёлимда бир воқеа жонланди. 1966 йилги Тошкент зилзиласидан кейин ҳаммамиз уяси бузилган ари, чумолидай ҳар томонга тўзғиб, оммавий равишда қурилиш ишларига шўнғиб кетган пайтларимиз. Ишонасизми, ўша даврда бошқаларни билмадиму, шахсан менинг кўзимга негадир ҳамма нарса лой, тупроқ, цемент, гишт, тахта, ёғоч, мих-сих бўлиб кўринарди. Эҳтимол отасиз, катта хонадон тўнғич фарзанди сифатида асосий масъулият зиммамда бўлганилиги, ёш ука-сингилларимнинг тинчлиги, фарогатини ўйлаб, ўзимни ўтга-чўққа уриб, тиним билмаслигим оқибатидир. Чунки қурилиш материаллари етипмасди, уларни бозор-ўчардан сотиб олишга қўнимиз калталик қиларди, очиги.

Бир куни ишхонамдан аввал ишлатилган 5-6 метрли, узун ва йўғон тўсинларни атиги 50 сўмга харид қилиб, уни не қийинчилик, маشاққат билан улкан тиркама юқ машинасига ортиб, ҳалқа йўли орқали Зангиота туманидаги Эшонгузар даҳаси марказидаги пилорама, ёғоч арралаш дастгоҳи ўрнатилган даргоҳга келтириб тушибдим. Кейин укаларим билан икки-уч марта ўша ерга бориб, тўсинларни михлардан аранг тозаладик. Энди навбат уларни арралаш, teng иккига бўлишга қолганда қор, ёмғир ёғиб ишимиз ортга сурилди. Тўсинлар анча вақтгача қаровсиз қолди.

Бир куни ўйкусиз ва оғир ўтган навбатчиликдан сўнг ёғочларимдан хабар олай деб ўша даргоҳга келсам, унинг атрофига бир одам айланиб юрибди. У мени қўрди-ю, дарров олдимга келди. Биз яқин қариндош бўлганимиз учун кучоқ очиб қўришдик, ҳолаҳвол сўрашдик. Менинг ҳасратимдан чанг чиқди. Иморат қуриш ташвиши билан чарчаганим, қарз-курзга ботганимни айтдим. Дарҳақиқат, ўша пайтларда ука-сингилларим ёш, ҳаммалари ўқийди. Онамнинг эрта-кеч бозорда кўк сотиб топганлари-ю, биз эр-хотиннинг ойлигимиз кунимизга учма-уч яраб турибди. Ҳали уста, ҳали ҳашарчи, ҳали бошқа қурилиш анжомларига пул зарур. Қора қозон қайнashi, катта-кичик ўз вақтида еб, ичиши керак. Хуллас, нима қилишимни билмай, асабим таранг бўлиб юрган кезларим. Иложи бўлса, шу ёғочларни сотиб, пулини бирор коримга яратиш ниятим ҳам йўқ эмас эди. Кайфиятим бузук, аҳволим мушкуллигини сезган қариндошимиз мени яхши гап билан лўлидай авраш, кўнглимни овланига жон-дили билан киришди:

— Жон укам, азиз жигаргүшам Искандархон! Бу күнлар тез ўтиб кетади, унут бўлади. Лекин биздан бир-биримизга яхшилик қилганимиз қолади. Худо сенга куч-кувват берсин, пиру устозлар мададкор бўлсин. Тупроқ олсанг олтин бўлсин. Йигит кишининг мол-мулки, рисқу насибаси кўчада, ерда. Худо сени кам қилмасин. Бўёғини айтсан кимсан, барчага меҳр-саҳоватли Абдурафиқори акамнинг ўғлисан, Абдураҳмон эшон Қози тоғамизниг невара-ларисан, асли-насли тоза, покиза йигитсан. Ҳозир ота-боболаримизниг барҳаёт руҳи шу атрофларда, тепамизда кезиб юрибди. Уларнинг руҳи шод! Бизни бугун бу ерда аввало Худо учраштириди. Сенинг ҳам, менинг ҳам мушкулимиз осон бўлади, иншоллоҳ! Илоҳо, Рафиқ акамни, Ҳожи тоғамизни Худо раҳматий ва жаннатий қилган бўлсин, ётган жойлари нурларга тўлиб, хур қизларга, фаришталарга ҳамнишин бўлишсин, омин. Энди қўлингни менга бер, укам. Яхшилигинг, муруватингга мендан қайтмаса, Аллоҳдан қайтсан. Ҳаммасини ўзи кўриб, билиб турибди. Бир эмас, тўққизга болам бор. Ҳаммаси ёш, қўлидан бир чақалик иш келмайди. Мен ҳам сенга ўхшаб, иморатнинг ташвиши билан адой тамом бўлдим, пичоқ келиб, бўғзимга қадалди! Иморатимга ёғоч қидириб юрган эдим, баҳтимга Худо сени менга етказди. Шу ёғочларингни менга бер, укам.

— Йўқ, ёғоч ўзимизга ҳам керак. Мен сизга фақат дардимни айтган эдим холос, — дедим азбаройи қўзимга ёш олиб.

— Йўқ, йўқ, укажон! Мени умидсиз қилма. Кўнглингни сезиб, билиб турибман. Ёғочни бегонага сотма, менга бер, укам, Сени ўлгунимча дуо қиласман. Бундан Рафиқ акам, Ҳожи тоғамизниг руҳлари шод бўлади, жигарим. Отанг мард эди, сен ҳам бир мардлик қил. Қани қўлингни бер, бор барака!

Бу узундан узун дуо, илтижо дийдиёми ёки ҳақиқатан ҳам менга, марҳум ота-боболарим шаъни, шарафига айтилган самимий дил изҳори эдими, нималигига тушуна олмай, кўнглим бўшашиб, ич-ичимдан хўрсиниб, бор-ей деб, қўлимни силтаб юборганимни ўзим ҳам билмай қолдим:

- Ола қолинг, Сизга ёғоч керак бўлса, Эшон ака!
- Пули қанча бўлади, укам?
- Ўзингиз инсоф билан билиб берарсиз.
- Албатта, албатта!

Кейин менга орқа ўгириб, пул санадилар-да:

- Майли оз бўлса ҳам, кўп кўрарсан, барака топ! — дедилар қўлимга бир нарса қистириб, — рози бўл, жигар!
- Розиман! — деб нарига кетдим. Худди елкамдан тоғ ағдаришгандай, ўзимни жуда енгил ҳис қилдим. Сал чеккароқقا бориб,

Күлимдаги пулга қарасам, ғижим-ғижим майда қофозлардан иборат 50 сүм! Мен қачондан бери шунча овораю сарсон-саргардон бўлиб қилган меҳнатим баҳоси шу қадар қадрсизлиги-дан хўрлигим келди, ўкириб йиғлаб юборай дейинимга оз қолди. Беихтиёр орқамга ўғирилиб, яна бояги жойга қайтдим, қариндошимизга рўлара келдим.

— Берган пулингизнинг чўфи жуда паст-ку, Эшон ака! — дедим томоғимга бир нарса тиқилгандек паст овоз билан.

— Ҳозирча бори шу. Энди мени ишдан қолдирма, ука! — дедилар бепарвогина гапни калта қилиб. У фирт текинга сотиб олган ёғочларининг тепасида ўзи билан ўзи овора, маҳлиё. Ҳамма иши бирдан битадигандек хурсанд, қулогига менинг гапим кирмасди ҳам, ёқмасди ҳам.

Йўлда кетар эканман, қўлимга оз бўлса ҳам, ҳалол ва беминнат пул тушгани, уни қуп-қуруқ рўзгоримнинг бир чеккасига ўйнаб-ўйнаб ишлатишмдан ўзимда йўқ қувониб, тўппа-тўғри Фарҳод бозорига келдим. Бу ерда кун бўйи тикка туриб, сувга қотган нон ботириб, кўкат сотиб ўлтирган муштипар ва ҳокисор, сабр-тоқатли онаизорим билан кўришиб, саломлашдим. Бўлиб ўтган воқеани оқизмай-томизмай уларга айтиб, қўлларига 25 сүм узатдим.

— Вой Искандар, эссиғина, нега унақа қилдинг? — дедилар онам юраклари ачишиб.

— Ҳа майли, бош-кўзимдан садақа. Ёғоч топилади, инсон топилмайди, яхшилигига яратсин, буюрсин! — дедим хайлрашиб. Кейин қолган пулимга майда-чуйда харид қилиб, уйимга бордим. Дастурхоннинг тўкинлиги, рўзгорнинг бутлигидан бола-чақаларим хурсанд. Тинч, хотиржам ётиб, ором олдим.

Эшитишимча, мен бозордан кетганимдан сўнг чамаси иккичу соат ўтгач, нима иш биландир айланиб, Тўлаган тоғам онамнинг олдиларига келибдилар. Онам дарров уларга мен билан яқин қариндошимиз ўртасида бўлиб ўтган ёғоч олди-сотдисидан жуда ачинганларини кўзда ёш билан айтибдилар.

Бу гапни эшитган тоғам ўша заҳотиёқ машиналарига ўтириб, бир пастда Эшонгузарга учиб борибдилар. У ерда Эшон ака 20 та тўсинни қоқ ўртасидан арралатиб, қулинг ўргулсан 40 та бўлакни юқ машинасига ортаётган экан. Тоғамнинг авзойини кўриб, унинг рангида ранг қолмабди.

— Бу нима қилганинг, номард! Етимлар ҳақини ейишга уялмайсанми? Нега ота-боболарнинг арвоҳдарини ўртага солиб, жиянимни авраб, алдаб, арzon гаровга шунча ёғочини сотиб олдинг? Қолаверса, уч йил олдин мендан ялиниб-ялиюгланиб

юз сўм қарз олиб, ҳалигача думингни хода қилиб юрганинг эсингдан чиқдими, ёлғончи?! Энди қўлга тушдингми, муттаҳам?! – дебдилар тоғам важоҳат билан унинг ҳиқилдоғидан олиб.

– Ҳа, эсимда, кечирасиз, – дебди қариндошимиз кўрқаписа. – Худо хоҳласа, олган қарзимни қайтараман.

– Бўлди, энди қайтармасанг ҳам майли. Ҳозирдан бошлаб сен билан орамиз очиқ. Қарзингдан бутунлай қутулдинг! Бу ёғочлар меники!

Шундан кейин тоғам машинага ортилган ҳамма ёғочларни уйимизга келтирибдилар. «Юргурнники эмас, буюрганники» дейишгани шу бўлса керак-да! Мен буни қаёқдан билай.

Яна бир ачинарли, унтилмас, аммо ибратли воқеа ёдимга тушди. 1994 йилнинг бошларида онамнинг тоблари қочди. Бемалол овқат ютаолмаётганликлари, кўкраклари орти ачишиб, оғриётганидан шикоят қила бошладилар. Биз дарров уларни тегишли шифокор-мутахассисларга кўрсатиб, шошилинч муолажа чораларини амалга оширидик. Аммо улардан заррача наф бўлмади, аҳволлари борган сари оғирлашарди. Шунга қарамай, улар тушкунликка тушмай, Яратганга шукrona айтиб, сабр-тоқат билан дардни енгишига ҳаракат қиласдилар. Биз кесча-кундуз олдиларида навбатчилик қилиб, дуоларини олардик.

Наврӯз байрами арафасида ўтган йилнинг якунига кўра, «Тошкент оқшоми» газетаси саҳифаларида ҳарбий-ватанпарварлик мавзусида эълон қилинган туркум мақолаларим кўрик-танлов ғолиби деб топилди. Мен 50 минг сўм пул мукофоти билан тақдирландим! Ҳаммаёқда дув-дув гап! Бу пул купонда бўлгани учунми, ўша куниёқ бир гуруҳ ижодкор ўртоқларимни меҳмон қилишимга аранг етди. Лекин фурсатдан фойдаланиб, катта танлов совриндори бўлганимни онамга жўшиб-тошиб гапирав эканман, Худонинг ўзи кечирисин, озгина шумлик ишлатдим:

– Онажон! Бу отнинг калласидек катта мукофот, менга эмас, сизга берилган. Шунинг учун мукофотингиз муборак бўлсин! Бугун-эрта иккаламизни қутлаб, бу ерга яқин ёр-дўстлар, қариндош-уруғлар гала-гала бўлиб келишади. Одамнинг бори бор, йўғи бор, шошилиб, қийналиб қолмайлик, тўғрими? Розилик берсангиз, Наврӯз байрами муносабати билан қуда-андада, яқин қариндош-уруғ, ақа-ука, опа-сингилларимизни бола-чақалари билан уйимизга чақирамиз. Баҳонада улар бағрингизда бир яирашсин.

– Мукофотга олган пулинг шунча меҳмонларни кутишга етармикин? – дедилар маъноли жилмайиб.

– Етади, ҳали ортиб ҳам қолади, онажон!

— Майли, топганингга Худо барака берсин. Укаларинг, сингилларинг ҳам қараб туришмас. Дийдор ғанимат, болам, ҳаракатингни қилақол.

Шундай қилиб, байрамга икки кун қолганида оила аъзоларимиз кенгашида маслаҳатни бир жойга қўйдик. Ҳовли, уй хоналарини тезликда тартибига келтириш, меҳмонларни кутиш, дастурхонга энг зарур тансиқ таом, пишириқларни қўйиш, таъминлаш чоралари, режасини туздик. Ўтказажак тадбиримизга видеотасвирчи, шунингдек, хушовоз хонанда Шомурод Фармоневни ҳам таклиф қилдик. Онам унинг ижросидаги «Онажонинг рози қил» қўшиғини жуда яхши кўрардилар. Йиғинимиз биз ўйлагандан ҳам аъло даражада, чирошли ўтди.

Онамиз қуда-андалари, азиз ва мўътабар меҳмонларни кўриб, улар билан суҳбатлашиб хурсанд бўлдилар. Шу лаҳзаларда кўнгилларидан нималар ўтганию, ўзларини қандай сезганликлари, турли таомларнинг ёқимли ҳидидан беҳузур бўлганлари, аммо уларни татиб кўриш имконияти йўқлигини ҳеч кимга сездирмас эдилар. Бу фақат Худога аён эди, холос. Биз фарзандлар эса, шу аҳволни кўра, била туриб, юз-кўзимиз кулиб турса-да, ичимииздан қиринди ўтар, онамизнинг тобора хиралашиб бораётган кўзларидаги мунг, сўлғинлик, мадорсиз дилларидаги афсус-надомат, армонни чуқур ҳис қилиб, қалбимиз ярага туз сепгандек ачишар, борлиғимиз билан ёниб-кўйиб, йиғлашимизни ҳам, кулишимизни ҳам билмасдик.

«Э, воҳ, бизни эрта-индин қандай оғир кўргилик, мусибат кутмоқда», дердик ичимиизда ўзимизга ўзимиз.

Ўша куни видеотасвирга туширилган лавҳаларни кўриб, оҳанрабо тасмасига ёзиб олинган онамнинг майнин ва ёқимли овозларини эшитар эканман, руҳлари ҳамиша тирик ва биз билан бирга эканликларига ўзимни ишонтиргандай бўламан:

«Мен ўзимнинг қадди-қоматимни кўзимнинг нури, юзимнинг қизили, белимнинг куч-қуввати бўлмиш Искандархон туфайли кўтариб олдим. Худога беадал шукур, отасидан етим қолган болаларимни уринтирмайман, суринтирмайман, дилларини оғритмайман, ўксинтиrmайман, кўз ёшларини тўқдирмайман деб, ўзимни не-не қийинчилик, азоб-уқубатларга дучор қилдим. Уларни ўзим емай едирдим, киймай кийдирдим, кўнглимдагидай араб-авайлаб, тарбиялаб, вояга етказдим, илмли, маърифатли, уй-жойли қилдим. Бунинг учун бизни ўз вақтида қўллаб-қувватлаб, меҳр-шафқатлари, мурувватлариларини дариф тутмаган барча қариндош-уругларимиз, яхши одамларга мингдан минг раҳмат! Уларнинг барча яхшиликларига биздан қайтмаса, Худодан

қайтсин. Бундан бүёғига ҳам соғ-саломат, аҳил, тотув бўлайлик. Ўғил-қизларимиз қўшгандари билан қўша қаришсин. Невара-чевараларимиз ақлли, одобли, соғлом, баркамол инсонлар бўлиб вояга етишсин, яхши касб-хунарларни эгаллаб, гўшангларга келин-куёвлар бўлишсин, ўзларидан кўпайишсин. Уларнинг фақат роҳатларини кўрайлик, ғам-ташвишларини кўрмайлик. Сафардагилар эсон-омон бағримизга келсин, дардмандларнинг дардига Худо шифо берсин, қаторимиздан ҳато бўлмасин! Илоҳо, барчамизни Аллоҳ ўз паноҳида асрасин. Ўтганларимизни Худо раҳматий, жаннатий қилган бўлсин. Узр, бироз кўпроқ гапириб юбордим. Яхши, ёмон гапирган бўлсан, мендан рози бўлинглар. Мен Сизлардан мингдан минг розиман. Эътиборингиз учун раҳмат!

Орадан бироз вақт ўтиб, Шавқатхон укамиз ўзига тегишли ҳовлиниңг икки чеккасидаги иморатларни бир-бири билан боғлаш, яшаш учун қулайлик яратиш мақсадида қурилиш ишларини бошлаб юборди. Ҳа демай, иморатнинг деворлари ҳам кўтарилиб, навбат лўмбоз босишга келди. Бу ҳашарда мен ҳовлиниңг ўртасидаги чуқурга тўқилган тупроқни кетмон ёрдамида сув билар қоришириб, гўраша ҳолида челакларга солиб, томга узатадиган бўлдим.

Талъатхон кўча томондан икки челакда тупроқ ташиб, мени шошириб турибди. Қарасам, кайфияти пастроқ, бир нимадан норози бўлгандек, қовоқларини солиб, хўмрайиб юрибди. «Тинчлики? Саломатлигинг яхшими?» десам, тузукроқ жавоб қайтармади. Негадир чукур уҳ тортиб, хўрсиниб қўйди. Билдимки, кўнгли нималандир ғаш, ичига чироқ ёқса, ёнмай турибди. Шу пайт унинг кайфиятини кўтариш учун бир шумлик ишлатгим келди.

У қўлидаги икки челак тупроқни бўшатиб, ташқарига чиқиб кетганида дарров бир энлик қофозга бир-икки жумлани тез қоралаб, уни липпамга қистирдим. Талъатхон навбатдаги тупроқни келтириб, энди чуқурга тўқмоқчи бўлганида, уни тўхтатиб, гапга солдим:

— Нега, ичимдагини топ деб, қовоғингни уюб, хўмрайиб юрибсан, бўтам? Мен сенга нима ёмонлик қилдим? Мухаббат домига илиниб қолдинг, шекишли? Бирорта қизни ёқтириб, ошику бекарор бўлиб қолган бўлсанг, исмини айт, манзилини менга бер. Ўзим дарров бориб, масалани ижобий ҳал қилиб келаман.

Бу гапдан кейин бола пақирнинг икки кўзи чараклаб, йиғлаб юборишига оз қолди чамамда. Бошини аста кўтариб, менга маъноли қаради:

— Катта ойим бу ақволда ётган бўлсалар. Ҳозир бунақа гап кимнинг қулогига ёқади, — деди тили аранг қалимага келиб.

— Бўлди, сени тушундим, — дедим жиддий оҳангда. — Биринчи муҳаббат дарди, аламини биз тортганмиз, бутам. Сен бундай фам-ташвишдан озодсан. Менга эркалик қилиб, дардингни айтганинг учун раҳмат! Энди бошингни кўтар, ташвиш қилма.

Бүёғини менга қўйиб бер, — дедим унинг кўнглини кўтариб. У ташқарига чиқиб кетгач, липпамга қистирилган бояги хатни олиб, гўё уни тупроқ ичидан топиб олгандай оёғимдаги лой билан югуриб, онам ётган хона эшиги олдида пайдо бўлдим.

— Онажон! Талъатхон болангиз бир қизни яхши кўриб, ошиқи беқарор бўлиб қолибди! Рухсат берсангиз, бугунми, эртагами ўзим совчиликка борсам. Мана, Сиздан уялиб, менга ёзган хати. Челакдаги тупроқ ичидан чиқди: «*Отажон! бир қизни севиб, Севинчим ичимга сизмаянти! Катта ойим розилик берармикинлар?*» дебди.

— Она рози — Худо рози! Уйимиизда тўй бўлсин, ўлим бўлмасин! — дедилар онам майин жилмайиб.

Кейин хат қўлма-қўл ўтиб, бўлажак куёв йигитнинг ота-онасига етди. Улар бу воқеадан ҳайрон бўлиб қолишли. Аслида «Шамол бўлмаса, дарахтнинг учи қимириламайди», деганлари рост. Мен ҳам анойи эмасман. Талъатхоннинг юз-кўзидаги яширин маъно, сирни унинг юриш-туришидан пайқаган эдим. Ориятли, андишали йигит эмасми, уйдаги вазиятни тўғри тушуниб, дардини ичига солиб юрганидан озми-кўпми хабардор эдим. Баҳтим шуки, барча ука-сингилларим, ҳатто жиянларим мени ўзларига яқин тутиб, нозик ички сир-асрорлари билан ўртоқлашишади, мен ҳам уларга тўғри ва самимий маслаҳат, йўл-йўриқ кўрсатаман. Бу сафар ҳам шундай бўлди.

Орадан кўп ўтмай, янги қудаларимиз билан келишиб, биринки ҳафта ичидан тўй қилиб, невара келинимиз Севинчхонни ҳам эсон-омон тушириб олдик. Мақсад — онажонимиз бизга ғаниматлар, тўй қанча тез ўтса, шунча яхши. Шу сабабли она-мизни ортиқча шовқин-суронлардан асраш учун асосий тўй тантаналарини Чилонзор савдо марказидаги тўйхонада ўтказдик. Лекин келин салом албатта ўз уйимиз, кошонамиизда бўлди.

Эрталабдан маҳалламиздаги Баҳтиёр сурнайчи ёнидаги карнайчи, чилдирмакаш дўстлари билан beminnat хизматга келиб қолди. Бироқ, ориятли, андишали қудаларимиз қўшни хонада оғир ақволда ётган онаизоримизни безовта қилмаслик учун истиҳола қилиб, карнай-сурнай чалдирмасликка қаришиши.

Аммо бу түйни, карнай-сурнай садосини, айниңса невара келиннинг саломини интизорлик билан кутиб ётган ҳушёр ва сезгир онамиз нега шу пайтгача карнай-сурнай, чилдирмаю, ноғора овози чиқмаётганидан хавотирда, ташвишда эдилар.

— Хой, болам, ҳой қизлар! Ҳали ҳам карнайчи, сурнайчилар келишмадими? Акангга айтинглар, ўнинчи Гулистон кўчасида яшайдиган Бахтиёр сурнайчини дарров олиб келсин! Тўй тўйдек бўлсин! Келин саломга карнай-сурнай ярашиади! — дердилар илтижоли оҳангда кўзларига ёш олиб.

...Тўйдан кейин, август ойининг ўрталарида кун бўйи онамнинг тепаларида мижжа қоқмай ўтириб чарчабманми, кўзим бироз илиниб, ширин уйқуга кетибман, туш кўрибман денг!

Катта мовий кўлла оққушлар жуфт-жуфт бўлиб, ғақ-ғақ деб, бир-бирларини қувлаб сузиб юришганмис. Бир маҳал нима бўлдию, улар безовталаниб, олдинма-кетин париллаб осмонга кўтарилишди. Чўчиб уйғондиму, ҳеч нарсага тушуна олмай, ўзимдан ўзим бақириб юбордим:

— Оққуш! Оққуш учди!

— Қанақа Оққуш? Бу ерда ҳеч қанақа Оққуш йўқ-ку! Нима дейнисиз ўзи? Алаҳсираяпсизми? — дейишди ёнимдагилар гапимга ҳайрон бўлиб.

Ҳа, ўшандан ҳам нафақат тушимдаги мовий кўлдан, балки дилим уммонидан, юрак-багрим қат-қатларидаги қону жонимдан онажоним, оққушим осмони фалакка учган, мангулик қаърини қучган эдилар! Буни Аллоҳ менинг дилимга соглан, бир лаҳзалик уйқумда ўз ҳикмати, куч-қудратини аён қилган эди. Бунисига ҳам беадад шукур! Шу тариқа тушимда кўрган-кечирганларимни оқ қофозга туширдим:

## ОҚҚУШ

*Мұхтарама волидаи меҳрибоним  
Қамарияхон Саидажмадхўжса қизининг  
ёрқин хотирасига*

Учди кўлдан Оққушим,  
Чиқди кўлдан оҳ, қушим!  
Сийнаси пок, мусаффо,  
Момиқдай юмшоқ қушим!  
Келасан деб, кутаман,  
Келмасанг оҳ, нетаман?

Оққуш, Оққуш, Оққушим,  
Олиб кетдинг эс-хушим!  
Келолмайман ўзимга,  
Бу ўнгимми, ё тушим?  
Келасан деб, кутаман,  
Келмасант оҳ, нетаман?

Оққуш, Оққуш, Оққушим,  
Қанотлари кумушим!  
Ўтар сенсиз наҳотки,  
Энди баҳор, ёз, қишим?  
Келасан деб, кутаман,  
Келмасант оҳ, нетаман?

Оққуш, Оққуш, Оқушим,  
Эсласам оғрир түшими!  
Хаёлимда ҳамиша  
Сен-ла кечган ўтмишим!  
Келасан деб, кутаман,  
Келмасант оҳ, нетаман?

Оққуш, Оққуш, Оққушим,  
Ёргү бўлсин маконинг!  
Йўлларингга интизор  
Искандаринг, Раҳмонинг.  
Келасан деб, кутаман,  
Келмасант оҳ, нетаман?

## РАҲМАТ БУВАМ, БУВИМ, ТОҒАМГА!

Күшнинг қўш қаноти бўлганидек, менинг ҳам она томондан бувам, бувим ва тоғам бўлишган, албатта. Саидаҳмадхўжа бувам Сузукота маҳалласидаги дурадгор Сайдолимхўжа оиласида XIX асрнинг сўнгги чорагида таваллуд топганлар. У зоти шарифнинг Сораҳон, Тоҷихон исмли опалари, Саидвалиҳон, Сайдумархўжа деган оға-инилари бўлишган. Бу оиласидаги эркаклар «Дил ба ёру даст ба кор» (Дилинг Аллоҳда, қўлинг меҳнатда бўлсин) шиорига қатъий амал қилиб, диний билимларни ўқиб, уқиш билан баробар ота касблари – устачилик, дурадгорчилик билан ҳам шуғулланишгани маълум.

Кувонарлиси шуки, бизнинг давримизда ҳам Тошкент шаҳрининг Чорсу, Чуқуркўпrik даҳалари оралиғида жойлашган қади-

мий Сузукота маҳалласининг бошидан охиригача аксарият маҳаллий аҳоли дурадгорчилик билан машгул. Бундан ташқари Сузукоталикларнинг дала ҳовлилари асосан Бўзсув бўйлари, Чопонота томонларда бўлгани ҳақиқат.

Баъзан беозор ёшлигим, шу маҳаллада яшовчи қариндош-уруғларимни қўмсаб, Сузукота кўчаси орқали Самарқанд дарвоза томон юрганимда димоғимга тез-тез ёғоч, қипиқ, пайраҳа ҳидлари урилади. Касби-хунари боис хонадонларда бири олиб, бири қўйиб ишлатилаётган электр арра, тахта тилгич, бурاما носиталарининг тинмай дариллаётгани, олдинма-кетин теша, болға, болта урилаётганидаги тараққа-туруқ овозлари элас-элас қулоғимга чалинади. Кўпчилик хонадонлар остонаси олдида дид билан тахланиб, усти юпқа елим парда ёпгич билан ўраб қўйилган, ёки юқ машинасими, аравадан туширилаётган катта-кичик ҳажмдаги сип-силлиқ ёғоч маҳсулотлари, тахта, рейкаларга кўзим тушади. Шундан биламанки, бу ерларда ҳали-ҳануз ота-боболар анъаналари изчил давом эттирилмоқда. Бу ниҳоятда ибратли ҳолат, албатта.

Нафсилембериини айтганда, «Бир йигитга қирқ ҳунар оз», дейишгани бежиз эмас. Бувамиз ёшликларидан жуда кўп касб-хунарларга чинакам меҳр-ихлос қўйиб, уларни маромига етказган қўли гул инсон бўлғаниларига шак-шубҳам йўқ.

Эсимни танибманки, бувам баланд бўйли, қадди-қомати тикка, йўғон гавдали, истараси иссиқ, оппоқ соқоли кўксига тушган, басавлат, бардам, бақувват киши эдилар. Уларнинг Чопонотадаги пастаккина, томсувоқли уйлари деворига қўшофиз миљтиқ осиғлиқ, ертўла ва болаҳоналарда, турли-туман асбобускуна: теша, болта, болға, пойтеша, арранинг бир неча хили, омбур, қайчи, чарх, мих-сих, қўйинг-чи, жондан бошқа ҳамма нарса тиқилиб ётарди.

Бундан ташқари, бувамнинг яхтак, чакмон ёки чопон усти, белларида доим бир эмас, бир неча қават-қават белбоғ, йўғон камар боғланган бўларди. Уларда: носқовоқ, кирки, пичноқ, қайчи, устара, қамиш қисгич, қайроқ тош, кўзгу, тиш сугургич омбур ва бошқа турли зарур воситалар маҳсус филоф, мосламаларда тартиб билан, ўзларига қулай жойлардан ўрин олган бўларди. Энди ўзингиз фараз қилинг: Бувам кўчада қаёққадир кетаётганиларида ёки чойхонада тенгқурлари билан гап-гаштак еб, чой ичиб, ҳузур қилаётган пайтларида кимдир уларга кутилмаганда мурожаат қиласди:

- Саидаҳмал ака, илтимос, битта чектирангиз.
- Марҳамат! — Ёнларида ихчамгина носқовоқ ва қулинг ўргулсин оғатижон нос тайёр.

— Саидаҳмад ака, бу соч-соқол қургур ўсиб, одам ажинага ўхшаб қолди-ку, барака топкур, хизматингизни аямасангиз.

— Жоним билан. Қани бир چеккага ўтайлик.

Қарабсизки, бувам дарров олдиларига оқ фартуқ тутиб, қўлларини ювиб, мижознинг елкаси, бўйнига сочиқ ташлаб, унинг боши, юзига илиқ сув югуртириб, совун кўпиртириб, ўткир устара, қайроқ, қайчиларни ишга соладилар. Кўп ўтмай, соч-соқоли сип-силиниқ, яшариб, яшнаб кетган мижознинг қўлига мўъжазгина кўзгуча, ойна тутқазардилар. Унга қараб, азбаройи ёшариб, ранги-рўйи бутунлай очилиб, куёшдек чараклаб кетган мижоз ўзини танимай қолганидан икки қўлини очиб дуо қиласди:

— Қўлингиз асло дард кўрмасин, баракалла!

— Устажон, шу десангиз, кенжатой ўғилчамиз, бовулга борганида... ачишаяпти, деб шикоят қиласяпти. Чамамда, ...пишиб қолганга ўхшайди. Унинг қўлини ҳалоллаб, чил-чил хасса қилиб қўйсангиз.

— Жоним билан! Қани, кетдик бўлмаса.

Ёки:

— Саидаҳмад ака! Менинг қўлимдаги беданам туллакка ўхшайди. Сайрашидан дарак йўқ. Қўйворсам, макиёнлар билан дон олишаяпти! Нима қилсан экан?

— Бунингиз қўлга ўрганиб қолибди. Ҳадеб силайвериб, қитиқ патини ўлдириб қўйибсиз. Шунинг учун энди уни тўрқовоққа солиб, осиб қўйинг, — дердилар ҳазиллашиб. Икки ўртада роса кулгу, қаҳ-қаҳа бўларди.

Ёшлик хотирамда бир воқеа сақланиб қолган. У ҳам бўлса, бувам ҳар йили баҳордан кеч кузгача жамоа хўжалигининг бедапоясида қоровулчилик қиласдилар. Табиийки, бедапоянинг энг баҳаво, кўзга яққол кўринарли жойига ёғоч сўри қўйилиб, чайла тикиларди. Унинг атрофига тўрқовоқларга солинглан сайроқи беданалар осиб қўйиларди. Ана манзараю, мана манзара, ана мазаю, мана маза! Ям-яшил бедазор, очиқ ҳаво, фир-фир шабада. Кун бўйи, ҳатто тунда ҳам чигирткалар тинмай чирқиллади, тўргайлар, беданалар бир-бирига навбат бермайди, юракда завқ-шавқ уйғотади, дала бағрига, овга чорлади.

Демоқчиманки, бувам ўта кетган бедана шайдоси эдилар. У киши бедана овига ниҳоятда ишқибозликлари сабабли ҳовлиларининг бир чеккасида Кимсан исмли шалпангқулоқ искович ит боқардилар. Ўзлари эринмасдан неча ҳафта, ойлаб маҳсус ёйма тўр, матраб тўқирдилар. Баъзан бизни саҳар чоғи, шабнам дурдай тўқилган бедазорга, бедана овлашга олиб чиқардилар. Бундай пайтларда бувамнинг жисми жонлари кулоққа айланар,

қаерда сайраётган бедана овози эшитилса, ўша ёқقا, жимсиз тикилиб қолар, ёnlаридаги киркини қўлларига олиб, унга жўровоз бўлар, искович итларини ўша овоз чиқсан томонга йўналтирас эдилар.

Исковичнинг жон-жаҳди билан яйраб, сайраб турган беозор бедана қаршисида тасодифан пайдо бўлиши, унга икки кўзини лўқ қилиб, сеҳрлаб, тикилиб туриши айни пайтда қувонарли ва таҳликали дамлар бўлар эди. «Эчкига жон қайғу, қассобга гўшт, ёғ», дейишганидек, бундай қисқа дақиқаларда биз искович ўрнидан қимиrlамай, қулогини динг қилиб турган жойга тез югуриб борар, жон ҳолатда унинг устига тўр ташлардик. Ит ўрнидан жилгач, бечора бедана пар этиб тепага кўтарила, аммо аёвсиз тўр ичидა қоларди. Энди уни қўлга олиш қийин бўлмасди. Бундай ҳолатлар ов давомида ўн-ўн беш, ҳатто ундан кўп марта қайтарилади. Бундан ташқари, ризқ излаб, нафс балосига йўлиқсан яна қанчадан қанча беданалар тузоқса ҳам тушишарди.

Қандай бўлса ҳам, ов ов-да! Одам боласи азал азалдан паррандаю даррандага кушандা, ёв-да! Наилож, ҳаёт тақозоси шу. Яшаш учун барча тирик жонзор интилиши, курашиши зарур-ку!

Энг асосийси, бувам бедана овидан ниҳоятда кучли завқшавқ, куч-қудрат олардилар, мириқиб ҳордиқ чиқараардилар. Кейин тутган беданаларини битта-битта саралаб, айримларини қўлларида авайлаб кўтариб, вақти-вақти билан оғизларига сув олиб, унинг қанотлари, юмшоқ патлари орасига пуркар, маҳсус смишлар бериб, тўрқовоқларга солиб, қачон ва неча дапқир сайрашини интизорлик билан кутар эдилар. Қолган беданаларни истеъмол қилиш учун яқин дўст-биродларига улашардилар. Бу ҳам ҳаётнинг ўзига хос лаззатини totиш, ўзгалар билан баҳам кўриш эди, холос.

Ёдимда. Шундай унутилмас, фараҳли кунларнинг бирида бувамнинг олдиларига лаби-даҳани шишган, қош-қовоғи тушган, энгагидан боши узра рўмол танғиб олган ўрта ёшлардаги бир йигит келиб, йигламсираб деди:

— Саидаҳмад амаки, уч кундан бери тишим қаттиқ оғриб, сира тинчлик бермаяпти. Ёрдам беринг, барака топқур!

Бувам ортиқча гап-сўзсиз, дарров беморнинг оғиз бўшлиғига бир назар ташлаб, уни оёқлари остидаги ўқариқ ичига ётқиздилар. Тиззаларини беморнинг кўкрагига аста тираб, оғзига омбур солдилар. Бир зарб билан унинг уч илдизли тишини суғуриб, қўлига бердилар. Бемор бечора «Оҳ!» дейишга ҳам улгурмай, оғзидаги қонни четга туфлаб, ўзича бирнима деб ғўлдираб миннатдорчилик билдириди.

— Энди икки-уч соат овқат емайсиз, — дедилар унга бувам — Жароҳат ўрнига шўрпахта бостириб қўйдим, бир пас туриб олиб ташлайсиз. Оғзингизни кунига беш—үн марта намокоб билан чайиб турасиз. Худо хоҳласа, яхши бўлиб кетасиз.

Ўшанда менинг ҳайратланганимдан ташқари, азбаройи қўрқиб кетганимдан кўнглим озиб, йиқилиб қолишимга оз қолган. Бунаقا қатъий, дадил ҳатти-ҳаракатлар қилиш учун одам зотига озмунча куч, журъят бўлиши керакми?

Тошкент Давлат тиббиёт институтига ўқишга кирганимдан сўнг бувамнинг не ҷоғли ҳозиржавоб, ҳожатбарор, кучли ва сабртоқатли, иродали инсон эканликларига яна бир бор гувоҳ бўлганман. У ҳам бўлса, 1957 йилнинг баҳорида навбатдаги бедана овидан сўнг бувам қаттиқ шамоллаб ётиб қолдилар. Аниқроғи, зотилжам касалига чалинлилар. Шу пайтгача гурзидек бақувват мушти билан тоғни урса талқон қиласидан девсифат одамнинг бирдан бўшашиб, куч-куватдан қолиши жуда ачинарли ҳол эди. У ҳаво етишмаслиги сабабли оғзини очиб, тез-тез нафас олар, ҳансирар эди. Лекин икки кўзини уйнинг тўрт чеккасига қатор қилиб осиб қўйилган тўрқовоқлардаги беданаларидан узмасди, уларга умидворлик билан тикиларди. Аксига олиб, совуқ ва қоронғу уйдаги беданалар ўз эгаларининг оғир дардига шерик, ҳамдард бўлишгандек, одоб сақлаб, миқ этишмасди. Мен бу ҳолатни сезгирлик билан кузатиб, дарров бувим ва тоғамни ишга солдим. Биз аввало ҳонани иситиш, ёритиш, қолаверса, беданаларнинг сув, донидан вақтида хабар олиш чораларини кўрдик. Қўлимга бувамнинг токчада ётган киркиларини олиб, унинг устига бармоғимни аста босиб, овоз чиқардим:

— Ва-вағ, ва-вағ, битбилдиқ... Биз сизга нима ёмонлиғ қилдик. Тезроқ сайрант, қоқиндиқ!

Буни эшитган тўрқовоқлардаги беданаларга жон кирди. Улар бири олиб, бири қўйиб, сайрашга тушиб кетишиди. Бувамнинг кайфиятлари ҳам бироз кўтарилди, юз-кўзларида нур балқиди, жилмайиш пайдо бўлди, нафас олишлари анча осонлашди. Бошларини, қуриган лабларини аста қимирлатиб, менга миннатдорчилик билдирилар. Орадан кўп ўтмай, рози ризолик билан бандаликни бажо қилдилар.

Биласизми, бувамни сўнгги йўлга кузатиш учун ҳовлига, жанозага тумонат одам йифилди. Аёлларнинг уввос солиб дод-фарёд чеккани ёнига занжирдаги искович итнинг бағрини ерга бериб, бошини қуи эгиб, увиллаши, кўзидан дув-дув ёш тўкиши қўшилди. Тўрқовоқлардаги беданалар эса, оғир йўқотиш, мусибат-

кетганидек, бувим ҳам битта майизни қирқа бўлиб, ҳамма билан баҳам кўрадиган саҳий инсон эдилар. Ҳали қарасангиз, бир тогора унга сут солиб, қориб, хамир оширган, тандирга гур-гур олов ёқиб, нон ёпган. Бир қарасангиз, мол-ҳолларга ўт, товуқларга дон-дун, сув берган. Бир қарасангиз, сигир соғиб, сут пишириб, қатиқ ивитган. Ҳали қарасангиз, уй кўтариб, тоғ-тоғ кир-чир юрган, йиртиқ-ямоқ тиккан ва ҳоказо.

Ўйга меҳмон келиб қолса, уни қаерга ўтказишни билмай, шошилиб қолар, остига кўрпача солиб, дастурхон ёзар, олдига бир пиёла қаймоқ, дурда, мева-чева, нон, иссиқ чой қўярдилар. Мабодо, уйга бирор келмай қолса, бундан ташвишланиб, ўзлари ҳам тинчимасдилар, биз болаларни ҳам ўз ҳолимизга қўймасдилар. Дарров бирор тоза, бўш шиша идишга сутми, қатиқ солиб, оғзини сабзи билан маҳкам беркитиб, қўлимизга тутқизар, қаёққадир, кимгадир бериб келишимизни буюрар эдилар.

— Фалончиникига учиб бориб, учиб келасан. Шуни қўлига бериб, тинч, эсон-омон ўтирганлигини билиб келасан.

Шундай ҳолат бувим бирор тансиқ таом, масалан, қовоқ, ўт-гиёҳли сомсами пиширганларидан ҳам қайтариларди, уларни ҳеч бўлмаса қўни-қўшниларнинг уйига чиқарардилар.

Қараб турсангиз, бувижоним бир пасда оппоқ дока рўмоларини бошларига ўраб, нимча ёки паранжиларини бошларига қия ташлаб, қаёққадир отланиб қолардилар.

— Фалончининг келини куни кеча кўзи ёрган эди. Кечаси тушимга кирибди. Ишқилиб, тушим яхшиликка кўринсин. Шундок бораману, изимга қайтаман.

Кечагидек ёдимда. 1966 йилдаги Тошкент зилзиласидан сўнг Чопонота даҳасидаги соя-салқин, мева-ченали уй-жойларимиз ўрнига янги лойиҳа асосида қўпқаватли иморатлар тушадиган бўлиб, ҳаловатимиз бузилди. Биз Катта Қанғли даҳасидаги жамоа хўжалиги, ҳозирги Гулистан, Қозигузар маҳалласидан қуруқ ер олиб, кўчларимизни кўтариб келганимиз. Ҳамма нарса ҳовлида. Офтоб аямай қиздиради. Тангадек соя анқонинг уруфи. Қимирлаган жон борки, «Ўзинг учун ўл етим», дегандек, қоп-қорайиб, қумурсқадек тиним билмайди. Ҳали белигача тупроқ ичидаги қора терга ботиб, инқиллаб-синқиллаб лой қоради, уни тепкилайди, пишиштади, фишт, гувала қуяди. Яхши ҳам ҳашарчилар бор, кўпчиликдан қуён қочиб қутула олмайди. Асосий мақсад — совуқ тушиб, қор-ёмғир ёққунга қадар, иморатнинг устини бир амаллаб ёпиш, қора сувоқдан чиқариш ва ичига кириб олиш. Шу боисдан на ҳашарчи, на устанинг қўли қўлига тегмайди, бош қашишга вақти йўқ. Бу ишларнинг барчасига пешонамизга битган яккаю ягона

тадбиркор, ишбилармон Тўлаганхўжа тоғамиз бош-қош. У кишининг айтганлари айтган, деганлари деган. Шу сабабли ҳеч ким уларнинг сўзларини икки қила олмайди, қўл қовуштириб ўтира олмайди.

Бир куни қурилажак иморатнинг пойдевори битиб, устига пахса девор урилаётганида, шу атрофни ўзларича айланиб, ишларнинг қандай кетаётганинги кузатаётган бувим тоғамни ёнларига чақирадилар, ётиғи билан, аста-секин гап бошлайдилар:

- Болам, шу қилаётган ишинг бироз хомроқми, дейман-да.
- Нега унақа дейсиз, ойи? Лойни роса пишитганмиз-ку!
- «Етти ўлчаб, бир кессанг» бўлармиди, болам.
- Бу нима деганингиз?

— Озгина шошқалоқлик қилибсан-да. Ҳеч бўлмаса, мен билан маслаҳатлашсанг бўлармиди?

- Сизга алоҳида жой, хона ажратдим-ку!
- Сен мени эмас, болаларингни ўйла.
- Уларга ҳам алоҳида, кенг, ёруғ хоналар қуришни мўлжаллаганман.

— Хўп, яхши, ниятингга ет, болам. Лекин дарвозаҳонага жой қолдирмабсан-ку, онанг ўргулсин! Бунақада уйга қаердан кириб-чиқамиз?

Тоғам бирдан ток ургандек каловланиб, бўшашиб қолдилар, бурунларининг учини майда тер қоплади. Ўйлаб кўрсалар, бувимнинг гапларида жон бор.

Иморат қурилиши бошланганидан бери лойиҳаси қайта-қайта тузилиб, неча бор ўзгартиришлар киритилганига қарамай, кейин-чалик бу ерда яшовчиларнинг кенг ва ёруғ хоналарга эга бўлишлари орзусида шундай жузъий камчилик, чалкашликка ҳам билиб-бilmай йўл қўйилтани аниқ.

Лекин мард, тантви чапани тоғам бувимнинг бу сабоқларидан кўзлари катта очилиб, иchlаридан қанча зил кетма-синлар, сир бой бермай, гапни ҳазилга буриб юбордилар:

— Қизиқсиз-а, ойи! Шунинг ҳам ташвишини қилиб юрибсизми? Мен хоналаримиз кенг, қулай бўлишини ўйлаган эдим. Қолаверса, уйнинг ичига қуш бўлиб, ё деразанинг туйнугидан, ёки итга ўхшаб, бир амаллаб тешикдан кирамиз-да! Бошқа иложимиз йўқ!

Бу гандан ҳаммамиз қорнимизни ушлаб, қотиб-қотиб кулганмиз. Бувим эса, худди ҳеч нарса бўлмагандек, ўз йўлларига равона бўлган эдилар. Тоғам иморат лойиҳасига жиддий ўзгартириш киритдилар, дарвозага кенг жой ажратдилар.

Кейинчалик, иморат битгач, бу обод, фаровон хонадонда Камолхон бувим бошчиликларида кетма-кет тўйлар бўлди, ҳовли, дарвозахона, кўчага ҳам одам сифмай кетди. Аммо бу тўйларда на карнай-сурнай садоси, на туғилган невараларнинг қувноқ қулгуси, беозор йиги-сифисини эшитиш тоғамизга насиб этмади. Тоғам раҳматлик куттилмаганда, 1983 йилнинг ёзида тенгсиз фалокат, фожеа қурбони бўлдилар.

Кексайган чоғларида фарзанд доғида куйиб, адои тамом бўлган бувим, ёшлари тўқсондан ошибб, ўз ажаллари билан кўз юмгуналрича, Яратганга шукур қилиб, тоатда, ибодатда, дуода бўлдилар.

Менинг шахсий архивимда бувимнинг турли йилларда оила-мизда ўтказилган тадбирларда оҳанрабо тасмасига ёзилган овозлари сақланади. Гоҳо бувижонимни соғинганимда, уларнинг хонадонимиз тўридаги оппоқ рўмолли нурли тасвир — сиймоларига қараб, қулогимга яқин, ёқимли, меҳр-сехрли овозларини кўзда ёш билан қайта-қайта эшиштаман: «Дунёни шаҳарларда сувдай қалқиб, тебраниб турибди, болам. Ҳаммамизни Яратганинг ўзи турли бало-қазо, ўт балоси, сув балоси, қуруқ түхматлардан асрассин. Сафардагилар бағримизга эсон-омон келсин. Дардманларнинг дардига Худо шифо берсин. Илоҳо, қўшганларинг билан қўшақариб, ўзларингдан кўпайинглар, уларнинг роҳатини, тўйларини кўринглар, ғамташвишини кўрманглар, бир-бирингизга меҳрибон, аҳил, иттифоқ бўлинглар, болам. Мендан кейин ҳам қариндош-уруглар билан борди-келдини асло узманлар. Айралганни бўри ер, болам».

— Сизни байрам билан табриклаб, олдингизга ҳеч ким келдими, катта ойижон?

Ҳа, келувчиларнинг кети узилмайди, Худога шукур. Кеча, тоғангнинг жонажон ўртоқлари Олим, Зоит, Мирпўлат, ҳаҳ, оти нимайди?.. Ҳа, эсимга тушди, Кўчқор, бир қофоз халтага майда-чуйда совға-саломлар солиб, мени кўргани келишди. Ҳақларига дуо қилдим. Бунаقا катта сарф-ҳаражат билан мени қарздор қилманглар, болам. Тўғри келиб, кетаверинглар, дедим.

Эрталаб маҳалламиздаги Маҳмуд сўфининг невара келини ҳам совға олиб чиқиб, бир пас ўтириб кетди, барака топкур. Умидахон қизим куёв эшон билан келиб, кетишди. Оталари Булбулқори отани Худо раҳматий, жаннатий қилган бўлсин. Оналари жуда бамаъни, ҳушёр хотин-да.

Ҳа, бу дунёга кимлар келиб, кимлар кетмади, кимлар етди, кимлар етмади, Ўлмасанг, ҳаммасини кўраверар экансан. Бунисига ҳам шукур. Дунёда меҳр-оқибат қолар экан. Айтмоқчи, катта қизинг Диёрахон болалари билан келиб кетди. Невараларнинг бир ширин

бўлишибдики, кўз тегмасин, кўзмунчоқ тақиб, исириқ солиб юборинглар, дедим. Диёрахоннинг қайноаси менга бир жуфт янги заифона калиш бериб юборибди. Ҳамма байрамларда мени йўқлаб туради.

Кеча туғилган бола-бақралар ҳадемай катта йигит-қизлар бўлишади. Тўйга тўйлар уланиб кетади. Илоҳо, ўша кунларда тўқис-тугаллик, ёруғ юз билан, эсон-омон дийдорлашайлик. Худо ўтган ота-боболаримиз, аданг, тоғанг, ҳамма умидворларни раҳматий, жаннатий қилсин, болам. Мендан рози бўлинглар, пишиб турган ошман. Менга кечакундуз қараб, атрофимда гирдикапалак бўлиб, парвариш қилиб турган Қамарияхон, келиним Мўътабархон, ҳамма қизларимга мингдан минг раҳмат! Уларнинг бу яхшиликларига мендан қайтмаса, Ҳудодан қайтсан, омин».

Қараб турсам, «Олма пишганида ўзи униб-ўсган дарахти тагидан нарига тушмас» экан. Қамарияхон, Мўътабархондан тортиб, сингилларим: Марвияхон, Мавлудаҳон, Маъфураҳон, келинларимиз: Саидаҳон, Мавжудаҳон, Вазираҳонлар, қиз неваралар: Умидаҳон, Ақидаҳон, невара келинлар: Шоҳидаҳон, Саодатҳон, Мусавварҳонлар катта бувилари Камолхоннинг феъли атворларидағи барча ажойиб фазилатларни ўзларининг кундалик ҳаёт фаолиятларига тўлиқ мужассамлантириб, фарзандларига оқизмай-томизмай етказишмоқда. Авлодлар давомийлиги шу бўлса керак-да, барака топишсин.

**ТЎЛАГАН ТОҒАМИЗ ЭДИЛАР БИТТА,  
ҮНТАГА ТАТИРЛИК ТАНТИ, ЧАПАНИ.  
ҚАНИЙДИ ҮХШАСА УЛАРГА ЭНДИ  
БИРОР ЗУРРИЁТИ ЁКИ ЖИЯНИ!**

Ҳозир ҳам тогам ўз қўллари, қуч-ғайратлари билан қурган ўши орзу-ҳавасли уй-жой, хонадоннинг чироги ёруғ, катта ва кенг дарвозаси қўни-қўшни, куда-анда, мәҳмонлар учун кечакундуз ланг очиқ, саҳиҳ ва тўкин дастурхон ёзуглик.

Бу дарвозадан замонавий енгил авто-уловлардан бир нечтаси, ҳатто баҳайбат «КАМАЗ» юқ машинаси ҳам бемалол кириб чиқади.

Демоқчиманки, ҳамма нарса ниятга боғлиқ экан. Нафақат дарвозаси, балки кўнгли кенг ва очиқ, бағри дарё, уммондай бўлған бу хонадон соҳиблари муҳтарама Мўътабархон ҳожи оналари раҳнамолигида бир тану жон бўлиб, аҳил ва тотув яшашмоқда, улар эрта-кеч аввали-охир ўтган жамики аждод-

авлодларимиз, хусусан бобо-момолари, оталари Тўлаганхўжа, барча умидворлар дуосида бўлиб, иймонда, эътиқолда барқарор, мустаҳкамдирлар.

Шундан келиб чиқиб, мазкур аждод-авлоднинг миннатдор вакили сифатида қўйидаги дил розим-изҳорим, алёrimни эътиборингизга ҳавола қилсан:

Ота дуосин олган,  
Она дуосин олган,  
Дилга зиёсин солган,  
Бувамизга минг раҳмат,  
Бувимизга минг раҳмат,  
Тофамизга минг раҳмат!

Ёд қиласиз руҳларин,  
Шод қиласиз руҳларин,  
Обод ётган жойларин,  
Аллоҳ қилсин раҳматий,  
Хур қизлар-ла жаннатий,  
Дилдан ўчмас ҳурмати,  
Бувамизга минг раҳмат,  
Бувимизга минг раҳмат,  
Тофамизга минг раҳмат!

## ҲАЗРАТИ ИНСОН

Одатда одамлар қабристон ёнидан ўтаётгандаридан қўлларини очиб, юзларига фотиҳа тортишади: «Шу ерда ётгандарнинг жойи жанинатда бўлсин, омин!» Мен ҳам ҳар сафар Самарқанд дарвоза кўчаси бўйлаб, Захариқ қабристони ёнидан ўтаётганимда шундай қиласман. Чунки бу ерга мен учун ниҳоятда азиз ва мўътабар инсон — устозим, атоқли адаб Ҳабиб Нўймон (1912—1975) дафн этилган. Йўлим тушса унинг қабри тепасига бориб, билганимча Қуръон тиловат қиласман. Шунда мени беихтиёр хаёл узоқ-узоқларга олиб қочади.

Болалигимдан қулоғимга кўп эшитилган Ҳабиб Нўймон деган ном кейинчалик ўз мазмун ва эътибори билан қалбим китобига кириб қолди. У киши аслида бизга яқин қариндош бўлиб, Сузукота маҳалласида яшар эдилар. Яқинларимиз уни «тога» дейишгани учун мен ҳам уларга шундай деб мурожаат қиласдим. Маълум бўлишича, Ҳабиб аканинг отаси ва бобоси замонасининг ўқимишли кишилари бўлиб, онлари маҳаллада отинойи деб

ном чиқарған мунис аёл бўлганлар. Отасидан эрта ажралган Ҳабибулла етти яшарлигига Куръони Каримни бошдан оёқ ёд олган, уни қироат билан ўқигандага жарангалаган овози етти маҳаллагага эшитилар экан.

Ҳабиб Нўймон 1941—1945 йилларда Ўрта Осиё ҳарбий округи (ҳозирги «Ватанпарвар») газетасида ишлаган. Урушдан кейинги йилларда эса бутун ҳаёти, ижодий фаолиятини қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантиришга баҳшида этиб, умрининг охиригача «Совет Ўзбекистони» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетасида ишлаб, элга етук журналист, алиб бўлиб танилган.

Мен ёшлигимда Ҳабиб Нўймон имзоси билан зълон қилинган мақола, очеркларни зимдан кузатиб юрардим. Эсимда, 1955 йили унинг «Фасллар», 1959 йилда эса «Ёшликда берган кўнгил» қиссалари босилиб чиқди. Иккинчи қисса ёшларнинг соф севги, муҳаббат йўлидаги курашлари, турмушга, оиласга янгича муносабатда бўлиш ҳақида ёзилган эди.

Отам раҳматли бир куни хизмат юзасидан Оҳангарондан Тошкентга келсалар Навоий театри ёнида тасодифан Ҳабиб Нўймонни учратиб қолибдилар. Эски қадрдонлар анчагача у ёқ-бу ёқдан гаплашиб қолишибди. Шунда отам мендан сўз очиб: «Бир олдингизга юборсам, гаплашиб кўрсангиз. Ёнида доим қофоз-қалам юради. Ярим кечагача нималарни дир қитир-қитир қилиб ёзгани-ёзган», дебдилар.

Шу баҳона бўлдию, мен 1955 йилнинг ёзида ўрта мактабни тутатиб, олий ўкув юртига кириш учун Тошкентга келдим. Ўша кезлари вақтли матбуотда бир-иккита хабарим босилган, мактабдош бир ўртоғимнинг тақдирни ҳақида «Орифнинг баҳти» деган воқеий ҳикояни қоралаган эдим. Уни ўн икки варақли дафтарга ихлос билан кўчириб, тўппа-тўғри Ҳабиб Нўймонга олиб бордим. У киши мени жуда илик кутиб олдилар. Бир оз гаплашганимиздан сўнг, қўлимдаги дафтарга ёзилган ҳикояни эринмай бошдан оёқ ўқиб чиқдилар-да, менга қараб:

— Эмон эмас, озроқ таҳрир қилиш керак. Аввал икки-уч нусха қилиб машинкада кўчиртиринг. Кейин менга бир нусхасини қолдириб кетасиз, — дедилар. Ишим осон битиши учун ўша ердаги Гулсум опа деган машинисткани мен билан таништириб қўйдилар.

Ёзган нарсамнинг нусхасини тоғамга топшириб, ўзим тиббиёт институтига кириш учун имтиҳонларга тайёрлана бошладим. Ўқишга киргач, Ҳабиб Нўймон билан қайта кўришишга, ёзган нарсамни суриштиришга вақтим бўлмади.

Шу орада Оҳангарондан Тошкентга кўчиб келиб, Чопонота даҳасидан ер олиб, иморат қуришга киришиб кетдик. 1958 йилнинг ёз ойлари бўлса керак, янги қурилаётган уйимизга катта амаким келиб қолдилар. Гапдан-гап чиқиб менга:

— Кеча Чорсуда Ҳабибулло қорини кўриб қолганлари, «Гулхан» журналида ҳикоям босилгани, уларга бир учрашиб келишим кераклигини айтдилар.

— Оёғимни кўлимга олиб, «Гулхан»га юурдим. Бош муҳаррир Эркин Жабборов:

— Ие, «Мехрибонлар» ҳикоясининг муаллифи сиз бўласизми? Нега шу пайтгача бизга учрашмадингиз? Журнализмнинг икки сонида ҳикоянгизни босиб чиқардик. Ҳозир тез бориб кассадан қалам ҳақингизни олинг. Кейин бир маслаҳатли гап бор, деб кўлимга ҳикоям чиқсан иккита журнални тутқаздилар.

Бешёғочдаги алоқа бўлимидан бели букилмаган йигирма беш сўмликнинг йигирматасини олиб, чўнтағимга солдим-да, йўл-йўлакай ҳикоямни ўқиганча уйга бордим. Пул ва журналларни отамнинг қўлларига тутқаздим. У киши ўзларида йўқ хурсанд эдилар, узундан-узоқ дуо қилдилар.

— Ҳабиб Нўймонга раҳмат дедингми?

— Уларни кўрганим йўқ.

— Дарров бориб миннатдорчилик билдири, жим бўлиб кетганинг учун узр сўра, — деб танбех бердилар.

Мен журналнинг бир эмас, икки сонида илк ҳикоям босилиб чиққанидан хурсанд эдим. Отамнинг гапларидан сўнг миннатдорчилик билдиргани Ҳабиб Нўймоннинг уйларига бордим.

— Э, келганингиз яхши бўлди, юринг бирга «Гулхан»га борамиз. Ўзим ҳозир ўша ёқقا кетаётган эдим, — дедилар. Мен ҳам индамай у кишига эргашдим.

Йўлда уйимиздагиларнинг ҳол-аҳволи, ўқишим қандай кетаётганлиги ҳақида сўраб-суриштирдилар. Гап орасида уларга миннатдорчилик билдирган эдим, у киши гапимни бўлиб:

— Менга эмас, сизга раҳмат! Сизни шу даражага етказган ота-онангизга раҳмат! Энди ижодни бўшаштирманг, қаламингизни қайраб туринг, — дедилар.

Элга машхур ёзувчи билан ёнма-ён кетар эканман, борлиғимни аллақандай, ҳали ўзим тўла англаб етмаган ажиб ҳис-туйғулар чулғаб олган эди. Ўртага тушган жимликни у киши бўлдилар:

— Шундай қилиб шифокор бўламан денг?

— Худо хоҳласа.

— Шифокорлар кўпайган сари касаллар ҳам кўпайиб кетяптику-а, бу ёфи қандоқ бўлди?

- Бўлса бордир. Ҳали биз касал кўрмаяпмиз.
- Нима дейсиз, Искандархон? — дедилар бир дақиқа юришдан тўхтаб, худди бир муҳим гапни сўрамоқчидай менга тикилиб. Кейин жиддий оҳангда давом этдилар.
- Шу... касал бўлгандан бўлмаган яхши-а?

Мен бирор жиддийроқ савол берсалар керак, деб бутун диққат-эътиборимни бир жойга жамлаб турган эдим. У кишининг қизиқ гапларидан кулишимни ҳам, кулмаслигимни ҳам билмай, бир пас довдираф қолдим. Кейин билсам, домланинг афоризмга айланиб қолган бунақа гаглари анча-мунча экан. Жумладан: «Оч юргандан — тўқ юрган яхши», «Бошнинг оғриши унинг борлигидан далолатдир», «Ёмон келин яхши қайнона бўлолмайди», «Дўстга хиёнат қилган киши Ватани, ҳалқига хиёнат қилмайди, деб ҳеч ким кафолат бера олмайди», «Ўз дардини унугиб, фарзандини ўйлаш фақат оналарга хос фазилатдир», «Шахмат — бу фақат доналарнинг тахта устида ўйнаши эмас, рақиблар ўртасидаги руҳий жанг ҳамдир», «Устозга фарзандидан кўра кўпроқ шогирдидан буюради», «Журналист учун аввал далил керак, сўнг мушоҳада» ва ҳоказо.

Ниҳоят, биз «Гулхан» журнали бош муҳаррири хонасига кириб бордик. Салом-аликдан сўнг гап мавзуи менга кўчди.

— Гап бундай, — дедилар Эркин ака муддаога кўчиб, — ҳикоянгиз кўпчиликка маъқул бўлди. Ҳабиб ака, Шуҳрат домла, Носир Фозиловлар уни кенгайтириб, ихчамгина қисса қилиш мумкин дейишияти. Сизга узоги билан 3-4 ой муҳлат. Қиссани ёзив, бизга топширасиз. Гап тамом, вассалом!

— Ие, устоз, ҳали мен бунақа асар ёза олмайман, тажрибам йўқ, — дедим ҳайрон бўлиб.

— Шундай ҳикояни ёзган одам, бемалол қисса ёзса ҳам бўлаверади. Энди сабр-тоқат билан астойдил ишласангиз бўлди. Мана, оқ фотиҳани Ҳабиб акам берадилар.

Хуллас, икквлари мени руҳлантириб, катта йўлга кузатишди. Айтилган муддатда қиссани ёзив тугатиб, Ҳабиб Нўймонга кўрсатдим. Кейин у кишининг тавсияси билан Эркин Жабборовга олиб бордим. Қиссадан айрим парчалар «Гулхан» журналининг 1962 йилги 5 та сонида кетма-кет босилди. Тўлалигича эса, ўша йили ёш ёзувчиларнинг республика семинар-кенгашида муҳокама қилиниб, атоқли адиларимиздан Шуҳрат, Саида Зуннунова, Пиримқул Қодиров, Шомил Алядинлар назаридан ўтди. Умуман яхши баҳо олди, айрим тузатиш, қайта ишлашлар билан нашрга топширишга тавсия этилди. Бироқ, тиббиёт институтини

тугатишим биланоқ, мени узоқ мұддатли ҳарбий хизматга юбориши. Шу сабабли бадий ижод билан узлуксиз шуғуланишга имконим бўлмади.

Гарчи бошқа соҳада ишласам-да, адабиёт ва санъат шайдоси эдим. Баҳоли курдат қалам тебратиб, машқларимни Ҳабиб Нўймонга кўрсатиб турар, унинг қимматли маслаҳатларини олиб турар эдим.

Биз бу киши билан ҳаётининг сўнгги дамларигача ота-боладек сирдош бўлиб қолгандик. Мен бу аҳил оиласининг ишончли шифокори, нажоткори сифатида уларнинг меҳри, ҳурмат-иззатига сазовор бўлгандим.

1973-1974 йилларда Ленинграддаги ҳарбий-тиббий академияда таҳсил олар эканман, Ҳабиб Нўймондан хат келиб қолди. Хатни бағримга босиб, қайта-қайта ўқиганим ҳали-ҳали эсимда. Ушбу хатни ҳозиргача ноёб хазина каби асраб-авайлаб келаман. Унинг қисқача матнини келтираман:

*«Ҳурматли жияним ва укам Искандархонга*

*Аввало, кўпдан-кўп салом. Ишингиз ва ўқишиларингизда катта муваффақиятлар тилайман. Сиҳат-саломатлик, яхши қайфиятлар билан дийдор кўришайлик. 29 декабрь. Ҳозир Тошкент вақти билан соат 10... Эрталабки чойни ичib бўлгач, кечқурун ёқилган пеккада қолган чўғни танчага солиб, пақирда кўмир олиб келдим-да, пеккага қаладим. Ҳўл кўмир ҳадеганда ёнавермади. Озгина ўтин ёриб келиб ёқдим. Ишимни қўлга олган эдим, кўнгилга сигмади, қалам тихирлик қилди. Бошқа қоғоз олиб, курсига ярим ёнбошлиб, сизга хат ёзаяпман. Янги йил табригинингизни олиб, хурсанд бўлдим. Ҳамидула, Диљёра сизга жавоб табриги юборибди. У вақтда мен касалхонада эдим. Касалхонаки, мен эмас, қизим Озода ётарди. Мен эса етти кеча-кундуз Taxtапулдаги юқумли касалликлар шифохонасининг эшигига бўлдим. Ундан кейин то ҳозиргача ҳар куни, хотиржамроқ бўлсан, кун ора участкадан тушиб касалхонага бориб келаяпман.*

*Салом хатда яхши гап ўрнига шунақа дард-ҳасратимни айтганимдан ранжиманг, киши ҳар кимга ҳам дардини айтавермайди...*

*Бошқа ҳаммаси жойида, барча соғ-саломат. Қариндош-уругларда ҳам осойишталик. Индинга одамлар Янги йилни кутуб олишади. Сиз ҳам шу баҳтиёр кечада дўстларингиз, ҳамкасларингиз билан яхши хурсандчилик қилишингизни, баҳт-саодат ҳамма вақт йўлдошингиз бўлишини чин кўнгилдан истаб,*

*Тоға-акангиз Ҳабиб Нўймон. 1973 йил, 29 декабрь.*

**Илова:** оноқингиз хат ёзсангиз мендан алоҳида салом айтни, деган эдилар. Бечора «Искандархон шу ерда бўлганларида, деб қўяди хўрсиниб».

Шу хатнинг ўзидан яққол кўриниб турибдики, муҳтарам зот нафақат мен, балки аввалимбор Ҳудо, қолаверса шифокорларнинг астойдил ҳатти-ҳаракатлари билан соғайиб, қуда-анда, неваралари билан ҳаёт гаштини сурәтган Озодахон ва бошқа ажойиб фарзандлари, неваралари-чеваралари, ҳамкаслари, маҳалладошлари, ноёб асарлари билан минглаб китобхонлар қалбидан чуқур жой олган камтарин, заҳматкаш, ҳожатбарор Ҳазрати Инсон эдилар.

Деярли бутун умрини ҳозирги «Ўзбекистон овози» газетаси билан боялаган, ўзининг бой тажрибасини доим ҳамкаслаб дўст-биродарлари билан ўртоқлашиб, меҳр-муҳаббатини қозонган, уларни сабр-тоқат, қунт билан тарбиялаган адаб руҳи доимо барҳаётдир.

## ОТА ҚАДРДОНИМ

Мен ҳамон уни сафимизда юргандек ҳис қиласман. Ҳар сафар машинадами ёки пиёда Самарқанд дарвоза кўчаси бўйлаб Зангига маҳалласидан ўтар эканман, юрагим беихтиёр жис этади-ю, болалигимдан дилимга гойибона яқин бўлиб қолган ўша танишном, ўша ёп-ёруғ, ҳузурбахш кеча хаёлимда жонланаверади.

Уруп йиллари эди. Мен бетоблиги туфайли ҳарбий хизматга қаҳирилмаган отам билан қўл ушлашиб, Чопонота ва Катта Қанғли даҳаларида истиқомат қилувчи буви, буваларимни кўриб келиш учун шу йўл орқали тез-тез ўтиб турардим. Эсимда, ҳар сафар кетишда ҳам, келишида ҳам катта йўл ичкарисидаги бир хонадондан албатта хабар олиб ўтардик.

— Анвардан хат-хабар келдими, ойи? — сўйарди отам салом-аликдан сўнг тўладан келган, баланд бўйли кампирдан.

— Ҳозирча ҳеч гап йўқ. Негадир хат-хабар келмаяпти. Тиқ этса, кўзим тўрт бўлиб ўтирибман, онанг қоқиндиқ. Ишқилиб, эл-юрт қатори болагинамнинг тани-жони соғ бўлсин. Эсон-омон бағримизга келиб, бола-чақасига ўзи бош бўлсин.

— Айтганингиз келсин!

Биз қўлимиздан келганча кампирнинг қўлига у — бу нарса бериб, изимизга қайтардик. Мен йўл-йўлакай отамни саволга кўмиб ташлардим:

— Анвар деганингиз ким?

— Ўртоғим.

- Қанақа ўртогингиз?
- Энг жонажон, меҳрибон ўртоғим.
- Энг жонажон, меҳрибон ўртоқ қанақа бўлади?
- Ўртоғи учун ҳеч нарсасини аямайди. Уни борида ҳам, йўғида ҳам уйдагиларидан хабар олиб, қўлидан келганча ёрдам бериб туради.
- Ҳозир ўртогингиз урушда бўлгани учун уни соғинаяпсизми?
- Жуда ҳам.
- Мен ҳам уларни жуда кўргим келаялти. Ойиларининг йиғлаганларини кўриб хўрлигим келиб кетди. Сизнинг ҳам йиғлагингиз келдими?
- Эркак одам йиғлоқи бўлмайди, Ҳар қанча оғир бўлса ҳам, ўзини тута билиши керак.

Отам шундай дерди-ю, менинг бошимни аста силаб қўярди. Унинг кўзларига қараб, бироз нам ва овозининг ғалатироқ бўлганини сезиб индамай қолардим. Кейин уни яна гапга тутардим:

- Ўртогингиз менга ким бўлади ўзи?
- Тоғанг-да, тоғанг.
- Тоғам урушдан менга нима олиб келадилар?
- Тинчлик, хотиржамлик, баҳт-саодат...

Ҳа, орадан кўп вақт ўтмай, айни пишиқчилик пайтида отам хурсанд бўлиб, мени бағриларига босдилар:

— Анвар тоғанг урушдан келибди! Тез юз-кўлингни ювиб, тоза кийим-бошингни кий. Бирга уни кўргани борамиз.

Биз ота-бола ўша таниш хонадонга борганимизда эшик остонасига ҳаммаёқقا сув сепилиб, ҳовлидаги катта бобоёнғоқ тагита жой қилинган, тумонат одам чақ-чақлашиб ўтиради. Отам озғингина, ўрта бўйли киши билан кучоқ очиб, қайта-қайта кўришди, яхшигина кўз ёши ҳам қилиб олди. Мен буни кўриб, унга далда бергандай бўлдим:

- Ўзингизни ушланг, эркак одам йиғлоқи бўлмайди.

Бу гапимни эшигтан бояги киши ҳоҳолаб кулди-да, мени бағрига босди, юз-кўзларимдан кетма-кет ўпди.

- Катта йигит бўлиб қолибсан-ку, жиян. Баракалла!

Шунда мен билдимки, бу одам ўша урушдан қайтган Анвар тоғам эканлар. Негадир, мен уларни оналарига ўхшаган баланд бўйли, йўғон, басавлат киши бўлсалар керак, деб ўйлагандим. Шунақа кичкинагина одам ҳам урушга бориб, кўкраги орден, медалларга тўлиб келганидан роса ҳайратланганман. Ўша куни кечқурун ҳовлининг икки чеккасига йўғон сим тортиб, эски пахталик чопон, кўрлачаларга қорамой сепиб, катта машъала ёқилди. Ҳовли саҳни ёришиб, роса парвона, чигирткалар ёғилди. Ёнғоқ

остидаги жой торлик қилиб, у тобора бўйига ва энига кенгайиб борарди. Ҳаммаёқни ёру дўст, ошна-оғайни, қариндош-уруфларнинг бсозор қаҳ-қаҳасию ўйин-кулгиси тутиб кетди.

Кейинчалик Анвар тогамни Бешёғочдаги трамвай йўли айланаси ўртасидаги дорихонада тез-тез кўрадиган бўлдим. Сабаби, тушлик вақтида онам билан бирга ўша ерда ишлайдиган отамга кунда, кун ора овқат олиб борардик. Тогамиз у ерда мудир, отам эса дорихат қабул қилувчи бўлиб, икки ўртоқ бирга ишлашарди. Тақдир тақозоси билан отам 1948 йилдан 1958 йилгача Оҳангарон туманининг Облиқ қишлоғидаги 158-дориҳонада мудир бўлиб ишладилар. Шу вақт давомида мен уларнинг бир-бирларига бўлган меҳр-муҳаббати, садоқати асло сусайманлиги, ўзаро дўстлик алоқалари тобора мустаҳкам бўлганлигининг бир неча бор шоҳиди бўлганман. Биз ўртадаги муқаддас дўстлик туфайли отамиз ҳаётдан эрта кўз юмиб кетганида ҳам жўжабирдек оиласиз билан ёлғизланиб қолмадик, доим яхши инсонлар меҳри, ардоғида бўлдик.

Муборак Ҳадису шарифда айтилган экан: «*Отангиз вафотидан сўнг унинг дўстлари билан алоқани давом эттиринг. Улар билан алоқани узсангиз, Тангри сизнинг нурингизни ўчиради (обрў-эътиборингизни насайтиради)*». Биз оиласиз аъзолари билан ушбу муборак кўрсатмага бир умр содик бўлиб келмоқдамиз. Ота қадрдонимиз Анвар Қосимхўжа ўғли оиласи, унинг зурриётлари билан ҳалигача меҳр-оқибат риштасини узганимиз йўқ. Қолаверса, Анвар Қосимхўжа ўғли босиб ўтган ҳаёт йўли, унинг феълиятворидаги қатъийлик, меҳнатсеварлик, ҳалоллик, ўз касбига, ёру дўстларига меҳр-оқибатлилик, камтарлик, юксак одамийлик хислатлари ўсиб келаётган авлодлар учун сув ва ҳаводек зарур, ибрат олишга арзирлик жавоҳир ҳазинадир.

Шунинг учун ҳам у билан боғлиқ баъзи икир-чикир воқеаларни қидириб топиш, эслашга ҳаракат қилдим. Ҳозирги кунда қариндош-уруғлари, насл-насабини етти пуштигача ҳаммадан кўра мукаммал ва яхши биладиган, ниҳоятда теран ва доно, ноёб ҳазинабон, жонли тарихимиз, кўйди-пишди аммажонимиз Муаттархон Афандиҳон қизининг ҳикоя қилишларига қараганда, Анвар тогамизнинг боболари Тиллаҳўжа, момолари Олияхон деган табаррук зотлар бўлиштан.

Мен муҳтарам Анвар тогамизнинг шахсий архивларида қолган хужжатлар билан танишганимда шу нарсага амин бўлдимки, у жуда катта жанговар ва шарафли йўлни босиб ўтган экан. Унинг ўз чиройли дастхати билан ёзган эсдаликларида ёзиши бўйича, 1929–1931 йилларда менинг отам билан бирга Тошкентдаги

Охунбобоев номли тиббиёт билим юртининг доришунослик бўлнимини тугатгач, бир неча йил Бухоро вилоятининг Кармана шаҳри, Сирдарё вилоятининг Мирзачўл (ҳозирги Гулистон) шаҳри, Боёвут пахтачилик совхозидаги дориҳоналарда фаолият кўрсатган. Бу орада албатта у 1941—1946 йиллари эл-юрт қатори Ватан ҳимоясида ҳам бўлган. Унинг жанговар йўли асосан Волхов, Ленинград ва 1-Украина фронтлари билан боғлиқ бўлган. Аёвсиз жангларда қон тўкиб, сув кечиб, ҳаракатдаги армиянинг энг оғир, энг масъулиятли нуқтаси, яъни ҳарбий-дала даволаш муассасаларини узлуксиз равишда зарур дори-дармонлар билан таъминловчи бўлинмаларда астойдил хизмат қилган.

Ҳаёт қийинчилклари, жанг машаққатларини мардонавор енгиб, юртига ғолиб қайтган Анвар Қосимхўжа ўғли умрининг асосий қисми Тошкент шаҳрининг Бешёғоч даҳасидаги ўнинчи ва Чилонзор тумани марказидаги биринчи даражали 362-дориҳоналарда ўтди. У деярли 40 йиллик мудирлик фаолиятини тинимисиз меҳнат, изланиш, яратиш, одамлар мушкулини осон қилиш, беморлар дардига малҳам бўлишдек ўта савобли ишлар билан ўтказди. У бошчилик қилган ҳар икки жамоа ҳалққа хизмат қилиш сифати ва маданиятини Йилдан-Йилга ошириб, ўзига бириклирилган тиббий муассасалар билан яқиндан алоқа боғлади ва доим пешқадамликни қўлдан бермай келди. Натижада бу жамоа ва унинг жонкуяр бошлиги Анвар Қосимхўжа ўғли эл назарита тушди, унинг ҳурмат-эътиборини қозонди. Анвар aka ёши катта бўлишига қарамай, 1955—1960 йилларда Тошкент доришунослик олий билимгоҳида сиртдан ўқиди, олий тоифали мутахассис даражасини олди ва ниҳоят, 1969 йили «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган доришунос» деган юксак фахрий унвонга сазовор бўлди.

Узоқ йиллар Анвар Қосимхўжа ўғли билан елкама-елка ишлаган Болтабой Исамуҳамедов, И smoил Аҳмадхўжаев, Жўрабек Лутфуллаев, Мажидхон Мўминов ҳамда унинг кўпгина шогирдлари билан қилган суҳбатларимиздан шу нарса аён бўлдики, лавҳамиз қаҳрамони ҳаётда ўзидан фақат яхши ном, яхши хотира қолдириб кетган экан.

Анвар Қосимхўжа ўғли ортида қолган ажойиб фарзандлари, юзлаб садоқатли жиянлари қатори мен ҳам ота қадрдоним, собиқ жангчи доришунос, уруш ва меҳнат фахрийси, камтарин, заҳматкаш Инсонни билганингим, унинг озми-кўпми дуосини олганлигимдан баҳтлиман.

## КЎКТЕРАК ЛУҚМОНИ

Муртазохон акани Кўктеракда етти ёшдан етмиш ёшгача ҳамма танийди. Кўктеракнинг Луқмони ҳакими деб уни астойдил иззатикром қилишади. Чунки у киши 1937 йилдан умрининг охиригача Кўктеракда яшаб, илдиз отиб, одамлар саломатлигининг посбони бўлган, неча юзлаб беморлар унинг қўлидан шифо топишган. Уруш йилларида бир қўлида қурол, бир қўлида жарроҳлик тифи билан жанг қўлган Муртазохон ака қанчадан қанча жангчилар ҳаётини сақлаб қолган. Урушдан кейин у яна севлан касбida ишлаб, шогирдлар этиштирган. Қувончлиси шуки, фарзандларининг тўрт нафари унинг изидан бориб, ота касбини улуғлашашапти. Муртазохон ака 1985 йилда пенсияга чиққанига қарамай, тинч туришни ёқтирамасди. Уни тез-тез шогирдлари, ёшлар даврасида кўрардик.

Ха, улар бобомиз сингари ниҳоятда сермаҳсул ва меҳр-муҳабатли тоғалар бўлганлар. Қолаверса, Муртазохон ака Кўктеракнинг энг обрўли, энг пиру бадавлат отахонларидан эдилар.

У кишининг фаол иштироки, маслаҳатисиз на тўй, на бошқа йиғин ўтарди. Турмуш ўртоқлари Маҳмудияхон ая билан 25 дан ортиқ невара, чеварани тарбиялашда ўғил ва қизларига раҳнамолик қилдилар.

Бир куни ўзаро суҳбатларимиз чоғида у киши кўлгилларида фаҳр, ифтихор билан менга шундай деганлари ёдимда:

— Сизнинг бобонгиз Абдураҳмон эшон менинг катта тоғам эканликларини биласизми?

— Узр, афсуски, йўқ.

— Бўлмаса, билиб олинг: XVIII-XIX асрларда яшаб ўтган Абдураззоқ эшоннинг Абдураҳмон эшондан бошқа яна Абдуқодир эшон исмли ўғиллари, Олияхонпошша, Ойпошшахон деган қизлари ҳам бўлган. Олияхон Абдуқаҳорхўжа ўғли Тиллахўжага турмушга чиқиб ўзларидан кўпайганлар. Улардан: Сирожиддинхон, Соҳибахон, Ҳабибахон, Нодирахон, Собирахон, Баҳрихон исмли фарзандлар туғилган.

Ойпошшахон эса Абдуазизхўжа билан турмуш қуриб, Турсунхўжа, Мухторхўжа, Ҳасанхўжа, Ҳусанхўжа, Набихўжа, Мушаррафхон деган фарзандлар кўрганлар.

Энг қизиги, Мушаррафхон Эшонхон эшонга турмушга чиққач, Эшонбуваҳон, Музаффархон, Мукамбархон, Муртазохон, яъни мен ва Оқилхонлар туғилиб, яна бир катта авлод тарқалган. Шу билан демоқчиманки, Мушаррафхон менинг туқсан онажоним бўлиб, бобонгиз катта тоғам эдилар.

- Бундан чиқди, Сизнинг онангиз менинг катта аммабувим бўлар эканлар-да!
  - Худди шундай!
  - Мана энди Эшонхоновларнинг бизга яқин аждод-авлод эканликларини билиб олдим. Раҳмат сизга!
  - Бу ҳали ҳаммаси эмас. Аждод-авлодларимиз тарихи, рўйхати жуда узоқ ва узун. Масалан, биргина Сирожиддинхон ва бошқа аммаларимиздан тарқалган Зухриддинхон, Сайданвархон ва бошқалар ҳақида кўп ва хўп гапириш мумкин.
  - Демак, Зухриддинхон Сирожиддинхон ўғли ва Сайданвар Қосимхўжаевлар бобомизнинг жиянлари бўлишган экан-да!
- Муртазохон Эшонхоновдан уруш йилларидағи хизматлари ҳақида сўзлаб беришни илтимос қўлганим ёдимда.
- Жанговар йўлим 1942 йилнинг январидан бошланган, — деган эдилар Муртазохон ака, — Фарбий фронтнинг 86-ҳарбий дала госпитали, 1-Белоруссия фронтининг 68-алоҳида танк бригадаси фаолияти билан боғланган. Ҳарбий-дала госпитали ординатори, тиббий-санитария взводи бошлиғи лавозимларида Калугадан Эльбагача бўлган жангларда қатнашганман. — У жанговар йўл машаққатларини хаёлан кўз олдига келтириб, бир дам сўзида тўхтаб давом этган эди. — Уруш ўз номи билан уруш. Жанг майдонидан келтирилган 50 дан ортиқ ярадор жангчини қабул қила бошладик. Шулардан жароҳати оғир 20 нафарига шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиб, уларни овқатлантириш учун 15–20 қадам наридаги чодирга бошлаб бордим. Чунки улар оч, жуда ҳолдан тойган эдилар. Орқамга қайтиб, қолган ярадорларга ёрдам кўрсата бошладим. Шу пайт ёнимизга бомба тушиб, қаттиқ порглаш бўлди. Ҳовлиқиб ташқарига чиқсам, ҳалиги қўшни чодир ҳам, ярадорлар ҳам йўқ. Ҳамма ёқ ер билан битта яксон бўлибди. Фақат 5-6 ярадорни бомба зарби атрофга улоқтирган, улар тупроққа яrim кўмилган ҳолда хушсиз ётишарди. Дарров уларни хушига келтириш чорасини кўрдим. Польшанинг Люблин деган шаҳарида ҳам худди шунаقا фалокат юз берганди. Жанг майдонига яқин жойда ярадорларга тиббий ёрдам кўрсата туриб, душманнинг ҳаводан қилган ҳужуми туфайли анча қурбонлар берганмиз. Бундай йўқотиш дамларида дардимизни бардош билан ичга ютиб, ўзимизни дадил тутишга ҳаракат қиласадик.
- Бу лавҳалар уруш ва меҳнат фахрийси, заҳматкаш шифокор, тиниб-тинчимас соғлиқни сақлаш аълочиси Муртазохон Эшонхоновнинг ҳаёт ва жанговар йўли, турмуш тарзидан бир шингил холос. Зотан у босиб ўтган йўл ва кечирган умр ниҳоятда ибратли на шарафлидир.

## ЧАВАНДОЗЛАР ШИФОКОРИ

Аслида Назруллахон ака бобокалонимиз Абдураҳмон эшоннинг неваралари, яъни тўнгич ўғиллари Абдуҳакимхўжанинг фарзандлари бўлганлар. У кишининг оналари Мушаррафхон Абдуқаҳорхўжанинг Каттахон исмли (эрлари Мақсад қори) қызлари бўлиб, холалари Робияхоннинг келинлари эдилар. Бир оғиз сўз билан айтганда, икки туғишган опа-сингил куда-андада бўлишган эди.

Афсуски, мураккаб ҳаёт, тақдир тақозоси билан икки ёшнинг турмушлари яхши қовушмай, икки ўртада ёш Назруллахон сарсону ҳайрон қолиб, эр-хотин ажралиб кетишиди. Лекин бобомизнинг шахсан ўzlари, бу кўнгилсиз воқеада боланинг айбисиз эканлигини назарга олиб, уни асло ўкситмаслик чора-тадбирларини белгилаганлар, азиз жигарпорамиз севимли аммалари, амакилари, яқин қариндош-уруглари ардоғида, эътиборида бўлганлар. Бунга жавобан Назруллахон рафиқаси Гўзалхон ая билан ўртадаги меҳр-оқибат ришталарини асло узмаган, балки уларни тобора мустаҳкамлаган, мардлик, фидойилик намуналарини намоён этганлар.

Раҳмоновлар сулоласи, айниқса катта амакимиз учун энг оғир, кечирилмас ҳолат, Мушаррафхон аямизнинг бошқа турмуш қуриб, якка-ёлғиз ўғилларининг ўғай отаси номи билан аталиши бўлди. Амаким ўла-ўлгунларича йўл қўйилган бу хато изтироби билан афсус ва надоматда яшадилар. Шунга қарамай, тўнгич фарзандларига бўлган меҳр-муҳаббат, оқибатларини ҳеч кимдан яширмадилар. Назруллахон акам 1947 йили Гўзалхон аямизга ўйланганларида амаким ўzlари тўйда шахсан қатнашмасалар ҳам четдан туриб, оталик вазифаларини, бажонидил бажардилар, моддий-маънавий ёрдам кўрсатдилар.

Мен отам билан бу тўйнинг бошидан охиригача иштирок этганман. Қирчиллама совуқ бўлишига қарамай, Садриддинхон тоғамизнинг Эшонгузарлдаги ҳовлилари бир чеккасидаги қўйилган ёғоч сўри устига қават-қават кўрпача солингган. Унда савлат тўкиб ўтирган домла кўёвнавкарга келган йигитлар, гувоҳлар иштириклида келин-куёвни шаръий никоҳлар экан, бир сўз айтгани ёдимда:

— Абдуҳакимхўжа ўғиллари Назруллахон...

Шу бир оғиз сўзининг ўзиёқ, ўртадаги барча тушунмовчилик, келишмовчиликларга чек қўйиган эди гўё. Бу хушхабар амакимнинг кулоқларига етгач, уларнинг хуфтон кўнгиллари ёришиб, кўкраклари нечоғлик тоғдек қўтаришганини ҳис қилиш қийин эмасди.

Шу воқеа сабаб, кейинчалик ота-бола ўртасидаги муносабатлар, маънавий муҳит, иқлим тобора яхшилангани қувонарли

эди. Бундан руҳланган амаким Назруллахон акам икки қизлари Ақидахон, Валидахонларни турмушга узатганларида Садриддинхон тогамизнинг ёnlарида тўйга бош-қош бўлдилар, ёшларга яхши фотиҳа бердилар.

Энг муҳими, 1958 йилнинг 20 декабрида, отам тўсатдан вафот этганларида, 1955—1961 йиллари Тошкент тиббиёт институтида ўқиб, 1961 йили уйланганимда, 1974 йилнинг 5 октябрида узоқ давом этган оғир хасталикдан сўнг Абдуҳакимхўжа амаким бандаликни бажо қилганларида ва бошқа-бошқа кўплаб тўй-ҳашам, маъракаларда Назруллахон акам ўзларининг ҳақиқий инсонийлик, фарзандлик бурчларини тўла-тўқис адo этганлик-ларининг гувоҳи бўлганман.

Мен шундай меҳридарё, бағри кент, меҳр-саҳоватли жигар-порам борлиги ва бўлганлиги билан умрбол фаҳрланаман, унга ўхшашга ҳаракат қиласман. Ҳали-ҳануз уни билган, ҳамкаслари, шогирдлари Назрулла аканинг Шоғиркон, Мирзачўл, Оҳангарон, Олмалиқдаги ҳаёти ва меҳнат фаолиятини роса таърифлашади: «Ажойиб инсон эди Назрулла aka? Одамгарчиликни жуда ўрнига қўярди, отасига минг раҳмат!»

Шу лавҳаларни ёзар эканман, Назрулла аканинг ҳаётлик чогида унинг Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги жанговар фаолияти ҳақидаги самимий сұхбатимиз хаёлимда жонлана бошлади.

— ТошМИла ўқиб юрадим, — секин гап бошлаган эдилар сұхбатдошим. — Тўсатдан уруш бошланиб қолди. 1942 йилнинг февралида ўртоқларим билан Саратов тиббиёт институтининг ҳарбий факультетига кетдим. Бир йилдан кейин у ерни шошилинч тугатиб, фронтга жўнадим. Урушнинг оти ўчсин. Тамом бўлганига мана неча йил бўляяпти-ку, эсласам ҳали-ҳали юрагим увишади. Тиббий хизмат капитани унвонида 4-Украина фронтининг 4-Кубань кавалерия корпуси, 30-кавалерия дивизияси 127-полкида шифокор бўлиб хизмат қила бошладим. Бизнинг чавандозларимиз доим олдинда боришар, душман ишғол қилган ерларга тасодиғфан ёриб кириб, уни талвасага солишар, орқамиздаги механизацияшган мотоўқчиларнинг шиддатли юришлари учун замин ҳозирлаб беришарди. Таганрогда бўлган жанг сира ёдимдан чиқмайди. Биз қуршовда қолган эдик. Рақиблар мұҳим тепаликларни ишғол қилишган, устимиздан дўлдек ўқ ёғдириб, қимир этгани қўйишмасди. Шунга қарамай, қуршовдан чиқиб, душманга зарба бериш йўлини қидиравдик. Ярадорлар кўп, санитарларнинг қўли-қўлига тегмасди. Қарасам, жанг майдонидан ярадорларни четта олиб чиқиш учун одам етишмаяпти. Гарчи бу менинг ишим

бўлмаса ҳам, ёрдамга киришиб кетдим. От қўшилган линейкада ярадорларни четга олиб чиқиб, уларга шошилинч тиббий ёрдам кўрсата бошладим.

Назрулла Мухторов 1944 йилнинг 2 июнида Бобруйск шахри учун олиб борилган жангларда қаттиқ яраланиб, мамлакат ичкарисидаги госпиталларнинг бирига эвакуация қилинди. Шундан кейин яна қайтиб жангга кира олмади, заҳирадаги бўлинмаларда хизмат қилди. Орада Москвадаги шифокорлар малакасини ошириш Марказий институтида давлат имтиҳонларини мувваффақиятли топшириб, шифокорлик дипломини олди. 1947 йилнинг охирларида уни Бухоро вилоятининг Шофиркон туманига ишга юбориши, туман соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири бўлди. Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш йўлга қўйилгач, Мирзачўлга отланди. Узоқ йиллар Гулистан тумани, 1958—1971 йилларда эса Олмалиқ шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимини бошқарди. Ташкилотчи шифокор 1971—1980 йилларда Оҳангарон шаҳар даволашсанитария бирлашмасининг бош шифокори бўлиб қизғин фаолият кўрсатди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган шифокор Назрулла Мухторов кўп йиллар давомида Олмалиқ шаҳар кентгашининг ноиби, Оҳангарон тумани жамоат ташкилотларининг фаол аъзоси сифатида катта жамоатчилик ишларини олиб борди, унинг бевосита раҳбарлиги ва иштирокида Оҳангарон шаҳар марказининг энг баҳаво ва сўлим жойида кўп ўринли замонавий даволаш-муҳофазавий мажмуя қурилиб, ишга туширилди. Айтиш мумкинки, бу билан у тириклигидаёқ ўзига ҳайкал қўйиб, катта ёлгорлик қолдириб кетди.

Собиқ жангчи, чавандозлар шифокори, ажойиб ташкилотчи нинг ишини фарзандлари, шогирдлари муносаб давом эттираётгани Назруллахон акадек мўмин, солиҳ, аҳли раҳмон инсоннинг барҳаётлигидан нишонадир.

## ҒАЛАБА БАҲОРИДА

Болалик хотирамда қизиқ бир воқеа сақланиб қолган. 1943 йилнинг кузида Абдувоҳидхон амаким кутимагандада эрталаб озиб-тўзиб кетган, ҳорғин аҳволда ҳарбий либосда уйимизга кириб келдилар. Билишимча, улар жанг майдонларида бемор ва ярадор бўлган юзлаб ҳарбийлар билан тўлиб-тошган темир йўлдаги узундан-узун эшелон врачи сифатида мамлакат ичкариси — Душанбе шаҳрига хизмат сафарига юборилганлар. Фақат эшелон белгиланган манзилга етиб, барча bemор ва ярадорлар жой-жойига тарқа-

тилгач, амаким сардорлари рухсати билан вақтинча Тошкентга келгандар. Ўимизда уч-тўрт кун келди-кетди давом этгани ёдимда.

Айтишларича, бир куни кечқурун амаким ўзларига онадай меҳрибон, сирдош ва маслаҳатдош бўлган менинг онамга ҳаддилари сифиб, чуқур уҳ тортиб, ички лард-аламларини ёзганлар:

— Мана, яна фронтга қайтиб кетишимиға ҳам бир ҳафта қолди. Энди ҳаётдан шундоқ сўққабош, бўйдоқлигимча ўтиб кетаверманми, келинойи?

— Вой, нега бундай деяпсиз, Мулла ака? — деганлар онам бу гапдан ҳангуманг бўлиб. — Эсон-омон уйга қайтсангиз, катта тўй қиламиз, озми-кўп тайёргарчилигимиз бор, умидсиз бўлманг.

— Қайтмасамчи?

— Худо асрасин!

... Ўша куниёқ, бу дўстона, самимий, пинҳона суҳбат мазмуни ва баёни оқизмай-томизмай яшин тезлиги, занжирма-занжир шаклида амакимнинг акалари отам Абдурафиқхон, зукко ва донишманд опалари Тўрапошшахон аммамиз ва ниҳоят, хонадонимиз улуғи Абдураҳмон ҳожи бобокалонимизнинг қулоқларига етиб борган. Бобом узоқ ўйлаб ўтирмай, шартта қарор қабул қилгандар:

— Ҳозироқ, Зуҳриддинхоннинг қизига совчиликка боринглар! Бир-бирамизга синашта одамлармиз. Худо ҳоҳласа, йўқ демаса керак!

Дарров аммам ва отам отланишиб, шундоқ маҳалламиздаги эл-юртда обрў-эътиборли, иззат-ҳурматли Зуҳриддинхон ва Фотимахонларнинг эшикларини тақилятиб, мулдаоларини изҳор қилишган. Тақдир тақозоси билан осмондаги никоҳ ерга тушган эканми, ўша заҳотиёқ, бунга жавобан хонадон соҳибларининг икки қўллари кўксиларида бўлиб, совчиларга миннатдорчилик билдиришган:

— Қиз боланинг жойи ва тенги чиқса, текинга бер, дейишган экан. Ҳожи тоғамизнинг ҳурматлари учун битта қизимиз эмас, ўнта бўлса ҳам узатишга розимиз!

Шундай қилиб, уйимизда тўй ҳаракати бошланди. Орадан уч-тўрт кун ўтмаёқ никоҳ тўйи бўлди. Ўша пайтларда эл-юртда ном чиқарган Мусавой сурнайчи, Карим Мўминов деган машҳур санъаткорлар қамишдан бел боғлаб, астойдил хизмат қилишиди. Эслада қоладигани шуки, тўй ўша пайтларда ҳали унча расм-руsum бўлмаган, яъни янгича, замонавий, ёшларга хос тусда ташкил қилинди. Келин-куёв беш-ўнта ўртоқлари, дугоналари билан катта дастурхон атрофилла ўтиришиди. Мен ўша пайтла олти яшар бўлиб,

оиласмизнинг суюкли вакили сифатида келин-куёвнинг ўртасида ўтиридим. Тўйдан кейин бир ҳафта ўтар-ўтмас Абдувоҳидхон амаким яна фронтга жўнаб кетдилар. Келинойимиз Фаридахон аямиз: «Мен ҳам сиз билан фронтга кетаман! Тақдирим нима бўлса, сиз билан бўлсин!», деб туриб олдилар. Хонадонимиз катталарининг маслаҳати билан ҳозирча Абдувоҳидхон амаким, бироз кейинроқ орқаларидан келинойим етиб боришадиган бўлишди. Соғлиғи ёмонлиги туфайли ҳарбий хизматга нолойиқ, деб топилган отам бир неча кун поездда йўл юриб, не-не машаққатлар билан келинойимни Украянанинг Ворошиловград вилояти Альчевский шаҳрида хизмат қилаётган амакимнинг олдиларида қолдириб келганлар. Уларнинг эсдалик учун бирга тушган суратлари ҳалигача оиласмиз альбомида ноёб топилмадек асрраб-авайлаб сақлаб келинади.

— Ўша пайтларда ўзим ҳам айни куч-қувватга тўлган, эл-юртим деб тоғни талқон қиласдиган, қўркув нималигини билмайдиган, ёвуз душманга аёвсиз, жасоратли, қип-қизил олов эдимда, — дея ўтган воқеаларни эсладилар аяжоним бир куни ўзаро суҳбатимиз чоғида. — Ёшман, акангиз эртаю кеч хизматдалар, мен эса бекорчиман. «Бекорчидан Худо безор» дейишганидек, вақтни беҳудага ўтказмайин деб, акангизнинг ёнларида ҳамкор, мададкор бўлганман. Ахир ўзим ҳам аввал тиббиёт институтида бир муддат ўқиб, уруш бошланиши ва бошқа сабаблар туфайли соҳамни ўзгартирганман. Тиббиётдан хабарим бор, етук ҳамшираман-ку! Энди нега жанг майдони бўсағасида туриб, Ватан ҳимоясида шикастланган бемор ва ярадорларга қўлимдан келган ёрдамимни бермаслигим керак? — дедим ўзимга-ўзим. Шунинг учун ҳам акангиз хизмат қилаётган кўчма дала ҳарбий-тиббий бўлинмада ўзимга иш топдим. Шикастланган ярадорларнинг жароҳатларини боғлаш, малҳам кўйиш, ўзгалар ёрдамига муҳтоҷ беморларни парвариш қилиш, уларнинг оила аъзоларига хат-хабар ёзиб бериш ва жўнатиш, газета ва журнallардан қизиқарли мақола, янгиликларни соғ рус тилида ўқиб бериш билан шуғуландим, беморларнинг кайфиятини кўтариб, уларни тезроқ соғайтириш, ҳаётга, жанговар сафга қайтаришга ҳаракат қиласдим. Бир куни, аниқроғи, 1945 йилнинг март ойи ўрталарида акангиз кечки пайт хизматдан шошиб келдилар-да, менга дедилар:

— Тезроқ нарсаларингни йигиштири, уйга қайтиб кетишинг керак! Биз яқин кунларда Берлин томон юрар эканмиз!

— Дарров чипта олиб, ярим тунда Сталино-Москва поездига чиқдим. Йўлда кетар эканман, уруш келтирган даҳшат, вайронагарчиликларни кўриб, ич-ичимдан эзилиб, хўрсинардим. Бунинг устига ҳомиладор бўлганим учун кўнглим негадир ҳали ўзим тўла

аңглаб, моҳиятига тушуниб етмаган, ечими ниҳоятда амри маҳол, мушкул, кулгили ва сеҳрли ички эҳтиёжлар, яъни пойафзалга суртадиган мой ҳидими, нордон, шўр нарса, қуртми, тузланган бодрингми, балиқними-ей тусарди-да. Бунинг иложини тополмай, лолу ҳайрон эдим!

Йўлда ҳамроҳларим поезд тұхтаган бекатларда дарров пастга тушиб, қўлларидағи карточкаларини жайдари, қора буғдой унидан пиширилган бўлка нонга алмаштириб чиқишар, кейин уни юпқа кесиб, устига туз сепиб ҳузур қилиб ейишар, ҳаммаёқни ёқимли нон ҳиди тутиб кўнглимни бадтар оздирарди. Шундай пайтларда уят, андишани йифиштириб, ҳамроҳларимдан менга бир бурда нон беришларини илтимос қилганимни эсласам, ҳали ҳам ғалати бўлиб кетаман.

Ниҳоят, 1945 йилнинг 27 марта, дов-даражатлар куртаклаб, яшил барг ёзган паллада Тошкентта қайтиб келдим. Ёдингизда бўлса Искандархон, қўшнимиз Шукур кўмирчининг ҳовлисисида ўсган ўрик дараҳтининг бир шохи биз томонга эгилиб, шифил ҳосилга кирган эди. Катталиги олчадек бўлган кўм-кўк довуччалар кўзимни қувнатар, иштаҳамни қўзғатар, бироқ уларни узиб олишга қўлим етмасди. Шунда минг ҳижолат, андишани унутиб сизга ялинардим:

— Жон Искандархон, менга довучча узиб беринг!

Сиз ҳам илтимосимни рад этмай, узун қамишнинг орасига довучча қистириб, дарров менга узатар эдингиз. Мен уларни апилтапил оғзимга солиб, қасир-қусур чайнаб, роса маза қиласадим, тишлиларим қамашиб кетса ҳам яна ва яна довуччага талпинардим.

Хуллас, уруш бизнинг галаба билан тугади. 1945 йилнинг 30 октябрида Абдувоҳидхон амаким эсон-омон бағримизга қайтдилар. Ўша куни тўй устига тўй бўлди, келинойим бизга жажжи қизалоқ ҳадя қилдилар. Исмини Саидахон қўйдик.

Урушдан сўнг Абдувоҳидхон амаким турли йилларда Тошкент вилоятининг Оҳангарон, Чиноз туманлари касалхоналарида бош шифокор, кейинчалик узоқ вақт Тошкент шаҳридаги 6 ва 9-поликлиникаларда шифокор-рентгенолог бўлиб ишладилар. Бу орада оиласада кетма-кет тўрт ўғиљ дунёга келди. Ҳозир Саидахон эл-юрга таниқли болалар шифокори, Абдугафур етуқ жарроҳ, тиббиёт фанлари номзоди, «Фидокорона меҳнатлари учун» ордени соҳиби, Абдувалихон устоз, самолётсоз-муҳандис, Абдумаликхон қурувчи-муҳандис, Абдураҳимхон тадбиркор бўлиб етишиши, бола-чақали, ували-жували бўлишиди. Амаким эса, 1989 йили беморларни нур билан даволаб, ўзлари ҳам шамдек ёниб, эриб кетдилар.

Айни пайтда табаррук 90 ёш арафасида 30 дан зиёд невара-эвара, чеваралари, меҳрибон яқинлари, қўни-қўшни, қудандалари ардоғида кексалик гаштини суриб, шукроналик билан умр кечираётган Фаридахон хожи онамиз босиб ўтган шарафли ва жасоратли йўлга боқиб ҳавас қиласиз. Орамизда шундай азиз ва табаррук инсонлар борлиги учун ҳам ҳаётимиз янада гўзал, завқли, тароватли ва фаровондир, бунинг Қадрига етишимиз инсонийлик қарзимиз ва фарзимиздир, албатта.

### **АММА, ХОЛА, АЯЖОНЛАР – ОНАЖОНЛАР–ЖОНАЖОНЛАР**

Эслаганда Онамиз,  
Бебаҳо дурдонамиз,  
Ёки хола, аммамиз,  
Кувонамиз ҳаммамиз!

Бизнинг бу ёруғ оламга келиб, бир парча эт-жишлигимиздан меҳр, сеҳр билан ўсиб-улгайшимиз, вояга етиб, бирор касб-хунарни эгаллашимиз, оилали, бола-чақали бўлишимиз, эл-юргорига яраб юришимизга улкан ҳиссасини қўшган дунёда энг камтарин, энг сахий, бегараз ва beminnat зотлардан бири Момо Ҳаввога жинсоди, издош бўлган азиз ва мұътабар оналаримиз, опа-сингил, амма, холаларимиздир.

Бу туғма меҳр-муҳаббатли, оқибатли, юксак дид-фаросатли, шарму ҳаё, андишали, иффатли, нозу назокатли, сабр-тоқатли, садоқатли, саҳоватли, саранжом-сариншали, фариштали зоти олиялар таърифига тилимиз ожизлик қиласи. Шоир Шукрулло ёзганидек:

Она қимматини таърифлаш учун  
Сўзлар хазинасин мулки етмайди.  
Ҳаётимни ҳадя этайин дейман,  
Бу кичик жонимнинг ўзи етмайди.

Чунки, менинг каби қанча фарзандни  
Туғиб, тарбия ҳам қилолган Она!  
Кичкина қалбини бўлак-бўлаклаб,  
Ҳар бўлакка жон ҳам бўлолган Она!

Ҳар бир тўлғаноги – ўлим билан жанг,  
Ўлимлардан кўрқмай жангта кирап у!

Она қандай улуг, жонин ҳисобига  
Үлимларни ҳайдаб, ҳаёт берар у!

О, азиз Она!  
Онанинг фарзандга меҳри бекиёс,  
Фарзанд қандай оқлар Она ҳаққини?  
Она рози бўлур берган сутига,  
Ҳаётим деб билсанг, Ватан, ҳалқингни!

Шунинг учун ҳам муборак ҳадису шарифларимизда: «Жаннат оналарнинг оёқлари остидадир», дейилгани бежиз эмас. Ҳазрат Мир Алишер Навоий ёзганиларидек:

Оналарнинг оёғи остидадир  
Равзай жаннату жинон боғи.  
Равза боғи висолин истар эсанг,  
Бўл онанинг оёғи туфроғи!

Жаноби Мұхаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи вассалам айтган эканларки: «Эрни бой, рӯзгорни барокатли қиласиган, исроф қилмайдиган, ҳою ҳавастга, зебу зийнатга берилмайдиган аёлдир».

Шу маънода энг аввало, аёл — Она, эркак рӯзгорбошидир. Бўйин қаёққа бурилса, бош ҳам ўша ёққа ўтирилади. Бу дегани: «Эрни эр қиласиган ҳам хотин, қаро ер қиласиган ҳам хотин»дир.

Демоқчиманки, аждод-авлодларимиз тарихида ва бугунги кунда сафларимизда бундай юксак талаб, таъриф ва эътироғга лойиқ бўлган онахон, аяжон, опа-сингил, амма, холаларимиз беҳисоб. Булар жумласига: Робияхон, Каттахон момоларимиз, Олияхон, Ойпошшахон, Маҳбубахон, Туҳфаҳон амма бувиларимиз, Насимахон, Тўрапошшахон, Азизахон, Ҳаличаҳон, Ойдинхон, Латофатхон, Соҳибахон, Ҳабибахон, Нодираҳон, Собираҳон, Баҳриҳон, Мушаррафхон, Замираҳон, Мунаввараҳон, Мъясудаҳон, Маствураҳон, Ҳадичаҳон, Манзураҳон, Фотимахон, Мелихон, Сидиқахон, Солиҳахон, Тоҳираҳон, Эътиборхон, Камолаҳон, Атияҳон, Қамарияҳон, Иноятхон, Мұхаммадияҳон, Нусхияҳон, Гўзалхон, Хонимпошша... эҳ-ҳе яна қанча онахон, аяжон, аммажон, холаларимизни киритишимиз мумкин!

Энг қувонарлиси, бугунги кунда барҳаёт, хонадонларимиз файзи, кўрки, таянчи ва қувончи, доно ва беминнат маслаҳатчимиз, йўриқчимиз, қўриқчимиз бўлиб, кексалик наъшиласини сураётан, тоат-ибодатли, фариштали дуоҳон ҳожи она, аяжонларимиз ҳам анчагина. Булар: Фаридахон, Муаттархон, Маъфи-

ратхон, Бакрияхон, Шарифахон, Марғубаҳон, Онаҳонпошша, Лолаҳон, Мўътабарҳон, Абираҳон, Офтобҳон, Барияҳон, Муяссарҳон, Иnobатҳон, Шарофатҳон, Самарияҳон, Арофатҳон, Саидоҳон, Машҳураҳон, Марвияҳон, Мавлудаҳон, Мавжудаҳон, Вазираҳон, Маъфураҳон ва бошқалардир.

Мен ушбу лавҳамиизда аждодларимиз тарихи, сулоласини ипидан игнасигача пухта-пишиқ биладиган, қувваи ҳофизалари, хотиралари ниҳоятда кенг ва ўткир, билимдон ва зукко, ҳақиқий хазинабон, зиёкор, фидокор аммажонимиз Муаттарҳон Афандиҳон қизи ҳаёти ва фаолияти ҳақида алоҳида тўхталишни ўзимнинг инсонийлик бурчим деб ҳисоблайман. Зеро, ёшлигидан меҳнаткаш, тиришқоқ, илмга чанқоқ, одампарвар, тўғри сўз, ҳақиқатгўй, куйинчак бу аммажонимиз бошқалар қатори менинг ҳаёт йўлларимда ҳам чароғбон, сарбон бўлганлар. Мен уларнинг оиласиз аъзолари, шахсан менга қилган яхшиликларини асло унутмайман. Бунинг ажри савоби биздан қайтмаса, Аллоҳдан қайтсин. Илоҳо, Ҳудо берган мўмин, маъкул Мақсадхон отамиз билан қўшақариб, эл-юрга қилган меҳнатларининг роҳатини кўрсинглар, узоқ ва баракали умр кўрсинглар, Аллоҳ беран ҳалол ва пок луқма, рисқ-насибаларини томоқларидан бемалол ўтказиб ютсинглар, замзам сувларини мириқиб сипқорсинглар, яна бироз семирсинглар (Ҳазил).

Айтишганидек, «Қуш уясида кўрганини қилади». Муаттарҳон аямиз бу дунёга келибдиларки, юқорида номлари зикр этилган меҳр-муҳаббатли, меҳр-шафқатли амма-холалари, айниқса муҳтарама волидалари Собираҳон, опалари Василаҳонлар тарбиясида бўлиб, гўзал ва мураккаб ҳаёт мактабини ўтаганлар, уларнинг феъл-атворидаги энг ноёб ҳислат, фазилатларини танжонлари, қон-қонларига сингдириб олганлар. Деярли ярим асрга яқин фурсат мобайнида Самарқанд дарвоза даҳасидаги 13-сонли ўрта мактабда узлуксиз ишлаб, оддий ўқитувчиликдан ўқув ишлари бўйича мудира, директор лавозимларига кўтарилганлар, минглаб ёшлар шуурига илм-маърифат зиёсини сочганлар, юзлаб шогирдлар етиштирғанлар, эл-юрг мөхрини қозонғанлар. Бундан ташқари, ота-онасиз қолган етим-есирларни бағриларига босиб, бошларини силаб, уларга оналик меҳри, тафтини аямай берганлар, ҳаётга учирма қилганлар. Булар ўз-ўзидан бўлмаган-ку, ахир? Бунга озмунча меҳнат, сабр-тоқат, чидам, иродада керак бўлганми? Инсон учун энг азиз ва бебаҳо ҳисобланмиш сиҳат-саломатликларидан кечсалар-да, эзгу мақсад йўлида неча йиллаб кеча-кундуз жон фидо қилиш осонми?

Баъзан шуларни ўйлаб, ажабланаман: муштдаккина юрак, жуссага шунчалик одамийлик, фидойилик, оламжаҳон ғам-ташвишлар ва қувончлар қандай сиғди экан? Балки, ҳақиқатан ҳам аёл зотининг жони битта эмас, қирқтадир?

Ҳеч муболағасиз, фақат Муаттархон аямизгатина хос ва мос бўлган бундай ҳислат, фазилатлар нафақат қирқта, балки мингта жонга ҳам арзигулиkdir!

Ҳамиша авлодларимиз эъзози, ардоғида бўлинг, аммажон! Азиз бошингиз омон, йўлингиз, равон, дилингиз чароғон, меҳрли, сеҳрли бўлсин!

Кўнглимнинг гул боғида асрайман Сизни, Кўзим қарогида асрайман Сизни, Қалбим ардоғида асрайман Сизни, То ҳаётман, азиз онам, аммажон!

Мазкур лавҳамизни севимли шоирамиз Марҳабоҳон Каримованинг қўйидаги шеъри билан муҳтасар қиласам:

Азизларим, меҳрибонларим,  
Дўсту ёрон, қадрдонларим,  
Жонингизга қуяр жонларим,  
Ўзингизни эҳтиёт қилинг!

Тириклик деб чопган оталар,  
Рўзгорим деб шошган оналар,  
Жонингизга қўймас болалар,  
Ўзингизни эҳтиёт қилинг!

Тортишувда бир сўздан қолиб,  
Нохуш гапни ҳазилга олиб,  
Дилозорни Худога солиб,  
Ўзингизни эҳтиёт қилинг!

Энг аввало ношукур бўлманг,  
Жоҳил билан ҳамфикр бўлманг,  
Беибодат, безикр бўлманг,  
Ўзингизни эҳтиёт қилинг!

Дўст томонга талпининг ҳар дам,  
Кўринг қувонч, ташвишини ҳам,  
Одам тафтин олади одам,  
Ўзингизни эҳтиёт қилинг!

Фам келганда куюниб кетманг,  
Бахт келганда суюниб кетманг,  
Сокин яшанг, осуда яшанг,  
Ўзингизни эҳтиёт қилинг!

Кўзлар ҳали кўриб турганда,  
Юрак ҳали уриб турганда,  
Оёғингиз юриб турганда,  
Ўзингизни эҳтиёт қилинг!

## ҲИҚМАТ ИЗЛАНГАНГА ҲИҚМАТДИР ДУНЁ

Қолмас жаҳон ичра мангу киши,  
Фақат қолгуси яхши ному иши.

*Шайх Саъдий*

Яқин орада йўлингиз тушиб, пойтахтимизнинг Форобий кўчасидан ўтган бўлсангиз, тепаликда қад ростлаган маҳобатли тасвирий панинодаги асарга кўзингиз тушгандир. Унда оқ тулпорда олис манзилдан қайтаётган Отабекнинг (машхур «Ўткан кунлар» романи қаҳрамони) қабристон ёнида отдан тушиб, тиз чўкиб, марҳумлар руҳига фотиҳа бағишлаётган ҳолати акс эттирилган. Тасвир остида эса қуидаги залворли битик дарж этилган:

*«Эй, азиз инсон! Аста бос қадам!  
Бир кун шу тупроқ қучар сени ҳам!..»*

Улкан паннонинг яна бир ерида соҳибқирон бобомиз Амир Темур ҳазратларининг: «*Азиз авлиёлар, саҳобалар мақбараларини-ю, қутлуғ қадамжоларини зиёрат этмоқни ҳам фарз, ҳам қарз билур эдим. Қайда бўлмай, зиёратгоҳлар олдида отдан тушиб, таҳорат олгач, ялангоёқ билан бориб, зиёратни ўринлатдим. Аркони давлат, барча мулоғимларим ҳам зиёратгоҳларни ана шундай тавоғ этмоқни одат билишди*», деган тузуги жой олган.

Тасвирдаги Отабекнинг сомеъ ҳолатиу, ундаги даъваткор сўзлар сизни бефарқ қолдирмагани, шуурингиздан безовта ўйлар кечгани аниқ. Сир эмас, бугун айримларимиз қабристон одобини унугтганмиз. Кўпчилик ҳайдовчилар, хусусан ёшларнинг қабристонлар олдидан ўз машиналарида катта тезликда, бунинг устига радио ва магнитофонлари овозини барабалла кўтариб, шовқинсурон билан ўтиб кетишаётганини кўрамиз... ва бу беписандликдан малоллик туймаймиз. Шунга кўникамиз. Миллатнинг солиҳ фарзанди тимсолига айланган Отабек эса...

**«Халқимиз фақат жисман әмас, руҳан ҳам уйғоқ бўлмоғи даркор. Руҳ бедорлигига унинг раҳбар раҳнамолари, олиму зиёли-лари, барча фарзандлари масъулдир».**

Юртбошимизнинг ушбу сўзлари мазкур паннонинг бош қисими-дан ўрин олган. Дарҳақиқат, мустақилликдек улуғ неъматни асраш, унинг пойдорлигини таъминлаш учун халқ руҳини уйғо-тиш лозим. Бундай улуғ юмушга миллатнинг ҳар бир пешқадам намояндаси, зиёлиси ўзини сафарбар ва мастьул деб билмоғи керак...

Форобий кўчасидаги қабристонга кираверишда қад ростлаган мазкур тасвирий кўргазма билан таниша туриб, сизда уни foятда ибратли, юртимиз миқёсида ёйса арзигулик янгилик бўлгани ҳақида фикр туғилган бўлса ва шунинг баробарида бу хайрли ишнинг ташаббускор-муаллифи ким экан, дея қизиқкан бўлсангиз ажаб әмас.

Сиз балки «Шарқона бозор фазилатлари», «Ватан юракдаги жавоҳир», «Аждодлар нидоси», «Нон – неъматлар сultonни», «Шаҳидлар нидоси», «Мангу хотира» каби рисолалар, ёки «Тошкентнинг ўн икки дарвозаси» номли туркум мақолалар билан танишдирсиз. Безовта қалб, донишмандона нигоҳ маҳсули сифатида дунёга келган бу асарлар муаллифи... Ҳа, ўша сиз билган таниқли элшунос, тарихчи олим, тиниб-тинчимаслиги, жонкуярлиги билан эл-юрт эъзозига сазовор бўлган нуроний Мехржонбобо – Билол Аминовдир.

**«Чин олим ёстиғин тошдин яратди, Неки билди, они оламга айтди»**, дейди Ҳожа Аҳмад Яссавий ҳазратлари. Билол Аминов ана шундай беҳаловат олимлар сирасига киради. Кўпчиликнинг ёдида бўлса керак, Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ у вақтли матбуотда, радио ва телевидениеда халқимизнинг «Мехржон» деб аталгувчи азалий байрами ҳақида чиқишилар қила бошлади. Бу байрамнинг қадимийлигини Абу Райҳон Беруний асарларидаги битиклар билан исботлаб, унинг халқимиз ҳаёти, маънавиятида тутган ўрни жиҳатидан баҳорий байрам Наврӯз билан эгизак эканини жон куйдириб тарғиб этди. Билол аканинг чиқишилари эътиборсиз қолмади. «Мехржон» байрами ҳар йили олтин куз фаслида 23-24 сентябрь кунлари юртимизда кенг нишонлана бошлади. Истироҳат боғларига, маҳаллалар ва кўчаларга «Мехржон» номи берилди. Мазкур байрам теграсида худди Наврӯздаги каби хайр-саҳоват тадбирлари ўтказиш, кексалар, ногиронлар, етим-есирларни йўқлаш одат тусига кирди.

2004 йил – «Мехр-мурувват йили» давлат дастурида мазкур байрамга алоҳида ургу берилиб, «Шукроналик ва меҳр-муҳаббат

ғояларининг ифодаси бўлган анъанавий Мехржон сайли ўтказилсин» дея кўрсатилди.

Бундан руҳланган толмас олим яқиндагина оғир хасталикни бошидан ўтказган бўлса-да, оёққа туриб кетди. Шифокорларнинг огоҳлантиришларига қарамасдан қизгин ижодий ишга кириши. Олти ой давомида «Ассалом, Мехржон!» китобчасини, «Мехржон ҳалқ сайлини Ўзбекистон вилоятларида ташкил қилиш ва ўтказиш ҳақида» рангли календарь-плакат, «Мехржон – эзгулик даракчиси» номли расмли рисола чоп эттириди. Булардан ташқари, бу қадимий байрам ҳақида туркум мақолалар ёзиб, республикамиз вақтли матбуотида ўзбек, рус, қозоқ тилларида эълон қилдирди. Дарҳақиқат, ўйлаган ниятинг ижобати, ҳаракатларинг самарасини кўрмоқлик кишига бетимсол куч-ғайрат бағишлиайди. Янгидан янги орзу-ниятлар, ғоялар туғилишига сабаб бўлади.

Албатта, ҳамма вақт ўйлаган ниятинг, таклифинг, ташаббусинг қўллаб-қувватланавермайди. Баъзи лоқайд, янгиликдан ҳадиксирайдиганлар хайрли ишни орқага суриши мумкин. Аммо, Билол Аминов бундай ҳолларда қўлини совутмайди, эзгулик тантанасига ишонади. Унинг ҳар қандай вазиятда қувват оладиган таянч манбаси бор. Бу ҳалқ донишмандлиги дурдоналари бўлмиш ҳикматлар ҳамда Пайғамбаримиз (с.а.в) нинг ҳадиси шарифларидир.

Нафсиlamрини айтганда, Билол аканинг бутун умри, ҳатти-ҳаракати ҳадису ҳикмат асосига қурилган, десак янгишмаймиз.

Айтайлик, Билол ака бир қўлида асо, бошқасида озгина бозорликми, китобларми солинган ҳалта билан чорраҳадан ўтиб боряпти. Шунда одобли бир ўсмир унинг қўлидаги юкни олиб, машиналар ғужғон кўчадан ўтиб олишга кўмаклашади. Бундай ҳолатда бошқа қария бўлганида: «Умрингдан барака топ, болам», деб дуо қиласиди-да, йўлида давом этарди. Аммо Билол ака бу билан кифояланмайди. Вазиятдан унумли фойдаланиб, ўсмирга ҳадису ҳикматлардан сўзлайди. Ўзига хос майнлик, сеҳрли овоз билан йигитчанинг юрагига йўл топади. Ҳеч бир малол келмайдиган йўсинда аждодлар ўйтини унинг қулогига куяди.

Ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё, дейишади. Бизнинг Билол афандимиз бутун умр ҳикмат излаб, ўз ҳаётининг ҳар бир дақиқасини ҳикматга йўғириб яшаётган замондошларимиздан. Ёзган асарларининг аксари ҳикмату ҳадис тарғибиға бағишлиланган. У нафақат бобомерос дурдоналарни тўплаш, ҳалққа етказиш билан шуғулланади, балки ўз ҳаёт тажрибаларидан келиб чиқиб, ўқиган-уққанларини қалб қатидан ўтказиб, ўзи ҳам ҳикматлар яратади.

Унинг «Ён дафтардаги битиклар» туркумида яратган «Кутлуг дард», «Бозор одобларидан бир шингил», «Ажаб саодат» номли ҳикматлар тўплами бу инсоннинг маънавий-руҳий олами кенгликлари ҳақида етарлича тасаввур бера олади.

Тарих фанлари номзоди, миллий қадриятларимиз тикланишида фаоллик кўрсатаётган таниқли амалиётчи олим Билол Аминов кўп йиллар давомида Ўзбекистон Республикасининг тарих институтида хизмат қилди. Ҳалқ этнопедагогикаси билан боғлиқ мавзуларда Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент фармацевтика институтида маъruzалар ўқиди. Вақтли нашрлар, радио, телевидениеда, шифокорлар, ўқитувчилар малакасини ошириш институтларида, маҳалла, мактабларда қизиқарли маъруза ва суҳбатлар ўтказди.

Элшунос олим кексалик ва хасталикка йўл бергиси келмайди. У ўзи яшайдиган профессорлар шаҳарчаси, «Мирзо Фолиб» маҳалласи фаолларидан бири. Ўнлаб мактаб ўқувчиларини ўзининг «Ҳикмат-ибрат» тўгарагига жалб этиб, уларни ҳалқ до-нишмандлиги дурданаларидан воқиф этиб келади. Мазкур йўналишдаги асарлари, ҳадису ҳикматларини ёшлар онгига сингдиришнинг тезкор усуллари борасидаги тавсияномалари олим фаолиятини кенг кўламга олиб чиқмоқда. Унинг ёшларимизни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга бағишлиланган «Собиқ қадам» номли рисоласи яқинда «Ўқитувчи» нашриётида чоп этилди.

Айни кунларда пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги 152-мактаб жамоаси, ўқувчилари билан болаларга ҳарбий машқ ўйинларини ўргатишнинг тезкор усули ҳақида амалий машгулотларга бош-қош бўлмоқда. Ҳазрат Навоий айтганларидек:

Ёшлиқда йиг илм мағзини,  
Қариганда сарф қил они.

«Инсонда кўнгил тахти леб аталган бир шоҳона туйғу бор. Бу туйғу ҳар қандай мартабадан юксакроқдир», дейди табаррук ёшдаги элшунос олим. Дарҳақиқат, инсон кўнгли бирламчи. Уни Каъбага менгзайдилар аҳли донишлар. Зоро, кўнгил Каъбасини фоний дунё мартабаларидан афзал кўрадиган Мехржон бобомиз – Билол Аминовга ҳамиша шундай маънавий юксакликлар ҳамдам, ҳамқадам бўлишини тилаймиз.

## АМАКИЛАР, ОҒА-ИНИ, ОПА-СИНГИЛЛАР, СҮНМАС ЗИЁ – ДИЛ ЧИРОГИ – ҚАНДИЛЛАР

Азиз асримизнинг азиз онлари  
Азиз одамлардан сўрайди қадрин.  
Фурсат ғаниматдир, шоҳ сатрлар-ла,  
Безамоқ ҷоғидир умр дафтарин.

*Faфур Ғулом,  
Ўзбекистон ҳалқ шоири*

Юқоридаги ҳаётий, фалсафий чуқур фикр, мулоҳазалардан сўнг ўз-ўзидан савол тугилади:

— Хўш, жигарпора, жигарбандларимиз ким?

Бу – бизнинг жондан азиз, меҳрибон амаки, тоға-жиян, оғанини, опа-сингилларимиздир, албатта.

Гапнинг индаллоси шуки, маълумотномамизнинг бош бўғинига мансуб бобокалонимиз Абдураззоқ хўжанинг Зокир эшон ва Дамин эшон исмли укалари, яъни Абдураҳмонхўжа отамизнинг туғишган амакилари бўлишган. Улар бир-бирларига ниҳоятда қаттиқ ва самимий иззат-ҳурмат, эҳтиром кўрсатишган, бир майизни қирқقا бўлиб, аҳил, иттифоқ яшашган. Кейинчалик уларнинг куда-андачилик ришталарини мустаҳкам боғлаб, бамисоли узилмас арқон даражасига етишгани гувоҳимиз.

Масалан, Зокир эшон амаки Тўрахон аямиз билан турмуш қурганлар. Уларнинг тўнгич фарзандлари Абдуғафурхўжа (1928–1947) мажбурий ҳарбий хизматга бориб, Йигитлик бурчини ўтаётганида Ашхободдаги фожеа, кучли зилзила қурбони бўлган, уйланмаган.

Эркин эшон (1930–1979) эса, Марғубаҳон аммамизга уйланиб бир ўғил, тўрт қиз, қўша-қўша невара, эвара, чеваралар кўришган.

Отамизнинг Дамин эшон (1880–1957) амакилари Маҳбубаҳон Маҳамадхўжа қизи (1886–1980) билан умргузаронлик қилиб, 3 қиз ва 1 ўғил кўришган. Булар:

Марҳаматхон (1911–1992) – Сайдикромхўжа Валиев (1905–1989), Марҳабоҳон (1915–2002) – Рустамхўжа Бобоев (1910–1984), Арофатхон (1917–1991) – Иноятжон Ҳидоятов (1905–1971), Абдусафоҳон (1925–1998) – Бакрияҳон Сайдакбарқори қизи (1924) жуфтликлариdir.

Гап мазкур аждодларимиз тақдиди ҳақида кетар экан, яна бир ота-бобо қадрдонимиз Бобохўжа – Ҳамронисодан тарқалган Ойтўрахон ва Иноғомхўжа авлодлари тўғрисида ҳам қисқача маълумот беришни маъқул деб топдик. Ҳозирги кунда барҳаёт, ушбу ибратли, илм-маърифатли улкан хонадон вакиллари бўлмиш

Боқиҳон Рустамов, Ҳотамхон Иноғомовларнинг бизга берган сўнгги маълумотларига кўра, бу авлодларда ҳам эл-юрт эъзози ва ардоғидаги кўплаб турли қасб-хунар эгалари, зиёкор, шифокор, доришунос, тадбиркор, таниқли давлат ва жамоат арбоблари етишиб чиққан. Булар: Саъдуллаҳўжа, Ҳотамхўжа, Ҳикматхўжа, Фозилахон, Мавжудаҳон ва уларнинг оила аъзолариdir.

Худди шундай илиқ фикр, самимий мулоҳазаларни кўтаринки кайфиятда, фахр ва ифтихор билан Абдураҳмон эшон отамизнинг кичик опалари Ойпошшаҳон – Абдуазизхўжадан тарқалган авлодлар хусусида ҳам тўлиб-тошиб сўзлашимиз мумкин. Булар: Турсунхўжа – Фотимахон, Ҳасанхўжа – Хосиятхон, Ҳусанхўжа – Фароғатхон, Набиҳхўжа – Назираҳон, Мушаррафхон – Эшонхон эшон ва уларнинг зурриётларидир.

Истисно сифатида биргина Мушаррафхон ва Эшонхон эшон жуфтлигидан дунёга келган ва тарқалган Эшонхоновлар сулоласи ҳақида сўз юритадиган бўлсак, Аллоҳнинг берган улуг неъмати ва марҳаматига беадад ҳамду санолар айтиб, қойил қоласан киши. Булар: Эшонбуваҳон – Мунаввараҳон, Музаффархон – Ҳадиҷаҳон, Мукамбархон – Шаҳобиддинхўжа, Муртазоҳон – Маҳмудияҳон, Оқилхон – Жўраҳонлар. Кейинчалик бу авлоднинг: Боситхон – Ойшаҳон, Шоҳидхон – Манфаатхон, Мақсадхон – Муаттархон, Муродхон – Мұхаббатхон, Маъруфхон – Маърифатхон, Маъмураҳон – Абдуғафурхонлардан тарқалган зурриётларнинг сон-саногига етиш осон эмаслигига амин бўлдик.

Бу баракали, серуруғ авлод вакилларидан ҳам эл-юртга муносиб инсонлар стишиб, айни пайтда бир маҳалла бўлиб, Тошкент шаҳрининг Чилонзор тумани 20 даҳасидаги обод ва фаровон хонадонларда тинч, хотиржам яшамоқда, ота-бобо, она-момолари анъаналарини шараф билан давом эттиришмоқда. Бу аждод-авлод вакилларига ҳарқанча ҳавас қилсангиз арзиди. Аллоҳ уларни ҳам ўз паноҳида асрасин, бир-бирларидан кам қилмасин!

Яратганимизга беҳисоб шукурлар бўлсинки, авлодларимиз сон-саногининг бу қадар кўплиги бир дунё ҳазина – бойлик бўлса, уларнинг бир-бирлари билан чатишиб кетганлиги бунданда улуг бир олам, мисли аҳли жаҳондир, уларнинг маконлари боягу бўстон, озод, обод Ўзбекистондир! Бундай роҳат, фароғат, баҳт-саодат яна қайда бор? Бундан нафақат фахрланишимиз, балки унинг гуллаб-яшнаши, равнақ топиши, юртимиз осмонининг ҳамиша соғ, мусаффо бўлмоғи, ҳалқимиз тинч, осуда, фаровон яшамоғи учун сафларимиз, иймонимиз, эътиқодимизни янада мустаҳкам қилмоғимиз Инсонийлик бурчимиздир.

Минг афсуски, бундай катта авлод вакииларининг барчасини бир китобга жамлаш ва сиёдириш ниҳоятда мушкул вазифа. Шунинг учун кимдир ушбу маълумотномаларни тўпловчи-муаллифнинг бироз лоқайдлиги ёки бирор беғараз сабаблар туфайли назаридан четда, эътиборсиз қолган бўлса маъзур тутасиз, минг бора узр сўраймиз. Сиз ҳам бошқалар каби ўтган аждод-авлодларимиздек, яхши анъаналаримизни улуғлаш, уларнинг қутлуғ изларини имкониятингиз даражасида изчил давом эттиришга тўла ҳақлисиз. Бу машаққатли, хайрли ва савобли ишда фидойилик кўрсатасиз, эл-юрт назарида бўласиз, деб астойдил умид қиласиз, азиз жигарпорамиз. Нима дедингиз?

Биласизми, аждодлар ёди... Ўтганларни ёд олиш, эслаш, эъзозлаш улуғ савоб иш. Аждодларимиз ҳақидаги тарихий ҳақиқатни келажак авлодларга етказиш, улар онгига сингдириш эса, ундан-да савоблидир. Зоро, хотира ва қадрлаш деганда биз бу фоний дунёдан ўтган аждодларимизнинг чироқларини ёқиб, эзгу ишларини давом эттириш, ҳозирги кунда ҳаёт бўлганларни эса эъзозлаб, иззат-хурматларини жойига қўйишни тушунамиз. Акс ҳолда шоира Зулфия Мўминова ёзганидек:

Биз Сизни унучсак, ким бўлажакмиз?  
Биз Сизсиз ким эмас, нима бўламиш?  
Саҳрова саргардон қум бўлажакмиз,  
Кумга чўкиб кетган кема бўламиш!

Биз Сизни унучсак, ким бўлажакмиз?  
Биз Сизни унучсак, ҳеч ким эмасмиз!  
Биз Сизни унучсак, бир ҳазон япроқ,  
Саратонда сарғайган чим бўлажакмиз!

*Хотира чироги порлагай мудом,  
Мангудир дилларда қадр деган ном!*

## **ҲАЁТ СҮҚМОҚЛАРИ**

### **НИЯТИМ ЙЎЛДОШИМ БЎЛДИ**

Инсоннинг нияти ўзига ҳамроҳ, ҳамма нарса ниятга яраша. «Яхши ният – ярим давлат», деганлари шундан. Ҳар ишни бошлигандан ният холис бўлса, саъй-ҳаракат рисоладагидек кетаверади.

Ҳар қандай ниятнинг ҳам ўз сабаби бор, албатта. Мен Иккинчи жаҳон уруши йилларида туғилиб, вояга етганим учун ёшлигимдан қонимда, вужудимда жанговарлик, жасурлик, қатъиятлилик хислатлари шаклланган, десам муболага бўлмас. Уруш бошланган йиллари эл-юрт қатори фақат бизнинг оиласиздан бир эмас, тўрт киши, яъни Абдувоҳидхон, Назруллахон, Забихуллохон ва Ҳамидуллохон амакиларим ҳаёт-мамот жангига сафарбар этилган. 1942 йилнинг бошларида ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган, на илк муҳаббат, на биринчи бўса лаззатини татиб кўрмаган навқирон ёшида Забихуллохон амаким машъум урушда бедарак кетганликлари ҳақида «Қора хат» олганмиз. Лекин «Қирқ йил қирғин бўлса, ажали етган ўлади», деган ақидага амал қилган оиласиз аъзолари амакимга аза очишмаган, унинг бир куни бағримизга эсон-омон қайтиб келишига қаттиқ ишонишган. Афсуски, шафқатсиз тақдир ўз ишини қилди. Бошқа амакиларим ёвуз душман устидан ғалаба кучиб, кўкраклари шода-шода жанговар нишонларга тўлиб, юртимизга қайтиб келишди. Кейинчалик ўз касб-корлари билан машғул бўлиб, уй-жой, бола-чақа орттиришди, ҳаёт нашидасини тотиб, азиз жонларини Ҳаққа топширишди. Уларнинг феъл-авторидаги одамийлик, самимийлик, меҳнатсеварлик, мардлик ва фидойилик фазилатлари мени доим ўзига мафтун қилиб келган. Бундан ташқари, яқин қариндош, ёру биродарларимиздан Эркинхон Зуҳриддинов, Учқунжон Олтибоев деган навқирон йигитлар 1950 йилнинг бошларида Тошкент тиббиёт институтининг 4-босқичидан ҳозирги Самара шаҳридаги ҳарбий-тиббий академияга ўқишга кетишиди. Улар қиши ва ёз фаслларида Тошкентга, қисқа муддатли таътилга келишарди. Қадди-қоматларига ярашган, чиройли ва ихчам ҳарбий либосларини кўрган кишининг ҳаваси келса, менинг-да уларга ўхшагим келарди.

1955 йили тиббиёт институтига киришим арафасида отамнинг ёшлиқдаги дўст-қадрдонлари, ўша пайтда тиббий хизмат майори Зикрилла Эгамбердиев билан тасодифан учрашиб, танишиб қолдим. Унинг ҳам эгнидаги ҳарбий либоси ўзига ниҳоятда ярашган, сўзамол, хушчақчақ, самимийлиги мени ўзига оҳанрабодек тортди. Кейин билсам, Зикрилла ака ўзбеклардан чиққан биринчи зиёкор-рентгенолог, ўз касбининг устаси, зукко, моҳир қаламкаш ҳам экан.

Тақдирни қарангки, 1961 йили институтни битириб, собиқ иттифоқ Мудофаа вазирининг буйруғига биноан узоқ муддатли ҳарбий хизматга сафарбар этилдим ва ҳаёгимнинг чорак асрдан зиёд вақти ҳарбий шифокор сифатида она юртдан олисда, турли иқлим, жўрофий, ўзга минтақаларда, яъни мусофиричиликда, не-не машаққатлар ичра кечди. Она юрт, маҳалла-кўй, қариндошуруг, яқин дўст-қадрдоилар, ўзбекона тўй-ҳашамлар, миллий урф-одатларимиз соғинчи билан яшадим. Чунки у даврларда Шўро ҳукуматининг зўравонлик сиёсати боис одамлар онги, тафаккурида Ватан тушунчasi ниҳоятда кенг, айни пайтда мавхум эди. Ўша Ватан леб аталмиш худуднинг чегаралари, Шимолий муз океани, Кирилл ороллари, Узоқ Шарқ, Сибир кенгликлари, Россия, Қозогистон, Ўрта Осиё республикалари, хуллас, жанубий нуқта Термиз, Кушка, Мари, ундан наригача чўзилиб кетган эди. Шунинг учун ҳар йили икки марта ҳарбий хизматга чақирилган минг-минглаб йигитлар тиббий кўрикдан ўтганларида сира «чиққат»га чиқмас, икки-уч, ҳатто тўрт-беш йиллаб ерда, ер остида, сувда, сувда остида, осмонда хизмат қилишга мажбур эдилар.

Уларнинг ётиб-туриши, яшаш шароитлари ночор, ҳаминқадар эди. Энг ачинарлиси, давлат, армия миқёсида ўтказилаётган пин-хоний, яширин сиёсат, тенгсизлик,adolatcizlik оқибатида ўрта осиёлик аскарлар, ҳарбий ходимларга бошқача муносабатда бўлишар, улар асосан қурилиш батальонларида оғир жисмоний меҳнат билан шугулланишар, раҳбарлик лавозимларида бармоқ билан санаарли ходимлар ишлашарди. Бунинг устига армиядаги бошбошдоқлик, носоғлом ички муҳит хаёлни паришон, дилларни вайрон қиласар, буларнинг барчаси юракларда қат-қат алам, изтироб, ноҳуш кайфияту хотиралар қолдиргани рост. Шунинг учун яқин ўтмишимиznи аччиқ алам ила эслар эканмиз, ҳеч иккиланмасдан Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши, ўзимизнинг миллий армиямизнинг ташкил этилишидек тарихий жараёнлар бир-бiri билан узвий боғлиқ ва муштарак эканлиги дилда завқ-шавқ, фахр, ифтихор ҳис-туйғуларини уйғотади.

Не бахтки, озод ва обод мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма йиллик байрами тантаналари шукуҳи дилларимизни тарк этмай туриб, яна бир ажаб сана – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг йигирма йиллигини умумхалқ байрами сифатида катта тантана билан ўтказдик. Шу муносабат билан аввало оддий бир фуқаро, қолаверса, собиқ ҳарбий ходим, Қуролли Кучлар фахрийси, ижодкор сифатида бениҳоя мамнун эканлигимни чин қалбимдан изҳор қиласман.

Табиийки, ўтган давр ниҳоятда сермашаққат ва серзаҳмат йиллар ва йўлларни ўз ичига олган, ўзидан бир умр унутилмас ғам-ташвиш, сабоқди хотиралар қолдирган. Ҳозиргача баҳоли курдат ишлаб, ёшларга ҳаётий тажрибам ва билимимни ўргатиш, қўлимга қалам олиб, ҳарбий-ватанпарварлик мавзусида «Кўрганларим – кечирганларим» номли хотираларим, шунингдек, «Ўзбекистон посбонларимиз!», «Ассалом, она юрт, кутлуғ Армиям», «Ватангча қасамёд» деб атальмиш сафларда жўровозликлда ижро этиладиган жанговар қўшиқ, маршларим тўпламини нашрга тайёрлаб, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, Ватанимиз мудофаа қобилияти ва салоҳиятини янада ошириш, ёшларимизни элсеварлик, мардлик, жасурлик, бурчга садоқат, фидойилик руҳида тарбиялашга камтарона ҳисса қўшиш ниятидаман, ўзимни ҳамон жанговар сафдагидек ҳис қиласман ҳамда бурчли санайман. Шунинг учун кейинги йигирма йил ичida Қуролли Кучларимизда изчилик билан ўтказилаётган ислоҳотлар, оламшумул ўзгаришларга бефарқ ёхуд лоқайд эмасман. Чунки бу менинг ўз миллий армиям, мустақиллигимиз меваси, унинг мард, фидойи, баҳодир посбони ва қалқони! У энди мустақил Ўзбекистоннинг кўп миллатли аҳолиси, ҳудуди ва сарҳадларини турли бало-қазо, оғат, фалокат, ёвуз кучлар тажовузидан ишончли қўриқлади. Шу маънода ҳозирги кунда буюк истиқбол шарофати билан ҳар бир ҳарбий хизматчи ўзи туғилиб ўсган Ватанида, миллий армиясида яйраб-яшнаб хизмат қилаётганидан бениҳоя фахрланаман. Қани энди, мен ҳам қайта туғилсан-у, йигитлик бурчимни ўз Ватанимда адо этсам, ҳалқимиз тинчлиги, осойишталиги, чегараларимиз дахлсизлигини кўз қорачиғидек асрасам, дейман.

Очигини айтсам, бугунги кунда Қуролли Кучларимиз сафида мардонавор хизмат қилаёттан фарзандларимга ҳавасим келади. Сабаби, авваллари ота-оналар ўз фарзандларини қандай қилиб армияга жўнатмаслик чора-тадбирларини излашган бўлса, энди бунинг тамоман аксини кўриш мумкин. Бугун қайси ота-она билан сўзлашманг, қандай қилиб бўлса-да, фарзанди армияга боришини астойдил истаянти. Сабаби, улар Қуролли Кучларимизда хизмат

қилаётган аскарнинг қандай қулай шарт-шароитларда яшाइтгани, кунига уч маҳал тановул қилаётган овқатларнинг тўйимли, сифатли, дармондориларга бой ва юқори калорияли эканлиги, ички, устки ва ташқи кийим-бошларининг ихчам, чиройли ва бежириклиги, ҳатто дала машқ майдонлариға чиқишганида, техник воситалар, шунингдек, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишганида ҳам алоҳида либос кийипларини яхши билишади. Бундан ташқари, аскарларнинг ҳарбийда юксак жисмоний, ақлий, интеллектуал салоҳиятни эгаллашаётгани, ҳарбий хизматни намунали ўтаган фарзандларининг ўқиш ёки ишга киришида кўплаб имтиёзларга эга бўлишаётгани, ҳарбийларга имтиёзли кредитлар берилаётгани, юртимизнинг турли минтақаларида уларнинг оиласлари учун қулай ва шинам уй-жойлар, маданий-майший, спорт ва тиббий иншоотлар қурилиб, фойдаланишга топширилаётгани, умуман, Юртбошимиз раҳнамолигида қилинаётган оталарча ғамхўрлигу эътибордан хабардор ҳамда миннатдордирлар.

Демоқчиманки, ўтган йигирма йил мобайнода ҳаётга татбиқ этилган кенг қўламли изчил ислоҳотлар, ҳарбийларга оид бир қатор қонунларнинг такомиллашуви туфайли мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш, ҳалқимизнинг тинч-осойишта ҳаётига қарши қаратилган ҳар қандай тажовуз ҳамда баразли уринишларнинг олдини олишга қодир ихчам, тезкор, замонавий қурол-яроғ, техника билан таъминланган, жанговар қобилият, юксак тайёргарликка эга профессионал миллий армиямиз шаклланди. Қуролли Кучларимизни ташкил этиш ва бошқаришнинг мутглақо янги тизими вужудга келди, улар сафини тўлдириш такомиллаштирилди. Натижада армиямизнинг салоҳияти, қиёфаси тубдан ўзгарди. Ёшлар ўртасида ҳарбий хизматнинг обрў-эътибори, нуфузи ошли, армияда хизмат қилиш том маънода шон-шараф ишига айланди. Бундан кувонмай, фахрланмай бўладими?

Шундай экан, ҳаётимизга янгича маъно, мазмун бахш этган бу бебаҳо неъматнинг қадрига етиш, уни асрраб-авайлаш ҳар биримизнинг инсонийлик бурчимиз, қарзимиз ва фарзимиздир. Дунёнинг турли минтақаларида давом этаётган нохушликлар, ҳарбий қарама-қаршилик, можаролар, терроризм, экстремизм, наркотрафик каби иллатлар биздан доимо хушёр ва огоҳ бўлишини талаб этади. Гапнинг сирасини айтганда, ҳарбий ходимларга бундай оталарча ғамхўрлик, эътибор кўрсатилиб, юксак ишонч билдирилаётган ва улар миллий армиянинг мустақил таянчлари экан, Ватанимиз тинч ва осойишта, осмонимиз мусаффо

бўлишига иймонимиз комил. Зеро, миллий армиямиз мустақил юртимиз ёрқин келажаги, халқимиз фаровонлигининг ишончли кафолатидир!

Ўзбекистон ишончи,  
Ифтихори, кувончи,  
Пойдевори, таянчи,  
Камарбаста, юпанчи,

Армиямиз бор бўлсин,  
Унга омад ёр бўлсин!  
Ёвуз ният ғанимлар,  
Шармисору хор бўлсин!

Чегарамиз посбони,  
Тинчлигимиз қалқони,  
Элнинг марди майдони,  
Ор-номуси, виждони,

Армиямиз бор бўлсин,  
Унга омад ёр бўлсин!  
Ёвуз ният ғанимлар,  
Шармисору хор бўлсин!

Эл, Армия бир бўлса,  
Кафолатда яшаймиз!  
Осмонимиз мусаффо,  
Фарогатда яшаймиз!

## ДАСТЛАБКИ СИНОВ

Институтнинг бешинчи босқичида ўқир эканмиз, 1960 йилнинг июнь-июль ойларида беш юздан зиёд йигит талабалар юкташийдиган узундан-узоқ эшелонда икки кечакундуз йўл босиб, ҳарбий кафедрамиз режасига мувофиқ, ҳарбий-дала машгулотлари ўtkазиш учун қўshни Туркманистон Республикаси жанубидаги чегара шаҳар – Кушкага келдик.

Айни жазирама. Кундузлари одам иссиқдан энтикиб, ўзини қаерга қўйиши билмайди. Кийим-бошимиз жиққа ҳўл, кийимларимиз терда шўралаган, дам-бадам янтоқ қўшиб қайнатилган сув ичиб, чанқоғимизни босамиз. Кўпинча шаҳарнинг энг кўзга

кўринадиган жойи, тепаликда курилган хоч шаклидаги «Романовлар» ҳайкали пойидаги кенгликда эсаётган фирм- фирм шабадада дам оламиз, эсдалик учун расмга тушамиз. Яхши ҳам қатый кун тартиби бўйича яшаймиз. Эрталаб соат олтидан кундузи ўн иккигача дала машғулотларида, соат ўн еттига қадар темир-бетон пол устига похол ташлаб, матрац тўшалтган ўринларда ёнма-ён сиқилиб ётамиз. Кечки машғулотлар асосан сафда юриш, жанговар низомларни ўқиши, ўрганиш, спорт мусобақалари, маданий тадбирлар билан кечади. Энг муҳими, беихтиёр йўталиш, аксиришдан ташқари, барча хатти-ҳаракатлар, яъни ётиш-туриш, югуриш, ҳатто зарурат туфайли четга чиқиш ҳам фақат бўлим ёки бўлинма сардорининг рухсати билангина амалга оширилади. Биздан анча ёш, лекин муддатли хизмат давомида ўзининг ниҳоятда тиришқоқлиги, улдабуролиги, талабчанлиги, қаттиқ-кўллиги, тажрибаси билан бошқалардан ажralиб турадиган, жиккаккина, паст бўйли, шоп мўйловли сардор-старшинанинг айтгани айтган, дегани деган. Икки гапнинг бирида бизга дўқ, дағдаға қилиб, жифимизга тегади, сўз хазинасидаги «Посажу, арестую, объявляю наряд в неочереди» деган ноxуш ибораларни ишлатиб, юрагимизни фаш, хаёлимиизни паришон қиласди.

Очиғи, ўша пайтларда беш дақиқаси кам бўлажак шифокор бўлишимга қарамай, бошқалардан фарқли ўлароқ, ҳарбий унвонлар, уларнинг даражалари ўртасидаги фарқ, тафовутларни яхши билмас, англамас эдим. Масалан, лейтенант билан капитан, майор ва бошқа унвонларга сазовор ҳарбийларнинг елкаларидаги погонларида нечта юллузча бор, уларнинг катта-кичиқлиги қанақа эканлигига аҳамият бермаган эканман. Бир куни пешиндан кейин ётоқхонамизга кириш олдидаги тумбочка ёнида навбатчиликда турсам, ўрта бўйли, салобатли бир ҳарбий ходим шахдам қадам ташлаб, қаршимга келди. Мен уни штабдан келган назоратчи бўлса керак, деган хаёлда ўта ҳушёрлик билан кутиб олдим. Дарров гоз туриб, ўнг қўлимни чаккамга қўйиб, овозимнинг борича хўрор қичқиргандек кекирдагимни чўздим:

— Рота, подъём! Смирно! Ўртоқ капитан! Ҳарбий таркиб, кун тартиби бўйича дам олмоқда! Сизнинг бу ерда йўқлигингида ҳеч қандай хавотирли ҳодиса рўй бергани йўқ!

— Докладингизда ҳеч қанақа маъно, мазмун, мантиқ йўқ, ўртоқ навбатчи! — деди у қўлини шартта пастга тушириб: Отставить! Устав қоидаларини яхши билмаганингиз учун сизга навбатдан ташқари уч наряд эълон қиласман!

Тинч дам олиш соатида мириқиб ҳордиқ чиқараётган ҳамкасб дўст-ўртоқларим кутилмаганда ширин уйқунинг белига тепиб,

купpla-кундузи қовун туширганимдан ҳайрон бўлишди, роса устимдан кулишди, баъзилари болохонадор қилиб сўкишди ҳам. Бунақа унтилмас, кулгили ҳолатлар бир марта рўй берган бўлса, кошкийди.

Якшанба кунларининг бири, тантанали равишда «Ҳарбий қасамёд» қабул қилганимиздан сўнг кечқурун шаҳар марказидаги офицерлар уйи, маданият ва истироҳат боғидаги концертга отландик. Рота-рота, саф-саф бўлиб, анча юқориликда, тоғ бағрида жойлашган яшаш манзилимиздан шаҳар томон, пастликка туша бошладик. Сафнинг олдинги қаторида турганим, қолаверса, взвод сардори эканим учун старшина жўровозлиқда жанговар қўшиқ айтиб, ҳаммани ортимдан эргаштиришни менга ишониб топширди. Мен эса, ўз навбатида бу ишончни жон-дилим билан бажаришга киришдим, албатта. Бир маҳал қарасам, пастликдан бизга қарама-қарши чап томондан йўл ёқалаб, елкасидаги погонига иккитами, учтами катта юлдуз тақиған бир ҳарбий киши аста-секин келарди. Мен ҳушёрликни қўлдан бермай, унинг бизга яқинлашишини зимдан кузата бошладим.

Ниҳоят, у олдимиизга келганида баланд овоз билан ҳаммага қатъий хитоб қилдим:

— Рота! Равнение направо!

Бундан сўнг бояги катта ҳарбий ходимга нисбатан ҳурмат белгиси сифатида ҳаммамиз унинг олдидан қадди-қоматимизни қўндоқда турган даканг хўроздек тиклаб, шаҳдам қадамлар билан мардонавор ўтдик. Аммо бошимизни чап томонга эмас, ўнгга бурдик, холос! Бундан ҳамма бирдан кулиб юборди, шу жумладан, бизнинг ҳурмат-эҳтиромимиз соҳиби, сабабчиси ҳам! «Нима бўлган буларга ўзи? Сардорининг тани-жони соғми? Эс-ҳуши жойидами?» деган бўлиши аниқ. «Шошилганда лаббай топилмас», дейишгани шу бўлса керак-да?! Ўзингдан ёши, унвони катталар олдидан салом бермай, хода ютгандек ёки оғзингга талқон солгандек безрайиб ўтиш номаъқул иш-ку!

Ўша куни концертдан сўнг уч-тўрт киши одамгарчилик юзасидан бу ерга келганимиздан бери бетоб бўлиб, гарнizon госпиталининг юқумли касалликлар бўлимига тушиб қолган бир ҳамкурсимиизни кўргани бордик. Ҳозир унинг кимлиги ва исмини тилга олишга одам хижолат қиласди. Лекин институтда бирга ўқиган пайтимиздан бери уни ҳамма мақтанчоқ, айёр, устомон ва муғомбир сифатида яхши биларди. Айниқса, кузда, пахта теримига чиқсан вақтимизда унинг ишёқмаслиги, хирмон бошида тарозибон кўзини шамғалат қилиб, ҳозиргина тортилган пахта тўла этакни қайта-қайта айлантириши ёхуд атайин бирор

сургидори ичиб, теримга чиқмаслиги одатий ҳол эди. «Бетимнинг қалини – жонимнинг ҳузури» дейишганидек, бу кимса кўпчилик қатори биз билан йигитлик бурчини ўташ учун қисқа муддатли ҳарбий-дала машгулотларига келганида ҳам эски одатини тарк этмади. Ҳарбий лагерга келган кунимизнинг эртасига ёқ, тўғрими-нотўғрими йўл билан ўзини касалликка солиб госпиталга ётиб олди. Ҳамма ҳамкаслари хизматда, у «даволанишда». Биз унинг олдига борганимизда ранг-рўйининг тип-тиник, ўзи соппа-соғ эканлигига амин эдик. Лекин у ношукурчилик қилиб, бизнинг устимиздан мазах қилиб кулгандек, муғомбирона илжайди, кўзига ёш олгандек бўлди:

– Бугун мен ҳам сизларга ўхшаб «Ҳарбий қасамёд» қабул қилдим. Уйга кетгунимга қадар бутунлай тузалиб қолсан керак. Ҳозирча ичимдан қон, йиринг аралаш қиринди ўтаяпти. Сизлар ҳам менга ўхшаб касал бўлиб қолмаслик учун ўзингизга эҳтиёт бўлинг. Бу ерга келишимиз кўпчиликнинг бошига тушган тўй, синов, – деди у уялмай-нетмай икки кўзини лўқ қилиб.

Бу гапдан менинг жаҳлим чиқди-да, ўзимни тута олмадим:

– Ҳа, кимга тўй, кимга синов! Сендақа муғомбир бемазаларга маза! Бу синов тегирмонидан ҳам бутун чиқиб олдинг, олчоқ, омон бўл! – дедим у билан хайрлашиб.

Ўша куни кўтаринки кайфият билан ётоқхонага қайтганимизда бирдан жанговар тревога бўлиб, ҳамма бирдек оёққа қалқди. Яқинимиздаги чегарарадош ҳудуд, чўлу биёбонда тўсатдан катта ёнгин чиқиб, юлдузлар чарақлаган осмони фалакни қип-қизил, лоларанг тусга киритган эди.

Биз тезкорлик билан гуруҳ-гуруҳ бўлиб, машина, танкларга жойлашиб, фалокат ўчоги яқинига етиб бордик. Тун қоронғусида улкан майдон, қир-адирдаги жазирамада куриб, қовжираган ўт-гиёҳлар чарс-чурс этиб ёнар, тобора кенгайиб бораётган ўт-аланга узун оловли тилларини илондек олдинга чиқариб, ялмоғиздек оғзини катта очар, ён-атрофни ўз домига тортарди. Вазият ниҳоятда жиддий, хавф-хатарли. Бундай улкан, бепоён ҳудуддаги ёнгинни ўчириш учун сув етказиш амримаҳол. Техник воситалар ёрдамида кўрилган барча чора-тадбирлар қатори биз кўлимиздаги белкурак билан ҳар томонга елиб-югуришимиз, ўт-оловнинг устига кум-тупроқ ташлашимиз ёки оёғимиз билан тепкилаб ўчиришимиз, унинг тарқалиши олдини олишимиз зарур эди. Айни пайтда бундай таҳликали, нафасни бўғувчи аччиқ тутун ичидат ҳаракат қилишимиз осон эмас. Ниҳоят, бизнинг тинч, осойишта ҳаётимиз, чегараларимиз дахлсиэлигига раҳна солган табиий

оғат, ўт балосининг йўлини тўсиш, оқибатларини бартараф этишда қатнашганимиздан кўнглимиз тоғдек кўтарилди. Дастлабки синовдан мардонавор ўтдик. Кўрсатилган жасоратимиз эвазига барчамиз кўмондонликнинг раҳматномаси билан тақдирландик.

## РЕЖАЛИ ИШЛАР

1961 йилнинг бошларида ҳарбий кафедрамиз режасига мувофиқ, бу йил институтни битирувчи йигитлар «Госпитал» (хозирги Миробод) деҳқон бозори яқинидаги гарнizon поликлиникасила ҳарбий-тиббий кўрикдан ўтказилди. Бу тадбири амалга ошириш ҳам осон кечмади. Баъзилар турли баҳонаю сабаблар билан тиббий кўрикдан ўтмаслик йўлларини излашди. Тиббий кўрикка борганиларнинг айримлари шу пайтгача тўрт мучаси соғ бўлишига қарамай, «Кўзим яхши кўрмайди, шапкўрман, қулогим яхши эшитмайди, юрагим, буйрагим, жигарим оғрийди, ёшлигимда эшакдан йиқилганман, ўшандан бери ўхтин-ўхтин бошим қаттиқ оғрийди, хотирамнинг мазаси йўқ, уйқусизлик безовта қиласди, баъзан тунлари беихтиёр пешоб келганини билмаганимдан тагимни ҳўл қилиб қўяман» қабилидаги куракда турмайдиган шикоятларни кўндаланг қилиб ташлашди. Мен эса, таним соғ, кайфиятим чоғ, соғлиғимдан ҳеч қандай шикоятим йўқ, дея ёруғ юз билан тиббий кўрикдан ўтдим, ўзимни қушдек енгил сездим.

Ўша йилнинг март ойида бўлса керак, битирувчиларни ишга тақсимлаш жараёни бошланди. Институт ректори хонасида масъул ҳайъат аъзолари иштирокида қатъий режа ва тартиб асосида тақсимот ўтказилди. Навбат бизнинг даволаш факультети ва гуруҳимизга келганда ректор қабулхонасининг кўзга кўринарли жойига осиб қўйилган эълонга эътибор бердик. Мазкур эълон бу йил институтнинг турли факультетларини битирувчиларидан йигирма нафарини Мудофаа вазирлиги ихтиёрига қолдирилиши, ҳарбий хизматга чақирилиши мумкинлиги ҳақида бўлиб, уларнинг исм-фамилиялари ёзилган эди. Бу рўйхатда менинг номим қайд этимагани учун тақсимот ҳайъати қабулига кириб, сұхбатдан ўтдим. Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бўлимининг Оҳангарон тумани марказий касалхонаси шифокори лавозимига йўлланма оладиган бўлдим. Қувончим ичимга сиғмай, ташқарига учиб чиқдим. Атрофимни ҳамкасб дўстларим ўрашди, саволжавобга тутишди. Лекин алоҳида рўйхатга тушганларнинг ичига қил сиғмас, патакларига курт тушган эди.

Энг қизиги, уларни бу куттимаган янгилик билан кутлаш ҳам ёки муносабат билдириласлик ҳам ниҳоятда оғир, хижолатли эди. Чунки уларнинг аксарияти бу хабардан норози, додини кимга айтишни билмас, жон талвасасида ўзини ўтга-чўқقا урар, юқори мартабали бирор раҳбар, таниш-билиш қидирар, қандай қилиб бўлса-да, бу мушкул вазиятдан хамирдан қил суургандек силлиқ-қина чиқиши чорасини изларди.

«Ҳаракатда баракат» деган нақл ҳақиқат эканлиги бизнинг давлат имтиҳонларини сўнгги топширган кунимиз, яъни 1961 йилнинг 25 июнь куни маълум бўлди. Битирувчи йигитларни ҳарбий кафедрага бориб, гувоҳномаларини олишга таклиф этишди. Кўпчилик қатори наебати билан маҳфийхонага кирганимда менинг гувоҳномам Тошкент шаҳрининг ҳозирги Мирзо Улуғбек тумани ҳарбий ишлар комиссариатида, ўзим эса, Мудофаа вазирлиги ихтиёрида эканлигимдан хабардор бўлдим. Буни қарангки, бу янги рўйхатга тушганлар қаторида бизнинг Кушка шаҳрида ўтган ҳарбий-дала машгуулотлари даврида ичбуруққа чалинган эски танишнимиз ҳам бор эди. Бизни эртаси куни соат ўнда Олой бозори яқинида жойлашган туман ҳарбий ишлар комиссариатига боришимизни айтишди. Белгиланган манзилга келганимизда барча масала аёнлашди. Аввал рўйхатга тушганларнинг деярли ярми ўз вақтида елиб-югуриб, турли йўллар билан бу соҳага алоқадор масъул ходимлар ёрдамида ўз номзодларини чиқариб, бўшаб қолган ўринларни тўлдиришга аллақачон улгуришган экан.

Ўша куни ҳарбий ишлар комиссариатининг масъул ходимлари бизни бир сафга тизиб, Мудофаа вазирининг буйругини эълон қилишиди. Мазкур буйруққа кўра, биз 1961 йилнинг 1 июлидан узоқ муддатли ҳарбий хизматга ҷақирилиб, тиббий хизмат лейтенанти унвони олган эдик. Шу муносабат билан бизга бир ой хизмат таътили берилиши, таътил маошини олишимиз, ҳоҳишимизга кўра, бепоён мамлакатимизнинг ҳоҳлаган нуқтасига ҳоҳлаган транспорт воситасида бориб-келишимиз учун бепул чилта берилиши, бундан ташқари, истагимизга қараб, Қора дengиз бўйидаги сиҳатгоҳларда дам олишимиз учун бепул йўлланма берилиши мумкинлигини тушунтиришиди. Фақат бу ҳақда маъмуриятга бугунми, эртага аниқ фикр, қатъий қароримизни ёзма равишда билдиришимиз алоҳида уқдирилди. Бугун эса, Мудофаа вазирининг буйруғи билан танишганимиз тўғрисидаги маҳсус ҳужжатга имзо чекишимиз, ундан кейин ҳарбий омборхонага бориб, бўйбастимизга муносиб тегишли либослар олигимиз зарур эди. Лекин ким таътил давомида қаерда бўлишидан қатъи назар, 1961 йил-

нинг 5 сентябрда буйруқда белгиланган манзилда ҳарбий врачлар малакасини ошириш курсида бўлиши шартлиги айтилди.

Подшонинг амри вожиб. Ҳарбий қасамёд, ҳарбий хизматнинг қонун-қоидаси, шарт-шароити шуни тақозо этади. «Ҳарбий хизмат бурчимдир, унга ёшлик кучимдир», дега ўз-ўзимга тасалли бердим.

## ВАТАН – МЕХР ҚЎРГОНИ

Эр кишининг кўнглида,  
Эгарланган от бўлар.  
Она-Ватан севгиси,  
Дилига жо, ёд бўлар.

Ватан – меҳр қўргони,  
Иймон унинг қалқони.  
Эр йигитлар Ватанинг  
Марду майдон посбони.

Она-Ватан кўркидир,  
Ифтихори йигитлар!  
Эл бошига иш тушса,  
Халоскори йигитлар!

Ёниб яшаш ёлқини,  
Куйдирсин хас-ёвларни!  
Ёниб яшаш тўлқини,  
Бузсин тўсиқ, говларни!

Омон бўлсин ҳамиша,  
Жасур ўғлон, йигитлар!  
Қадамидан ўт чақнар,  
Кўкси қалқон йигитлар!

## ОНАЖОНИМ – ДУОГЎЙИМ

Бу янгиликни менинг оғзимдан эшитган оила аъзоларим ҳангуманг бўлиб қолиши. Мени не ҳасратда неча йил тарбиялаб ўқитган, ўзи емай едириб, ўзи киймай кийдириб, етти етим болани ёлғиз ўстирган, энди оғзим ошга етди, деган онаизоримнинг тарвузи қўлтиғидан тушиби. Бирдан бўшашиб, ерга ўтириб,

уввос солиб йиглашга тушди. Онамни аранг овутдим. Икки гапнинг бирида уларга тушунтиришга ҳаракат қиласман:

— Онажон, қандайдир борса-кељмас жойга эмас, ҳарбий хизматга кетаяпман-ку! Йигитлик бурчини адо этиш, ҳар бир фуқаронинг конституцияйи бурчи. Мен ҳарбий қасамёд, онт ичганман, эл-юртга йигитлик сўзимни берганман. Ўз ичган қасамим, аҳдимдан қайтсан, нима деган одам буламан? Қандай қилиб, эл-юрт ичидаги бош кўтариб юраман? Йўқ, мен йигит эканман, ҳарбий хизматга боришим шарт ва мажбурий! Акс ҳолда бебурд бўламан! Мен армияга бориб, ҳарбийларнинг соғлигини сақлашим, мустаҳкамлашим зарур! Сиз бу билан ҳар қанча фаҳрлансангиз арзиди, онаажон! Ахир, она-Ватан ҳамманинг ўғлига бундай шарафли вазифани топширмаяпти-ку! Мен қаерда бўлмайин Сизнинг менга берган оқ сутингизни оқлайман, яқин ҳамкорингиз, мадалкорингиз бўламан. Ҳарбий хизматчиларнинг ойлик маошлиари, таъминоти яхши бўлар экан. Ҳар ойда, Сизга, ука-сингилларимга тузуккина моддий ёрдам бериб тураман. Сиз билан биргаликда ука-сингилларимизни ўқитиб, турмушга тайёрлаймиз, тўйлар қиласман. Шунда Сиздан, мендан эл-юрт хурсанд бўлади, онаажон!

— Э, она-Ватан, она-Ватан деяверасан, она-Ватанингдан ҳам ўргилдим! Отанг ёш ўлиб, етти сағир бола бағримда чумчуқдай чирқиллаб қолганида она-Ватанинг қаерда эди? Ўша она-Ватанинг сенларга бир тишлам нон келтириб, оғзингга солдими? Ё осмондан чалпак ташладими? Отанг оғир бетоблигига қарамай, не ҳасратда лой, тупроқ чанглаб, сенларга бошпанга қураётганида, чала қолдириб кетган томининг устини оқ тунука билан ёпиб бердими? Ё гувалак ўрнига бир дона пишиқ гишт юбордими? Эски-туски, йиртиқ-ямоқ, юпун кийим-бошлар ичидаги қалтираб, дийдираф юрганингда мана буни кийиб юргин, болам, деб бир парча дока ёки бўзни елкангга ташладими? Устингни иссиқ пўстин билан ўраб-чирмаб қўйдими? Худога шукур, яхши ҳам ҳамиятли кўни-кўшни, яқин қариндош-уруғлар бор экан, ҳеч кимга хору зор бўлмадик. Мен ҳам сизларни ўкситмайман, кўзингиз ёшини оқизмайман, деб ўзимни ўтга-чўқقا урдим. Бўлмаса отанг ўлгандан кейин бокувчисини йўқотган етим болаларга бериладиган арзимас нафақа пули урвоқ ҳам бўлмас эди-ку!

— Гапингиз тўғри, онаажон! Яхши ҳам баҳтимизга Сиз борсиз! Лекин Сиз бизнинг назаримизда барибир буюк Ватансиз, ҳеч бузилмас қўрғонсиз! Бошимизда порлаб турган Ойсиз, Күёшсиз, онаажон! Биз фарзандлар доим Сизнинг пойингизга бош эгиб, таъзимдамиз, хизматингиздамиз!

— Бўпти! Она-Ватанингни рози қиласвер, — дедилар онажоним кўзларида ёш билан мени бағриларига босиб. Кейин ўзларини бироз ўнглаб, менга юзландилар. — Шуни икки қулоғинг билан эшишиб, дилингга қаттиқ туғиб қўй: она-Ватанинг битта, фақат Ўзбекистон, Тошкент! Киндик қонинг тўкилган, ота-она маконинг: Каттабоғ, Катта қанғли, Чўлпон ота маҳалланг! Оддимиздан шарқираб оқаётган Бўзсув, анҳор! Ҳовлимиздаги ранг-баранг гуллар, садарайҳон, гултоҳихўрз, мева-чевали дов-дараҳтлар, ҳатто ариқлар бўйида ўсаётган ёввойи ялпиз! Ҳеч кимга кераксиз-дек бўлиб ётган чагир тош, бир сиқим тупроқ! Лекин бизга етти ёт бегона, бепоён ҳудуд, мамлакат эмас! Сенинг икки онанг йўқ! Онанг битта, Ватанинг битта!

— Тушундим, онажон.

— Тушунган бўлсанг, ўша она-Ватанингга бизни ташлаб, ёлғиз ўзинг сўппайиб кетмоқчимисан?

— Нега ёлғиз ўзим кетар эканман? Сизлар ҳам менинг оддимта бориб турасизлар-ку.

— Биз ҳеч қаёққа бормаймиз! Ўлгунимизча шу замин, муқаддас маконда қоламиз. Мен сендан армияга кетишингдан олдин уйланасанми, деяпман?

Тўсатдан берилган бу савол мени гангитиб қўйди, ўйланиб қолдим.

— Нимага уйланаман, онажон? Ўқишимни энди тугатган бўлсам. Ўзимиз жўжабирдай жон бўлсак. Ука-сингилларим ҳали ёш, ўқишиса, оёққа туришмаган, қўлларидан бирор иш келмаса. Катта рўзғорни аранг тебратиб турган бир ўзингиз. Устимда фақат икки йил аввал, ёзда амалий машгулотларга борганимда икки ой ишлаб топганимга сотиб олган битта костюм-шимим бор. Бир-икки йил ишлаб, сандифингизни тўлдирай, ундан кейин уйлашиш бир гапи бўлар, онажон.

— Сандиним ҳали-бери тўлмайди. Қолаверса, кори-хайрга Худонинг ўзи етказади. Армияга боргач, бирор нотаниш, бегона билан илакишиб, тузогига тушсанг, сув бўйида ғақиллаб, қанот қоқкан ўрлакка ўхшаб, чапак чалиб қолмайин! Кетишингдан олдин албатта уйланиб кетасан, тамом вассалом! — дедилар тиззалирига бир шапати уриб, ўринларидан турар эканлар. Кейин қўшиб қўйдилар: — Бирор таги-тахтли, асли-насли тайинли қизни қўзинг остига олиб қўйган бўлсанг айт, эмаса ўзимиз топамиз.

— Менга уч-тўрт кун муҳлат берсангиз, ўйлаб кўрай-чи.

— Майли! Менинг айтганим бўлмаса, сендан рози эмасман!

## ҲАРБИЙГА БОРМАГАН ЙИГИТ, ЙИГИТМИ?

Мен нечун ҳарбийга бормас эканман,  
Ё таним носогми, юзим шувутми?  
Борми бирор камим тенгдошларимдан,  
Хизматга бормаган йигит, йигитми?

Йўқ, йигит эканман, ўзбек фарзанди,  
Ҳақиқий хизматга бормоқлигим шарт!  
То қўлин ниқталааб бир қиз демасин:  
«Бу хизмат қилмаган, қочоқ ё номард!»

Инсоний ғууруим сифмас танамга,  
Эл учун хизматга мудом тайёрман!  
Бу менинг қасамим, чин йигит сўзим,  
Гар қайтсан аҳдимдан бебурд, беорман!

Оталар-боболар панди дилимда,  
Сув келса кечаман, ёнаман ўтда!  
Бир сафда туну кун дўстларим билан  
Тик, ҳушёр тураман жанговар постда!

Қўлимга берилган қудратли қурол,  
Сирини эгаллаб, асрайман кўздай!  
Ватаним тинчлиги, дахлсизлигин,  
Сақлайман табаррук ош-нону туздай!

Хизматга отландим, хуш қолинг, дўстлар,  
Хизматга бормаган йигит, йигитми?  
Нечун мен ҳарбийга бормас эканман?  
Ё таним носогми, юзим шувутми?

Йўқ, йигит эканман, бошда дўппим бор,  
Жанговар сафларда чиниқмоғим шарт!  
То қўлин ниқталааб бир қиз демасин:  
«Бу хизмат қилмаган, қочоқ ё номард!»

## ИНТИЛГАНГА ТОЛЕ ЁР

Ўта ҳаётий масала олдимда кўндаланг турганидан сўнг мен  
ҳам унга жиддий қарашим зарур эди, албатта. Ўйлаб кўрсам,

диidимга мос гўзал ва барно қизлар жуда кўп эди. Улардан ҳар бирининг ўзига хос фазилатлари, дунёқараашлари, юриш-туришлари, кийиниш маданияти, гап-сўzlари, одоб-ахлоқларини хаёлан бирма-бир кўз ўнгимдан ўтказиб, қатъий тўхтам ва бир қарорга келдим. Доноларнинг: «Тенг-тенги билан...» леган ўтиларига амал қилишга ҳаракат қилдим.

Бундан олдин озгина лирик чекиниш зарурати бордек, назаримда. Гап шундаки, онамнинг айтишларига қараганда, уч-тўрт яшарлик пайтимда кўчада тўсатдан олдимдан кўлпак чиқиб, менга ириллаб, ҳамла қилган. Ўшанда қаттиқ кўрқиб кетганимдан кейинчалик дудуқланиб гапирадиган бўлганман. Ёдимда, онам бирор қўшними, қариндошимизнинг уйига бориб, қандайдир вазифани бажариб келишни топширсалар, ёнимда доим укам Абдуҳафиз бўларди. То мен тутилиб-тутилиб, бир гапни айтгунимча, укам бир оғиз лўнда сўз билан муаммони ҳал қиларди-кўярди. Ота-онам мени бу дарддан фориғ бўлишим учун ҳамма зарур чора-тадбирларни кўришди, эскичаси ҳам, янгичаси ҳам қолмади ҳисоб. Шунинг учун бўлса керак, соғайиб, нутқим равон, ўзим анчайин гапдонга айландим. Лекин бирор нарсадан қаттиқ ҳаяжонлансам, дарсларимга тузукроқ тайёрлана олмасам, айтадиган гапимни аввал ўйлаб, сўнг сўйламасам, бироз тутилиб, дудуқланиб қолиш одатим борлигини доим ич-ичимдан сезиб, ҳаликсираф юрардим.

Мактабда ўқиб юрган кезларим, аникрофи, 7-8-синфларда адабиёт, санъатга қизиқиб, ўзимча шеърлар ёзадиган, айрим спектакль, пъесалардаги қаҳрамонларнинг монологларини ёдлаб, ифодали ўқийдиган бўлдим. Масалан, «Алишер Навоий» спектаклидаги бетакрор актёр Олим Хўжаев ижросидаги «Куй, фазал...» монологи ёки Гоголнинг «Ревизор» комедиясидаги Хлестаковнинг машҳур актёр Наби Раҳимов ижросидаги моҳирона ижроси: «Пушкин билан орамиздан қил ҳам ўтмайди. Петербургдаги қаҳвахоналарда у билан тез-тез учрашиб, ярим кечагача қарта ўйнаймиз. «Александр Сергеевич, аҳволлар қалай?» десам: «Ёмон эмас, оғайни», деб кўяди. Жуда ажойиб инсон. Баъзан ўзим ҳам унга ўхшаб шеърлар ёзиб тураман, газета, журналларда чиқиб туради. Азбаройи чарчаганимдан аранг лифтда тўртинчи қаватга кўтарилеману, кийимимни ечишга ҳам ҳолим келмайди. «Ма, Маврушка, шинелимни ол!» дейишга зўрга кучим етади. О, нимасини айтасиз, азизим, Петербург, Петербург!.. Кечирасиз, менга икки-уч ҳафтага уч юз сўм бериб туролмайсизми?»

Бу монолог менга жуда ёқарди, уни ўзимча қайта-қайта такрорлаб, ўртоқларимга мароқ билан айтиб берардим. Хуллас,

адабиёт ва санъат шайдоси бўлиб, аниқ фанлар, жумладан, математика, алгебра, геометрия, физикага ёзтиборим бироз сусайди, буни синфдошларим, муаллимларим ҳам сезиб қолишиди. Бир куни синфда, охирги партада ўтириб, математика дарсида илҳомим жўш уриб, дафтаримга аллақандай тенглама ёки мисол эмас, балки «Изтироб» деган сўзни ёзаётганимда тепамда мени кузатиб турган синчков ўқитувчимизнинг жаҳли чиқди, ўнг кўлининг ўрта бармоғини букиб, унинг қирраси билан чаккамга қаттиқ туртди. Кейин қулоғимга аста шипшиди:

— Математикани билмаган одамдан ҳеч қачон яхшилик чиқмайди! Бунинг учун изтироб чекишнинг ўзи кифоя қилмайди, шоир!

Шу-шу азбаройи қўрқиб, ҳаяжонланиб кетганимдан яна эски дардим, ярам янгиланди, дудукланадиган бўлдим! Нафақат математика, балки бошқа фан ўқитувчилари мени йўқлаб, ўрнимдан турғазиб, бирор савол беришадиган бўлса ёки доскага чиқаришса тамом, фикримни аниқ ва лўнда ифодалаш ўрнига «т. т. т. ёки п. п. п...» деб автоматдек тариллаганча дудукланаб қолардим. Синфда кулги кўтарилади. Баъзи енгил табиат синфдошларим мени калака қилишарди, бунга сари яна ҳаяжонланардим. Ота-онамнинг таклифи, хатти-ҳаракати, мактаб педагогика кенгашининг келишувига мувофиқ, ўқитувчилар дарс пайтида менга умуман савол бермайдиган, доскага чиқармайдиган бўлишиди. Бу орада баъзи мутахассислардан тегишли руҳий муолажа, маслаҳатлар олдим, аста-секин асли ҳолимга қайта бошладим. Бундан ўзимга чиқарган асосий хulosам шу бўлники, бўлар-бўлмас нарсаларга ортиқча ҳаяжонланмаслигим, аввал ўйлаб, кейин сўзлашим, энг муҳими, ҳамма дарсларга пухта тайёрланингим, менга берилиши мумкин бўлган турли саволларга аниқ жавоб беришга доим шай туришим керак.

1955 йили Тошкент давлат тиббиёт институтига ўқишга кирганимдан сўнг дастлабки пайтларда физика, кимё фанлари қатори лотин тили, одам анатомияси, гистология каби тиббиётга оид соҳалар ўқитила бошлади, ўқув юкламалари кундан-кун ортиб, оғирлашаверди, уларга етарли ҳозирлик кўра олмадим. Оқибатда, менда яна ҳаяжонланиш, дудукланиш аломатлари пайдо бўлди. Мен бунинг олдини олиш мақсадида ўзимча қулоқ-томоқ-бурун (лор) мутахассисига мурожаат қилдим. Унинг маслаҳати шу бўлники, менда ҳеч қандай қўрқинчли касаллик йўқ. Баъзан дудукланиш им сабаби вақтинчалик, ўтиб кетадиган, функционал ҳолат, холос. Бунинг учун ўзимни ўзим қаттиқ илора қилишим, иложи борича бу ҳақда умуман ўйламаслигим, дарс-

ларга пухта тайёрланишим даркор. Бундан ташқари, аввало ўзимнинг соғ-саломатлигим, ҳеч кимдан кам эмаслигим, шахсий фикр-мулоҳазамни ҳамма ерда аниқ ва дадил айтишга қодирлигимни нафақат сўзда, амалда ҳам исботлашимга тўлиқ ишонишм, бунга эришишим фақат ўзимгагина боғлиқ экан. Қолаверса, бўймагур хаёл ва қўрқувлардан ўзимни чалғитиш учун чекка жойлар, тоғу боғларга чиқиб, баланд овозда ҳайқириб шеърлар ўқишим, иложи борича драма тўгарагига қатнашиб, турли роллар ўйнашим зарур эди. Менга ҳаммасидан ҳам охирги фикр, тавсия маъқул тушди. Ўша кезларда институтимизда Ўзбекистон халқ артисти, академик Юнус Ражабийнинг тўнгич ўғли Аҳмаджон Юнусов раҳбарлигига драма тўгараги фаолият кўрсатаётганидан хабарим бор эди. Янглишмасам, 1955 йилнинг охирида мазкур тўгарак жамоаси ҳозирги Ўзбек миллий академик драма театри саҳнасида драматург Баҳром Раҳмонов қаламига мансуб «Юрак сирлари» комедиясини муваффақиятли намойиш этган эди. Унда мен оддий томонабин сифатида қатнашган эдим.

Мен сира иккиланмай, драма тўгарагига ёзилдим ва унинг фаол иштирокчисига айландим. Институтда олти йил ўқиган бўлсам, драма тўгараги жамоаси катта саҳнага олиб чиқсан: «Оғриқ тишлилар», «Айтсам тилим куяди, айтмасам дилим», «Чин муҳаббат», «Макр ва муҳаббат», «Иймон» спектакларида бош ролларни ижро этиб, нафақат томошабинлар, балки Олим Хўжаев, Амин Турдиев, Наби Раҳимовдек улуғ санъат дарғалари назарига тушдим, уларнинг олқишу эътирофларига сазовор бўлдим.

Энг асосийси, нутқ, саҳна маданиятини яхши эталладим, мени доим таъқиб этиб келаётган дардимдан бутунлай фориғ бўлдим! Албатта, ҳар бир спектаклни академик театр саҳнасига олиб чиқиш, талабчан, зуқко томошабинлар эътиборига ҳавола қилиш, манзур қилишда устозимиз Аҳмаджон Юнусов, қолаверса, барча тўгарак аъзоларининг ҳиссаси беқиёс эди. Шу тўгаракда деярли барча факультет ва босқичларда аъло баҳолар билан ўқиётган иқтидорли йигит-қизлар иштирок этишарди. Ўқишини ҳам, ўзларига топширилган ролларни ҳам қойилмақом қилиб ўрнига қўйишарди. Кейинчалик тўгарагимиз аъзоларидан таникли олимлар, катта мутахассислар, ажойиб инсонлар этишиб чиқишли. Биз бир-биримиз билан ниҳоятда аҳил, самимий дўст-қадрдонлар эдик.

Шулар ичида ўзининг юриш-туриши, камтарлиги, одамийлиги, ибратли одоб-аклоқи билан бошқалардан бутунлай ажralиб турадиган, истараси иссиққина Шарофат исмли бир

қиз бўларди. Йигитлар ўртасидаги ўзаро сұхбатларимиз чоғида устозимиз Аҳмаджон ака кўпинча бир гапни фахрланиб, Шарофатнинг исм мини тез-тез тилга олардилар.

— Мана шу қиздан жуда яхши рафиқа чиқади. Уйим-жойим дейдиган, ниҳоятда садоқатли, фидойи аёл мана шунақа бўлади!

Балки шу сабабли мен уни зимидан пинҳона кузатиб, кўз остигма олиб қўйган эдим. Узун гапнинг қисқаси, онажоним билан бўлиб ўтган сұхбатдан сўнг, шу қизга нисбатан хаёлан меҳру ихлосим ошди. Институтдан уни қидириб топиб, учрашишга аҳд қилдим. Чунки Шарофатхон биздан бир босқич қуида ўқир, орамиздаги ўзаро муносабатларимиз фақат самимий, дўстона эди. Тўгаракдошлигимиз учун бир-биримизнинг феъл-авторимиз, оиласвий шароитларимиздан озми-кўп хабардор, маслакдош эдик. Шунақа яхши хаёллар, эзгу ниятлар билан эртасига институтга борсам, бир гурӯҳ қизлар ичидаги очилиб-сочилиб келаётган Шарофатхонга кўзим тушиб қолса бўладими! У бу сафар кўзимга жуда бошқача кўриниб кетди. Биз йўлимидан тўхтаб, саломлашдик, ҳол-аҳвол сўрашдик. Мен унга тақсимот бўйича Мудофаа вазирлиги ихтиёрига ўтганлигимни негадир ҳаликсираф айтдим.

— Вой, қандай яхши, табриклайман! — деди у менинг тақдиримдан астойдил хурсанд бўлиб, нозиккина қўлларини менга узатаркан.

Фурсатдан фойдаланиб, қўлини дарров қўйиб юбормасдан, уни бироз четга тортдим.

— Сизни атайн излаб келувдим, яхши бўлди, ўзингиз йўлиминдан чиқиб қолдингиз. Сизга айтадиган жiddий гапим бор эди. Илтимос, эртага соат ўн тўртда, кашшофлар саройи олдида учрашсак.

— Қандай бўларкин? — деди у иккилангандек кўзини ерга тикиб.

— Яхши бўлади. Афсус қилмайсиз, — дедим сўзимда қатъий туриб.

## КЎЗИМ ТУШДИ – МЕҲРИМ ТУШДИ

Аҳдлашувга мувофиқ, ваъдалашган жойга ўн-ўн беш дақиқа олдинроқ келиб, бир чеккада турдим. Шарофатхон ҳам белгиланган вақтдан сал илгарироқ келиб, дам-бадам соатига қараб, у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Мен аста юриб, унинг ортидан келдим-да, кутилмаганда елкасига бармоғим учини теккиздим. У чўчиб, шартта орқасига ўгирилди. Ялт этиб менга қаради:

— Вой, бу қанақаси? — деди устимдаги ҳарбий либосга ҳайрон бўлиб тикиларкан.

— Шунақа! Қалай, ярашибдими?

— Жуда ҳам! Муборак бўлсин!

— Раҳмат! — дедим ҳарбийларга хос виқор ва салобат билан қадди-қоматимни ғоздек тиклаб. Аслида янги ва кенг либос ичидаги ўзимни қопга тушгандек ноқулай сезардим. Сабаби, ўша пайтларда озингина, хипчагина йигитча эдим. Ҳарбий омборхонада бизга берилган кийим-бошлар эса, оммабоп шаклда тикилган, ўлчами бироз каттароқ эди. Масалан, кўйлагим тұғмачалари охиригача қадалиб, бўйинбог остидан ингичга бўйнимнинг ярми очилиб, ёғоч сўридек қўлтиллаб турарди. Енгим учи шимарилган. Бошимдаги шапкам аэродромга ўхшаб, кенг ва салмоқли бўлганидан кагта қозон атрофи гувала билан ўраб, суваб чиқилгандек, ичига доира шаклида икки-уч варақ газета ўрами тикилган. Ялтираб турган хром этигим, охирги бичимда эканлиги туфайли қават-қават пахмоқ пайтава ўралганига қарамай, ҳар қадам ташлаганимда шалоп-шалоп қилиб, бўзчининг мокисидек нари бориб, бери келарди. Албатта, бу вақтингчалик ҳолат эканлигини қўпчилик билмаса ҳам ўзим билардим.

Ўртадаги оний сукунатдан сўнг Шарофатхон билан хибондаги бўш ўриндиққа ўтириб, ҳаётий муаммолар ҳақида самимий сұхбатлашдик.

— Шундай қилиб десангиз, узоқ муддатли ҳарбий хизматга кетадиганман, — аста-секин тап бошладим ташаббусни қўлга олиб. — Уйдагилар тўй ҳаракатига тушиб қолишиди.

— Вой, муборак бўлсин, қандай яхши!

— Лекин...

— Нима, лекин?

— Шу десангиз, келин топилмай турибди.

— ...

— Ўйлаб-ўйлаб, сизнинг номзодингизда тўхтадим.

— Вой, жуда қизиқ бўпти-ку!

— Ҳа, жуда қизиқ. Шунинг учун бугун сиз билан рўй-рост гаплашиб олишимиз керак. Чунки бу ниҳоятда жиддий, ҳаётий масала.

— Биламан.

— Ҳарбий хизмат деганим тахминан йигирма беш йилга чўзилади. У қаерда, Тошкентдами, Камчаткадами, Кушка, Маридами, қандай кутгилмаган шарт-шароитларда ўтади, у ерларда қанча вақт бўлиш именга номаълум. Чунки мамлакатимиз ҳудуди ниҳоятда белоён. Шунинг учун мени қаерга юборишса, лаббай деб,

ўша ерда боришим керак. Ҳар йили бир марта бир – бир ярим ойга таътилга келаман. Ўшандагина ота-онам, қариндош-уруғ, ёру дўстларим дийдорини кўраман. Унгача узоқ, нотаниш, мусо-фир жойларда кимгадир, нимагадир суюниб, юрт соғинчи билан яшайман. Бу осон эмас. Бунга мустаҳкам иродада, сабр-тоқат, бардош керак.

– Тушунаман.

– Менинг оиласидай аҳволим сизга маълум. Уч йил бурун отам вафот этдилар. Етти бола онамиз бағрида қолганмиз. Энг кичик синглим ҳозир тўрт ёшда. Ука-сингилларимни ўқитиб, тарбиялаб, оёққа турғизишм зарур. Демак, бўлажак келин нафақат менинг рафиқам, балки муштипар онам ёнида иккинчи она, тарбиячи, мураббий ҳам бўлиши даркор.

– Тушунаман.

– Очиғини айтганда, ҳозир уйланишим учун оиласизда ҳеч қандай тайёргарчилик йўқ. На тайинли кийим-бош, на бошқа нарса. Лекин қариндош-уругларимиз беминнат ёрдамга шай туришибди. Ўйлайманки, сиз томонда ҳам шундай вазият.

– Тўғри.

– Шундай бўлгач, ҳозир борига барака қилиб, ота-онамиз розилиги билан турмуш курсак, кейинчалик камчиликларимизнинг ўрни тўлиб кетар. Бошимиз омон, ўзимиз аҳил, тотув бўлсан бас! Нима дедингиз?

– Албатта! Мен сиз айтгандек, рафиқа, онамизга ҳамкор, мададкор, ёш ука-сингилларимизга меҳрибон ая, опа, кеннойи, мураббия бўлилигга розиман! Сизнинг шинелингиз остида яшасам ҳам, дунёнинг нариги чеккасига борсам ҳам, ёнингизда бўлишга ҳамиша тайёрман! Пешонамизга шундай қисмат, тақдир ёзилган экан, унга асло қарши чиқа олмаймиз! Буёғини келажак кўрсатади! Мен ота-онамни шунга кўндираман. Улар менинг қатъий қароримга сира монелик кўрсатишмайди, мен бунга ишонаман!

– Бўлмаса, эрта-индин уйингизга совчилар боришади. Фақат менга аниқ яшаш манзилингизни берсангиз, ёзиб олсанм. Уйингиздагиларга мендан салом айтинг, Шарофатхон! – дедим.

## ТЎЙЛАР МУБОРАК!..

Сўраб-суриштиурсак, Шарофатхонлар оиласи Ишчилар шаҳар-часи, Уста Ширин кўчаси яқинидаги янги курилган маҳаллада яшар экан. Бу манзилдан бизнинг қариндошимиз, таниқли навоийшунос олим Порсоҳон Шамсиев ҳам макон толган эдилар. Уларнинг ораси бор-йўғи битта кўча, холос. Шу сабабли мўлжал-

ланган ишимиз ва режамиз осонроқ амалга ошди. Катта бувим, онам ва холамизга қўшилиб, қўзлари ожиз Порсохон отанинг рафиқалари Баҳрихон аммамиз совчиликка боришиди. Уларни саранжом-саришта уй соҳиблари иззат-икром билан илиқ кутиб олишди. Асли-насли насаблари эл-юрга маълум ва машҳур диний уламолар, муфтийлар Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхон ва Зиёвиддинхон ибн Эшон Бобохонлар авлодидан бўлган Сайдвалихон ота кекса ёшда бўлишига қарамай, йўл қурилишида оддий ишчи эдилар, Маъсудаҳон она эса, тикувчилик билан шуғулланар, етти қиз ва бир ўғилни тарбиялаб, камтарона, турмуш кечиришар экан. Улар шу кунгача икки қизларини узатишган, маҳалла-кўйда обрў-эътиборли, диёнатли оила бошлиқлари. Оиланинг учинчи фарзанди Шарофатхон совчи бўлиб борган аёлларга биринчи кўринишиданоқ, яхши рўй-хуш бериб, уларнинг кўзини қувнатибди, дилларини яйратибди. Бўлажак қайноаси билан илк бор қутоқ очиб кўришаркан, уни худди ўз онасилик бағрига маҳкам босиб, анчагача қўйиб юбормабди, унинг вужудига дилидаги ногаҳоний ва пинҳоний меҳри, сехри, иссиқ тафтини ўтказибди. Бундай эътибордан юраги гул-гул уриб, жиз этган онаизор ҳаяжонланиб, аъзойи-бадани қизиб, беихтиёр кўзларига ёш олибди. Қисқача суҳбат, мулозаматдан сўнг аёллар ўринларидан туришган.

— Қизимиз билан гаплашиб, унинг кўнглини билайлик-чи, нима деркин? Унгача яна қўришармиз, — дейишган уй соҳиблари совчиларни илтифот ва тавозе билан кузатишади. — Қадамингизга минг-минг ҳасанот! Қуллуқ!

Орадан икки-уч кун ўтгач, эрталаб аzonда кўча эшигимиз тақиллаб қолди. Ташқарига чиқсан, эшик олдида қўлига асо тутган, ўрта бўйли, оппоқ соқоли кўксига тушган, рангпаргина отахон менга илтижо билан тикилиб турибди. Саломлашдик.

— Қўли енгил, ёш дўхтири Искандархоннинг уйлари шуми?

— Ҳа. Қани ичкарига марҳамат қилсинлар.

Олдинма-кетин ҳовлига, шинамгина қабулхонамга кирдик.

— Хизмат, отахон?

— Овозангизни эшитиб, атайин Юнусободдан келдим. Чопоноталик Акромқори деган эски қадрдонимиз орқали сизни сўроқлаб, уйингизни топдим. Озгина дардим бор эди. Шояд шунга даво топсан. Сизга жуда ихлосим баланд. Ихлос ҳам ярим шифо, дейишади. Дардимни ҳаммага ҳам айтольмайман, болам.

— Ишончингиз учун раҳмат! Сизга қўлимдан келганича ёрдам бераман.

— Шу десангиз...

...Отахон билан узоқ ва самимий сұхбатлашиб, уни зарур тиббий күрикдан ўтқаздым. «Бу одам саратон касаллигига чалинган. Рангида ранг йўқ. Бунинг устига бавосил (геморрой) безовта қилаяпти. Кечаю кундуз йўғон ичакдан яширин қон кетиш оқибатида камқонликка мубтало бўлган, куч-кувватдан қолган. Уни тезлик билан онкология, радиология илмий-текшериш институтига ёт-қизиши, шошилинч даволали мулажасини бошлаш керак», деган қатъий хуносага келдим.

Беморнинг эътирозига қарамай, ўша заҳотиёқ отланиб, кўчадан машина ёллаб, белгиланган манзилга етказдим, тегишли мутахассисга кўрсатдим. Менинг тахминий ташхисим тасдиқланди. Отахон уйга бориб, бола-чақалари билан маслаҳатлашиб, шифохонага ётадиган бўлдилар, ҳаққимга дуо қилдилар. Қолаверса, бунақа хайрли ва савобли ишларни авваллари ҳам кўп қилган эдим. Институтнинг талабаси бўла туриб, икки-уч йилдан бери маҳалламиздаги bemor қўни-қўшни, кекса-ёшларга beminnat тиббий маслаҳат, ёрдамлар бериб келардим. Охирги уч йил мобайнида, ёз ойларида уйимиз ёнидаги «Гагарин» номли болалар оромгоҳида аввал мавсумий ўрта тиббий ходим, кейин эса, шифокор лавозимида ишладим, анчагина ҳаётий, амалий қўни-малар ортирган эдим. Отахоннинг менга мурожаат қилиши сабаби ҳам чамаси шундан эди, назаримда.

Уч-тўрт кундан сўнг совчилар яна Шарофатхонларнинг хонадонига ташриф буюришиб, оқлиқ ўраб келишди.

— «Сизларнинг кимлигингизни сўраб-суриштиришимизга сира ҳожат йўқ. Асли-насли тоза, покиза эшонзодалар авлодидан экансизлар. «Қиз боланинг тенги чиқса, текинга бер», дейишган экан, машойихлар. Қизимиз тақдирини Искандархон билан боғлашга рози. Осмон никоҳи ерга тушиб, тақдир шуни тақозо қилган бўлса, иложимиз қанча. Илоҳо, ёшлар қўшгани билан қўша қарисин, бахтли-тахтли бўлсин, ўзидан ўзи кўпайишин, омин», дейишибди уй эгалари.

Шундай қилиб, икки томонда тўй ҳаракати бошланиб кетди. Энди навбат келин-куёвга ажратилган бир уй ва дахлизни бироз эпақага келтириш, енгилтина таъмирлаш эди. Чунки уй қурилганига уч йил бўлганига қарамай, унинг фақат томи ёпилган, ичи қора сомон сувоқдан чиқсан, эшик-деразалари омонатгина ўрнатилган эди, холос. Қўни-қўшни, ошна-оғайниларнинг ҳашари билан уй ичидан пахса деворга лой олинган чуқур тупроқ билан тўлдирилди, текисланди, устига эски-туски бўйра, намат, полос тўшалди. Шифти эса гулдор қоғоз билан беркигишди. Уйнинг олди девори оппоқ алебастр билан силлиқ қилиб сувалди. Икки

томондан күтариладиган зинали супача, соябон қурилди. Қарабизеки, қисқа муддат ичидә шу пайтгача ҳувиллаб ётган, ҳайхотдек бүм-бүш уйнинг ичи, тахмон, токчалар тўй арафасида жиҳозланди, тўлдирилди.

Тўйимиз 1961 йилнинг 20 августига белгиланиб, фуқаролик ҳолатини қайл этиш, яъни ЗАГС дан ўтишимиз 15 августда бўлди. Мен томондан ўртоқларим Адувоҳид ва Жалолиддин, келин томондан ёши каттароқ қўшни аёл ва дугонаси Ўлмасхон гувоҳлигига Себзор даҳасидаги маҳсус муассасада ўtkазилди. Абдувоҳид биздан беш-олти йил аввал, эртароқ уйлангани боис, бу борада анча ҳаётий тажриба, кўниkmага эга эди. Шунинг учун бизни никоҳдан ўтказиш жараёни ортиқча даблабасиз, тез ва ихчам ўtdи. Ўша хонанинг ўзидаёқ, бир шиша шампан виноси очилиб, газагига шоколад еб, бир-биримизни янги ҳаёт билан табриклидик. Ташқарига чиқсан, аёллар типирчилаб туришибди. Каттаси «Уйга кудаларимиз келиши керак, тез бормасам бўлмайди», ёшроғи «Уйда эмизикли боламни қайнонамга қолдириб келганман, роса йиғлаётгандир, тезроқ олдига боришим керак», дейишарди. Ноиложлиқдан уларга озгина суюнчи бериб, троллейбусга ўтказиб, уйларига кузатдик. Ўртоқларимиз ҳам зарур ишлари борлигини баҳона қилиб, ўз хизматларига равона бўлишди. Шарофатхон иккимиз янги шаҳардаги модалар уйига бордик. Бу ердаги бир танишимизни топиб, ундан Шарофатхонга икки-уч кун ичидә жигарранг матодан костюм-юбка тикиб беришини илтимос қилиб, тўйимизга таклиф этдик. Шу билан биз ҳам уй-уйимизга тарқалдик.

Тўйимиз кутилганидан ҳам аъло даражада, янгича, намунали, тартибли ўtdи. «Пиёзнинг пўсти, менинг ўртоқ, дўст»ларим кўплигидан никоҳ куни келиннинг уйига карнай-сурнай, чилдирмаю ноғора садолари остида бақириб-чақириб, ўйнаб-кулиб, салкам етти юк машинага жойлашган йигитлар, ёш-яланлар борибмиз, денг! Шошиб қолган тўй эгалари ёnlаридағи икки қўшнининг ҳовлисига қўшимча жой ҳозирлатиб, меҳмонларни паловдан ташқари чучвара билан ҳам сийлашди. Жўраларим қуршовида куёвлик сарпоси – бошимга оқ салла, устимга зар тўн кийиб, илжайиб ташқарига чиқаётганимда, не кўз билан кўрайки, кўча эшиги олдидаги дастурхон атрофида «Хуш келиб-сизлар!» деб турган таниш чехра, мени излаб, қабулимга борган оппоқ соқолли отахоннинг икки қўли кўксида эди.

Кейин билсам, шу авлодга мансуб бу барака топкур, ўзининг оғир аҳволига қарамай, эски урф-одатимиз бўйича йўлини қилиб, менинг кимлигим, насл-насабимни сўраб-суриштириш учун

атайин Юнусободдан Чўпонотага борган эканлар. Умрим бўйи бу кишининг менга билдирган ишончлари, ихлосларини оқлашга жон-дилим билан киришдим. Отахон бизнинг тўйимиздан кейин узоқ яшамадилар, Аллоҳ уларни ўз раҳматига олган бўлсин!

## СОМСА МОЖАРОСИ

Тўйимизнинг эртаси, яъни 21 август куни пешинда ҳозирги Миллий боғ, ҳаммом яқинидаги ҳовузли шинам чойхонада улфатларимга куёв оши қилиб берадиган бўлдим. Ҳамма ишга ёнимдаги куёвжўрам, ҳамкасбим Ҳусниддин бош-қош, у аллақачон болачали, ҳаётӣ тажрибага эга, гапдон, ҳазилкаш йигит эди.

Ўндан ортиқ улфатларим жам бўлишиб, тўкин дастурхон атрофида роса чақчақлашдик. Мен ва кўёвжўрадан бошқа барча йигитлар мени уйланганим билан қутлаб, «оз-оздан Суннатиллонинг миносидан тотиниши». Энди ошни дамлаш пайти келганда куёвжўра қулоғимга аста шипшиди:

— Искандар, яна озгина харажатли иш бор. Бемалол бўлса, бироз кўмаклашиб юборасиз.

— Нима экан?

— Келин, янгалариниг олдига қуруқ борсангиз уят бўлади. Қолаверса, эрта-индин келин чорлар. Ўшанда келин кўрарга келган хотин-қиз, аёлларга озми-кўпми совфа-саломлар тарқатилади.

— Хўш-хўш, нима экан улар? Биздан нима хизмат?

— Э, от билан тия бўлармиди, оғайнни. Арзимаган нарсалар: йигирма-ўттизтадан атир совун, упа-элик-да. Яна уч-тўртта патир, ширинлик, дегандай.

— Осон экан-ку. Марҳамат, мана бу пулни ишлатинг, мабодо етмаса яна бераман, — дедим.

Куёвжўра пулни олиб, ёнига солди-да, зингиллаб Бешёғочга чиқиб кетди. Кўп ўтмай, икки қўлида катта қофоз халта кўтариб келди, харидларини бир чеккага кўйди.

— Ана энди кўнгил хотиржам, bemalol gurunglashsak bouldi.

Катта лаганга сузилган паловхонтўрани талашиб-тортишиб, яхши ният билан бир-биримизга ошатиб, еб тутатдик. Аҳамият берсам, назаримда бировнинг гапини биров эшитмас, ҳамма ўзи билан ўзи гаплашар, хохолаб куларди. Биргина ҳушёр ва тадбиркор куёвжўра негадир безовта, ҳаёли паришон эди, у дамба-дам иккита қофоз халтани титкиларди. Ниҳоят, нимадандир кўнгли тўлмади, шекилли, яна аста қулоғимга деди:

— Битта хатолик ўтибди, узр. Ҳаёлимдан кўтарилибди.

— Нима экан?

- Бояги нарсаларга құшимча қилиб, ўнта иссиқ гүштли сомса олишимиз керак эди. Ўша эсимдан чиқибди, аттанг.
- Бешеғоч бозори олдидә бордир?
- Бор бұлса қанийди!
- Сомса бўлиши шартми?
- Ҳар ҳолда келин, янгаларининг ҳурмати-да. Күёв жуда курумсоқ экан, дейишмасин.

Бизнинг суҳбатимизни эшилган бошқа улфатларимиз ҳам бу фикрни маъкуллашди.

- Бўлмаса турдик. Кун оғиб қолди. Соат ҳам олтидан ошиди, — деди күёвжўра апил-тапил нарсаларимни йигиштириб.

Дастурхонга фотиҳа ўқилгач, улфатлар билан хохолашиб, Бешеғочдаги деҳқон бозори олдига келдик. Ҳеч қаерда сомсадан дарак йўқ. Кимдир Алишер Навоий номли театр майдони олдидә сомса сотилиши мумкинлигини айтди. Шу пайт бекатга трамвай келиб тўхтаган эди, ҳаммамиз қовоқаридек ёпирилиб, ўзимизни вагон ичига урдик. Театр майдонида ҳам сомса топилмади. Күёвжўра соатига қаради:

- Соат еттига яқинлашди. Қоронгига қолмай уйга боришимиз керак. Майли, сомса бўлмаса бўлмас, бизни кечиришар.

Лекин яна кимдир таклиф киритди.

- Жуда ноқулай-да. Марказий универмаг олдига борайлик, ажаб эмас, ўша ерда сомса сотилса. Қани кетдик!

Яна ҳаммамиз ипга бир қатор тизилган турналардек узун-қисқа бўлишиб, янги манзил томон йўл олдик. Қоғоз халтанинг бири менда, иккинчиси күёвжўрада. Унинг мендан қаттиқ хижолат чекаётгани юзи, гап-сўзидан билиниб турарди.

- Боя бозорга борганимда негадир сомса сотиб олиш эсимдан чиқибди-да! Ҳозир бунақа овораи сарсон бўлмас эдик.

— Қўяверинг, хижолат бўлманг. Сомсани кейинроқ олиб борарман. Шунча қидирайпмиз-ку, улар бизни тушунишар.

- Йўқ, темирни қизигида босиши керак, оғайни, бўлмаса совиб қолади.

Хуллас, одамлар анча сийраклашиб қолган Марказий кўчага, универмаг олдига яқинлашганимизда соат миллари чоракам еттини кўрсатарди. Бу ерда аксига олиб, сомса тугул, ҳатто унинг хиди ҳам йўқ.

Шу пайт гапга чечан, соч-қошлари қуюкроқ, ўзи бир оз суюкроқ улфатларимиздан бири оғзидағи тилла тишини ялтиратиб, ўзини эшиги ёпилаётган универмаг ичкарисига урди, чап томонга ўгирилди. Атторлик бўлимидағи қўхликкина аёлга мулоҳим жилмайиб, ундан сўради:

- Опажон, сизларда сомса сотилмайдими?
- Сомса? Қанақа сомса?
- Сомсадақа сомса-да! Бизга иссиқ, гүштли сомса керак.
- Вой ўлай, эсингиз жойидами? Бу ерда сомса сотилмайди-ку!
- Мана, сенга сомса!

Шу яқин атрофда бўлаётган машмашани кузатиб турган, гавдаси келишган барваста бир йигит бояги сархуш улфатимизнинг қулоқ чаккасига тўсатдан тарсаки тушириб қолди. Иккоквлари олишиб, коптоқдек думалаб ташқарига чиқишиди. Тўполонга улфатларимиз ҳам қўшилиши, ур-йиқит бошланди, миршабларнинг ҳуштаклари тўхтовсиз чуриллади. Йигитларни бир-биридан ажратаман, деб қўлимдаги қоғоз халта билан мен ҳам ўртага тушдим, ўзимча масалага ойдинлик киритмоқчи бўлдим, афсуски...

— Мана сенга сомса! — деган сўздан эс-хушимни йўқотаёздим. Чунки юз-кўзим аралаш оғир мушт тушиб, кўзимдан ўт чиққандай бўлди, бошим чир-чир айлана бошлади. Бир маҳал биз аранг тарқалишиб, уйимизга етиб олдик. Лаб-лунжимнинг шишгани, қош-қовоғимнинг қўкарганидан билсан, ўша куни ейилмаган сомсага пул тўлаган эканман. Ҳар сафар сомсага қарасам, ўша воқеа кўз олдимга келаверади.

## ХОТИН ЁНГА ҚОЛДИ

Яна бир умр эсдан чиқмайдиган, дилим тубидан чуқур жой олган воқеа. У ҳам бўлса, келин чорлардан сўнг, онамиз бизни дастурхон атрофига чорлаб, дуо қилиб, минг хижолату афсус билан биздан узр сўраб, муддаога кўчдилар. Тўйда, кўпчилик орасида қўнглиминиз ўксимасин, деб хонамизга тўшаб қўйилган катта, қип-қизил гилам шу атрофдаги ўзига тўқ, бадавлат бир оиланинг шахсий мулки, уч-тўрт кунга ижарага олинган, шуни супириб-сидириб, эгасига қайтаришимиз шарт экан. Кейингиси, келин саломда келинпошшага ҳадя қилинган, қўшалоқ тилла сирға, билакузук, бир шода марварид ҳам кимдандир омонатга олингани маълум бўлди. Уларни ҳам ҳеч иккиланмасдан миннатдорчилик билан эгаларига қайтардик.

Мен бу гапларни ҳазилга буриб, роса кулдим.

- Онажон, ишқилиб, келинингиз омонат эмасми?
- Йўқ, болам, — дедилар негадир чуқур уф тортиб. — Кам бағаллик айб эмас. Лекин жуда ёмон, оғир дард. Қўлимиз калталик қилиб, кимдандир кафолатга қарз-ҳавола олишга мажбур бўлдик.

Худога беадад шукур, тўйимиз эсон-омон, яхши ўтди, қарз-қурзимиздан ҳам қутилдик ҳисоб. «Қарз узилар, хотин ёнга қолар», дейишган экан доноларимиз. Буёғига пешонангизга ҳалолидан берсин, икковингиз қўша қариб, узоқ йиллар аҳил, иттифоқ яшанглар, ўзингиздан кўпайинглар. Мол-дунё вақтингчалик, ўткинчи нарса. Ҳамма нарса топилади, лекин одамнинг бир-бирига бўлган самимий меҳру муҳаббати, садоқати, саховати, меҳр-шафқати ҳеч қачон унуглилмайди. Мана шу энг катта, бебаҳо бойлик ҳисобланади, энди бундан буёғига янада меҳр-оқибатли, эътиборли бўлайлик, болаларим.

Шундан кейин хонамиз келин томондан келтирилган палак, дорпеч, шоҳи дарпардалар, кигиз, намат, сим кароват, сандик, тош ойна, чинни асбоблар, кўрпа-тўшак, кўрпачалар билан тўллирилди, қайта жиҳозланди. Тўй баҳонасида бизга совға қилинган янги либос, кийим-бошларимиз ҳам ихчамгина шкафдан жой олди. Шунинг ўзи бизга етиб ортарди.

## ҚЎЛИ ШИРИН КЕЛИН

Үйимизга келин тушиши муносабати билан хонадонимизга файзу барака, кут кирди, у янада ёришиб, саранжому сарашта, фариштали бўлди. Эрта саҳардан кўча эшик олди, катта ҳовли чинчироқ ёққандек озода, ёғ суртса ялагудай супириб-сирирган, сувлар сепилган. Ошхонада ўзиқайнар шақиллаб турибди. Оиламиз аъзолари бирин-кетин салом бериб, дастурхон атрофида тўпланишади, келиннинг ўрнидан туриб, ярим эгилиб, тавозе билан узатган пиёласидан иссиқ чой ичишади, «Раҳмат, кам бўлманг!», дейишади.

Тўйдан кейин бир ҳафта-ўн кун чамаси хонадонимиз азиз меҳмони бўлган табаррук Мунавварахон, Камолахон катта бувиларимиз келинпошшанинг қўлини кўриш ҳақида истакларини билдиришиди.

— Вой, нима қилибди кенннойимизнинг қўлларига? Нима учун уларнинг қўлларини кўриш керак экан? — ҳайрон бўлишди ёшлар, бир-бирларига маъноли қараб.

— Таомили шунаقا, болаларим, — дейишди бувиларимиз, масалага аниқлик киритиб, — келинпошшанинг қанақа пазанда эканлигини синовдан ўтказамиз, қўлларини кўрамиз. — Кейин келинга юzlанишиди: — Қандай тансиқ таомлар тайёрлашни биласиз, болам?

— Ҳаммасини! — деди Шарофатхон ўрнидан дик тураркан, икки қўлини кўксига кўйди.

- Жуда, ошириб юбормадингизми?
- Йўқ, катта бувижон!
- Унақа бўлса, бугун кечқурунга қулинг ўргилсин мастава тайёрланг!
- Жоним билан!

Шарофатхон куни билан кечқурунги буюртма таомни вақтида, сифатли тайёrlаш учун бор маҳоратини ишга солди. Астойдил қилинган ният, ҳаракат ўз ижобатини топди. Кечки пайт оиласиз аъзолари дастурхон атрофига жамланишганда, Шарофатхон ilk бор моҳир пазандалик маҳорати, қобилиятини намойиш этди. Чинни коса чизигигача сузилган таом навбати билан даставвал бувиларимиз, онамиз ва бошқаларга узатилди. Косанинг юзасида қиздирилган ёғ товланиб турар, устига қатиқ, бир чимдим кашнич, райҳон солинган, ҳаммаёққа ёқимли ҳид таралиб, бусиз ҳам очилиб турган иштаҳани баттар қўзғатарди. Таомдан бир қошиқ олиб, оғизларига солган катта бувим «Оҳ-оҳ, хўп мазали овқат бўлибди-да!» деб уни охиригача мақтаб-мақтаб тановул қилдилар, ҳатто коса тагини қўллари билан ялаб, «Қўлларингиз дард кўрмасин, болам!» дея дуо қилдилар.

Эртасига яна катта бувимнинг илтимосларига мувофиқ, чучвара пиширилди. «Сичқоннинг қулоги»дек ихчам ва чиройли, бир текис, бежирим тугилган чучвара ҳам таҳсинга сазовор бўлди.

Кўпчиликнинг хоҳишига биноан кейинти кун паловга буюртма берилди. Сергўшт, серсабзи, зира ҳиди анқиб турган олов туси-даги паловхонтўра катта чинни лаганга сузилиб, ўртага қўйилганида у ўз-ўзидан ўрмалаб кетгудек ҳолатда товланиб, буғланиб турарди. Уни ҳам талашиб-тортишиб, бир дона гуруч қолдирмай пок-покиза туширдик. «Савоб бўлади, дунёнинг тагига етайлик», деган ниятда лаганга чой солиб, чилла-чин қилдик, пазандага тасаннолар айтдик.

Шу тариқа янги келиннинг баракали, сехрли қўлини кўриш синови ҳам муваффақиятли ўтди. Жаннатий катта бувиларимиз ўла-ўлгунларича Шарофатхоннинг ilk бор тайёrlаган ширин ва тансик таомлари мазаси ҳали-ҳали оғизларида қолганлигини фахр ва ифтихор билан эслашарди. Бунга жавобан мен ҳазиллашиб: «Эҳ, барака топкур, бувижонларим, меҳрибонларим, янгамнинг таомини ширин, мазали қилган акажонимнинг масаллиғи!» дедим. Бу гапдан кейин роса кулишдик.

## ТҮЙЛИНИНГ ТҮЙИ ЎТАР

«Ҳа-хув» демай, менинг таътилим тугаб, ҳарбий шифокорлар малакасини ошириш курсига борадиган вақтим етиб келди. Ўқиш манзилимиз Шимолий темир йўй шоҳ бекати, аникроғи, ҳозирги Миробод деҳқон бозори яқинидаги Туркистон ҳарбий округи 340-ҳарбий госпитали ҳудудида жойлашган эди. Бу ерга нафақат Ўзбекистон, балки Қозоғистон, Тоҷикистон, Туркманистон, Озарбайжон, Догистондан ҳам менга ўҳшаб ҳарбий хизматга сафарбар этилган эллиқдан зиёд йигитлар келишган. Сафимизда бизга Кушкадан таниш ҳамкасбимиз ҳам бор, кайфияти бузук, қош-қовоғи уолган, оёғи куйган товуқдай безовта эди.

Тингловчилар ётоқхонага жойлашиб, бир-биримиз билан танишдик. Машгулотлар қатъий кун тартиби бўйича эрталаб соат тўққиздан кечки ўн саккизгача давом этади. Ўртада бир соат тушлик, кейин мустақил тайёргарлик учун вақт ажратилган. Тошкент шаҳридан ўқишига келган тингловчиларнинг истисно сифатида машгулотлардан сўнг уйларида ётиб-туришларига рухсат берилди. Фақат уларнинг кундузги машгулотларда фаол қатнашиб, тузишган жадвалга мувофиқ навбатчилик қилишлари ва ўша куни ётоқхонада ётишлари алоҳида таъкидланганди.

Биз институтда ўқиб юрган пайтимизда ҳарбий кафедрамиз ўкув дастури бўйича уч йил мобайнинда маҳсус тайёргарликдан ўтган эдик. Бироқ, ҳозирги шароитда аввалиги билим-қўниммаларимиз озлик қиласарди. Шунинг учун қисқа фурсатда ҳарбий тиббиётнинг ўзига хос хусусиятлари, унинг ажralmas қисми – санитария-гигиена, эпидемиология, юқумли касалликлар, ҳарбий-дала терапияси ва хирургияси, токсикология, неврология, психиатрия, шунингдек, ҳарбий стратегия ва тактика, замонавий ялли қирғин воситаларининг шикастловчи омиллари, улардан ҳимояланиш чора-тадбирлари ҳақида тегишли мутахассисларнинг илмий-назарий, амалий, ҳаётий маъruzalariidan баҳраманд бўлардик. Айниқса, ҳарбий Низом талабларига кўра сафда юриштуриш, саломлашиш тартиб-қоидалари, ўқ отиш воситаларидан оқилона фойдаланиш бўйича кўниммалар олдик.

Асосий эътибор Қуролли Кучларда даволаш-профилактика ишларининг таъминоти асослари, шахсий таркиб жисмоний ҳолатини узлуксиз тиббий назорат қилиш, ҳарбий қисм-бўлинмаларда фаолият кўрсатаётган қуий, ўрта ва олий босқичдаги тиббиёт ходимлари малакаси, амалий кўниммалари сифати, маданиятини янада ошириш учун қатъий режа асосида мунтазам равишда нуфузли ҳарбий-тиббий муассасаларда ўқитиш, ҳарбий-

тиббий ҳисоб-китоб ҳужжатларига ўз вақтида, давлат қонун ва талаблари даражасида чуқур билимдонлик, масъулият билан ёндашишга алоҳида эътибор қаратилди. Фақат бугина эмас, нотинч ҳалқаро вазият, кутилмаганда оммавий шикастлаш воситаларининг қўлланиши мумкинлиги, доимий жанговар шайлик, огоҳлик, ҳушёрлик, қўшинларда тиббиёт ходимларининг шарафли бурчи, ўрни борлигига катта аҳамият берилди. Хуллас, бир яrim ой ичидаги жиддий ҳарбий-тиббий тайёргарликдан ўтиб, руҳиятимиз, феълы-авторимиздаги ёшлиқ-бебошлиқ, енгилтаклик каби хусусиятлардан бир оз холи бўлиб, анча вазминлашдик, оғир масъулиятни зиммамизга олдик, тақсимот бўйича турли ҳудудларга тарқала бошладик.

1961 йилнинг 17 октябрида мени маҳфийхонага таклиф этган масъул ходим Қўлимга тегишли ҳужжатларни топширап экан, диққатимни йўлланманинг бир четига қора қалам билан алоҳида белгилаб қўйилган «Т.Т» деган ёзувга қаратди.

— Бу нима дегани? — сўрадим ундан.

— «Тахиатош», — деди у бепарвогина, шуни ҳам билмайсанми дегандек. Кейин қўшиб қўйди: — Йигирманчи октябрь куни белгиланган манзилда бўлишингиз шарт!

— Ие! Йигирманчи октябрь менинг туғилган куним-ку! Манзилга бир-икки кун кечикиб борсам бўлмайдими?

— Афсуски, йўқ! Қўлингиздаги буйруққа Қўмондон имзо чекиб, муҳрини босган. Армияда олинган буйруқ муҳокама этилмайди, ўз вақтида, тез ва сўёзиз бажарилади!

Ташқарига шошилиб чиқдиму, ётоқхонадаги буюмларимни апил-тапил йиғиштириб, яқинроқдати авиакассага бордим. Йигирманчи октябрь куни пешиндан кейин Тошкентдан Нукус шаҳрига учадиган самолётга чилта олдим. Уйга келиб, оила аъзоларимни янгилиқдан хабардор қилдим. Улар бундан кувонишларини ҳам, хафа бўлишларини ҳам билмай, ҳайрон қолишиди. Фурсатни бой бермай, яқин қариндош-уруг, ёру биродарларим билан хайрлашишни режалаштирдим.

Ўша кунлари аксига олиб, Тошкент политехникуми талабалари укам Рашодхон ва синглим Марвияхон паҳта теримига кетиб, Сирдарё вилоятининг Гулистан туманидаги далаларда жавлон уришарди. Ҳарбий-дала либосимни кийиб, эрталабдан улар билан хайрлашиб келгани ошиқдим. Қайтишимда ўша атрофдаги ҳозирги Гулистан туманидаги санитария-эпидемиология станциясида ишлаётган ёш келин-куёв Яшинжон ва Наимахонларни зиёрат қилиб, бир кеча азиз меҳмонлари бўлдим. Эртаси куни Эски шаҳарнинг Каттабоғ маҳалласида яшовчи катта

амаким, уларнинг оила аъзолари билан хайрлашиб, оқ фотиҳаларини олдим. Гапдан гап чиқиб, Нукус шаҳрида қариндошимиз Мажидхон Мўминов дорихоналар Бош бошқармаси мудири бўлиб ишлаши ва яшашини айтишди. Ўша куни ёқ, у кишининг яшаш манзилларига: «Йигирманчи октябрдаги кечки рейс билан лейтенант Искандархонни кутиб олишингизни илтимос қиласмиш», деган мазмунда шошилинчнома йўлладим.

Рафиқам иккимиз совға-салом олиб, биринчи марта қайноатам, қайнонам, опа-сингил, укамизни кўриб, хайрлашиб келгани Тахтапулга бордик.

Йигирманчи октябр куни эрталабдан уйимиизда келди-кетди бошланди. Пешинда хайрлашув ошини еб, жомадонимга керакли буюмларимни жойлаб, йўлга отландим. Онам, бувиларим, тоғам, кеннойим, Шавкат, Абдусафихонлар қимматли нарсаларини йўқотаётгандек ҳар чеккада пиқ-пиқ йиглаб, юрагимни эзишарди. «Мен ҳам акам билан бирга кетаман!» деб бўйнимга ёпишиб, қўлимдан тушмаётган кенжатой синглим Мальфурахонни овутиш амримаҳол эди. «Биз кейин бирга борамиз», деган Шарофатхон, Мавлудаҳонлар: «Йиғлама!» деб унга кўшилиб, ўzlари йиғлашарди. Мен эса, бир неча кун-тун давомида ич-ичимдан қўйилиб, ошиб-тошиб, жўшиб келаётган ҳис-туйғуларимни қофозга туширган эдим, ўшани ўқий бошладим:

### ДЎСТЛАР, БУГУН УЧГУМДИР...

Дўстлар, бугун учгумдир,  
Сиздан анча узоқقا.  
Ўз йигитлик бурчимни,  
Ўтаб хизмат қилмоқقا.  
Чунки хизмат — олий бурч,  
Шуни этар тақозо.  
Буйруқ олдим, Қўмондон,  
Чеккан муҳр ва имзо.  
Тайёр сафар анжомим,  
Самолётга чиқаман.  
Ҳаммангизни қучоқлаб,  
Кўлингизни сиқаман.

Мен боражак қисмимнинг,  
Кўзи бўлиб бораман.  
Ота-онам, ёр-дўстим,  
Юзи бўлиб бораман.

Буюк ҳазрат Алишер,  
Сүзи бўлиб бораман.  
Ҳамюртларим издоши,  
Изи бўлиб бораман.

Дилда эзгу ҳаяжон,  
Ўтдай қизиб бораман.  
Юракка не қуйилса,  
Ёзиб, чизиб бораман!  
Онт ичаман, мен унда,  
Ишончингиз оқлайман.  
Меҳрингизни кўз каби  
Асрайман, ардоқлайман!

Азиз Она-Ватаним,  
Улуғ, кўқдай чексиздир.  
Денгизи, ер-осмони,  
Бекиёсдир, тенгиздир.  
— Қайда бўлсанг, соғ бўлиб,  
Эл-юртим, де, эй ўғлон!  
Элга хизмат қилмоқни,  
Дил бурчим, де, эй, ўғлон!  
Ҳар нуқтаси Ватаннинг  
Бизга азиз, дурдона!  
Уни сақла, севгин! — деб,  
Ўгит берар юрт — Она!

Дўстлар бугун учгумдир,  
Сиздан анча узоққа.  
Ўз йигитлик бурчимни,  
Ўтаб хизмат қилмоқца.  
Чунки хизмат — олий бурч,  
Шуни этар тақозо.  
Буйруқ олдим, Кўмондон,  
Чеккан муҳр ва имзо.  
Тайёр сафар анжомим,  
Самолётга чиқаман.  
Ҳаммангизни қучоқлаб,  
Қўлингизни сиқаман.

Гард юқтирумай номимга.  
Шон қўшиб унвонимга,

Қайтгум юрт, маконимга,  
Хайр, соғ күришгунча!  
Вақти чөғ күришгунча!

Аэропортта бориб, самолёт зинасидан юқорига күтариладар эканман, орқамга қарасам, мени сафарга кузатиб чиқсан қариндош-уруғ, яқинларимизнинг сон-саногига етиш қийин. Мен уларнинг ичидан қўлидаги қизил дуррачасини аста ҳилпиратиб, менга оқ йўл тилаётган рафиқамга қараб, беихтиёр кўнглим бўшашиб, томогимга бир нарса тиқилгандек бўлди. Лекин дарров ўзимни қўлга олдим.

Шу ёшга кириб, самолётда биринчи бор учишимга қарамай, унга тезда мослашдим. Дераза олдига ўтириб, юксакликдан қўйига назар ташладим. Пастликда ҳаёт қайнайди. Баҳайбат уй-жойлар гутурт қутичасидек кўринади. Кўзга чалинаётган одамлар, машиналар қумурсқадек аста-секин ҳаракат қиласди. Бир-бирини кесиб ўтувчи катта-кичик йўллар худди дарёга ўхшаб, кун нурида жилоланади. «Ҳа, мени кутаётган нотаниш, қингир-қийшиқ, нотекис, оғир ва машаққатли йўллар!» дея ўзимга-ўзим таскин бераман, уларни мардонавор босиб, енгиб ўтишга азму қарор, ният қиласман. Кўз остимда чархпалакдек тез айланиб ўтаётган катта-катта қарталарга бўлинган, бир томчи сувга зор, поёнсиз ерлар, қирадирлар вақти келиб инсон ақл-заковати, меҳнати билан гуллабяшинаши керак, албатта, дейман келажакка зўр умид, ишонч билан қараб.

Орадан уч соат ўтиб, самолётимиз ентил силкиниб эсономон ерга кўнганидан сўнг, трап оллида мени бир даста гул билан кутиб турган Мажидхон акам ва уларнинг бир-биридан ширин икки ўғилларига кўзим тушиб, суюниб кетдим. Улар билан кучоқ очиб кўришдик.

Уйга келишимиз биланоқ, Мажидхон акам Тахиатош ҳарбий гарнizonи комендатурасига кўнғироқ қилиб, менинг Тошкентдан фалончи бўлинма ихтиёрига келганилигим, у ерга эртага боражагим ҳақида хабар бердилар. Бунга жавобан:

— Майли, ҳеч шошилмасдан эртага келинглар, бугун кеч бўлиб қолди. Лекин Сиз айтган ҳарбий қисм бизнинг гарнizonда йўқ! — дейишди қатъий оҳангда.

— Ие, бўёғи қизиқ бўлди-ку! — дедим ҳайрон бўлиб. — Бугун менинг туғилган куним бўлишига қарамай, бу ёққа шошилиб, атайин самолётда учиб келсаму, улар мени қабул қилишмаса!

— Биз Сизни орзиқиб, интиқлик билан кутаётган эдик! Бугун Сизни шоҳона қабул қиласмиш, ўз уйингиздасиз, ўксиманг, Искан-

дархон! — дедилар Мажидхон акам кўнглимни кўтариб. — Улар Сизни бугун қабул қилишганида ҳам биз рухсат бермас эдик! Оиласизнинг азиз меҳмони бўласиз, гап тамом, вассалом!.. Қани онаси, топган-тутганингни келтир, ўртага қўй! Менинг қиёматли ота-бобо қадрдоним, жигарпорам лейтенант Искандархон хонадонимизга ташриф буюрди. Унинг таваллуд кунини биргалиқда нишонлаймиз!

Бир пасда тўкин дастурхон ёзилди. Ўша пайтларда Нукус шаҳридаги тиббиёт муассасаларида ишлаётган ҳамкасб дўст-биродарларим Алихон Мўминов, Асадулла Ҳожиматов, Фарид Исмоиловлар ҳам дастурхон атрофида ҳозир нозир бўлишди. Кеннойим менга бир шода дастўромол совға қилдилар. Анчагача у ёқ-бу ёқдан гаплашиб, яхшигина ўтириб, ярим тунда тарқалишдик.

Бир маҳал кимдир эшикни қагтиқ тақиллатиб, ҳаммамизни уйготиб юборди. Кеннойим эшикни очса, кўшни аёл икки қўлини лаб-лунжига тираб, астойдил йиғлаяпти.

— Вой-вой, тишим қаттиқ оғрияпти! Ўзимни қаерга қўйишни билмаялман. Дори ичсан ҳам оғриғи босилмаяпти! Ёрдам бeringлар, барака топкурлар, бўлмаса ўзимни бир нарса қилиб қўяман! Вой, тишим...

Мен дарров ўрнимдан туриб, ўши аёлнинг олдига бордим. Қўлини пастга тушириб, қайси тиши оғриётганини сўрадим. У пастки, чап жағидаги охирги ақл тишини кўрсатди. Кеннойимдан уйда шприц, новокаин эритмаси, йод, спирт, пахта бормий-йўқлигини суриштиредим. Бахтимизга ҳаммаси бор экан. Бемордан бўлажак муолажага розилигини олдим, унинг танасида новокаинга нисбатан акс-таъсир қанақа эканлигини сўрадим. Саволларимга ижобий жавоб олгач, ишга киришдим. Оғриқ тишининг илдизи остига эпчиллик билан новокаин эритмасидан юбориб, bemornинг аҳволини зимдан кузатдим. Натижа мен кутгандан ҳам аъло, ҳамманинг кўз олдида тез содир бўлди. Беморнинг тиши оғриғи тақа-тақ тўхтаганидан хурсанд бўлиб, уйига чиқиб кетди.

### «Т.Т.» — ТАХИАТОШ ЭМАС ЭКАН-КУ!

Нукус шаҳридаги маҳаллий вақт Тошкент билан бир соат тафовут қиласар экан. Мен уйқудан эрта туришга, радиодан субҳидам концертини эшишишга одатланганман. Бу ерда тонгги соат бешда уйгониб, ёнимдаги мўъжазгина радиоприёмник «кулоги»ни бурайвериб «қизартириб» юбордим. Бир пайт Тошкентдан Ўзбекистон булбули Ҳалима Носирова ижросида «Эй, ёри хуш келиб-

сиз!», «Галдир» қўшиқлари баралла янгради. Уйдалигимда бу хушовоз хонанданинг жарангли овозини кўп эшитган бўлсамда, унинг сеҳрли оҳанги ва таъсир кучига унчалик аҳамият бермаган эканман. У қулоғимга шунчалик ёқимли туюлдики, азбаройи кўзимдан ёш чиқиб кетди. «Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ», дейишгани шу эмасмикан? «Бу ҳали холва», дейман ўзимга-ўзим нимадандир хижолат чеккандай, аччиқ афсус ва надомат билан.

Ҳадемай бизни Тахиатошга олиб борадиган катта юқ машинаси ҳам келди. Ҳайдовчи қайтишида юқ олиб келар экан. Манзилимизга боришда кўприк бўлмагани учун Амударёдан паромда ўтишимиз керак. Дарё суви лойқа ва тез оқарди. Лекин кучли катер сув оқимиға қарши сузиб, тўлқинни пичоқдек кесиб ўтарди. Машинанинг тумшуғига ўтириб нортуюдек пинкириб, жўшибитошиб оқаётган дарёга ҳавас билан разм солдим. Ҳаво салқин, тоза, тўйиб-тўйиб нафас олдим.

Хўжайлига борганимизда чап томонга бурилдик, одамлар кенг далага ёйилиб, паҳта теришарди. Бу йил паҳта ҳосилининг унуми, баракаси йўқ. Ўша кунларда Қорақалпоғистон паҳта терими бўйича республикала охирги ўринда, давлат режасини аранг ярмита бажарган. Биз Тахиатошда 16-дорихона мудири ҳузурида бўлдик. У бизни шаҳар гарнizonи штабига бошлади. Куролланган навбатчининг рухсати билан штаб бошлиғи қабулига кирдик. У менинг ҳужжатларим, йўлланмамни кўриб, бу ерда бундай ҳарбий қисм мавжуд эмаслигини айтди. «Тоиқентга, Бош штабга сўроннома юборамиз. Жавоб келиши билан сизларга хабар берамиз», деб Нукусдаги турар жойимиз манзили, телефон рақамларимизни ёзib олди.

Ўша куни кечга яқин телефон узундан-узоқ жиринглади. Унинг гўшагини кўтартган Мажидхон акам менга деди:

— Тахиатошдан хабар бериши. Сизнинг бошқа ерга, 23 октябрдан кечикмай боришингиз керак экан. Янги йўлланма олиб кетинглар, дейиши.

Эртасига яна Тахиатошга бориб, қайтар эканман, китоб дўконига кириб, сиёсий ҳарита харид қилдим. Ундан янги борар манзилим «Т.Т.»ни аранг излаб топдим. Бор-йўғи шовуллаб оқаётган Амударё бўйидан нариги томондаги Сирдарё соҳилига аввал самолётда, кейин поездда боришим даркор экан. 22 октябрь куни эрталаб Мажидхон aka авиакассадан «Нукус-Мўйноқ-Орол денгизи» йўналишида учадиган самолётга чипта олиб, қўлимга йўл ҳаражатлари, деб яна пул ҳам тутқаздилар.

Самолёт Орол денгизи устидан тахминан 3-4 километр баландликда учди. Иллюминатордан пастга қарасам, узоқдан кўзимга оппоқ қорли тоғга ўхаш улкан қоялар кўринарди. Улар

бизнинг остилиздаги паға-паға булутлар подаси экан. Феруза рангдаги денгиз қүёш нурида майин жилваланарди. Булутлар худди уммонда сузib юрган баҳайбат муз тұдаларига үхшаб кетарди. Мен гүё бепоён муз уммонидың беозоргина қаракат қилаётган, яхмалак учайтгандек, қүшдек енгил сезардым үзимни. Назаримда булутли осмон тұнкарилған, унинг денгиз рангидан фарқи йўқ. Фақат булутлар кўланкаси денгиз устида аста-секин ўрмалар, оптимиздан эргашарди. Беихтиёр бу паға-паға булутларни болакайлар суйиб тановул қиласиган қордай оппоқ ва юмшоқ ширилик — «пахтача»ларга үхшатдим, хаёлан уни оғзимга тутиб, маза қилиб яладим. Баъзан эса, болаликда катталардан ҳайратланиб эшигтганим, яъни булутлар ҳақидаги афсона, эртаклар ёдимга тушди. Эмишки, «Булутлар дарёлар, денгизлар бўйига келиб, мириқиб сув ичади. Уларнинг бир парчасини шиша идишларга солиб, асраб қўйилса, кейин уни оёқ кийим, этик, маҳсилар устига мойдек сурисла, бир ярақлайдики, кўзингизни қамаштиради, асти қўяверасиз».

Самолёт бир маромда ғувиллаб, аста-секин Мўйноқдаги кўниш майдонидаги қисқа муддатта тўхтади. Кун совуқ, изғирин. Ён-атрофга қарасам, ҳаммаёқ зангори тусда, димоқларга балиқ ҳиди урилади. Ўнлаб пароходлар, катта-кичик қайиқлар сузиди, минглаб кумушранг чағалайлар чақ-чақлашиб, мовий денгиз устида чарх уришади. Ким сувга қармоқ, тўр ташлаб, типирчилаётган лаққа балиқларни шошиб үзига торгаяпти, ким уларни саралаб, маҳсус идишларга солаяпти... Ажойиб манзара!

Оёқ остидаги ялтири-юлтири қилаётган қум шу қадар майинки, уни қўлингга олиб, томоша қилгинг келади. «Қани энди, унинг бир машинасини Тошкентга олиб бориб, уйинг деворларини сип-силлиқ қилиб сувасанг».

Шундай ширих хаёллар билан аввал самолёт, кейин автобусда Орол денгизи бўйидаги темир йўл бекатига етиб келганимни билмай қолдим. Оптимга қарасам, темир йўл бекатидан атиги икки чақиримча нарида гижинглаган тойчоқдек эркаланиб, соҳилни бузгудек пишқираётган Орол денгизининг шовуллаши қулоғимга хуш ёқар, кайфиятимни чоғ қилиб, кўнглимни тоғдек кўтариарди.

Орадан бир неча йиллардан сўнг бу темир йўл бекати орқали у ёқ-бу ёққа қайта-қайта үтганимда Орол денгизининг кўз олдимизда қуригани, тенгсиз фалокатга йўлиққанидан ниҳоятда афсусланиб, қаттиқ изтироб чекардим. «Қайт ортингга Онажоним, Оролим, менинг баҳтим, иқболим!» дердим астойдил ич-ичимдан оғир хўрсиниши билан ҳайқириб!

Ҳали-ҳали ўша аччиқ дард, алам, афсус-надомат, армон, эзгу орзу-ният қалбимни тарк этмайди. Ҳаёлимда Орол денгизи қайта тирилгандек, унинг мовий кенгликларида минг-минглаб оқ қушлар, чағалайлар ҳаёт қўшигини айтиб, чарх ураётгандек туюлади. Илоҳо, ўша хушнуд кунларга етиб борайлик!

### КЕЛГАН ЖОЙИМ ЧЎЛ, АДИР, НОМИН БИЛСАМ, БОЙҚҮНФИР...

Дунёга машҳур Бойқўнир космодромининг довруғини эшитмаган одам бўлмаса керак. Унга XX асрнинг эллигинчи йиллари бошида асос солинган. Дастреб чўлдаги синов полигони сифатида қурилган бу полигонда ҳарбий мақсадда яратилган турли янги ракеталар синовдан ўтказилган. Синов жараённида жуда кўп қўнгилсизликлар юз берган. Ракеталар осмонга бир неча километр кўтарилиганидан кейин портлаб кетиши ҳоллари кўп бўлган. Оқибатда кўплаб ҳарбийлар — маршал, генерал, зобит, оддий аскарлар, шунингдек, илмий ҳодимлар — академик, профессор, инженер-конструктор, техник, лойиҳачи, тиббиёт ҳодимлари, лаборантлар нобуд бўлишган. Бу ерда ана шу синов жараёнларида ҳалок бўлган одамларнинг номлари ёзилган Хотира қабристони бор, уларнинг орасида ўзбекча исм-фамилиялар алоҳида кўзга ташланади. Бу қабристон Бойқўнирнинг бош штаби ёнидаги 10-майдон деб аталадиган чўлдаги замонавий шаҳарчада жойлашган. Билмадим, ҳозир бу ёдгорлик сақланиб қолганми, йўқми?

1959 йилда бирин-кетин турли номдаги спутниклар — Ернинг сунъий йўлдошлари учирилгани мальум. Ниҳоят, 1961 йил 12 апрель куни Юрий Гагарин космосга учирилди. Унинг космик кемаси коинотга Бойқўнирдан старт олди. Бу тарихий воқеа космодромнинг 1001-майдонида содир бўлди.

Шундан сўнг Бойқўнирнинг довруғи оламга ёйилди. Унинг шундан кейинги ҳарбий, илмий, сиёсий аҳамиятини таърифлаб ўтишга ҳожат йўқ. Собиқ империя унинг ҳарбий-стратегик аҳамиятига ҳаддан ортиқ баҳо бериб, Америкадек қудратли давлатга сиёсий таъсир ўтказиш воситаси сифатида фойдаланишга ҳаракат қилди. Бироқ, америкаликлар ҳам анои эмасди. Улар Ойга одам учириш, коинотдаги планеталар устида илмий тажрибалар ўтказиш, космосга ҳарбий спутниклар ҳамда станцияларни жойлаштириш, ҳатто космосдан туриб қилинадиган хужумларни ўша жойнинг ўзида даф қиласидиган мураккаб қурилмаларни кўзга кўринмайдиган тарзда жойлаштириш ва бошқа шу каби беқиёс илмий изланишлар ҳамда жаҳоншумил ютуқлар бўйича советлар-

ни анча ортда қолдириб кетдилар. Шунга қарамасдан Бойқұнғир собиқ империянинг фахри бўлиб қолаверди. Кремль унинг аҳамиятини собиқ империядаги ҳеч бир ҳарбий-стратегик ишшоотга тенглаштирумас эди. Бойқұнғир халқаро космодром номини олди.

Аллоҳнинг иродаси ва озодликка интилган халқларнинг хоҳиш-иродаси билан империя парчаланиб кетди. Ўшандада «Бойқұнғир кимники бўлади?» деган масала кўндаланг бўлиб қолди. Собиқ империянинг меросхўри сифатида Россия биринчи даъвогар эди. Ҳудудий жиҳатдан Қозоғистонга қарашли бўлгани учун қозоқ демократлари Бойқұнғирни ҳеч кимга бермаймиз, деб намойишлар ўтказиши. Шунингдек, космодром Туркистон ҳарбий округи ҳудудида жойлашганлиги учун ҳам кўп мунозараларга сабабчи бўлди. Маълумки, бу округ Қозоғистоннинг жанубий вилоятларидан ташқари, Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон республикаларининг ҳудудларини ҳам тўлиқ қамраб оларди. Бунинг устига Туркистон ҳарбий округининг маркази Тошкентда жойлашган эди. Асосий илмий потенциал Москвага тегишли бўлгани ҳолда бевосита қурилиш-бунёдкорлик ишларини тўлиқ ўрта осиёликлар бажаришган. Шунга қарамасдан Россия билан Қозоғистон асосий даъвогарлар бўлиб қолиши. Тортишув узоқ давом этди. Мунозара ва баҳслар нафақат расмий доираларда, балки матбуот, радио ва телевидениеда ҳам кенг давом эттирилди.

Бир куни Россия телеканалларидан бирида машҳур кинорежиссёр Станислав Говорухин чиқиб, важоҳат билан ваҳима кўтариб таҳминан шундай леди: «Россияликлар, ватандошларим, бизда ўзи нима бўлаётганлигини тушуниб етолмаяпсизлар?! Биз қурган Бойқұнғир космодромини ўрта осиёлик мусулмонлар тортиб олишмоқчи бўлишяпти. Ахир уларга бундай ҳарбий объектни ишониб бўладими? Эртага улар шу ердан туриб бизга қарши ядро куролидан фойдаланмасликларига ким кафолат бера олади?! Ахир бу даҳшат-ку!..» Кейинчалик Говорухин ҳудди шунга ўйлаш ваҳимани давлат думасида ҳам кўтарди.

Ниҳоят, Россия билан Қозоғистон ўртасидаги тортишув барҳам топди. Ҳарбийлар ҳамда илмий ходимлар иштироқида ҳукуматлар даражасида олиб борилган расмий музокаралар ўз натижасини берди. Бойқұнғир Қозоғистон ихтиёрида қолгани ҳолда Россия ундан ижара ҳақи ҳисобига фойдаланадиган бўлди. Турли ракеталар, спутниклар, космик кемалар, космонавтлар, ҳатто халқаро экипажлар ҳам космосга Қозоғистоннинг розилиги билан шу ердан учириладиган бўлди.

Бойқўнғирни қуришда ўзбекларнинг ҳам муносиб ҳиссалари бор. Мен даъвогарлик ниятида эмас, балки фаҳр-ифтихор ҳиссиётларидан келиб чиқиб юз минглаб ўзбек ҳарбий қурувчиларининг машаққатли меҳнатларини эслаш, эъзозлаш, ҳурматлаш инсонийлик бурчимиз, қарзимиз ва фарзимиз деб ҳисоблайман, холос.

1961 йил 23 октябрь кечаси кўпчиликка номи ҳали нотаниш Бойқўнғир заминига илк бор қадам қўйишим биланоқ, қулогимга космос, Гагарин, Комаров, Шубников деган номлар тез-тез чалина бошлади. Кейин билсам, генерал Шубников ихтиёридаги қурилиш қисмларидан бирига хизмат қилиш учун келган эканман. Ушанда Бойқўнғирнинг Бош штаби жойлашган 10-майдон деб аталмиш замонавий ёпиқ шаҳарча марказидаги биродарлар қабристонида илк бор ҳарбий синовдан ўтдим. Истироҳат боғи ўргасида кўкка ҳанжардек санчилган баланд ёдгорлик атрофи қўлида гулдасталар тутган, боши эгик, кўзи ёшли, ғамгин одамлар билан тўла эди.

Кузнинг аччиқ изғирини эсар, ҳавони қора булат қоплаб, майдалаб ёмғир ёғар, ҳарбий оркестр чалаётган мотамсаро, мунгли куй, маршлар ҳар қандай бағритошнинг ҳам дилини чокчок қиласди. Ниҳоят, ёдгорлик пойига ўрнатилган чети қизил ва қора ҳошияли мато билан ўралган минбарга олдинма-кетин таниқли давлат ва жамоат арбоблари, қўмондонлар кўтарилишди. Не кўз билан кўрайки, олдинги қаторда ўша даврнинг энг машҳур ва обрўли раҳбарларидан ҳисобланган Леонид Брежнев бошини куйи эгиб, бароқ қошларини чимириб, хомуш турарди.

Шу пайт бошига қора рўмол ўраган ўрта ёшдаги бир аёл сафдан олдинга чиқиб, кўрсаткич бармоғини Брежневга никтаб деди:

— Ты убил моего сына!

Бунга жавобан Брежневнинг боши яна-да қуи эгилди, қошлари бадтарроқ чимирилди. У дам-бадам пастки жагини қимирлатиб, томоғига тиқилган бир нарсани қийинчилик билан ютгандай бўлди, кўзларидан оқаётган ёш ёмғир суви билан кўшилиб, сергўшт ва серажин юзларини юва бошлади.

Билсам, 1960 йил 24 октябрда навбатдаги фазовий синовлар пайтида ракетанинг тўсатдан портлаб кетиши оқибатида бирданга мингга яқин одам тутдай тўқилиб, уларнинг қолдиқлари битта умумий жойга кўмилган экан. Бугун ўша ҳаётдан бевақт кўз юмганларнинг хотиралари учун қад кўтартган ёдгорликни очиш маросими ўтказилаётган эди. Ҳалок бўлғанларнинг номларини оқ мармар тахтадан ўқиб, ҳангуманг бўлиб қолдим. Уларнинг кўпчилигини асосан ўрта осиёлик, кавказлик, ўзбекистонликлар ташкил этарди.

Беихтиёр қаерга келиб қолдим, деб юрагимни кўркув, ваҳима босди.

## ЎЗБЕКЛАРНИНГ ФАЗОГА ДАХЛДОРЛИГИ

Шу ўринда масалага янада аниқлик киритиш мақсадида мустақиллигимиз шарофати билан ҳаётимида ошкоралик ва адолат тантана қилинган баязи хужжатли, тарихий мақолалар, ҳақиқатларни эътиборингизга ҳавола қиссанак. Зоро, севимли шоиримиз Абдулла Орипов ёзганидек:

Адолат сўзи билан,  
Ёndoшdir қонун сўзи.  
Шамширига буларни,  
Ёзганди Темур ўзи.

Тутун чиқмас ҳеч қачон,  
Бир нарса ёнмагандা.  
Қонун асли бузилгай,  
Эҳтиёж қонмагандা.

Четлаб ўтолмас ҳеч ким,  
Замон билан давронни.  
Ўғлон элни қўтарса,  
Эл қўтаргай ўғлошни.

Гап шундаки, Ўзбекистонда хизмат қўрсатган журналист Иброҳим Норматов «Мустақил газета»нинг 2003 йил июнь ойи 15-сонида эълон қилинган «Бойкўнғир космодромининг сирлари» номли мақоласида шундай ёзади: «1964 йилнинг кеч кузида Гулистан шаҳридан жўнаган ҳарбий эшелон икки кеча-кундуздан кейин Тюретам темир йўлbekатига етиб келди. Ўн саккиз вагондан иборат составни станциядан чап томонга ажраб чиқсан ва узунлиги уч-тўрт километрдан ошмайдиган боши берк темир йўл изига киритиб қуишиди. Тун ярмидан оққан бўлишига қарамасдан ҳар бир вагоннинг қаршисида беш-олтитадан ҳарбий машина турарди. Вагондан чиқишимиз биланоқ, ҳар биримизнинг исм-фамилиямизни айтиб чақириб, бир соатдаёқ, ҳаммамизни машиналарга жойлаштиришиди. Кейинчалик билдик, бу ерни 9-майдон дейишар экан. Ҳар бири камида 30–40 нафардан йигитларни олган ўнлаб машиналар бир зумдаёқ қозоқ даштининг тун қоронғусида турли томонга гойиб бўлишиди. Мен минган машина чамаси икки ярим-уч соат йўл юргач, кимласиз даштда беш марта машинани тўхтатиб, хужжатимизни текширишиди. Ҳали

тонг ёришмасдан ёғочдан қурилган ва жуда эскириб кетган узун казармалардан бири олдида тұхтадик. Бизни ичкарига олиб киришли. Вақт әрталабки соат олти бүлмаган эди. Шунга қарамас-дан «подъём» деб команда берилди.

Бу ерда бир-икки йилдан бери хизмат қилаётган чамаси икки юз өнгөли йигит бор экан. Улар билан дархол танишиб олдик. Деярли 90 фоизи қашқадарёлик, сурхондарёлик, жizzахлик, сирдарёлик, самарқандлик, андижонлик, тожикистонлик йигитлар. Бойқұнғир космодромига ракетани олиб келувчи темир йүлга хизмат күрсатамиз, бу ерни 1-майдон дейишиди, космонавтлар учадиган жой 1001-майдон, сал нарида ракетани заправка қила-диган 2-майдон бор, яна уйга хат ёзганда буни айтиб юрманглар. Бириңидан, хатингиз йўлда ушлаб қолинади, иккинчидан, жазо оласиз. Шунинг учун «соғ-саломатман»дан нарига ўтманглар, деб маслаҳат беришди.

Икки ойлик карантиндан кейин мени қисм командири подполковник Лазук чақыртирди.

— Сиз фельдшер экансиз, бу касб биз учун жуда зарур. Темир йўл Бойқұнғирнинг барча старт майдонида бор. Шунинг учун ҳар бир майдонга бизнинг темир йўлга хизмат кўрсатадиган рота ёки взвод жойлаштирилган. Ихтиёргизга битта санитар машина берамиз. Ҳар куни объектларни айланиб беморларни аниқлайсиз, тиббий ёрдам кўрсатасиз, зарур бўлса уларни санчастга ёки гарнizonнинг госпиталига ётқизасиз, — деди ва штаб бошлиғи майор Сухнони чақириб топшириқ берди:

— Ҳозир Норматовга сержант унвони бериш тұғрисида буйруқ тайёрла ва унинг 2, 9, 10, 43, 47, 95, 118, 1001-майдонларга ўтишига рухсатнома олиш учун маҳсус қисмга зарур ҳужжатларни топшир!

Сайёр ҳарбий фельдшерлик фаолиятимни бошлаб юбордим. Мен Бойқұнғирдаги қайси ҳарбий қисмда, старт майдони ёки синов полигонида, бинолар ёки ҳарбий-техник иншоотлар қурилишида бўлмайин, ҳамма жойда ўзбекистонлик йигитларни кўрдим. Улар кўпчилик ва асосан оғир жисмоний ишларга жалб этилган эди. Мен бунинг сабабини ўз ҳарбий қисмимиз командири Лазук, штаб бошлиғи Сухно ва бошқа, ҳарбий хизмат давомида танишган офицерларимдан бир неча марта сўрадим.

— Ўзбек йигитлари интизомли, топшириқни айтганингдай бажаришади, камтарин ва яхши ижрочи, қийинчиликдан қочишмайди, жанжал чиқариб бузғунчилик қилишмайди, — дейишиди улар.

— Бу тўгри, албатта. Бироқ шундай ажойиб йигитлар нега асосан ҳарбий қурувчиликка, оғир жисмоний ишларга муносаб деб топилади? Ахир чинакам жанговар ҳарбий қисмлар учун шундай интизомли йигитлар керак эмасми? Ёки космодромнинг ўзини олайлик: 2-майдонда ракетачилар хизмат қиласди — ўзбеклар атиги бир нечта. 47-майдонда ҳарбий мақсаддаги синов ракеталари стартга тайёрланади — ўзбеклар саноқли. 95-майдонда эса, икки хил манзара: қурилишдагиларнинг 80 фоизи ўрта осиёликлар, яъни асосан ўзбеклар билан тоҷиклар. Қурилишлар билан ёнма-ён жойлашган полигонларда эса, улар деярли кўзга ташланмайди. 118-майдонда қурилиш кўлами жуда кенг. Казармаларнинг сон-саноғи йўқ. Ўзбек йигитлари кўплигидан ўзингизни худди Ўзбекистонда юргандек ҳис этасиз. Бу ҳудуд Туркистон ҳарбий округига қарашли бўлгани учун ёзда бутун ҳарбий дўконларни Тошкентдан олиб келинган мева-чева босиб кетади. Худди шу 118-майдонга яқин бўлган жойда космик кемалар ҳамда синов ракеталарини йигадиган МИК (Мошний испытательный корпус) деб аталувчи катта цех-корхона бор. Ер сунъий йўлдошлиари, космик кемалар, турли ҳарбий-техник мақсаддаги ракеталарнинг барча деталлари Россияядаги турли корхоналардан алоҳида-алоҳида олиб келинади-да, шу ерда йигилади.

Мен МИКда ўрта осиёлик мутахассисларни деярли кўрмадим. Бироқ, қурилишларда улар бригада бошлиғи, участка ва бошқарма бошлиғи, бош инженер, ҳатто қисм командири лавозимларида ҳам ишлашарди.

Мен Бойкўнирда бўлганимда бир неча фожеаларнинг гувоҳи бўлганман. Космонавтни коинотта учирашдан олдин 1001-майдоннинг 30-40 километрлик атрофига қаттиқ режим тартиби жорий этилади. Яъни космик кема старт олишидан бир соат олдин шу ҳудуддаги барча ҳарбийлар, шу жумладан, аскарлар, мутахассислар, хизматчилар олиб чиқиб кетилади. Фақат ҳарбий ошхона, тиббий-санитария қисмларида биттадан навбатчи қолади. Космик кемани учирашга бевосита раҳбарлик қилувчи ҳарбийлар, инженер-конструктор олимлар, мутахассислар эса, бутун мураккаб жараённи старт майдонининг ўзидағи ўта чуқур, қалин ҳамда мустаҳкам қилиб бетонлаштирилган ер ости уйи, бошқарув марказида туришади. Ракета кўтарилиш жараённида мабодо портлаб кеттулек бўлса, атрофга зарар етказади, лекин ер ости уйи сақланиб қолади. Мен медсанчастда навбатчи бўлганим учун барча режим ҳолатларида хизмат жойимни тарқ этмаган ҳолда ҳавфли бўлса-да, космик кемаларнинг старт жараёнини икки-уч километр масофадан туриб кузатганман. Космонавт Комаров иккинчи

марта космосга чиққанида 1963 йилнинг 16-19 июнь кунлари унинг ёнита бошқа кемада Валентина Терешкова чиқиши керак эди. Бироқ, Валентина Терешкова старт майдонига келганида Комаров қандайдир носозлик туфайли осмонда йўқолганлиги ҳақида хабар келди. Пацаев ва унинг шериклари ҳам бизнинг кўз олдимизда космос томон йўл олишиди, бироқ, тирик қайтишмали. Шундай мураккаб ва таҳликали шароитда жаҳонда илк бор аёл кипи – Валентина Терешкованинг «Восток-6» кемасида космосга чиқиши, Ер курраси атрофини 48 марта айланниб ўтиши, жами 70 соату 41 дақиқа мобайнида парвоз қилиши чинакам қаҳрамонлик, тенгсиз жасорат намунаси эди. Шунинг учун ҳам бу парвоз тарихий ва ниҳоятда аҳамиятидир.

Номи ҳали матбуотда эълон қилинмаган «Геркулес» деган ракетани старт майдонига олиб келиб ўрнатишиди. Бироқ, икки кун давомида учирishолмади ва қайтадан олиб кетишиди. Бир неча номлари номаълум ракеталар ҳамда илмий лабораториялар портлаб кетганлигининг гувоҳи бўлдик. Лекин Бойкўнир бу билан ўз аҳамияти, обрў-эътибори, илмий қиммати, машҳурлигини йўқотгани йўқ.

Ўзбекистон ва ўзбек халқи халқаро аҳамиятга эга ва дунё миқёсида тан олинган ана шундай улкан иншоот қурилишига ўзининг салмоқли улушини қўшганлиги билан фахрланади. Бойкўнир Ўрта Осиё халқлари қардошлиги ҳамда дўстона ҳамкорлигининг тимсолидир».

Шу ўринда яна бир тарихий далилга эътиборингизни қаратсак. Бу шунчаки оддий чўпчак эмас. Отажон Мехмонович Баҳромов деган юртдошимизнинг умр дафтаридағи айrim саҳифалар унинг фан-техника тараққиёти, хусусан, инсоният тарихидаги илк космонавтнинг фазога парвозидан тортиб, ерга бехатар қўнишигача бўлган жараёнга маஸъул бўлганлиги ҳақидадирки, буни ҳаяжонсиз ўқиш, тинглаш мумкин эмас.

Бу ҳақда «Ватанпарвар» газетасининг 2008 йил 11 апрель 15-сонидаги «Коинотни илк бор забт этганлар орасидаги ўзбек» номли мақола муаллифи Алижон Сафаров шундай хикоя қиласиди: «Тақдир тақозоси билан 12–13 ёшлардаги хоразмлик етим ўсмир Москвага келиб қолади, ҳаётини авиация ва космонавтика билан боғлади. Бора-бора у ҳарбий учувчи бўлиб, полковник унвони даражасига етади. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Бош конструктор Сергей Королёв бошчилигига олиб борилаётган илмий-талқиқот ишларига жалб қилинади. Яъни космосга учирилиши режалаштирилаётган итлар учун маҳсус кабина лойиҳасини чизиб, уни яратишда фаол иштирок этади. Бу кабиналарда

кейинчалик Лайка, Белка, Стрелка лақабли итлар космосга қиқиб келишганини дунё аҳли билади. Лекин инсоният тарихидаги бу оламшумул воқсаликни амалга оширишда ҳамюртимиз, миллатдошимиз Отажон Баҳромовнинг иштирок этгани ҳеч қаерда тилга олинмагани ачинарлидир. Кейинчалик Отажон ака кабина ва парвоздаги космонавтнинг хавфсизлигини ишончли таъминлайдиган махсус қурилма – скафандр устида жиддий бош қотиради. Ниҳоят, мазкур қурилма яратилгач, унда биринчи бор, 1961 йилнинг 12 апрелида Юрий Гагарин коинотга парвоз қилди! Айтингларича, Гагарин ерга эсон-омон қўнганида унинг олдига бориш учун фақат Отажон Баҳромов ва бир шифокорга рухсат берилган экан. Ахир, Отажон ака скафандрнинг конструктори эдила! Агар конструкция пухта-пишиқ, мустаҳкам бўлмаса, космонавтнинг ҳаётига сўнгти нуқта қўйилтипи ҳам мумкин эди-ку!

Демак, ватандошимиз Отажон Баҳромов Юрий Гагарин билан ижодий, маънавий, руҳий ва жисмоний ҳамкорликда коинотни забт этган дейишимизга том маънода тўлиқ асосимиз бор. Афсуски, бу ихтиро, қашфиёт ҳам давр қурбони бўлган, сир тутилган. Буни тасдиқловчи яна бир далил. У ҳам бўлса Гагариннинг Бойқўнирдан Москвага, ТУ-104 самолётида учеб келаётган пайтида олинган тарихий сурат, расм. Унинг ўнг ёнидаги биринчи инсон Отажон Баҳромов эдилар. Аммо бу сурат ҳам махфийлигича қолган, унда Отажон аканинг номи ҳеч қаерда қайд этилмаган!

Очиғи, мен бу тарихий, ҳужжатли маълумотлар билан яқиндан танишиб, узоқ ўйланиб, ажабланиб қолдим. Нафси замрини айтганда, ҳеч кимни камситмаган ҳолда очиқ-ойдин эътироф этишим керакки, «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам». Гагариннинг фазога парвози жисмоний жасорат эди, холос. Орадан бир оз вақт ўтиб, фазогирлар сафидан юртдошлиаримиздан Владимир Жонибеков ва Солижон Шариповларнинг ўрин олиши қалбимизни фаҳр ва ифтихор ҳис-туйғуларига тўлдиради, ўсиб келаётган ёш авлодни янги-янги космик марралар, парвозларга чорлайди, руҳлантиради».

Энг муҳими, инсонни фазога учишга тайёрлаш ва амалга ошириш, фазо сирлари, сайёralардаги ҳаётни илмий-назарий ва амалий ўрганишда юзлаб, минглаб ватандошларимиз, олимларимизнинг ҳиссалари бекиёсдир. Булар жумласига фазо тиббиёти билан шуғулланган тиббий хизмат подполковники, тиббиёт фанлари доктори, профессор Абдухалил Ражабович Мансуров, ҳарбий ходимлардан: Шодмон Файзиев, Темур Жумаев, АбдувоҳидFaффоров, Талъат Исамуҳамедов, Ботир Тошмуҳамедов ва бошқаларни киритиш мумкин.

Гап юртдошларимизнинг фазога дахлдорлиги ҳақида кетар экан, яна бир ажойиб олим, тадқиқотчи, устоз ва мураббий хусусида тўхтамоқчимиз. У 1969 йилдан Тошкент Машинасозлик корхонаси раҳбари ва бош конструктори, тиниб-тинчимас инсон — академик Шавкат Аҳадович Воҳидов эди.

Эндиликда жаҳонга маълум ва машҳур бу илмий-тадқиқот корхонаси жамоаси ўзга сайёralар, хусусан, Ой, Венера ва Марсдаги ҳаётий муаммоларни ўрганиш учун ноёб асбоб-ускуна, курилмалар ясаб, амалий натижаларга эришганлиги билан эътиборлиdir.

Мана неча йилдирки, мазкур жамоа фазодаги вазнисизлик ҳолатида турли илмий тажрибалар ўтказиш, хусусан, ўта юқори ҳарорат (+400 даражадан 1090 Цельсий даражасигача) таъсирида металларни пайвандлаш ва мустаҳкам қоришималар яратиш, шунингдек, мудофаага оид кўплаб муҳофазавий тадбирларни белгилашда катта фаоллик кўрсатмоқда.Faқатгина фазовий йўналишлар бўйича шу пайтгача эллиқдан зиёд илмий мақолалар эълон қилингани ва юзга яқин ихтиrolар ҳаётга жорий этилгани фикримизнинг исботидир. Энг қувонарлиси, мазкур илмий-тадқиқот корхонаси ишлаб чиқсан ва ҳаётта татбиқ этган кўплаб асбоб-ускуна, курилма, тавсия ҳамда қўлланмалар ҳалигача жаҳондаги кўплаб космик тадқиқот на кузатувларда муваффақият билан фойдаланилмоқда.

Биз тилга олган бу айrim ҳаётий далил, воқеа, ҳодисаларнинг ўзиёқ, марказий осиёлик, айниқса, ўзбек фарзандларининг фазовий илмий-тадқиқот, кузатув ва синовларга ҳеч муболагасиз дахлдорлигини кўрсатади. Буни жаҳонда биринчи фазогир Юрий Алексеевич Гагариннинг кўйидаги сўzlари ҳам тўла-тўкис тасдиқлаб турибди:

«Фазога учишни тайёрлаш ва амалга оширишда бевосита турли миллат вакиллари қатнашдилар. Инсоннинг бепоён коинотга учиш шароитини ўрганаётган ва бу парвознинг бехатарлигини таъминлаётган олимлар ва врачлар орасида ўзбек ҳалқининг ажойиб фарзандлари ҳам бор».

## ИККИНЧИ СИНОВ

Ўша куни, яъни 1961 йилнинг 24 октябридан бир умрга унугтилмас, тарихий тадбирдан сўнг, ёдгорлик яқинидаги генерал Шубников хўжалиги деб атамиш ҳарбий маҳкамама томон йўл олдим. Мени ходимлар бўлимига таклиф этишиб, ҳужжатларимни кўздан кечиришди ва шу атрофдаги қурилиш батальони тиббий

нүктаси врачи лавозимига ишга тайинлаши. Ходимлардан бири мени орқасидан эргаштириб, ўша тахта ёғочлик маъмурий бино-нинг биринчи қаватига бошлади. Аччиқ ва кўм-кўк тутунга тўлган, дикқинафас тор хона тўрида подполковник унвонидаги бурни қулупнайдек қизариб-кўкарган, узун бўйли, озғин, овози дўриллаган киши, папирос тутатиб, ниманидир қоралаб ўлтиради. У соҳам бўйича бошқарма бошлиғи бўлиб, мен билан танишди ва бир-икки савол берди:

- Чекасизми?
- Йўқ.
- Ичкиликка қалайсиз?
- Уни ҳам жиним ёқтирумайди.

— Яхши. Лекин бу борада сиздан аввал ишлаган ҳамкасбингиз олдига тушадигани йўқ эди. У ўз вазифасига ниҳоятда лоқайд, масъулиятсизлик билан қарагани боис, офицерлар суди қарорига мувофиқ, партия сафидан ўчирилиб, ҳарбий хизматдан имтиёзиз сиз бўшатилди. Батальондаги ҳарбий ходимлар, уларнинг оила аъзолари орасида тиббий-даволаш, муҳофаза чора-тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш савияси, маданияти жуда пастлашиб кетди. Тиббий нуктага тегишли дорихонада палапартишлик, хўжасизликлар мавжуд. Тиббий нукта штатидаги фельдшер ўрни бошқармамиз ҳарбий оркестрида хизмат қилаёттан ходим билан банд. У фақат маош олади, бир чақалик фойдаси йўқ. Ҳозирча етарли тиббий маълумоти бўлмаган, аммо тиришқоқ ва фидойи бир санитар-инструктор — йўриқчи ўз билганича беморларнинг яра-чақаларини боғлаб юрибди. Демак, сиз бораётган бўлинмада вазият анча оғир ва жиддий. Кўриб турибман, ёш, укувли йигит экансиз. Энди барча билим, тажриба, кўнікмаларингизни аямай ишга соласиз, ҳарбий ходимларга зарур тиббий хизмат қўрса-тишда кескин ўзгаришлар қиласиз, деб умид қиласман. Сизга қандай ёрдам керак, марҳамат, тортинасадан ўзимга мурожаат қиласверинг. Астойдил ишлайман десангиз, бўш вақтингиз умуман бўлмайди. Лекин фурсатни бой бермай, вақт топиб, гарнizonimizdagi мавжуд олий даражали ҳарбий госпитал, поликлиникининг барча имкониятлари, тажрибали врач-мутахассислар билан яқин алоқада, ҳамкорликда бўлинг, ўз устингизда кўпроқ ишланг, ўзингиз танлаган бирор соҳа бўйича малака оширишга ҳаракат қилинг, турли адабиётлар тўплланг, ўқинг, ўрганинг.

Бошлиқ менга шундай дўстона маслаҳат, йўл-йўриқлар қўрсатар экан, столи устидаги телефон дастагини кўтариб, бир неча рақамларни териб, коммутатордаги навбатчи билан боғланди. Кейин бўғиқ овоз билан қайта-қайта йўгалди.

— Сизларга янги врач келди. Тез менинг олдимга бир чопар юборинглар! — деди.

Орадан ўн-ўн беш дақиқа ўтар-ўтмас хона эшиги тақиллаб, ичкарига паст бўйли, думалоққина, оёғига чанг босган керза этик, азбаройи кир босиб, ялтиллаб кетган пахталиги устидан қалин камар боғлаган, сап-сариқ, жингалак соchlари ўсиб, елкасига тушган ўсмир йигит кирди-да, фоз туриб ўнг қўлини чаккасига қўйди:

— Ўртоқ подполковник! Оддий аскар-ҳарбий қурувчи Сергей Мещеряков топшириғингизга биноан ҳузурингизга келди!

Биз олдинма-кетин ташқарига чиқдик. Хаёлимдан бир фикр кетмасди: «Бу исқирит йигит ким бўлди экан? Наҳотки, шундай турқи совуқ аскарлар билан бирга хизмат қиласман?» Чунки, менинг армия, унинг аскар, офицерлари ташқи кўриниши, кийиниши, юриш-туришлари ҳақидаги тасаввурим бутунлай бошқача эди-да.

Янги танишим билан ёнма-ён кетар эканман, бу сўзамол, чаққон ва чайир йигит мени гапга солиб, кўпроқ ўзи гапириб, сира зериктирмасди.

— Чекасизми, ўртоқ лейтенант?

— Йўқ.

— Ие, умуман чекмайсизми?

— Ҳа.

— Тамакини бирор марта ҳам оғзингизга олмаганмисиз?

— Ёшлигимда бир марта чекиб, роса таъзиримни еганиман. Ўшандан бери...

— Иродангиз мустаҳкам экан. Ичкиликка муносабатингиз қалай?

— Салбий.

— Бунақада сизга анча қийин бўлар экан. Рухсат берсангиз, мен бир чекиб, озгина хумордан чиқсанам.

— Марҳамат!

Шундан кейин ҳамроҳим ён чўнтагидан халтача, узун муштук чиқарди-да, бир чимдим тамакини сархонага солди. Чўнтагидан бир дона гугурт чўпни олиб, уни эпчиллик билан эгнидаги тирсиллаб турган тор шимининг сонига бир зарб билан қаттиқ ишқалаб ёндириди. Чарс этиб ёнган оловни оғзидағи муштуғига яқинлашиб, найча орқали ичига тортди. Агрофга аччиқ, қўланса ҳид — тутун тарқалди.

Суҳбатдошим йўл-йўлакай ичига тамаки тутунини тортиб, уни мўридан чиққандай бурқситиб чиқараркан, бир нафас ҳам

чакаги тинмасди. — Сизнинг ҳамюртларингиз асосан нос, наша чекишиади. Қолганлар менга ўхшаб тамаки, арzon папирос тортишиади.

— Уларни қаердан олишиади?

— Ие, шуни ҳам билмайсизми, ўртоқ лейтенант? Ўғрига мол қаҳат эмас. Улар уйларидан тез-тез совға-салом олиб туришиади. Шуларнинг ичилади бу отинг ўчкурлар ҳам келади-да.

— Уларни йўлда ҳеч ким текширмайдими?

— Текширади. Лекин юзаки, шунчаки йўлига.

— Бу нима деганингиз?

— Ўзаро келишишиади-да.

— Ичкилик масаласи қандай?

— Бу ҳам анча жиддий муаммо. Чунки биз яшайдиган шаҳар ёпиқ, маҳфий ҳисобланади. Бу ерда қатъий тартиб-интизом, қоида жорий қилинган. Дўконларда умуман ичкилик сотилмайди, ҳаммаёқда сухой закон. Бу борада бизнинг ён қўшниларимиз, яъни буюртмачиларга Худо берган. Уларга ракета таркибиға кирадиган қисмларни ювиб-тозалаш учун тоза спирт беришиади. Шунинг учун улар ичи спирт билан тўлдирилган ҳовузчадаги олтин балиқдай доим яйраб, сархуш юришиади. Ёнларидаги фляшка — сувдонларида доим бир-икки култум тоза ичимлик, спирт бўлади. Лекин бунинг бошқа пинҳона йўли ҳам бор. Йўлингиз тушиб, темир йўл бекати томон борсангиз, маҳаллий аҳоли яшайдиган хоҳлаган ўтовнинг эшиги-тешиги, тирқишини кечасими-кундузи ёлғондан тақиллатиб, беш рубль узатсангиз, ичкаридан ростдан бир шиша «Казахская особая водка» бўйин чўзиб турибди-да! Аммо бу ароғи қурмағурни, янтоқдан олишадими дейман, ютуми оғир, жуда тахир, аччиқ.

— Сиз уни ичиб кўрганмисиз?

— Ҳа, бултур шайтон васвасасига учиб, бир кружка ичган эдим. Бемаҳал оёғимни чўзиб, нариги дунёга кетишимиға оз қолди.

— Шунчалик аччиқ ва тахир, заҳарли ичимликни ичиш шартми?

— Ким билади, дейсиз? Ёшлиқ қилибми, бошқаларга тақлид, ҳавас қилибми, билиб-бilmай ичиб қўясиз-да. Кейин бир умр азоб чекиб, афсус чекасиз.

— Оддий аскарлар, ҳарбий қурувчилар-чи? Улар нима ичишиади?

— Бунақа спиртли ичимликлар ичишга астойдил ҳаракат қилганлар барибир бир йўлини топишиади.

— Қандай қилиб?

— Масалан, баъзилар машина, техниканинг мотори совиб қолмаслиги учун ишлатиладиган тормоз суюқлигини ичиб, ўзларича кайф қилишиади.

— Бу ўта заҳарли модда-ку! Уни ичган одам ўлиб қолишилари мумкин-ку!

— Ҳа, мумкин! Лекин ўша нафси бузуқнинг ақли кетиб, ўзига жабр қиласди. Ўтган йили шу фалокат туфайли икки нафар йигитимиз нобуд бўлишди.

— Эсизгина! Хўш, бошқалар яна нима ичишади?

— Уларнинг ҳам ўз кирап-чиқар эшиклари бор. Масалан, ҳарбий дўконларимизда соч-соқолни олгач, юз-қўлни артиш, дезинфекция қилиш, хушбўй ҳиддан баҳраманд бўлиш мақсадида «Тройной одеколон» сотилади. Баъзилар ўшандан бир-икки шишиасини олиб, оч қоринга ичишади, кайф қилишади. Ёки оёқ кийимни тозалаб, ялтиратиш учун қора, сариқ рангли бўёқ, суртмалар бор. Уларни ҳам бўлка нон устига сариёдек суртиб, таркибидағи спиртни шимдириб ёйишади, маст бўлишади. Ёки дейлик, оғиз бўшлиғи, тишиларимизни ювиб-тозалаш учун тиш пастаси, қуқуни ишлатилади. Булардан ҳам шундай аҳмоқона мақсалларда фойдаланишади. Хуллас, беодоб сўзим учун минг бор узр, ўртоқ лейтенант, бунақа беъманиликлар қилишни ўзига эп кўрган ақли калта, иродасиз кимсалар таркибидан оз-моз спирт, ачитқи ҳиди келиб турган бўлса, энг ифлос нарса, ҳатто пешобни ҳам ичишдан ҳазар қилишмайди!

— Наҳотки?

— Ҳа, менинг сўзимга ишонаверинг!

— Бу даҳшат-ку! Фожеа-ку!

— Ҳа, гапингиз тўғри! Ҳали бунақа ҳолатларни кўравериб, кўзингиз ҳам пишиб кетади, ўртоқ лейтенант!

— Бу беъмани иллатнинг иллизини қуритишининг иложи йўқми?

— Бор, албатта! Бу сизнинг шахсий ибратингиз, фаолиятингизга боғлиқ.

Биз ўта муҳим, ҳаётий муаммолар ҳақида қизғин суҳбатлашиб, манзилимизга етиб келганимизни ҳам билмай қолдик. Кейин билсам, суҳбатдошим ўрта техник маълумотли, айни пайтда батальон штаби ходимлар билан ишлаш бўлими иш юритувчиси мувовини, хусниҳат котиби бўлиб, бугун навбатчиликда экан. У ўша куни ўзининг оддий, самимилиги, камтарлиги, тўғрисўзлиги билан кўзимни мошдек очган эди.

Бу суҳбатимиз асносида мен ҳали ўз бўлинмам остонасига қадам қўймасимданоқ, иккинчи синовдан ўтиб, келгусида қилажак ишларим режаси, дастурини хаёлимда аниқ чизиб, белгилаб олган, уни оғишмай амалга ошириш учун ўзимни рұҳан, маънан ва жисмонан тайёрлаган эдим.

## БИРИНЧИ ТААССУРОТ

Атрофи тахта девор билан ўралган, тиканак симлар билан мустаҳкамланган темир дарвозадан ичкарига киришимиз билан ўнг құлдаги узунасига түшган бир қаватли, ёғоч каркасли бино күзға ташланди. Унинг олдинги қисміда кичкина айвончали тиббиёт нұқтаси жойлашған экан. Ҳамроҳим мени түппа-түғри ўша бино ўртасидаги эшикдан кириладиган штабға бошлади. Кейин құмандон ўрнида бұлмаганы боис унинг сиёсий ишлар бүйіча муовини ҳузурига олиб кирди. Баланд бүйіли, қалин соchlари оқарған, бурни узунчоқ, озғингина бу киши ўзини Николай Григорьевич Агриянц деб таништири. У менинг тошкентлик эканлигимни билгач, ўзининг Самарқанд давлат университеттери тарих факультети сиртқи бўлими учинчи босқичида ўқиши, самарқандлик аёлга уйлангани, бир қизи борлиги ҳақида мағрурланиб гапириди.

Унинг ижтимоий келиб чиқишими, оилавий аҳволим, партия-вийлигим, давлат сиёсатига муносабатим ҳақидағи саволларига қисқа ва лўнда жавоблар бердим. Майор менинг ҳарбий-қурилиш батальонига ишга келганигим, шахсий таркиб билан ишлаш ниҳоятда оғир ва мураккаблиги, меҳнат ва яшаш шароитлари, айниқса, тиббий хизмат соҳаси анча жиддийлиги, лекин белгиланған қонун ва низомлар талабларига мувофиқ, барча муаммоларни биргаликда ҳал қилишимиз мумкинлиги, энг муҳими, ўз бурчимизга садоқат, масъулият билан ёндошишимиз зарурлиги хусусида яхши фикр, ниятларини билдириди.

Шундан сўнг, мени штаб хоналарida ишлаётган ходимлар билан бирма-бир таништири. Қўлимдаги ҳужжатларимни тегишли бўлим ходимларига топширилар эканман, уларга берган баъзи саволларимни эсласам, ҳалигача култим қистайди. Масалан, улардан: «Комсомол ёки касаба уюшмаси аъзолиги ҳақидағи ҳужжатларимни кимга, қаерга топширишим керак? Ойлик бадалларни кимга ва қачон тўлаш им зарур?» деб сўраганим кечагидек ёдимда. Бу саволимни эшитганлар менинг нақадар содда ва тўғрилигимдан ўзларича кулиб қўйидаги жавоб беришган эди: «Батальонимизда комсомол, ёшлар билан ишлайдиган маҳсус ташкилот бор, ўша ерда ҳисобга олинасиз. Иккинчидан, энди сиз ҳарбий ходим, офицер бўлганингиз учун касаба уюшмаси ҳисобида умуман турмайсиз. Унга доир ҳужжатларни жомадонингизга солиб, эсдалик учун сақлаб қўясиз. Табиийки, касаба уюшмаларига ҳар ойда тўланадиган бадаллардан ҳам бутунлай озодсиз! Агар хоҳласангиз, бўлинмамиздаги ўзаро ёрдам кўрсатиш

жамғармаси (КВП – касса взаимопомощи)га аъзо бўлишингиз, маълум бир миқдордаги маблағни олиб, эҳтиёжингизга яраша bemalol ишлатишиңгиз, аста-секин қарзингиздан узулишиңгиз мумкин. Бу ишлар жамғарманинг қатъий низоми талаблари асосида амалга оширилади. Бу жамғарма сиз учун ниҳоятда қулай, фойдали ва ишончлиdir».

Шундай қилиб, ўша куниёқ, бу жамғармага аъзо бўлиш ва унинг имкониятларидан фойдаланишга қарор қилдим ва эртасига бўлинма хазинасидан 170 сўм подъемний, яъни янги жойда оёққа дадил туриб, қад ростлаб олиш пули, орадан икки-уч кун ўтгач, 183 сўм ойлик маош, Нукус шаҳридан «Т.Т» нуқтасигача этиб келгунимча қилган сарф-харажатларим учун 23 сўм қўлимга тегди, ҳаммаёғимни пул босиб кетди, тинчлигим, оромим бузилди, ўзимни қаерга қўйишга жой топа олмай, ҳовлиқиб қолдим. «Ҳисобли дўст айрилмас», деган нақлта амал қилиб, ўша куниёқ почтага бориб, Нукусга, Мажидхон акамга 35 сўм, оила аъзоларимга харид қилган совға-саломдан ташқари 100 сўм, келаси ҳафтада қизларини турмушга узатаётган катта амакимга 50 сўм тўёна жўнатдим. Қолган пулларимни жамғарма дафтарчамга солиб, тежаб-тергаб ишлата бошладим, ойига 25 сўм тўлаб, қисм ошхонасида овқатланадиган бўлдим.

Энди амалий иш ҳақида гапирсан. Ҳарбий қурилиш батальонига ишга келганимнинг биринчи куни майор Агриянц, штабдаги баъзи ходимлар бироз гаплашишди демаса, бошқа кунлар ҳеч кимнинг мен билан иши бўлмади ҳисоб. Қўмондонимиз ўрнини вақтинча бажариб турган штаб бошлиғи капитан Грибин ҳам юзаки кўришиб, эрталабки умумий йиғилишда, саф олдида шахсий таркибга мени таништирди, холос.

Бу ердаги аҳволнинг жиддий ва мураккаблиги шу эдики, тиббий нуқта штатидаги фельдшернинг ўз ўрнида бўлмагани, шу пайтгача баҳоли қудрат ишлаб келаётган тажрибали санитар-йўриқчининг бетоблиги туфайли хизматдан бўшаб кетиши, унинг ўрнига тайинланган хизматчининг ҳали келмаганлиги боис биринчи кунданоқ ҳамма иш, ташвиш ўзимга қолди. Дезинфектор лавозимида ишлаётган ёш ва тажрибасиз оддий аскар-ҳарбий курувчи фақат супириш-сидиришни биларди.

Менинг ишга келганимни билган, эшитган беморлар асосан кечки овқатдан сўнг, то уйкуга ётгунларича бирин-кетин санчастга келишарди. Булар асосан бироз шамоллаган, тиши ёки меъдаси оғриётганидан шикоят қилувчилар, кундузги оғир жисмоний меҳнатдан бели оғриган ёхуд бирор ери, қўлими-оёғи лат еган, баданида яра-чақаси бор беморлар бўлиб, уларга зарур тиббий

ёрдам кўрсатиларди. Дори-дармон, боғловчи воситалар таъминоти ҳаминқадар. Шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш, госпиталда ётиб даволанишга муҳтожлар деярли кам, режа асосида амалга ошириларди. Бироқ, кечки соат тўққиз-ўнлардан кейин, кечкурунги умумий йўқлама-текширув олдидан баъзи нафси бузуқ кимсаларнинг хурмача қилиқлари, одатлари ошкор бўлиб қоларди. Шу сабабли кеча-кундуз иш жойимда бўлиб, тиббий нуқтанинг бир хонасида яшаб турардим.

Дейлик, кимдир тамакими, нос, наша чекиб ўтирган ёки ётган жойида қаттиқ «учиб» қоларди, қулоғини кесиб кетса ҳам ҳеч нарсани сезмас, пинагини бузмасди. Ёки кимдир атирми ёки бошқа нарса ичиб, қайта-қайта қайт қилар, гандираклаб, масталааст бақириб-чақириб, сўкиниб, тўс-тўпалон кўгарарди. Кимдир бундай аҳволда ўз-ўзидан ҳўнг-ҳўнт йиғласа, кимдир қаҳ-қаҳ отиб, хоҳолаб кулар, яна кимдир жимгина ётиб ухларди. Буларнинг нима сабабдан шундай аянчли, ташвишли, кулгили ҳолатга тушиб қолганлигини аниқлаш, тегишли зарур чоралар кўриш, ўзига келтириш осон кечмас ва узоқ вақтни талаб қиласарди, албатта. Бундан кейин турли босқичдаги фирмә, ёшлар ташкилотлари, уларнинг раҳбарлари, рота, взвод, бўлинма фаолларига қўшимча иш, ташвиш топиларди. Майор Агриянц бу тартиббузарларни бирма-бир хонасига чақириб, соатлаб суҳбатлашар, танбеҳ берарди, «Сендақалар қасрига қолиб, буюк коммунизм қасрига етиб боришимиз беш минутга кечикяпти! Ҳар бир тартиббузар, ишёқмас, кашанда ва ичкиликка ружу қўйган кимса бизнинг дадил қадам билан олға юришимизга қаршилик кўрсатса, карвонимиз орқасидан тортса, ўзи тошибақсадай имиллаб юрса, коммунизмга қачон борамиз? Бунинг маъно, мазмуни, моҳияти, аҳамиятини тушунаяпсизми, йўқми?» деб жон куйдириб, шахсий таркиб ичидаги тарбиявий ишлар олиб борарди.

## КЎНГЛИМ БЎШЛИГИ ҚУРСИН

Менинг ҳарбий шифокорлик, ташкилотчилик фаолиятим фақат юқорида тилга олинган ноҳуш икир-чикир, майда-чуйда нарсалар, кундалик, ҳаётий муаммолар билангина чекланиб қолмасди. Ҳарбий хизмат ички Низомининг 13-боби ҳамда қўшинларда даволаш-муҳофаза ишларини ташкил қилиш тўғрисидаги маҳсус қўлланма талабларига мувофиқ, тиббий нуқтанинг ҳар ойлик қатъий режаси тузиларди. Унда даволаш-муҳофаза, санитария-гигиена, эпидемияга қарши қураш чора-тадбирларини узлуксиз ўтказиш, бўлинма ҳудуди, шунингдек, ҳарбийларнинг

яшашында ишлаш, овқатланиш, ҳордиқ чиқариш жойлари, озиқ-овқатларни сақлаш омборлари, маданий-машиналык хизмат күрсатыш шахобчаларининг тозалиги, Қурилиш майдонлари, обьектларидеги техника хавфсизлиги устидан қаттиқ тиббий назорат ўрнатиш, маърифий, тарғибот-ташвиқот ишларини мунтазам ўтказиш каби улкан вазифаларни ҳам бажарини зарур эди.

Мен бу ишни шахсий таркибининг жисмоний ҳолатини ўз кўзим билан яқиндан кўриш, ўрганиш, кузатишдан бошладим. Ҳафтанинг шанба куни пешиндан кейин шахсий таркиб гарнizon ҳаммомига борар эди. Мен санитар-йўриқчи билан албатта ўша ерда бўлиб, ҳар бир бўлинмадан қанча одам чўмилишга келгани-келмаганини қаттиқ назорат остига олдим. Кейин сира эринмасдан ҳар бир аскар ечинганидан сўнг, кийим-бошининг аҳволи, бўйбасти, гавда тузилиши, баданида бирор яра-чақа, тошма, жароҳатлар борми-йўқлигини текширар, баъзи аскарларни алоҳида рўйхатга олардим. Бундай ҳолатларда эсда қоладигани шуки, аксарият аскарлар мендан икки-уч кўйлакни кўпроқ йиртган, қолаверса катта ҳаётий тажрибага эга, куч-куvvвати бор, тўпори, дангал, сўқағон, баъзилари муқаддам бир муддат мажбурий хизматни ўтаган, бадан териларидеги катта-кичик жароҳат излари, чандиқлари бор, қўли-бармоғи, елкаси, кўкрак қафасининг олди-орқаси, қорни, бели, иккала оёғининг сонидан тирноғи учигача турли татуировкалар билан тўлиб-тошган эди. Баъзи ёзув, тасвиirlарга кўзим тушиб, кулишимни ҳам, кулмаслигимни ҳам билмай, ҳайрон қолардим. Кўпчиликнинг баданида «Не забуду мать родную, а также дядю Ваню», «Живу только для тебя!», «Привет от Дважды Краснознаменного Дальне Восточного военно-морского флота!» деган ёзувлар бўларди. Бошқаларининг кўкрагида баҳайбат шер билан олишаётган паҳлавон ёки елкасида узун тилини чиқариб, заҳар сочаётган йўғон, чипор илон тасвирни кўриш мумкин эди. Бадандаги бундай беъмани ёзув ва тасвирлардан энг аввало уларнинг соҳиблари, муаллифлари қанчалик изтироб чекишишади, роҳат қилишади билмадим, аммо шахсан мен жуда қаттиқ хижолат азоби, афсус-надомат гирдоғи тўлғоғида минг бора ўлиб, минг бора тирилардим. Чунки бу тамғалар уларнинг тили, дилидан ўчса, танаси, вужудидан бир умрга ўчмас қилиб, абадий муҳрланган бемеҳрлик, жоҳиллик, тартибсизлик тимсоли эди.

Иккинчиси, менинг хизматдошларимга бўлган самимий муносабатим, кўнгилчанлигим ўлароқ, кечки пайтларда қабулимга бўлар-бўлмас шикоятлар билан келувчилар сони тобора кўпая бошлади. Улар аслида Ҳарбий низомда белгиланганидек, ҳар бир

бүлинмада жорий қилинган қатый тартиб, қоида бүйича олдиндан «Тиббий ёрдам күрсатиш» дафтариға ёзилишлари, сұнгра тиббиёт нұқтасига қадам босишли зарурлигига қарамай, бириңкетин кела бошлашарди. Улардан ҳар бириңнинг шикоятини тингламай, қабул қылмай, орқасига қайтариб юбориш адолатсизлик хисобланар, ноодамийликдан бошқа нарса бўлмас эди. Улар билан айрим-айрим гаплашиб, бир қарор, хуносага келгунимча анча вақт ўтар, бу ҳақида тегишили тиббий дафтарга қайд қилишим талаб этиларди.

Шуни сездимки, баъзи ҳарбий қурувчилар оғир жисмоний меҳнат туфайли жуда ҳориб, оёқ-қўл, беллари оғриб, баданларида пайдо бўлган яра-чақага эътибор бермай, тиббий ёрдамга ўз вақтида мурожаат қылмас, ўзларига жабр қилишарди. Аммо баъзи муғомбирлар менинг кўнгилчанлигимни сунистеъмол қилишарди, ҳар куни, кун ора қабулимга келавериб, жонимни ҳиқилдоғимга келтиришарди. Уларни на уриб, на сўкиб, на ҳайдаб бўлмасди. Ноиложликдан уларга раҳмим келиб, аввал уч, кейин олти, баъсан тўққиз кунгача меҳнатдан озод қилиш ҳақида справка ёзиб берардим. Улар менинг справкамни рўяқач қилиб, оддий, енгил юмушларни бажаришдан ҳам бош тортиб, безорилик қилишар экан.

Оқибатда кўнгилчанлигим бошимга бало бўлди. Бир куни кечқурун соат тахминан ўнлардан ошганда, қабулимга келган беморларнинг ярми ҳам тугамай, югуриб келган штаб навбатчиси мени штаб бошлиғи ҳузурига чақираётганлигини айтди. Устимдаги оқ ҳалатимни ечмасдан, шошилиб, сардоримиз хонасига кирдим:

— Ўртоқ капитан!..

— Ҳе, ўна ўртоқ капитан деган... Бор, ҳалатингни ечиб, олдимга ҳарбий либосда кел! — деди менга ўшқириб, кўзи шокосасидан чиққудай бўлиб.

Бунга жавобан нима дейишимни билмай, шартта орқамга ўтирилиб, бир оздан сўнг, ҳарбий кийимда бошқатдан кирдим. Ичимни қалтироқ босиб, дир-дир титрардим. У яна боягидақа дўқ-дағдағасини бошлади.

— Бу нима қилганинг! — деди у ўрнидан туриб, мени урадиган важоҳат билан оғиздан тупук сачратиб.

— Нима қилибман?

— Келганингга бир ҳафта-үн кун бўлмай, ҳаммаёқни меҳнатга лаёқатсизлик ҳақидаги справка билан тўлдириб юборибсан-ку! Бунақада бутун бошли батальонни хонавайрон қиласан, ёндириб, куйдирасан!

— Қайси бири нотүғри экан? Менга аниқроқ тушунтириңг! Мен ҳарбий хизматта ноўрин таңбех, ҳақорат эшиши учун келмаганман! Бу ерга келганимдан бери, қабулхонангиз орқасидаги девор ёнидаги хонада ётиб турибман. Эртадан кечгача эшигтганим фақат дўқ, лағдаға, сўкиниш, ҳақорат! Бу қанақаси? Шу ҳам армия, тарбия бўлдими! Бу аҳволда мен ариза ёзиб, шартта қўлимни қўйиб, армиядан бутунлай бўшаб кетаман! Менинг оёғим кўчада қолгани йўқ! — дедим жон-жаҳдим билан қалтираб-титраб. Бўйнимдаги бўйинбоғимни шартта ечиб, унинг олдига ташлар эканман.

Шу пайтгача бизнинг биринчи учрашувимиз ва жиддий тўқнашувимиз гувоҳи бўлиб ўтирган майор Агриянц ўртамиздаги совуқ вазиятни юмшатиппига ҳаракат қилди.

— Э, қўйинглар, бунақа оҳангда гаплашишни бас қилинглар, барака топкурлар! Биласизми, дўхтир, бизда гапни бир-бирига қовуштириш учун бальзан шундай беозор, ҳалқона иборалардан фойдаланилади. Руслар айтишганидек: «Что за солдат без автомата, что за военный без мата!» Сиз ҳали ёш, янгисиз. Кейинчалик бунақа гап-сўзларга аста-секин ўрганиб, қулоғингиз пишиб кетади, — деди ҳазил аралаш қулимсираб.

— Ие, ҳали сиз шунақа деганингиздан кейин... додимизни кимга айтамиз? — дедим фурсатдан фойдаланиб.

Ўртага жимлик чўкли. Ҳамма бир-биридан хижолатда эди.

— Узр, мени кечиринг, дўхтир — деди капитан Грибин шаҳдидан тушиб. — Лекин бир ҳафта-үн кун ичидаги ўттиз-қирқта одамга меҳнатга лаёқатсизлик ҳақида справка берганингиз нотүғри. Мана қаранг, биргина Ивановга икки марта, Сидоров, Петровларга уч марта тавсиянома берибсиз. Булар учига чиққан муғомбир, ишёқмас, фирмуттакам кимсалар-ку! Энди мен сизнинг тавсиянгиз бўйича уларга иш ҳақи ҳам беришим керак. Бундан буёғига бироз қаттиқўлроқ, талабчанроқ бўлинг. Қолаверса, тибиётда «Тиббий саралаш» деган атама ҳали ҳам бор, шекилли? Бундан буён рота, взводларда тез-тез бўлиб, аскарлар ҳаёти, руҳиятини чуқурроқ ўрганишга ҳаракат қилинг, биз сизни доим қўллаб-қувватлаймиз. Келишдикми?

— Келишдик!

Бу суҳбатдан сўнг мен батальондаги санитар-эпидемик ҳолат, озиқ-овқат таъминотидаги камчиликлар, шахсий таркибни режа асосида тиббий кўрикдан ўтказиш зарурлиги ҳақида баённома ёздим.

## БҮЛСА АСКАР ЭГНИ БУТ

Штаб бошлиғи билан бўлиб ўтган юзма-юз тўқнашувдан сўнг кўпчилик менинг фикр-мулоҳазаларим тўғрилигига тан берди. Айниқса, батальондаги санитар-эпидемик ҳолат, шахсий таркибнинг озиқ-овқат, кийим-бош таъминотидаги камчиликлар бора-сида ёзган танқидий баённома катта баҳс, тортишувларга сабаб бўлди. Бунинг устига ноябрь ойи бошларида ўтказилган очиқ фирмә мажлисида иштирок этганим ва у ерда кун тартибига қўйилган масала муҳокамаси бўйича нутқ сўзлаганим кўпчиликка маъқул келди.

Мен ўз сўзимда: «Нима учун қишига тайёргарлик масаласи бунчалик кеч муҳокама қилинаётганидан ҳайронман. Нима бу ерда қиши мавсуми шунаقا кеч бошланадими? Ёки қор, ёмғир ёғиб, совуқ бўлмайдими? Билишимча, бу ерда ҳам албатта қаҳратон қиши бўлади. Шундай экан, унга аллақачон тайёргарлик кўриш керак эди-ку, яна билмадим», деганим одамларга ёқиб тушди шекилли, ғала-ғовур бошланди. Кейин қисқа фурсатда кўрган-кечиргандарим ҳақида холисона ўртоқлашдим. «Казармаларни айланаб чиқсан, иситгичлар илиқ-милиқ, трубалардан чакиллаб сув оқиб ётибди. Анчагина деразаларнинг ойналари синган, ҳалигача бутланмаган, уларни латта-путта, пахта, қофоз билан елимлаб, беркитиш даркор. Курувчи аскарларимизниң иш пайтида ҳўл бўлган кийимлари, пойабзалларини қуритиш хоналари яхши жиҳозланмаган, қишига тайёр эмас. Шахсий таркибга шу вақтгача қишики ички кийим берилимаган. Мен бунга куни кеча уларнинг ҳаммомда бўлишларини кузатганимда амин бўлдим. Қоровулчилик, навбатчилик ёки бошига ишларда банд бўлган аскарлар ўша куни умуман чўмилишмади, ифлос кийим-бошларини алмаштиришмади. Айримларининг кийимларидан бит ҳам топилди. Оддий кир совун, тоза сочиқ таъминоти муаммо. Ёстиқ жилди, чойшаблар яхши қуритилмаган, дазмолланмаган, кўплари увада ҳолатида. Бунаقا хўжасизлик, бефарқчилик аскарлар опхонасида ҳам хукм сурмоқда.

Энг аввало, навбатчининг вазифаси ошхонага ҳаммадан олдин келиб, қорнини қаппайтириб, тўйиб овқат ейиш, назорат дафтарига расмиятчилик учун қўл қўйиб кетиш эмас! Бу ерда ҳақиқий тартиб ўрнатиш керак! Ошпазлару ёрдамчи хизматчиларнинг сочсоқоллари, тирноқлари ўсган, эгниларидаги ишчи кийимлари кир-чир. На қозон-ўчоқ, на идиш-товоқ, на гўшт, балиқ кесадиган, тозалайдиган, сабзавот маҳсулотлари сақланадиган, уларга ишлов берадиган маҳсус хоналарда тартиб бор, ҳаммаёқ

иширисқи! Иш қуроллари: болта, чопқи, пичоқ, капкир, чўмич, сабзавот тўғрададиган таҳтачалар аралаш-қуралаш ишлатилмоқда! Нон сақланадиган ва тарқатиладиган хона аҳволига маймун йигладиди! Бу ишга масъул ҳодим устига ҳалат киймасдан, оғзида папирос тутатиб, нон, сариёғ кесадиган битта ўтмас пичоқ билан ишламоқда. Энг ачинарлиси, нон сақланадиган таҳта жавонларини сувараклар босиб кетган, нон ушоқлари оёқости бўлиб ётипти. Ахир, нонга ҳам шунчалик ҳурматсизлик бўладими? Бу жиноят, увол-ку! Умуман умумий овқатланиш блоки антисанитария ҳолатида. Очигини айтсак, ошхона ҳаммамизнинг муқаддас жойимиз, у доимо озода, саранжом-саришта ҳолатида бўлиши керак. Бу жой бедарвоза эмас!

Овқатланиш зали тиқилинч. Столлар тўлиқ сараланмаган. Идиш-товоқ, қошиқ, санчқи, крушқалар етишмайди. Тайёрланган таомлар бемаза. «Гаомнома» таркибида хилма-хиллик йўқ. Тушлик вақтида қурилиш майдонларига олиб борилаётган овқатлар занг босган, эски термосларда дуч келган транспорт воситаларида келтирилаяпти. Аскарлар ўзларига қулай бўлган жойда, бирлари ерга ўтириб, бошқалари тикка туриб овқатланишяпти. Наҳотки, уларнинг дала шароитида нормал овқатланишлари, дам олишлари учун оддий стол, ўтиргичлар ташкил қилиш шунчалик қийин бўлса? Бундай ишларга аслида ким жавобгар? Нега кўпчилик бунақа тепса-тебранмас, лоқайд аҳволига келиб қолган, тушунмайман.

Умуман олганда ҳар бир аскар, ҳар бир қурувчининг усти бутун, қорни тўқ, ётиб-туриши шароити яхши бўлсагина, ундан кўпроқ фойда, манфаат келишини асло унумаслик зарур.

Битта таклиф киритмоқчиман. У ҳам бўлса, батальонимизда ихчамгина иссиқхона қуришни режалаштирасак. У ерда помидор, бодринг, турли кўқатлар етиштириб, аскарлар ошхонаси дастурхонини қишин-ёзин янада тўкин, чиройли қилишимиз мумкин бўларди. Балки баҳорга чиқиб, Сирдарё бўйидан озми-кўп ер олиб, дехқончилик қилармиз. Қараб турсам, ичимизда эти меҳнатда, дехқончилика қотган йигитларимиз кўп экан.

Яна бир жиддий масала хаёлимдан кўтарилибди. Бу умумий ҳожатхонага тегишли гап. Бу жойга фақат аскарлар эмас, баъзи раҳбарлар ҳам вақти-вақти билан кириб туриши фойдалан холи эмас. Ҳожатхонага кириб чиқсан одам албатта қўлини ювиши шарт ва мажбурий. Чунки юқумли касалликлар айнан ифлосланган қўллар орқали тарқалиши барчага аён. Бу аҳволда кун иссиғида бу жой курт-қумурска, гужон ўйнайдиган пашшалар макони, инфекция ўчоғига айланиши турган гап! Хуллас, гап кўп, кўмир оз...»

Эртасига сардоримизнинг моддий-техник таъминоти бўйича муовини, баланд бўйли майор Власенко иштирокида аскарлар ошхонаси залида соҳага оид хизматчиларнинг кенгайтирилган йиғилиши ўтказилди. Мен мажлисда айтган танқидий фикр-муроҳазалар тўғри қабул қилинди, камчиликларни тўлиқ бартараф этиш чора-тадбиrlари белгиланди.

Орадан икки-уч кун ўтгач, штаб бошлиғи мени ҳузурига чорлаб, партия сафига ўтишим масаласини кўтарди. «Мен ҳали ёшман, партия аъзоси бўлишга муносиб эмасман», деб рад жавобини бердим. Лекин у ўз сўзида қаттиқ туриб олди:

— Бўлмаган гап! Сизнинг кимлигингиз ва нималарга қодир эканлигинги зиринчи учрашганимдаёқ ич-ичимдан ҳис қилган эдим. Сиз партия аъзоси бўлишга лойиқсиз. Яқинда, маош олганингиздан кейин уч-тўрт кунга уйингизга бориб келишингиз мумкин. Ўшанда сизни яхши билган одамлардан тавсиянома олиб келсангиз яхши бўларди, — деди-да, столи остидаги қўнгироқ тугмасини босди. Хонага шошилиб, майор Власенко кирди.

— Эшитаман ўртоқ капитан!

— Эртага дўхтирни ҳарбий модалар ательесига олиб бориб, унга байрамларда кийиладиган шоҳона, янги либос тикдиринг! Либос тайёр бўлгач, оиласини кўриб келиш учун Тошкентга бориб келади. Дўхтиrimiz яқинда уйланган куёв экан-ку, билмабмиз!

## ФАЛОКАТ ОЁҚ ОСТИДА

1961 йилнинг 12 ноябрь якшанба куни эди ўшанда. Кечаси узоқ ўтириб ишлаганим учун яхши ухлаёлмадим. Энди чой қайнатиб, нонушта қилай деб турганимда навбатчи келиб, мени штаб бошлиғи чақиртираётганини айтди. Шошилиб, унинг хонасига устимдаги енгил спорт кийимида бордим. «Тез ҳарбий формада кел», деб ортимга қайтарди. Борсам, шумхабар! Анчадан бери госпиталда ётган, бизнинг батальонда хизмат қиладиган оддий аскар-ҳарбий қурувчи, қозоқ йигити С.Д. оғир касалликдан сўнг бугун эрталаб соат олтидан ошганда оламдан ўтибди. У мен келмасимдан анча олдин қурилиш майдонида юқори қаватдан йиқилиб, бош мияси оғир шикастланган, чап оёғи суюклари синган, бунинг оқибатида ўткир қон касаллигага чалинган экан.

Кейин билишимча, госпитал маъмурияти маслаҳат олиш, даволаш жараёнита бирор янги муолажани қўшиш мақсадида Тошкентдан гематолог чақиришган. Бироқ, бу мутахассис етиб келгунча беморнинг жони узилган. Энди унинг жасадини ёриб,

суд-тиббий текширувдан ўтказиш, сўнгги аниқ хулоса бериш учун Тошкентдан паталогоанатом келиши кутилмоқда эди.

Менга алам қиласиган жойи шуки, бу ерга келганимга йигирма кундан ошса ҳам, ёшликоми, тажрибасизликми қилиб батальондан ким касал бўлиб госпиталда ётгани билан умуман қизиқмабман. Бу нарса хаёлимга ҳам келмабди. Бу ҳақда менга ҳеч ким бирор туртки ҳам бермабди.

...Ваҳоланки, ҳарбий Низомнинг тиббиётга оид маълум бир бобида «Ҳарбий шифокорнинг госпиталларда даволанаётган беморлар ҳолидан вақти-вақти билан хабар олиб туриши шартлиги» алоҳида белгилаб қўйилган. Мен ҳом сут эмган банда бунга сира зътибор бермабман. Балки, бундан эртароқ хабардор бўлганимда, унинг олдига бориб, дардига малҳам бўлармидим?! Энди нима бўлганда ҳам, «Сўнгти пушаймон ўзингга душман». Бу кутилмаган фожеа мента унтутилмас сабоқ бўлди.

Ўша заҳотиёқ, биз, яъни майор Агриянц билан марҳумнинг яқин ўртоғи, дурадгор йигит госпиталга бордик. Марҳумнинг жасадини аллақачон ўликхонага топшириб юборишган. Ўша куни яқшанба бўлганидан биз керакли ходимларни топа олмадик. Лекин марҳумнинг бўйини ўлчаб, унга ёғоч тобут ясашимиз зарур эди. Афсуски, марҳумнинг ўзини шахсан кўрмай, унинг тиббий дафтарчаси, касаллик тарихидаги баъзи тайёр антропологик маълумотларни расман кўчириб, ортимизга қайтдик.

Энг оғир вазифа — марҳумнинг уйига, муштипар онасига бу машъум хабарни қандай етказиш. Майор иккимиз деярли бир соатдан зиёд онаизорига юбориладиган шошилинчнома матнини муҳокама қилдик. Ниҳоят, «Дафн маросимиға келувчиларни Жусали темир йўлbekати вокзалида кутиб оламиз. Марҳумни ўша ердаги қабристонга дафн этишни режалаштираяпмиз. Қачон келишингиз ҳақида бизга хабар беринглар», деган мазмунда шошилинчнома юбордик. Мабодо, майит эгалари уни ўзимизнинг овулга олиб кетамиз, дейишса, ҳар эҳтимолга қарши темир тобут ҳам тайёрлаб қўйишга киришдик.

Марҳумни дафн этиш ҳайъати аъзоларининг келишувига мувофиқ, эртага мен, биздан анча узоқ масофада жойлашган Жусали темир йўл bekatiдаги ҳарбий комендатура ходимлари билан боғланиб, гулчамбарга буюртма бериб келишим керак. Шунингдек, марҳумнинг оила аъзоларидан келадиган қатъий жавобни комендагура ходимларига қандай етказиш ҳақида ҳам аниқ бир қарорга келишимиз шарт. Афсуски, ҳа деганда жавоб келавермади. Асабларимиз ниҳоятда таранглаша борди. Орадан бир кун ўтиб, яъни 13 ноябрда марҳумнинг ўртоғи билан юк машинасида гарни-

зон жасадхонасига бордик. Кун совуқ. Эсаётган қуруқ шамол қулоқ-бурунни учирив кетай дейди. Бироз қор ёққан. Яхши ҳам кеча омборхонадан қалпоқ ва пахмоқ пайтава олганим, анча жоним кирди. Зах ва қоронғу ертұлага тушдик. Электр чироги үчган. Ерга тахта ташлаб қўйилган. Ёзда сув чиқиб кетса керак, ердаги лой қотиб қолган. Чанг, ис босиб кетган деразадан ғирашира өрүғлиқ тушиб турибди. Тўрдаги оқ тунука билан қопланган катта за кенг ёғоч стол устида барзангидек чўзилиб жасад ётарди. Оғиздан оқ кўпик чиқиб, қулоғигача оқиб тушган. Нурсиз кўзлари сал очилиб турибди. Сочлари ўсган, юзи ялпок, бурни пучукроқ, қисиқ кўзли йигит. Мен ҳамроҳимдан: «Уни танияпсанми?» деб сўрадим. У бунга жавобан, лиқ-лиқ йиғлаб, «ҳа» дегандек бошини қимирлатди.

Атгофга қарасам, қўли ва пастки жағи катта, даҳани узун, оғзи доим очиқ юрадиган, барвастагина жасадхона қоровули печкая ўт қалаяпти. У вақти-вақти билан оғзидаги чўғи үчган папирисини шимиб, майит тепасида жиддий ишлаётган патанатомга ёрдам ҳам бераяпти. Унинг илтимосига кўра, майитни у ёқ-бу ёққа ағдара ради, ўтмас пичоқларни бир-бирига ишқалаб чархлаш беради. Хуллас, не ҳасратда майит танаси ёрилди, аъзоларининг барчасидан маҳсус текширув учун намуналар олиниб, спиртли идишга солинди. Қолган ишларни жасадхона қоровули охирига етказди.

Хулса шу бўлдики, майитнинг ўпкасига суюқлик йиғилган. Юрак, спіқозон ва ичакларида майда-майда қонталашлар мавжуд. Жигари оқиш, рангиз, қонсиз. Калла қопқоғи очилганида бош миянинг чап қисмига қон қўйилгани, тўртинчи меъдача қон билан тлганлиги маълум бўлди, касалликнинг ўткир лейкоз эканлиги тўлиқ тасдиқланди.

Шу йайт миянга ярқ этиб, бир фикр келди. Беодобчилик бўлса-да, ёнимдаги ўлчагич, яъни сантиметр тасмасини олиб, ҳамроҳим ёрдамида марҳумнинг ҳозирги ҳолатдаги бўйи, танаси кенглигиги ўлчадик. Олдинги маълумотлар билан таққослаб кўрсам, ачагина фарқи бор. Демоқчиманки, жасад бу ҳолатда биз аввал гайёрлаб қўйган ёғоч тобуттга сифмасди. Шунинг учун кўпчилик өлдида ноқулай аҳволда қолмаслик чораларини кўрдик, янги, кенроқ тобут ясатдик.

Минг ағуски, 14 ноябрда ҳам марҳумнинг оила аъзоларидан бирор хабр келмади. Энди биз бир неча киши, жасадхона қоровули ёдамида майитнинг устига янги уст-бошлар кийдириб, тобут ичига жоғладик-да, ортимизга қайтдик. Хайрият, 15 ноябрь куни пешиндан қейин марҳумнинг икки нафар қариндоши Жуса-

лига етиб келишибди. Бирок улар онаизорнинг илтимосига кўра, тақдирга тан бериб, марҳум жасадини қандай йўл билан бўлсада, унинг киндик қони тўкилган муқаддас ерга етказишида ёрдам беришимизни илтимос қилишибди. Биз алоҳида вагонга маҳсус буюртма бердик. Бу вагон белгиланган манзилга етиб келиши учун яна бир кечакундуз вақт кетди. Ниҳоят, 16 ноябрь куни пешиндан кейин бир гурӯҳ йигитлар яна жасадхонага бориб, тобутни юқ машинасида батальонимиз клубининг фсайесига келтирдик. Майит деярли беш кун мобайннида бироз урингани табиий эди. Унинг устига атири сочиш зарурати туғилди, ҳеч кимда хушбўй атири топилмади. Менда «Фиалка» деган атири бор эди, ўшани ишлатдик. Ҳаммаёқни туркираган бинафша ҳиди тутаб кетди. Тобут пойига гулчамбар қўйдик. Ҳарбий оркестр ихросида мотамсаро кўй, маршлар янгради, фахрий қоровуллар саф торти.

Эндиғи вазифа — ёғоч тобут устига рух, темир тобут қоплаш, қийдириш эди. Пайвандлаш ишларини амалга ошириш учун шу фурсатда қалай топилмагани учун ҳам марҳум билан видолашиб жараёни яна бироз ортга сурилди.

Шундай қилиб, ўз она-Ватанида йигитлик бурчини ўташ даврида тасодифий фалокат туфайли ҳаётдан бевақт кіз юмган сафдошимиз шундай катта иззат-ҳурмат, эҳтиром, айни пайтда не-не машаққат, қийинчилик билан ўзи туғилиб ўсга маконга кузатилди. Охирати обод бўлсин сафдошимизнинг!

Ният қилдикки, Яратганнинг ўзи барчамизни тури балоқазо, ўт балоси, сув балоси, қуруқ тұхмат, фалокат, оратлардан арасасин! Ҳеч бир ота-онанинг бошига фарзанд доғинисолмасин! Узоқ сафардагилар эсон-омон бағримизга келсин, ғардманларнинг дардига шифо берсин, қаторимиздан хато ғұлмайлик. Бошимиз тўйдан, яхшиликдан чиқмасин! Осмонимиздоим соғ, мусаффо бўлсин, эллар, элатлар, турли миллатларга дўстлик, тутувлик, тинчлик, осойишталик бўлсин!

## ЭР ЙИГИТГА ҲАРБИЙ ЛИБОС ЯРАША

Ўтган ҳафтада рўй берган кўнгилсиз воқеа, қур-югуллар билан куну тун банд бўлиб, ичимга қил ҳам сиғади, ҳарбий ательєга боришни унутдим. Бугун пешиндан кейин уздан штабимизга кўнгироқ қилиб, буюртма тайёрлиги, фақт бир келиб кетишим кераклигини айтишди. Суюнганимдан даэрор оёғимни қўлимга олиб, ательєга учиб бордим.

Кўли гул, чаққон тикувчи қизлар мени очик чехра билан кутиб олишди. Эгнимга ҳаворанг мундир, кулранг шинел кийдириб, қўлларига тўғноғич ва бўр олиб, тошойна олдида у ёқ-бу ёғимни қайта-қайта ўлчаб, зимдан кузатишиди.

Янги лиbosim ўзимга жуда мос, қадди-қоматимни янада кўркам қилиб юборди. Қизлар минг бор узр сўраб, мундир ва шинелимга тақиш учун тиббиёт ходимларига хос маҳсус петлица ва погоналар йўқлиги боис вақтингчалик муҳандисларга оид нишонлардан фойдаланишганини айтишиди.

— Ҳечқиси йўқ, Тошкентга борганимда ҳарбий универмагдан ўзимга керакли нарсаларни захираси билан харид қиласман, — деб уларни хижолатдан кутқардим.

— Вой, Тошкентга борасизми? — дейинди улар ажабланиб, бир-бирларига маъноли қарашиб.

— Ҳа, — дедим ўзимни мағрур тутиб.

— Unday бўлса, Сизга малол келмаса, бизга бир-икки шиша яхши вино олиб келсангиз.

— Жоним билан!

Кейин қизлар ўзаро шивирлашиб, қўярда-қўймай, қўлимга пул беришиди. «Сизга ҳам хизмат, ҳам миннат бўлмасин». Шу тариқа улар иш вақти аллақачон тугаб, кўпчилик уй-уйига кетган бўлишига қарамай, буюртмамнинг кам-кўстларини тўғрилаб, қоғозга ўраб, қўлимга тутқазишиди, барака топгувлар.

Хонамга келиб, мундир ва шинелим, фуражкам какардаси, камарим устидаги мис қопламаларни ацидол билан тозалаб, ялтиратдим. Кўйлак, шим, оппоқ шарф ва бўйинбогимни дазмоллаб, илгакка осиб қўйдим.

Эртасига, янги лиboslarimni кийиб, белимга олтинранг камаримни тақиб фахр ва виқор билан штаб бошлиғи ҳузурига кирдим.

— Ўртоқ капитан! Лейтенант Раҳмонов топшириғингизни бажарди. Ваъдангизга биноан хизмат сафарига тайёр!

Капитан Грибин дарров ўрнидан туриб, мени янгилик балан табриклади-да, тегишли ходимларни олдига чорлади. Уларга бориши-келишимдан ташқари уч кунга сафарнома тайёrlаш, зарур дори-дармонлар харид қилиш учун нақд пул бериш ҳақида буйруқ берди. Бухгалтерияга кирсам, ҳали умумий пул тарқатиш рўйхати тузилмагани учун алоҳида ҳужжат тайёrlаб, қўлимга бўнак беришиди.

Ўша куни елиб-югуриб, оила аъзоларимга совфа-саломлар олиб, жомадонимни тўлдирдим. Ярим кечада темир йўл бекатига чиқиб, кассадан чипта олиб, Москва-Тошкент тезюарар поездига

ўтиридим. Йўлда ҳамроҳларим билан чақ-чақлашиб, дам олиб тобора манзилимизга яқинлашардим. Бироқ, поезд ўз йўлида тез кетишга қарамай, вақт жуда сескин, имиллаб ўтарди.

Шоирона хаёллар, орзу-ниятлар билан учқур поездда кетар эканман, назаримда ўн саккиз минг оламни Яратган Парвардигор еру замин, сув, тоғу тошлар тақсимотида кимгадир кўпроқ, кимгадир озроқ, кимгадир умуман ҳеч нарса ажаратмагандек туюлди. Ер юзида шундай ўлкалар борки, ҳар қайси фаслни кўриш у ёқда турсин, бир неча ойлаб, қуёш нурини кўрмайдилар, фақат қоронгулиқда яшайдилар. Хизр буванинг назари тушган бизнинг жаннатмакон Ўзбекистонимизда Аллоҳнинг марҳамати билан барча ноз-неъматлар бекаму кўст, муҳайё. Ҳатто бепоён осмондаги қуёш, ой, миллионлаб юлдузлар ҳам бизга бошқача меҳр билан зиё сочади, Йилнинг тўрт фаслини алоҳида-алоҳида қандай ривож топдириш, еру кўкнинг гуллаб яшнашини кўришни фақат бизларга насиб этган. Бунинг учун Яратганга беадад шукур, ҳамду санолар айтамиз. Қозоғистон ҳудудида сувсизликдан қаҳраган чўл, сахро, қумликлар, саксовулзорларга боқавериб, зерикиб, юрагим эзиларди.

Поездимиз сертармоқ Арис темир йўли бекатидан ўтиб, Ўзбекистон ҳудудига киргани сайин ўз-ўзимдан дилим яйраб, кўзим қувнай бошлади. Вагон деразасидан ён атрофга сукланиб қарадим. Қиши бўлишига қарамай, яшиллигини бутунлай йўқотмаган, юпқа қор билан қопланган далалар, барглари тўкилган яланғоч дараҳтлар кўзимга бошқача кўринарди.

Бунинг устига радио тўлқинларидан таралаётган ўзбек тилидаги куй, ёқимли наволар юрагимни ўйнатар, илҳомимни жўштиради.

Поезд Тошкентга кечки соат ўнга яқин келиб тўхтади. Мен ҳеч кимга хабар бермаганим учун жомадонимни кўтариб, вокзал майдонига чиқсан, такси топилмайди, наявбатда турганлар ниҳоятда кўп. Иккита трамвайга ўтириб, аранг Бешёғоч, ундан кейин кичик автобусда Чўпонотага етиб олдим. Уйимдагилар энди ухлашга ҳозирлик кўришаётган экан. Менинг янги либосда, айниқса, уйдан кетганимга роса бир ой бўлганида кечаси эшик тақијлатиб келишим, оила аъзоларим учун кутилмаган совға бўлди. Алламаҳалгача дастурхон атрофида бир-биrimizning дийдоримизга тўйдик, ухламадик ҳисоби. Эрталабдан уйимизга катта бувим, тоғам, Мўътабархон кеннойим, қўни-қўшнилар олдинмакетин кела бошлашиди. Қарасам, ҳамманинг кўзи менда, қаддиқоматимга ярашган ҳарбий либосда. Буни зимдан кузатиб турган бувим негадир ичларига ғулғула тушиб, дарров онамга буюрдилар:

— Қамар, тур ўрнингдан! Боламга кўз тегмасин, исириқ туатиб юбор!

Бир пасда ҳаммаёни жонга ҳузур бағишловчи исириқ ҳиди тутиб кетди. Пешинга яқин хушхабар келди: бизнинг уйимиздан чиққач, түгруқхонага кетган кеннойим қўчқордек ўғил туғипти! Энди ҳамманинг оғзи қулогида, «Искандархоннинг қадами қутлуг келди. Унга ҳам Худо ўғил берсин!» дерди.

Эртасига Шарофатхон билан Шимолий темир йўл шоҳ бекати яқинидаги ҳарбий универмагга бориб, янги ҳарбий либосим учун зарур погон, петлица, юлдузчалар харид қилдик, уларни жойжойига мослаштиридик.

Шу тариқа ҳар куни азиз жигарпораларим, ёру дўстларим бағрида, ардоғила бўлиб, сафарим қариб қолганини ҳам сезмай қолибман. Бу гал онам мени узоқ йўлга кузатар экан, бағри бутун, кайфияти чоғ, кўнгли тўқ бўлганидан кўзларига ёш олмай, очик чеҳра билан оқ фотиҳа бердилар:

— Ой бориб, омон кел, болам! Либосинг ўзингга узукка кўз кўйгандек, жуда ярашибди. Энди уни қадрла, авайла, доғ туширмай! Унга ҳамманинг ҳаваси келганидан бениҳоя хурсандман!

Бунга жавобан мен илҳомим жўшиб, дарров шеър тўқидим:

Либосимга ҳамманинг,  
Келган экан ҳаваси.  
Тушди унга менинг ҳам,  
Чиндан меҳру ихлосим.

Либосимни, Онажон,  
Ечмайман ҳеч эгнимдан!  
Сизга берган ваъдамни,  
Чиқармайман кўнглимдан!

## ВАЗИФАМГА КИРМАЙДИГАН БУЙРУҚЛАР

Тошкентга бориб, оила аъзоларим, ёру дўстларим билан дийдорлашиб келганимдан кейин кучимга куч, гайратимга гайрат кўшилди. Энди руҳиятимда аввалгилик иккиланиш, тушкунлик, беқарорлик йўқ. Қисқа муддат ичida барча сафдошларим билан ўзаро тил топиб, зиммамга юклатилган вазифани сидқидилдан бажаришга ҳаракат қила бошладим. Янги ҳарбий жамоада ўз ўрним, мавқеимни тоғдим. Аҳамият берсам, энди ортиқча зерикишга вақтим йўқ, кун бўйи аввалдан режалаштирилган зарур

чора-тадбирлар ижроси ҳаракатидаман. Ҳали бирор рота ётоқхонаси, ҳали аскарлар ошхонасига бориб у ердаги санитар-гигиеник ҳолат, тозалик, озодаликни күздан кечираман, ҳали кутубхонага кириб, эртага бўладиган сиёсий ахборот машгулотига тайёргарлик қиласман. Бундан ташқари, яқинда сафимизга қўшилган ёш аскарларни тиббий кўрикдан ўтказаман, уларга соҳам бўйича сабоқлар бераман.

Шу туфайли деярли ҳар куни, кунора келаётган ўнлаб хатларга жавоб ёзишни пайсалга солишимга тўғри келди.

Ҳа, айтмоқчи, деярли ҳар ҳафтада батальонда навбатчилик ҳам қиласман. Бу ёқда йил якуни бўйича ҳисобот тайёрлашим, уни ўз вақтида бошқарманинг тиббий бўлимига топширишим зарур. Бу ёқда янги йил, янги ўқув йили яқинлашмоқда. Жанговар тайёргарлик борасида ҳам режалар бир талай.

Менинг ёшлигим, тажрибасизлигим, қолаверса, ҳозирча бир ўзим ёлгиз яшаётганим учун бўлса керак, кўмондонлик қаерда озгина бўшлиқ бўлса, мени ўша ерга суқиш, номзодимни кўрсатишга ҳаракат қилаётганигини сезиб турибман. Бу бир томондан яхши бўлса, иккинчи томондан иззат-нафсимга тега бошлади, очиги. Жумладан, сўнгги пайтларда батальонда офицерлар етишмаслиги сабабли мени икки марта гарнizon бўйича патруль хизматига юбориши. Лекин ўтказилган инструктажда бу хизматга врачлар жалб қилинмаслиги ҳақида Қўмондоннинг қатъий буйруги борлиги учун мени ортимга қайтаришди. Шунга қарамай, учинчи марта бир гурӯҳ сафдошларим билан патрулликка юбориши. Инструктаж ўтказган ниҳоятда талабчан полковникнинг астойдил жаҳли чиқиб: «Бу сафар охирги марта қаттиқ огоҳлантираман. Врачларни патрулликка юбориш қатъиян ман этилганлигини била туриб, буйруқни қўпол равишда бузган шахсларни жазолайман!» деди. Бунинг ёнига яна бир жиддий муаммо, норозилик хати қўшилди. У ҳам бўлса, бир неча кун аввал, тушки овқатланишдан сўнг ошхонанинг ошпази ўтқир кўричак касаллиги хуружи билан қабулимга келди. Уни шошилинч равишда госпиталга олиб бориш зарур эди. Бизга тегишли енгил санитар машина штаб бошлифи ихтиёрида бўлгани сабабли, беморни юк машинасида, ҳайдовчи ёнига ўтказиб, госпитал қабулхонасига етказдим. Бироқ, навбатчи шифокор, шундай оғир ўтқир жарроҳлик хасталиги билан bemор замбилга ётқизиб эмас, ўтирган ҳолда, юк машинасида ногўри транспортировка қилинган, деган айбнома ёзиб, тиббий бўлим бошлиғига йўллабди. Ишимиздаги бу қўпол хато, камчилик катта бир йиғилишда муҳокама этилди, шовшувга сабаб бўлди. Оқибатда штаб бошлиғи ва менга огоҳлан-

тириш эълон қилинди. Чунки ўжар ва баджаҳл штаб бошлигимиз мен келмасимдан аввал мавқеидан фойдаланиб, тиббий нуқтамизга қарашли санитар машинанинг икки биқинидаги «Кўшув» аломати, яъни тиббий белги устига бўёқ суртиб, эртаю кеч қурилиш майдонларида айланиб юрар эди. Бу билан табиийки, катта хатога йўл қўйган, аниқроғи, тиббий соҳани менсимаган, оёқости қилган эди.

Бундан қаттиқ аччиқланган штаб бошлигимиз худди бу можарони атайн мен уюштирган фаҳмлаб, ёвқараш қила бошлади. Шу сабабли деярли ҳар йигилишда ишимдан хато, камчиликлар топиб, тирноқ ичидан кир излаб, нафсониятимга тега бошлади. Мен бундан қаттиқ ранжисам-да, ўртамизга тушган совуқ муносабатни яхшилашга ҳаракат қилдим, дардимни ичимга ютдим.

Бир куни батальон бўйича навбатчилигимда эрталаб қатъий тартиб-қоидаларга асосан штаб бошлиғи ўзига биринтирилган юқ машинасида дарвоза олдига келиб, кабинадан пастга тушиши биланоқ, ҳузурига ошиқдим, овозим борича хитоб қилдим:

— Батальон, смиро! Ўртоқ кап... кап... кап... деганимча тутилиб, дудукланиб қолдим. Яна эски дардим қўзғалди, ярам янгиланди.

Бу аҳволни кўрган капитаннинг авзойи ўзгарди, қўлини пастга туширди-да, ёnidаги муовинига одати бўйича сўкиниб буюрди:

— Ну его... Снять срочно с наряда!

Шу баҳона энди ўз соҳамга алоқаси бўлмаган барча навбатчиликлардан бутунлай қутилдим. Лекин асло жанговар шайликни заррача сусайтирмадим, бўш вақтимда госпиталга бориб, ҳамкасларимдан ҳарбий тиббиётнинг сир-асрорларини ўрганиш, кўникумалар ҳосил қилишга астойдил киришдим. Бу менинг ўз соҳам бўйича касбий маҳоратимни ошириш, жанговар шайлик, тайёргарлигимни мустаҳкамлашга ёрдам берарди, албатта. Бу ҳақида ҳатто бир шеър ҳам ёзганим эсимда.

Эл тинчлиги — гарови —  
Жанговар шайлик.  
Кун-тун заҳмат синови —  
Жанговар шайлик.

Армиямиз қудрати —  
Жанговар шайлик.  
Юртимиз шон-шуҳрати —  
Жанговар шайлик.

Шайлик борки, эл-юртда,  
Тинчлик барқарор!  
Сафларимиз бузилмас,  
Омад бизга ёр!

Шайлик борки, ҳамиша  
Осмон беғубор!  
Фаламислар албатта,  
Бўлур хору зор!

## ЮРТ ВА ЁР СОФИНЧИ

Мени она юртимдан орадаги бор-йўғи ўн беш соатлик масофа ажратиб турса-да, кундалик ишлар билан қанчалик банд бўлмайин, туғилиб ўсган маконим, маҳаллам, оила аъзоларим, яқин ёру биродарларим соғинчи, дилрабо миллий куй, қўшиқларимиз оҳангি бир нафас ҳам хаёлимдан нари кетмасди... Деярли ҳар куни ўнлаб хат-хабарлар олиб, жавоб қайтариш жараёнида юртдошларим билан хаёлан боғланиб турсам-да, кўнглум жойига тушмас, уларнинг очиқ чехраси, майнин таббасуми, дийдорини кўргим, ўзларига хос ширин гап-сўзларини эшитгим келарди. Шундай пайтларда дилга яқин бирор оромижон куй, мусиқа тинглай десам, бунинг ҳеч бир иложи йўқ эди.

Янги йил арафасида фурсат топиб, ёнимиздаги дўконга кирсам, «Урал» русумидаги пластинкали радиоприёмник бор экан. Узоқ ўлаб ўтирамай, батальонга келдим-да, икки ёрдамчи олиб, ўшани харид қилдим. Шу пайт билагимдан кимдир туртгандек бўлди. Ёнимга ўгирилсам, бир полковник мени имлаб, четга чақирди. «Нега хизмат вақтида дўконда юрибсиз? Қолаверса, белингизда портупей — камарингиз ўйқ, шинелингизнинг тутмалари тозаланмаган. Кечки соат ўн еттида комендатурага боринг», деб қўлимга бир парча қофоз-эслатма тутқазди. У билан баҳслашиб ўтирамадим, руҳимни туширамадим.

Радиоприёмникини хонамга келтириб, мурувватини бурадим, тезда Тошкент ҳаво тўлқинини топдим. Не ажабки, Таваккал Қодиров ижросида «Бизни ташлаб» ашуласи баралга янграрди:

«Бизни ташлаб қайга кетди ул қаро қошим менинг?  
Термулиб йўлига кўздин оқадир ёшим менинг.

Чорасиз қолдим нетай, ҳижрон ўтига ўртаниб,  
Тўлди ҳасрат бирла куйган бу ичу тошим менинг.

Ёр кетар вақтида менга қайрилиб бир боқмади,  
Йиғласам айб алламанг қавму қариндошим менинг!»

Бундан кейин навбат севимли ҳофизимиз Маъмуржон Узоқовга келди. Унинг ёқимли, жарангдор овози ижросида қални жунбушга келтирадиган «Эй сабо» қўшиғи янгради:

«Эй сабо, ҳолим бориб, сарви хиромонимға айт,  
Йиғларимнинг шиддатин гулбарги хандонимға айт.

Буки, онинг аҳду паймонида мен ўлсам доғи,  
Яхши фурсат топсанг, ул бадаҳду паймонимға айт.

Даҳр боғи гулларин ҳуснин вафосиз эрканинг  
Юзи гул, жисми суман, куйи гулистонимға айт...»

Бу куй-қўшиқлар менинг айнан ўша дақиқалардаги ўй-хаёлларим, ҳаяжонли орзу, армонимға уйқаш, уйғун бўлганлиги учун ҳам беихтиёр қўзларимга ёш келди, роса аламим, хуморимдан чиқдим. Шунинг таъсирида қўлимға қалам олиб, дилим розимни қоғозга туширдим:

Салом эркам, юлдузим,  
Салом қоши қундузим!  
Кеча олиб хатингни,  
Кулди кундай гул юзим.

Химматингга ташаккур,  
Хурматингга ташуккур!  
Мен гарибни эслаган,  
Файратингга ташаккур!

Кунора хат оламан,  
Сен севимли ёримдан.  
Ҳаётим гулғунчаси,  
Гул фасли баҳоримсан.

Гул фасли баҳор учун,  
Булбул янглиғ дил даркор.  
Ўртаниб гул ишқида,  
Куйлагувчи тил даркор.

Булбулингман эй, гулим,  
Қўшиғимға қулоқ сол.

Ҳижронингда сарғайған,  
Ошигингта қулоқ сол.

Булбул келар баҳорда,  
Кўнгил яйрар баҳорда.  
Гул ишқида ўртаниб,  
Булбул сайрап наҳорда.

Наҳор, ажиб палладир,  
Эсар сарин, шўх еллар.  
Гулзор ичра сен билан,  
Очилиб юргим келар.

Ёшлигимиз ҳам баҳор,  
Булбули мен, сен гули.  
Ёрқин, порлоқ эртамиз,  
Бўлмасин ҳеч қайгули.

Ҳаётимиз баҳордай,  
Гулласину сўлмасин.  
Булбул мадҳин эшитган,  
Ошиқ зоти ўлмасин!

Шундай кўтаринки кайфият билан белгиланган муддатда комендатурага бордим. Ҳаво очиқ бўлса-да, аччиқ изгирин қулоқ-бурунни аямай чимчиларди. Менга ўхшаган беш-ўнта «тартиб-бузар»лар қулоқчинларимизни тушириб, қўлқопларимизни тақиб, комендатура ҳовлисига чиқдик. Кейин теп-текис майдонда ярим соат мобайнода умумий «Раз, два, три!» хитоби остида сафда юриш машқларини мардонавор бажардик, ўзимизни ҳам, оёғимизни ҳам қизитдик. Бу ҳам менга ўзига хос яхши сабоқ, ибрат, янги куч-қувват, илҳом манбаи бўлди. Лекин барибир қалбимда ўзгача бир енгиллик, илиқлик, самимий ҳис-туйғум жўшиб-тошарди. Беихтиёр хаёлимни янги йил байрамида олдимга келишини интизорлик билан кутаётганим ёр соғинчи, висоли чулғади. Ўзимча пичирлай бошладим:

Йўлларингга кўзим интизор, ёр келасанми?  
Бўйларингга жонгинам нисор, ёр келасанми?  
Висолингга ўзгинам хумор, ёр келасанми?  
Келасан деб, кутаман зор-зор, ёр келасанми?

Оппоқ тонглар ҳавосидирсан, моҳитобоним,  
Булбулларнинг навосидирсан, қоши камоним,  
Кўнглим ҳуши, давосидирсан, оромижоним,  
Келасан деб, кутаман зор-зор, ёр келасанми?

Хижрон они мунчалар узоқ, оҳ билсанг эди,  
Қилмай ортиқ васлингга муштоқ, оҳ келсанг эди,  
Искандарга айлаб ноз-фироқ, гоҳ кулсанг эди,  
Келасан деб, кутаман зор-зор, ёр келасанми?

## БИРИНЧИ ҚЎМОНДОНИМ

Ҳаётда шундай воқеалар бўладики, баъзан етти ухлаб тушингга кирмаган одамлар билан учрашасан, воқеа-ҳодисаларнинг гувоҳига айланасан.

Сирдарё бўйидаги биз турган замонавий шаҳар ўрни бундан беш-олти йил бурун бийдай дашту биёбон, унинг бунёдкорлари даставвал ёзинг жазирама иссиғи, қишининг аёзли кунларида кўчма вагону чодирларда яшашганини эшитганимда кўзларимга ишонмадим. Сабаби, юксак дил билан қатъий режа асосида қурилган замонавий кўп қаватли уй-жойлар, ҳашаматли маданий-маиший, маъмурий бинолар, каттагина истироҳат боғи, икки четига дараҳтлар экилган кафтдек текис йўллар қисқа вақт ичida қуриб битказилганига ақл бовар қилмасди.

Шаҳарнинг асосий эгалари «буюртмачилар», биз генерал Шубников хўжалигига қарашлилар – «курувчилар» леб юритиларди. Бизнинг асосий вазифамиз бунёдкорлик бўлгани учун кўп вақтимиз шаҳардан ташқарида, турли-туман янги қурилиш нуқталари, иншоотларида, чанг-тўзонлар ичida ўтарди. Гарчи мен шифокор эсам-да, ўз бўлинмам хизматчиларининг саломатлиги, меҳнат шароити, хавфсизлик техникасига риоя қилишларини қатъий назорат қилиб, тез-тез қурилиш майдонларида бўлиб турардим. Майор, кейинчалик подполковник Грибин Николай Фёдорович командирлик қилган бизнинг бўлинмамиз қурилиш бўйича ойлик ва йиллик режаларини ошириб, сифатли бажаради. Шунинг учун доим илғорлар сафида турар, номимиз ҳурмат тахтасидан тушмас, бирор-бир каттароқ йигилишми, тантанами бўлса, илғор қисм шифокори сифатида мен ҳам кўпинча катта қўмондон, раҳбарлар қатори мажлис ҳайъати таркибида савлат тўкиб ўтирадим. Баъзан ишдаги хато-камчиликлар ҳақидаги танқидий фикр-мулоҳазаларим билан сўзга ҳам чиқардим.

Бир куни Баш конструктор Сергей Павлович Королёв нуфузли анжуманда иштирок этди. Анжуманга раислик қилиб, уни ортиқча шовқин-суронсиз ўтказган генерал Шубников Георгий Максимович танаффус вақтида С.П.Королёв билан ёнма-ён гаплашиб келар экан, менинг рўпарамада тўхтади. Биз қўл бериб кўришдик. У ўзига хос самимий жилмайиб, мени гапга тутди.

— Қаердан бўласиз, ўртоқ катта лейтенант?

— Тошкентдан, ўртоқ генерал.

— Ие, ҳамюрт эканмиз-ку! Тошкентнинг қаеридан?

— Чилонзор тумани, Чўпонота даҳасидан.

— Хизматлар қандай кетяпти?

— Яхши, ўртоқ генерал.

— Тошкентликларнинг палови билан кабоби зўр бўлади-да, еб кўрганмисиз, Сергей Павлович? — деди у ҳамроҳига юзланиб. У бошини сарак-сарак қилиб «Йўқ» ишорасини қилгач, Георгий Максимович сўзида давом этди: — О, ўзбекнинг қўлбola палови билан кабобини емабсиз, дунёга келмабсиз! Ошнинг сабзиси билан пиёзини тўғрашларида қанчалик санъат борлигини билсангиз эди! Иштаҳани қитиқлайдиган зирасини айтмайсизми?

— Хоҳласангиз шу ерда ҳам ош дамлаб беришим мумкин, — дедим вазиятни қўлдан бой бермай.

— Раҳмат, раҳмат! Насиб этса, Тошкентга борганимизда, — дейишиди улар миннатдорчилик билдириб.

Мен ўша пайтда киндик қоним тўқилган она диёримдан анча олисда генерал Шубниковдек ҳамюртим борлигидан бошим осмонга етди. Мен унинг ҳаёти, жанговар фаолияти билан яқиндан танишдим.

Георгий Максимович 1903 йилнинг 1 майида дурадгор оиласида дунёга келган, ўн етти ёшидан қурилиш техникумida ўқиш билан бирга мустақил ишлай бошлаган экан. Мажбурий ҳарбий хизматни чавандозлар қисмида ўтаган, хизматдан бўшагач, Пятигорскдаги қурилиш идорасида прораб бўлиб ишлаган. Илмга чанқоқ, тиришқоқ Георгий Максимович 1932 йилда Санкт-Петербургдаги саноат қурилиш институтини имтиёзли диплом билан тугатгач, аспирантурада қолдиришларига қарамай, ўз ихтиёри билан Байкал ортидаги қурилишларга жўнаб кетган.

Иккинчи жаҳон уруши бошланганда Георгий Максимович ўз соҳаси бўйича катта ҳаётий ва амалий тажриба орттирган етук мутахассис эди. Шунинг учун ҳам 1941 йилнинг октябрь ойидан жангга отланган. Георгий Максимович Шубников алоҳида сапёрлар батальонининг командир ўринбосари, ундан сўнг муҳандислик ишлари бошқармасининг бошлиги лавозимларида ишлаган, жанговар йўлни мардона босиб ўтган.

Урушдан кейинги тинч қурилиш, тикланиш йилларида у Вена, Братислава, Берлиндаги вайрон бўлган кўприкларни қайта тиклаш, дунёга машхур Трептов истироҳат боғидаги тарихий, меъморий обишаларни қуришга бошчилик қилган. Кейинчалик Тошкентнинг собиқ Герман Лопатин (ҳозирги Наврўз) кўчасидаги камтарона ёғочли уйда яшаб, муҳандислик ишлари бошқармасига раҳбарлик қилган. Марказий Осиё республикалари иқлими шароитида қурилишлар бўйича улкан ҳәётий ва амалий тажрибалар тўплаган. Булар унинг 1955 йилдан бошлаб Бойкўнирда давлат аҳамиятига молик улкан қурилишда ишлаш, фазога дахлдорликка сабаб бўлган, ўз атрофига ишchan, ҳалол, қобилиятли ҳарбий ходимларни тўплаб, бир қанча муҳим қурилиш ишларини бошлаб юборган. У чарчашиб нималигини билмас, кунига соатлаб ишлар, эртасига яна вақтли туриб ишини давом эттириб кетаверар эди. Ҳар куни эрталабки бадантарбия машқларини бажариш, муздек сувда душ қабул қилиш, соқолини қиртишлаб олиш, иштаҳа билан нонушта қилиш ва кийим-бошларини тозалашга ҳам улгуарди. У бундай ишларни бирорга, ҳатто рафиқасига ҳам буюрмай, ўзи бажарар эди.

Георгий Максимович қурилиш майдонларида бўлганида ёки йигилишлар ўтказганида сира қизишмас, ўзгаларнинг фикр-мулоҳазаларини эътибор билан тинглар, масаланинг асл моҳиятини сабр-тоқат билан лўнда қилиб тушунтирас, қатъий кўрсатма, топшириқлар бериб, ижросини шахсан текширади. Шунинг учун ҳам унинг бирор қурилиш майдонига кутилмагандан келиб қолиши, ҳамма билан апоқ-чапоқ бўлиб кетиши одатдаги ҳоллардан, кувончли ҳодиса, воқеага айланаб кетарди.

1957 йилнинг май ойида тайёр бўлган биринчи иншоотни қабул қилиш учун Ҳукумат ҳайъати келади. Бу иншоотни назорат қилишга шахсан масъул бўлган артиллерия Бош Маршали Митрофан Иванович Неделин бундай деган эди: «Бизнинг баҳтимиз шуки, бундай мураккаб иншоотни қуришга тажрибали ташкилотчи – муҳандис Георгий Максимович Шубников бошчилик қилди». Бу – Маршалнинг ортиқча такаллуфсиз шахсий ва самимий фикри эди.

Генерал Шубниковнинг ўта ҳалол ва меҳнатсеварлиги, оддий ҳамда камтарлиги ниҳоятда қаттиққўл, талабчан Бош конструктор Сергей Королёв билан танишиб, бир умрга яқин дўст, биродар, маслақдошлигига сабаб бўлди. Улар Ернинг дастлабки сунъий йўлдоши самога учирилганда, шунингдек, Юрий Гагарин фазога парвоз қилганда старт майдончасида ёнма-ён туриб, ўз ишларининг натижасини имтиҳон топшираётган талабадек ҳаяжон билан кузатишган эди.

Тақдирни қарангки, 1963 йилнинг август ойида хизмат сафари билан Москва-Тошкент тезюарар поездиде кетардим. Устимга янги йўл-йўл, ҳаворанг пижама ва халат кийиб, вагонлар оралаб ресторанга ўта бошладим. Қарасам, маҳсус вагон йўлагида дераза олдида оддий кийинган генерал Шубников ким биландир суҳбатлашиб ўтиради. Улар билан саломлашдим.

Саломимга алик олган генерал нимагадир мийигида қулиб, мендан сўради:

— Йўл бўлсин, дўхтир?

— Тошкентга!

— Шу аҳволда-я?

— Нима қипти аҳволимга? — ҳайратланиб сўрадим, у ёқ-бу ёғимга қараб.

— Бу кийимни қаердан олдинг?

— Хотиним таътилга кетаяпсиз, енгилгина кийиб юрасиз деб, тикувчига атай буюртма берувди. Янги шоҳи матодан!

— Яхши. Лекин сени бу либосда кўриб, бир воқеа эсимга тушди, — дея ҳикоясини бошлади генерал жилмайиб. — Уруш йиллари Венгрияни душмандан озод этганимизда кўча-кўйларда сенга ўхшаб йўл-йўл, ҳаворанг кийимда юрган гала-гала одамларга кўзимиз тушди. Эътибор берсак, бу кимсалардан негадир кўпчилик ҳадиксираб, ўзини четга оларди. Бунинг сабабини суриштиридик. Билсак, тери-таносил касалликлари шифохонасида даволанаётган юқумли беморлар бошқалардан ажралиб туришлари учун уларга атайин мана шунаقا кийим кийдиришар экан.

Бу гапдан кейин ҳаммамиз қотиб-қотиб кулдик. Мен нима қилишимни билмай, ғалати аҳволда қоллим. Мени хижолатдан генералнинг ўзи кутқарди.

— Бир гап келиб қолди-да, узр, дўхтир. Яхшиликка буюрсин. Сира уялмасдан кийиб юравер!

— Раҳмат!

Мен фурсатдан фойдаланиб, генералнинг менга берган ваъдасини ёдига солдим.

— Сиз ҳам Тошкентта кетаётган экансиз. Бизнинг хонадонимизга марҳамат қилинг, азиз меҳмонимиз бўлинг.

— Яхши. Фақат қўлбола кабоб қилиб берсанг бўлди.

— Жоним билан!

— Кабоб қанақа гўштдан тайёрланади?

— Хоҳласангиз мол гўшти, хоҳласангиз барра гўштидан.

Хоҳласангиз жиз, хоҳласангиз қийма ҳолатида!

— Келишдик!

Орадан бир-икки кун ўтгач, Георгий Максимович ваъдасига биноан оила аъзолари билан бизнинг хонадонимизга ташриф буюрди. Биз уларни ўзимизнинг миллий таомларимиз билан сийладик.

Оғир, тинимсиз ақлий ва жисмоний меҳнат, давлат, ҳалқ олдидаги бурч, масъулият Георгий Максимовичнинг соғлиғига салбий таъсир кўрсата бошлади. 1965 йилнинг ёзида тўсатдан кўриш қобилиятини йўқотди, шошилинч равишда Москвага олиб кетишиди. Айтишларича, бундан хабар топган қадрдони Сергей Павлович ҳол-аҳвол сўрагани унинг олдига борганида Георгий Максимович дўстининг қадам ташлашидан таниган экан. Улар сўёзсиз қучоқ очиб кўришишилти, шундай забардаст дўстини ночор аҳволда кўрган Бош конструкторнинг кўзларидан ёш оқипти.

Ажойиб ташкилотчи ва моҳир мураббий, жасур қўмондон Георгий Максимович Шубников оғир қасалликдан сўнг, 1965 йилнинг 31 июлида ҳаётдан кўз юмди, ўзи туғилиб ўсан Ессентуки шаҳрига дағн этилди.

Инсоннинг фазога дадил қадам қўйишига муҳим ҳисса қўшган ҳамюртим, жанговар ва жасур Қўмондон Георгий Максимович Шубников билан бирга хизмат қилганим, замондош бўлганимдан бениҳоя фаҳрланаман.

## ЖАНГОВАР ДЎСТЛИК

Баъзан ўтган умримга назар солиб, ўз-ўзимга савол бераман: «Қаерларда ва кимлар билан бирга хизмат қилмадим-а? Не-не саргузаштларни бошимдан кечирмадим-а?»

Табиийки, ҳарбий хизматим туғилиб ўсан, киндиқ қоним тўкилган муқаддас она заминдан анча олисда, ҳар сафар нотаниш, асосан янги ташкил этилаётган жойлар, манзилларда ўтди. Ёзда тандирдан ўт пуркагандек иссиқ ҳаво одамни энтикирса, қишила аёзли кунлар аъзойи баданин жунбушга келтиради. Яшаш ва ишлаш шароитимиз қанчалик оғир бўлмасин, юракдаги ўтгайрат, юртга бўлган меҳр-муҳаббат, бурчга садоқат ҳисси барча қийинчилкларни мардонавор енгишга ундарди. Бўлинмамиз унча катта бўлмаса-да, турли миллат вакилларидан иборат, ҳаммамиз бир ота-она фарзандларидек аҳил яшар, хизмат қилардик. Албатта, хизмат юзасидан бир-биrimизни дўстона, беғараз танқид ҳам қилардик. Аммо бу ўртадаги дўстлик муносабатларимизга заррача салбий таъсир қилмас, аксинча, бизни тобора жисплаштиради.

Мусоғирчиликда, меңр-шафқат уммонида излаб топган энг катта бойлигим — ноёб дуру гавҳарларимдан бири, садоқатли жанговар дўстим Владимир Михайлович Носарев бўлди.

Тақдир бизни 1962 йил май ойида кутгилмаганда учраштириди. Бу жуда қизиқ бўлган эди. Мен яқинда уйланган, бироқ рафиқам Тошкентда, институтнинг сўнгги босқичида ўқиётгани боис, бир ўзим зобитлар ётоқхонасида яшардим. Май ойидаги кетма-кет байрамлар, дам олиш кунлари муносабати билан рафиқам бирор ҳафтага менинг олдимга келадиган бўлди. Аммо биз учун алоҳида жой бўлмаганидан бошим қота бошлади. Бахгимизга қадрдон ҳамкасбим, сурхондарёлик Темур Жумаев рафиқаси билан бир ойга дам олиш учун Қора денгиз соҳилларига йўлланма олди. Мен уларнинг икки хонали уйида вақтингча турадиган бўлдим. Улар уйларига қоровул топилгани, мен эса, алоҳида бошпана топганимга хурсанд эдим. Ниҳоят, хона эшигининг битта калити қўлимга тегди. Эр-хотин эртага дам олишга кетишади, мен рафиқамни олиб келиш учун Тошкентга жўнайман. Уч-тўрт кундан сўнг жамодонларни аранг кўтариб, Темур аканинг эшиги кулфини очаман десам, очиқ экан. Ҳайрон бўлиб турган эдик, ичкаридан ўттиз ёшлар чамасидаги, истараси иссиқ, соchlари калта қирқилган рус аёли қулимсираб олдимизга чиқди.

— Келаверинглар, келаверинглар, — деди у танишлардек самимий илтифот қилиб, — ичкарига марҳамат!

Мен эшикни янглишишимадимми, деган хаёлда бир оз орқага тисарилиб, унинг рақамига қарадим. Йўқ, янглишмаган эканман. Нотаниш аёл бизни қўярда-қўймай ичкарига таклиф қилди.

— Ҳозир Володя ҳам келиб қолади, — деди у хижолат бўлиб, — бирорта жой топиш учун кетган эди. Кираверинглар, сизларга бугуноқ хонани бўшатиб берамиз.

Бу орада бурчакдаги каровотда ширингина бўлиб ухлаб ётган уч-тўрт ёшлардагиmall соchlари жингалак қизалоқ уйғониб кетди, у бизни кўриб хархаша қила бошлади.

— Йиғлама, Ира, — тинчлантириди онаси, — ухлайвер, қизим. Ҳозир даданг келиб қолади, кейин бу ердан кетамиз.

— Йўқ, ҳеч қаёққа кетмаймиз! — бадтар йиғлай бошлади қизалоқ.

Шу пайт юкларимизни бир чеккага қўйиб, уст-бошимизни ечмасимизданоқ, ҳарбий кийимдаги ўрта яшар киши хонага кирди.

— Ие, келдингларми? Хуш келибсизлар! — деди у бизга. Кейин Носарев Владимир Михайлович, деб ўзини таништириди. — Бу менинг рафиқам Лидия Владимировна. Буниси, қизим Ирина.

— Жуда яхши, — дедик биз ҳам ўзимизни таништириб.

Кейин билсак, мен Тошкентга кетгач, кутылмаганда Владимир Михайловичнинг оиласи Ўролдан келиб қолибди. У ҳам менга ўшаб бу ерга яқинда келиб, қўшни қисмда хизмат қилар экан. Тасодифан темир йўл бекатида Темир акага рўпара келиб, дардини айтган экан, кўнгли очиқ ва бағри кенг Темир ака уларга:

— Биз дам олиш учун курортга кетяпмиз, икки хонали уйимиз бўш. Бироқ, Раҳмонов деган бир ҳамюртимга ваъда берган эдим. У ҳам эрта-индин оиласини олиб келади. У келгунча марҳамат, хонамида яшаб туринглар. Мана калит депти.

— Мен ўзим хизмат қиладиган қисмдаги тиббий пунктнинг бир хонасида вақтинча яшаб туриш учун командиримдан рухсат олдим, — деди у тез-тез гапириб, худди менинг олдимда бир айб қилиб қўйгандек, ўзини оқлашга уриниб. Кейин хотинига юзланди: — Нарсаларни йиғиштир, Лида, Ирани ҳам уйғот. Ҳозир ўша ерга кетамиз.

Биз эр-хотин бир-биrimizga маъноли қарадик.

— Йўқ, ҳеч қаёққа кетмайсизлар, — дедик бараварига аввалдан келишиб олгандек.

— Шу ерда ҳаммамиз бирга яшаймиз. Марҳамат, сизлар уч киши бўлганингиз учун каттароқ хонани олинглар, бизга буниси ҳам бўлаверади.

Биз Жумаевлар хонадонида бирга яшай бошладик. Янги танишларимиз очиқ кўнтил, самимий, меҳмондўст бўлиштани учун улар билан тезда тил топищдик, қозон-товоғимиз ҳам бир бўлиб кетди. Бир куни биз дўстларимизни ўзбек таомлари билан сийласак, иккинчи куни қўли гул пазанда Лидия Владимировна думбадек юмшоқ ва лаззатли пирог билан меҳмон қиларди.

Бир ҳафтадан сўнг рафиқамни Тошкентта кузатдим, Носаревлар оиласи бошқа жойдан бошпана топиб, кўчиб кетишли. Ўзаро сұхбатларимиз чоғида Лидия Владимировнанинг кўз дўхтири эканлиги, ота-онасининг Ўролда яشاши, Владимир Михайловичнинг отаси 1942 йили фронтла ҳалок бўлганилиги, яқинларининг Узоқ Шарқда яшашлари, ўзининг Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси эканлигидан хабардор бўлдик.

Ўшанда Фалаба байрами муносабати билан Владимир Михайловичнинг этнида фақат байрам шодиёналарида кийиладиган ҳаворанг китель ва шим, кўксидаги шода-шода орден-медалларини қўриб, оғзим очилиб қолди. Мендан бор-йўғи ўн беш ёш катта бўлган Владимир Михайлович ўша пайтларда армияда йигирма йилга яқин хизмат қилиб, жангу жадал кўрган, машақ-қатли ҳаёт мактабини ўтаб, катта тажриба тўплаган эди. Хизмат муддатини бошлаганига эндиғина етти-саккиз ой бўлган мендек

бир офицер учун бундай одам билан ҳамхона бўлиб яшаш катта баҳт эди. Мен унинг даражасига етишиш учун қанча заҳмат чекишим, меҳнат қилишим кераклигини ўйлаб ҳайрон бўлардим.

«Йигирма йил-а? Қачон ўтади шунча вақт? У хизмат муддатини тугатай деб қолибди. Мен-чи, энди бошлаяпман», дердим ўзимга-ўзим.

Биз Носаревлар оиласи билан дўстлапиб олдик. Уларнинг отоналарини кўриб келиш учун бир неча бор Ўролга бордик, улар эса, Тошкентга келиб, бизникида меҳмон бўлиб кетишли. Фарзандларимиз Александр ва Ирина, Бахтиёр ва Диёрахонлар бир оила фарзандлариdek аҳил ва тотув ўсиб, вояга етишли. Ҳозир уларнинг ҳаммаси улгайиб, бола-чақали бўлиб кетишиган, албатта.

Биз 1966 йилнинг октяброда Бойқўнғирдан Тошкентга кўчиб келдик. Владимир Михайлович у ерда 1976 йилгача хизмат қилиб, тиббий хизмат майори унвонида истеъфога чиқди. У ўттиз тўрт йил давомида қаерда ва қандай лавозимда хизмат қилмасин, ишчанлик, ҳалоллик, ташаббускорлик ва талабчанлик унинг доимий ҳамроҳи бўлди, ўз касбига садоқатли, дўстларга меҳроқибатли эканлигини амалда исботлади. Эр-хотин Носаревлар Москва яқинидаги Владимир вилоятининг Петушки шаҳридан абадий макон топишиди. Ўртамиздаги масофа узоқлашиб, ўзаро борди-келди қилишимиз қанчалик моддий ва иқтисодий қийинчиликлар туддирмасин, узоқ йиллар давомида шаклланган жанговар дўстлигимиз, биродарлигимиз риштаси сира ҳам узилмади.

### **ДЎХТИРЖОН, БИР ИЛОЖИНИ ҚИЛИНГ...**

1963 йилнинг ёз ойларида батальонимизга хизматга янги чақирилган ўзбекистонлик йигитларнинг бир гурӯҳи келиб қўшилди. Улар асосан Тошкент шаҳри, Бухоро, Сирдарё, Жиззах вилоятларидан эди. Ёш аскарлар бир ойлик карантин мобайнида ҳарбий-курилиш ишларига оид қисқа ластур бўйича ўқув манифулотларини ўташлари ҳамда тиббий кўрикдан ўтишлари зарур эди.

Улар кундалик ҳаётда сафда юриш-туриш қоидалари, шунингдек, замонавий қурол-яроғ, техника, оммавий ялпи қирғин воситалари ҳақида шунчаки, юзаки маълумотга эга бўлишса, шунинг ўзи етарли ҳисобланарди. Чунки уларнинг асосий вазифаси курилишда оғир жисмоний меҳнат билан шуғулланиш, бошқа кўшинлардаги аскарлар каби кечакундуз автомат таркибий қисмларини синчковлик билан ўрганиш, ечиб, сочиб, қайтадан

мойлаб, ўрнига жойлаб, мўлжални аниқ нишонга олиш ёки қудратли самолёт, танк, замбараклар сири-синоатлари билан яқиндан «тиллашиш» эмас, балки қўлларига ишониб топширилган оғир лўм, чўқмор, кирка, белкурак, болта, болға, андава, омбур, тахта-ёғоч, тонна-тонна кум, цемент, тупроқ, алебастрлардан оқилона, тежамли фойдаланиш эди.

Бундан ташқари, иш жараёнда техника хавфсизлиги қоидларига қатъий риоя қилиш, кимдир баъзи сабабларга кўра шикастланиб, жароҳат олгудек бўлса, бир-бирига ва ўзи-ўзига шошилинч тез тиббий ёрдам кўрсата билиш кўнкималарига маънан, руҳан ва жисмонан тайёр бўлиши шарт, мажбурий эди. Бундай талаб шу пайтгача озми-кўп жисмоний меҳнат билан шугууланиб, қўли қадоқ бўлган меҳнаткаш йигит учун айни муддао бўлса, уйида ошини йиғлаб ичадиган, қўлини совуқ сувга урмаган, оёғи остидаги гиштнинг хом ёки пишиқлиги фарқига бормаган баъзи эркатой, нозиклар назарида жаҳаннамнинг ўзидек қўрқинчли туйиларди.

Вазият шундай ўта жиддий ва мураккаб бўлишига қарамай, аксарият ёш аскарлар янги шарт-шароитга аста-секин мослашиб, жамоада ўз ўринларини топа бошлишди. Лекин уларнинг айримлари, хусусан, бухоролик узун бўйли, озгингида, тилла тишли йигит ялиниб-ёлвориб олдимга йиғламсираб келаверди.

— Бир иложини қилинг, дўхтиржон! Мен бу ерда ўзимни сира топа олмаялман. Ўлиб қолишим мумкин, онамга жуда қийин бўлади.

— Ие, қизиқ экансиз-ку! Қандай қилиб, иложини топаман? Сиз ахир ҳақиқий ҳарбий хизматга, йигитлик бурчингизни адо этишга келгансиз-ку! Энди «Кемага тушганинг жони бир», ўзингизни қўлга олинг. Ҳадемай, кўнишиб кетасиз.

— Йўқ, дўхтиржон! Мен бу ерда хор-зор бўлиб юрганимдан ўлганим яхши. Мени бир амаллаб уйимга, онамнинг олдига қайтариб юборсангиз, илтимос.

— Бунинг сира иложи йўқ!

— Соз ушлаган қўлим, сеҳрли бармоқларим, ишқ-муҳаббат таронасини авж пардада куйловчи овозим хароб бўлади, севган касби-коримдан бир умрга айриламан-ку!

— Бу ерга келмасингиздан аввал қаерда ишлар эдингиз?

— Вилоят мусиқали драма ва комедия театри оркестрида чолғувчи, вокал артисти бўлиб ишлардим.

— Қандай мусиқа асблорларини чалишни биласиз?

— Тор, дуттор, рубоб, гижжак, най, доира... деярли барчаси, ҳатто фортепъяно чалишни ҳам уddyалайман.

— Қани ўша мусиқа асбобларингиздан бирортаси ёнингизда борми?

— Йўқ, ҳаммаси уйда қолди. Улар менсиз ғариб бўлиб, сўппайиб қолишиди, дўхтиржон.

— Эссиғина. Асбобларингиздан бирортасини ўзингиз билан бирга олиб келмабсиз-да.

— Бунинг сира иложи бўлмади, дўхтиржон.

— Афсус! Унақа бўлса, қўлингизга мана бу ликопчани олиб, хиргойи қилинг-чи! Овозингизни эшитиб кўрайлик, — дедим унинг кўнглига қўл солиб.

Бу куттилмаган таклифдан сўнг суҳбатдошим анча сергакланиб, ўзини саҳнага чиқаётгандек ҳис қилди, томоғини биринки марта қириб, ютиниб олди-да, ликопчани аста чертиб, хиргойи қила бошлади:

Кўнглим кошонасин бўлиб меҳмони,  
Боғимда бу оқшом жонон ўйнасин!  
Гулдай чиройига бўлай садаға,  
Очилиб, сочилиб чунон ўйнасин!

Хипча белга боғлаб яшилранг камар,  
Гуллар-чечаклардан тақсин гулчамбар.  
Тенги кам ўйинчи, тенги кам дилбар,  
Тамоннога келиб, осмон ўйнасин!

Товусдай товлансан ул қоши камон,  
Висол чаманида бўлайлик омон.  
Дилларга завқ берди бу хуррам замон,  
Қолмайин заррача армон ўйнасин!

Кўшиқ сўзларини дона-дона, эҳтирос билан куйлаб, дил торларимни қитиқлаган ҳофизнинг ширали, жарангли овозига маҳлиё бўлиб, беихтиёр ўрнимдан туриб, ўйинга тушиб кетганимни билмай қолибман. Ашула тугагач, завқу шавқимни яшира олмай, «жуфт бўлсин», дедим қарсак чалиб. Илтимосимга биноан ҳофиз ўз-ўзидан рухданиб, яна жўшиб-тошиб куйлай бошлади:

Майли, жоним, ишқ йўлида айла фармон, розиман,  
Сен билан умрим бўйи сурмоққа даврон, розиман.

Мен гўзалмасман дема, сенсан менинг-чун энг гўзал,  
Сенга қалбимни мудом этмоққа эҳсон, розиман.

Бир тиконнинг заҳри деб, гулдан кечувчи мен эмас,  
Чин муҳаббат боғига бўлмакка боғбон, розиман.

Ногоҳон ҳижрон ҳужум этса висол бўстонига,  
Кўкрагим қалқон қилиб турмакка посбон, розиман.

Бир ширин ошён қуриб, тотсак бу ёшлик завқини,  
Санъатинг булбул мисол куйлашга жонон, розиман.

Икки кўнгил тенглигин аҳду вафо дер-ку Мўмин,  
Кел дилимнинг тўрига бўлмакка мезбон, розиман.

Қўшиқ ниҳоясига етгач, иккимизнинг кўзимиздан қувонч ёшлари чиқиб кетди. Назаримда менинг ва ижрочининг дилидаги гаплар ўз ифодасини, икки орадаги муаммо ўз ечимини осонгина топгандек эди.

— Қойил, баракалла! — дедим суҳбатдошимнинг қўлини маҳкам сиқиб, унинг ижоди, истеъодидига омад ва баҳт тилар эканман. — Мана, дилингиз ва тилингиз билан ўзингизнинг ички қиёғангизни яққол намоён этдингиз. Раҳмат! Йигит кишининг сўзи билан иши, нияти яқдил бўлиши керак! Шундайми?

— Шундай, дўхтирижон!

— Шундай экан, бояги куракда турмайдиган, бўлмағур фикр, хаёлларингизни каллангиздан чиқариб, амалий ишга ҷоеланинг!

— Бу нима деганингиз?

— Сизнинг раҳбарлигингизда батальонимизда ўзбек миллий ашула ва рақс тўгараги ташкил қиласиз, маъқулми?

— Маъқул!

— Аҳамият берган бўлсангиз, турли бўлинмаларда хизмат қилаётган қозоқ, гуржи, арман, озарбайжон йигитларининг айримларида ўз миллий чолғу асблори бор. Улар ишдан кейин, кечки дам олиш соатларида шийпончада тўпланишиб, маданий ҳордиқ чиқаришади, ўйнашади, кулишади, оғир жисмоний меҳнат мashaққатини унутишади, эртанги кунга қуч-кувват олишади. Бизнинг ўзбек йигитлари-чи? Улар фақат тамошабин холос! Уларни ҳам миллий мусиқамиз, куйимизга ошно қисқасак, кўнгилларини кўтарсак, ниҳоятда хайрли, савобли ишга қўл урган бўлардик. Нима дейсиз?

— Жуда яхши бўлади. Қани энди ниятимиз амалга ошса, дўхтирижон.

— Албатта амалга оширамиз! Бунга менинг иймоним комил! Бу ҳақда мен кўмондонлик билан гаплашиб, қатъий бир қарорга

келамиз. Кейин қарабсизки, қурилиш майдонлари бўйлаб гастролларга чиқамиз, ҳарбий ходимларга концертлар берамиз!

— Мусиқа асбобларимиз масаласи нима бўлади?

— Уларни ҳам ташкил қиласиз. Сиз фақат тушкунликка тушмай, янги ижодий режалар, дастурлар тузинг. Кечқурунлари аскарлар ишдан қайтгач, уларнинг ичидан санъатсевар, ашула айтиши, ўйинга тушишга мойил йигитларни излаб топинг, клубга йиғиб, астойдил шугулланинг. Бу ёғига мен ёрдам бераман. Рози бўлсангиз, сизни вақтингчалик ўрни бўш турган санитар-йўриқчи лавозимига қабул қилиш ҳақида таклиф киритаман. Келишдикми?

— Келишдик, дўхтиржон!

У пайтларда мен бошланғич фирмә ташкилотининг котиби сифатида, қўмондонликнинг ҳурмати ва эътиборига сазовор бўлиб, бирор таклиф, мулоҳазам эътиборсиз қолмасди. Шундай бўлди ҳам.

— Оббо, дўхтир-еъ, янги-янги ташаббусларинг билан бизни сира тинч қўймас экансан-да! — деди кулиб батальон қўмондони лавозимини эгаллаган майор Грибин. Бу вақтга келиб, бизнинг ўртамиздаги гиналар унутилган, жуда апоқ-чапоқ бўлиб кетган здик. — Хўш, буёғи қанақа бўлади?

— Нима бўларди? Биз сиздан от билан тую сўрамаймиз, озгина маблағ ажратсангиз бўлгани.

— Бу маблағни қандай мақсадларга ишлатамиз?

— Бизга ҳозирча иккита рубоб, чилдирма, най, бир жуфт ноғора керак.

— Карнай-сурнай-чи? — ҳазил аралаш сўради гапга қўшилган майор Агриянц.

— Ҳозирча бунга заруратимиз йўқ. Балки, кейинчалик керак бўлиб қолар, — дедим тўлиқ ишонч билан.

— Хўш, сен айтган мусиқа асбобларини қаердан оламиз?

— Тошкентдан!

— Уларни ким олиб келади?

— Албатта, ўзимиз!

— Ие, ҳали шу баҳона яна ўйингга, Тошкентга бориб келар экансан-да?

— Нима десангиз шу. Лекин...

— Нима лекин?

— Мен ўзбек миллий мусиқа асбобларининг фақат номини биламан, холос. Уни танлашни ҳам, чалишни ҳам билмайман.

— Үнда нима қиласиз?

— Мен билан бирга албатта бу соҳанинг устаси, билимдони санитар-йўриқчимиз Ш.М. бориши керак!

- Ана холос! Яна қўшимча харажат.
- Бошқа иложимиз йўқ!
- Оббо, дўхтири-ей, қўймадинг-кўймадинг-да. Майли йигитнинг сўзи ерда қолгунча, ҳўкизнинг шохи синсин. Айтилган сўз — отилган ўқ. Сафарга отланинглар!

Биз, Ш.М. иккимиз уч кунлик Тошкент сафарига бориб, мўлжалдаги мусиқа асбобларини келтириб, амалий ишларни бошлаб юбордик. Кечки пайтлар клубимиздаги алоҳида хонада машғулотларимиз қизиб кетди. Тўгарагимиз аъзолари сони кундан-кунга ортиб, қўшни қисмлардан ҳам ҳаваскор юртдош-аскарларимиз қўшила бошлишди. Машғулотларда мусиқа асбобларини маромига етказиб чаладиган ва ашула айтадиган фақат Ш.М. эди. Бошқалар йўли учун қўлларига бирор соз олиб, уни билганларича тингифлатиб, ашулага жўровозлик қилишарди. Мен қўлимга доира олиб, ўзимча бирор усул берардим. Баҳтимизга бирор шўҳроқ қўшиқ, лапарга дадил қўл кўтариб, мардона рақсга тушадиган, ўзбекча, тожикча, озарбайжонча ҳазил қўшиқларни ижро этадиган йигитлар ҳам топилди.

Алқисса, орадан бир ҳафта-үн кун ўтгач, ярим соатли концерт дастуримиз тайёр бўлди ва уни якшанба куни клубимиз саҳнасида намойиш этдик. Бундан ҳамма хурсанд бўлганидан янада руҳланниб, ўз устимизда қаттикроқ ишлашга киришдик. Тез орада довруғимиз қўшни қисм, бўлинмаларга тарқалди. Менинг ташаббусим билан тўгарагимизнинг йигирма чоғли аъзоларига оқ сурпдан яхтак тикирилди, белларига ҳаворанг матодан белбоғ боғлаб, бошларига Тошкентдан кслтирилган арzon-гаров гармдори нусха дўппилар кийдирилди. Бу ансамблимиз аъзолари ва томошабинларнинг руҳиятини кўтарди.

Юқоридаги Бош қўмондонлик сиёсий ишлар бўйича раҳбариятининг тавсиясига мувофиқ, режа бўйича яқин атрофдаги қурилиш майдонларига бориб, юртдошларимизга концертлар бериш одат тусига кирди.

Бир куни Бош штабимиз ёнидаги қурувчилар клуби саҳнасида навбатдаги концертимиз пайтида ҳар сафардагидек ўртани олиб борар эканман, зални тўлдириб ўтирганларнинг деярли барчаси ўрта осиёлик йигитлар бўлгани учун Жалолиддин деган бир андижонлик йигит билан «Гулмисиз, сунбулмисиз?» пайровли аскияни ижро этишга киришдик.

## **ГУЛМИСИЗ, СУНБУЛМИСИЗ...**

**Искандар:** Боеңдада гуллар очилибди, ҳиди ҳар ён сочилибди. Сиз шуларнинг қайси бирисиз?

**Жалолиддин:** Айтганингизман. Ўзингиз-чи, сиз шу гулларга келган булбулмисиз?

**Искандар:** Айтганингизман. Гулмисиз, сунбулмисиз, райҳонмисиз, жамбилимисиз? Ўша гуллардан яхши кўрган қизингизга берганимисиз?

**Жалолиддин:** Гулмисиз, сунбулмисиз, райҳонмисиз, жамбилимисиз? Гул баҳона каллаи саҳарлаб қўчага чиқиб, ўзингизни бозорга солганимисиз?

**Искандар:** Ҳа, кўпчилик қад-қомати келишган, барваста йигитларимиз ўзларини гул сотишга, мўмай пул топишга уриб кетиши. Бунақада юртимизни ким кўриқлади, ўйлаганимисиз?

**Жалолиддин:** Гулмисиз, сунбулмисиз, райҳонмисиз, жамбилимисиз? Ҳарбийдан чақирув қоғози келганда «Бу уйда эркаклар йўқ», деганимисиз?

**Искандар:** Гулмисиз, сунбулмисиз, райҳонмисиз, жамбилимисиз? Очигини айтинг, юрт иши учун ўғил бола бўлиб уйдан кўчага чиқсанмисиз?

**Жалолиддин:** Гулмисиз, сунбулмисиз, райҳонмисиз, жамбилимисиз? Унақа инкубатордан чиққан жўжани қилигини қилмаг! Ўзингиз тўртта йигит билан чойхонада улфатчилик қилганимисиз?

**Искандар:** Гулмисиз, сунбулмисиз, райҳонмисиз, жамбилимисиз? Ҳарбий хизматга кетгунча бирор марта этик билан сув кечганимисиз?

**Жалолиддин:** Гулмисиз, сунбулмисиз, райҳонмисиз, жамбилимисиз? Кўрмаган экансиз-да, нечта этикнинг жағини йиртганимиз. Биз чойхонага чиққанда, сиз тухум илитиб ютганимисиз?

**Искандар:** Нима қилай, чумчуқ отай десам, рогаткамни олиб қўярдингиз. Сиз ҳеч бўлмаса «ТИР»га бориб, бирорта күшнинг кўзини нишонга олганимисиз?

**Жалолиддин:** Гулмисиз, сунбулмисиз, райҳонмисиз, жамбилимисиз? Хизматга бориб, қўлингизга милтиқми, автоматми ушланганимисиз? Ёки қурувчи бўлиб, белкурак, лом кўтариб юрганимисиз?

**Искандар:** Гулмисиз, сунбулмисиз, райҳонмисиз, жамбилимисиз? Қурилишда том тепасига чиқишини хоҳламай: «Ичим оғрияпти», деб жўрттага сурги дори ичганимисиз?

**Жалолиддин:** Гулмисиз, сунбулмисиз, райҳонмисиз, жамбилимисиз? Навбатчиликка турганингизда, старшина хабар олгани боргандан, лалайиб оғзингиздан гапингизни туширганимисиз?

**Искандар:** Гулмисиз, сунбулмисиз, райҳонмисиз, жамбилмисиз? Командирнинг: «Аскар доим эгарланган отек бўлиши керак!» деган гапини эшитганмисиз?

**Жалолиддин:** Гулмисиз, сунбулмисиз, райҳонмисиз, жамбилмисиз? Ҳа, эртасига зарядка пайтида: «Ўртоқ командир, камаримни тополмадим, картошка тозалашга борсам, майлими?» деганимисиз?

**Искандар:** Гулмисиз, сунбулмисиз, райҳонмисиз, жамбилмисиз? Онам ёғлиқ патирни тишлатиб «Ой бориб, омон кел, тўйингни кўрай», деб кузатганларида, «Бир гап бўлар» деганимни эшитганмисиз?

**Жалолиддин:** Гулмисиз, сунбулмисиз, райҳонмисиз, жамбилмисиз? Ҳозир қизлар совчи келганда: «Армияга борган эканми?» деб суриштиришади. Умуман, бирор тайинли хунарнинг думидан ушлаганмисиз?

**Искандар:** Гулмисиз, сунбулмисиз, райҳонмисиз, жамбилмисиз? Бизни хизматга кузатишаётганида: «Қайтиб келсан, ҳамма ишни ўз қўнимизга оламиз!» деб ваъда берганимизни эшитганмисиз?..

Бизнинг сўз ўйинимиз давомида залда самимий кулги, қаҳқаҳа кўтарилди, қарсаклар чалинди.

Бир маҳал саҳна ортидан қарасам, залнинг олдинги қаторида генерал-майор Шубников рафиқаси билан ўтирганига кўзим тушди. Ҳаяжонланганимдан асосий ижрочига имо-ишора қилдим: «Энди нима қиласиз? Истеъодингизни ишга солинг», дедим. Менинг илтимосим, фикримни яхши англаган йигит ўша заҳотиёқ, ташаббусни қўлига олди, рубобда машҳур композитор Бизенинг «Кармен» операсига кириш увертюрасини маҳорат билан ижро эта бошлади. Залда узоқ давом этган олқишлилар янгради.

Генералнинг рафиқаси ўрнидан туриб, саҳна томон юрди. Унинг қаттиқ ҳаяжонда эканлиги ёниб, яйраб-яшнаб кетган юз-кўзидан яққол сезилиб турарди. У саҳна ўртасига келиб тўхтадида, қучогини кенг очиб, созандани бағрига босди, юзидан ўпди. Кейин саҳна бурчагидаги фортельянога яқинлашиб, қопқоғини кўтарди, ўриндиқقا ўтириб бармоқлари билан пардаларини астасекин босди. Бунга жавобан Ш.М. қўлидаги созини созлаб, бояги ёқимли мусиқа куйини биргаликда ижро этишди. Бўлди қарсак, бўлди қарсак!

Концертишимиз якунида саҳнага кўтарилган генерал Шубников ансамблимиз аъзоларига ташаккур билдириб, омад тилади. Моҳир

хонанда ва созанда оддий аскар-ҳарбий қурувчи Ш.М.га ўз шахсий мулки ва ҳисобидан маҳсус ҳарбий либос тикириши, уни хром этик билан тақдирлашини расман эълон қилди.

Шу-шу Ш.М.нинг обрў-эътибори ошгандан ошди. У ҳафтанинг шанба, якшанба кунлари Марказий офицерлар уйида бўладиган катта концертларда иштирок этиб, генералнинг рафиқаси билан ижодий ҳамкорликда «Кармен» операсидан увертиюра ижро этадиган бўлди. Йигит кишига омад қўёши кулиб боқса, қўша келади, дейишганидек, Ш.М. 1965-1966 йилларда умумармия ҳарбий ансамблар ижрочилари кўрик-танловида қатнашиб, унинг совриндорига айланди.

Айтишганидек, бу ҳаётда иложи бўлмаган нарсанинг ўзи йўқ. Фақат унга астойдил интилиш керак. «Интилганга толе ёр», деб бежиз айтишмагани шу бўлса керак-да!

## АСКАР РУҲИ

Хизматим мобайнида шунга амин бўлдимки, ҳар қандай одам, хусусан ҳарбий ходим катта лавозимдаги офицерми, оддий аскарми қатни назар, озгина самимий эътибор, ғамхўрлик, бир оғиз ширин сўзга доим зор, интизор бўлар экан. Фақат бу яхшиликни ўз вақтида, ҳеч қандай таъмагирликсиз, сунъий обрў орттириш, умумий ошкоралик, дабдабабозликка йўл қўймасдан, одаминг иззат-нафсига тегмасдан, пинҳона амалга ошириш зарур, холос.

Шу маънода қадим-қадим замонларда ҳам ҳарбий ходимлар кайфияти, руҳиятини унга заррача одамийлик кўрсатиш, эътибор бериш, ширин калом, тўйимли, ҳалол таом, моддий-маънавий рањбатлантиришгани бежиз эмас. Шундан кейингина аскарлар тоғни талқон, кўкракларини қалқон қилишга ҳозиру нозир бўлишган. Акс ҳолда бунинг тамомила тескариси, аянчли натижалар гувоҳи бўлишган.

Нафсиамрими айтганда, туғилиб ўстган жонажон макон, отонаси, яқинлари, севган ёру дўстларидан олисда, мусофиричиликда, нотаниш одамлар орасида, мушук сичқон пойлаганидек, икки кўзи тўрт, бир парча хат-хабарга, ширин сўзга зор яшаш киши кайфиятини туширади, ўз бурчи, вазифаси, қолаверса, ҳаётга бўлган муносабатини бутунлай ўзгартиради. Бунда унинг атрофидаги сафдошлари, тарбиячи, сардорларининг ўткир кўзи, огоҳлиги, хушёrlиги катта аҳамият касб этади. Бефарқлик, лоқайдлик оқибати кўнгилсиз ҳолатларга олиб келиши турган гап. Ўзимдай одам ҳам бир-икки ҳафта мобайнида яқин одамларимдан хат-хабар олмаганим туфайли, хавотир олиб, не хаёл-

ларга бормадим, дейсиз. Тошкент билан ўн дақиқа телефонда сұзлашиш учун халқаро алоқа бўлимида уч кун олдин буюртма бериб, кутилган дақиқаларни соатлаб пойлаб тоқатим-тоқ бўлганини айтмайсизми?

Афсуски, ҳамма ўз иши, ташвиши билан, шунчаки расмиятчилик юзасидан овора бўлиб, узоқ вақт дардими ичига ютиб, ўзи билан ўзи гаплашиб, юраги сиқилиб, уйқуси қочиб юрган баъзи одамлар кутилмагандага ножёя хатти-ҳаракатлар қилиб, ўзларига ҳам, бошқаларга ҳам ташвиш орттиришлари мумкин. Шундан кейин югур-югур, чоп-чоп бошланади. «Нега унақа? Нега бунақа?» деган савол-жавоблар, айборларни қидириш, уларни жазолаш чоралари кўрилади. Оқибатда ғишт қолипдан кўтгани, бўлар иш бўлганига гувоҳи бўламиз.

Бир куни пешиндан кейин мени тўсатдан шаҳар четида қурилаётган улкан қурилиш иншооти ТЭЦ — иссиқ электр энергияси бериш марказига чақиришди. Баландлиги юз метр, радиуси 200-300 метрдан зиёд бу баҳайбат доира шаклидаги иншоот устига пайванлланган узун темир нарвон орқали том тепасига чиқиб олган Т. исмли татар аскар-қурувчи «Бунақа бемаъни ҳаётдан тўйдим! Ўзимни пастга ташлайман!» деб бақирап-чақирап, олдига ҳеч кимни йўлатмасди. Унинг бу қилмиши, хатти-ҳаракатини пастдан юзлаб одамлар тамошабин сифатида кузатишарди.

Мен жонимни ҳовучлаб, аста-секин зинадан тепага кўтарилидим. Осмони фалакдаги том устига чиққанимда бошим, кўз олдим чир-чир айлана бошлади. Соф татар тилида сўйлаб, уни алдаб-сулдаб гапга солдим, бисотимдаги татарча шеър, латифа, қўшиқларимни айтиб, кўнглини бироз кўтариб, овутдим, ҳовуридан туширдим.

«Эдил дарё бўйларинда ёлғиз юрасим кела,  
Суясинми, сўймисанми, шуни биласим кела», —

деган машхур қўшиқни жирлаганимда йигитнинг кўзидан ёш чиқиб кетди. Кейин унга Ҳоди Тоқтошнинг икки қатор шеърини ўқидим.

«Муҳаббат ул иски нарса, лакин ҳар бир юрак они ёнфорта» («Муҳаббат эски нарса, уни ҳар бир юрак янгилар») деганининг маъно-мазмунини айтиб беришини илтимос қилдим. У ўзининг она тилида самимий мулоқотда бўлганим учун ишончимга кириб, дардими тўкиб солди:

— Нишлиб мени старшина-хоҳол постоянно обижать, унижать ита? Ни за что минга нарид бериб, картофиль чистить

итарға или туалат убирать итарға посылать, ита, сволоч! Материть ита! Мен уни яратмим, задушить итам, загубить итам, паразит! Яратган қизим Афифадан келган конвертни менга бермай, порвать идти, менинг человечески достоинствомни оскорбить идти! Шулай булғач, надоело мне жить на этом свете! За то, на том свете мне будет спокойно! — деган гапларни менга йиғлаб айтди.

— Биз старшинани обязательно строго наказать итамиз, у ҳали сендан извинение сўрайди. Мана, пастда сени қанча ўртоқларинг кутиб туришибди. Мен сени уйингга, атийинг, анийинг олдига юборам. Уларни, севган қизингни кўриб қайтасан.

— Ростданми? — деди у гапимга ишонқирарамай.

— Рост! Честное, мужское слово! — дедим унга қўлимни узатиб.

У олдинда, мен унинг ортидан аста-секин баландликдан тушдик. Ҳамма бизни фазодан тушган фазогирлар сингари қарсаклар билан кутиб олди. Мен уни бизни кутиб турган санитар машинасига ўтқизиб, тиббий нуқтамизга олиб келиб, алоҳида ўринидикқа ётқиздим. Иссик чой, овқат, тегишли дори-дармон бериб тинчтдим, ухлатдим. Бу орада зарур расмий ҳужжатларни тўғрилаб, икки киши назоратида Тошкентдаги 340-ҳарбий госпитал руҳий хасталиклар бўлимига юбордим. Кейин Т.нинг руҳий касаллик туфайли ҳарбий хизматдан бўшатилгани ҳақида ҳарбий-тиббий ҳайъатининг қарори келди, уни яна икки киши назоратида уйига жўнатдик.

Афсуски, ҳарбий бўлинмадаги носоғлом ички вазият, ўзаро келишмовчиликлар сабабли бундай кўнгилсиз воқеалар ондасонда учраб турарди. Бундай ҳолатларни ўз вақтида аниқлаш ва уларни оқилона, холисона бартараф этиш биз шифокорларнинг энг асосий вазифамиз эди.

Яна бир куни 4-рота сардори, уруш қатнашчиси капитан Гузь олдимга ҳаяжонланиб кириб келди:

— Бу қанақаси бўлди, дўхтир? Менинг кўл остимда Қирғизистоннинг Ўш вилоятидан, бир оиласдан бир эмас, уч туғишган ака-ука Авхунбоевлар хизмат қилишади. Уларнинг каттаси 27 ёшда, уйланган, битта боласи бор. Ўртанчаси 25 ёшда, кенжаси 23 ёшда. Уйида ёлғиз онаси бор экан. Бу бечоралар ниҳоятда меҳнаткаш, беозор, итоаткор йигитлар. Каттасининг негадир кайфияти жуда паст, камгап. Мана бугун уни ҳожатхона атрофида ахлат титкилаб юрганини ўз кўзим билан кўриб, олдингизга келдим. Наҳотки, шу йигитни уйига, онаизори, бола-чақаси олдига қайтариб юборишнинг иложи бўлмаса?

— Бор, албатта! Мана шу кўзингиз билан кўрган воқеа ва айтган гапингизни оқизмай-томизмай менга расмийлаштириб берсангиз бўлди. Бүёғини ўзим ҳал қиласман. Қани ўша йигит? — деба шартта ўрнимдан турдим.

Бир маҳал ҳузуримга соч-соқоли ўсган, озиб-тўзиб кетган, афтодаҳол йигитни укалари ҳамроҳлигида олиб келишди. У билан сұхбатлашсам, ҳақиқатан ҳам кайфияти паст, руҳиятида сезиларли ўзгаришлар бор. Бу йигитнинг ҳам ҳужжатларини расмийлаштириб, маҳсус шифохонага жойлаштиридик. Кўп ўтмай, ҳарбий-тиббий ҳайъат қарорига асосан, хизматдан озод этиб, икки укаси назоратида уйига, онаси, оиласи бағрига жўнатдик.

Бу ҳодиса, воқеадан кейин ортиқча гап-сўзга ўрин йўқ десак, муболаға бўлмайди. Хулоса шуки, нафақат ҳарбий ҳодимлар, балки оддий одамларнинг ҳам ҳаётда руҳи тетик, мустаҳкам бўлса, улардан тегишли наф, манфаат кутиш мумкин. Шунинг учун бир-биримиздан меҳр-шафқатимиз, саховатимиз, муруватимизни аямайлик, азизлар. Бир фарид, кўнгли ўксик кимсага вақтида меҳр-оқибат кўрсатиб, ширин сўз билан дилини шод этмоқ, унга бир ҳовуч олтин бергандан минг карра афзалдир. Ширин сўз жон озиғи, одамга эътибор, оламга эътибордир. Одам руҳи кўтаринки, кайфияти чоғ, хотиржам бўлса, олам мунаввар, эл-юрт тинч, осойишта, осуда яшайди, туллаб-яшнайди.

## ТИЛИДАН ИЛИНДИ

Маҳсус топшириқ бўйича руҳий хасталикка ҷалингандан бир беморни икки назоратчи ҳамроҳлигида Тошкент ҳарбий госпиталига келтирдик. Қабулхонада уни аранг ювинтириб, кийинтиридик. Энди уни руҳий касалликлар бўлимига кузатиб қўйишимиз керак. Бемор тушмагур бу ерда ҳам йўл бўйи қилган ҳархашасини қиласверди. «Овқатингизни емайман. Поезддан ўзимни пастга ташлаб, онамнинг олдига бораман», деб-ку, жонимизни ҳиқилдоғимизга келтирди. Энди юрақолса-чи, гапимизга кира қолса-чи! Бундай оғир асабий-руҳий bemорларга вазиятга қараб, яхши гапириб, оз-моз жисмоний куч ҳам ишлатилиди, албатта. Фақат бу билан унинг шахсиятига тегмаслик, жисмоний зарар етказмаслик даркор, холос. Акс ҳолда у нафақат ўзи, балки ён-атрофидаги одамлар ҳаётига ҳам кутилмаган хавф-хатар түғдириши эҳтимолдан ҳоли эмас. Буни аввалдан яхши билган тиббиёт ҳодимлари касбий хавфсизлик чора-тадбирларини кўриб, унга қатъий амал қилишади.

Руҳий касалликлар бўлими остонасига келганимизда темир дарвоза ёнидаги қўнғироқ тутмасини босдик. Кўп ўтмай, шарақ-

шурук қилиб эшик очилди. Оқ халатли аёл бизни ичкарига бошлади. Шу пайт беморнинг кайфияти яна бузилиб, ҳамшира ва бизга ҳўмрайиб, бақувват қўлларини муштга айлантириди. «Эҳтиёт бўлмасак, ҳозир кимгadir мушт тушириб қолиши мумкин! Узи ҳам тушган жойини ўпиради-да! Девдай кучи бор!» деб, ҳадиксираб турдик. Мен беморни юпатишга ҳаракат қилдим:

— Онангни олдига борасанми, юрақол, барака толкур! Онанг бечора сени кугиб қолдилар, — дедим кенг елкасига аста қўлимни қўйиб.

Навбатчи ҳамшира темир йўлдаги йўриқчилар ишлатадиган «Г» ҳарфига ўхшаш узун калити билан йўлакдаги эшикни очиб, бизни ичкарига киритди-да, яна шарақлатиб маҳкамлади. Энди бу ердан одам тугул қуш ҳам учеб чиқиб кетолмасди. Мен ўзимни бир умр шу темир панжара ичиди қолиб кетадигандай оғир ҳис қилиб, ён-атрофга синчковлик билан назар ташладим. Оқ филоф кийдирилган диван, думалоқ стол, бир неча стул, тувакка ўтказилган гул билан безагилган йўлакдан ўтиб, бир эшикка дуч келдик. Бу сафар ҳам бояги сирли калит ишга тушди, шарақшурук. Юрагим бадтар увиша бошлади. Ёп-ёруғ, узун ва кенг йўлакнинг бошидан охиригача энлик тўқ қизил поёндоz тўшалган. Эгниларига жигарранг паҳмоқдан пижама ва халат кийиб олган беморларнинг баъзилари бир ерда ғамгин хаёл суриб тикка туришар, бўлар-бўлмасга иржайиб-тиржайишар, кулгидан ўзларини тутолмай, оғриб кетган жағларини ушлаб, чакагим тушиб кетмасин деганинг эҳтиётини қилишарди. Бошқаси қўлига қалам, қоғоз олиб, буюқ кашфиёт очаётган олим, шоир, даҳоларга тақуид қилиб, ўйчан кўзларини бир нуқтага тикиб у ёқдан-бу ёқка юради. Бири эшик очилиши биланоқ, ўша томонга югурса, иккинчиси ўзини четга олади.

— Қодиржон!

Нотаниш ва нозик жойда исмимни эшишиб, сесканиб кетдим. Кулғимга чалинган товуш: «Жарга қулақ кетаяпман. Мени қутқариб қол!» деган чақириқдай таҳликали, майин ва илтижоли оҳангда эди. «Жиннилардан танишим йўқ эди-ку!» дедим ўзимга-ўзим. Кейин ён-веримга қарадим.

— Қодиржон, бу мен!

Мендан беш-ўн қадам нарида бошини сочиқ билан ўраган, бурун ости ва даҳанидаги сийрак соқоли кўпдан бери қирилмагани учун ёши ҳийла катта кўринган, эскидан бизга таниш ҳамкасбим Махсум ҳўмрайиб келарди. Ҳабарингиз бор, биз у билан институтда олти йил бирга ўқиган, ўзининг хурмача қилиқлари билан отнинг қашқасидай маълум кимса эди. У билан

икки йилдан бери кўришмаган эдик. Энди бу ерга тушиб қолибди, ҳайрон бўлдим. Одамгарчилик юзасидан ҳол-аҳвол сўрадим.

— Саломатмисан, Махсум? Нима қилиб юрибсан бу ерда?

У кечирилмас гуноҳ қилиб қўйган боладек, сўзсиз бош эгиб, қаршимда турар, кўзларини мэндан яширас, оғзи қуриб, томоги қақраганиданми, дам-бадам лабини ялаб, тупик ютарди.

— Дўхтирдан рухсат сўра, оғайни, ташқарига чиқиб бироз гаплашайлик, — деди ниҳоят тили аста-секин қалимага келиб.

Мен бу ерга олиб келган беморим билан хайрлашиб, бўлим бошлиғидан рухсат сўрадим, йўқ демади. Яна шарақ-шуруқ қилиб, эшик очилди. Ичкаридаги фала-ғовурдан тинчроқ, ташқарига, очиқ ҳавога чиққанимиз учун иккаламиз чуқур нафас олдик.

— Оббо, Махсум-ей, нима гап? Нима бўлди ўзи? Бу ердалингни билмабман, қуруқдан қуруқ келган эдим.

— Ҳечқиси йўқ, — деди у диван томон юриб. Унинг ранги-рўйини кўриб, ачиниб кетдим. Кўпдан бери қуёш нури кўрмаган, тоза ҳаводан баҳра олмаган юzlари синиқкан, заҳил эди. У кўм-кўк томирлари бўртиб чиққан озғин қўлини бир-бирига ишқалаб, секин дивангага ўтириди. Кўз қарашлари, юзидаги ифодаларда бўладиган севинчли ҳолат негадир жуда суст, назаримда зўрмазўраки ясама туюларди менга.

Шунинг учун бўлса керак, Махсумнинг ҳозирги ҳолатдаги афти-ангорига тикилиб, ич-ичимдан эзилсан ҳам, юрагим бир кўнгилсиз нарсани сезгандек фаш. «Бекорга эзилма, ўзингга ҳам кераксан. Мени авайлаб, ақл ва идрок билан иш тут», деган садо келарди ичкаридан.

— Хўш, гапир, қайси шамол учирди сени бу ерга? Қаерда хизмат қилаяпсан! Қачондан бери бу ердасан?

Махсум қуриб-қаҳраган лабини ялаб, қўлини тиззасига кўйиб, секин гап бошлади:

— Тошкентга яқин жойда, Чирчиқда хизмат қилардим.

— Уйингга яқин, яхши жойда экансан.

— Биласан-ку, институтни битиришимиз арафасида трамвайдан йиқилиб, миям бироз чайқалиб, шикастланган эдим.

— Хабарим бор. Бу атайн уюштирилган, буюртма ҳодиса эди, шекилли?

— Нега ундан дейсан? Буни тасдиқловчи расмий ҳужжатларим бор. Ҳуллас, ўшандан бери, ўхтин-ўхтин, бошим оғриб, айланадиган, кўнглим бехузур, оёқ-қўлларим учи увишадиган бўлиб қолди, хотирам сусайди, уйқум бузилди. Мени армияга олишгач,

аҳволим ёмоналашди. Бир-икки марта асаб касалликлари бўлимида даволандим, тайинли бир хасталик топишмади, яна келган жойимга қайтариб юбориши. Командирим: «Соппа-соғ экансанку! Энди хизматни тузукроқ қилмасанг, ишингни офицерлар судига топшираман», деди. Командиримнинг гапидан жаҳлим чиқиб, хизматдан қайтаётиб йўлдаги буфетдан оч қоринга яримтани урдим. Уйимга қандоқ етиб келганимни билмайман. Кайф устида ота-онамни ҳафа қилибман, хотинимга қўл кўтарибман, ўзимни томдан ташлайман, деб нарвондан чердакка чиқаётганимда аранг ушлаб қолишибди. Кўшнимизнинг уйидаги телефонидан хабар қилишган экан, тез тиббий ёрдам машинасида мени шу ерга олиб келишибди.

У бир дам жим қолди-да, чуқур нафас олиб, узундан-узоқ зерикарли тўқима латифасини келган жойидан давом эттириди. Мен тоқатсизлик билан уни эшита бошладим.

Эртасига кўзимни очсан, бирор устимга чиқиб тепгандек, ҳаммаёғим зирқирраб оғрийди, бошимни кўтара олмайман, ғалати-ғалати одамлар ичиде ётибман. Бир ҳафтадан кейин аранг ўзимга келдим. Мана, икки ойдан бери олдимга ҳеч кимни киритишмайди, ҳамма эшиклар кулф, деразаларга темир панжаралар кўйилган. Докторлар менинг соғлиғимни роса текшириши. Ўзлари аниқ бир қарорга келиша олмагани учун бўлса керак, бир таниқли профессорни маслаҳатга чақиришибди. Биласан-ку, ўзимизга психиатриядан маъруза ўқиган кекса ўшдаги профессор. У мен билан анча гаплашиб, кўзларимга тикилди-да:

— Мени танийсизми? — деди майин жилмайиб. Мен нима дейишимни билмай, ҳайрон бўлиб қолдим. Илинжим, қандай қилиб бўлса-да, ҳарбий хизматдан бўшаш. Шуни назарда тутиб:

— Йўқ! Мен сизни танимайман! Умуман кўрмаганман! — дедим дангал.

— Бўлмаган гап! — деди профессор жиги-бийрони чиқиб, ўрнидан туриб хонада тез-тез у ёқдан-бу ёқقا юраркан. — Биласизми, яхши йигит, бекорга менинг бошимни қотириб, қимматли вақтимни олманг, ўзингизни гўрликка солманг. Устозини танимаган шогирд нонкўр бўлади. Мен сизни аввалдан яхши биламан. Ёдингиздами, психиатриядан имтиҳон топшираётган пайтингизда кўзимни шамғалат қилиб, иккита билет олганингиз? Бирини бошқаларга ошириш учун чўнтакка уриб, сирингиз фош бўлгани? Кейин имтиҳонни қайта топшириш учун орқамдан неча вақт ялиниб, ёлвориб юрганингиз? Наҳотки, ўша дамларни унуган бўлсангиз? Мен аслида ҳамкасб сифатида сизга қандайдир ёрдам бериш ниятида эдим. Энди бу ниятимдан тамомила қайт-

дим. Ўзингиз аҳмоқ бўлсангиз, бошқаларни ҳам шунақа деб ўйламан! Сиз отек, соппа-соғ фуқаросиз. Фақат фирт ёлғончи, учига чиқдан муғомбирсиз! Суф сизга! — деса бўладими? Профессорнинг қабулидан лой бўлиб чиқдим. «Э, хомкалла!» дейман ўзимга-ўзим пешонамга уриб. Аҳмоқ бўлмасам, устозимни ҳам танимайман, дейманми? Устозимни-я? Ҳа, таниман, десамку, олам гулистон экан. Менинг касалимда уни танишим керак экан. Шундай қилиб, ҳамма хатти-ҳаракатларим чиппакка чиқди. Энди ҳолим нима бўлади, деб қўрқяпман.

— Ўз тилимдан илиндим, дегин? — дедим ғижиниб.

Юрагим далда бергандай, безовта типирчиларди: «Мен сенга нима деган эдим?» Шу вақт ҳазрат Навоийнинг элга машхур ва маъкул қуйидаги ўлмас байтлари ёдимга тушди:

Нокасу ножинс авлодин киши бўлсун дебон,  
Чекма меҳнат, яхши бўлмас ҳеч касофат олами.

Ким кучук бирлан хўтукка қанча қилса тарбият,  
Ит бўлур, эшшак бўлур, бўлмас асло одами.

Кўзим чиқсан сени кўргунча бундок,  
Кесилсин тил, сени сўргунча бундок!

Кейин вазиятга мослаб, ўзимдан ҳам икки сатр қўшимча қилдим:

Ўз тилингдан илингдинг, олчоқ,  
Фирт муғомбир, симулянт, қўрқоқ!

Биз ўрнимиздан турдик. Мен эшик қўнгироғини босдим. Эшикни бўлим бошлиғининг ўзи очди. Махсум бошини эгиб, ичкари кирди.

— Дўхтир! — дедим унга қатъий қараб. — Бунинг касаллигига ишонманглар!

— Биз буни давно яхши биламиз! — деди у кулиб.

## САЁҚ ЮРГАН – ТАЁҚ ЕР

1963 йилнинг кузидан бизнинг гарнizonга, аниқроғи, сафимизга яна икки ҳамкасб юртдошимиз келиб қўшилди. Улар ҳам менга ўҳшаб, Тошкент Давлат тиббиёт институтини тугатиб, армия хизматига чақирилган. Фақат биздан анча олисладаги бўлин-

мада хизмат қилишарди. Мабодо, нағбатчиликда бўлишмаса, деярли ҳар икки-уч ҳафтада, шанба, якшанба кунлари уйимизга келиб, азиз меҳмонимиз бўлишарди. У пайтда менинг бир ўғил, бир қизим бўлиб, ҳаммамизга овунчоқ эдилар.

Ҳамкасларимиздан бири Аҳмаджон, иккинчиси Раҳматжон эди. Уларнинг бир-биридан тубдан фарқланадиган жиҳати шу эдикни, Аҳмаджон паст бўйли, тиқмачоққина, Раҳматжон узун бўйли, озғингина. Аҳмаджон анча сергап, болажон, самимий, Раҳматжон унинг акси. Аҳмаджон умуман чекмайдиган, ичмайдиган, тиришқоқ, ҳаракатчан, тежамкор бўлса, Раҳматжоннинг оғзидан папирос тушмас, уни бир-бирига улаб чекар, ичимликни ҳам тўйгунича бўкиб ичар, кейин оғзидан боди кириб — шоди чиқадиган, урушқоқлар тоифасидан эди.

Шунинг учун юртдошларимиздан бирини орзиқиб кутсам, иккинчисини иложи борича кўрмасликка ҳаракат қиласдим. Лекин, барибир этни тирноқдан айириб бўлмаганидек, оиласи, улардан бир-икки кўйлакни ортиқроқ йиртганим боис мусофири юртдаги бу икки бўйдоқ йигитларнинг кўнглини оғритмаслик, имкониятим даражасида асраб-авайлаш, тезроқ уй-жойли қилиш, олаётган маошларини тежаб-тергаб ишлатишлари ҳақида тегишли маслаҳатлар, йўл-йўриқлар берардим. Бу бирига ёқса, иккинчисига ёқмасди.

Аҳмаджон менинг маслаҳатимни жон-дили билан қабул қилиб, топган-тутганини жамғарар, баъзан рафиқам билан универмагга бориб, яхши ниятлар билан ота-онаси, опа-укалари, бўлажак қайлиғига атаб турли совға-саломлар олар, жомадонига жойларди. Раҳматжон топганига еб-ичар, чекар, баъзида пули тугаб, ойлик олганимда қайтараман, деб уялмай-нетмай биздан қарз ҳам сўрарди. «Оларда олар жоним, берарда чиқар жоним». Хуллас, биз улардан бирини кўриб шукур қилсак, иккинчисининг юриш-туриши, феъли-атворидан фикр қиласдик. «Яхши отга бир қамчи, ёмон отга минг қамчи», деганларидек, икковига ҳам мустаҳкам сиҳат-саломатлик, баҳт-саодат, инсоф-төвғиқ тилардик, холос. Ниятимиз холис, беминнат эди.

Аҳмаджон 1965 йилнинг бошларида кўз касалликлари бўйича Тошкентда, врачлар малакасини ошириш институтида ўқиб келиб, бўш вақтларида гарнizon госпиталининг офтальмология бўлими бошлиғи билан яқин ҳамкорликда қасбий, амалий тажрибасини ошира бошлади. Раҳматжон эса, ўша йилнинг ёзида Тошкентга кетиб, уйланди. Лекин қайлиғини олиб келмади, ёлғиз ўзи офицерлар ётоқхонасида яшаб, боши борганча, оёғи етганча маст-аласт юришини давом этдирди.

Ҳали-ҳали кечагидек ёдимда, 1966 йили «Жамоат жойларида тартиббузарлик қиласынан фуқароларга қарши кураш чора-тадбирларини янада күчайтириш түғрисида» Ҳукумат қароры зылон қилинди. «Қылыш-қидирмиш» дейишганидек, Раҳматжон ўзининг бетайин феъли-авторига кўра, мазкур қарорнинг биринчи илмогига лаққа балиқдек илинди. 12 август куни Сирдарё бўйида чўмилиб, дам олаётган одамлар орасида қаттиқ кайф устида ким биландир уришиб, оғзи-бурни қонаб, ашаддий тартиббузар сифатида ҳарбий комендантурага келтирилди, иши терговга оширилди. Мен бу ҳақда уч-тўрт кун ўтгач, шаҳар марказидаги Марказий офицерлар уйи олдидаги «Тасвирий ойна» таҳтасига осиб қўйилган зылон-биддиришга тасодифан кўзим тушиб, хабардор бўлдим. Ҳамкасб, ҳамшаҳаримнинг ножӯя хатти-ҳаракатидан ер ёрилмади, ерга кирмадим. Минг хижолат, истиҳола билан комендантурага бориб, гауптваҳтада ётган юртдошимнинг ҳолидан хабар олдим. Унинг жинойи иши терговга оширилгани боис Тошкентта, таътилга кетган, Аҳмаджонга шошилинчнома йўллаб, бу маъшум хабардан Раҳматжоннинг оила аъзоларини воқиф этиш, огоҳлантиришни илтимос қилдим.

Эртасигаёқ, шошилинчномамга жавоб келди. Унда фалон куни Тошкент-Москва тезюарар поездиде Раҳматжоннинг отаси ва рафиқасини кутиб олишим ҳақида ёзилган эди. Белгиланган муддат ва жойда тошкентлик меҳмонлар қош-қовоқларини уюб, поезд вагонидан пастга тушибди. Мени кўриши биланоқ, Раҳматжоннинг рафиқаси бошини эгиб, пиқ-лиқ йиглади. Лекин бир кўзи шишиали, шоп мўйловли, баджаҳл отаси мен билан қўл учида кўришли-да, оғзидан кўпиги сараб, дағдаға қила бошлади:

— Нега бизнинг ўғилга яхши қарамадингиз? Нега унинг шундай аҳволга тушиб қолиши олдини олмадингиз? Биз сизга ишонган эдик-ку! Одам дегани ҳам шунчалик масъулиятсиз бўладими?

Бунга жавобан мен ўз вақтида тегишли сўзимни айтмасам бўлмасди.

— Ахир, ўғлингиз ёш бола эмас, кап-катта, ўзига мустақил одам-ку! Унга тарбия берган мен эмас, Сиз-ку! Нега ҳамма айбни менга тўнкайсиз? Бу ерда менинг ҳеч қанақа айбим йўқ! Оғзингизга қараб, ўйлаб гапирсангиз яхши бўларди, — дедим астойдил қизишиб.

— Тўғри-тўғри. Лекин яхши иш бўлмабди, — деди ота бироз ҳовуридан тушиб. Кейин қўшиб қўйди. — У ҳозир қаерда?

— Ҳарбий комендантурада, ҳибсхонада.

— Бошланг, бизни ўшаёқقا! Қани, улар билан бир гаплашиб қўйя! Айб биздами, улардами?

Биз не-не қийинчиликлар билан йўлдаги қайта-қайта текширув, чигириқлардан ўтиб, манзилимизга етиб келдик. Йўл-йўлакай менинг хаёлимни ташвишли бир ҳолат тарк этмасди. «Ота ўзининг бу важоҳати билан унга шунча фам-ташвиш келтирган нобакор ўғлининг юз-кўзи аралаш муштми, тарсакими тушириб, роса адабини берса керак», деган фикрда эдим. Айни пайтда унинг кекса ёшида бундай нохуш кўргиликни юраги кўтара олмай, бир ташвиши икки бўлишидан хавотирда ҳам эдим.

Ниҳоят, биз ҳарбий комендантура бошлиғи рухсати билан темир эшик ва панжара орқали ичкарига кирдик. Бир маҳал соч-соқоли ўсиб, қош-қовоғи шишиб, моматалоқ бўлган Раҳматжон қаршимизда пайдо бўлди. У бизни кўрдиию, бошини қуий эгди: «Бу ерда нима қилиб юрибсизлар?» дегандек, миқ этмай, ўзини овсарликками, кар-соқовликками солди. На кўзидан бир томчи ёш, на дили, на тилидан бир оғиз салом, калом чиқди. Аввал отаси, кейин хотини у билан қучоқлашиб кўришишди, кўзларига ёш олишиди. Мен унга қўлимни узатдим. Ҳол-аҳвол сўрашдик.

Фишт аллақачон қолипдан кўчган, шикоятга ўрин йўқ. Орага жимлик чўқди. Сукунатни бузган ота туриб-туриб нима дедилар, дент?

— Бўлар иш бўлибди, ўғлим. Йигит кишининг бошида бунақа ташвишлар, машмашалар бўлиб туради. Бошинг омон бўлса, бу кўргилигинг тезда унут бўлади. Аҳамият берсанг, халқ доҳийлари ҳам то юқори даражага етгунларича, неча марта қамалишган, сургунларда бўлишган. Лекин, ўзларини йўқотишмаган! Сен ҳам бардам бўл, ўғлим!

Отанинг бу бемаъни, тутуруқсиз гапини ўз қулоғим билан эшишиб, мени қалтироқ босди, ўзимни тута олмадим.

— Балиқ асли бошидан сасиган экан! Ўғлингиз нима учун эл-юрт тузини ичиб, тузлуфига тупирайяпти? Күш уясида кўрганини қилар экан-да! Мана оқибати!

Алқисса, узлуксиз ичкликтозлик, кашандалик қули, курбонига айланган Раҳматжон қилмишига яраша жазосини олиб, уч йилга озодликдан маҳрум этилди. Ўшанда унинг елкасидаги погонларини шартта юлиб, қўлига кишан солиб, очиқ суд залидан шармандаларча олиб чиқиб кетилганини эсласам, ҳалигача вужудим ларзага келади. «Саёқ юрган — таёқ ер». Ёдимга Захириддин Муҳаммад Бобурнинг қон-қоним, жон-жонимга сингиб кетган икки сатри қуйилиб келди:

Ҳар кимки, вафо қилса, вафо топгусидир,  
Ҳар кимки, жафо қилса, жафо топгусидир.

### «ҚОРАКҮЛ ПҮСТИН»

Күшни Қозогистоннинг Қизил Ўрда шаҳри яқинида ҳарбий хизматдаман. 1964 йилнинг август ойида навбатдаги таътилга чиқдим. Оилас билан Тошкентга отландик. Бизни хизмат машинасида темир йўл бекатигача келтириб қўйган командирим Николай Фёдорович Грибин илтимос қилди:

— Дұхтири, агар сенга малол келмаса, Тошкентга боргач, дўқонларни бир айлансангт. Хотинимга мос қоракўл пўстин учраса, хабар берсангт, дарров етиб бораман. Шу баҳонада юртингни ҳам кўриб келардим.

Тошкентга келганимнинг эртаси куни Николай Фёдоровичнинг илтимосини бажаришга киришдим. «Тополмасам керак», деган ҳадик билан чиққан эдим, буни қарангки, қайси дўконга кирмай, барида қоракўл пўстин деганлари ўз харидорини кутиб ётибди-да. Нархи ҳам ўзига яраша. Дарров Николай Фёдоровичга телеграмма жўнатдим. Эртасига ёқ ундан: «Шанба куни «Москва-Тошкент» поездининг 5-вагонида бораман, кутиб ол», деган мазмунда жавоб келди.

Айтилган фурсатда уни «Тошкент» бош темир йўл бекатида кутиб олдим. Кўришиб бўлганимиздаёқ, у мендан биринчи навбатда пўстин сотиладиган дўконга олиб боришими сўради. Мақсади — пўстинни сотиб олиб, кечки поезд билан манзилига қайтиш. Мен унинг мақсадига қарши чиқдим:

— Озиб-ёзиб бир Тошкентга келибсиз, бир-икки кун азиз меҳмонимиз бўлиб кетинг, — дедим. — Ўзим кузатиб қўяман.

— Эртага албатта ҳарбий қисмда бўлишим керак, — дея баҳона қилди.

— Борасиз-да, ўша ҳарбий қисмингизга, бир ўйнаб кетинг, осмон узилиб ерга тушмас!

Николай Фёдорович ноилож таклифимга кўнди. Шу ердан дўконга бориб, сотувчи аёллар билан обдан маслаҳатлашиб, унга ёққан, кулранг тусли қоракўл пўстинни харид қилдик. Пўстинни сотиб олганидан кейин ҳам унинг кўнгли ҳадеганда жойига тушавермади.

— Хотинимга тўғри келармикан, ранги ёқармикан? — деди ҳавотирланиб. — Унга ёқмай қолса-я!

— Нега ёқмас экан? — дедим унинг күнглини кўтариб. — Энг зўрини олдингиз, хотинингиз сиздан миннатдор бўлади. Бичими ҳам мос келади, жуссаларини кўрганман-ку! Пўстинмисан пўстин, кўрганида эс-хушидан айрилиб қолмаса эди ҳали.

— Жуда инжиқ-да у. Бичими тўғри келмаса, ранги ёқмаса, бетимга отиб юбориш ҳам ҳеч гап эмас!

— Унақа деманг, албатта ёқади. Ана, кўрасиз.

— Хўп, майли, — деди Николай Фёдорович энсасини қашиб.

— Энди нима қиламиз? Бирор тинчроқ жойга бориб, пўстинни ювамизми?

— Йўқ! — дедим мен. — Тўйга борамиз!

— Қанақа тўйга? — ажабланди Николай Фёдорович.

— Бугун амаким қизини турмушга беряпти. Кечқурун базм, ўша ерга борамиз.

— Қандоқ бўларкин? Айтилмаган жойга-я?

— Мен сизни таклиф қилаяпман-ку! Шунинг ўзи егарли эмасми? Ахир мен ҳам тўйбошиман. Гап тамом, тўйга борамиз!

— У-бу совға олмаймизми бўлмаса?

— Ўзингиз совғасиз-ку. Ҳеч нарса керак эмас, борсангиз бўлди, амаким хурсанд бўладилар.

— Йўқ-йўқ, тўйга қуруқ бориб бўлмайди!

— Сазангиз ўлмасин, бизда бир одат бор, ўшани амалга оширамиз.

— Қанақа одат экан?

— Тўйбошига совға ўрнига пулини берасиз тамом!

— Қанақа қилиб?

— У билан қўл олишиб кўришаётганда қўлига қистиравасиз.

— Келишдик, мени кўндиридинг! — деди Николай Фёдорович. — Қани, бошла!

Шундай қилиб, қофозга ўралган пўстинни қўлтиққа қистириб, тўй бўлаётган Лаклакхона маҳалласига етиб келдик. Биз борганда, орқамиздан куёвнавкарлар ҳам етиб келишди. Тўй қизиб бормоқда, карнай-сурнай садолари қулоқни қоматга келтиряпти, ногораю чилдирманинг «така-тум»ини айтмаса ҳам бўлади.

Йигитларнинг саф тортиб, ўйнаб-кулиб, қарсак чалиб, астасекин юришлари, олдинда йигит оғасининг қўлига белбоғдан дарра ясад, кутилмаганда югуриб келиб, йигитларнинг устига ўзини отиши, сал бўшашиброқ келётган йигитнинг боши, елкаси аралаш «дарра» тушириши, сўнг овозининг борича маст тұядай бўкириши, унга бошқа йигитларнинг жўровоз бўлиб қўшилишларини кўрган Николай Фёдоровичнинг оғзи ланг очилиб қолди.

Бизни узоқдан кўрган жиянлардан бири югуриб олдимга келди-да, қоғозга ўралган пўстинни қўярда-қўймай қўлимдан олиб, ичкарига кириб кетди. Бундан анграйиб қолган Николай Фёдоровични амаким билан таништирдим. Меҳмон жилмайтганча чўнтак ковлашга тушди. Бунга жавобан амаким икки қўлини кўксига қўйиб, тайсалланди:

— Ни нада, керак эмас! Ахир сиз меҳмонсиз!

Бу удумни қатъий деб билган Николай Фёдорович «атагани»ни қўярда-қўймай амакимнинг қўлига қистириди. Бизни ичкарига олиб кириб маҳсус жойга ўтқазиши. Менинг хаёлим жиян олиб кетган пўстинда: «Ишқилиб, бироннинг омонати йўқолмасинда!» Ўша жиянни чақириб, суриштиридим. «Хавотир олманг, тоға, ҳаммаси жойида», деб мени хотиржам қилди. Бу орада сурнайчи юракни эзид «Муножат» солди. Куёвжўралар кузатилди, аёллар нарсаларни апил-тапил йиғиштириб келинни узатиб кетиши. Жиян кўнглімни хотиржам қилган бўлса-да, ичимни ит таталайди. Ўрнимдан турдим-да, ўзимни тавонхонага уриб, «омонат»нинг суриштиридим. Қани энди, топилса!

Кейин билсан, жиян тушмагур, қўлимдан олган тугунни «тўёна» билиб, ҳожатборар аёллар қўлига топширган экан. Қоғозга ўралган қимматбаҳо пўстинни кўрган аёллар ҳангуманг бўлиб, дарров имо-ишора билан сирли пичирлашишга тушишган: «Вой барака топкур, Искандархон, олдиндан тўёна берган бўлса-да, кўнгли тўлмай, синглisisiga қорақўл пўстин ҳам совға қилиби! Нима қиласди овора бўлиб? Бизда пўстин киядиган қиши бўлмаса. Қолаверса, келинпошша ўзидан катта бунақа пўстинни киярмикан? Мабодо кийтан тақдирда ҳам бунинг ичилада йўқ бўлиб кетади-ку! Майли, бўлар иш бўлибди. Астойдил совға қилингган отнинг тишига қарамайдилар. Қимматбаҳо совға экан, асрар қўяйлик. Тўйдан кейин сотиб, пулини майда-чуйдага яратармиз», дея дарров қаёққадир гумдан қилишибди.

«Омонат»ни аёллар келин саломдан қайтгач, қидириб топадиган бўлдик. Буни эшитган амаким: «Бу гап кўчага чиқмасин», деб жавради. «Яхши ҳамки, бу гаплардан меҳмоннинг хабари йўқ. Ишқилиб, яхши ният билан сотиб олинган пўстин ўз эгасига буюрсин-да! Агар уни келиннинг сепига қўшиб юборишган бўлса, уни қайтариш янада оғирлашиб кетадими», дейман ўзимга-ўзим хавотирга тушиб.

Хуллас, аёллар эртаси куни уйга келишибди, пўстинни яшириб кўйган сирли сандиқдан олиб, ўзимизга қайтаришибди. Шундан кейин менинг кўнглім жойига тушди. Бироқ, бу билан «Қорақўл пўстин

ҳангомаси» ҳали ўз ниҳоясига етмаган эди. Энди азиз меҳмонни хурмати билан ўз юртига эсон-омон кузатиш вазифаси турарди.

Нонуштадан сўнг маслаҳатлашиб пўстинни шаҳар марказидаги бир танишимизнинг уйида вақтинча қолдирдик. Ўзимиз темир йўл бекатига бориб, Тошкент-Москва тезюарар поездига чипта олдик. Поезд тунги соат ўн икки атрофида ўрнидан силжир экан. Орада анча вақтимиз бор. Меҳмонни нима биландир банд қилиш им керак. Кўп ўйлаб ўтирамай, Бешёғочдаги дехқон бозоридан бир чимдим ош харажатини қилиб, майда-чуйда олиб, Ёшлар кўлининг оролчасига бордик. Кўлимиздаги масаллиқларни чойхоначига топшириб, бизга қўлинг ўргилсин паловхонтўра тайёрлаб беришини илтимос қилдик. Ўзимиз салқин кўл бўйида мириқиб дам олдик, ечиниб чўмилдик.

Бир маҳал қарасак, ҳозиргина ечиб кўйган кўйлакларимиз жойида-ку, шимларимиз аллақаёққа гумдон бўлибди. Шу атрофда чўмилиб юрган «шум бола»ларнинг иши эди бу! Энг ачинарлиси, шимларимиз чўнтакларида озми-кўп пулимиз, чиптадан ташқари зарур ҳужжатларимиз ҳам бор эди. Ҳар қанча елиб-югурмайлик, шимларимизни тополмадик, сувдан чиққан мушукдек, ҳўл иштонларимизда сўнпайиб қолдик. Жуда хижолатли иш бўлди.

Бир амаллаб, ўша атрофдаги ҳожатбарор одамлар ёрдамида эскиустки шимлар топиб, яна кечаги тўйхонага бордик. Эгнимиздаги яп-янги кўйлакларимизга умуман мос тушмаган шимимизнинг тизза ва орқа томонларига катта-катта ямоқ, куроқлар тушган эди. Бизни бу аҳволда кўрган амаким ҳайрон бўлиб, қотиб-қотиб қулдилар. Уларга қўшилиб биз ҳам кулдик. Бўлиб ўтган воқеани тушунтиридик. Мен меҳмоннинг йўл харажати учун пул бериб туришларини илтимос қилдим. Кейин кийимларимизни алмаштириб, йўлдан пўстинимизни олиб, темир йўл бекатига келдик. Яна ўша поездга чипта олиб, меҳмонни манзилига кузатиб кўйдим. Эртаси пешиндан сўнг, Ёшлар қўлига кириш олдидаги миршабхонада йўқолган чипта, ҳужжатларимизни қўлимга топширишди. Мен ўша куниёқ, қадрдонимга шошилинчнома юбордим. Эртасига: «Мени шанба куни 6-поездда кутиб ол» деган жавобнома келди. Уни кутиб олгач, яна кечки поездга чипта харид қилдик. Кечгача вақтимиз кўп эди. Мен қадрдонимга ҳазилишиб: «Нима қиласиз? Ёшлар қўлига бориб бироз дам оламиزم?» дедим. У бунга эътиroz билдириб, одати бўйича беозор сўқинди. Гапи бўйича, пўстин хотинига катта келгани учун уни бир чеккага улоқтириб юборган эмиш!

## АЖДОДЛАРИМ-АВЛОДЛАРИМ



Абдураҳмонхўжа  
эшон бобом  
(1863 – 1945)



Сайдкамолхон  
Домла Қаҳдоров  
(1876 – 1941)



Абдуҳакимхўжа амаким  
(1897 – 1974)



Порсоҳон Шамсиев  
(1897 – 1972)



Насимахон, Онахон,  
Тўрапошшахон  
аммаларим, 1932 й.



Отам Абдурафиқхўжа,  
Тўрапошшахон ва  
Онахон аммаларим, 1933 й.



Атиахон  
Иброҳимхўжа қизи  
(1901 – 1993)



Амаким Абдувоҳидхон  
ва келинойимиз Фаридахон,  
1943 й.



Амаким Назруллохон  
Абдуҳакимхўжа ўғли  
(1920 – 1980)



Амаким Ҳабибуллохон  
(1921 – 1942)



Отам-онам ва мен, 1938 й.



Қамарияхон, Фаридахон, Эркинхон,  
Искандархон, Шавкатхон, 1943 й.



Отам, амаким Ҳамидуллахон, мен,  
Шавкатхон, Рашодхон, 1945 й.



Оила аъзоларимиз, 1953-1958 й.



Висол оқшомида, 20 август, 1961 й.



Камолахон Мусахўжа қизи  
(1898 – 1991)



Отам Абдурафиқхўжа  
(1914 – 1958)



Тўлаганхўжа тогамиз  
(1935 – 1983)



Қайнотам Сайдвалихон  
Муҳаммадалихон ўели  
(1901 – 1972)



Шукроалик кунларимиз, 1961 й.



Қайинонам Маъсудаҳон оиламиз меҳмони, 1965 й.



Назрulloхон ва Гўзалхон ая оила аъзолари билан, 1967 й.



Ҳамидуллахон ва Шарифахон ая қизлари билан, 1987 й.



Таниқли адид  
Ҳабиб Нўймон  
(1912 – 1975)



Амакимиз  
Абдувоҳидхон–Кенжакхўжа  
(1917 – 1989)



Фаридахон ҳожи она оила аъзолари билан, 2011 й.



Оиламиз аъзолари, 1973 йил.



Онамиз Қамарияхон  
Искандархон оила аъзолари билан, 1992 й.



Шавкатхон оила аъзолари билан, 1992 й.



Рашодхон оила аъзолари билан, 1992 й.



Марвияхон оила аъзолари билан, 1992 й.



Мавлудаҳон оила аъзолари билан, 1992 й.



Абдусафихон оила аъзолари билан, 1992 й.



Маъбурахон оила аъзолари билан, 1992 й.



Онамиз бағрида, 1980 й.



Насрulloхон ҳожи оға-инилари, невараси билан, 2010 й.



Мўътабархон ҳожи она хузурида, 2010 й.



Баҳодирхон ва Ботирхон дўстлари билан, 2010 й.



Эрталабки түй ошидан сүнг, 2007 й.



Хотира кунида, 2010 й.

## ТИЛ БИЛГАН – ЭЛ БИЛАДИ

«Худо берса қулига, омал қуши келиб құнар құлига», дейишилгани рост экан. 1963 йилнинг кузида менинг құл остиимда ишләтгандар қарбий фельдшернинг хизмат муддати тугаб, уйига кетди. Лекин унинг ўрнига муносиб номзод тополмай, ёлғизланиб қолдым. Баҳтиимга Қозоғистондан чақирилган ёш аскарлар ичидә Абай Беристенов деган зоотехник йигит бор экан. Ўшани дарров күз остиимга олдым. У жуда хушмулойим, хүшбичим, камтар, покиза, ўқимишли, тиришқоқ, одобли, маданиятли йигит экан. Очиги, у билан биринчи марта қозоқ ва рус тилларида сұхbatлашганимдан сұнг, меҳрим товланиб, туғишилган инимдек ёқтириб қолдым.

— Энди бирга ишлаймиз, чирофим, — дедим унга янги лавозимни таклиф этиб.

— Вай-бүй бу неси бўлди? Мен зоотехникман-бой! — деди у ўзига хос майнин жилмайиб, менинг тўсатдан қилган таклифимдан ҳайрон бўлиб.

— Ҳечқиси йўқ! Энг муҳими, сенинг тиббиётдан хабаринг бор. Одам билан ҳайвонот оламидаги тафовутнинг айрим хусусиятларини ўзим сенга аста-секин тушунтириб қўяман. Ажаб эмас, кейинчалик одам дўхтири бўлиб кетсанг! — дедим утинг қўнглини кўтариб.

— Жақси! — деди у менинг гапимни маъқуллаб. — Ишончингиз учун раҳмат!

Шу-шу Абай билан оға-инидек бўлиб кетдик. Мен у билан фақат қозоқ тилида сўзлашардим. У бунга сира эътиroz билдирамасди. Шу баҳонада қозоқ адабиёти, маданияти билан яқиндан танишдим. Фақат бугина эмас. Батальонимизда турли миллат вакиллари, жумладан: рус, украин, қозоқ, тожик, озар, татар йигитлари хизмат қилишарди. Ўрта Осиё, Кавказортидан келган йигитларнинг аксарияти рус тилини яхши билишмасди. Шунинг учун ўзаро муносабатларимиз вақтида билганимча, уларнинг она тилларида сўзлашибга ҳаракат қиласадим. Бунга баъзи воситачи, таржимонлар ёрдам беришарди. Тиббий кўрик вақтида айрим зарур сўз, ибораларни уларнинг тилларида талаффуз қиласам, азбаройи хурсанд бўлганларидан менга ялт этиб қарашар, кўзлари ёниб, диллари яйраб кетарди. Шу туфайли бир-биримизга ишончимиз, ҳурматимиз тобора ошибб, мустаҳкамланарди. Шуни ҳеч қандай муболагасиз, очиқ-ойдин алоҳида таъкидлашим жоизки, доноларимиз: «Тил билган – эл билади. Тилга эътиборсиз – элга эътиборсиз» деб, бежиз айтишмаган. Дарҳақиқат, тил – миллатлараро ўзаро воситачи, мустаҳкам кўприк эди.

Хизматим давомида қаерда бўлмайин, ўша ерда тилга хурмат, эътибор туфайли турли миллат вакиллари билан яқиндан танишдим, дўстлашдим.

Бундай чукур хурмат, эҳтиром рафиқам хизмат қилган турли меҳнат жамоаларидаги инсонлар билан ҳам аҳил ва иттифоқ яшашимиизда анъана тусига кирганилиги айниқса эътиборлидир. Бунда рус тилининг аҳамияти беқиёс бўлди, албатта.

Демоқчиманки, ҳар бир тилдаги нозик сўз, ибораларни ишлатишнинг ўз ўрни, мавриди, маъно-мазмуни, аҳамияти, таъсир кучи бор.Faқат бундан оқилона, холисона фойдаланиш зарур, холос.

Мана шундай кўпмиллатли, самимий, очиқкўнгил одамлар даврасида катта-кичик билан имкониятим даражасида ўзаро тил топишим натижаси ўлароқ, иззат-хурмат, эътиборга сазовор бўлдим. Тилим анча равон, бийрон бўлди. Ҳар хил гап-сўзларни ўрганиб, эшитиб, қулоғим пишди, сўз луғатим бойиди, ҳар томонлама чиниқдим.

Кувонарлиси, гарнizonimizdagi энг замонавий илм-фан ютуқлари, янгиликлари, техника воситалари билан жиҳозланган, кўп соҳали ҳарбий госпиталда яратилган қулай ва соз имкониятлар, ўз соҳасининг етук ва моҳир устаси бўлган кўплаб врач-мутахассисларнинг бой тажриба, маслаҳатларидан баҳраманд бўлдим, уларга эргашиб, кам бўлмадим. Натижада, 1965 йилнинг баҳорида Тошкентдаги 340-ҳарбий госпиталда уч ой мобайнинда неврология, психиатрия бўйича дастлабки малака ошириш курсида ўқидим, бўлажак касби-коримга илмий-назарий, амалий пойdevор ҳозирладим. Кейинчалик врач-мутахассис сифатида Бойкўнирнинг турли қурилиш майдонларида хизмат қилаётган минглаб ҳарбий қурувчиларни тиббий кўриқдан ўтказиш, шунингдек, 1965 йилнинг ёзида Қорақалпоғистон Республикасида тарқалган ўта юқумли касаллик вабо эпидемиясининг олдини олиш ва унинг оқибатларини бартараф этишда фаол иштирок этдим. Камтарона хизматларим эзвазига Қўмондонлик томонидан муносиб тақдирландим.

Ниҳоят, 1966 йилнинг 26 апрели ва ундан кейин деярли олти ой мобайнидаги зилзила туфайли моддий, маънавий зарар кўрган оиласиий аҳволимни назарга олиб, Қўмондонлик хизмат жойимни Тошкент шаҳрига кўчириш, Чилонзор туманида икки хонали уй-жой билан таъминлашга катта ёрдам берди, мени ҳар томонлама кўллаб-қувватлади.

Мен бундай ғамхўрлик, эътибордан ниҳоятда мамнун эдим. Бундай иззат-хурмат, эътибор ҳаммага ҳам қилинмаслигини яхши биламан, юксак қадрлайман. Бу яхшиликлар сира ёдимдан чиқмайди.

## ТУЗ ИЧГАН ЕРИМ

Ҳарбий хизматим туфайли ҳаёт йўлларим ўз-ўзидан Тошкентдаги 340-ҳарбий госпитал билан боғланди. Маълумки, бу ерда 1961 йили ҳарбий-тиббий офицерлар малакасини ошириш курсида таълим олдим. 1965 йили эса, неврология, психиатрия соҳаси бўйича уч ой мобайнода маҳсус тайёргарликдан ўтдим.

Ўша пайтларда госпиталнинг бошқарув маъмурияти гарчи битта бўлса-да, негадир унинг етакчи бўлимлари бир-биридан узоқ ҳудудда, айри ҳолатда жойланганидан ажабланардим. Унинг асосий қисми Мирзо Улуғбек туманидаги Бўз даҳасида бўлса, филиали Шимолий темир йўл шоҳ бекати ва ҳозирги Мирбод деҳқон бозори оралиғи, Салор анҳори бўйида эди. Хизматга оид баъзи зарур гап-сўзлар, муаммолар телефон орқали ҳал қилинади. Аммо, кундалик расмий ҳужжатларни ўз вақтида тегишли бўлимларга етказиш, тасдиқлатиш, муҳр бостириш учун ажратилган маҳсус транспорт воситаси ичи доим одамлар, баъзан замбилга ётқизилган беморлар билан тўлиб, икки оралиқда кун бўйи бир неча бор бўзчининг мокисидек у ёқдан-бу ёққа қатнарди. Бу ортиқча ҳаракат, сарф-харажатдан ташқари кўпчиликка ноқулайлик түғдирап эди. Бунинг ўз сабаблари, тарихи бор эди, албатта.

Бу воқеанинг шахсан гувоҳи ҳамда фаол иштирокчиси бўлган одамларнинг айтишича, 1950-йилларнинг охирида Туркистон ҳарбий округининг ўша пайтлардаги Кўмондони рафиқаси бетоб бўлиб, госпиталнинг икки қаватли терапия бўлимига ётқизилади. Эртасими-индини рафиқаси ҳолидан хабар олгани эри келади. Шунда бемор қисқача салом-алиқдан сўнг, турмуш ўртоғига ичидаги дард-аламини тўкиб солади:

— Бу қанақаси бўлди? Бу ер ҳарбий ходимлар ва уларнинг оила аъзолари келиб, тинч, хотиржам дам олиб, даволаниб, соғайиб кетадиган жойми ёки жиннихонами, тушуна олмай қолдим? Эрталабдан кечгача паровозлар тинимсиз чинқиради, пишқиради, ҳаммаёқни ларзага солиб, у ёқдан-бу ёққа ўтади! Тонг саҳардан ярим тунгача аэропортда самолётлар гувиллайди, шовқин солади, қулоқларни батанг қиласади, бир лаҳза мижжа қоқишига қўймайди! Илтимос, Вания, агар ҳақиқий Кўмондон бўлсанг, бу госпитални тезроқ бошқа тинчроқ жойга кўчир! Шу бугуноқ, ҳозироқ мени бу ердан уйга олиб кет! Бўлмаса, ўзимни бир нарса қилиб қўйишимга тўғри келади!

Бу нохуш гапдан хавотирга тушган Кўмондон дарров Округ ҳарбий-тиббий бошқармаси бошлиғи генерал-майор Дадаловни хузурига чақиради, жиддий вазиятдан уни огоҳлантиради.

— Тезроқ ҳаракатингни қил, Иван Михайлович! Акс ҳолда кенномойингдан балога қоламиз!

— Хўп бўлади, ўртоқ Кўмондон! — дейди бунга жавобан генерал Дадалов, ўз-ўзидан хурсанд бўлиб. Чунки, ўта билимдон, тиришқоқ, сезгир, ҳозиржавоб ва моҳир ташкилотчи бўлган генерал ўша заҳотиёқ, кўпдан бери дилига туғиб юрган, аммо сира иложини топа олмаётган эзгу армони чигалининг учини тасодифан топган эди-да! У бу қулай фурсатни қўлдан бермай, дилидагини дарров тилига чиқаради, темирни қизифида босади:

— Яланғочга яқин Бўз даҳасида яхши бир жой бор, ўртоқ Кўмондон! Шаҳар четида, ниҳоятда тинч, баҳаво. Тахминан йитирма гектар атрофидаги бу ҳудуддаги бир қаватли бинолар пухта-пишиқ қилиб курилган. Кейинчалик бир муддат бу маконда сиёсий бошпана сўраган греклар яшашган. Ҳозир эса, захирадаги ҳарбий хизматга сафарбар қилинадиган фуқароларнинг машгулот ўtkазиш маскани. Ҳайҳотдай жой бекордан-бекорга ҳувиллаб ётибди. Шуни бизга берсангиз, гуллатиб-яшнатиб, обод қилардик.

— Айни муддао! Бўпти! Буйруқ лойиҳасини тайёрла!

— Хўп бўлади, ўртоқ Кўмондон!

Шундай қилиб, яхшининг шарофати — элу юртнинг баҳти-саодати, дейишгандек, деярли бир асрдан бери тор, диққинафас жойда фаолият кўрсатаётган 340-ҳарбий госпитал кенг, баҳаво манзилга қўчирилади. Эски ҳудуд эса, унинг филиали сифатида қолдирилади.

1969 йили ташкил этилганлигининг юз йиллиги туфайли Госпитал тарихи билан қизиқиб, шунга амин бўлдимки, аслида бу даргоҳ 1869 йилнинг 19 июлида Туркистон губернаторлиги ҳарбий маҳкамасининг 260-сонли буйруғига мувофиқ, Ўрта Осиёда илк бор ташкил этилган тўнғич ҳарбий-тиббий муассасалардан ҳисобланар экан. Турли йилларда бу шифохонада эл-юртга машҳур бўлган П.Ф.Боровский, К.Я.Шульгин, П.Н.Данилов, А.В.Трапезников, А.М.Зубов, А.Д.Греков, Д.А.Введенский, В.И.Чиликин, Н.Н.Кузнецов, В.П.Петров, В.М.Диваев, А.И.Гутерц, К.Е.Никишин, Г.И.Самохин, П.И.Эмдин, А.Г.Кейзер, М.Д.Бельтиков, Л.П.Поливник сингари иқтидорли олим, юқори малакали ҳарбий шифокор ва ташкилотчилар қизғин фаолият кўрсатишган.

Кейинчалик мазкур шифохона бўлимлари замирида Тошкент шаҳри ва Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида даволаш-профилактика муассасалари ташкил этилди. Эндиликда бу илмий-тадқиқот, даволаш муассасаларининг ҳар бири мустақил бўлиб,

ўзининг сермаҳсул илмий йўналиши ва кашфиётлари билан нафақат Ўзбекистон, балки бутун жаҳонда маълум ва машҳурдир.

Табиийки, ўтган давр мобайнода Тошкент ҳарбий госпиталининг имкониятлари ниҳоятда кенгайди, эл-юрт ичидаги обрӯ-эътибори бекиёс ошди. Госпитал ходимлари, айниқса, Иккинчи жаҳон уруши йилларида тенгизиз мардлик, жасорат, фидойилик, ўз касбларига садоқат, қаҳрамонлик намуналарини кўрсатдилар, жанг майдонларида оғир ярадор бўлиб, Тошкентга эвакуация қилинган минглаб жангчилар бу ерда даволаниб, жанговар сафга, ҳаёт қучоғига қайтдилар. Бундан ташқари, ўша оғир уруш йилларида диёримизда ташкил этилган ва кўчириб келтирилган ўнлаб ва юзлаб эвакуацион госпиталлар, даволаш масканларининг ҳам ўрни бекиёс бўлганлигини айтиб ўтиш жоиз. Зоро, диёримиз ўша йилларда ҳақиқий шифо ва даволаш масканига, фронтнинг энг таянчли ва ишончли нуқталаридан бирига айланган эди.

Госпитал ходимларининг урушдан сўнгги йиллардаги фаолияти ҳам алоҳида таҳсинга лойик. Улар 1948 йилги Ашҳабод ва 1966 йилги Тошкент зилзилаларидан азият чеккан аҳолига, Афғонистондаги эълон қилинмаган уруш жабрдийдаларига мала-кали тиббий ёрдам кўрсатиш, шунингдек, 1965 йили Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида тарқалган ўта юқумли касаллик эпидемиясини тутатишда, кейинчалик эса, қўшни Тожикистонда рўй берган зилзила оқибатларини бартараф этишда катта жонбозлик кўрсатдилар.

Бу тарихий далилларни келтирас эканман, қалбимни ажиб бир фахр ва ифтихор туйғуси чулғайди. Сабаби, ўтган давр сиёсати туфайли бундай нуфузли, мўътабар даргоҳда ўз фуқаролик бурчини ўташ маҳаллий миллат вакилларининг кўпчилигига насиб этмаган. Госпитал босиб ўтган йўлга синчковлик билан назар ташланса, бундай баҳтга сазоворлар бармоқ билан санаарли эканлигига гувоҳ бўламиз.

Турли йилларда госпиталда озми-кўпми хизмат қилган маҳаллий миллатга мансуб ҳарбий шифокорлар жумласига: Фани Раҳмонбердиев, Султон Исломбеков, Зикрилла Этамбердиев, Асом Мухитдинов, Фахриддин Бобоҷонов, Исмоил Аҳмадхўжаев, Муҳтор Содиков, Собир Муҳамедов, Мусаҳон Ҳўжаев, Маҳмуджон Жўраев, Муҳаммаджон Собиров, Қаюмжон Фозиев, Тўхтабек Одилбеков, Тальят Исамуҳамедов, Баҳодир Ҳошимов, Обиджон Тошмуҳамедов, Абдумалик Мавлонов, Баҳром Миржоғаров, Болтабой Оқилов ва бошқаларни киритиш мумкин, холос.

Мен ҳам юқорида номлари зикр этилган ҳамкасларим, ҳамюртларим қатори мазкур ҳарбий госпиталда 1967–1974 йил-

ларда хизмат қилиб, амалий ва назарий тажриба орттирганим, ҳарбийлар сиҳат-саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашга баҳоли қудрат ҳисса қўшганим билан фахрланаман. Бу даргоҳнинг ҳар бир дов-дараҳти кўзимга таниш, бир сиқим тупроғи кўзимга тўтиёдек кўринади.

Бир куни госпиталда навбатчилик қилаётган эдим, ёши элликлардан ошган, соч-соқоллари оппоқ, ниҳоятда вазмин ва камтарин инсон — ички касалликлар бўлими бошлиғи, тиббий хизмат полковниги Асом Мұхәмедович Мұхитдинов билан ҳамсуҳбат бўлиб қолдим. Ўшанда у кишининг менга айтган гаплари ҳали ҳам қулоғимда:

— Сиз жуда баҳтли йигит экансиз! Чунки бундай қатта жамоада ишлаш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Биласизми, мен бу ерга келгунимча не-не қийинчиликларни кўрмадим. Аввало тил ва дил билганим, қолаверса, ўз юртимда хизмат қилиш ниятим борлиги учун ушбу масканга келдим. Бу жой ниҳоятда табаррук ва мўътабар. Бу ерга нажот излаб кимлар келмаган дейсиз?

Эндилиқда республикамиз мустақиллiği шарофати билан Мудофаа вазири миздан тортиб, Бош штабимиз, миллий армия-миз таркибида, қолаверса, ҳарбий-тиббий бошқарма ҳамда госпиталлар, кафедраларда чинакам ватанпарвар, фидойи, ўзбек миллатига мансуб инсонлар хизмат қилиб, оталаримизнинг жанговар анъаналарини шараф билан давом эттираётгандилари кувонарлидир.

Бундан ташқари, госпиталнинг номи ўзгарди, яъни Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазиригининг Марказий ҳарбий клиник госпитали мақомини олди ҳамда ташкил этилган куни муносабати билан жанговар байроқ топширилган тарихий санага эга бўлди. Бу тарих саҳифасига 1992 йил 13 июнь деб ёзиб қўйилди.

Ҳозирги пайтда мазкур шифохонада бир неча тиббиёт фанлари докторлари, ўнга яқин фан номзодлари, Ўзбекистонда хизмат қўрсатган тиббиёт ходимлари, давлатимиз юксак орден ва медаллари соҳиблари, олий тоифали шифокорлар, кўплаб етук ва малакали ҳамширалар фаолият кўрсатишмоқда. Умуман олганда, сўнгги йилларда шифохонанинг ички ва ташқи қиёфаси таниб бўлмас даражада тубдан ўзгарди.

Бу ерда шифохонанинг моддий-техник асосини мустаҳкамлаш, бўлимларни замонавий даволаш, касалликларни аниқлаш асбоб-ускуна, жиҳозлари билан етарли таъминлаш, Россия, Америка, Германия, Франция каби давлатларнинг етакчи тиббий марказларида ўнлаб ходимларни ўқитиш, касбий маҳорат ва малакаларини ошириш, компьютер, интернет воситасида мутахассис-

ларнинг дунё миқёсидаги илмий-тиббий янгиликлар, илғор тоялардан хабардорликларини таъминлаш, турли нуфузли илмий анжуманларда иштирок этишларига эришиш, қолаверса, долзарб мавзуларда илмий ишлар олиб бориш, янгича замонавий диагностика ва даволаш усулларини қўллаш савияси ва самарадорлигини ошириш, жойлардаги ҳарбий бўлинмалар билан яқин ҳамкорликда ишлаш, жамоада ҳарбий ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, маънавий, руҳий, ижодий муҳит яратиш, хизмат маданияти савиясини ошириш, экологик маданият ва соғлом турмуш тарғиботини янада кучайтириш борасида жуда кўп хайрли ва савобли ишлар амалга оширилмоқда.

Зеро, ўтказилётган барча тадбирлардан кузатилган асосий мақсад — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларини ислоҳ қилишининг асл моҳиятига кўра, Ватанимиз посбонларининг сиҳат-саломатлигини кўз қорачигидек асраш, касбий маҳоратни ошириш, профессионализм, аъло даражадаги жанговар тайёргарликни таъминлаш, огоҳлик ва хушёрликни, ҳарбий куч-қудратимиз салоҳиятини янада ошириш, эл-юрт тинчлиги, осойишталигини сақлашга қаратилгани бежиз эмас, албатта.

Шундай экан, мен айни замонда Ўзбекистон посбонларининг мустаҳкам қалқони ва Қўрғонига айланган мазкур жамоанинг барча аъзоларига баҳт-омад тилаган ҳолда дил изҳорларимни куйидагича баён қилишни маъқул кўрдим:

Мен бир ҳарбий шифокор,  
Шоир, адаб эмасман.  
Устоzlардан ўтказиб,  
Ортиқча сўз демасман.

Лекин оддий фуқаро  
Қатори ўз сўзим бор.  
Мазкур қутлуғ даргоҳдан  
Бир умрлик қарзим бор.

Каминанинг бу ерда  
Ўтган ёшлик онлари.  
Кеча-кундуз хизматда  
Жўшиб тошган қонлари.

Қора сочим тўкилиб,  
Оқ тушган бош, қошимга.  
Ўзим билиб-бilmасдан  
Оғу тушган ошимга.

«Бир кун туз ичган жойга,  
Қирқ кун салом», дейдилар.  
«Устоз улуғ отадек,  
Қил эҳтиром», дейдилар.

Энг аввало, ассалом,  
Азиз ҳамкасб, Устозлар!  
Қалби дарё, қўли гул,  
Суҳбатлари хуш, созлар!

Давраларнинг ҳамиша  
Файзи бўлиб юрингиз!  
Мехнатингиз роҳатин  
Кўриб, гаштин сурингиз!

Бунда ўтган аждодлар,  
Авлодларнинг изи бор.  
Ҳар бирининг эларо  
Қолдирган иш, сўзи бор.

Бу шундай кенг даргоҳки,  
Кимлар келиб кетмаган.  
Не-не зотлар соғайиб,  
Муродига етмаган.  
Ҳамиша бу Инсонлар  
Эл посбони бўлишган.  
Тинчлик, саломатликнинг  
Чароғбони бўлишган.

### ОНА-ЮРТ ҚУЧОГИДА

1966 йилги Тошкент зилзиласи муносабати билан хизмат жойим ўзгарди. Энди мен Дўмбирибоддаги автомобиль батальонида хизмат қила бошладим. Лекин озгина имконият бўлди дегунча, ўзим кўз очиб кўрган мўътабар даргоҳ – 340-ҳарбий госпиталдаги ҳамкасб дўст, устозларим билан кўришиб, маслаҳатлашиб турардим.

1967 йилга келиб, госпиталь штати анча кенгайиб, ўринлар сони янада ортди. Билишимча, госпиталь бошлиғи лавозими генерал унвонини олиши учун атайнин мослаштирилмоқда эди. «Болта тушгунича, кунда дам олади», дейишганидек, шу баҳонада анчамунча одамлар, шу жумладан, каминага ҳам омад кулиб бокди. Янги ўринлар тўлдирила бошланди. Неврология бўлимидаги

ҳамкасбларим, Николай Дмитриевич Кузнецов ва Николай Николаевич Кудряшовлар ўзаро маслаҳатлашиб, ординатор лавозимига менинг номзодимни кўрсатишибди. Бу мен учун кутитмаганда катта бахт, буюк ишонч ва масъулият эди. Чунки ўша даврда бундай олий ҳарбий-тиббий жамоада кўпчилик қатори дадил от суриш, хизмат қилиш камдан-кам одамларгагина насиб этарди.

Ўша йилнинг октябрь ойида янги иш жойига ўтиб, қисқа фурсатда муддатидан илгари капитан унвони олдим. Устозларим ишончини оқлаш учун кеча-кундуз тиришиб, астойдил хизматга киришдим. Ишга эрта келиб, кеч қайтардим. Кўпинча шанба, якшанба кунлари ҳам бўлимга бориб, хўжалик ишлари, беморларим аҳволидан хабар олиб келардим. Бундан ташқари, ҳафтада икки марта, бири асосий ҳудудда, иккинчиси, госпитал филиалида навбатчилик қиласардим. Навбатчиликдан чиққач, пешингача бўлимда ишлаб, бурнимдан тортса, йиқиладиган ҳолатда аранг уйимга етиб келардим. Тошкентда, ўз она юртимда яшаб туриб, яқин қариндош-уругларимизнинг хонадонларида бўлаётган тўй-маъракаларга бориш, кўнгил сўрашга вақтим, имкониятим бўлмасди. Шунисига ҳам шукр қиласардим. Чунки бўлим бошлиғи ўзига хос оғир табиатли, камгап, билимдон, ичимдагини топ дейдиган, аммо талабчан раҳбар эди. У бу даргоҳга 1945 йили Тошкент Давлат тиббиёт институтини тугатиши биланоқ келган, аста-секин ординатор, катта ординатор лавозимларида ишлаган, тиббий хизмат полковники, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган врач, ниҳоятда зукко ва доно, тажрибали шифокор Августа Владимировна Левицкая таълим мини олган, ниҳоят, мана бир неча йилдирки, бўлим бошлиғи эди. Унинг рафиқаси Ўзбекистон соглиқни сақлаш вазирлигининг етакчи масъул ходими бўлгани учун ҳаммаёқ-қа бемалол қўли етар, тили керагидан зиёд узун ва аччиқ эди. Бу қирғий бурунли, катта, кўм-кўк кўзлари уккеникидай чақчайиб турадиган, қош-қовоқлари солинган, думалоқ, паст бўйли, доим арчилган тухумдай сип-силлиқ бошини ялтиратиб, такаббурона ҳўмрайиб юрарди. У маслаҳатга биринчи марта келган ҳар бир беморни, эркакни, аёллигидан қатъи назар, хонасида тир яланғоч ечинтирас, бошдан-оёқ зимдан кузатар, ётқизиб, турғизиб, ўтқизиб, қўлидаги иш қуроли – болғача, фонарию камертонини ишга солиб, обдон тиббий кўрикдан ўтказарди. Кейин вазиятга қараб, тегишли қарор, хulosага келарди. Ўз фикрини алоҳида дафтарча ёки касаллик тарихига бор-йўғи бир-икки жумлада ифода этарди, холос.

Энг қизиги, унинг товуқ оёғи билан чизгандек сирли ёзувини ҳеч ким ўқий олмас, тушунмасди. Баъзан бу ёзувларда нима

дайилганини сўраб-суриштириб келишганида, уни ўзи ҳам ўқий олмаганидан, бурнини жийириб, менга рўпара қиласарди:

— Ана, Искандар Рафиқовичга кўрсатинглар, у менинг хатимни яхши ўқииди.

Мен дарров масалага аниқлик киритардим. «Осмотр невропатолога. Органических заболеваний нервной системы нет. На рентгенограммах черепа и позвоночника КИНО: костных изменений не обнаружено. Подпись. — Яъни, невропатолог кўриги, асаб тизимида органик касалликлар йўқ, Калла, умуртқа поғонасининг рентген тасвирида суяқ ўзгаришлари топилмаган. КИНО. Имзо».

Биз кўпинча иккимиз турли бўлимларда ётиб қолган, оғир беморларни кўриш, маслаҳат беришга бирга борардик. Бундай вазиятларда Николай Дмитриевичнинг авзойи янада жиддийларшарди. У bemornинг ётиб-туриши, гап-сўзи, ранги-рўйини кўриши биланоқ, қатъий фикрга келарди-кўярди. Ташқарига чиққанимизда кулоғимга аста шивирларди: «Бояги bemорда шиши ёки саратон касаллигининг дастлабки белгилари, аломати бор. Сиз унинг рангига аҳамият бердингизми? Ниҳоятда паст. Худди тупроқ рангига ўхшайди. Унинг бош мияси, умуртқа поғоналари, ўпкасида метастаз борлиги аниқ. Фақат буни чуқурроқ текшириш, тасдиқлаш лозим. Бу ёғини вақт кўрсатади». Дарҳақиқат, орадан бироз фурсат ўтгач, унинг тахмини тўғри чиқарди. Мен унинг синчковлиги, сезирлиги, қатъиятли эканлигига қойил қолардим.

Баъзан у оғир bemорларни кўрганидан сўнг, ўзаро қизиқ бир жумбоқли иборани ҳам дадил айтарди: «Больной ещё не созрел для окончательного диагноза, — яъни, bemор ҳали тўлиқ, якуний ташхис қўйиш учун пишиб етилмаган». Кейинчалик унинг бу башаромуз сўзи ҳам тасдиқланарди. «Ё тавба!» дердим бундай ҳолатларда ўз-ўзимдан ажабланиб. Бу менингдек ёш мутахассис учун катта сабоқ мактаби эди-да.

Полковник Кузнецовнинг тамомила акси ўлароқ, катта ординатор, уруш қатнашчиси, подполковник Николай Николаевич Курряшов асли санкт-петербурглик, ўта зиёли бўлгани учун ҳам ниҳоятда маданиятли, сўзамол, ҳазилкаш, тўғрисуэз, қатъиятли, камтар, камсуқум одам эди. У ўзининг бой ҳаётий тажрибаси, билими, салоҳияти билан аллақачон полковник бўлишга лойиқ эди. Бироқ, омади юришмасди. Хотинининг қадимий Питердан кетгиси, Тошкентга келгиси йўқлиги учун ҳам ёлғиз ўзи ётоқхонада яшар, кўп ўқир, ўз ишига пишиқ-пухта, тежамкор, сезир, хушёр киши эди.

Николай Николаевич асосан бемор офицерлар билан шугулланар, госпиталь филиалидаги бўлимларга бориб, мутахассис сифатида беморларни текширудан ўтказар, ёзув-чизувларни қойилмақом қилиб, ўрнига қўярди. У кўпинча илтимосимга кўра, менинг қаламимга мансуб касаллик тарихи ёки ҳарбий-тиббий ҳайъат эътиборига ҳавола қилинадиган касаллик ҳақидаги гувоҳномаларим матнини назардан ўтказиб, чуқур таҳлил қиласарди. Кейин ўзига яраштан оппоқ, қалин соchlарини силаб, бурни учига қўндирилган чиройли, тилларанг кўзойнагини бармоғи билан сал кўтариб қўярди-да, майнин жилмайиб, аста-секин гап бошларди:

— Искандар Рафиқович, шуни асло унумтмангки, касаллик тарихи энг аввало, расмий ҳужжат сифатида прокурор учун ёзилади. Шунинг учун бунга энг зарур, энг қимматли, мазкур касалликка хос ва мос аломатлар, белгиларни топиб, ўхшатиб, қоғозга туширинг. Руслар айтанидек: «Қалам билан ёзилган жумлани болта билан ҳам кесиб, чопиб бўлмайди». Кейингиси, рус тилини ниҳоятда бой. Иложи борича, баъзи сўз, ибора, атамаларни жуда жимжимадор, ингичка ичакдек узун қилиб чўзмасдан, оддийроқ ёзинг. Ҳадеб бир хил шаклда, тўтиқушдек қайтара-бермасдан хилма-хил ёзишга ҳаракат қилинг. Бири иккинчисига ўхшамасин, янгича шакл, жумлалар тузингки, у худди бадиий асар сингари силлиқ, равон ўқишили бўлсин. Учинчиси, касаллик гувоҳномасининг, айниқса, 14-банди, яъни объектив маълумотлар қисмига жiddий эътибор беринг. Чунки бу гувоҳноманинг ўзаги, юраги ҳисобланади. Шундай экан, буни тасдиқловчи, тўлдирувчи лаборатор, рентгенологик ва бошқа ялт этган далиллар билан бамисоли тўнкага пона қоққандек, мустаҳкам қилиб киритинг. Ва ниҳоят, юқоридаги бир-бирини тўлдирувчи, тасдиқловчи далиллар асосида аниқ ва лўнда, қисқа ва равон ташхис қўйинг, тамом-вассалом! Шундай қилингки, Сизнинг бу гувоҳномагизни қўлига олиб ўқиган, юқори лавозимдаги ҳар қандай раҳбар, беихтиёр кўзига ёш олиб, имзо чекканию, муҳрини босганини ўзи ҳам билмай қолсин, тушунарлими?

— Тушунарли.

— Шуни яна бир карра ёдда тутингки, Сиз тайёрлаган ҳужжатдаги барча далиллар, маълумотлар холисона, оқилона эканлиги ҳеч кимда, ҳеч қачон шубҳа түғдирмасин! Буларни беморнинг манфаатларидан келиб чиқиб, унинг бугунги аҳволи яна йигирма-ўттиз йилдан кейин қандай бўлишигини бирлаҳза хаёлан кўз олдингизга келтириб ёзинг, бир жойини сал кучайтиринг,

бир жойини қисқартириңг. Чунки бу ҳужжат бир умр минглаб одамларнинг тақдирини ҳал қиласи, белгилайди. Бунга ниҳоятда жиддий, ҳалол ёндошинг!

Устозимнинг мана шундай жон куйдириб, астойдил берган ўйтлари ҳали-ҳали кўз оллимда, қулогум остида кечагидек жаранглаб, ҳаёт йўлларимни чароғбоңдек ёритиб туради. Бундан мен умрбод миннатдорман.

Николай Николаевич Кудряшов 1969 йили Узоқ Шарқ, яъни Даманскдаги ҳарбий можаролар туфайли, чегараларни янада мустаҳкамлаш мақсадида янгидан ташкил этилган Ўрта Осиё Ҳарбий Округи тасарруфидаги Марказий ҳарбий госпиталнинг неврология бўлими бошлиги лавозимига тайинланди, ўзи орзу қилган полковник унвонига сазовор бўлди, ўша ердан истеъфога чиқди.

Яна мен учун ниҳоятда азиз ва қадрли устозим, руҳий хасталиклар бўлими бошлиғи, Биш ҳарбий руҳшунос, Тожикистандаги хизмат кўрсатган шифокор, уруш ва меҳнат фахрийси, тиббий хизмат полковники Ефим Борисович Каган эди.

У ниҳоятда ҳалол, покиза, сергайрат ва заҳматкаш инсон эди. Уни нафақат ҳарбий суд ва прокуратура ҳодимлари, балки юксак одамийлиги, маданиятлилиги, босиқ ва донолиги туфайли барча одамлар ўзаро сұхбатларда номини ҳурмат билан тилга олишарди. Чунки Ефим Борисович ўта нозик ва мураккаб вазиятларда ҳам сира шошилмай, бутун диққат-эътиборини қарши-сидаги ҳаёти, келажаги ҳал бўластган инсонга қаратар эди. У беморнинг келиб чиқишидан тортиб, ҳозирги кунги ҳолатигача барча икир-чикир тафсилотларни яккама-якка сұхбатда зерин-масдан сўраб-сурештирас, унинг руҳиятига кирап, чукӯр мuloҳаза юритар ва фақат шундан кейин қатъий бир қарорга келарди. У доим ҳақ бўлиб чиқарди.

Адолатнинг тантана қилиши кўпинча шахсий адован, расмиятчилик устун келиб, раҳбарлик лавозими сунистеъмол қилиниши оқибатида турли хиёнат, жиноятлар содир бўлганида янада яққолроқ кўзга ташланарди. Ефим Борисович бундай ҳолатларда нафақат етук шифокор-мутахассис, балки пешонасига ноҳақ равишда тўқиб чиқарилган руҳий хасталик тамғаси босилиб, қаттиқ жазо берилишини кутаётган шахс ҳимоясида пўлат қалқон бўлиб тура оларди. У инсон шахсиятининг топталиб, қадрсизликка, унга нисбатан қилинган ҳар қандай ноҳақлик, адолатсизликка сира тап тортмай курашиш зарурлигини шогирдлари қатори менга ҳам уқдириб, ўзининг кўп йиллик ҳаётий тажрибалари билан ўртоқлашарди.

— «Инсон номи буюқдир ва мағрур жаранглайди!» деб бекорга айтилмаган, — деган эди у сұхбатларимизнинг бирида. — Инсон шундай құдратли күчтегі әгаки, уни түғри тарбиялаб, йұналтирилса, тоғни ҳам талқон қилиб, ҳар қандай түсіктерні ииқитади. Үнга нисбатан озгина ноңақлық, бефарқыллық, хиёнат қилинса борми, руҳий қолатидаги кескін ўзғаришлар туфайли ундан ҳар қандай күнгілсиз воқеаларни кутиш мүмкін. Инсонга ёшиліктан яхши тарбия бериш, ишониш, уни чинакам севиши, қадрлаш лозим. Мен бунга айниқса уруш йилларида, бутун ҳаётим давомида қаттық ишонч ҳосил қылғанман.

Бундан деярли йигирма беш йил илгари уннинг эсдалик учун менға тақдим эттан жонсиз тасвирига тикилар әкемман, у билан боғлиқ барча воқеа-ходисалар хаёлимдан бирма-бир ўтиб, қайта жонланғандек бўлади.

Узоқ йиллик ҳарбий ҳаётим давомида менға чинакам устозлик, мураббийлик қылған Ефим Борисович Кагандек инсонлар хотирасини чукур ҳурмат билан ёдга оламан. Ҳаёт йўлларимда шундай устоз, мураббий танлашда янглишмаганимдан бениҳоя фахрланаман.

### САФАРБАРЛИК САЁХАТ ЭМАС

1967–1969 йилларда госпиталдаги кундалик фаолиятимиздан ташқари, Санкт-Петербург шаҳридаги ҳарбий-тиббий академия режаси, лойиҳаси бўйича катта миқёсда илмий-назарий ишлар билан ҳам машғул бўлардик. Беш-олти киши, турли касб згаларидан ташкил топган махсус гурӯҳ ҳар йили иккі-уч ҳафта, бальзан бир ой мобайнинда хизмат сафарига чиқардик. Сафаримизнинг йўналиши ва жўрофияси ниҳоятда кенг бўлиб, Ўрта Осиё республикалари, яъни Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркманистон, шунингдек, Қозоғистон, аниқроғи, Узоқ Помир төғ тизмаларидан Туркманистоннинг энг чеккасидаги Кушка, Небиттоғ, Красноводск шаҳарларигача бўлган бепоён ҳудудни ўз ичига оларди. Биз неча кунлаб поезд, катта-кичик машиналарда, об-ҳавонинг ноқулай шароитларида узоқ ва мاشаққатли йўл босиб, не ҳасратда тегишли манзилга етиб борардик. Ётибтуришимиз, еб-ичишимиз ҳаминқадар эди.

Асосий вазифамиз — ўлкамизга хос иссиқ иқлим шароитида, турли иқлим, жўрофий кенгликларда ўзларига ишониб топширилган замонавий ҳимоя воситалари билан ишилаётган посбонларимиз сиҳат-саломатлигини динамик равишда тиббий текширувдан ўтказиш, тўпланган материалларни умумлаштириш, юқо-

рига узатиш, жүннатиш эди. Табиийки, бу тайёр материаллар асосида ўнлаб, юзлаб олимлар долзарб мавзуларда ўзларининг номзодлик, докторлик ишларини амалга оширишар, мақолалар ёзишар, илм-фан ривожига улкан ҳисса қўшишар эди. Не машақ-қат, заҳматлар билан ҳамма ишни ипидан-игнасигача ниҳоясига етказган бизга ўхшаган текин ишчи кучлари оғзимиздаги оши-мизни олдириб, чапагимизни чалиб қолаверардик. Чунки бу давлат миқёсидаги катта ишлар маҳфий ҳисобланарди.

Ниҳоят, сафаримиз қаригач, чарчаб-ҳориб, озиб-тўзиб орти-мизга қайтардик. Шундай узоқ давом этган сафаримиз 1968 йил-нинг июнь-июль ойларида бўлди. Шанба куни пешиндан кейин поездда Тошкент темир йўл шоҳbekatiga келдик. Гуруҳимиз раҳбари бизга миннатдорчилик билдириб, деди:

— Мен ҳозир госпиталга бориб, қўлимдаги ҳужжатларни маҳфийхонага топшираман. Қўмондонликка сафардан эсон-омон қайтганимиз ҳақида аҳборот бераман. Сизларга жавоб. Бугун-эрта оиласигиз даврасида дам олиб, душанба куни одатдагидек ўз хизмат жойингизда ҳозиру нозир бўласиз, маъқулми?

— Маъқул!

Душанба куни янги куч-ғайрат, яхши кайфият билан ишга келсан, қўлимга бир энлик хат топширишди. Уни очиб ўқидиму, нима қилишим, ўзимни қаерга қўйишимни билмай, лолу ҳайрон бўлиб қолдим. Кўлимдаги хатда шундай жумлалар ёзилган эди: «*Биз учун ниҳоятда азиз ва ҳурматли капитан Раҳмоновга! Сизнинг узоқ давом этган оғир ва машаққатли хизмат сафаридан шанба куни келганилгингизни тасодифан эшиштдим. Бўлимга бир келиб кетарсиз, деб Сизни умидворлик билан кутдим. Афусски, қаттиқ чарчаган экансиз шекилли, оиласигиз бағрида ҳордиқ чиқарашга жазм этибсиз, балли Сизга! Мен бугундан меҳнат таътилига чиқиб, Қора денгиз бўйига, дам олишга кетаяпман, вақтинча ўрнимга қолаяпсиз. Сиз асосан бўлимдаги тартиб-интизом, ҳўжалик ишлари билан шуғулланинг. Мен келгунимча бўлимни бошидан-охиригача яхшилаб косметик таъмирлашдан чиқаринг. Даволаш ишлари масаласида Ирина Ивановна Лозенко билан маслаҳатлашиб, ҳамкорликда ишланг. Ўзингизни ортиқча уринтирманг, чарчаб қолманг. Сизга чексиз ҳурмат, эҳтиром ила полковник Кузнецов».*

Бунақа аччик кесатик, ўринсиз зарда, кинояларга чидаб бўладими? Шундан кейин дилим қанчалик вайрон, кайфиятим хуфтон бўлгани, неча кунгача, ўнгимда ҳам, тушимда ҳам бу хатдаги заҳар-закқум сўзлар жон-жонимдан ўтиб, қўлим бирор ишга бормаганини изоҳлашга тилим лол эди. Аранг ўзимни қўлга

олдим. «Майли, нима бўлганда ҳам чидай, ҳамма оғирликни бўйнимга олай. Ҳар ҳолда ўз Ватаним, юртимда хизмат қилаяпманку! Агар у билан ўчакишиб қолсан, мени узоқ жойларга бадарга қилиши мумкин-ку!» деб ўз-ўзимга тасалли бердим.

Бошлиғимиз йўқлигига ҳамма ишлар рисоладагидек тинч, сип-силиқ ўтди. У таътилдан қайтгач, очиқ чехра, ёруғ юз билан кутиб олдик. Гўё ўртамиизда ҳеч қандай тушунмовчилик, гинахонлик бўлмагандай. Лекин кўнглимдаги ғашлик, дил оғрифи бирлаҳза ҳам мени тарк этмасди.

Орадан анча вақт ўтгач, бир куни иш вақтимиз тугаб қолишига озгина қолганида яқин бир қариндошимиз тўсатдан вафот этганилиги ҳақида қўнғироқ бўлиб қолди. Жаноза ўз уйларидан бўлиб, майитни намози асрга чиқаришар экан. Ноилож бошлиқдан рухсат сўрашга мажбур бўлдим. Бу илтимосим маъқул бўлмади шекилли, бироз оғринибми, ижирғанибми, шунга ўхшаш нохуш оҳантда жавоб берди. Эртаси куни ишга келсан, бошлиқ тўсатдан мендан сўради:

— Тинчликми? Бугун ҳеч ким ўлмадими, ишқилиб?

— Ҳозирча тинчлик! — дедим нима дейишими билмай, довдираф. Яна тишимни тишимга қўйдим. Юрагим ачишгандек, томоғимга бир нарса тиқилгандек бўлди.

— Бир гап бўлса айтарсиз, — деди у негадир истеҳзоли, майин жилмайиб.

— Хўп бўлади! — дедиму миямга гуп этиб урилган қон аъзойи баданимни қиздириб юборди. Аранг ўзимни босиб, ташқарига чиқдим, кундалик ишларим билан машғул бўлдим. Ўша-ўша орамизга яна совуқчилик тушди, ўртадаги ишонч, меҳр-муҳаббат, садоқат бора-бора кўтарила бошлади. Иш юзасидан бир-бири-мизни кўрмаслик, таплашмасликнинг сира иложи йўқ эди.

Мен асосий ёзув-чизувларимни битиргач, меҳнатта лаёқатли бемор-аскарларимиз билан бизга бириктирилган катта ҳудуддаги гулзорда ободончилик, саранжом-саришталик ишларига бошқошлиқ қиласдим. Шунга қарамай, бир куни бошлиқ менга янги топшириқ берди:

— Эртадан бошлаб, психиатрия бўлимига бориб ишлайсиз. Лекин бу ердаги ташкилий, хўжалик ишлари аввалгидек зимманизда қолади. Зарурат туфайли бирор ерга борадиган бўлсангиз, албатта мендан рухсат сўранг.

— Хўп бўлади.

Деярли олти ой мобайнода кундузи психиатрия бўлимида малака ошираман, кечки пайтларда ўз хўжалигимиздаги ишлар билан машғул бўламан. Шу тариқа, икки бошлиқнинг қошқовоғига қарайман, бирини кўрганимда қувониб, яйраб-яшнаб

кетаман, иккинчисига кўзим тушса, ич-ичимдан эзиламан, асабим бузилади, ғашим келади.

Менинг ўз ишим, эгаллаган соҳамга бўлган меҳр-муҳаббатим, садоқатим, муносабатимни юксак қадрлаган госпитал сардори полковник Александр Фёдорович Гусаков мени 1970 йилда Санкт-Петербургдаги ҳарбий-тиббий академиянинг икки йиллик факультети режасига киритди, тегишли ҳужжатларим у ерга юборилди. Бу борада психиатрия бўлими бошлиги полковник Ефим Борисович Каганнинг ташаббуси, тавсияси борлигини кейинроқ билдим. Лекин менга берилган хизмат тавсифномасини албатта неврология бўлими бошлиги полковник Кузнецов ёзганлиги ҳақиқат эди.

Мен ўқишига кетиш тараффудига тушиб, аввалгидан ҳам яхшироқ хизмат қилишга ўзимни сафарбар қилдим. Лекин минг афсуски, йил ўртасига келиб, ҳалқаро вазият, госпиталимиздаги одатий, йиллар давомида шаклланган тартиб-интизом, тинчлик, хотиржамлик ўзгарди. Кўмондонлик таркиби янгиланди. «Янги супурги янгича супурар», дейишганидек, бу ҳолат ходимларнинг ўзаро муносабатларида ҳам яқъол сезила бошлади.

Юқори лавозимни эгаллаган Оқбоев шу пайтгача нозик дилини ўртаб, ғаш қилиб келаётган оғир дард, изтироб аламидан кутулиш пайига тушди. У биринчи кунданоқ, йўл четидаги деворчалару дов-дараҳтларни ярим белигача оқлашни бекор қилди, уларни бутунлай ўчириш, қириб, ювиб ташлашга киришди. Недурки, бу ҳолат унинг иззат-нафсига қаттиқ тегар, ҳар қадамда Оқбоев эканлигини эслатар, уни ҳақорат қилгандек туюлар, жароҳатини янгилар, тирнар экан.

Иккинчиси, янги сардоримиз навбатдаги офицерлар йиғилишини ўтказар экан, ҳамманинг диққат-эътиборини бир муҳим нарса, яъни юқори, нуфузли ташкилот, идораларга расмий ҳужжат тайёрлаш одоби, маданияти, масъулиятига қаратди. Мисол тариқасида яқинда Санкт-Петербургдаги ҳарбий-тиббий академиядан қайтариб юборилган менинг ҳужжатларимдан бир парчани ўқиб эшилтирди. Менга ёзилган хизмат тавсифномасида тахминан шундай жумла бор экан: «*Капитан Раҳмонов одобли, зеҳли, маданиятили, штоаткор, изланувчан, илм-фанга тиришқоқ, ҳушёр, сезгир. Лекин унинг бир камчилиги борки, аксарият йиғилишларда ухлаб, мудраб ўлтиради*». Мана, бунинг тагига қизил чизиқ тортиб қўйилган! Бу қанақа бемаънилик? Ким бу ҳужжатни тайёрладио, ким уни бутунлай ўқимай, шартта имзо чекиб, муҳрини босди? Шунаقا ҳам шармандалик, масъулиятсизлик бўладими? Шуми бизнини ёш, иқтидорли мугахассисларга муносабатимиз? Фақат мана шу бир оғиз, арзимас камчилик учун капитан Раҳмонов

академияга қабул қилинмади, афсус! Энди унинг ҳужжатларини келаси йилга яхшилаб тайёрлаш, жўнатиш керак!»

Бундай жиддий танқидий гап-сўздан кейин ким нима холоса чиқарди-ю, ким қон қақшаб, йиглади, бағрини тиғлади, ёғиз Аллоҳга маълум эди. Аммо, ҳаёт ўз йўлида тинимсиз давом этарди. Одамларни эса, кутилмаган воқеа-ҳодиса, тасодифлар кутарди. Шундай бўлди ҳам. 1970 йилнинг декабрь ойи бошларида узоқ давом этган оғир хасталикдан сўнг азиз ва меҳрибон қайнонам вафот этдилар. Бу машъум хабар менинг ишдалигимда маълум бўлди. Кичик божам мени олиб кетиш учун атайнин ишхонамга машинада келибди. Яна бошимни эгиб, менга бир кунга жавоб беришларини сўраб, полковник Кузнецов ҳузурига бордим, вазиятни тушунтирдим. У яна истеҳзоли жилмайиб, менга чукур ҳамдардлик билдиргандек бўлди:

— Сизга жуда қийин бўлди-да, Искандар Рафиқович! Негадир кейинги пайтларда кўп қариндошларингиз ҳаётдан кўз юмишмоқда. Бунақада яқин орада уларнинг кўпчилигидан айрилиб қолмасангиз, деган ташвишдаман. Шунинг учун улардан бироз узокроқда яшасангиз яхши бўлармиди?

- Масалан, қаерда?
- Дейлик, Марида!
- Э, менга деса, ундан ҳам нарига юборишларига мингданминг розиман!
- Шунақами?
- Шунақа!

Мен жаҳл билан бошлиқ хонасидан чиқдиму, шу кетганимча бўйлимга бошқа қадам босмадим. Лекин бу манзилда ичган тузон, сув ҳурмати уни юрагимдан сира чиқармасликка аҳд қилдим.

Билишимча, ўша куни мени Туркманистон Республикасининг қадимий ва тарихий Мари шаҳридаги гарнizon госпитали неврология бўлими бошлиғи лавозимга тайинлаш ҳақида Туркистон ҳарбий округи Кўмондони буйруғи лойиҳаси тайёрланган экан.

«Ўз туғилиб ўсган она маконимда яшаб, хизмат қила туриб, яқин қариндош-уругларим дардига малҳам, ҳамдард, ҳамдам бўла олмасам, ким бўлдим? Бу ёғини пешонамдан кўрдим», деб узоқ юртга бош олиб кетдим.

Хайр, дўстлар, эрта кетгум Мариға,  
Эл буюrsa, балки ундан нарига!  
Фақат мендан рози бўлгин эй, Ватан,  
Қайда бўлмай сенга фидо жону тан!

## КАТТАХОНОВНИНГ «КАТТА»ЛИГИ, ЎЗГАЛАРНИНГ «ЛАТТА»ЛИГИ

1968 йилнинг иккинчи ярмида қаторимиизга ёш, янги мутахассислар келиб қўшилди. Улардан бири, эндигина Саратов тиббий-ҳарбий академиясини тутатган лейтенант Каттахонов эди. Унинг баҳтини қаранг, ҳарбий хизматнинг энг оғир ва машаққатли ўчоғи — бошланғич поғонаси тузини яламай, сувини ичмай, томдан тушган тарашадек, етти ухлаб тушига ҳам кирмаган осмону фалакка, жаннатмаконга тушиб қолса-я!

Ахир, унда на ҳаётий тажриба, на бирор аниқ соҳа бўйича етарли тайёргарлик, кўникма йўқ эди-да. Унда фақат куни кеча олган ҳарбий-тиббий академия гувоҳномаси бор эди, холос.

Очигини айтгандা, не-не ҳарбий шифокорлар бу ерда ишлиш учун неча йиллар орзу қилишган, лекин мақсадларига эриша олмай, бир умр афсус, армонда ўтишган. Эндигина йигирма бешга кирган, ўрта бўйли, озғингина, қош-қўзлари қоп-қора, жингалак соч бу йигитнинг 340-ҳарбий госпиталь руҳий касалликлар бўлими ординатори лавозимига тайинланиши кўпчиликни ажаблантирди. Сабаби, унинг саводи, савияси, ички ва ташқи маданияти, юриш-туриши, гап-сўзи негадир ғалатироқ, юзакироқ эдими-еј. У ўзидан ёши, унвони катталар билан гаплашганида ҳеч тортинмай қўзларини олайтириб, икки қўлини дам-бадам пахса қилиб, худди рингда олишаётган боксёрлардек, сұхбатдошининг даҳани, бурни остига яқинлаштиради. Бунинг устига қаттиқ-қаттиқ, икки гап орасида сўкиниб ҳам гапиради. Бу кўпчиликка ёқмасди, албатта.

Шунинг учун бўлса керак, бўлим бошлиғи атрофидаги етук мутахассислар унинг руҳий хасталикка чалинган беморлар билан яқиндан шуғулланишига норози эдилар. Ундан фақат ҳозирча, госпиталь бўйича навбатчи офицер сифатида фойдаланиб турини маъқул кўришиди. Бундай имкониятни қўлдан бой бермаган лейтенант Каттахонов ишга хоҳлаган пайтида келиб-кетарди. Кунда, кунора «Эрталаб ёш чақалоқларимга сут олиш учун навбатда турдим», деган баҳона билан ишга кечикиб келарди, ёки соат ўн икки атрофларида ҳаммадан олдин отланиб, «Болаларими ни овқатлантириш вақти бўлди, хотинимга ёрдамлашишим зарур», деб шу кетганича қуённинг расмини чизарди. Унинг қўли бироз ишга, ёзув-чизувга ўргансин, ҳеч бўлмаса, янги келган беморлар билан яқиндан танишиб, сұхбатлашиб, уларнинг касаллик тарихини аввал алоҳида бир қофозга ёзсин, унинг кам-кўсти тўлдирилгач, нусхасини оқقا кўчириб ёзар, деган мақсадда

берилган топшириқларни ҳам юзаки бажаарди. Унинг пала-партиш ёзувидаги оддий ва қўпол хатоликлар, фикрлаш доирасидаги саёзликни кўрган бўлим бошлигининг асаби бузилиб, тепа сочи тикка бўларди. У ёрдамчи келди, деб бир сўйинса, қайтанга иш, ташвиши ортганидан жигибийрон бўларди. «Қип-қизил фалва, ортиқча юклама бўлди, бу барака топкур, лейтенант Каттахонов», дейишарди бўлимдагилар. Чунки унинг ўзи узлуксиз назорат, ёрдам, маслаҳатга муҳтоҷ эди-да.

Ўзаро суҳбатларимиз чоғида Каттахоновнинг ўз оғзидан эшитганим шуки, академияни тугатгач, тақсимот бўйича уни Қозоғистон ҳудудидаги Отар деган манзилдаги ҳарбий қисмга юборишган. Белгиланган манзилга ҳомиладор аёли билан келган Каттахонов қарайдики, бу ернинг об-ҳавоси ниҳоятда иссиқ ва қуруқ, сув таъминоти чатоқ, яшаш шароити нокулай. Шунинг учун унинг чапақай жаҳли чиқиб, ҳеч кимдан маслаҳат, рухсат олмай, шартта нарсаларини йиғиштириб, поездга ўлтириб, тўппа-тўғри Тошкентга келади, узундан-узоқ ариза билан Марказқўмга мурожаат қиласди. Унинг хати Туркистон ҳарбий округи Кўмондон-лигига юборилади. Орадан уч-тўрт кун ўтгач, аризадаги масала билан Округ ҳарбий-тиббий бошқармасининг бошлиги шахсан ўзи шуғулланади. Ўзаро суҳбат пайтида лейтенант Каттахонов ўз сўзи, қарорида қатъий туриб олади:

«Мен фақат Тошкент шаҳрида хизмат қиласман. Хотиним ҳомиладор. Агар унга ёки тугилажак зурриёдимга бирор кор-ҳол бўладиган бўлса, устинтиздан Москвага ёзаман. Бүёгининг нима билан тугаши ўзингизга маълум», дейди. Бундан чуқур ўйланиб, саросимага тушган бошлиқ муомаласини бироз ўзгартиради.

— Ўзи қаерда ишламоқчисан? Бирор аниқ танлаган соҳанг борми?

— Менга барибир, Тошкентда қолсам бўлди, — дейди Каттахонов.

— Унда психиатр бўлиб ишлашга розимисан? — деб сўрайди бошлиқ маъноли қараб.

— Одамлар нима деркин? «Каттахонов келиб-келиб, жиннихонада ишлайтими? — дейинишмайдими?»

— Э, кимнинг ким билан иши бор! Сенга тинчроқ жой бўлса бўлди-да! Бунинг ўзига яраша имтиёзли томонлари бор. Кейин бу соҳада миллий кадрлар етишмайди. Қарабсанки, қисқа фурсат етук мутахассис бўласан. Балки бирор илмий иш билан ҳам шуғулланарсан?

Ўйлаб кўрса, бошлиқнинг гапида жон бор. Жим бўлиб қолади.

— Сукут — розилик аломати! Бўлмаса, Сизни шу бугундан бошлаб, Округ ҳарбий госпитали руҳий хасталиклар бўлими ординатори лавозимига тайинлайман. Фақат яхши ишланг, мени уялтириб қўйманг! — дейди бошлиқ негадир уни сизлаб, елкасига кўлини қўйиб, хонасидан кузатаркан.

Буни қарангки, омади чопган Каттахоновнинг хотини бир эмас, эгизак — икки нафар қўчқордек ўғил туғиб беради. Худо бандасига кўш қўллаб берар экан-да.

Бундан кейин лейтенант Каттахоновнинг иши, ташвиши яна кўпаяди. У ўзидан катта, қориндор портфели ичини бўшнаб қолган сут, қатиқ идишлари, рўзгорга керакли нарсалар билан тўлдириб, виқор билан у ёқдан-бу ёққа юра бошлайди, бошини қашлайди. Отнинг калласидек ариза ёзиб, ёнига икки чақалоқнинг туғилиш гувоҳномасидан нусха илова қилиб, яна Марказқўмга боради. Бу сафар унинг хатини Округ уй-жой билан таъминлаш бошқармасига юборишади. Бу ерда ҳам унинг ошиғи олчи туриб, шаҳар марказидаги юқори мартабали офицерлар яшайдиган маҳсус жойдан икки хонали уй беришади. Аслида бу жойда икки хонадон яшashi лозимлиги туфайли ҳозирча бўш турган қўшни хона эшиги вақтинча қулфланиб, тирқишига қофоз ёпиширилиб, устига сурғуч суртилади, муҳр босилади. Умумий ошхона, ваннахона ва ҳожатхона Каттахоновлар оиласига етарли бўлгани билан икки хонада тўрт киши сиқилиб қолишади. Шу сабабли лейтенант Каттахонов ҳеч иккilanmasdan қўшни эшик қулфини очиб, кечки пайтларда болалари билан бемалол тўп тепа бошлайди. Бундан хабар топган уй-жой бошқармаси ходимлари қўшни хона эшигини аввалгидай муҳрлашади. Аммо кечки пайтлари яна эшик очилади, тўп ўйини бошланади. Хуллас, бу машмаша анчагача давом этади.

Бир куни Марказдан Тошкентга ишга келган мансабдор шахсни қулай уй-жой билан таъминлаш муаммоси кўндаланг бўлади. Шунда лейтенант Каттахонов оиласини бошқа манзилга кўчириш зарурати туғилади. Лекин уй эгаси бунга ҳадеганда рози бўлавермайди. «Менга тўрт хонали уй берсанглар, шу бугуноқ кўчиб кетаман», деб айтган гапида қаттиқ туриб олади. Ноиложликдан бунга рози бўлишади. Неча йиллардан бери уй-жой масаласида навбат кутиб ётган минглаб одамлар қолиб, икки болали, ёш мутахассис кенг ва қулай уй-жой билан таъминланади. Маза-маза лейтенант Каттахоновга бўлади. Энди Каттахонов тинчгина хизмат қилиб, эл-юрт олдидаги бурчини тузукроқ оқлайди, деб ўйларсиз? Йўқ, албатта!

Лейтенант Каттахонов навбатчилик қилаётганида унинг хонасига кирган полковник унвонидаги госпитал сардори муовини топшириқ беради:

— Ўртоқ лейтенант!

— Эшитаман, ўртоқ полковник! — дейди Каттахонов кўзини берилиб ўқиётган китоб саҳифасидан узмай.

— Аввало, мен билан гаплашёйттанингизда ҳурмат юзасидан ўрнингиздан туринг, ўртоқ лейтенант!

— Узр, ўртоқ полковник! Бошқа қайтарилмайди.

— Иккинчиси, ярим соат ичидаги бу ерга Бош штабдан бир генерал келиши кутилмоқда. Уни дарвоза олдида кутиб олингда, бу ҳақда менга дарров хабар беринг. Тушунарлими?

— Есть, ўртоқ полковник!

Шундан кейин Сардор муовини хотиржам бўлиб, ўз хонаси томон йўл олади, навбатчи Каттахонов эса, яна китобини очиб, унинг қизиқ жойини ўқишида давом этади. Бу орада госпиталга иш юзасидан ташриф буюрган генерал ўзи келади-ю, ўзи кетади. Уни кўнгил учун ҳеч ким кутиб олмайди, кузатиб ҳам кўймайди. Бундан хабар топган Сардор муовини жаҳд билан югуриб навбатчи хонасига кирса, яна бояги аҳвол!

— Ўртоқ лейтенант!

— Лаббай, ўртоқ полковник!

— Боя мен сизга қандай топшириқ берган эдим?

— Топшириқ? Қанақа топшириқ! Ўлай агар, буни биринчи марта эшитишим, ўртоқ полковник!

— Ҳе, ўша, ўртоқ полковник деган... Кир олдимга, сен билан бир гаплашиб кўяй! — дейди ўшқириб Сардор муовини шахдам қадамлар билан ўз хонаси томон юаркан.

Унинг ортидан югуриб борган лейтенант Каттахонов Сардор муовини оғзидан оқ ит кириб, қора ит чиқаётганига чидай олмайди. Қўлини аста ёнидаги чарм филоф ичидаги совуқ тўўпончага узатади.

— Нима дедингиз, ўртоқ полковник! — дейди у бутун вужуди қалтираб. — Илтимос, бояги сўзингизни яна бир марта қайтарсангиз!

Кейин қўлидаги тўўпончалиги оғзини Сардор муовини пешонасига тўғрилайди. Бундан қўрқиб, ранги-рўйи оқариб, кўкариб кетган Сардор муовини лейтенант Каттахоновдан ўтиниб узр сўрайди, уни шу заҳотиёқ навбатчиликдан озод қиласди. Бу нохуш воқеа ҳақида Округ ҳарбий-тиббий бошқармаси бошлиғига шошилинч хабар беради.

— Бизга ўзи кимни юборган эдингиз? Бу қип-қизил...  
— Мен ҳам унинг шунақалигини аввалдан сезган эдим. Энди бўлар иш бўлибди. Хайрият, азиз жонингизга шикаст етмабди. кўрқув билан кутулибсиз! Бундан бадтари ҳам бўлиши мумкин эди, Худо бир асрабди. Энди гап бундай: Ёнигиқ қозон ёнигиқ. Туя кўрдингми, йўқ! Тезда зарурий ҳужжатларни тўғрилаб, уни ўзи ишлаётган бўлимга ётқизинглар, ҳарбий-тиббий ҳайъат қарорига мувофиқ, руҳий бемор сифатида армиядан бўшатиб юборинглар!

Кейин Каттахоновни тиббий текширув жараёнида шу нарса маълум бўлди, у бўлимда ётган пайтида кечаси каравот устига чиқиб, хўроz бўлиб қичқирад, ҳеч кимга тинчлик бермас экан. Бундан ташқари, калла суюги рентген текширувидан ўтказилганда, боши пўла қовундай эканлиги, унда туфма етишмовчилик борлиги аниқланибди. Мана, Сизга Каттахоновнинг саргузаштлари ва унинг оқибатлари!

Менинг фикри ожизимча: «Жиннини жинни деса, арпа бўйи ўсади», деган доно мақол бор. Шунга кўра, дунёдаги бирор одам ҳеч бир замонда, ҳеч қачон ўзини аҳмоқ, ақлдан озган, телба, савдои деб ҳисобламайди, буни ўзига нисбатан ҳақоратдай оғир қабул қиласи. Шунинг учун ҳар бир одамнинг, кўнгли нозик, феъл-автори ўзига хос, ўзига мосдир. Гарчи у учига чиққан аҳмоқ, эсини еган галварс бўлса-да, ҳеч ким унинг афти-башарасига ҳақиқий исми, қиёфасини рўй-рост айтмайди, сенсирамай, «сиз-сиз»лади, пешонасини силайди, астойдил иззат-хурмат қиласи.

Зеро, у ҳам Яратганинг бир сенимли бандаси. Дунёга умид билан келган, пешонасига ёзилган тақдиринга тан бериб, сочилган ризқу насибасини териб, бола-чақа орттиради, ҳаётда ўрнини топишга баҳоли қурдат ҳаракат қиласи.

Шунга ўхшаб, бизнинг лавҳамиз қаҳрамони Каттахонов ҳам аслида туфма ногирон, боши пўла бўлишиига қарамай, мураккаб ҳаёт кемасида мослашиб, кўниқмалар олиб, улғайиб, катта бўлган. Ўрта мактабни тутгатгач, олий ҳарбий-тиббий академияда таълим олган, ўзига муносиб иш, жой излаган. Бунинг нимаси ёмон! Ахир балиқ ҳам ўзига серсув макон, одам эса, яшashi учун ҳар томонлама қулай, тинч, хотиржам жой излайди-ку! Қолаверса, қурбақани босса ҳам вақ этади.

Энг муҳими, ҳаётда, ўз шахсий манфаати йўлида ҳеч ким ва ҳеч нарсадан тап тортмайдиган, инсоний фурури, ҳақ-хуқуқини яхши билган, тушунган, ор-номусини оёқ ости қилмай, юксак қадрлай оладиган бу «садда муғомбир» ўз қилмиши, хатти-

ҳаракатлари билан ўша зўравонлик, адолатсизлик даври сиёсати қули, қурбони бўлган юзлаб, минглаб одамлар кўзини ярқ этиб очган жасоратли зот ҳам эди, дейишга тўлиқ асосимиз бор. Ўша таҳликали лаҳзаларда унинг вужуди бирдан «портлаб» кетса борми, ўзининг ҳам, бошқаларнинг ҳам бошига катта ташвиш, кулфат келтириши аниқ эди-ку! Ўзандада уни ҳам, бошқаларни ҳам Аллоҳ асрагани ҳақиқат.

Афсуски, Каттахоновнинг исми жисмига мослиги, унинг «Кичкина деманг бизни, кўтариб урамиз сизни» қабилидаги «катта»лиги олдида тўрт мучаси соғ бошқа одамларнинг бундай ҳолатларга умуман бефарқлиги, лоқайдлиги, аниқроғи, ланжлиги, «латта»лиги асло кечирилмас айб; гуноҳ эди, назаримда. Яна билмадим. Бу менинг шахсий фикрим, мулоҳазам. Янглишган бўлсан, Аллоҳнинг ўзи кечирсин, «Беайб — Парвардигор», дейди машойихларимиз.

### САЛОМ МАРИ!

Ҳарбийлар орасида ярим ҳазил, ярим чин маънода бир гап юради: «В ТуркВО есть три дыры: Кушка, Термез и Мары. — Яъни Туркистан ҳарбий округининг учта ёпилмаган эшигитешиги бордир. Бу Кушка, Термиз, Маридир». Бошқача айтганда, кимки ҳарбий ходим бўла туриб, ўзига хос бу жойларнинг шўр тузини яламабди, тахир сувларини ичмабди, қум-тўзонли бўронлари, шамоллари ичида юрмабди, жазирама иссиқларida пишмабди, ёнмабди, оламга келмабди, у ҳақиқий ҳарбий, ҳарбийлар тоифасидан эмасдир. Бу ҳалқона, ҳаётий иборада жон бор, албатта. Шу муносабат билан бир вақтлар илҳомим жўшиб, «Туркманистонга» деган шеър ёзганим ёдимга тушди:

Салом сенга, эй, қардош диёр,  
Сени севиб, кўргали келдим.  
Қучорингда азиз дўсту ёр  
Бирла яшаб, тургали келдим.

Қўшиқларим тошиб дилимдан,  
Олиб салом ўзбек элимдан,  
Богимдаги олмам, гулимдан,  
Сен қардошга бергали келдим.

Дўст тутиниб ўғил-қизинг-ла,  
Қуёш каби иссиқ юзинг-ла,

Менга тутган ош-нон, тузинг-ла,  
Сұхбати соз құргали келдим.

Бош әгаман Маҳтумқулиға,  
Назм бөғін асил гулиға,  
Рахмат айтиб сен ҳур әлиға,  
Түйіб шарбат сұргали келдим.

Қилиб фило, жоним, кучимни,  
Үтай дея сенда бурчимни,  
Метин сафда турғали келдим,  
Ёвлар келса, ургали келдим!

Дарxaқиқат, мен бу қадимий ва тарихий шaχap, жанубий чегарамиз қалқони ва посбони Мары қальясига дил амрим билан ёниб, жүшиб-тошиб, учеб келдим. Чунки бу ерда күпдан бери таниш бүлган дүст-қадрдон, ҳамкасб, ҳамюртларим: Марат Ёрмухамедов, Мирисмат Мирахмедов, Абдужаббор Абдурашидов, Ота Расулов, Ражаб Офаев, Анатолий Пискунов, Николай Амбарцумов ва бошқалар ойлалари билан яшаб, хизмат қилишарди. Бу ердаги гарнizon госпиталида бир неча йиллар ишлаган тажрибали невропатолог Николай Жигунов бетоблиги туфайли ҳарбий хизматдан бүшаб кетғанлығи боис, унинг ўrniga мен келган эдим. Маридек катта ҳарбий гарнizon госпиталининг бундай эңг зарур мутахассис, шифокорсиз қолиши мумкин эмас эди.

1971 йилнинг бошида мени ҳамкасб дүст-биродарларим құкоқларини кенг очиб, бағыларига олишди, улар билан бир оила аъзоларидек, аҳил, тотув ишлай бошладик. Неврология бүлими янги қурилған гиштин бинонинг иккинчи қаватида күз ҳамда қулоқ-бурун-томуқ (ЛОР) касаллуклари бүлимлари билан ёнма-ён жойлашған экан. Бу ердаги катта-кичик ҳамкасбларим мени биринчи кунданоқ, бүлимга ажратылған хоналар, даволанаётған беморлар билан бирма-бир таништиришди. Диққатимни офицерлар хонасидаги бир беморнинг ўзига хос ётиб-туриши дарров ўзига тортди. У каравотини хонанинг ўртасига сурдириб, күндаланғига узала тушиб ётарди. Унинг гапи бүйича, ўн беш кеча-кундуздан бери, күпинча тиз чүкиб, каравотта суяниб ўлтирса ёки күндаланг ётса, бел оғриғи камаяр экан. Ҳожатға бориши анча қийинлашибди. Шунинг учун юзи, қовоқлари салқиб, оёқ-құллари шишған, умумий ахволи ўртача, аммо жиддий эди. Мен уни обдон тибий текширудан ўтказдым, касаллик

тарихи, умуртқа поғонасининг рентген тасвиirlари билан танишдим. Бемор бундан икки йил аввал парашютдан сакраётганида ерга қаттиқ зарб билан урилгани, думғазаси, бели шикастланғанлигини айтди. Шу маълумот менга етарли эди. Умуртқа поғонаси оралиғида юмшоқ ёстиқча вазифасини бажаридаган төгайдиск пластинкалар ўрнидан силжиб, асаб толалари эзилган, қон, лимфа суюқлиги айланиши бузилган. Белидаги қаттиқ оғриқ, тос аъзолари меърий фаолиятининг бузилиши, бемалол пешоб келмаслиги, оёқ мушакларининг таранглиги бўшашиб, озиб кетиши сабаби айнан шу сабабли эди. Лекин ўша төгайдиск-ларнинг қай даражада, олдингами, орқага силжиганини аниқлаш зарур. Агар у олд томонга силжиган бўлса, орқа мияни эзib, организмда модда алмашинувининг бузилиши туфайли кўнгилсиз ҳолатлар, ҳатто фалажликка ҳам олиб келиши муқаррар, шошилинч жарроҳлик усулини қўллашга тўғри келарди. Бунинг учун bemорни маҳсус тиббий текширувдан ўтказиш, яъни умуртқа поғонасининг бел қисмida, орқа мия бўшлиғидан суюқлик чиқариб, у ерга маълум миқдорда тўйинган ҳаво, кислород юбориш, сўнgra унинг қайси босқичда юқорига кўтарила олмай, тўхтаб қолгани блок, тўсиқ ҳосил қилганини аниқлаш зарур эди. Бу тиббий тилда «Пневмомиелография», яъни орқа мия бўшлиғига ҳаво юбориб, контрастлангандан сўнг ўша соҳанинг рентген тасвирини олишдир. Бу жуда нозик, мураккаб, ноёб текшириш, айни пайтда даволаш усули ҳам бўлиб, уни амалга ошириш ҳамма мутахассисларнинг қўлидан келмас эди. Мен бу усулни 340-ҳарбий госпиталда қилавериб, қўлим ҳам, кўзим ҳам пишиб кетгани учун ҳеч иккиланмасдан ишга дадил киришдим. Вақт ганимат, темирни қизигида босиш шарт эди. Текширув мен кутганимдан ҳам яхши, ижобий натижা берди. Беморнинг умуртқа поғонаси бел қисмida төгай дискнинг олд томонга силжигани, ШМОРЛъ (бел) чурраси борлиги тўлиқ исботланди. Энди bemорни комплекс усулда даволаш, аста-секин оёққа турғизиш қийин эмасди. Шундай қилдик ҳам.

Бу воқеадан сўнг жамоа ўртасида менга бўлған ишонч, иззатхурмат, эътибор яна ошди. Госпиталь яқинидаги ғиштли бинонинг биринчи қаватидан тўрт хонали, кент уй беришиди. Лекин бу уйда электр таъминотидан бошқа бирор қулайлик йўқ. Ичимлик суви катта ҳовли ўртасидаги яккаю ягона водопровод жўмрагидан олинар, ҳожатхона бу уйда яшовчи барча оиласлар учун умумий, ташқарида. Бундай турмуш тарзига бу ерда яшовчилар ўрганиб, кўпикиб кетишган. Лекин мендек катта пойтахтдан келган янги одам учун бу ҳолат негадир эриш туюлди. «Тоққа чиқмасант дўлона

қайда, жон койитмасанг жонона қайда», деганларидек, ишни уйни қайтадан жиддий таъмирлаш, у ерда яшаш учун озми-күп қуляйликлар яратишдан бошладим. Энг аввало, ўз шахсий ҳисобидан тегишли уста, мутахассислар ёллаб, битта катта хонани ошхона учун алоҳида ажратдим. Унинг бурчагига қўлювгич, душ, ванна, қурилмалари ўрнатдим. Уй ташқарисидан оқава сув йифилиб, ерга сингиб кетадиган чуқур ўра қазитдим. Кейин ҳовлидаги водопровод тармоғидан темир найдалар ётқизиш, уйга сув киргазиш ҳаракатига тушдим. Хонамизга телефон симлари тортиридим. Бундан ташқари, Тошкентдаги оила аъзоларим, ўғил-қизим шу пайтгача деворлари қайси рангга бўялган алоҳида хоналарда ётибтуриб, яшашган бўлишса, бу ерда ҳам худди ўзларини эмин-эркин ҳис қилишларини ният қилиб, ўшанақа қулай ҳолатга келтиридим. Ҳуллас, ўзимни оилас билан бу ерда узоқ йил яшаб хизмат қилишга маънан, руҳан, жисмонан тайёрладим. Бу ишларни амалга оширишим учун чамаси икки ой вақтим, кучим кетди.

Энди мўлжалдаги ҳамма ишлар битиб, оиласми кўчириб келиш пайида юрсан, рафиқам сариқ касаллигига чалиниб, шифохонага тушиб қолганлиги ҳақида хабар келди. Ноилож меҳнат таътилига чиқиб, Тошкентта келдим, болаларим бағрида бўлдим. Рафиқам эсон-омон тузалиб, бироз ўзига келгач, енгил-елпи кўч-кўронларимизни йиғишириб, Марига кўчиб келдик. Болаларимиз ўқув йилининг учинчи чорагидан янги мактабда ўқий бошлашди. Ҳаммамиз янги уй, шароитга аста-секин ўрганиб, мослаша боғладик.

Кези келганда, сал эртароқ ва нокамтаринлик бўлмаса-да, минг бор узр сўраб, шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, узлуксиз ҳарбий хизматим, кўчманчилик ҳаётимизда қаерда бўлмайин, энг аввало, бизга ажратилган уй-жойни тоза, покиза тутиш, у ерда ўзига хос қуляйликлар яратиш мақсадида яхшилаб таъмирдан чиқардим, лекин бу жойларда узоқ яшамадим, унинг роҳати, фароғатини бошқалар, мендан кейинги хонадон эгалари кўришди.

Иккинчиси, хизмат тақозоси билан яшаш манзилларимизнинг тез-тез ўзгариб туриши туфайли фарзандларимиз мавсумий, саёҳатчи қуашлардек, дам у ерда, дам бу ерда янги-янги, нотаниш одамлар даврасида ўқиб, вояга етишди. Улар қаерда бўлишмасин, ўз она тиллари, ўзбекона миллий урф-одатларимизга содик қолишиди, маҳаллий халқ тили, адабиёти, маданиятини ўрганиш, ҳурмат қилишга бажонидил ҳаракат қилишиди. Шунинг учун ҳам улар нафақат ўзбек, рус, балки туркман, қозоқ, инглиз, немис тилларини ҳам астайдил ўрганиб, полиглот, яъни кўп тилли байналминал, ҳақиқий

элсевар, фидойи инсоңлар бўлиб вояга етиши, ҳаётда ўз муносиб ўринларини топишда асло янглишишмади, тўғри қилишиди.

Рафиқам сариқ, касаллигининг оғир турини бошидан ўтказганлиги боис шифокор бўла туриб, вақтинча ишламас, аммо уйда баҳоли қудрат енгил парҳез таомлар тайёрлаш, болаларнинг ўқиши, тарбияси билан шуғулланарди. «Кемага тушганинг жони бир», дейишганидек, эртаю кеч еб-ичишимиз асосан ёғсиз гўшт, сут-қатиқ, сузма, творог, пишлөқ, турли кўқатлар, қизил сабзи, ошқовоқдан иборат эди.

Шуни алоҳида таъкидлашим жоизки, Туркманистон, биз истиқомат қўялаётган Мари шаҳри, айниқса, унинг оламга машҳур Текин бозорида нафақат туркмани отлар, гиламлар, қимматбаҳо тақинчоқлар, балки жондан бошқа ҳамма майдада-чўйдалар, шириндан-шакар мева-чевалар, тилни ёрадиган қовун-тарвузлар, қовоқнинг турли хиллари тўлиб-тошиб ётарди. Масалан, қовоқ ҳақида гапирсам, қозонсочик, мочалка ўрнида ишлатиладиган дастмол қовоқ. Ёки қучоқقا сифмайдиган, узун, яшалоқ, олтинранг, юмшоқ, майин ойимқовоқ, томоша қовоқ. Кўрсангиз ҳавасингиз келиб, беихтиёр қўлингизга оладиган ноксимон носқовоқ. Ёки масхараబозлар ниқоб сифатида юзига тугадиган бува қовоқ, қовоқ калла, қовоқ бош. Қолаверса, қовоқ қобигидан ясалған маҳсус сув қовоқ, кося қовоқ ва бошқалар. Хуллас, уйда ҳар куни эртаю кеч, қовоқли таом еябериб, кўнглимиз озиб, оғзимиз сув очиб, кучимиз қочиб, қовоқ-тумшуғимиз осиладиган ҳолатга келиб қолдик. Лекин уй бекасининг ҳурмати учун қош-қовоғимизни очиб юришга ҳаракат қиласардик, бу кўргиликка мажбуран чидардик.

Шундай қунларнинг бирида, Тошкентдан шошилинчнома келиб қолди. Унда менинг «Кўрсам қулоғим, кўрмасам ҳаммаёғим қизийдиган», қиёматли божаларим: Ҳамидулла ва Абдураҳмонхўжа акаларимнинг фалон куни, фалон самолётда Марига келишашётгани ҳақида хабар келган эди. Қаранг, меҳру оқибатнинг кучлилигини! Божаларим, қимматли вақтларини аямай, соғлиқларининг яхши эмаслигига қарамай, севимли қайнисингилнинг оғир бетобликдан тузалар-тузалмас, уйим-жойим деб, Марига кўчиб келгани, қолаверса, биз гариб, мусоғирлар ҳолидан хабар олишга келишаётганидан бошимиз осмонга етди, кўнглимиз тоғдек кўтарилди, кайфиятимиз янада чоф бўлди. Худо хоҳласа, энди улар билан қулинг ўргилсин паловхонтўра еб, ўзимизга келиб қоламиз, деб роса севиндик.

Мен белгиланган муддатда меҳмонларни кутиб олиш учун аэропортга чиқдим. Самолёт эсон-омон ерга қўнгач, кўзим тўрт бўлиб, ташқарига чиқаётган одамлар ичидан божаларимни

изладим. Бир маҳал қарасам, икки құлларидаги түрхалталарда бир эмас, бир неча катта-катта ош қовоқларни аранг күтариб, узун-қисқа бўлиб, лапанглаб божаларим келишарди. Уларни кўрдиму, негадир энсам қотгандек бўлди, кулишимни ҳам, йиғлашибимни ҳам билмай, жим туриб қолдим. Биз кучоқлашиб кўришидик. Лекин азалдан қаттиқ ҳазилкаш бўлганимиз туфайли дилимдаги ёниб турган ҳис-ҳаяжонимни улардан яшира олмадим:

— Эй, барака топкур, қовоқ бошлар, нима учун бошқа нарса қуриб қолгандек шундан шунга қовоқ күтариб юрибсизлар?

Улар худди шу гапни кутиб туришгандек, бир-бирларига маъноли қараашдию, бирдан хохолаб кулиб юбориши. Бунга мен ҳам кўшилдим.

— Мен сенга нима деган эдим, ҳожим? — деди кагта божам ташаббусни қўлига олиб, ҳамма айбни иккинчи божам зиммасига юклаб. — Шунинг ўрнига беш-олтита лочира, патир, бир-икки кило писта, бодом, майиз, туршак, бир-иккита қази-қарта олайлик демаганмидим?

— Деган эдингиз.

— Нега менинг гапимга кирмай, фақат қовоқ оламиз, деб икки оғангни бир этикка тиқиб, ўжарлик қилдинг?

— Ахир, хотинлар қўйишмади-да!

— Нега?

— Улар Шарофатхон бетоб бўлгани учун тансиқ парҳез таомлар, айниқса, қовоққа муҳтоҷ. У ерларда бунақа ноёб нарса топиладими, йўқми, — деб айтганларида туриб олишди-да!

— Э, хотинларнинг гапига кирмай, ҳар нарса бўлганинг яхши! Шу гавданг билан ҳалигача хотинингни чизган чизифидан чиқмай, қандай қилиб кўча-кўйда бош күтариб юрибсан?

— Унинг гапига кирмай бўларканми?

— Мана, оқибатини кўриб турибсан! Искандарнинг қошқовоғидан қор ёғилаяпти. Қўлимиздаги қовоқларга қараб, бизни калака қиласяпти-ку! Шунинг учун хотин кишининг гапига кирган эркак, фирт аҳмоқ, деб бир пас сукут сақлаб, ўйланиб қолдилар.

— Бўлмайди! — деди бунга жавобан қатъий оҳангда иккинчи божам, ўзида йўқ хурсанд бўлиб, эркаланиб, мағуруланиб.

— Нега бунақа деяпсан, ҳожим?

— Чунки биз бу ерга синглимизга атаб энг керакли нарса олиб келдик десам, сира янгишмайман!

— Вой, гапингни шамол учирсин! Самолёт Марига яқинлашиб, тезлигини пасайтириб, аэропорт устида айланәётганида пастдаги қизиқ манзарани кўрдингми ўзи?

— Йўқ! Бошим айланиб, кўзимни чирт юмиб олган эдим.

— Мен деразадан пастга қарасам, ичи қовоқ билан лик-лик тўлдирилган қатор-қатор юк машиналари, тиркамаларга кўзим тушди, ичимдан зил кетдим, дарров сени туртдим. Қара, бу ерда ҳаммаёқни қовоқ босиб ётибди-ку, биз Тошкентдан овора бўлиб, шунча қовоқ кўтариб юрибмиз аҳмоқ бўлиб, дедимми?

— Лекин мен ҳам ўша заҳоти бизнинг қовоқ бошқача, дедимми?

— Дединг!

— Бўпти-да! Унда менинг сира айбим йўқ!

Қараб турсам, икки божа ўртасидаги баҳс, тортишув тобора жиддийлашиб, хижолатбозликка айланиб кетяпти. Мен уларнинг бизга нисбатан кўрсатган меҳр-муҳаббати, шафқати, саховатига минг-минг тасаннолар айтиб, ҳазил аралаш гапга аралашдим.

— Тўғри! Аҳмоқнинг катта-кичиги бўлмаганидек, қовоқниң ҳам бир-биридан фарқи йўқ, акалар. Бири ойим қовоқ бўлса, бири нос қовоқ! Лекин уларни яхши ният билан шунча жойдан атайнин кўтариб келган икки божа, икки бош қовоқ, аҳмоқ... деб, сўзимда қисқа вақт пауза қилдим-да, — эмас, — деган иборани баланд овоз билан қўшиб қўйдим.

Бу гапдан кейин енгил машинамиз ичida тўсатдан бомба портлагандек беозор кулги, қаҳқаҳа, қийқириқ кўтарилди. Унинг акс-садоси божаларим уч кун мобайнида азиз меҳмонларимиз бўлишган бўлса, мавжланиб оқаётган Мурғоб дарёси бўйида, дастурхон даврасида қовоқ сомса, манти сяётган пайтимида, қолаверса, кейинчалик узоқ йиллар давомида «ҚО» ҳарфли қариндошларнинг тўй-ҳашамларида ҳам тез-тез янграб, жаранглаб турди. Мана, Сизга Марида амалга оширилган унутилмас «қовоқ» операцияси тарихи!

### ЖАЗИРАДА ЖИЗҒАНОҚ БЎЛИБ...

1971-1972 йилнинг баҳор ойларида гарнizonимизда катта миқёсда ўтказилган ҳарбий-дала машқларида ҳамкасларим қатори фаол иштирок этганим эвазига муддатидан илгари тиббий хизмат майори увонинга сазовор бўлдим, катта офицерлар сафига ўтдим.

Очиғи, Мариға кела солиб, ҳали ўз қобилиятим, салоҳиятимни жамоага кўрсатмасдан ҳужжатларимни Санкт-Петербург ҳарбий-тиббий академиясига юборишларини илтимос қилишга уялдим, виждоним йўл қўймади. Бунга тўлиқ асосим, ҳаққим бор эди. Чунки ўттиз беш ёшга қадам қўйиб, академияга

қабул қилиш талаби, муддати ниҳоясига етмоқда эди. Балки, аввал хизмат тавсифномамда ёзилганидек, «офицерлар йиғилишларида мудраб, ухлаб» ўлтиргмаганимда аллақачон академия тингловчисига айланиб, уни тугатиш шарафига мұяссар бұлармидим? Нима бұлганида ҳам тақдиримдан асло нолимадим, шукр қылдым, зиммамдаги бурчимни садоқат билан үтапта астайдил киришдим. Энг мұхими, жамоа, ён-атрофимиздаги ҳарбий-тиббий муассасалар, ҳамкасбларим иззат-хурмати, эъзози, ардоғида бўлдим.

1972 йилнинг бошидан уйимиз яқинидаги анчадан бери қаровсиз ётган уч қаватли офицерлар ётоқхонаси шошилинч равишда яхшигина таъмирланди, атрофи темир-бетон девор билан мустаҳкам қилиб ўралди. Билишимизыва, бу ерда собиқ иттифоқнинг ўша даврда ўтказаётган ҳалқаро сиёсатида социалистик йўналишга хайриҳоҳ бўлган Миср, Сурия, Ироқ, Афғонистондан олти ой муддатга амалий тажриба орттириш учун келадиган ҳарбий ходимлар, маслаҳатчилар яшashi керак эди. Бу мақсадда тез орада Мурғоб дарёси бўйида жойлашган ҳаво ҳужумларига қарши махсус қисм намунали ўкув марказига айлантирилди. Кўп ўтмай, қатъий режа бўйича бу ерга Тошкент Давлат университетининг шарқшунослик куллиётини тугатган, араб тили билимдонлари таржимон сифатида икки йиллик ҳарбий хизматга чақирилган бир гурӯҳ юртдошларимиз етиб келишди. Булар ичида: Мақсудали Ҳакимжонов, Баҳодир Қурбонов, Абдуллажон Исмоилов, Баҳром Худойбергенов, Топшумхаммад Ниёзов ва бошқалар бор эди. Биз уларнинг ёрдамила биринчи бўлиб тажриба орттиришга келган мисрлик ҳарбий мутахассисларни тиббий кўрикдан ўтказишга киришидик, ўзаро мулоқотларимиз учун зарур бўлган айрим сўз, ибора, атамаларни ён дафтарчамизга ёзиб олдик, иш жараёнимизда унумли фойдаландик. Аҳамият берсам, кўпгина араб-ўзбек сўзларида умумий яқинлик, ўхшашлик бор экан.

Ёдимда, 1972 йилнинг ёзи одатдагидан иссиқ келди. Шунга кўра, бизнинг иш тартибимиз ҳам ўзгартирилди. Яъни, расмий иш вақтимиз эрталаб соат еттидан кундузги ўн иккигача. Кечки соат бешга қадар уйимизда, соя-салқин жойда дам оламиз. Кечки соат еттигача хизмат жойимизда бўламиз. Ўша йили рўза айни ёзнинг жазирама кунларига тўғри келди. Ёруғ вақтнинг узунлиги, туннинг қисқалиги рўзадорлар учун анча қийинчиллик туғдиради. Лекин бу борада шаръий томондан айрим кекса ёшдаги одамлар, беморлар ва бошқаларга енгиллик, имтиёзлар берилишига қарамай, иймони бутун, эътиқоди мустаҳкам рўзадорлар барча қийинчилкларни мардонавор енгишар, сабр-тоқат қилишпарди.

Бир куни пешиндан кейин уйимизда телефон жириңглаб қолди. Гүшакни күттарсам, госпиталь қабулхонаси навбатчи ҳамшираси ёрдамга чақирайпти:

— Дүхтир! Ҳозир Текин бозоридан тез тиббий ёрдам машинасида бир ҳарбий арабни оғир ахволда келтиришди. У хушидан кетган. Тез-тез тутқаноқ тутаяпти!

Югуриб борсам, дарҳақиқат, тажриба орттиришга келган мисрлик ҳарбийлардан бири, баланд бўйли, бардам, бақувват, барваста йигит қоп-қора терга тушиб, беҳуш ётибди. Қон босими юқори. Кўз қорачиги кенгайиб, юқорига қадалган, ёруғликка ҳеч қандай акс-таъсир бермайди. Боши орқага ташланган, оғзи-бурни қон аралаш оқ кўпикка белантган. Жагини маҳкам беркитиб, дамбадам тишларини қаттиқ гичирлатади, тили, лабини тишлайди, инграйди, безовта бўлади. Юз, бадани, оёқ-қўлларидағи мушаклари тиришиб, тортишади, бутун вужудини безгак тутгандек қалтироқ босади. Бундай ҳолатда нафас олиши қийинлашиб, юзлари, лаблари кўкариб, қорайиб кетади. Тутқаноқ беш дақиқа атрофида давом этгач, нафас олиши бироз тикланади, беихтиёр ости ҳўл бўлади, булғанади.

Шу кузатишим, бу бемор эпилептик статус, яъни дам-бадам, қайта-қайта хуруж қилган тутқаноқ ҳолатига тушиб қолган дейишимга асос бўлди. Беморнинг ён атрофидаги ҳамроҳларидан сўраб-суриштирсам, у кун иссигида Текин бозорига бориб, айланиб юрганида тўсатдан овозининг борича қаттиқ бақириб, орқаси билан ерга турс этиб йиқилгани, хушини йўқотгани, оғзидан қон аралаш оқ кўпик чиқаргани, бутун вужуди тиришиб, тортишиб, қалтираганини айтишибди. Уларнинг айтишларича, bemor bugun rўzador экан. Менинг: «Бемор бирор дори-дармон ичармиди, йўқми?» деган саволимга аниқ жавоб беришмади. Лекин уларнинг гувоҳлигида bemornинг чўнтаклари, ҳамёни титкилаб текширилганида «Бензонал», яъни одатда тутқаноқ касаллигига қарши фойдаланиладиган, тинчлантирувчи, уйку дорининг қолдиқлари ўрами топилди. Бу ашёйий далил менинг тахминий ташхисимни тўлиқ тасдиқлади.

Жаҳон тиббиёт оламидаги илмий-назарий маълумотлар, ҳаётий, амалий кузатувлардан шу нарса яхши маълумки, тутқаноқ касаллигига чалинган bemorлар шифокор тавсиясига мувофиқ, ҳар куни бир-икки, баъзан уч маҳал, эрталаб, пешинда ёки кечқурун, уйқуга ётиш олдидан албатта мазкур дори ёки шунга ўхшаш дориларни узлуксиз, умрбод қабул қилишлари шарт ва мажбурий! Мабодо, вақт ўтгани сайин организм бу дорига ўрганиб, унинг таъсир кучи камайса ёхуд bemornинг ўзбошимчалиги, бефарқлиги

боис ўз вақтида қабул қилинмаса, дори ичиш вақтидаги оралиқ чүзилиб кетиши оқибатида қон таркибидаги концентрацияси камайиб кетса, шунингдек, ҳар куни бир неча марта қабул қилинадиган дорини қабул қилиш, бирданнiga тұхтатиб қўйилса, организмда исён, ғалаён кўтарилади, тенгсиз фалокат содир бўлади. Буни тиббий тилда «Синдром отмены», яъни узлуксиз қабул қилиниши лозим бўлган доривор воситанинг бирдан тұхтатиб қўйилишига қарши организмнинг бош кўтариши, қўзғалони, исёни белгиси дейилади.

Бундай таҳликали ҳолатларда беморлар ниҳоятда оғир ва ташвишли, баъзан ўлим билан тугайдиган нохуш оқибатларга дучор бўлишлари мумкин. Мана, бунинг ёрқин бир кўриниши кўз олдимизда ўзининг бутун бўй-басти, далили билан намоён бўлиб турибди.

Мазкур бемор, дейлик, Абдулҳамид Ҳасан Сулаймон Марига келмасидан анча олдин тутқаноқ касаллиги туфайли шифокор тавсиясига кўра, ёки бетоблигини яшириб, ўз ҳоҳишича, бемаслаҳат ҳар куни, маълум бир миқдорда «Бензонал» ичib юрган. Лекин рўза тутиши муносабати билан қатъий тартиб-қоида бўйича пешинда ичиши зарур бўлган дорини қабул қилмаган. Бу ҳолат бир неча кун давомида қайтарилган, ниҳоят, бугунги аянчли ҳолатта олиб келган. Бундай ҳолатларда беморнинг ҳаётى қил устида туради, ҳар лаҳзада нохуш воқеа содир бўлиши табиий ва қонуний ҳисобланади. Чунки унинг калла қопқофи ичидаги босим тобора ортиб, бош мияни сиқиб, ҳаётий марказлар фаолиятини ишдан чиқаради, минглаб, миллионлаб ҳужайралар ўла бошлайди.

Кисқаси, бундай ҳаёт-мамот ҳолатида амалиётдаги бошқа шошилинч чора-тадбирлар, хлорал гидратни крахмал билан аралаштириб ҳўқна қилиш, турли дори-дармонлар қўллашдан ташқари бирдан-бир, энг ишончли тезкор усул — умуртқа поғонасининг бел қисмидан махсус йўғон, мандренли пўлат игна ёрдамида канал-тешикча очиш, орқа мия бўшлиғидан маълум бир миқдорда, бўлиб-бўлиб суюқлик чиқариш, шу тариқа калла қопқофи ичидаги босимни пасайтириш, бош мияни сиқилиб, эзилиб қолишдан сақлаш, холос. Қолаверса бу канал — тешикча орқали маълум бир зарур, кучли доривор моддаларни орқа мия суюқлиги билан организмга тезроқ киритиш, бош мияни турли асоратлардан асраш-авайлаш, муҳофаза қилиш, беморни асл ҳолатига қайтариш, ҳаётини сақлаб қолиш.

Албаттга мен бу мураккаб ва ноёб усулни хорижий беморнинг яқинлари, хусусан, сардорлари рухсатисиз амалга ошира олмас эдим.

Бу күнгилсиз воқеадан хабар толған Бригада генерали бир неча ҳамроҳлари, таржимон билан ҳовлиқиб, ҳузуримга келишди. Уларга ҳозирги таҳликали аҳволдан чиқиш чора-тадбирларини ётиғи билан тушунтирдим.

— Худо ҳоҳласа, бемор яхши бўлиб кетади, — дедим сўзимни якунлаб.

— Худога ишонасизми? — деди генералнинг юзи-кўзи бирдан ёришиб.

— Албатта! Алҳамдулилло, мусулмонман!

— Буни нима билан исботлайсиз?

— Яккаю ягона Аллоҳнинг номи ва қаломи билан!

— Қани, ўқинг-чи!

— Ла илаҳа иллаллоҳу Мұҳаммадур расулуллоҳ. (Аллоҳдан ўзга бирор маъбути барҳақ йўқ. Мұҳаммад Аллоҳнинг элчисидир.) Ашҳаду алла илаҳа иллаллоҳу ва ашҳаду анна Мұҳаммадан абдуху ва расулуҳ. (Аллоҳдан ўзга ҳеч бир маъбути барҳақ йўқ деб (эътироф этаман) ва Мұҳаммад унинг бандаси, элчисидир деб гувоҳлик бераман.)

— Баракалла! Куръони карим оятларидан бирор сурани биласизми?

— Биламан, Марҳамат, эшитинг. Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм. Алҳамду лиллаҳи роббил-оламийн. Ар-раҳмонир роҳийм. Малики йавмид дийн. Ийяка наъбду ва ийяка настаъйин. Иҳдинас сиротал мустақийм. Сиротал лазийна анъамта алайҳим файрил мағзуби алайҳим ва лаз золийн. (Мехрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан: Барча мақтovлар бутун оламнинг парвардигори, Мехрибон, раҳмли ва жазо кунининг эгаси — Аллоҳга хосдир. Сенгагина сифинамиз ва Сендангина мадад тилаймиз. Бизларни шундай тўғри йўлга бошлигинки, у Сенинг неъматларингга эришганларнинг йўли бўлсин, Сенинг ғазабингга учраганлар ва адашганларнинг йўли бўлмасин.)

— Э, қойил! Офарин Сизга, табиби асаб! Биз беморимиз тақдирини аввало Худо, қолаверса, Сизга ишониб топширамиз! Аллоҳнинг ўзи сизларни паноҳида асрасин!

Бу самимий сұхбат, рухсат, ишончдан руҳланиб, дарров амалий ишга киришдим. Мұлжалланган муолажани амалга оширдим. Ўтказилган бу шошилинч тадбирдан сўнг, беморни безовта қилаётган тутқаноқ хуружи тўхтади, туни билан тўйиб ухлади, эс-хуши ўзига келди. Эртаси куни бемор билан ўзаро сұхбатимиз чоғида у ҳақиқатан ҳам бизнинг тахмин, фикр-мулоҳазаларимизни тўлиқ тасдиқлади. У учувчи бўлишига қарамай, тавакқал қилиб, касалини яшириб, ўзича дори ичib юрар экан.

Уни күргани келган Бригада генералига бу воқеани айтиб, беморни ҳарбий хизмат, айниңса, самолёт бошқаришдан озод этиш зарурлигини уқтиридим. Шундан кейин ҳаммамизнинг кўнглумиз жойига тушди.

Мен фурсатдан фойдаланиб, яна бир мураккаб текширув, даволаш усули ўтказилиши учун унинг розилигини олдим. Бу тиббий тилда «Пневмоэнцефалография», яъни орқа мия бўшлиғига тўйинган ҳаво, кислород юбориш орқали бош мия қоринчалари, цистерналар ва ўргимчак тўрисимон бўшлиқларининг қай ҳолатда, симметрик ёки асимметрик жойлашганлигини, бирор шиши, ўсимта бор-йўқлигини аниқлаш, қолаверса, контрастланган бош миянинг рентген сувратини олиш, ишончли, қатъий бир қарор хulosага келиш, деганидир. Бу усул ҳам муваффақиятли амалга оширилди, ортиқча, тахмин, фикр-мулоҳазаларга тамомила нуқта кўйилди.

Бу хорижий фуқаронинг оғир аҳволда госпиталга ётқизилганлиги ҳақида ТуркВОнинг ҳарбий-тиббий бошқармаси бошлиғига юборилган ахборотномага мувофиқ, яқинда Бош невропатолог лавозимига тайинланган (дарвоҷе, аввалги Бош мутахассис полковник Николай Дмитриевич Кузнецов тўсатдан оғир юрак инфаркти хуружи туфайли ўз хонасида вафот этган эди) подполковник Дмитрий Иванович Смешной биздан хабар олгани самолётда Марига учеб келди. Беморнинг аҳволи, бўлимдаги шароит билан яқиндан танишиб, хурсанд бўлди.

Мен аввалдан яхши билган бу одам шу пайтгача Ашхабоддаги гарнizon ҳарбий госпитали неврология бўлими бошлиғи лавозимида узоқ йиллар ишлаган, тиббиёт фанлари номзоди Туркистон ҳарбий округи 340-ҳарбий госпитали неврология бўлими катта ординатори лавозимига тайинланиб, энди янги иш жойига стиб келганида, аза устидан чиқиб, автоматик тарзда бўлим бошлиғи вазифасини бажаришга киришган эди.

Яхши ҳам мен собиқ Бош мутахассисимиз оламдан ўтганида фалокат босиб, Тошкентда бўлмаганим, акс ҳолда турли бўлмағур миши-минилар тарқаларди. Ҳар нима бўлганила ҳам собық бошлиғимиз ўз вақтида менга кўп яхшиликлар қилган, тегишли йўл-йўриқлар кўрсатган билимдон, тажрибали мутахассис эди. Лекин уни адойи тамом қилган нарса, ниҳоятда оғир феъли-автори, маҳаллий ходимларни ўстириш, тарбиялашга панжа орасидан қарashi, тирноқ ичидан кир қидириши, урф-одатларимизни менсимаслиги бўлди.

Подполковник Смешной билан қилган ўзаро суҳбатимиз чоғида мени яна ортимга қайтариш нияти борлигини очиқдан-очиқ айтди.

— Насиб этса, бирга ишлаймиз. Мен Сиздан кўп нарса ўрганишим керак. Ҳали-ҳали жамоадагилар Сизни тез-тез эслаб туришади, — деди кўнглимни кўтариб, аэропортда хайрлашар эканмиз.

Орадан кўп вақт ўтмай, 1972 йилнинг ноябрь ойи охирида менинг Туркистон ҳарбий округи 340-ҳарбий госпитали неврология бўлими катта ординатори лавозимига тайнинланганим тўғрисида Кўмондоннинг буйруғи эълон қилинди. Яшаб турган кенг ва озода, оҳори тўқилмаган уйимиз қалитини ён қўшним — жон қўшним, ҳамкасбим Ота Расуловга топшириб, яна кўч-кўч харакатига тушдик. Энди болалар ўқишларини 2-чорак охиридан янги жойда давом эттиришади.

### БАҲСЛАРДА ТУФИЛГАН ҲАҚИҚАТ

1972 йилнинг декабрь ойи бошида эсон-омон Тошкентга кўчиб келдик. Мен эртасиданоқ ишга тушиб кетдим. 340-ҳарбий госпиталдаги деярли барча катта-кичик ҳодимлар мени аввалдан яхши билишгани учун дарров топишиб оллиқ. Бўлим бошлиғимиз зиммасидаги вазифалари анча камайиб, елкасига офтоб текканидан хурсанд эди. У госпиталь яқинида яшар, ишга вақтида келиб-кетар, тушликни бемалол уйида қиласарди. Жума куни пешиндан кейин ишдан кетганича зарурат бўлмаса, душанбагача қорасини кўрсатмасди. Мен катта ординатор бўлганим сабабли бўлимдаги даволаш, маърифий, тарбиявий, хўжалик ишларига бош-қош эдим. Одатим бўйича эрталабдан кечгача кундалик иш, ташвишлар билан шуғулланар, шанба, якшанбада ҳам бирров бўлимга келиб, умумий аҳволдан хабар олиб кетардим.

Янги йил арафасида госпиталь бўйича навбатчилик пайтимда, шанба куни кечқурун 1917 йилда туфилган, истеъфодаги подполковник М.Л.М. деган беморни тез тиббий ёрдам машинасида замбилга солиб, қабулхонага келтиришди. Бемор умуртқа поғонасининг кўкрак, бел қисмларидаги қаттиқ оғриқдан шикоят қиласарди. Текширув чоғида бироз қимирласа, ҳатто йўталиб, аксирса ҳам, ўша жойда оғриқ кучайиб, кўзларидан ёш чиқиб кетиши, тунда ухлай олмаётгани, иштаҳаси йўқолиб, озиб кетаётганини айтди.

Сўраб-суриштиурсам, ўн йилдан ортиқ вақт мобайнида меъда ширасида кислота камайиб кетганлиги боис, асосан терапевт назоратида даволанар экан. Умуртқа поғонасидаги оғриқ бир ой муқаддам бироз шамоллаб, уни сёқ учидаги ўтказганидан сўнг лайдо бўлибди. Уй шароитида электр токи таъсиридаги иссиқ муолажа,

доривор суртмалар ёрдам бериш ўрнига оғриқни кучайтирибди. Ранги-бошига қарасам, оқариб кетгән, лаблары күкарған, тили караш боғлаган, бадан териләри юмшоқ, тошмалар йўқ. Умуртқа погонаси ёйсимон букилгани, букилиги яқъол кўзга ташланиб турарди. Беморнинг кўкрак, бел соҳаларини бармоғим билан аста сийпалаб, пайпасласам, кучли оғриқ борлиги, унинг оёққа бериши натижасида менга қаршилик кўрсатиши, афти-башарасини бужмайтириши, инграшидан билиниб турарди. Бундан ташқари, икки қўлим билан унинг бўйини «бўғиб», йўтуалишини илтимос қилганимда, белидаги оғриқ кучайиши, шунингдек, оёқларини юқорига кўтарганимда унинг тўлиқ ёзилмаслиги, яъни тиббий тилда Нери, Лассег симптомлари, касаллик белгиларининг ижобий эканлигини кўрсатарди.

Афсуски, бемор умуртқа погонасининг рентген тасвиirlари шу пайтгача олинмаган экан. Шунга қарамай, уни асаб касалликлари бўлимига ётқизиш, текшириш, даволашга қарор қилдим. Дастрлабки, тахминий ташхисим бошқа мавжуд умумий касалликлардан ташқари шундай бўлди: «Умуртқа погонасининг кўкрак ва бел соҳаларидағи бўғимлар шаклининг кескин ўзгариши (деформацияси) туфайли кучли оғриқ ҳамда фаолият (функция)нинг ўртacha бузилиши. Асосий зътибор умуртқа погонасида шиш-ўсма касаллиги илдиз отиб, тарқалиб кетганми, йўқлиги (метастаз)ни албатта инкор этиш ёки тасдиқлаш» зарурлигига қаратилди.

Ҳозирча баъзи оғриқ қолдирувчи, тинчлантирувчи доридармонлар кўллаш, тегишли лаборатор, клиник, рентгенологик текширувлар ўтказиш тавсия этилди.

Душанба куни эрталаб бўлимга келган бошлиғимиз янги ётқизилган беморлар касаллик тарихини қўлига олиб, улар билан танишгач, кутилмаганда менга норозилик билдириди:

— Искандар Рафиқович! Ҳали bemornи яхши текширмай туриб, биринчи кўришданоқ, нега бирданита бунақа ваҳимали ташхис қўйдингиз? Уни тасдиқлаш осонми? Кейин бизнинг ташхисларимиз ўртасида катта тафовут келиб чиқади, ўзимизга қийин бўлади-ку!

— Йўқ! — дедим ўз фикримда қатъий туриб. — «Темирни қизифида босиш керак!» Менинг ички овозим, ҳис-туйғуларим, интуициям буни сезиб турибди. Беморнинг ранги-рўйи, ётиштуриши, озиб кетганлиги, букилиги, касаллик аломатларининг ўзига хос ва мослиги шиш-ўсманинг метастази борми-йўқлигини албатта инкор этиш ёки тасдиқлаш шартлигини тақозо этади.

Касалликнинг асосий ўчоги қаерда эканлигини аниқлаш иккинчи масала. Бундан биз ҳеч нарса йўқотмаймиз, аксинча, ўзимизнинг касбий маҳоратимиз, эҳтиёткорлигимизни яна бир карра исбот қиласми. Ташхислар ўртасидаги тафовут доим бўлган, бўлади. Бу биз учун асосий муаммо эмас.

— Майли, кўрамиз! Ҳар ҳолда бундан буёғига сал эҳтиёт бўлсангиз, ёмон бўлмасди.

— Эҳтиёткорлик яхши нарса. Лекин «Чумчуқдан кўрқсан тариқ экмас» дейишганидек, ҳамма нарса вазиятга қараб, ўз вақтида бўлгани яхши, албатта.

— Бўпти! Билганингиздан қолманг!

Орадан бир ҳафта — ўн кун ўтгач, бемор бошдан-оёқ рентген текширувидан ўтказилганида унинг вужудидаги бирорта суюги соғ қолмагани, худди сочма ўқ тегиб, ҳаммаёғи дўл ургандек илма-теник бўлиб кетганлиги аниқланди. Бу ҳолат bemор организмидаги шиш-ўсма касаллигининг аллақачон илдиз отиб, суюк тўқимаси — иликларга тарқалганини кўрсатарди. Шунинг учун ҳам бу хавфли ўсма «МИЕЛОМА КАСАЛЛИГИ» дейилади.

Шундан кейин bemор етакчи мутахассис шифокорлар кенгаши, маслаҳатлашуви қарорига мувофиқ, шиш хасталигининг тарқалиши олдини олиш ва рентген нурлари ёрдамида даволаш учун маҳсус бўлимга ўтказилди.

Афсуски, касалликнинг бошлангич ўчоги топилмади. Лекин бизнинг дастлабки тахминимиз тўғри чиққанлиги, bemор касаллигининг ўз вақтида аниқланиб, унга тегишли даволаш муолажалари белгилангани ютуфимиз эди. Бундан фақат bemор наф кўрди. Биз эса, ўз инсоний бурчимиизни бажардик холос.

Яна шунга ўхшашиб унуглилар, ибратли воқеа 1974 йилнинг февраль ойида содир бўлди. У пайтда мен эндиғина Санкт-Петербург шаҳридаги ҳарбий-тиббий академиянинг олти ойлик академик курсида ўқиб келган эдим.

Истеъфодаги майор, собиқ учувчи, 1918 йилда туғилган И.М.Х. деган bemор ҳам худди ўчакишгандек, менинг навбатчилигимда, шанба куни оғир аҳволда келтирилди. У кўзини юмиб, иложи борича, ўнг томонга ёнбошлаб ётишга ҳаракат қиласарди. Саволларимга паст овозда, истар-истамас жавоб берарди. У гавдаси ёки боши билан ўнгми, чап томонга ўгирилганида бирдан кўз олди тиниб, майда-майда «юлдузча»лар пайдо бўлиши, боши оғриб, айланиши, кўнгли безуҳур бўлиши, баъзан шундай ҳолларда қусиши, маст одамдек чайқалиб кетиши, гандираклаши, умумий ҳолсизликдан шикоят қиласди. Ундаги бу ҳолат тахминан уч-тўрт ой олдин, ҳеч сабабсиз бошланган экан. Кейин-

чалик биш огриги, айланиши кучайган, қайт қылганида ахволи бироз яхшиланган. Лекин түшакда бошини бир томонга эгиб, қимир этмай жим ётса, биш огриги ва айланиши камайишини сезган, бундай қулай ҳолатда жон сақлашни ўзига маъқул кўрган. Бир-икки марта невропатолог кўргач, қон томирларини кенгайтирувчи дорилар қабул қылган, бироқ фойдасини сезмаган. Ахволи кундан-кун оғирлашгани боис, иштаҳаси, уйқуси йўқолганда бу ерга олиб келинган.

Тиббий текширувдан ўтказганимда унинг ранги заҳил, тупроққа ўхашлигига аҳамият бердим. Қон босими 130/80 мм симоб устунига тент. Кўз қорачиқлари шакли ва ҳажми бир хил. Лекин кўз соққалари четга бурилганида пир-пир учид турибди, яъни горизонтал нистаги аломати бор. Ромберг ҳолати – оёқ панжаси ва товоонлари бирлаштирилиб, кўз юмилиб, иккала қўл бармоқлари бирлаштирилиб, олдинга узатилганида беморнинг чайқалиши, қовоқларнинг пириллаши, қўл учларининг қалтираши аниқланди. Бундан ташқари, шундай ҳолатда кўрсаткич бармоқ учини бурун учига аниқ теккиза олмай, у ёқ-бу ёққа ўтиб кетиши кузатилди. Шунингдек, бемор каравот устида орқаси билан ётганида кўзини юмиб, товоонларини галма-гал тиззалари устига яқинлаштирганида ҳам ноаниқлик, қалтираш қайд этилди.

Маълумки, бундай ҳолат асосан гавда мувозанатини тартибга солиш, аниқ хатти-ҳаракатлар ва мушақлар таранглигини мувофиқлаштиришда иштирок этадиган, биш мияга ўхаш, икки палладан иборат мияча фаолиятининг бузилишида рўй беради. Бу аъзо калла қопқоғининг орқа чукурчасида жойлашган. Мазкур аъзода бирор ўзгариш содир бўлса, албатта «БРУНС СИНДРОМИ» аломатлари ўзини яққол намойиш этади. Бу дегани миячада пайдо бўлган шиш-ўсманни оддий қилиб тушунтирганимизда уни ип билан боғланган шарчага қиёсласак, у одам тик турганида ўзининг енгил вазнига кўра, юқорига кўтарилади, у ёқ-бу ёққа ўгирилганида эса, ҳолатини ўзgartиради. Яъни биш мия билан орқа мия оралиғида суюқлик ўтиб турадиган марказий канал – Мажанди деб атальмиш тешикча оғзини беркитиб кўяди. Натижада калла қопқоғида суюқлик тўпланиб, ички босим ортади, окклюзион гидроцефалия ҳолати юзага келади. Бунинг оқибатида биш огрииди, айланади, кўнгил айнийди, кўз соққаси тубида қон айланиши бузилади, кўрув нерви туби ялиғланади, шишади ва қон томирлари кенгаяди, майда қон томирчалар ёрилади, қон қуйилади, кўз кўриши хидалашади.

Агар гавда, бошни тутиш ҳолати ўзgartирилса, «ипга боғланган шарча» яна ликиллаб, ўз турган жойини ўзgartиради, боя

ёпилиб қолган марказий канал — тешик оғзи очилади, суюқлик-нинг орқа мияга бемалол ўтиши таъминланади, ўз-ўзидан калла қопқоғи ичидаги босим пасаяди, беморнинг умумий аҳволи бироз енгиллашади.

Хуллас, миячадаги бу нотабиий ҳолатнинг дастлабки аломатлари тобора авжига чиқаверади.

Мен шундай илмий-назарий, паталогоанатомик маълумотлар, далиллардан келиб чиқиб, бемор қасаллик тарихига қўйидаги тахминий ташхис қўйдим: «Брунс синдроми. Калла қопқоғининг орқа чуқурчаси (задняя черепная ямка)да шиш-ўсма борми-йўқлигини инкор этиш ёки тасдиқлаш зарур».

Душанба куни бўлим бошлиғимиз ишта келгач, яна менга аввалги сафарга ўжшаб ноўрин танбеҳ бера бошлади:

— Нега ҳали туғилмаган бузоққа қозик қоққандек, ҳаммадан олдин бунақа ваҳимали ташхис қўясиз? Бунақада уялиб қоламиз-ку! — деди астойдил жаҳли чиқиб.

— Бунинг сира уялтирадиган жойи йўқ. Қасалликнинг деярли барча аломатлари мана-ман деб ўзини кўрсатиб турибди-ку!

— Масалан?

— Масалан, Брунс синдроми. Шунинг ўзиёқ, бизга кўп нарсани англатади.

— Уни тасдиқловчи энг асосий далил, яъни кўз соққаси тубидаги дўппайиш, вена қон томирининг димланиб қолиш ҳолати, застой йўқ-ку!

— Ҳамма нарса рисолада ёзилганидек бўлмайди-да! Ахир, Москва ҳам бирданига қурилмаган-ку! Ҳали ҳаммаси олдинда.

— Буни қанча кутамиз?

— «Сабрнинг таги олтин, Сабр қилсанг, фўрадан ҳолва пишар», дейишади. Бизни ҳеч ким шошираётгани йўқ. Лекин бугунги ғанимат фурсатни бой бермаслигимиз керак. Эртага кеч бўлиши мумкин.

— Оббо! Яна осмондаги, ҳавойи гапни айтасиз-да.

— Бу осмондаги бўлмағур гап эмас, — дедим ўзимни аранг босиб.

Бир ҳафта турли текширишлар, мутахассислар маслаҳати билан ўтди. Лекин беморнинг аҳволи заррacha ўзгармади. Қўшимча равишида электроэнцефалография (ЭЭГ), ангиография ўтказилди. Бу вақтга келиб, кўз тубидаги ўзгаришлар ҳам ўзини намоён этди. Стоматолог текшируvida йилнинг бошида беморнинг пастки жаги чап қисмидаги саккизинчи тиши суғуриб ташлангани боис, ҳали яхши битмаган жароҳати ўрнида озгина йирингли оқма борлиги аниқланди.

Бош мутахассисларнинг тавсиясига кўра, бу соҳа бўйича таниқли олимлардан: профессор Яков Яковлевич Гордон, Иосиф Нисонович Димантлар маслаҳатга чақирилди. Улар беморга тааллуқли барча маълумотлар билан чуқур танишиб, бир-бирлари билан ўзаро келингмаган ҳолда бир хил қарор, холосага келишиди. «Пастки жағнинг чап қисмида мавжуд бўлган йирингли жароҳат оқибатида калла қопқоғи орқа чуқурчаси, миячанинг чап палласида шиш, ўсма бор».

Шундан кейин bemор шошилинч равишида нейрожарроҳлик бўлимига ўтказилди. Шу ҳақда Санкт-Петербург ҳарбий-тиббий академиясидаги Бош нейрожарроҳ профессор Борис Александрович Самотокинг ахборот беришди, унинг тавсиясига кўра, калла қопқоғининг орқа чуқурчасида оғир ва мураккаб операция амалга оширилди. Афсуски, bemор юраги бунга дош бера олмади, ҳаётдан кўз юмди.

Ўтказилган паталогоанатомик текширув холосасига кўра, марҳумнинг тириклик чоғида унга қўйилган дастлабки ташхис тўлиқ тасдиқланди.

Шундай қилиб, бу баҳс, тортишувда ҳам менинг фикр-мулоҳазаларим тўғри чиқди. Ўша кунги илмий-амалий анжуманда 340-ҳарбий госпиталь бошлигининг тиббий ишлар бўйича мувовини полковник Георгий Семёнович Измайловнинг якуний сўзи ҳали-ҳали қулогим остида янграб, жаранглаб туради:

— Нима учун айрим мутахассисларимизнинг, айниқса, онкологик касалликларни ўз вақтида аниқлаш ва тўғри ташхис қўйишдаги тажрибаси, фикрлаш доираси юзаки эканлиги мени қаттиқ ажаблантиради. Бугун биз муҳокама қилаётган бу мураккаб ҳолатда ёш мутахассис майор Раҳмоновнинг не чогли куйиб-пишганлиги бизга ибрат бўлиши керак. У марҳумни биринчи марта кўрганиданоқ, огоҳлик қўнғирофини чалиб, ҳаммани ёрдамга чақириб, гафлат уйқусидан уйғотаяпти, лекин ҳеч ким унинг гапига қулоқ солмаяпти. Ёшларнинг фикр-мулоҳазасига бефарқлик бизга панд бермоқда. Мана, оқибати!

Ха, ҳақиқат, қизғин баҳс, тортишувда қарор топади. Йўл қўйилган хато-камчиликлар бизга унутилмас сабоқ, албатта. Лекин ҳаётда қандай хатоликлар бўлмайди, дейсиз!

## МАҒЛУБЛАР ЮРТИДА

1975–1980 йилларда хизмат тақозоси билан Германия Демократик Республикасида оиласи билан яшадим. Ўтган оғир урушда енгилиб, биздан бир неча марта тўқ ва фаровон яшаётган мамла-

катда юриб, у ёқда бор-йүгини ғалабага бағишилаб, ҳали ҳам аранг тирикчилик ўтказаётган халқимиз, яқынларим күз олдимга келарди. «Улар нима қилишаётган экан, нима еб, нима ичишаётган экан?» деган хаёл тинч қўймасди.

Бу томонларда қаттиқ қиши бўлмас, қор ўрнига кўпроқ ёмғир ёғар экан. Қиши ойларида ҳам шаҳар кўчалари четидаги ярим ертўлали сабзавот, мева дўконлари расталаридан хоҳлаганча нарса танлаб олиш имконияти бор. Биргина меванинг ўн-йигирма хили бўлиб, қайси давлатдан олиб келингандири ёзиб қўйилган. Шунингдек, картошка, сабзи, пиёз, бодринг, помидор, карам, бурак ва бошқалар олиб келингандири вақтига қараб нархи ўзгариб, вақт ўтиши билан арzonлашиб боради. Гўшт маҳсулотлари, яъни мол, қўй, парранда гўштлари хилига қараб, алоҳида-алоҳида дўконларда сифатли қилиб ҳар хил нархда сотилади. Балиқлар аквариумларда, фақат тириклигича сотилади. Энг муҳими, ҳар бир харид қилингандири маҳсулотта чек берилади. Бу эса, ҳар кунги сарф-харажатларни ҳисоблаш, исрофгарчиликка йўл қўймаслик учун ашёвий далил ҳисобланади. Дўконларнинг рўпарасидаги йўлаклар четида велосипедлар учун маҳсус жойлар ажратилган, уларга тайинлаб қўйилган қоровул ёки назоратчи йўқ.

Бизни ҳайратда қолдиргани шуки, кўчада кетаётганимизда ҳар икки юз қадамда девор ичига ўрнатилган кичкина қути бўлиб, устига «Топилган буюмлар учун», деб ёзилган. Кимки кўчада эгасиз ётган нарсани топиб олса, шу кутилар ичига ташлаб ўтади. Бу албатта одамларнинг виждонига боғлиқ. Ҳар куни кечқурун бир вақтда шаҳар миршаби навбатчиси фалон кўчадаги қути рақамини, топилган нарсаларнинг номини айтиб, эгалари келиб, олиб кетишини илтимос қиласди. Битта топилган нарса учун ҳеч қачон икки-учта одам «меники» деб бормас экан.

Шаҳар атрофидаги ям-яшил ўрмонлар ичida сунъий барпо қилингандири катта кўллар бўлиб, уларда фақат икки хил балиқ: сазан ёки карплар сузар, сув четига нон-ушоқ ташласангиз, бир пасда унинг атрофига балиқлар йиғилиб, гужгон ўйнашларини кўриб, роҳат қиласиз. Суви ўта тиник, тоза. Дам олиш кунлари маҳаллий халқ оиласи билан кўл бўйига бориб, қармоқда балиқ тутиб ўтиришади. Фақат тўр ташлаб балиқ тутишга рухсат этилмайди. Ёз пайтларida тез-тез ёмғир ёғиб турганлиги учун қўзи-қоринлар кўпайиб кетади. Уни ҳам хоҳлаганча териб, олиб кетишади. Хуллас, маҳаллий аҳолининг она табиат билан яқинлиги, уни ардоқлашига қойил қолдик. Уларнинг назаридан бир парча ср қаровсиз, эътиборсиз қолмайди. Ҳар қадамда ям-яшил ўт, майса, мевали дарахтлар, гуллар.

Кези келганда, шуни айтиш жоизки, маҳаллий ҳалқ нафақат она табиат неъматлари ер, сув, ҳавони авайлаб-асрайди, балки ҳайвонот оламига ҳам алоҳида меҳр-муҳаббат билан аҳамият беради. Хонационларда боқилаётган сигир-бузоқ, қўй, паррандаю даррандалар, айниқса, ит, мушукларнинг ётиш-туришлари, ейдиган озиқ-овқатлари, ўз вақтида ювинишлари учун қишин-ёзин шароит бор. Масалан, майдон, хиёбонларда итларнинг сайр қилишлари учун маҳсус жойлар ажратилган. Бу ерларда турли насл-насабга тегишли зотли ит кўриклари ўтказилади. Улар байрамлардагидек, кичик, ихчам костюмча, шимча, иштонча, кўйлакча кийиб, ҳатто бўйинларига капалаксимон бўйинбоғ, қўнфироқчалар тақиб, ўзларига хос нозу карашма, виқор билан эркаланиб юришади. Бу катта-кичик итларнинг ғашига тегмасангиз, тишининг оқини кўрсатмайди, сизни тишлаб, бирор жароҳат етказа олмайди. Чунки оғзида тумшуқбоги, бўйнида сиртмоғи бор. Қолаверса, эгасининг ёнида бир марта ишлатиладиган юпқа халтача, куракча, супургича борки, мабодо итлигига бориб, кўчак-кўйда, ҳамманинг кўз олдиди бирор ножӯя иш қилгудек бўлса, эгаси дарров ёнидаги ёрдамчи воситаларни ишга солади, ахлатни аста ўраб-чирмаб бир чеккадаги маҳсус қутига олиб бориб ташлайди. Бундан ташқари, ит эгасида унга тегишли ҳужжат-гувоҳнома сақланади. Бу ҳужжатда мазкур итнинг қачон туғилгани, қайси зотданлиги, исми, қолаверса, қайси юқумли касалликка қарши қачон эмлангани хусусида батафсил маълумотлар ёзилган. Мана сизга хонадонда ит сақлаш одоби, қонун-қоидаси, маданияти!

Сирасини айтганда, Парвардигоримиз яратган жамики тирик жонлар ичida энг олийси одам зоти ҳисобланса, қолганлари итми, мушукми, балиқми, чумоли-қуртми, барибир унинг маҳлуки, неъмати. Ҳар бирининг табиатда ўз ўрни, вазифаси бор. Уларни асраб-авайлаш бизнинг инсонийлик бурчимиздир, албатта.

Дам оладиган жойларда турли ичимлик сувлари, музқаймоқ, пиво сотадиган дўконлар ишларди. Шунингдек, қўл, дарё бўйидаги маҳсус жойда моторли, моторсиз қайиқлар ихлосмандларни кутарди. Шу ернинг ўзида эллик-олтмиш одам сигадиган, ичиди ошхонаси бор чиройли, ҳашаматли кема ўз ишқибозларини елкасига ортиб, дарё тўлқинида чайқалиб, қўшни шаҳарларга сайрга олиб бораради. Биз ҳам ана шу яратилган имкониятлардан баҳраманд бўлиб, яхши қайфиятда иш жойимизга қайтардик.

Кўпинча қарама-қарши ўй-фикр, мулоҳазалар мени тинч қўймасди. Биз ГДРнинг қайси шаҳар, қишлоғига бормайлик, кўча,

хиёбонларыда юрмайлик, музей, дүкөн, ресторанларига кирмайлик, бирорта маҳаллий миіллат вакилининг юз-күзида бизга нисбатан нафрат, ғазаб, норозилик ҳис-туйгуси аломатларини сезмас әдик. Гүё ўртамиизда даҳшатли уруш бўлмагандек, қор ёғиб излар босилгандек. «Кўза синдириган азизу, сув келтирган хору зор» ҳолатида әдик. Урушда мағлуб бўлганлар қандай тўқчилик, фаровонликда яшашмоқда-ку, биз ғолиблар ҳалигача нафасимизни ростлаб ололмай, энтикиб яшяпмиз. Гарчи маҳаллий аҳоли билан илиқ муносабатда бўлсак-да, рухан ўртамиизда аллақандай ҳадиксираш, ҳавотир борлиги сир эмасди. Биз ўша давр сиёсатининг фаол ва онгли ижрочиси, қўғирчоғи, ўйинчоги әдик, холос. Тилимиз кесилгандек соқов, қулогимиз кар, гунг әдик, афсус.

Барчамиз бир осмон остида ёнма-ён яшасак-да, ўртамиизда кўзга кўринар-кўринмас катта-кичик ғовлар, тўсиқлар бор эди. Бу тўсиқларни бузиш, суриш, ағдариш учун вақт зарур эди. Бизни ўша пайтларда кўр-кўронча бурчга садоқат, сохта ватанпарварлик ҳис-туйгуси ўзаро бирлаштириб турарди, чамамда.

Мени яна бошқа бир муаммо кўп қизиқтирап, ўйлантиради. У ҳам бўлса, жума кунлари пешиндан кейин турли транспорт воситалари, поезддами, автобусдами уйларига гурра-гурра қайтаётган маҳаллий Армия хизматчилари, офицерларига тез-тез кўзимиз тушарди. Буни қарантки, миллий Армияда хизмат қилувчи аксарият ҳарбийлар, айниқса, муддатли хизматга чақирилган аскар йигитлар шанба, якшанба кунлари навбатчиликдан озод бўлишса, бемалол уйларига келиб, ота-оналари, оиласлари бағрида дам олиб кетишар экан. Душанба куни эрталаб белгиланган вақтда ўз хизмат жойларига етиб келишса, бас. Албатта бундай имтиёзли хизматдан ота-оналар, хизмат қилувчилар миннатдор, рози әдилар. Шу боис уларнинг Армиясида доимо тинчлик, ҳамма иш режа асосида, рисоладагидек ўтарди. Чунки улар кеча-кундуз қўриқлаши зарур бўлган давлат чегараларини Совет Армияси қўшинлари қўриқларди. Биз эса, тиним билмай, дала машқлари ўтказамиз, ҳарбий маҳоратимизни оширамиз, чунки ортимизда бизни қўллаб-қувватлаб турган Ватан, ҳалқимиз, таянчимиз, ишончимиз бор. Биз бепоён мамлакатнинг ҳар бир нуқтасидан келганмиз. Биримиз Узоқ Шарқдан, иккинчимиз Термиз, Кушка, Мари, Тошкентдан, учинчимиз яна аллақаердан бу ерга келиб, бир неча йиллаб мусофириликда хизмат қиласмиз, бир йилда бир марта белгиланган муддатга аранг уйимизга борамиз. Булар эса, ўз уйи, ўлан тўшагида ялло қилиб хизмат қилишиб юришибди. Улар бамисоли мустаҳкам ҳимоя қилинаётган қатъя ичидаги эркин ва озод ҳимоячилар эди.

Энди битта мантиқий савол туғилади: «Ким кимни қуриқла-япти? Бундан кимга фойда-ю кимга зарар?» Бу жумбокли мушук ва сичқон ўйинининг якуни нима билан ва қачон тугашини ўйлаб, ўйимга етолмасдим. Кўз олдимда, яна она юртим, халқим, ёру дўстларим гавдаланарди, хаёлан уларга интилардим, аммо етолмасдим.

Кези келганда, ўзим кўрган, билган, эшитганларимга асосланиб, шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, аксарият немислар ниҳоятда меҳнаткаш, маданиятли, тадбиркор, тежамкор халқ. Уларда ортиқча сарф-харажатлар йўқ. Аввало, куннинг пайтига қараб, катта-кичик билан эрталабки, пешинги ва кечки салом бериб кўришишади. Кийинишлари оддий, овқатни оз-оздан, тез-тез тановул қилишади. Овқат ейиш вақтида чурқ этмай, қошиқ ёки санчқида оғзига олган таомни шошилмай, чайнаб ютишади. Кейин кўллари, лабларини ёnlаридаги рўмолча ёки маҳсус халтага солинган ёқимли ҳидли нам салфеткалар билан артишади. Спиртли ичимликларга учналик ўч эмас. Биздаги баъзи кимсаларга ўхшаб, оч қоринга ёки эрталабдан пиёлани тўлдириб ичишмайди. Ангишвонанинг учидек идишда оз-оз хўплаб ичишади, холос. Аммо пивони жуда яхши кўришади.

Дўконга киришганида энг зарур нарсаларни, озиқ-овқат маҳсулотларини фақат керакли миқдордагина харид қилишади, совутгичларини ортиқча нарсалар билан тўлдиришмайди. Мунтазам равишда ҳар куни, ҳар ҳафта, ой давомида харид қилинган нарсалар ҳисоб-китоби олиб борилади, ноўрин сарф-харажатларга чек қўйилади.

Мабодо, бирор оиласий тантанани уйда эмас, ресторанда ўтказмоқчи бўлишиса, ҳар ким ўз хоҳишига кўра, буюртма бериб, харажатини ўзи тўлайди. Албатта, бунда эр хотини, ота-она ёнидаги бола-чақаси учун кетган харажатни кўтаради. Биздаги баъзи бир меҳмондорчиликларда катта дастурхонни тўлдириб, улардаги ноз-неъматларнинг бироргасига кўл теккизмай, кимдир харажатларнинг ҳаммасига пул тўлаб бойвуччалик қилиши оқибатида дастурхон устида ейилмай қолган таомлар, мева-чева, ширинликларнинг исроф қилиниши немислар учун ёт, гайритабиий одат ҳисобланади.

Шунинг учун бизда бундай тежамкор одамларни ярми ҳазил, ярми чин маънода «немислар» дейишади. Тўғри-да, тежамкорликнинг нимаси ёмон? Аммо немисларнинг ҳаддан ташқари боягидек тежамкорлиги бизнинг ўзбекона, шарқона урф-одатларимизга тўғри келмаса-да, бундай хатти-ҳаракат, одатларда жон борлиги ҳақиқат, буни тан олишимиз керак. Зоро, ортиқча исрофгарчилик мусулмончиликда ҳам қораланади..

Биз буни ҳар ерда, ҳар қадамда сезиб, кўриб, ўзимизча хулоса чиқардик. Бу билан ҳеч қанақа муболагасиз демоқчиманки, ҳар бир нарсанинг ўрни, мавриди, меъёри бор. Демак, ҳар бир ҳалкнинг ўзига хос миллий урф-одатлари, ҳатто ўзига хос меҳмон кутишлари бор. Ҳеч қаерда ҳеч қачон бизнинг ўзбекона, шарқона меҳмоннавозликни кўрмадим. Ҳатто чақирилмаган меҳмонларни ҳам иззат-хурмат билан кутиб олиш, тўй-ҳашамларда ҳаммага баробар хизмат қилишни бошқа жойларда бўлмагани учун Ўзбекистонда туғилиб ўсганимдан фуурланиб, ўзимни доимо баҳтиёр ҳисоблардим. Ҳудласи қалом, немислар ишлаш, яшаш ва дам олишни ўрнига қўйишарди. Биз уларга ҳавас қиласдик.

Бир куни рафиқам билан келишиб, Эрфурт шаҳрида яшаб, ҳалқаро Қизил ярим ой ва Қизил Хоч жамиятидаги немис биродарларимиз Карл Хорстни оиласи билан ўйимизга таклиф қиласдик. Айтилган фурсатда эр-хотин гул кўтариб келишиди. Камтарона дастурхон атрофида суҳбатлашиб ўтиридик. Аёлларимиз болалар билан банд бўлишгани учун асосий хизматни ўзим қилдим. Ниҳоят, ўртага катта лаганда иссиқ буғи чиқиб турган, қўй гўшти, ёғидан тайёрланган, қази-қарға солинган қўлбола паловхонтўрани келтиридик. Ҳаммаёқни димоқни қитиқладиган ош, зира ҳиди тутиб кетди. Мен ошни жуда соғинган эканманми, меҳмонларга ўзимнинг нечоғлик пазанда эканлигимни кўрсатгим келдими, беодоблик бўлса ҳам таомни қўлим билан ея бошладим. Менинг беш бармоғим билан лагандаги майда гўшт аралаш, гурунчни сиқимлаб, ихчам қилиб оғзимга солишим меҳмонларни ажаблантириди. Буни кузатиб турган Карл мендан сўради:

— Нега овқатни қўлда япсиз? Олдингизда қошиқ бор-ку!

Мен ўзимнинг содда, тўпорилигимга бориб, масаланинг бундай жиддий тус олишини ўйламаган эканман, нима дейишни билмай, бирпас ҳайрон бўлиб қолдим. Кейин калламга бир ғалати қитмир фикр келди, дарров ўшани тилимга чиқардим.

— Сиз энг яқин дўстингиз билан қандай кўришасиз?

— Албатта қўл билан.

— Қўлингизга кийиб олган қўлқопда кўришасизми?

— Нега энди? Албатта қўлқопни ечиб кўришаман-да.

— Тўғри! Гап шундаки, бизнинг ўзбекларда палов миллий таомларимизнинг энг ҳурматлиси, подшоси ҳисобланади. Шунинг учун, биз энг яқин ва энг улуғ таомимиз билан фақат очиқ қўлда кўришамиз. Бунда бармоқларнинг уни ҳам лаззат топади, ўзингиз ҳам ниҳоятда мазза қиласиз, — дедим.

Фанқулодда хаёлимга келган бу гапдан меҳмонларимиз қойил қолиб, роса мириқиб кулишди. Кейин бошқалар ҳам ошни қўлда

ейишга киришиб кетиши. Ҳали-ҳали бу воқеани эсласам, ўша кунги топқырлигимдан мийифимда қулиб қўяман.

Она юртдан олисда, мусофириликдаги энг биринчи олган сабоғимиз шу бўлдики, у ҳам бўлса, тил билмаслик. Очиғини айтиш керакки, на ўрта мактабда, на олий ўқув юртида бирорта чет тилини жон куйдириб, астойдил ўрганмадик. Рус тилинику мажбуран, ҳаёт тақозоси билан озми-кўп ўргандик. Немис тилини умуман билмаганимиз бизга катта панд берди. Қўчага чиққанимизда маҳаллий аҳоли билан гаплашиш зарурати туғилганида, худди соқов одамдек, имо-ишора билан қийналиб гаплашаётганимиздан уялиб кетардик. Шунинг учун бўш вақтимизда русча-немисча сўзлашув лугати орқали кундалик фаолияти-миздаги энг зарур сўз ва ибораларни ўрганишта уринардик.

Айтиш керакки, ҳар кунимиз деярли оғир, лекин сермазмун ўтаётган бўлса ҳам юртимиз, чанг-тупроқли қишлоғимизни, оддий ва самимий одамларимиз, яқинларимизни соғинар, ичимиздаги дардимизни ҳеч кимга айттолмаётганимиздан, баъзан жуда сиқилиб, ўзимизни қаерга қўйишни билмай қолардик.

## ТАСКИН

Бир куни кечқурун хизматдан уйга келсам, рафиқам: «Суюнчи беринг, Тошкентдан меҳмон келди», деб қолди.

— Қанақа меҳмон? Ҳазиллашайсанми? Тошкент қайдо-ю, Германия қайдо,- дедим ҳайрон бўлиб.

Рафиқам бир гуруҳ ўзбекистонликлар меҳмонхонага келишгани, бир аёл шу ерда хизмат қилаётган жиянини кўриши кераклиги, иттифоқо бир офицердан бизнинг адресимизни олгани, жиянини топишда ёрдамишимиз кераклигини тушунтира кетди.

Эртага кечқурун соат олтида меҳмонхонага бориб, илтимосларининг жавобини берадиган бўлдик. Ваъдага биноан меҳмонхона олдида ҳамشاҳаримиз билан учрашдик. Кеча шошилиб бир пиёла чой ҳам ичмай кетганлари учун бизни ўнгайсиз ҳолга солғанлари, бутун беш-олти кини билан уйимизга марҳамат қилишларини илтимос қилдик. Ўзбекистонлик сайёҳлар гуруҳининг раҳбаридан рухсат олдик. Улар билан йўл-йўлакай танишиб, ҳол-аҳвол сўрашдик. Ёши олтмишлардан ошган, миқтигина, юриш-туришлари чаққон, кўзлари тийрак, шоп мўйловли гапдонгина отахон дарров эътиборимни ўзига тортди. Уни қаердадир кўрганман, негадир кўзимга жуда таниш дейману, сира эслай олмайман. Охири сўрашга мажбур бўлдим.

— Қаерликсиз, отахон?

— Чинозлик бўламан. Машхур қўшиқчи шоир Акмал Пўлат ҳам чинозлик, менинг қадрдоним, — деди у қандайдир гурур билан.

Мен ҳам ёшлигимда Чинозга кўп борганимни айтдим.

— Айтмоқчи Чинозга кимникига бораардингиз? — сўради Ҳамидулла ота.

— Ўша ерда Раҳмонов деган амаким кўп йил шифокор бўлиб ишлаган, у киши ота ўрнида отам эдилар.

— Э, Абдувоҳид аками? Баракалла, отангизга раҳмат! Қани, ундан бўлса, бир қулоқлашиб кўришайлик-чи, бирорадар.

Мен назаримда фақат юртдошларимни эмас, узоқдаги қариндошларимни ҳам кўргандек бўлдим. Уйга боргунча отахон шифокор Абдувоҳид аканинг таърифини қилиб кетдилар.

— Янгишмасам, Абдувоҳид акам Чинозда урушдан кейин ўн йилдан ортиқ яшадилар. Лекин сизга айтсам, энг қийин пайтда астойдил жон кўйдириб ишлаган. У пайтда дент, касалхона тепаликда, мактаб олдида бўларди. На машинаси бор, на от-увови. Гапнинг қисқаси, Абдувоҳид акам Чинозда ўзларига тирик ҳайкал кўйиб кетган. Халқ ичидан иззат-хурматлари жуда баланд эди.

Шу вақт хаёлим бир лаҳза ҳозир Тошкентда яшётган, одамларни нур билан даволаб, кўзининг нури кетиб, ногирон бўлиб қолган Абдувоҳид ака билан боғлиқ воқеаларга учди.

Абдувоҳид ака 1941 йилда Тошкент тиббиёт институтини туғатибоқ, урушга сафарбар бўлганликлари, 1-Украина фронтининг 253-алоҳида ишчи батальонида шифокор бўлиб, Москва, Киев остононларида ҳаёт-мамот жангларида қатнашганликлари, ярадор бўлиб, госпиталда даволангандар, Германиянинг Галле шаҳрида хизмат қилганларини бир неча бор гапириб берган эдилар.

Ҳар йили 9 май куни оила аъзолари, қариндош-урурглар тўпланишиб, у кишини халоскоримиз сифатида хурматларини жойига кўйиб, шарафлашимиз анъанага айланиб қолганини мамнуният билан эсладим. Абдувоҳид акамнинг байрам куни башсанг кийиниб, кўкракларига жанговар орден ва медалларини тақиб, дастурхоннинг тўрида болаларча самимий жилмайиб ўтиришлари кўзимга кўриниб кетди...

— Мен ҳам Сизни кўрган заҳотим кимгадир ўхшаяпти, демид-а, — хаёлимни бузди Ҳамидулла ота. — Оббо сиз-ей, чинозлик Абдувоҳид акамнинг укасиман, дент?

Ҳадемай, бизнинг уйга ҳам етиб келдик. Дастурхонда ўзбек юрти неъматлари муҳайё эди. Магнитофондан Юнус Ражабий ижросида «Қаро кўзим» янграй бошлади. Бирпасда ярим коса қатиқ солинган мастава, ортидан зирали палов тортилди...

Бу меҳмондорчиликда мен олисдаги амаким Абдувоҳид Раҳмоновни эслаб, уни қанчалар соғинганимни ҳис қилдим. Энди ҳар йили 9 май – Хотира ва Қадрлаш кунларида бу шодиёнага муносиб ҳисса қўшган табаррук кишининг орамизда йўқлигини ўйлаб чуқур хўрсинаман. Лекин у киши ҳақидаги илиқ ва самимий хотиротлар, одамларнинг миннатдорчилик билан номларини ёд этиши кўнглимга таскин беради.

## ЯНГИ ЙИЛ FOBFASI

Одатда янги иш жойига келган ҳарбийлар кўпроқ шанба, якшанба, ҳатто умумхалқ байрамлари кунларида ҳам навбатчиликка тайинланишади. Бундан кузатилган мақсад – ўша ходимни жазолаш ёки таҳқирлаш эмас, асло. Балки, унинг ташкилотчилик қобилияти, шунингдек, касбий маҳоратини яхшироқ синааб кўриш, айни пайтда янгича шарт-шароитга кўнишишини тезлаштиришdir.

Каминага ҳам шундай юксак ишонч ва синовдан ўтиш дақиқалари насиб этди. Бир неча кун узоқ йўл босиб, Ўзбекистондан бағримга келган оила аъзоларим дийдорига тўймай, 1975 йилнинг 31 декабрида госпиталь бўйича навбатчи бўлдим. Бу куннинг ўзига яраша шукуҳи, маствулияти бор эди. Навбатчилар ўз измида ҳар қачонгидан сергак, хушёр турса, бошқалар тиғич, хотиржам дам олишади, байрам байрамдагидек шод-хуррамлик, ўйин-кулги, кайф-сафо билан ўтади. Бу ҳам насиб этганга буюради. Бўлмаса, «Эски ҳаммом, эски тос» дейишганидек, яна ҳаёт ўз маромида аввалгидек тўхтовсиз давом этаверади.

Бўлимларни айланиб келиб, ўз хонамда ўлтирсам, соат ўнлар атрофида ташқарида шовқин-сурон бўлиб қолди. Уч-тўртта аскарлар ҳовлиқиб, замбилга ётқизилган беморни қабулхонага олиб киришди. Бемор бехуш. Юзида ранг йўқ, бироз кўкарған. Кўзлари юмуқ, қорачиқлари кенгайган. Оғиздан бадбўй ачитқи ҳид келади. Нафас олиши юзаки, ўхтин-ўхтин, юраги, томирининг уриши суст ва секин. Баданига бир неча бор ўткир игна санчилганини умуман сезмайди. Пахтани ҳўллаб, бурнига яқинлаштирилган новшандил спирти ҳидига ҳам ҳечқандай жавоб йўқ. На аксиради, на бурнини жийиради. Вужуди бутунлай ҳаракатсиз, оёқ-қўллари қимир этмайди. Мушакларининг таранглиги бўшашган, пайларидаги рефлекслар йўқ. Аҳволи ўта оғир, хавф-хатарли, ҳаёт-мамот чегарасида.

Уни кузатиб келган тиббий ходимнинг гапига қараганда, bemornining бир ўзи шаҳар чеккасидаги лак-бўёқ корхонаси яқини-

даги махсус ҳарбий омборда кунора навбатчилик қилар экан. Деярли ҳар сафар ўз хизмат жойига бир йўналишда, яъни темир йўл бекати орқали ўтиб юрган. Бу сафар навбатчиликдан қайтаётганида темир йўл устида вақтингча тўхтаб турган, икки бицинига катта ҳарфлар билан «МЕТИЛ СПИРТИ» деб ёзib қўйилган цистерна олдидан узоқ кетолмай қолади. Узоқ ўйлаб ўлтирумайдида, иш жойига борадио, конистра олиб, ичини спиртга тўлдиради. Кейин уни ҳарбий қисмга келтириб, қаергадир яшириб қўяди. Кўп ўтмай, ўзига яқин ўртоқларини ёнига чақириб, уларнинг сувдонлари – баклашкаларига оз-оздан спирт қўйиб беради, янги йил баҳонасида сийлаб, кўнгилларини кўтаради. «Янги йил олдидан қиттак-қиттак оласизлар, кўнгилни чоғлайсизлар, мени эслаб юрасизлар. Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор. Энди сизлар билан қачон кўришамиз, қуролдош дўстларим, яна бир қиши, бир ёз ўтказсан, уйимизга, тепа тўйимизга кетамиз. Ўшангача омон бўлайлик!» дейди.

Лекин ўзининг нафси ҳаккаласкотиб, томоғи тақиллаб тургани туфайли кечки овқат олдидан оч қоринга бир неча қултум спирт ичади. Орадан бир соат ўтар-ўтмас нафаси сиқиб, ҳаво етишмай кўкариб кетади. Боши ва қорни оғрийди, безовта бўлади. «Кўзим оғрияпти! Кўзим олди қоронғилашиб кетди! Кўзим кўрмай қолаяпти!» деб ваҳима қилади, бақириб-чақиради, бирдан ҳушидан кетиб, гуп этиб ерга ийқилади. Биз уни шу аҳволда шошилинч равишда бу ерга етказиб келдик. Бори гап шу.

Шундан билдимки, бемор МЕТИЛ СПИРТИ билан ўткир заҳарланган. Матъумки, метил спирти ёғочдан олинган суюқ, заҳарли модда бўлиб, мазаси ва ҳиди этил спиртига ўхшайди, эритувчи модда сифатида лак-бўёқ таркибида ишлатилади. Унинг бир қултуми ҳам заҳарли, ҳаёт учун хавфли ҳисобланади. Шунинг учун фанимат фурсатни қўлдан бой бермай, зудлик билан унинг ошқозонини ювиш, юрак ва нафас олиш фаолиятини яхшилашга қаратилган шошилинч чора-тадбирларни амалга оширишга киришдик. Энг аввало, bemorni қайta жонлантириш, реанимация хонасига ётқиздик, оғиз-бурнидан махсус аппаратлар ёрдамида тоза ҳаво, кислород юбориш, сунъий нафас олдириш, вена қон томирлари орқали зарур доривор моддаларни организмга киритишга ҳаракат қилдик. Айни пайтда бу оғир вазият ҳақида госпиталь раҳбарига хабар бердик, тегишли соҳа мутахассисларини ёрдам бериш, маслаҳатга чақиридик. Бироқ, кўрилган барча тезкор чора-тадбирларга қарамай, bemornинг аҳволи яхшиланмади, янги йил киришига озгина фурсат қолганида у ҳаётдан бутунлай кўз юмди. Бу ноҳуи воқеадан сўнг ҳамма ларзага келди,

чукур қайғуга тушди. Бундан кейин орадан күп ўтмай, марҳумнинг «саҳийлик билан қилган марҳаматидан озми-кўпми баҳраманд бўлғанлар» оқими бирин-кетин ёғилиб кела бошлади. Чунки бу машъум хабар яшин тезлигига марҳум хизмат қилаётган ҳарбий қисм сардорларига етказилган, улар энди янги йилни кутиб, ширин уйқуда ётган аскарларни уйғотиб, ноҳун воқеадан уларни хабардор қилишган, ким бугун бир култум бўлса-да спирт ичганию, ичмаганини сўраб-суриштиришган. Кўрқиб кетганидан дами ичига тушиб кетган баязи нафси бузуқлар бошларини эгиб, саф олдига чиқишган. Хуллас, ярим кечага бориб, спирт ичиб заҳарланганлар сони олтмиш кишига етди.

Бутун госпиталь жамоаси бараварига оёққа қалқди. Ҳамма янги йилни иш жойида, жанговар постида кутиб олди, туни билан мижжа қоқмай, беморлар тепасида парвона бўлиб, жон олиб, жон беришди, уларни тенгсиз фалокат, офат ёқасидан кутқариб олишди.

Бахтимизга бу bemорларнинг аксарияти спиртни оғзига олиб, бир-икки ҳўплам ичган ёки кўнгли тортмай охиригача ичмаган, туфлаб ташлаган экан. Лекин шунинг ўзиёқ, уларнинг тиниқ бошларини айлантирган, кўнгилларини айнитган, кимдир қусган, кимдир сир ошкор бўлмаслиги учун дамини ичига ютган. Қандай бўлса-да, улар ўз вақтида бу фалокатдан омон қолишли, уч-тўрт кун мобайнида зарур тиббий текширувдан ўтиб, даволаниб ўз қисмларига қайтишли.

Мен ўша таҳликали кунларда бу bemорларнинг ҳар бири билан бир неча бор кўришиб, касаллик тарихларидан ташқари шахсий варақа — анкета ҳам тузиб, соҳамга оид ўзгаришларни тўлиқ қайд этиб, таҳлил қилдим. Кейинчалик шу асосда илмий мақола ёздим, уни илмий-амалий анжуманда, «Ҳарбий-тиббий журнал» саҳифаларида эълон қилдим. Табиийки, бу ҳодиса катта шовшувларга сабаб бўлди.

Мана, сизга бир қултум заҳри қотилнинг ҳийла найрангию, унинг домига илинган иймони, эътиқоди суст айрим кимсаларнинг қилмиш-қидирмишлари! Шундай қилиб, Янги йилнинг азиз меҳмони, бўлди заҳри қотил қурбони!

Заҳри қотил азалдан,  
Шайтон суви, заҳардир!  
Шайтонларнинг қилмиши  
Бошдан оёқ заардир.

## ТУНГИ ЙЎҚЛОВ

1976 йилнинг эрта баҳори эди. Ярим кечада эшик қўнғироги жиринглаб қолди. Эшикни очсам, госпиталь навбатчи ҳайдовчиси. «Сизни бошлиғимиз чақирайти. Ҳозир мен билан бирга борар экансиз». Шошилиб кийиндиму, ташқарига чиқдим. Қабулхонада кетма-кет папирос чекиб, мени бошлиғимиз кутиб турган экан.

— Ҳозир рация орқали хабар келди. Қўшни давлат чегараси яқинида ўтказилаётган танк қўшинлари ҳарбий-дала машқларига бошчилик қилаётган Қўмондон мувонини тўсатдан беланги бўлиб қолибди. Дарров ўша ерга бориб, ёрдамингни бермасанг бўлмайди!

Тегишли нарсаларимни олиб, бир соат ичидаги манзилга етиб бордим. Ҳали қор эриб кетмаган, қоронғу, қуюқ ўрмоннинг катта майдони, ўнқир-чўнқирларидаги баҳайбат танкларнинг еру кўкни ларзага солиб, шердек наъра тортиб, чираниб ўкиришлари, занжирларнинг қасир-қусур, шақир-шуқур қилиб жаранглаши қулоқни қоматга келтиради.

Тепаликдаги кузатув нуқтаси ёнида қад кўтарган қўмондон-ликнинг ётиш-туриши учун ўрнатилган маҳсус қурилма ичита кирдим. Ёруғ, озода, ихчам хона. Ўртадаги катта ва кенг столга икки қўлини узатиб, энгашган ҳолатда қимир этмай ётган баланд бўйли, тўладан келган генералга кўзим тушди. У билан саломлашгач, аҳволини сўраб-суриштирудим.

— Машғулот пайтида танк устига сакраб чиқдим. Люк орқали энгашиб, ичига тушдим, ўнқир-чўнқирларда яхшигина силкинди, чайқалдим. Кейин яна ўша йўл билан пастга сакраб тушдиму, белимни чанглаб қолдим. Қани энди қоматимни кўтара олсам. Шу эгилганимча хода ютгандек, туриб қолдим. Аранг бу ерга чиқиб, столга чўзилганимча нафас олишга ҳам қўрқиб, жон саклаяпман. Шу ҳолат анча кулай экан. Пешоб қилишим бироз қийинлашди. Бор гап шу,— деди у оғзидағи папиросини қуюқ тутатар экан.

Мен вазиятни тўғри баҳолаб, ишга тез киришдим. Генералнинг устидаги қалин кийим-бошларини ечинтириб, бир амаллаб тиббий текширув ўтказдим. Қон босими яхши. Юрак, томир уриши равон. Лекин белидаги оғриқ умуртқа погонасининг бел ва думғаза соҳалари оралиқларидаги юмшоқ тоғай-диск пластинкалари ўрнидан силжигани, тегишли асаб толаларининг сиқилиб қолгани аломати эканлигига заррача шубҳам йўқ эди. Ҳозир шошилинч чора-тадбир кўришим шартлигини генералга ётиғи билан тушунтирудим.

— Бу хавфли эмасми?

— Йүқ, асло!

— Қаттиқ оғритмайдими?

— Бошида сал чумоли чаққандек бўлади. Кейин оғриқни умуман сезмайсиз. Фақат менинг айтганимни сўзсиз бажарасиз. Бу сизга бироз ноқулай, лекин ҳозирги мушкул ҳолатда бундан бошқа иложимиз йўқ

— Қанақа ҳолат экан?

— Алеваш ҳолати, ўртоқ генерал. Бу дегани, Сизга соддароқ қилиб тушунтирганимда, узр, беодобчилигим учун, росмана тўнқайиб ётасиз. Яъни, бошингизни қуи эгиб, тиз чўкиб, орқангизни юқорига кўтарасиз. Мен эса, усталик билан думғазангиз соҳасига битта игна санчаман, холос.

— Фақат шуми?

— Ҳа.

— Бўйти! Фақат оғриқни тезроқ олсанг бас!

Мен «Бисмилло» деб, шу пайтгача устозларимдан ўрганган амалий тажрибам, кўникмамни дадил ишга солдим.

Одам танасидаги аъзоларнинг тузилиши, топографик анатомиясидан шу нарса маълумки, умуртқа поғонасининг еттита бўйин-цервикал, ўн иккита кўкрак-торакал, бешта бел-люмбал, бешта думғаза — сакрал ва ниҳоят, бештагача дум-коксигеа бўлимлари бўлади. Улар орқа миянинг ҳар бир сегментида икки жуфтдан илдизча чиқаради, олдинги жуфти ҳаракат илдизчалари, ортдатиси эса, сезувчи илдизчалари ўзига тегишли умуртқалараро тешикдан ташқарига чиқади. Орқа миянинг бўйин сегментлари ўзига тегишли бўйин умуртқалари сатҳида ётади. Кўкрак, бел сегментлари шу бўлимларнинг ўз умуртқаси сатҳида эмас, балки ундан сал юқорироқда, пастки кўкрак ва биринчи бел умуртқалари сатҳида жойлашади. Орқа миянинг бел, думғаза ва дум сегментларининг илдизчалари ўзига тегишли умуртқалараро тешиклардан чиқиши учун умуртқа поғонасининг канали бўйлаб, паст томонга йўналади. Оддийроқ қилиб тушунтирганимда бу илдизчалар қизлар соchlарини ёйиб, орқаларига ташлаб юрганларидек, қуига интилади. Бу сегментларнинг илдизчалари «от думи — кауда эквина, конская хвост» деб аталади.

Шундай қилиб, умуртқа поғонаси каналида биринчи бел умуртқаси сатҳигача бўлган қисмida орқа мия, пастки қисмida эса, «от думи» жойлашади. Кези келганда шуни айтишим жоизки, бу соҳадаги касалликларнинг келиб чиқиши ва уларни даволашда қон айланишининг аҳамияти ниҳоятда бекиёс. Кўпчилик мутахас-

сислар бу соҳалаги қон таъминоти фақат Адамкевич артериясига боғлиқ, деб тушунишади ва катта хато қилишади. Афуски, бел ва думғаза соҳаларини ҳали кўпчиликка таниш бўлмаган, фақат тўрт-беш фоиз беморларда учрайдиган Депрож-Готтерон артерияси ҳам борлигини унутмаслик зарур. Бу соҳанинг қон билан таъминоти ҳам ўзига хос.

Бундан ташқари, бош мия қоринчалари, миянинг ўргимчак тўрсимон пардалари орасидаги субарахноидал бўшлиқни цереброспинал суюқлик (ликвор) тўлдириб туради. Мия атрофидаги бу ноёб суюқлик ёстиқчаси бош мия билан орқа мияни ҳар хил ички ва ташқи таъсиротлардан сақловчи механик тўсиқ вазифасини ўтайди. Ана шу таъсиротларга кўра, унинг таркиби ҳам ўзгаради, у бамисоли кўзгу сингари организмдаги ички муҳитни ўзида ёрқин акс эттиради. Шунинг учун марказий ва периферик асаб тизимидағи касалликларни даволаш, текшириш жараёнида орқа мия каналини пункция қилиш, у ердаги орқа мия қаттиқ пардасиаро эридурул бўшлиққа доривор модда юбориш, цереброспинал суюқлик воситасида организмга тарқатиш, мия пардаларини ювиш энг самарали усуllibардан биридир.

Бизнинг ҳозирги ўта мураккаб вазиятимизда мен одатий жойдан эмас, балки думғаза билан дум суяги орасидаги чумчуқнинг кўзидек тешикча — сакрал канал (хиатус сакралис) орқали эпидурал блокада қилишга қарор қилдим. Бу усул ўз вақтида Катлен томонидан тавсия этилиб, амалиётда кенг қўлланаётган, лекин ҳамма мутахассислар ҳам буни амалга ошира олмас эдилар. Мен бояги ҳолатда 0,25 фоизли новокайн эритмасидан 20 миллилитр олиб, унга 1000 мкг витамин В12 ва 25 миллиграмм гидрокортизон гемисукцинат суспензияси қўшиб, эпидурал бўшлиққа юбордим.

Бу муолажадан сўнг бемор ярим соат мобайнида қорнига ётиб дам олди, ўзини енгил сезди, аста-секин боши, сёқ-қўлларини қимирилатиб, ўрнидан туришга ҳаракат қила бошлади. Бошида оғриқ сезмагани туфайли ҳайратланиб ўзича пицирлади:

— Наҳотки?

— Ҳа, ҳозирча оғриқдан фориғ бўлдингиз, агар бошингиз айланмаётган, ўзингизни яхши ҳис қилаётган бўлсангиз, ўрнингиздан туришингиз мумкин.

— Ишонмайман!

— Йўқ-йўқ, ишонаверинг, ўртоқ генерал!

— Э, қойил! Қўлларингиз дард кўрмасин, дўхтири! Биздан нима хизмат?

— Омон бўлсангиз бўлди. Буёғига белингизни эҳтиёт қилинг, оғир жисмоний ҳаракатлар қилманг. Умуртқа поғонангиз оралиғидаги дисклар нари-бериға силжиб, оғриқ бериши мумкин.

— Раҳмат сизга?

Биз генерал билан яна бироз сухбатлашиб ўлтиридик. У ўзини яхши сезастгани боис мен хотиржам бўлиб, кетишга отландим. Генерал қўлимни қаттиқ сиқиб, менга астойдил миннатдорчилик билдириди.

Шунга ўҳшаш унугтилмас воқеа 1977 йилнинг июнь ойида рўй берди. У вақтда меҳнат таътилига чиқиб, ўша атрофдаги маҳаллий сиҳатгоҳда дам олаётган эдим. Санатория бошлиғи мени ҳузурига чақириб, Армия тиббий бўлими бошлиғи телефон қилганлиги, Кўмондоннинг бетоб бўлиб қолганлиги туфайли ҳозироқ хизмат жойимга етиб келишим зарурлигини буюрди. Мени ташқарида маҳсус машина кутиб турганини, айтди.

Тез фурсатда манзилга бориб, беморни тиббий текширувдан ўтказдим. Унинг гапи бўйича, кейинги пайтларда ўнг оёғи сони юзасида увишиш, чумоли ўрмалаётгандек ёки совуқ уриб, ачишаётгандек нохуш ҳолат сезилаяпти. Бу асосан унинг кундуз кунлари кўпроқ юриб, тикка турганида содир бўлиб, уни бир пас ҳаракатдан тўхташ, ҳатто диванга ёнбошлаб ётишга ҳам мажбур этмоқда. Энг қизиги, бу нохуш сезилар уйга келиб, тўшакка узала тушиб ётганида безовта қилмайди.

Сўраб-суринштирсан, унинг ичи икки-уч кунда бир келар, дам-бадам қорни гупчакдек шишиб, ҳаво йиғилиб қолар, қабзиятдан озор чекар экан. Яна у хизмат тақозоси билан эрта-ю кеч ҳарбий либосда, белига қалин камар таққан ҳолатда, ҳаракатда, машинада узоқ юрарди. Бундан кўринашики, юқоридаги сабаблар туфайли унинг белидан пастдаги аъзолар эзилар, айниқса, чов соҳасидаги асаб толалари сиқилиб, қон айланиши бузилар эди.

Қон босимини ўлчасам, меъерида. Юрак, нафас олиш аъзолари фаолияти яхши. Бироқ, қорнига яхшигина ёғ тўпланган, ортиқча вазни бор, ичига газ йиғилган, метеоризм аломатлари яққол сезилиб турибди. Қадди-қомати тикка, қўл-оёқларидаги куч-кувват жойида, ҳаракатлар чекланмаган. Мушаклари таранг, озиш белгилари йўқ, Вена қон томирлари кенгаймаган, шишмаган. Лекин ўнг сони юзаси, яъни умуртқа поғонасининг бел қисмидаги 2-5 ҳамда думғаза қисмидаги 1-2 сегментларга тегишли соҳаларда сезиш қобилияти сусайгани (гипестезия, парестезия) аниқланди.

Илмий-назарий, амалий тажрибамга суюниб, «Беморда ўнг томондаги сон асаб толаси (нервус феморалис)нинг шохобчаси

бўлган ташқи тери толаси заарланганлиги (невральгия наружного кожного бедренного нерва), яна аникрофи, «Рот-Бернгардт касаллиги» деб қатъий ташхис қўйдим.

Беморга турли дори-дармонлар, физиотерапевтик муолажалар, уқалашдан ташқари, узлуксиз жисмоний тарбия билан шуғуланиш, оқилона овқатланиш, тамаки чекмаслик, ичнинг кунда, кунора равон келишига эришиш, қолаверса, ҳар куни белга тақиб юрадиган қалин камарини бироз бўшатиброқ боғлаши, ён чўнтакларни ортиқча темир-терсакли қаттиқ буюмлар, жумладан, портсигар, қалин ҳамён билан тўлдирмаслиги зарурлиги ҳақида жўяли маслаҳатлар бердим.

Ўзаро сұхбатлашув чоғида bemorning менга ўқрайиброқ қарагани, баъзи саволларимга истар-истамас жавоб берганидан сездимки, текширувим, маслаҳатларим унга негадир ёқмай, энсанси қотгандек туюлди назаримда. Шундай бўлса-да, унинг тиббий дафтарчасига ўз фикр-мулоҳазаларим, тавсияларимни аниқ ва лўнда қилиб ёздим. Бу ҳам етмагандек, рангли қаламда касалликка чалинган соҳанинг расми-чиzmасини ҳам илова қилдим.

Орадан ўн-ўн беш кун ўтди. Яна тиббий бўлим бошлигининг топшириғига кўра, bemorda шу срдаги маҳаллий тиббий академия профессори билан маслаҳатлашиш нияти борлиги ҳақидаги истагидан хабардор бўлдим. У ерга бориб, профессор билан учрашувимизнинг аниқ куни ва соатини билиб келдим.

Икки енгил машинага ўлтириб, мен олдинда тиббий бўлим бошлиғи билан bemorning ўзи белгиланган манзилга етиб бордик. Бизни жуда яхши қабул қилишди. Профессор bemorni алоҳида хонасига олиб кириб, синчковлик билан текширувдан ўтказди. Бизга айтган гапи шу бўлди холос: «Мен ҳамкасбим Геноссе Раҳмоновнинг Сизга қўйган ташхиси ва тавсияларига бирор жумла тугул, битта ҳарф ҳам қўша олмайман. Бу жуда асосли, тўғри ташхис. Яна шуни рўй-рост айтишим керакки, агар бу тавсиялар ёрдам бермаса, уни жарроҳлик усули билан даволашга тўғри келиши мумкин. Ўйлайманки, Сиз яқин фурсатларда соғайиб, отдек бўлиб кетасиз!»

Биз ташқарита чиққач, Кўмондон мени ёнига чақирди-да, илтимос оҳангода деди:

— Менинг машинамга чиқ, бирга кетамиз.

Йўлда кетар эканмиз, унинг қулфи-дили очилиб, кўнглимни кўтаргандек бўлди:

— Шунча жойга овора бўлиб, бекорга вақт кетказиб юриб-миз-а! «Олдиндан оқдан сувнинг қадри йўқ», дейишгани рост экан. Сенинг ҳақингда фалончи генерал айтганида очифи, ишонмаган эдим. Энди мени ҳам ўзинг давола. Раҳмат сенга, дўхтир!

## ҲАР НАРСАНИНГ БОРДИР МЕЬЁРИ

1977 йилнинг куз ойларида ярим кечада уйимизга навбатчи ҳайдовчи келиб, мени госпиталга олиб кетди. Қабулхонада бошлигимиз кутиб турган экан.

— Ҳозир олдинга қўши батальондан бир аскарни олиб келишади. Уни кўриб, марказдаги руҳий касалликлар госпиталига йўлланма ёзib берасан. Эрталаб соат олтида иккита назоратчи билан маҳсус машина келиб, уларни олиб кетади. Тушунарлимис?

— Тушунарли!

Кўп ўтмай, икки ҳарбий ходим ҳамроҳлигида ўша аскарни хонамга олиб келишди. Уларнинг қўлларида, алоҳида хатжилд ичиди аскарнинг тиббий дафтарчасидан ташқари, икки варақ тавсифнома ҳам бор эди. Уларда фақат ижобий фикр-мулоҳазалар баён қилинган. Ҳайрон бўлдим: «Нима учун бундай яхши, ижобий тавсифнома билан руҳий касалликлар госпиталига юборишим керак экан?» П.Н.С. деган 1956 йилда туғилган рус йигити, оддий аскар билан самимий сұхбатлашдим. У ҳозирги кунда уч йиллик мажбурий хизмати муддатини тугатиш арафасида экан. Айни пайтда батальон ҳудудидаги ёш офицерлар ётоқхонасида эрта-кеч навбатчилик қиласар, у ерни йигиштириб, супуриб-сириб, намунали тартиб сақлаб турар, ҳамма унинг ўз вазифаси, бурчига садоқатли эканлигидан мамнун экан. У ўз вақтида аскарлар ошхонасига бориб келар, тунлари казармада хизматдош ўртоқлари ёнида ётар, қолган пайтларини асосан иш жойида ўтказар экан.

Қарасам, ранги-рўйи, усти-боши тоза, покиза, гап-сўзлари маъноли, босиқ, камтар, жисмонан бардам, бақувват, итоаткор йигит. Ҳол-аҳволини сўраб-сурештирдим.

— Соғлиғингиздан бирон шикоятингиз борми?

— Йўқ, соппа-согман! — деди у келишган қадди-қоматини тик тутиб мағрурлик билан, майин жилмайиб.

— Хизматингиз қандай кетаяпти!

— Яхши.

— Хизматдош ўртоқларингиз билан ўзаро муносабатларингиз қалай?

— Ёмон эмас. Йигитчиликда баъзан жўжахўроздарга ўхшаб, унда-мунда чўқишиб, ташлашиб ҳам турамиз.

— Ким билан?

— Ротамизда бир-иккита қитмир йигитлар бор. Асосан ўшалар билан муносабатимиз бироз келишмайди. Улар ётсан ҳам, турсам ҳам менга тегажақлик қилиб, жигимга тегишади.

- Сабаб?
- Сабаби деярли йўқ, десам ҳам бўлади. Арзимас нарсалар, холос.
- Нима экан улар, билсам бўладими?
- Масалан, менинг офицерлар стоқхонасида навбатчилик қилишим негадир уларга ёқмайди. Икки гапнинг бирида гўё мен ҳақиқий ҳарбий хизматда эмас, санаторияда дам олаётгандек, bemalol, эркин юрар эмишман. Уларга ўхшаб, турли навбатчиликларга бормас эмишман. Аслини олганда, аввалиари мен ҳам навбатчиликларга кўп ва хўб борганиман, бурчимни аъло даражада бажарганиман. Лекин қўмондонлик негадир мени шу жойга муносиб кўриб, ишга тайинлаган.
- Яна қандай келишмовчиликлар бор?
- Яқинда дембелга кетаман деб, анчадан бери йигиб юрган пулимга бир қора дипломат сотиб олдим. Ўшани бизга берасан деб, туриб олиши. Мен рози бўлмадим. Лекин менга жисмоний тазиик ўтказиб, зўравонлик билан тортиб олиши. Ичидаги ларга майда-чўйла совға-саломлар, сақич, ёпиширадиган рангли расмлар солиб қўйган эдим, улар ҳам қулоғини ушлаб кетди. Шу масалада улар билан яхшигина муштлашиб ҳам.
- Бундан рота командири, старшинанинг хабари борми?
- Йўқ. Ҳеч кимга ҳеч нарса демадим.
- Афсус! Албатта айтишингиз керак эди. Балки ўшандада уларнинг танобларини бироз тортиб қўйишармили?
- Арзимаган нарсага пасткашлиқ қилиб, шикоятчи деган ном ортираманми?
- Хўш, нима учун Сизни ярим кечада бу ерга, невропатолог-психиатр олдига олиб келиши, биласизми?
- Йўқ!
- Ухлаб ётган жойимдан турғазиб, қўярда-қўймай мени олдиларига солиб, оёғимни ерга теккизмай, бу ерга етказиб келиши. Гап нимада эканлигига ўзим ҳам ҳайронман! — деди елкасини қисиб, муаммонинг сири қаерда эканлигига тушунмай.
- Мен «бемор»ни йўлакка чиқариб, соатимга қарасам, тонгги тўрт. Яна икки соатдан сўнг машина келади. Мен эса, нима қилишимни билмай, ҳайрон бўлиб ўлтирибман. Телефон дастагини кўтариб, бошлиғимизни ширин уйқудан уйғотдим, унга бор гапни айтдим:
- Қабулимга келган аскар соппа-соғ. Унда ҳеч қандай руҳий хасталик аломатлари йўқ. Бор-йўғи баъзи хизматдошлари билан ўртада озгина келишмовчилик бўлган экан. Бундан рога сардорларининг умуман хабари йўқ. Унга ёзилган тавсифномалар юксак

унвон, нишонларга тавсия бериладигандек, сип-силиқ, равон. Бу аҳволда мен уни қандай қилиб, руҳий хасталиклар госпиталига юбораман? У ерда менин яхши билган ҳамкасб-устозларим «Раҳмоновнинг томи кетибдими? Унга нима бўлди?» дейишмайдими? Бу қип-қизил бемаънилик-ку!

Бошлиғимиз менинг мулоҳазаларимни охиригача сабр-тоқат билан тинглаб, бирдан менга ўшқириб кетди:

— Э, менга қара, ўртоқ подполковник! Менга айтган гапларингни бир чеккага йиғишириб қўйгин-да, ўз фикрингни тиббиёт дафтариға ёзиб, уни тезроқ айтилган жойга юбор! Бу Кўмондоннинг шахсий буйруғи! Унинг буйруғи муҳокама қилинмайди, сўзсиз бажарилади, тушундингми?

— Тушундим!

Ноилож, виждоним амрига қарши ўлароқ, тегишли ҳужжатларни тўғрилаб, навбатчи, ҳамишоранинг қўлига тутқаздим.

Не кўз билан кўрайки, ўша куни кечқурун аскарни яна ҳузуримга олиб келишди. У бечорани маҳсус машинада икки назоратчи ҳамроҳлигига уч юз километр у ёққа, уч юз километр бу ёққа йўл босиб, сарсон-саргардон қилиб, Бош руҳшунос маслаҳатига олиб бориб келишди! Хулоса, худди мен айтгандек. «Аскарлар ўртасидаги низо туфайли келишмовчилик. Буни ўз жойида бартараф этиш зарур. Маслаҳатга юборилган оддий аскар П.Н.С.да ҳеч қандай руҳий хасталик аломатлари йўқ. Ҳарбий хизматта лойиқ!»

Мен бу ҳақда ўша заҳотиёқ, госпиталимиз бошлиғига қўнғироқ қилдим:

— Мен Сизга нима деган эдим? Бугун эрталаб руҳий касалликлар госпиталига юборган аскаримизни соппа-соғ деб, орқасига қайтариб юборишибди!

— Мен ҳам сенинг гапинтдан кейин ишнинг шунаقا пачаги чиқишини сезган эдим. Лекин буйруқни бажармаслигим мумкин эмас эди. Бу ерда бошқа гап бор экан. Буни сенга телефонда айттолмайман. Энди ўртадаги муаммоларни янада чигаллаштирмаслик учун ишни охиригача ўзинг етказасан. Аскар ҳозир батальонига қайтиб борса, яна жанжал, тўпалон бошланади. Шунинг учун уни бўлимингга ётқизиб, беш-олти кун ушлаб тур. Бу вақт ичига уни тиббий-кўрик ҳайъатидан ўтказиб, ўз қисмига жўнатиб юборасан. Шунда биз тинч, хотиржам бўламиз. Сих ҳам куймайди, кабоб ҳам.

Кейин билсам, аскар П.Н.С. навбатчилик қилаётган офицерлар ётоқхонасига Москвадан, «Красная звезда» газетаси мухбири уч-тўрт кунга жойлашган. У бу ерга энг илғор ва намунали ҳарбий

қисм ҳаётидан очерк ёзиш мақсадида Қўмондоннинг шахсий кўрсатмаси бўйича келган экан. Мухбир ётоқхонада хизмат қилаётган П.Н.С. билан узоқ сұхбатлашиб, ундан ўзига зарур бўлган анча маълумотларни олибди. Мухбир ишончига кирган аскар юқорида менга айтиб берган дардларини унга ҳам ёрилиб, «гуллаб» қўйибди. Бундан ҳайратланган мухбир икки ўртада бўлган бу машмашаларни оқизмай-томизмай, Қўмондоннинг шахсан ўзига айтибди:

— Бу қанақаси бўлди? Мени энг илфор, энг намунали қисмга юборган эдингиз-ку! Бу ерда аҳвол бунақа чатоқ бўлса, бошқа жойда қанақа экан? Мен Сизни тушуна олмадим.

Бундан жаҳли чиққан Қўмондоннинг тепа сочи тикка бўлибди-да, тегишли одамга буйруқ берибди:

— Бундай бемаънигарчилик бу ерда бўлиши мумкин эмас! Бу боланинг эси айниган! Уни дарров жиннихонага юборинглар!

Мана, «Шовла кетса кетсин, обрў кетмасин», деган ғалати сўзнинг ёрқин исботи, намунаси!

Яхши ҳамки, мен аскар П.Н.С. бизнинг бўлимда ётганида у билан бир-икки марта дўстона сұхбатлашиб, икки ўртада бўлиб ўтган можаролар тавсилотини унинг ўз тилидан қайта-қайта эшигиб, унга билдирамай овозини доимий ҳамроҳим, мўъжазгина магнитофоним магнит тасмасига ёзиб олган эдим.

Буни қарангки, орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас уни энди икки қуролланган назоратчи ҳамроҳлигида, қўлига кишан солинглан ҳолатда ҳузуримга келтиришиди.

Унинг айтишича, у госпиталдан қисмига қайтиб боргач, ротанинг сардорлари: «Ҳали сен бизнинг устозимиздан тепадагиларга шикоят қиласидиган бўлдингми? Энди боплаб таъзиiringни берамиз!» деб аввалги хизмат жойидан бўшатишибди. Бундан хурсанд бўлган «зўравон» йигитларга жон кирибди, улар яна унинг устидан кулиб, ўтса ўргони, кетса кетмонини оладиган бўлишибди, имконият бор жойда туртқилашибди, жиғига тегишибди.

Бундай хўрликка чидай олмаган П.Н.С. рота бўйича навбатчилик пайти, тунда, ҳамма тинч ухлаб ётганида бояги «зўравон»ларнинг энг ашаддийисидан аламини олибди, аввалдан тайёрлаб қўйган сим каравотнинг чивиги билан бошига уриб, миясининг «қатиғи»ни чиқарибди!

Энди у оғир жиноят содир этгани учун Қонун олдida жавоб беришга мажбур эди.

Кейинчалик ҳарбий жамоаларда бундай нохуш воқеа-ҳодисаларнинг олдини олиш бўйича ҳарбий прокуратура ходимлари

иштирокида ўтказилган катта илмий-амалий анжуманда сўзга чиқиб, оғир жиноят содир этган П.Н.С.нинг магнитофоним тасмасидаги овозини баланд қўйиб, ҳаммага эшигтиридим. Унинг дард тўла, аламли овозини эшигтанлар ўзларига зарур хуносалар чиқаришиди, албатта.

Зеро, ҳарбий жамоаларда аскарлар ўртасида самимий дўст, биродарлик, ўртоқлик, ҳамкорлик ришталарини янада мустаҳкамлаш, соғлом муҳит яратиш жанговар шайлик, умумий манфаатларнинг энг асосийси, метин пойдевори десак, асло мубобалаға бўлмайди.

Хуоса қилиб айтганда, ҳар бир нарсанинг ўз меъёри бўлганидек, ҳар бир инсоннинг ҳам қадри-қиммати, ор-номуси оёқости қилинмаслиги шарт ва мажбурийдир. Шундагина сафларимиз янада мустаҳкам, қаддимиз тик, қадримиз баланд бўлади.

## ИНСОН РУҲИ

Маълумки, Инсон руҳининг доим тетик, шод, кўтаринклиги эзгу мақсадга эришин йўлида улкан муваффақиятлар гаровидир. Бу, айниқса, ҳарбийларга хос ва мос ибора бўлиб, жанговар ҳолатларда катта аҳамият касб этади. Буни ҳарбий тактика ва стратегия илмидан озми-кўп хабардор одамлар яхши билишади.

Бир оғиз сўз билан айтганида, руҳан тетик, маънави етук, баркамол, жисмонан бардам, бақувват, иймон-эътиқоди мустаҳкам, фидойи, элсевар одамлар ҳаётдаги ҳар қандай тўсиқ, қийинчиликларни мардонавор енгиб, асл мақсадларига етишадилар, ўзларини улуғлайдилар. Бунинг акси ўлароқ, руҳан, маънан ва жисмонан заиф, иймон-эътиқоди суст кимсалар қийинчиликлар олдида довдираб, эсанкираб, асабий-руҳий ҳолатларга тушиб қоладилар, умумий манфаатларга зид ишлар қилишлари ҳам мумкин.

Лекин бундай вазиятларда уларни кўпчилик ичидан тезроқ илғаб олиш, дардларига дармон бўлиш, тўғри йўлга солиш энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам кўпинча ҳарбий-тиббий давраларда психогигиена, психопрофилактика деган атамалар тез-тез тилга олинади. Кенг маънода олганда, психогигиена — одам руҳий ҳолатини сақлаш ва мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқадиган, руҳий ҳасталикларнинг келиб чиқиши сабаблари ва ривожланиши олдини оладиган гигиенанинг бир қисмидир (Л.Рохлин. БМЭ. 27-жилд, 31-бет). Таниқли олим В.Мясишевнинг таъкидлашича, психопрофилактика дегани руҳан соғломликни таъминлаш ҳамда

рухий хасталикларнинг олдини олиш мақсадида ўтказиладиган улкан чора-тадбирлар тизимиdir (БМЭ, 27-жилд, 392-бет). Бу ҳар иккала эгизак таърифни бир-биридан айро ҳолатда тушуниш мантиқан нотўғри ва мақсадга мувофиқ эмаслиги ҳақиқат. Шундай экан, улар фақат бир-бирини тўлдиради, қўллаб-кувватлайди, холос.

Шундан келиб чиқиб, Қуролли Кучлар сафида хизмат қилаётган (айниқса, жанговар операцияларда иштирок этаётган) ҳарбийларнинг асабий-рухий ҳолатларини сақлаш ва мустаҳкамлаш, асабий-рухий хасталикларнинг олдини олиш ва ниҳоят, жанговар ҳаракатлар олиб бориш жараёни театрода ҳарбийларнинг руҳий фаолиятини янада кўтарниша психогигиена ва психопрофилактиканиң аҳамияти ниҳоятда бекиёсdir десак, асло янглишишмаймиз.

Шу маънода белгилантган психогигиеник ва психопрофилактик тадбирларни ўз вақтида, оқилона амалга ошириш ҳарбийларнинг юксак касбий маҳорати ва жанговар қобилияти, салоҳиятини таъминловчи энг муҳим омиллардан бири ҳисобланиши бежиз эмас. Зоро, дунё миқёсида глобаллашув жараёни тобора кучайиб кетаётган ҳозирги нотинч замонда халқимиз, айниқса, ёшларимизнинг ҳарбий шукуҳини янада юксалтириш муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эгадир.

Сирасини айтганда, ҳар қандай жанговар ҳолатларда ёвуз, тажовузкор кучлар устидан узил-кесил қозонилажак ғалаба, устунликка ишонч, ички, руҳий кўтаринкилик кайфияти аслида тинчлик даврида кенг миқёсла узлуксиз олиб борилган соғломлаштириш ишлари, психогигиеник ва психопрофилактик тадбирларнинг мантиқан давоми леб тушуниш айни муддаодирки, бу ниҳоятда мураккаб ва масъулиятли вазифалардан бири ҳисобланади.

Кези келганда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, жанговар ҳолатларда, замонавий шикастлаш воситалари қўлланилган тақдирда бошқа хасталиклар қатори маълум бир миқдорда турли асабий-рухий хасталикларнинг ҳам қайд этилиши табиий.

Шундай экан, ҳарбий-дала машқлари ўтказилганида масаланинг бу нозик жиҳатига алоҳида, жиддий эътибор берилиши фойдадан холи эмас. Чунки шу тоифага кирган айрим беморлар феъли-автори, хатти-ҳаракати, юриш-туриши, гап-сўзилаги салбий ўзгаришларни сезгирилик билан дарров пайқаш, иложи борича уларни алоҳида жойлаштириш, маҳсус шарт-шароитларда қатъий тартиб-интизом, назорат остида даволаш чора-тадбирларини қўллаш учун ҳаётий тезкор амалий кўнникмалар ҳосил қилиш таълаб этилади.

Масалан, 1978 йили катта миқёсда ўтказилган ҳарбий-дала машқларида бизнинг жамоамиз зиммасига ҳарбий-дала неврологик госпитал (ВПНГ) фаолиятини кўрсатиш топширилди. Деярли ярим йил мобайнида қизгин тайёргарлик кўрдик. Мен айни пайдада соҳам бўйича маслаҳатчи ҳамда госпитал таркибий қисми – психоневрология бўлими бошлиғи ролларини бажардим. Бу бўлим бошқалардан умуман фарқли ўлароқ, ўз таркибий тузилиши, жойлашиши, вазифалари жиҳатидан ҳам бутунлай бошқача, мураккаб эди. Битта УСБ-56 ҳажмли чодирда йигирма ўринли психоизолятор ташкил қилишнинг ўзи бутун бошли госпиталнинг ярим иши билан баравар, ҳатто ундан ҳам ортиқ эди, десам, муболага бўлмайди.

Чунки бу бўлимга айнан руҳий хасталикларга чалинган беморларгина ётқизиларди. Булар ўз навбатида шартли равишда: ашаддий безовта (назорати кучайтирилган қабулхона) беморлар, биринчи ва иккинчи госпиталь хоналаридаги жойлаштириладиган ўртача безовта ҳамда тинч bemорлар тоифасига бўлинарди.

Шундай бўлгач, бу умумий бўлим ҳудуди, яъни деворини тиканакли сим-девор билан мустаҳкам қилиб ўраш, бўлимга киришчиқиши эшиги-дарвозасини темирдан ясаш, кулф-калитли қилиш, чодирнинг ички ва ташқи қаватлари орасига симтўр, деразаларига синмайдиган ойналар ўрнатиш, ерга катта, қалин тахта қалқон, шитлар ётқизиш, уларни мустаҳкамлаш, пенопластдан ясалган маҳсус тўшаклардан фойдаланиш зарур эди. Бундан ташқари, чодир ичидаги печка, унинг карнайлари, дори-дармонлар қўйиш ва сақлашга мўлжалланган стол, кутиларни полга қоқиш, хуллас, ашаддий безовта bemорларнинг нафақат ўзлари, балки уларга хизмат қилувчиларнинг ҳам ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш бўйича барча майда-чуйда, икир-чикир нарсалар аввалдан ипидан игнасиғача пухта-пишиқ ўйланган, ишлаб чиқилган эди. Масалан, шишли идишлар, ўтқир пичноқ, қайчи, санҷқилардан фойдаланмаслик, bemорларнинг иссиқ чой ва овқатлардан куйиб қолмасликлари учун уларнинг иссиқлиги 70–75 дараражадан ошмаслигига аҳамият бериш, ҳатто сочиқ, чойшабларни доим қаттиқ назоратда тутиш, ёнгин хавфсизлигини кўриш ҳам талаб этиларди.

Энг қийини, дала шароитида очилиб-ёпиладиган замбиларни пол устидаги йўғон тўсинларга қимирламайдиган қилиб мустаҳкамлаш, безовта bemорларни тинчлантириш, оёқ-қўллари, белларини боғлаш учун ўзимиз тайёрлаган маҳсус тасма, камарчалардан оқилона фойдаланиш зарур эди.

Бундай мураккаб вазифаларни бажариш, руҳий хасталикка чалинган bemорлар ҳаётини сақлаш, уларнинг ҳар томонлама

хавфсизлигини таъминлаш учун жамоамиз билан тинимсиз машқлар ўтказиб, ҳаётий кўникмалар ҳосил қиласардик.

Бу ўтказилган ҳарбий-дала машқимиздан энг унтилмас, ибратли воқеа шу бўлдики, Марказдан келган юқори мартабали ҳарбийлар, текширувчилар бизнинг бўлимга ташриф буюришганида ўзларини ниҳоятда бошқача сезиши. Мен уларни ташқи дарвоза олдида кутиб олиб, ичкарига бошладим, бўлим ишнинг ташкил қилинини билан батафсил таништиридим. Асосий эътибор, ашаддий безонта руҳий bemорлар хонасидағи ўзига хос шарт-шароитларга қаратиши. Фурсатдан фойдаланиб, «сунъий bemор»лар ўз «хунар-хурмача қиликлари»ни намойиш этиши. Ҳамманинг оғзи очилиб, анграйиб қолиши. Текширувчилар ташқарига чиқишганида ташқи дарвоза кулфланганлиги боис, у ердан осонгина чиқиб кетиш амри маҳол эди. Бундан ўзимиз ҳам саросимага тушиб, хижолатда оёғи куйган тонукдай гипирчилаб қолдик. Сабаби, темир дарвоза олдида навбатчилик қилаёттган аскаримиз тушмагур, калитни чўнтағига солиб, зарурат туфайли четроққа чиқиб кеттан экан. То у жойига келиб, дарвозани очгунича бўладиганимиз бўлди. Бу ҳам ўзига хос бир «ўйин» бўлди. Марказдан келган ниҳоятда талабчан, қаттиққўл генерал-лейтенант ишимизни юқори баҳолади, бизга миннатдорчилик билдири ва мени «Соғлиқни сақлаш аълочиси» кўкрак нишонига тавсия қилди.

Кейинчалик, менинг қўшинларда психогигиена ва психо-профилактика борасидаги намунали ишларим оммалашиб кетди, бу ҳақда «Ҳарбий врачларга ёрдам» рукни остида бир қатор амалий қўлланмалар, эсдаликлар ёзdim, илмий-амалий анжуманларда ҳамкасбларим орасида тажрибаларим билан ўртоқлашдим.

Энг муҳими, бу ҳаётий, ибратли воқеа, ҳодиса ҳали ҳам ўз долзарблиги, аҳамиятини йўқотгани йўқ. Чунки сафларда доимий руҳан-маънан тетиклик, уйғоқлик, жисмонан бардам, бақувватлик, огоҳлик ва ҳушёрлик жанговар шайлик асосидир, албатта.

## ШУКРИЯ

Кун шомдан оғганда эшик қўнғироги жиринглаб қолди. Эшикни очсан, қадрдонларим Баҳодиржон ва Зухрахонлар жилмайиб туришибди.

- Э, келинглар, келинглар, марҳамат!
  - Раҳмат, раҳмат! Биз шошиб турибмиз!
  - Бунча шошилинч, тинчликми?
  - Тинчлик, тўйга айтгани келдик! Шукрияңгизни узатяпмиз!
- Ўзинглар бош бўласизлар энди.
- Муборак бўлсин! Шукрия ҳам катта қиз бўлиб қолибди-да?

— Нимасини айтасиз, қыз бола бирпасда қўзга ташланиб қоларкан.

— Жуда яхши! Ишқилиб, қўшгани билан қўша қарисин, ўзидан кўпайсин!

— Айтганингиз келсин!..

Улар билан хайр-хўшлашиб, ичкарига киравканман, бундан қарийб ўн саккиз йиллар чамаси олдин бўлиб ўтган воқеа кўз ўнгимда гавдаланди. Ўшандо оилас билан хорижда, хизмат сафарида эдим. Бир куни госпиталда кечки навбатчиликдаман, тургукхона бўлимидан қўнғироқ бўлиб қолди:

— Дўхтири, бўлимга келсангиз.

— Тинчликми?

— Уч кун бурун кўзи ёриган аёл нуқул йиғлагани-йиғлаган.

— Боласи-чи, боласининг аҳволи яхшими?

— Чақалоқ дуркун, юзи ойдек, кўзи мунчоқдек, фақат онаси...

Тезда тургук бўлимига ўтиб, навбатчи ҳаминирадан умумий аҳволни суриштиридим-да, «Йиғлоқи» аёлнинг ҳужжатлари билан танишдим: «Худойбердиева Зуҳра, 1946 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, ўзбек. Эри ҳарбий хизматчи...»

Беихтиёр ҳаприқиб, алланечук бўлиб кетдим. Ахир, бегона бир юртда Ватан соғинчи билан тўлиб-тошиб юрганингда, тасодифан ҳамюртинг олдингдан чиқиб қолса, юрагинг қинидан чиқиб, хурсандчиликдан кўзларинг чақнамайдими?

Ҳарқалай, ўзимни қўлга олиб, худди туғишган жигаримни, опам ёки синглимни топгандай севиниб, аёл ётган хонага кирдим. Хонада каравотда, оқ чойшабга ўралиб, бодом қовоқлари салқиган, кўзлари қизарган, зулукдай тим қора соchlари белида ёйилган йигирма беш ёшлар чамасидаги аёл хомуш ўтиради. Менга кўзи тушиши билан ўрнидан кўзгалди.

— Ассалому алайкум, ҳамشاҳар! — уни кўзгалмасликка ундарканман, қаршисидаги курсига бориб ўтирдим. — Янги меҳмон муборак!

Ўзбек тилида гапирганимни кўриб, тўгриси, суҳбатдошимнинг юз-кўзлари ёришиб, ҳатто кўзларидан мунчоқ-мунчоқ ёш тўкилди.

— Йиғламанг, синглим. Мен ҳам шу мамлакатда хизмат қиламан, — дедим унинг кўнглини кўтариб. — Нега йиғляяпсиз? Бирор ерингиз оғрияптими?

— Йўқ, соппа-соғман! Ҳаммаси яхши. Лекин нимагадир нуқул йиғлагим келади.

— Нимага?

- Адасининг айтгани бўлмади-да.
- Адасининг айтгани нима экан?
- «Агар бу сафар ҳам қиз тұғсанг, шу ерларда қолиб кетасан, олиб кетгани келмайман», деган эдилар. Мана, уч кундирки дараклари йўқ.

Аёл шундай деб, яна елкаларини силкитиб-силкитиб хўнграб юборди. Мен вазиятни дарров илғаб, унинг эри хизмат қилаётган ҳарбий қисм командирига телефон орқали шошилинчнома юбордим. Айтилган сўз — отилган ўқ! Эртаси куни пешинга яқин озғин, офтобда тобланган қорамагиз ўзбек йигити келиб, қаршимда ғоз турибди-да!

- Катта лейтенант Худойбердиев топшириғингизга биноан хузурингизга келди!

Биз хизмат юзасидан расмий танишдик. У, хизмат қилаётган бўлинма шу кунларда жанговар дала машқларини ўтаётганини айтди ва шу боис туғрухонада ётган хотинидан хабар ололмаганидан нолиди.

- Шошилинчнома олишим билан командиримиз мени дала машқларидан озод қилиб, бу ерга юборди, — деди у аллақандай хавотир билан менга боқаркан. — Тинчликми, дўхтири?

- Хотинингизни бориб кўрдингизми?
- Йўқ.
- Ҳали ундан хабар олмадингизми?
- Тўғри сизнинг олдингизга...
- Қойил-э! Боринг, хотинингиздан хабар олинг! Кейин олдимга келасиз!

— Орадан ярим соат ўтиб, йигит оғзи қулоғида, ёш боладай қаршимда бош этиб турибди. Афтидан, у гап нимада эканлигини анлаган, ножӯя ҳазили учун афсусланаётган эди. Биз энди расмиятчиликни бир чеккага қўйиб, самимий сухбатлашардик.

- Келинга далда бериш ўрнига, нега унга пўписа қилдингиз?
- Нима дебман?
- «Яна қиз тұғсанг, шу ерда қолиб кетасан, олиб кетгани келмайман», дебсиз-ку!

Йигит кулиб юборди.

— Бу ҳазил эди. Очигини айтсам, туғилажак фарзандимиз ўғил бўлса, исмини Шукуржон қўйишни ният қилган эдим.

— Энди Шукуржон эмас, Шукрияхон қўясиз-да! Шу ҳам муаммоли?

— Тўғри айтасиз, Шукрияхон деб исм қўйсак ҳам бўлади-ку!

Шундан кейин Шукрияхонга эзгу тилаклар билдириб, қўл сиқишиб самимий хайрлашдик.

Мана, ўша қизалоқ бугун балогатга етиб, гүшангага қадам қўяялти. Мен унга баҳт тилайман, «Оила деган гўзал бўстонга ташлаётган илк қадаминг қутлуғ бўлсин», дейман, қизим Шукрия!

## БИР СУРАТ ТАРИХИ

Неварам Дағрон билан оиласвий альбомни кўриб ўтирас эдик, чет элликлар даврасида, қўлимда коптот ушлаб тушган суратим неварамнинг эътиборини ўзига тортдими, мендан сўради:

- Кимлар билан суратга тушгансиз, ота?
- Чет элликлар билан.
- Улар билан футбол ўйнаганмисиз?
- Йўқ, бу коптот менга эсдалик учун берилган.
- Нима учун?

Қўққисдан берилган бу савол мени ўша кунларга етаклади. Ҳаёлимда ўтган асрнинг етмишинчи йиллари охирида бўлиб ўтган бир воқеа жонланди. Ўшанда чет элда хизмат сафарида эдим. Маҳаллий аҳоли билан илиқ муносабатда бўлсак-да, руҳан ўтрамизда ҳадиксираш, хавотир борлиги сир эмас эди. Бу ўша даврнинг таъсири, албатта. Лекин бизни бурчга садоқат ҳис-туйғуси бирлаштиради, холос.

Бир куни ўғлим Баҳтиёр билан тушликдан сўнг ҳарбий шифохонага кетаётган эдик, узоқдан ярқираган ёруғликка қўзимиз тушди. Ўша томонга югурдик ва етиб бориб, баҳтсиз ҳодиса гувоҳи бўлдик. Бу томонга келаётган юк кўтарувчи краннинг хартуми юқори қувватли электр симига тегиб кетган, натижада электр токи ҳайдовчини зарб билан улоқтириб ташлаган, унинг оғзи-бурни қон, зўрга нафас олар, ўнг қўли қаттиқ жароҳатланган, ёнида билакдай йўғон электр сими илондай тўлғониб ётарди.

Биз аввалига бироз эсанкирадик, кейин эс-хушимизни йигиб, дадил ҳаракатга киришдик. Мен Баҳтиёрни госпиталга бориб, воқеа ҳақида хабар беришини тайинладим. Ўзим эса, маҳаллий аҳолига мансуб жароҳатланган ҳайдовчига шоншилинч тиббий ёрдам беришга киришдим. Уни эҳтиёткорлик билан электр сими-дан нарига тортиб, сунъий нафас бердим, юрагини уқаладим.

Кўп ўтмай, яқин госпиталдан бир неча тиббий ходимлар етиб келишди. Кетма-кет «Тез ёрдам» машинаси ҳам келди ва шифохонага олиб кетди. Мен ҳарбий низомга мувофиқ, бу ҳакда ўз бошлиғимга маълумот бердим.

Орадан бир-икки кун ўтгач, госпиталга мени кимдир сўроқлааб келганини айтишди. Чиқсан, сўроқлааб келган киши рус тилида зўрга мақсадини баён этди:

— Сизни округ қурилиш ташкилотининг бошлиғи кўрмоқчи, — деди у илтифот билан. — Яқинда фалокатга учраган бизнинг ходимимизга биринчи тиббий ёрдам кўрсатган экансиз. Сизни бошлиқ олиб бориш менга юклатилди.

— Бу аввало менинг фуқаролик, қолаверса, касбий бурчим! — дедим бунга жавобан. — Кейин бошлиғим рухсатисиз сиз айтган жойга боролмайман. Яна бир гап: жабрланувчига бир ўзим эмас, кўпчилик ёрдам кўрсатди.

— Билмадим, биринчи бўлиб сиз ёрдам кўрсатган экансиз... Мумкин бўлса, бошлиғингиз билан учрашсан.

Хуллас, бошлиқнинг рухсати билан, таржимон ҳамроҳлигига ўша корхонага бордик. Бизни мартағали раҳбарнинг ўзи ҳурмат-эҳтиром билан кутиб олди. Оммавий аҳборот вакиллари бизларни суратга олишиди. Ўртада самимий сұхбат бошланди. Олтмишдан ошган, хушмуомал рахбар менга самимий миннатдорчиллик билдириди.

— Бўлиб ўтган фалокат бизни янада яқинлаштириди, бир-биrimизга бўлган ишончни мустаҳкамлади, — деди раҳбар. — Зоро, сиз биринчи тиббий ёрдам кўрсатган ходимимиз, афсуски, кўрсатилган тиббий муолажаларга қарамай, оламдан ўтди. Ҳаёт кутилмаган тасодифларга тўла экан. Бунга кўнижмасликнинг иложи йўқ. Шундай оғир пайтда, унинг ҳаётини сақлаб қолиш учун кўрсатган жасоратингиз, касбингизга бўлган садоқатингизни биз юксак қадрлаймиз. Бунинг учун сизга чин дилдан миннатдорчиллик билдирамиз. Арзимаса-да, эсадалик учун ушбу камтарона совғамизни қабул қилсангиз.

Шундай дея, раҳбар қўлимга копток тутқазди ва ҳаммамиз эсадалик учун суратга тушдик. Ана шу суратнинг бир нусхаси менинг оиласи альбомидан жой олди.

### «ТОЛКАТЕЛЬ»

Тақдир тақозоси билан чет элда ишлаб юрганимда томоқдан тийиб, енгил машина сотиб олдим. Энг қизифи, ҳали машина бошқаришни билмасдим. Ҳавасга машинага ўтириб, рулни у ёқдан-бу ёққа буришни, совун қўпиги билан уни ювишни амаллардим, холос.

Машина ҳайдашни биладиган, унинг икир-чикирига тушунадиган ҳайдовчи ёллаб, уни Тошкентга олиб келадиган бўлдим. Шу мақсадда шошилинч таътил олиб, йўлга чиқдик. Келишувимиз бўйича, ёлланган ҳайдовчи мени ва машинани Тошкентга етказиб келди. Сўнг ўзи самолётда орқасига қайтиб кетди.

Шу келиннимизда, мен йўловчи сифатида олдинги ўриндиқда ўтириб олганман. Қўлимда йўл харитаси, ҳайдовчининг хатти-

ҳаракатларига аралашмайман. Эсон-омон Тошкентга етиб келсам бўлди. «Йўл азоби – гўр азоби», дегани тўғри экан. Биз қарийб йигирма минг чақиримли йўлни ортда қолдириб, ўн икки кун деганда манзилга етиб келдик. Ҳайдовчи йигит анча эпчил экан, йўл-йўлакай машинанинг бирор жойи тиқ этса, дарров тўхтатиб, текширади. Ақли етмаганига, ўтган-кетган машиналарни тўхтатиб, ҳамкасларидан маслаҳат сўрайди, кейин ўзича фикр-мулоҳаза юритади. Бирори ундан, бирори бундай дейди, ҳайдовчи йигитимиз билганидан қолмайди. Машинанинг моторини очиб, поршенга тикилали, унинг йўғон қора қалам шаклидаги «толкатель» (турткич) деган қисмини бураб тузатади. Гапнинг қисқаси, Тошкентгача бу ҳодиса уч-тўрт марта тақрорланди. Шундай бўлдики, машина мотори сал тиқ этса, мендек тажрибасиз йўловчи ҳам «Оббо, яна толкатель ишдан чиқди-да!» дейдиган бўлдим...

Орадан уч-тўрт йил ўтиб, Самарқанд шаҳрига хизматта юбориши. Баъзан машинани таъмирлаш, техник текширувдан ўтказиш, мутахассислар билан маслаҳатлашиш учун нуфузли автокорхонага кириб турадим. У ерда Тошпўлат ака, деган ўз касбининг устаси ишларди. Унинг бўш вақти бўлмас, қўли-қўлига тегмас, доим кийимлари мойга беланган, қитир-қитир қилиб, мотор ковлагани-ковлагани эди. Бир куни борсам, шу Тошпўлат ака яп-янги «Волга»нинг моторига термулиб турибди. Салом берсан, тажангроқ эканми, шунчаки бошини қимирилатиб кўйди. Шундай бўлса-да, унга ҳазиллашдим.

— Поршенга қаранг, уста, толкатель кетгандир!

Бу воқеадан икки-уч кун ўтгач, устанинг шериги Камол ака мендан сўради:

— Жўражон, яқинда бизнинг корхонага борган эдингизми?

— Ҳа!

— Тошпўлат акангизни кўрган эдингизми?

— Ҳа!

— Унга нима деган эдингиз?

— «Поршенга қаранг, уста, толкатель кетгандир», дедим.

— Э, яшанг! — деди Камол ака кулиб.

— Ҳўш, нима гап? — ҳайрон бўлиб сўрадим мен.

— Ўша куни Тошпўлат ака машинанинг «касал»ини тополмай, хуноби чиқиб, гарант бўлиб турган экан. Сиз бориб, шу гапни айтгандан кейин, поршени очиб қараса, толкатель синганини кўрибди. Уста кечада менга: «Бу дўхтир жўрангиз машинанинг камчилигини сўраб-сурештирамай, бир қараشا даёқ касалини аниқлади-кўйди. Бало экан!» деди.

- Сиз нима дедингиз?
- Шуни билмаса, дўхтири бўлиб, нима қилиб юрибди, — дедим.
- У одамни ҳам бир қарашда қаери оғриёттанини шундай айтиб беради!
- Тўғри-да, толкателни билмаган ҳайдовчи ҳайдовчими? — дедим мен ҳам Камол акани ҳайратга солиб.

### ЗАХИРА ФИЛДИРАК

Ўтган асрнинг саксонинчи йиллари эди. Самарқанд шаҳрида хизмат қиласман, оиласам Тошкентда. Ҳафта оралаб Тошкентга келиб-кетаман. Бу орада ҳайдовчилик курсида ўқиб, гувоҳнома олганман. Ҳатто ёнимга тажрибали ҳайдовчини олиб, шаҳар кўчаларида машина бошқаришни ўргандим, лекин ҳар қанча уринмай, машинани орқага тисаришни уddaрай олмасдим.

Бир куни зарурат туфайли Тошкентга борадиган бўлдим. Ҳафтанинг охири эди, рухсат олиб, йўлга тушдим. Биринчи бор мустақил равишда машина билан узоқ сафарга отланишим. Гавжум ва серқатнов шаҳар кўчаларини ортда қолдириб, катта йўлга ҳам тушиб олдим. Кун гира-шира бўлишига қарамай, «тулпор»ни учирдим. Тезликни ошириб, тўрт соат деганда манзилга етиб келдим.

Гарчи гаражимиз бўлса-да, машинани орқага силжита олмаслигим боис, ташқарида қолдирам. Эрталаб машинани айлантириб олмоқчи эдим, олдинги фиддирак ариқчага тушиб, чиқаришнинг иложини тополмадим. Чунки орқага юришни билмайман-да. Кўшним Ализода моҳир ҳайдовчи. Ундан мушкулни осон қилишини илтимос қилдим. Йўқ демади. Пешиндан кейин мени Отчопарга олиб бориб, машинани орқага юргизишни ўргатди.

Эртаси тонгда яна Самарқандга қайтадиган бўлдим. «Ёнингда ҳамроҳинг бўлса, йўл яқинлашади» деганларидек, «Тошкент» автобекатида тўхтадим. Бир йигит олдимга келди.

- Қаерга? — деб сўради.
- Самарқандга, — дедим.
- Қанча сўраяпсиз?
- Ҳеч қанча, текин!
- Қизиқ экансиз-ку, амаки!
- Киракаш эмасман, менга ҳамроҳ керак.
- Кетдик бўлмаса, — деди йигит хурсанд бўлиб.

Йигитга бир рус қизи ҳам эргашди. Ҳарбий кийимдаман, сұхбатлашиб кетяпмиз. Чинозга етганимизда, машинанинг тезлиги пасайиб, чап томонга торта бошлиди. Машинани тут дараҳти

соясида тұхтатдым. Тушиб қарасам, чап олд ғилдирак бўшаган. Юкхонадаги захира ғилдиракни ҳамроҳ йигит ёрдамида алмаштирик. Бўшаб қолган ғилдиракни эса, бир чеккага улоқтириб, йўлда давом этдик.

Бир оз юрганимиздан кейин яна машинанинг тезлиги пасайди, газ берганда, курқабага ўхшаб сакрай бошлади. Тўхтаб, копотни очдим, мой билан бензинга қараган бўлдим — ҳаммаси жойида. Ҳамроҳимда тажриба йўқ, миқ этмайди. Шу пайт бир машинани тўхтатиб, ҳайдовчидан маслаҳат сўрадим. У ҳам бир нималар деб, жўнаб қолди. Кейин юк тортгич мосламали трактор келди.

— Ака, очигини айтсам, машинанинг тилини тушунмайман. Хоҳласантгиз, шатакка олиб, шундоғ қишлоғимиздаги таъмирлаш устахонасига олиб бораман, — деди ҳайдовчи.

Устахонадаги йигит мен билан эски танишлардек илиқ сўрашди:

- Бу ерларда нима қилиб юрибсиз, ўртоқ подполковник?
- Шу десантгиз... машинамиз...
- Нима бўлди?
- Олдинга тортмаяпти, қурбақага ўхшаб сакраяпти.

У машинани обдон текшириб, шеригини чақирди. Шериги ҳам машинанинг у ёқ-бу ёғига қараб:

— Бензин йўлига кум тиқилган экан, пуфлаш керак, — деди ва насос билан бензин йўлини тозалаган бўлди. — Қани, ўт олдиринг-чи!

Калитни бурасам, мотор гуриллааб кетди. Уларга миннатдорчилик билдириб, хизмат ҳақи берсам, йигит қўлимни қайтарди:

— Сиз пулингизни чўнтағингизга солиб қўйинг-да, бир пиёла чойга марҳамат қилинг, — дея манзират қилди у.

— Раҳмат ука, шошиб турибмиз, — дедим. — Ҳамроҳларим бор.

- Уларни ҳам чойга таклиф қилинг.

Қитмирлик қилаверганимдан кейин йигит сирни очди:

- Танимадингиз-а?
- Танимадим!

— Сиз билан Қозоғистондаги қўшни қисмларда хизмат қилганимиз. «Юртдошлиларим», деб бизни сийлардингиз, ўзбек тилидаги газета-журналлардан бериб турардингиз. Ҳатто уйингизга олиб бориб, ош дамлаб бергансиз. Мана, тоғ — тоғ билан эмас, одам — одам билан учрашар экан. Мен шу устахонада ишлайман. Сизга ўхшаб одамларга яхшилик қилиб юрибман.

— Барака топинг, ука!

Йигит қўярда-қўймай мени ва ҳамроҳларимни меҳмон қилиб, кузатди. Манзилга омон-эсон етиб олдик.

Кейин бу воқеани Камол акага айтсам, қотиб-қотиб кулди.

— Одам ҳам шунчалар содда бўладими? Ҳаммаси яхши бўлибди-ю, нега захира филдиракни ташлаб юбордингиз?

Тўғриси, Камол аканинг гапидан кейин соддалигим ўзимга наъша қилди. Орадан бир-икки ой ўтиб, яна Тошкент йўлига чиқдим ва ўша таниш тут дарахти олдида тўхтадим. Не қўз билан кўрайки, улоқтирган захира филдирагим жойида турибди.

## ФАРЗАНДИМ — ДИЛБАНДИМ

Буни ким қандай қабул қиласи, билмадим, шахсан мен 13 рақамидан жуда кўрқаман. Иложи бўлса, ўша куни уйдан умуман чиқмасликка, ўзим билан ўзим хаёллар оғушида қолишга ҳаракат қиласман. Чунки бошимга тушган ғам, ташвишлар айнан ўша кундан бошланган эди.

1975 йил бошидан Самарқанд шаҳридаги ҳарбий госпиталда хизмат қила бошладим. Кечагидек ёдимда. Ўн учинчи январь куни эрталаб Тошкентдан хабар келди. Шифохонада ётган устозим, таниқли адаб Ҳабиб Нўймон оғирлашиб қолибди. Энди янги иш жойига келганман, госпитал бошлиғидан жавоб сўрашга андиша қиласман. Шундай бўлса-да, адебнинг уйига тез-тез қўнғироқ қилиб, ҳол-аҳволидан хабар олиб турдим. Хаёлим жойида эмас. Нонуштага тайёргарлик қиласар эканман, қуолтирилган сут консервасини пичноқ билан очаман, деб билагимни жароҳатладим. Анча қон кетди, уни аранг тўхтатдим, ҳатто икки қатим шоҳи ип қўйлашга тўғри келди. «Қон ёруғлик», дея ўзимни юпатган бўлдим. Лекин орадан икки кун ўтгач, эрталаб радиодан устознинг оламдан ўтганлиги ҳақида таъзияномани эшишиб, марҳумнинг ҳаққига дуо қилдим, яхши одам эди, раҳматлик. Аммо билагимдаги жароҳат ўрни дам-дам симиллаб, ўзини билдирав, устозимни ёдимга соларди. Кейинчалик бу оғир йўқотиш нафақат қалбим, балки билагимла ҳам бир умрга арзирлик чандиқ қолдириди.

Ўша куни қабулхонага оғир аҳволда олиб келинган бир беморнинг жони узилди. У менингококкцемия касаллигининг тезкор ва сир-синоатли турига чалинган экан. Бир гуруҳ шифокорларнинг қўлидан ҳеч нарса келмади. На рангида ранг бор, на қон босими, на томири уришини аниқлаб бўлмади. Қабулхона остонасига икки ўртоғи қўлтиғидан суюб олиб киришди-ю, шилқ этиб йиқилди-

да, оламдан ўтди. Бундан барчамиз қаттиқ изтироб, аламда эдик.

Үн учинчи май куни ўғлим Баҳтиёрнинг шамоллаб, иссиғи кўтарилигани, бехосдан ҳушини йўқотгани ҳақида қўнғироқ қилишди. Бир ҳафта олдин Тошкентга борганимда озгина тумовга чалингани, тегишли дори-дармонлар ичаётганидан хабарим бор эди. Лекин тўсатдан иссиғи кўтарилиб, ҳушидан кетиши мени ташвишга солди. Бошлиқдан рухсат сўраб, Тошкентта учдим. Унинг аҳволи анча дуруст, тана ҳарорати меъёрида, эс-хуши жойида. Бироқ, боши айланадигани, қуввати йўқлигидан шикоят қилди.

Текшириб кўрсам, бурни бироз битган, томоғида яллиғланиш аломатлари бор. Қон босими паст, томир уриши суст. Бош мия пардаларининг яллиғланиши белгилари йўқ. Мен Самарқандга кетгач, онаси билан синглиси яхшигина шамоллашган экан, уларга қараб ўзига аҳамият бермабди, дориларни вақтида қабул қилмабди. Эрталаб уйқудан уйғонганида боши қаттиқ оғриётгани, кўнгли айниётганигини айтибди-да, бехосдан ҳушини йўқотибди. Иссиғи баланд. Тез тиббий ёрдам шифокори келиб, тегишли дори-дармон қилган.

Эртасига неврология соҳаси бўйича таниқли мутахассислар, профессор Я.Я.Гордон, И.Н.Димант, Е.Б.Каганларнинг маслаҳатига олиб бордим. Кўз дўхтирига кўрсатдим, калла суюгининг рентген тасвирини олдиридим, ЭЭГ (электроэнцефалография) текширувидан ўтказдим. Тайнли бир ташхис қўйишмади, оёқ учида ўтказилган нейроинфекциянинг асоратини даволашга киришилди.

Кўнглим тинчимай, июнь ойида меҳнат таътилига чиқиб, ўғлимни Санкт-Петербург ҳарбий-тиббий академиясидаги устозларим, профессорлар Г.А.Акимов, В.С.Лобзин билан маслаҳатлашдим. Улар ҳам бу ўсмир ёшидаги ўткинчи ҳолат, яхши даволанмаган ўткир нейроинфекциянинг асорати, деган холосага келишди, тегишли дори-дармонларни тавсия қилишди.

Баҳтиёрнинг соғлиғига бирор шикояти бўлмаса-да, уни доим кузатиб, назорат қилиб турдик. Бу орада хизмат тақозоси билан хорижий мамлакатига отландик. 1975-1980 йилларда оиласиз билан чет элда хизмат сафарида бўлиб, бутун диққат-эътиборимиз асосан ўғлимизнинг сиҳат-саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашта қаратилди. Бу даврда у анча улғайиб, мўйловлари сабза урган, овозлари дўриллаб, мураккаб ўсмирилик жараёнини бошидан кечираётган эди. Ёшига муносиб феъли-автори, дунёқарashi шаклланган. У жаҳон мумтоз адабиёти намуналари, фантастик, дедектив асарлар, тарих, география, ҳалқаро миқёсдаги ижтимоий-сиёсий воқеалар билан астойдил қизиқар, кўп ўқирди.

Элсевар, адолатпарвар, сермулоҳаза, меҳр-муҳаббатли, оқибатли, саҳоватли, юксак маданиятли, ўзбек тилидан ташқари, рус, немис тилларида бемалол гаплаша оладиган, дилкаш дўст, сұхбатдош эди. Фотография, замонавий мусиқа пластиналари, турли маркалар, эсдалик нишонлари йигиш билан шуғулланди, уларни эринмай тартибга солди. Ҳуллас, у билан бир марта сұхбатлашган одам катта маънавий, руҳий, маданий ҳордиқ оларди, дунё ҳаритасининг у чеккасидан кириб, бу чеккасидан чиқарди, ҳеч нарсага бефарқ қарамасди, дунё дарди, ташвиши, алами ва қувончлари билан яшарди. Айни пайтда мактабда ҳам яхши ўқиди, ўзини ҳарбий хизматга бориш учун маънан, руҳан, жисмонан тайёрларди. Лекин биз унинг соғлиги кўз олдимизда тобора ёмонлашаётганини кўриб, ич-ичимиздан эзилардик, қўлимиздан келганича кўнглини кўтаришга ҳаракат қиласардик. Шунинг учун ҳам унинг бетоблиги, ёрдамга муҳтожлиги туфайли ҳарбий-тиббий ҳайъат қарори билан аранг Тошкент шаҳрига кўчиб келдик. Қариндош-уруғларнинг меҳр-муҳаббати, муруввати, дийдори бизга куч-мадал берди, яшашга иштиёқимизни янада ошириди.

Мен 1981 йилдан бошлиб, Тошкент врачлар малақасини ошириш институтиги ҳарбий кафедрасида мураббийлик қила бошладим. Кўпдан бери ўзим орзу қилган таникли олимлар, ҳамкасб дўст-биродарларим даврасида эмин-эркин ўсдим, улғайдим. Она юртимдаги тинч, ижтимоий, адабий, соғлом мухит мени ўзига тортиди, шу пайтгача усти чанг, губор босиб қолган қайнар булоқ кўзлари қайтадан очилди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, телерадиокомпаниясидаги ижодкор дўстларим кўмагида «Ёшлик», «Бурчга садоқат», «Ватанимга хизмат қиласман» дастурлари ҳамда оммавий матбуот саҳифаларида ҳарбий-ватанпарварлик мавзусидаги шेър, очеркларим билан фаол қатнашдим, эл-юрт назарига тушдим, қизғин ижодий ишга шўнғиб кетдим.

1984 йили институтимиз томонидан бизнинг оилавий шароитимизни ҳисобга олиб, Юнусобод туманининг 19-даҳасида қурилган янги бинонинг биринчи қаватидан тўрт хонали кенг, кулай уй-жой беришиди. Бу ерга кўчиб келишимиз куз охиirlарига қолдирилди. Сабаби, катта қизимиз Диёрахонни турмушга узатиш тарааддуидига тушиб қолгандик. Бу орада ўғлимиз Баҳтиёрнинг бироз мазаси қочиб, уни ўзим аввал ишлаган Тошкент ҳарбий госпиталнинг неврология бўлимига ётқизишга мажбур бўлдик. У бу сафар туғилган куни – 23 октябрни шифохонада ўтказди.

Икки тўлғоқ бараварига келиб, бир оёғим уйдаги тўй ҳаракати, бир оёғим госпиталда даволанаётган ўғлим хаёлида бўлди. Баҳтиёрхон тузалиб қолса, тўйда иштирок этар, деган умидда эдик,

буниг иложи бўлмади. Яна кўнглимида ғашлик, нотинчлик бошланди.

Қизимизнинг тўйига хорижий мамлакатда бўлганимизда мактабда бирга ўқиган дугоналари Москва, Санкт-Петербург, Украина, Запорожье, Днепропетровск, ҳатто Ўролдан бир-икки кун олдин етиб келишиди. Уларнинг ичидаги Бахтиёрнинг кўз остига олиб қўйган Ирина Хлопик деган нозиккина қиз ҳам бор эди. Тўй куни келин-кўёв ЗАГСдан ўтгач, бир гуруҳ қизлар Бахтиёрни кўриб келиш учун госпиталга боришибди. Шунда ўзида йўқ хурсанд Бахтиёр севган қизини бир чеккага тортиб, қулоғига дил изҳорини айтибди:

— Мана, кўраяпсан, Тошкент жуда чиройли шаҳар. Одамлари меҳмондўст, дилкаш, самимий. Уйингга боргач, ота-онангга менинг гапимни айт. Агар рози бўлишса, келаси йил сенга уйланаман. Уйимиз кенг, бирга яшаймиз. Ўқишингни ҳам шу ерда давом эттирасан.

— Бўлти! — дебди қиз унинг кўнглини кўтариб. — Тезроқ соғайиб кетсанг бўлгани! Албатта келаман!

Бу гапни эшитиб, юрагимиз қинидан чиқиб кетай, деди. Онаси ўша куни ёқ бўлажак келининг бисотидати энг яхши нарсаларидан совфа қилди. Қизимизнинг тўйи ниҳоятда тўкин-сочинликда ўтди. Аста-секин меҳмонларни кузатиб, келин чорларни ҳам эсономон ўтказдик. Энди эс-хушимиз ўғлимизда, кунда, кун ора ундан хабар олиб турибмиз. Аксига олиб, онаси бироз шамоллаб, учтўрт кун олдига бора олмади.

Ўчакишгандек, айнан 1984 йилнинг 12-13 ноябрь кунлари собиқ Мудофаа вазирлиги Марказий Ҳарбий-Тиббий Бошқармаси қошидаги Олимлар Кенгашининг урология секцияси ҳамда Туркистон ҳарбий округи врачларининг XV илмий-амалий анжумани Тошкентдаги Марказий офицерлар саройида ўтказилди. Шу муносабат билан турли шаҳарлардан келадиган меҳмонларни аэропортда кутиб олиш, меҳмонхоналарга жойлаштириш, кузатиш бўйича ташкил қилинган маҳсус гуруҳ таркибида мен ҳам бор эдим. Кечакундуз хизматда бўлишимга тўғри келди, ўғлимдан хабар ололмадим.

Ниҳоят, 13 ноябрь кечқурун анжумандан чиқиб, госпиталга борсам, ўша куни ўғлимга мураккаб даволаш-текширув усули пневмоэнцефалография (ПЭГ), яъни орқа мия бўшлиғи орқали ҳаво-кислород юбориб, бош мияси қоринчалари, пардаларининг контрастлашган рентген тасвирини олишган экан. Одатда бундай операциядан сўнг бемор икки-уч кун қимирламай ётиши керак. Хонадаги bemorларнинг гапига қараганда, Бахтиёрхон каравотда

жим ётмасдан, ҳатто бир-икки марта ўрнидан туриб, белгиланган қатъий түшакда ётиш тартибини бузибди.

— Вой, Бахтиёр нега бунаقا қылдинг, ўғлим? — дедим юрагимни ҳовчулаб.

— Ничего! Умирать-то, с музыкой! — деди у бепарволик билан бошини у ёқ-бу ёққа қимирлатиб.

— Бекорларни айтибсан! Тартиб-қоидага итоат этишинг керак! — дедим уни тинчлантириш мақсадида. Кейин навбатчи ҳамширани чақириб, унга танбәх бердим: — Мен сизларга шунаقا тарбия берган эдимми? Нега бемор түшакда ётиш тартибини бузаяпти? Унга ҳеч ким қарамаяпти! Бунинг асорати ёмон булиши мумкин-ку!

Хуллас, ўғлим ёнида бир-икки соат ўтиридим, уйқуга кеттач, ҳамхоналарига тайинлаб, уйга қайтдим. Хотиним ухламай, мени кутиб ўтирган экан.

— Бахтиёрнинг олдига бордингизми?

— Ҳа.

— Аҳволи қалай?

— Үртача.

— Бу нима деганингиз?

— Бугун пневмоэнцефалография қилишибди. Олдида бироз бўлиб қайтдим.

— Бир кеча ёнида қолмабсиз-да!

— Бошқалар нима дейди?

— Нима дерди?

— Бунаقا ҳолатларда бошқаларнинг тепасида ўлтирумаган дўхтири ўғлининг бошида ўтириб чиқди, дейишмайдими?

— Дейишса, нима қилибди, ахир у ўғлингиз-ку!

— Кел, ортиқча гапни кўпайтирма! Ўғлимга муносабатим ҳам ҳамма қатори бўлиши керак! Бошқаларнинг кўнглига нотўғри фикр келмасин, дедим-да!

Хотиним ҳўнграб йиғлашга тушди.

— Юринг кетдик, олдига борамиз.

— Ҳозир ҳеч қаёққа бормаймиз! — дедим қатъий оҳангда.

Эртасига борсак, ўғлимиз ўша ухлаганича кўзини очмай, оламдан ўтибди. Унинг совуқ жасадини қучоқлаганча, зор қақшаб қолдик!

Билишимча, унинг калласига юборилган ҳаво бош мия билан орқа мия оралиғидаги марказий канал — тешикка тиқилган. Яккаю ёлғиз, фариштадай ўғлимиз пешонамизга сифмади. Аллоҳнинг ўзи берган эди, ўзи олди. У бизни доғ-ҳасратда, афсус-надоматда, ғафлатда қолдириб кетди. Эр-хотин бирданига қарив,

соchlаримиз оқарди, қаддимиз букилди. Тақдирга тан бермай иложимиз қанча!

Үғлимиз униб-үсган хонадонда рұхи чирқираб қолмасин, чироги ёниб турсин, деб янги олган үйимизга құчиб бормай, уни давлатта топширдик. Орадан күп үтмай, қишининг бошида Иринадан буюртма хат келди. Уни үқиб, яна ларзага тушдик: «Дорогой Бахтиярчик! Родители согласны. Я скоро к тебе приеду!» Афсуски, бу сирли мактуб ўз эгасига тегмади. Бизнинг оиласыв архивимизда ноёб хазинадай сақланиб қолди.

Балки үғлимиз ҳаёт бўлганида ҳозир элликка кирган, тенгдошлари қатори уй-жойли, бола-чақали бўлармиди? Севимли сингиллари, жиянлари, оға-инилари дийдорини кўриб, ўзича хурсанд бўлармиди? Бизнинг қариган чоғимизда кўзимизга нур, белимизга қувват, суюнчимиз, юпанчимиз бўлармиди? Аллоҳ уни раҳматига олган бўлсин!

Алам қиласидигани, кўпчиликнинг дардига малҳам топибману, ўз үғлимнинг дардига дармон бўлишга қурбим етмади. Унинг Чўпонота қабристонидаги қабри устига ўрнатилган совуқ мармар тошдаги расми ва қуйидаги сатрлар ўксик дилимизга бироз таскин беради:

## РАҲМОНОВ БАХТИЁР ИСКАНДАР ҮҒЛИ

19-23-62 – 19-13-84

X XI

Мусоғир эл-юртларда  
Ўсиб-унган гул-ғунча.  
Ўн гулидан бир гули  
Очилмаган тугунча.  
Қалбимизда яшайсан,  
То бу олам тургунча!

## ТОЖИК ҮКАМ – СУЛАЙМОН

...1972 йилнинг декабрь ойи эди. Ҳарбий хизматим Туркманистоннинг Мари шаҳридан Тошкентнинг Марказий ҳарбий госпиталига ўтказилган. Асаб касалликлари бўлимиминг катта ординатори лавозимида ишлашга энди киришган пайтим. Бир куни кечга яқин бўлим бошлигимиз мени ҳузурига чақириб қолди.

— Бугундан бошлаб кундалик иш тартибингиз бир оз ўзгаради. Асосий иш жойингиз шу ер бўлса-да, хизматни вақтинча Госпиталь бозори ёнидаги филиалимизнинг юқумли касалликлар бўлимида ўтайсиз. У ерда ёш бир аскар йирингли эпидемик

менингит билан оғир ақвонда ётибди. Беморнинг орқа миясидан ҳар куни икки маҳал суюқлик чиқариб, дори юбориш зарур. Бу даволашнинг энг замонавий ва самараси тез кўзга кўринадиган бирдан-бир ишончли усули эканлигини биласиз. У ерга ҳозироқ боришингиз мумкин.

Йўл-йўлакай бош мия яллиғланиши — менингит қасаллиги ҳақида ўқиган, билганларимни хаёлимдан ўтказиб, алоҳида хонада ётган bemor ҳузурига кириб келганимни ҳам билмай қолибман. Дастреб унинг умумий аҳволини кўздан кечирдим. Каравотда оёқ-кўллари дока билан каравот четига боғланган, озфингина йигит шифтга қараб ётарди. Оғиз-бурнига кислород мосламаси тутилган, ўнг ўмрови яқинидаги йўғон қон томирига штатив орқали ўрнатилган томчи тузилмаси уланган. Шу боисдан унинг нафас олиши равон, қон томири уриши бир меъёрда эди. Фақат кўзлари юмуқ, саволларга жавоб бермас, бехуш ётарди. Ҳарорати баланд, юзи ва баданига палахса-палахса, гултоҷихўрозга ўхашаш қизғиши-кўнғир тошма тошган. Ўнг кафтимни bemorning энсасига қўйиб, бошини кўтаришга ҳаракат қилган эдим, бўйни қотиб, олдинга эгилмади, даҳани ҳам кўқраги томон букилмади.

Мен bemorning қасаллик тарихига кўз югуртирдим: «Хамроқулов Сулаймон. 1954 йилда туғилган. 1972 йилнинг ноябрь ойида Фарғона вилояти, Риштон шаҳридан ҳарбий хизматга чақирилган. Маълумоти ўрта, миллати тожик. Уйланган».

Хуллас, Сулаймон 1-1,5 ой деганда аста-секин оёққа туриб, кувватга кира бошлади, аммо на соатнинг чиқиллаши, на бирорнинг гап-сўзини эшитарди. Табиатнинг барча неъматларидан бебаҳра бўлиш уни тобора ташвишга соларди. У баъзан ўзини кўйишга жой тополмай, ўксис-ўксис йиғларди. «Мен энди кимга керакман? — деб ўйларди у. — Бу аҳволимга Маҳбуба қандай қарап экан?»

Сулаймон ҳарбий хизматга жўнашидан икки ой олдин уйланган экан. Унинг бетоблигидан хабар топган рафиқаси қайнонаси билан бир неча бор уни кўргани Тошкентга, госпиталга келдию, Сулаймоннинг кўнгли бир оз кўтарилгандек бўлди. У аввал Сулаймоннинг кулогига паст овоз билан тожик тилида нимадир, деб оҳиста пичирлади. Сулаймон рафиқасининг ҳар бир сўзи, имо-ишорасини лабидан уқиб олди шекилли, кўнгли аллақандай ёқимли ҳис-туйғуга тўлди.

Орадан кўп ўтмай, яъни 1973 йилнинг бошларида оғир қасаллик қолдирган асоратни даволаш мақсадида уни мен ишлайдиган асаб қасалликлари бўлимига ўтказдик. Биз энди ҳар куни икки-уч соатлаб имо-ишора, қофоз-қалам орқали суҳбатлашардик.

Мен Сулаймонга айтадиган гапларим, маслаҳатларимни катта-кatta ҳарфлар билан дафтарга ёзар, у менинг ёзғанларимни ўқиб, кўнгли анча таскин топарди. Мен кўпинча унга: «Шунчалик омон қолганингизга шукр қилинг. Қулогингиз эшитмаса ҳам кўзингиз кўради, оёқ-қўлингиз бут, ақлу ҳушиңгиз жойида. Энг асосийси, оилангиз бор. Маҳбубаҳон сизни севади, ҳеч қачон ташлаб кетмайди. Умидсиз бўлманг, укажон», дердим. Бу орада Сулаймоннинг рафиқаси, қариндошлари тез-тез унинг олдига келиб, ўксик кўнглини тоғдек кўтариб туришди. Сулаймон ҳам тақдирга тан бера бошлади, ҳарбий-тиббий ҳайъат қарори билан хизматга нолойиқ деб топилиб, уйига жавоб берилди.

...1983 йилнинг кузи эди. Бирдан эшик тақиилаб қолди. Очсан Сулаймон рафиқаси билан турибди. Биз қучоқлашиб кўрипниб кетдик.

Маҳбубаҳон менга Сулаймон турли бадиий ва техник адабиётларни ўқишига қизиқиши, «Ёшлиқ» журналининг май ойи сонида менинг ҳужжатли асаримни ўқиб, ўзида йўқ хурсанд бўлгани ва журнални бағрига босиб, «Акамни топдим! Энди Тошкентга бораман», деб ҳаракатга тушиб қолганини айтди. У журнал таҳририятига хат ёзиб, менинг яшаш манзилимни билиб олибди.

— Гапиринг энди, акангизга ичингиздаги дардларингизни! Нега жим ўтирибсиз? — деб қўшиб қўйди, жилмайиб жимгина ўтирган ёстиқлошига.

— Нима дейман? Гапим йўқ. Акамни кўзим билан кўрдим, кўнглим тўлди, — деди у ўзига хос майинлик билан бошини қимирлатиб менга тикиларкан. — Сиз менга доим ноумид бўлманг, дер эдингиз. Худо бизга Умиджон, Хуршидjon деган ўғиллар, Ёкутхон исмли қиз берди, ўзимиздан кўпайиб қолдик. Раҳмат сизга!

Шу-шу бўлди-ю, биз оға-ини тугиниб, бир-биримизниги борди-келди қиласидиган бўлиб кетдик.

1987 йилнинг декабрь ойи охири, янги йил арафаси эди. Ярим кечада телефон узундан-узоқ жиринглаб қолди.

— Мен Риштондан, амаки, Умиджонман, — деган овоз қулогимга эштилди.

— Қалай, тинчмисизлар? Ота-онангиз саломатми? — дедим мен.

— Яхши, амаки, ҳаммамиз соғ-саломатмиз. Онам кеча қиз түғдилар! Дадам Искандар амакингга айт, исм қўйиб берсинлар, деб илтимос қиласидар.

— Жуда яхши бўпти. Исми Муборакхон бўлсин! — дедим узоқ ўйлаб ўтирамай.

Бир неча кундан сўнг биз Маҳбубаҳонни табриклагани Риш-

тонга бориб келдик. Мана орадан йиллар ўтди. Болалар улгайиб, бола-чақали бўлиб кетишиди. Ҳали ҳам борди-келдимиз бор. Ўтган иили Муборакхонни ҳам узатдик, неварали бўлдик.

Бу ўтган гапларни эслашимнинг боиси шуки, яқинда яна бир қизиқ воқеа юз берди. Тобим қочиб, ўзим хизмат қилган бўлимда даволаниб ётган эдим, мени кимдир йўқлаб келганини айтишиди. Чиқсан, не кўз билан кўрайки, қаршимда ўша қадрдорнларим: иним Сулаймон ва унинг рафиқаси Маҳбубаҳонлар туришарди. Биз қайта-қайта кўришдик.

— Сизларни қайси шамол учирди? Қаердан келяпсизлар? Сизларга менинг бу ердалигимни ким айтди? — деб сўрадим.

— Укангиз уч-тўрт кун аввал Сизни тушларида кўриптилар. Сиз оппоқ кийимда эмишсиз. «Акамга бир нарса бўлган, юр, бориб, хабар олиб келамиз» деб қўймай олиб келяптилар, — деди Маҳбубаҳон кўзига астойдил ёш олиб. — Уйингизга борсак, касалхонада экансиз. Худо дардингизга шифо берсин!

Хулоса шуки, ҳақиқий дўст, биродар бўлиш миллат ва масофа танламас экан. Дилингиз пок, кўнглингиз яқин бўлса, бир-бирингизга яхшилик тилайверар экансиз.

## ЙИГИТ БОР – ҚАЛЪА БУТ, ҚЎРГОН САЛОМАТ

Мазкур мақолани ёзиш учун қўлимга қалам-қофоз олар эканман, бундан анча йил аввал бўлиб ўтган бир-бирига зид воқеа-ҳодисалар худди кино тасмасидек кўз ўнгимдан ўта бошлади.

**Биринчи воқеа.** Тошкент шаҳрининг ҳозирги Учтепа туманидаги Катта Қанғли, Миржумон даҳаларида девор дармиён қўни-қўшни, эл-юртда ардоқли икки кекса одам яшашарди. Булар Азиз Ота ва Абдураҳмонхўжа қози бобом.

1941—1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон муҳорабасида Азиз Отанинг бир эмас, беш фарзанди — Султонбой, Турсунбой, Абдумажид, Абдуваҳоб ва Тошкентбойлар сафарбар бўлишди. Беш баҳодир ичидан биргина Турсунбой урушдан қайтмади.

Бу оиласинг кенжা вакили Рустам Султонов олий ўқув юртини тутатгач, ўз ўрнини Қуролли Кучлар сафида топди, йигирма беш йилдан зиёд четара қўшинлари таркибида лейтенантликдан полковник, бўлинма бошлиғи лавозимидан Ўзбекистон Республикаси Чегара қўшинлари қўмандони ўринбосари даражасигача кўтарилди. Давлатимиз тинчлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини саклаш ва мустаҳкамлашга улкан ҳисса қўшди, аждодлари жанговар анъаналарини муносиб давом эттириди.

Худди шундай фахр ва ифтихор билан биз юқорида исмлари тилга олинган Абдураҳмонхўжа қози бобом фарзандлари ҳақида ҳам айтишимиз мумкин.

Нафсиlamбрини айтганда юртимизда бундай оилалар, улуғ ва азиз инсонлар кўплаб топилади. Афсуски, бундайлар сони йил сайин камайиб кетмоқда. Лекин уларнинг исми ва жисми доимо дилимиз ва тилимизда сақланади. Юртимизда «Хотира азиз, Қадр абадий»лиги ўз тасдигини топмоқда.

Расмий маълумотларга кўра, Иккинчи жаҳон урушига биргина Ўзбекистондан 1 433 230 киши сафарбар этилган. Шулардан 395.725 киши ҳалок бўлган. 263.055 киши жанг майдонларида бедарак йўқолган («Ҳалқ сўзи» 1994 йил, 23 февраль). Уларнинг аксарияти ҳали ҳаёт лаззатига тўймаган навқирон йигитлар эди.

**Иккинчи воқеа** XX асрнинг саксонинчи йиллар охири билан боғлиқ. Ярим кечада кўча эшигимиз қўнғироги кетма-кет жиринглади. Минг хавотир билан елкамга чопонимни елвагай ташлаб, эшикни очдим. Йўлакда узок йиллик бир танишим, хўмрайиб турарди.

— Тинчликми?

— Тинчлик, — деди негадир безовталаниб.

— Ҳа, ярим кечада нима қилиб юрибсан? Ичкарига кир, — десам, кўнмади.

— Йўқ, шу ерда гаплашамиз, зарур гап бор, — деди у ёқ-бу ёққа аланглаб.

— Нима гап экан?

— Бир яқин қариндошимиз, жияним, эл-юртга таникли, обрўли одамнинг ўғлини армияга чақиришяпти. Унинг эса, ҳарбий хизматга боргиси йўқ. Туман ҳарбий ишлар бўлимидан келган чақириув қофозини ола солиб, уйига ҳам келмай, аллақаерларда қочиб юрибди. Ота-онаси бундан жуда хавотирда. Улар ҳам ўғилларини қандай қилиб бўлса-да, хизматга жўнатмаслик пайида. Қанча сарф-харажат бўлса, рози.

— Бу бўлмағур гап! Қолаверса, жиноят! — дедим унинг гапини шартта кесиб, ич-ичимдан қалтираб.

— Шошма-шошма. Мен уни яширинган жойидан топиб, алдаб-сулдаб, бир амаллаб юқумли касалликлар шифохонасига ётқиздим.

— Қандай касаллик билан?

— Сарик қасаллиги.

— Ҳақиқатан ҳам унда шундай касаллик борми?

— Йўқ! Ҳамма гап шунда, оғайни. Бир ёрдам бермасанг бўлмайди. Бунинг устига ҳарбий комиссариатдаги ходимлар бундан хабар топиб, куролланган соқчилар билан келиб, уни мажбуран

ҳарбий госпиталга олиб кетишмоқчи. Бунга уларнинг ҳаққи борми? Бунда ҳолимиз нима бўлади?

— Ўл бўлади, дард бўлади! Ҳарбий хизматдан бўйин товлашнинг ўзи жиноят! Бунинг охири вой! Кейин ўша қоюқ жиянинг ёнига сени ҳам қўшиб, оёғингдан осишади!

— Э, нафасингни иссиқроқ қил! Бир амаллаб, бунинг иложини топ, оғайни. Ахир сен узоқ йиллардан бери ҳарбий соҳада ишлайсан-ку!

— Шунинг учун ҳам бу жинойи ишга бутунлай аралашмайман.

— Хизматнингга рози қиласми.

— Бу гапингни катта холангга бориб айт! Мен бунақа ифлос ишларга кўл урганимда аллақачон итимнинг туваги олтиндан бўларди. Энди менга қара, ақл-хушингни йигиб, ўпкангни бос, маслаҳатимга қулоқ сол. Ҳали ҳам кеч эмас. Ўша боланинг отонасига айт, яхшилаб панду насиҳат қилишин, тушунтиришин. Ҳарбий хизмат ҳақиқий йигитнинг бурчи, вазифаси. Бошида дўпписи, белда белбоги бўлса, кўпчилик қатори армияга бориб, хизматини ўтаб қайтсан. Ҳозир замон тинч. Қолаверса, оддий фуқаро сифатида тўрт мучаси соғ бўла туриб, ҳарбий хизматдан бўйин товлаш Конституция ва Қонунларимизга зид, тегишли жазо олиши мумкин!

Бу гапидан сўнг йўлакдаги зина остидан кимдир ҳовлиқиб, ташқарига отилди, эшикни тарақлатиб ёпди. Билсам, танишим менинг олдимга ўша юқори мартабали қариндоши билан келган экан.

Шу-шу ўша оғайним билан деярли беш-олти йил юз кўрмас бўлиб кетдик. Назаримда, у ўз ножӯя қилмиши, хатти-ҳаракатидан ниҳоятда хижолатда эди. Қочқоқ ва қўрқоқ жияни жиноятига яраша озодликдан маҳрум этилибди, ҳали-ҳали кўксидаги аламли, қора доғ ўчмасмиш. У бу гапни бир тасодифий учрашувимиз пайтида мендан кечирим сўраб айтди ва қўшиб қўйди:

— Ҳозир катта неварамни ҳарбий хизматга тайёрлайман. Зоро, сенга ўхшаган ватанпарвар бўлиб етишса!

Мен ўша эски қадрдонимнинг юрагила ростми-ёлғонми, ҳарбий соҳа ходимларига шунчалик меҳр ва ихлос туйғуси уйғонганидан хурсанд бўлдим.

Демоқчиманки, ўтган йигирма йил мобайнида миллий армиямизда бўлган ва бўлаётган оламшумул ўзгаришлар, ўтказилаётган изчил ислоҳотлар самараси ўлароқ, ҳарбий хизматнинг обрў-эътибори, нуфузи юксак даражага кўтарилди, ёшларнинг армияда хизмат қилиши том маънода шон-шараф ишига айланди.

Чунки ҳалқимизнинг тинчлиги, ҳавфсизлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигининг мустаҳкам қалқони бўлган, ҳар жиҳатдан курратли, салоҳиятли профессионал армиямиз вужудга келди. Бу билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Бу борада Президентимиз Ислом Каримовнинг «Миллий армиямиз — мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир» номли асари ёшлар ичида олиб бориладиган маънавий-маърифий ишларимиз учун дастуриламалдир, албатта.

Сирасини айтганда, ҳозирги пайтда миллий армиямиз сафларида ҳар қандай шароит, вазиятда ҳам иймон, эътиқоди мустаҳкам, сўзи билан иши бир мард, баҳодир, жасур ўғлонларимиз хизмат қилишмоқда. Академик шоиришимизFaфур Гулом айтганидек:

Йигит омон бўлса, ҳавфу ҳатар йўқ,  
Қалқон бор, қалъа бут, қўрғон саломат.  
Кизлар кулгусида авжу даромад,  
Чоллар уйқусида жаннат, фароғат.

Дарҳақиқат, биз Она-Ватанимиз посбонларининг оғир, машаққатли, аммо хайрли ва савобли ишларида улкан муваффақиятлар тилаймиз!

### ҲУНАРЛИ ФАРЗАНД

«Дунёда Ватан сўзидан азиз ва муқаддас, юракка яқин калом топилмагани каби, Ватан ҳимоячиси бўлишдан ортиқ шон-шараф йўқдир», дейди Президентимиз Ислом Каримов Ватан ҳимоячиларига йўллаган табригида. Дарҳақиқат, мазкур тушунчалар бир-бери билан чамбарчас боғланган бўлиб, асрлар оша аждодларимиз ўгитлари, ҳалқимизнинг бугунги бунёдкорлик ишларида яшаб келмоқда.

Бу ҳаётий ҳақиқат пайғамбаримиз расулуллоҳ саллогоҳу алайхи васалламнинг муборак калималарида ҳам ўз ифодасини топган, яъни «Хуббул Ватан минал иймон», Ватанин севмоқ иймондандир», дейилган. Бу деган сўз Ватан меҳри, сеҳрини дилига туккан ҳар бир инсон Ватан тинчлиги, осойишталиги йўлида зарур бўлса, жонини фидо қилишга тайёр туриши ҳам фарз ҳам қарзdir. Шунга кўра, аждод-авлодларимиз ўз фарзандларини ёшлиқдан бошлаб, мард, жасур, ватанпарвар, фидойи қилиб тарбиялаш чоратадбирларини кўришган, уларни сузиш, камондан ўқ узиш, отда

чопиш, қиличбозлик билан шугулланиш, күл жанги, курашга тушиш каби касб-хунар, одатларга баҳоли құдрат ўргатишиган. Бу уларни нафақат жисмоний бакувват, бардам, балки маңнан, рұхан етук, баркамол, сабр-тоқатли, қаноатли, иймон-эътиқоди мустақкам, фидой инсонлар бұлиб етишишларига имконият яратған. Буни улуғ бобокалонларимиз Амир Темур, Заҳирилдин Мұхаммад Бобур, Жалолиддин Мангуберди ва бошқалар мисолида күриш мүмкін. Соҳибқирон Амир Темур бобомиз: «Аскари құвватли мамлакат бой бўлур, бой мамлакатнинг аскари құвватли бўлур», деб бежиз айтмаган албатта. Шу фикрни ижодий бойитган Юртбошимиз эса: «Фарзандлари соғлом юрт құдратли бўлади, құдратли юртнинг фарзандлари соғлом бўлади», деб айтдилар. Бу қалб сўзлари шунчаки даъват, оддий чақириқ ёки ўткинчи шиор эмас, балки ҳалқимизни ҳушёрлик, огоҳлик, одамийликка чорловчи, узоқни кўзлаб тузилган пухта-пишиқ дастуриламалдир. Унинг замирида мустақил давлатимиз пойдевори, ўқ илдизини мустақамлаш, Ватанимиз куч-құдратини янада ошириш каби улуғ манфатлар ётади.

Президентимиз таъбири билан айтганда: «Осуда ҳаётимизга раҳна солишига уриниб кўрган, гаразли ва мудҳиш мақсадларини амалга оширишига хуруж қилган ёвуз кучлар ўзининг қора ниятига етолмаган, етолмайди ҳам». Бу юксак масъулият ҳис-туйғуси республикамиз ҳар бир фуқаросининг жон-жони, қон-қонига сингиши бошланган ҳайрли иш, дадил қадамнинг пировард натижаси, сўз эмас, унинг амалдаги ижроси, исботи билан қадрлидир. Зоро, бу умумҳалқ аҳамиятига молик улуг вазифаларни бажариш ва амалга оширишда нафақат давлат ташкилотлари, балки кенг жамоатчилик, бутун эл-юрт фаол иштирок этиши лозим. Бу борада давлат дастурида белгиланган катта чора-тадбирларни ҳаётта татбиқ этиш муффакиятлар гаровидир, албатта. Бунга эса заррача шак-шубхамиз йўқ. Бу улуғ дастур, режалар ҳақида ўйлар эканман, ёдимга бир ривоят тушади:

Эмишки, қадим замонларда иккى қавм ўртасида низо бошланиб, бир обрўли оиласининг тўнгич фарзанди жангта отланибди. Унинг бошига оғир синов тушибди. Лашкарбоши ўша одамнинг ўғли билан оддий оиласдан чиққан бир йигитни хузурига чақириб топшириқ берибди:

— Отангни жуда қаттиқ ҳурмат қиласман. Шу боисдан ҳам бу оғир вазифани сенга топширишни лозим деб топдим. Сенга худди ўзимга ишонгандек ишонаман.

— Айтинг соҳиб, мен хизматингизга тайёрман! — дебди йигит.

— Азон айтилгунга қадар ёғий қароргоҳига ўтиб, менга аниқ маълумот келтирурсан. Мана бу йигит сенга ҳамроҳ бўлади. Илло, оддий косибнинг ўғли бўлган бу йигитдан асло чўчима ва уни сира ўкситма. Яратганинг олдида барчамиз тенгмиз.

Икки сипоҳ ярим тунда оғир вазифани бажариш учун хавфли йўлга отланибдилар. Душман қароргоҳига ўтиш учун катта дарёдан сузиб ўтиш зарур экан. Қирғоққа боргандарида нуфузли оиласнинг фарзанди сувнинг совуқлигидан чўчиб, баҳона излабди. Бунга жавобан косибнинг ўғли:

— Ёзниг саратонида сувдан сескансангиз қандоғ бўлди биродар? — дебди.

Орадан кўп вақт ўтмай, йигит сирини ошкора қилишга мажбур бўлибди:

— Очигини айтсам, сузишни билмайман, Чўкиб кетаман деб, қўрқаман.

— Барибир, муаммонинг чорасини топишимиз керак. Сардоримиз сизга қаттиқ ишонганилар. Сиз бўлса... топшириқни сўзсиз бажаришга мажбурмиз!

— Чораси не бўлур? — йигит бироз далилашиб, ҳамроҳидан сўрабди.

— Мушкулот чорасиз қолмас!

У шундай деб, чапдастлик билан сувга ўзини ташлаб, нариги соҳилга сузиб кетибди. Йигит эса оддий косибнинг ўғли мендан кўра, қўрқмас, ботир экан, бунинг устига чаққон сузишни ҳам билар экан, деб ҳижолат чекиб, ўз-ўзидан уялибди, оғринибди.

Бироз фурсатдан сўнг, косибнинг уддабурон, тадбиркор, чаққонгина ўғли мўъжазгина, қамишдан ясалган қайиқ билан бу қирғоққа қайтибди.

— Юринг, вақт ўтмасин.

Улар биргаликда душман истеҳкомига яқин, ёғий навкарлари зарурат учун ўтиб қолиши мумкин бўлган ерда пистирма қуриб, пайт пойлашибди. Ниҳоят, улар кутган қулай вақт келибди. Икки ёғий соқчиларининг ўзаро сұхбати уларнинг қулоқларига чалинибди. Шунда косибнинг ўғли дебди:

— Мен далилни тирик асир олмоқ учун қулай жойга ўтурман. Сиз эса шу ерда қолиб, мабодо бирор хавф-хатар туғилса, камондан ўқ узиб, соқчилардан бирини ярадор қилурсиз.

Йигит ҳамроҳининг ботирлиги, тадбиркорлигига қойил қолиб, унинг хатти-харакатини зимдан кузатиб турибди. Камондан усталик билан ўқ отиш фурсати етганда нуфузли кишининг фарзанди бу ишда ҳам нўноқлик қилибди. Қўли қалтираб,

камондан ўқ узолмабди. Косибнинг ўғли эса икки забардаст соқчи билан тенгма-тенг, мардонавор олишиб, уларнинг бирини оғир ярадор қилибди, иккинчисини асир олиб, пистирма қўйилган ерга келибди. Лекин бир оғиз ҳамроҳига таъна қилмабди.

— Илм олмоқликнинг изига тушиб, кўп нарсани йўқотган гоғил эканман, — дебли йигит ҳамроҳига унинг мардлиги, жасоратига қойил қолиб. — Дарё бўйида яшаб, сузишни ўрганмабман. Мерганинг набираси бўлатуриб, камон ушлаш, аниқ нишонга ўқ узишни билмасам, мен қандай одам бўлдим? Жуда уятлик иш бўлди, мени кечиринг, бундан кўра ўлганим яхши. Узр дўстим, минг бора узр. Мен сардоримиз олдида ҳам, сизнинг олдингизда ҳам ўз йигитлик, фуқаролик бурчимни бажара олмадим.

Киссадан ҳисса шулки, обрўли оила фарзанди бўлган сипоҳ йигит ўзининг үкувсизлиги, ўз вақтида бирор ҳарбий касб-хунарни ўрганмагани учун ҳамроҳидан узр сўрагани билан, энг катта, асосий айб унда эмас, унга ёшлигидан яхши таълим-тарбия бермаган ота-онасида эди. Донолар айтганидек:

«Хунар-хунардан унар. Касб-хунар ўрганмаган фарзанд, ҳар қадамда берур панд, ота-онасига раҳмат эмас, лаънат келтирур, юзини ерга қаратур».

Шундай экан, фарзандларимизга дунёвий, урфоний илмлар қатори бир аниқ касб-хунур ҳам ўргатиш, айни муддаодир..

## ШАРАФ ВА МАСЬУЛИЯТ

Дунёда касблар хилма-хил бўлиб, унинг ичидаги Ватан ҳимоячиси деган ном шарафлидир. Зоро, Ватан олдидағи йигитлик бурчини ўғаш фуқароларнинг нафақат конституциявий, балки инсонийлик бурчи, буюк шараф, масъулияти ҳамдир. Киндик қонинг тўкилган муқаддас азиз тупроқ — Ватанни кўз қорачиғидек асрар-авайланш — ўз оиласи, шаъни, ор-номусини ҳимоя қилиш демакдир.

Шунинг учун ҳам Ватан унга бўлган сидқидил — меҳр-муҳаббатдан юксалади, зъозуланди. Маълумки, ҳар бир давлат мустақиллигини, аввало, ўша мамлакат армияси, Қуролли Кучлари ҳимоя қиласади. Шу боис, истиқдолнинг дастлабки кунлариданоқ, мамлакатимиз мудофааси давлат сиёсатининг энг устувор вазифаларидан бири сифатида белгилаб олинди. 1991 йил 6 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлиги ташкил этилди. 1992 йил 14 январь куни эса, мустақил давлатимиз тарихида яна бир муҳим тадбирга қўл урилди — республикамиз ҳуду-

дидаги барча ҳарбий қисм ва бўлинмаларни Ўзбекистон тасар-руфига ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Юртбошимиз, Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари Олий Бош Кўмондони ташаббуси билан эълон қилинган мазкур тарихий ҳужжат мамлакатимиз хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган ва келиб чиқаётган хавф-хатарларни ҳар томонлама чукур таҳдил этиш асосида армиямизни ислоҳ қилишининг узоқ муддатли дастури ишлаб чиқилишига йўл очди. 1993 йилдан эътиборан 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни деб эълон қилинди. Бу ҳақда Президентимизнинг «Миллий армиямиз — мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишига ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир», «Юксак маънавият — енгилмас куч», «Ўзбекистон мустақиликка эришиш остонасида» номли асарлари, шунингдек, Тошкент шаҳридаги «Ватанга қасамёд» монументи очилиши маросимидағи нутқларида батафсил сўз юритилгани масаланинг туб моҳияти ва аҳамиятини янада ойдинлаштиради.

— Ватанимизни ҳимоя қилиш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир, — деган эди Президентимиз ўзининг ҳарбийлар билан бўлган бир суҳбатида. Шу билан бирга Ватан ҳимоячиси аниқ бир касб бўлиб, унинг обрў-эътибори кун сайин юксалаётгани бежиз эмас. Бугун ёшларимиз ўртасида бу касбга нисбатан қизиқиши ортиб бормоқда. Чунки ёшларимиз Ватанни севади, уларнинг қалбида элу юрга муҳаббат ва садоқат туйғулари жўш уриб турибди. Шундай экан, ҳарбий хизматчиларимизни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш масалалари доимо эътиборда бўлиши табиийдир.

Зоро, бугун Ер юзида истиқомат қилаётган барча инсонпарвар, адолатпарвар, тараққийпарвар эл-элат, миллатларнинг ягона орзу-тилаги — тинчлик, барқарорликдир. Шу фикр, мулоҳазалар Ўзбекистон Республикаси Президенти, Куролли Кучлар Олий Бош Кўмондони Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Куролли Кучларининг 20 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топгани айни муддаодир:

«Ҳозирги босқичда Куролли Кучларимизни ислоҳ этиш ва унинг жанговар тайёргарлигини оширишнинг аҳамияти энг аввало дунё шиддат билан ўзгараётган, Яқин Шарқ ва Форс кўрфази атрофидаги вазият тобора кескинлашаётган бир шароитда қарама-қаршилик, хавфсизликка турли таҳдид ва хатарлар куҷайиб бораётганини ҳисобга олганда, минтақада юзага келаётган мураккаб вазият билан белгиланади.

Марказий Осий минтақаси ўзининг геосиёсий ва геостратегик аҳамияти, улкан минерал ҳомашё ресурсларига эга экани туфайли кейинги йилларда йирик давлатларнинг доимий дикқат марказидаги обьектга, уларнинг стратегик манбаатлари тўқнашадиган ҳудудга айланмоқда, шу билан бирга, ўттиз йилдан зиёд вақт мобайнида уруш давом этаётган Афғонистондаги кескинлик ва қарама-қаршиликнинг ҳали бери сақланиб келаётган таъсири остида қолмоқда.

Америка контингенти ва хавфсизликка кўмаклашадиган ҳалқаро кучларнинг 2014 йилда Афғонистондан олиб чиқиб кетилишининг эълон қилиниши ва келгусида бу қарорнинг амалга оширилиши террорчилик ва экстремистик фаолиятнинг кенгайиш хавфининг кучайишига, мазкур улкан минтақада кескинлик ва қарама-қаршиликнинг ортишига, бу ерда доимий бекарорлик манбаи яратилишига олиб келиши мумкин.

Минтақада жойлашган айрим мамлакатлардаги ижтимоий норозиликнинг кучайиши, экстремистик кучларнинг сафига янги-янги аъзоларни жалб этиш учун қулай замин туғдираётган, ёмонлашиб бораётган ижтимоий-иқтисодий вазият минтақавий барқарорлик ва хавфсизликка қарши жиддий таҳдид бўлиб қолмоқда.

Шу борада ихчам, харакатчан қисм ва бўлинмалардан фойдаланган ҳолда, қўққисдан, шиддатли ва тез амалга оширилиши билан ажралиб турадиган замонавий жанговар операцияларни ўтказиш шарт-шароити ва характеристири тубдан ўзгарганини доимо назарда тутиш лозим.

Бугунги кундаги ҳарбий можаро ва маҳаллий урушлардаги жанговар операцияларнинг таҳдили шундан далолат бермоқдаки, маҳсус вазифаларни бажарадиган принципиал жиҳатдан янги жанговар тизимларни, бир-бири билан бевосита жангга кирмасдан ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш шаклларини ва энг янги ахборот технологияларини, замонавий юқори даражадаги аниқлик билан зарба берадиган қурол-яроғ турларини қўллаган ҳолда уруш олиб бориш усусларидан тобора кенг фойдаланилмоқда.

Лўнда қилиб айтганда, Марказий Осий ва дунёда вужудга келаётган ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, ҳарбий-сиёсий вазиятни баҳолаш минтақадаги тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётга нисбатан таҳдидларнинг кучайиш тенденцияси тобора ортиб бораётганини кўрсатмоқда.

Буларнинг барчаси мамлакатимизнинг бутун мудофаа ва хавфсизликни таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш ва унинг

самарадорлигини юксалтириш бўйича олдиндан ишлаб чиқилган тизимли чора-тадбирларни амалга оширишни, Қуролли Кучларимизнинг салоҳияти ва ҳарбий тайёргарлигини ҳар томонлама мустаҳкамлаш борасидаги ишларни изчил давом эттиришни тақозо этмоқда».

Шунинг ўзиёқ, бизни огоҳлик, хушёрлик, маънавий руҳий бирлик, ҳамкорликка чорлайди, даъват этади.

## ҚАСАМЁД

Маълумки, 2010 йилнинг 10 январида Тошкент шаҳрида Қуролли Кучларимиз шарафига «Ватанга қасамёд» ҳайкали бунёд этилиб, унинг очилишида муҳтарам Юргашимиз қатнашиб, нутқ сўзлаган эдилар. Бу тарихий жараён ўз маъно-мазмуни, моҳияти, аҳамияти билан чиндан ҳам халқ ва армия бирлиги, мардлик ва жасорат мадҳияси, эл-юртга садоқат тимсоли сифатида эътироф этилди.

Ёш авлодни миллий ғоя руҳида, филойи ва матонатли ўғлонлар этиб тарбиялашда маънавий ибрат намунаси бўлиб хизмат қиласидиган бу бетакрор обида бугун ҳалқимизнинг энг муқаддас масканларидан бирига айлангани бежиз эмас. Чунки бу салобатли ҳайкал тимсолида жуда чуқур мазмун-моҳият мужассам. Ушбу муҳташам мажмуага қараб, беихтиёр ўйга толасан киши. Биз учун она, Ватан тушунчалари азал-азалдан бир-бирига муштарак ва муқаддас саналган. Она сиймоси ўзининг меҳрибонлиги, филойилиги, эзгуликнинг ёрқин рамзи бўлса, Ватанимиз ҳам энг улуғ ва энг муқалласдир. Шу боисдан юрт ҳақида ўйлаганимизда, аввало, кўз олдимизда қўлларини дуога очиб, юз-кўзларидан нур таралиб турган мунис ва мұътабар она қиёфаси бутун бўй-басти билан яққол гавдаланади. Фарзанд унга оқ сут берган, бағрида кўтариб вояга етказган ўз волидаи муҳтарамаси олдида қанчалик қарздор бўлса, Ватани олдида ҳам шундай бурчлидир, албатта. Шунинг учун ҳам она заминни, гўзал ва бетакрор диёрини кўз қорачигидай асраб-авайлаш, ҳимоя қилишга астойдил бел боғланган йигит чин қалбидан қасамёд қиласи, онт ичади, аҳдига содик қолишга ваъда беради.

Ҳарбий қасамёд қабул қилиш шарафли касб эгалари ҳаётида бир умр унтутилмас, ҳаяжонли дақиқалардан бири ҳисобланади. Дастребаки кўнгикмаларни дилига жойлаган аскар ҳарбий қасамёд қабул қилганидан сўнг бошқача бўлиб қолади, том маънода чинакам ҳарбий хизматчига айланади, унинг зиммасида улкан масъулият, юксак бурч, мажбурият ётади.

Бу жараённи ўз кўзи билан кўриб, қалби бениҳоя фахр, ифтихор ҳис-туйғулари билан тўлиб-тошган аскар оналари ҳаяжонини ифода этиш эса ниҳоятда мароқли ва ибратлидир.

— Саф тортиб турган норгул йигитлар орасида менинг ҳам фарзандим борлиги кўксимни ғууррга тулдириб юборди, беихтиёр кўзимда севинч ёшлари пайдо бўлди. Қаранг, ҳарбий либос фарзандларимизга янада кўрк, салобат баҳш этибди. Ўғлим билан суҳбатлашдим. Гарчи орадан эндинга бир ойдан зиёд вақт ўтганига қарамай, назаримда у анча улғайгандек. Қарашларида, гап-сўзларида қатъият, жиддийлик акс этади. Ўтган давр мобайнида ранг-рўйлари тоза, бироз тўлишган. Ўғлимга боқиб, унинг қаторида мард, жасур ўртоқлари борлигини кўриб, шундай ўғлоннинг онаси эканлигимдан фахрланиб кетдим. Мұхташам «Ватанга қасамёд» мажмусаси пойида ҳарбий қасамёд қабул қилган ўғлимнинг ўз йигитлик аҳди, қасамига содик қолишига, Ватан олди-даги бурчини намунали бажарив, юзимизни ёруғ қилишига астойдил ишонамас, — дейди қашқадарёлик Матлуба Раҳимова.

— Қалбимда ўзгача қувонч, ажиб бир ҳис-ҳаяжон бор. Буни қаранг, ўғлоним ҳақиқий йигит бўлиб, эл-юрт, Ватан тинчлиги, осойишталиги йўлида хизмат қила оладиган мардлар сафидан жой олиб турибди! Бу менга фахр, ғуур бағишлийди. Ўғлим ва унинг сафдошларига қараб, кўзим қувнайди, дилим яйрайди, — дейди бухоролик Икром Аҳадов.

— Ҳарбий қасамёд ҳарбий хизматчининг энг азиз ва муқаддас қаломидир. Агарки, у ўз зиммасига шундай юксак бурч ва масъулиятни олибдими, буни амалга оширишига асло шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Чунки йигит кишининг сўзи, аҳди битта бўлади. Шундай мард ва баҳодир, бир сўзли, қатъиятли йигитларимиз бор экан, юртимизда доим тинчлик, осойишталик барқарор, осмонимиз мусаффо бўлади, дейишга тўлиқ асосларимиз бор, — дейди тошкентлик Рустам Ҳайдаров.

Дарҳақиқат, истиқдол йилларида давлатимиз раҳбари бошчилигига барча соҳалар қатори миллий армиямизни шакллантириш борасида ҳам улкан, оламшумул ишлар амалга оширилди. Эътиборли жиҳати шуки, ҳозирда миллий армиямиз сафларида хизмат қилаётган ёшларимиз, ҳарбийларимиз ўзларининг жанговар, маънавий, интеллектуал салоҳиятлари, қасамёдларига, ҳалқимиз ва Президентимизга содикликлари билан жаҳондаги ҳеч бир армиядан кам эмас ва кам бўлмасликларини амалда исбот қилмоқдалар. Улар ўз измларида, постларида кечаю-кундуз огоҳ ва хунпёрдирлар. Зоро, Ватанга қасамёд — онага қасамёддир!

Биз тинчлик истаймиз жумла жаҳонга,  
Марказий Осиё, Ўзбекистонга!  
Бу йўлда аждодлар руҳи бизга ёр,  
Ҳамиша байроқдир, ҳамкор, мададкор!

Йўлимиз тўғридир, қайтиш йўқ асло,  
Қасд қилган боридан бўлур мосуво!  
Ёвларни янчишга тайёр посбонмиз,  
Узилмас арқонмиз, метин қўрғонмиз!

Эшитинг элатлар, азиз инсонлар,  
Эй она ҳалқимиз, дунё, коинот:  
Она-юрт, жаҳонда тинчлик сақлашта  
Биз қасам ичамиз, қасам, қасамёд!

## ФУРУР ВА ИФТИХОР

Мустақиллик ҳалқимиз асрлар давомида орзиқиб кутган энг улуг, энг азиз неъматдир. Президентимизнинг жасорати туфайли биз ана шу неъматдан баҳраманд бўлиб, эзгу ниятларимиз, орзу-интилишларимиз рӯёбини кўраяпмиз, ҳаётимиз тобора фаровонлашиб, келажакка катта ишонч билан қадам ташляяпмиз. Шу боис ҳам файзли дастурхон атрофида, турли учрашув ва давраларда беқиёс ўзгаришлар бот-бот тилга олинади, мустақиллик берган имкониятлар ҳақида тўлқинланиб гапирилади. Кексаларимиз қўлларини дуога очганда, «Тинчлигимизга, осойишталигимизга кўз тегмасин, шундай тарихий ишларнинг бошида турган Юртбошимиз соғ-омон бўлсинлар», дея ният қилишади.

Таъкидлаш жоизки, сизу бизнинг бугунги хотиржам, осуда ҳаётимиз Қуролли Кучларимиз томонидан ишончли тарзда ҳимоя қилинмоқда. Бундай шарафли ва масъулиятли вазифани сидқидилдан адо этаётган, тараққиётимиз барқарорлигига камарбаста бўлаётган ўғлонларимиз эса ҳар қанча эъзозга, эътиборга лойиқдирлар.

Маълумки, мамлакатимизда Қуролли Кучларимизнинг 20 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни кенг нишонланди. Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримовнинг мазкур сана муносабати билан йўллаган байрам табриги барча юртдошларимиз қалбига чексиз фурур ва ифтихор ҳиссини бахш этди. Мустақиллик йилларида миллий армиямизни шакллантириш борасида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар ҳамда уларнинг самаралари ҳақида атрофлича сўз юритилиб,

ушбу йўналишда бошланган ишларни изчил давом эттириш бўйича қилиниши лозим бўлган энг муҳим устувор вазифалар белгилаб берилган мазкур табрик ҳамюртларимиз томонидан катта қувонч билан кутиб олинди. Буни уларнинг дил сўзларидан ҳам илғаш мумкин.

**Одилжон ЖЎРАЕВ,**

**«Содиқ хизматлари учун» медали соҳиби, подполковник:**

— 20 йил. Тарихан шу қисқа давр ичida Юргбошимиз бошлигигида барча соҳалар қатори мамлакатимиз мудофаа қурдатини юксалтириш борасида ҳам улкан ишлар амалга оширилди. Натижада бугунги қун талабларига мос, тезкор ва ихчам, замонавий курол-яроғ ҳамда ҳарбий техника билан таъминланган, аҳолимизнинг тинч ҳаётига қарши қаратилган ҳар қандай ёвуз кучга муносиб зарба беришга қодир Қуролли Кучларимиз вужудга келди. Эътиборли жиҳати шундаки, ҳозир миллий армиямиз сафларида дунёқараши кенг, жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом, ватанпарвар ўғлонлар хизмат қилмоқда. Улардаги юртга даҳидорлик, ҳалқимизга ва Президентимизга содиқлик ҳисси кўнгилларимизда алоҳида фаҳр туйғусини уйғотади.

Давлатимиз томонидан биз, ҳарбийларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ижтимоий-маиший шароитимизни яхшилашга ҳам ҳамиша устувор вазифа сифатида эътибор қартилоқда. Буни ҳар биримиз дилдан ҳис қилиб, сезиб турамиз. Президентимиз табригида шу хусусда яна бир карра сўз юритилиб, «Ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш масаласига алоҳида аҳамиятта молик вазифа сифатида қараш зарур. Нега деганда, бугунги замонда фақат ижтимоий жиҳатдан яхши таъминланган ҳарбий хизматчилар, шу билан бирга, пухта тайёргарликка эга бўлган, кучти, ҳар томонлама таъминланган Қуролли Кучларгина давлатимиз ҳаффизизлигини таъминлашга қодир бўлади», дея таъкидланган. Бундай бекиёс ғамхўрлик, билдирилаётган юксак ишонч зиммамизга катта маstryuliq юклайди. Келгусида ҳам мустақиллигимизни асрлаб-авайлаш йўлида фидойиларча хизмат қилишга, Ватанимиз равнақига муносиб ҳисса қўшишга ваъда берамиз.

**Салтанат ҚОДИРОВА,**

**«Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 20 йил» эсадалик нишони соҳибаси, катта сержант:**

— Жамиятда тинчлик, хотиржамлик ҳукм сурсагина, дилдаги эзгу ниятлар рўёбга чиқади. Буни мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ободонлаштириш, бунёдкорлик ишлари

мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Истиқлол даврида бизнинг ҳеч кимдан кам бўлмаган даражадаги ҳаёт тарзига эга бўлиб бораётганимиз муҳим омилларидан бири ҳам осойишталик билан боғлиқдир. Одамларимиз бу жиҳатларни қалбан жуда яхши ҳис қилишади ва берилган бебаҳо неъматларга доимо шукронга келтириб, юрт равнақига ҳисса қўшишига интилишади.

Мен ўзимни энг баҳтиёр инсонлардан бири, деб айта оламан. Чунки шарафли касб — ҳарбий соҳада хизмат қиласяпман. Шунга ҳам 15 йилдан ошди. Сира афсусланганим йўқ, аксинча, юрт тинчлиги, осойишталиги йўлида, озми-кўпми, ўз ҳиссамни қўшаётганимдан фахрланаман. Байрам арафасида “Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларига 20 йил” эсадалик нишони билан тақдирландим. Бу мени янада фидойилик билан хизмат қилишга чорлади.

Бир ўғлим, бир қизим бор. Улар келажакда қайси касбни танлашларидан қатъий назар, Ватанга муносаби фарзанд бўлишади, деган умиддаман.

### **Нигора ТОЖИБОЕВА,**

#### **оддий аскар онаси:**

— Президентимизнинг Ўзбекистон Куролли Кучларининг 20 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табригини эшишиб, ўғлим Жаҳонгирнинг ҳам осойишталигимиз йўлида хизмат қилаётган мард, жасур ва фидойи фарзандлар сафида эканидан қалбим яна бир бор фурурга, ифтихорга тўлди.

Она шундай зотки, ҳамиша болам дейди, унинг тақдирига ҳеч қачон бефарқ бўлолмайди. Очиги, ўғлимни армияга кузатаётганимизда кўнглимнинг бир четида «Ишқилиб қийналиб қолмасмикин?» деган хавотир ҳам йўқ эмасди. Яқинда у хизмат қилаётган ҳарбий қисмга бориб, шарт-шароитлари билан яқиндан танишгач, хавотирларим бехуда эканига амин бўлдим. Кўнглим тоғлек кўтарилди. Жаҳонгир келгусида олий ҳарбий билим юртида ўқиб, офицер бўлмоқчи эканини айтганида икки карра кувондим. Ахир фарзандининг ҳаётда тўғри йўлни топиши, эл корига ярайдиган инсон сифатида камолга етиши ҳар қандай ота-онанинг орзузи, баҳти-да.

### **Боқижон ФАЙЗУЛЛАЕВ,**

#### **«Жасорат» медали соҳиби, кичик сержант:**

— Байрам табригини катта ҳаяжон билан тингладим ва армиямизнинг суюнчи, таянчи, дея эътироф этилган сержантлар таркибида эканимдан беҳад фахрландим. Чиндан ҳам, ўтган давр

мобайнида Қуролли Кучларимизнинг қудрати, салоҳияти, ҳарбий қисм ва бўлинмаларнинг ҳаракатчанлиги, мамлакатимиз осойишталигини таъминлаш қобилияти ошди. Сержант кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлашнинг замонавий талабларга жавоб берадиган тизими яратилди. Президентимиз табригидага сержантлар ўртасида командирлик ва етакчилик фазилатларини янада ривожлантириш, улар томонидан жанговар тайёргарликни ташкил этишнинг энг янги шакллари, усул ва услубларининг ўзлаштирилиши, шахсий таркибнинг уларга ишониб топширилган замонавий қуроллар ҳамда ҳарбий техникани моҳирлик билан ишлатиши, шунингдек, бошланғич бўлинмаларда маънавий-ахлоқий муҳит ва тартиб-интизомни яхшилашда сержантларнинг ролини кучайтириш борасидаги ишларни давом эттириш зарурлиги қайд этиб ўтилди. Демак, масъулиятимиз янада ошади. Ана шуни ҳис қилган ҳолда, ўз устимизда кўпроқ ишлаб, мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини ошириш йўлидаги ислоҳотлар самарадорлигига муносиб ҳисса кўшишга ҳаракат қиласиз.

(«Ҳалқ сўзи» №11. 17 январь)

## БАЙРАМИНГИЗ БЎЛСИН МУБОРАК!

Ўзбекистон мард ўғлонлари,  
Баҳодирлар, паҳлавонлари,  
Тинчлигимиз чин посбонлари,  
Байрамингиз бўлсин муборак!

Қайда бўлманг, ерми, осмонда,  
Тоғми, дала, чўл биёбонда,  
Бу муқаддас она маконда,  
Байрамингиз бўлсин муборак!

Ватан ишқи кўнглингиздадир,  
Юрт тақдери қўлингиздадир,  
Нигоҳимиз йўлингиздадир,  
Байрамингиз бўлсин муборак!

Сизга таҳсин, ботир йигитлар!  
Оловюрак, нодир йигитлар!  
Кўкси қалқон, чайир йигитлар,  
Байрамингиз бўлсин муборак!

## **ҲАРБИЙЛАРНИНГ ҲАМКОРИ ВА МАДАДКОРИ**

Менинг ҳарбий-ватанпарварлик мавзусида баҳоли қудрат қалам тебратишимга Ўзбекистон Мудофаа вазирлигининг Марказий матбуот органи «Ватанпарвар» газетасининг ижодий жамоаси билан яқин ҳамкорликда ишлаш имконига турткы бўлган десам, асло янгилишмайман. Сабаби, республикамиз мустақиллиги туфайли ўз миллий армиямиз ташкил этилгач, 1992 йилнинг 24 июнидан эътиборан «Ватанпарвар» газетаси чиқа бошлади. У ҳақли равишда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг энг яқин, ишончли ҳамкори ва мададкори, тиниб-тинчимас тарғиботчиси ва ташвиқотчиси сифатида майдонга чиқди. Буни унинг «Мардлар кўриқлайди Ватанни!», «Ватан ҳимояси – муқаллас бурч!» деган оташин шиорларидан ҳам билса бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлашим жоизки, «Ватанпарвар» газетаси мана орадан 20 йил ўтдики, ўз бурчига содик қолди, Қуролли Кучларимиз Олий Бош қўмондони Ислом Каримов раҳнамолигида юртимиздати бошқа соҳалар каби узлуксиз ва изчилик билан ўtkazilaётган ҳарбий ислоҳотларнинг ҳаётга татбиқ қилиниши, тинчлик ва осойишталикнинг мустаҳкам қалқони сифатида миллий армиямизнинг шаклланишида етакчи ўринлардан бирини эгаллади.

Бир оғиз сўз билан айтганда, бугунги замонавий, ихчам, тезкор профессионал армиямиз ҳамда унинг жанговар сафларида хизмат қилаётган мард ва жасур Йигитларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзиди. Чунки ана шундай қудратли ва забардаст армия мустақил Ватанимизнинг осойишталиги миллий хавфсизлиги, тинч ва осойишта ҳаётимизни таъминлабгина қолмай, барқарор тараққиёт ва нурли истиқболимизнинг ишончли кафолатига айланди.

Зеро, Қуролли Кучларимиз Олий Бош Қўмондони Ислом Каримовнинг Ватан ҳимоячилари куни ҳамда Қуролли Кучларимиз ташкил этилганлигининг 20 йиллигига бағишлиб йўллаган байрам табригида куйидаги сўзлар бор:

*«...Армиямиз ҳозирги кунда нафақат Ватанимиз чегараларини, ҳалқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қўлмоқда, айни вактда мустаҳкам ирода ва характеристер, мустақил фикрлаш қобилияти шаклланадиган, жисмоний чиниқиши ва юксак инсоний фазилатлар камол топадиган ҳақиқий профессионал малака ошириши мактабига айланмоқда.»*

Юртбошимизнинг байрам табригини ўқир эканман, ниҳоятда тўлқинланиб кетдим. Миллий армиямизда амалга оширилаётган

оламшумул ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида хаёлан мен ҳам қатнашгандек бўлдим, беихтиёр «Ватанпарвар» газетаси янги ташкил бўлган кезларда унинг жамоаси билан ҳамкорлигим ёдимга тушди. Чунки газета янги номда чоп этилаётган даврда қалами яхши чархланган, тажрибали, миллий, ҳарбий қаламкашлар бармоқ билан санаарли эди холос. Кўп ўтмай, газета таҳририятига таниқли адилар, Ўзбекистон ҳалқ ёзувчиси Иброҳим Раҳим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ҳодими, шоир Назармат ёрдамга жалб этилди. Газета саҳифаларининг ранг-баранг ва ўқишли бўлиши учун жонбозлик кўрсатиши. Кейинчалик Комилжон Жабборов, Ирисмуҳаммад Абдукаримов, Худойназар Жуманазаров, Абдураззоқ Обрўй, Азимбек Усмоновлар сафига Алижон Сафаров, Расул Жумаев, Аблай Камолов, Яшин Ҳакимов, Зулфия Юнусова, Гулнора Ҳожимуродова, Инобат Иброҳимова каби моҳир қаламкашлар келиб қўшилиши. Шу тариқа «Ватанпарвар» газетаси таҳририяти атрофида миллий ҳарбий журналистика мактаби яратилди. Газета саҳифаларида менинг ҳам ўзбек тилида ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги дастлабки шеър, қўшиқ, марш ва мақолаларим чоп этилди, улар тез орада оммалашиб кетди. Бундан руҳланиб сўнгги йигирма йил ичида жанговар сафларда кўпчилик бўлиб жўровозликда ижро этиладиган кўплаб шеърлар ёздим, улар таниқли хонанда, бастакор, ижодий жамоалар назарига тушди. «Ўзбекистон – Ватаним маним», «Аскар қўшиқлари», фестиваллари кўрик-танловлар совриндори бўлди, республика аҳамиятига молик катта байрам тантаналаридаги концертлар дастуридан ўрин олди, мен бундан ниҳоятда баҳтиёрман ва мамнунман. Бундан кузатилган асосий мақсад – Ватанимиз посбонларини ҳарбий хизматнинг ўзига хос машаққатларини мардонавор енгишга руҳлантириш, уларнинг жасоратини мадҳ этиш эди, албатта. Ўйлайманки, мен бу эзгу мақсадимга озми-кўп эришдим, умримнинг охиригача бу орзу-ниятим менга йўлдош бўлишига умид қиласман.

Муҳтарам Президентимиз, Ўзбекистон Куролли Кучлари Олий Бош қўмандони Ислом Каримовнинг ҳикматли иборалари билан айтганда: «Замонлар ўтаверади, даврлар ўтаверади, аммо Ватан абадийдир. Ватанин севиш, суюб ардоқлаш, бор вужудинг билан жўшиб куйлаш энг олий баҳтдир! Энг гўзал ва дилбар қўшиқлар ҳам Ватан ҳақидаги қўшиқлардир. Бундай жозибадор қўшиқлар эл-элатларни бирластиради, уларни тинч-тотув ва осоишига яшашга, Ватанин ҳар жиҳатдан юксалтиришга, кўз қорачигидай асрар-авайлашга, кўксини қалқон қилиб ҳимоя қилишга давват этади».

Бу борада «Ватанпарвар» газетасининг сўнгти йигирма йил ичидаги қизғин фаолиятига бир назар ташлашнинг ўзи кифоя қиласди. Чунки бу тарихан қисқа давр мобайнида газетанинг нафақат ташқи, балки ички қиёфаси ҳам бутунлай янгиланди, моддий, техник таъминоти замон талаблари даражасида мустаҳкамланди, эълон қилинаётган материалларнинг маъно-мазмуни, мундарижаси, савиаси ўзгарди, у кўп саҳифали, ранг-баранг, сифатли, ўқимишли бўлди, муштариylари ичидаги нуфузи, эътибори ва адади ошди. Янги-янги руҳи ва мақола сарлавҳаларининг хилма-хил, бетакрорлиги, жозибадорлиги ўқувчини ҳайратга солади. Бундан ташқари газета жамоасининг республика миқёсида ўтказилган «Ватан азиз, жасорат мангу», «Ватан ҳимояси — муқаддас бурч!» номли кўрик-танловлар ғолиби бўлганилиги айниқса қувонарлидир. Бу албатта газета таҳририяти ва жамоатчи мухбирлар билан тинимсиз ишлаш, ташаббускорлик самарасидир. Бугун шуни алоҳида фурур ва ифтихор билан айтмоқчиманки, газета таҳририятида жонбозлик кўрсатган ҳар бир ижодкорнинг кичик хабаридан тортиб, катта мақолосигача — барчаси Ватан истиқтоли ва истиқболини асрраб-авайлаш, юрга, миллатга, миллий армиямизга меҳр-муҳаббат, фидойилик билан йўғрилган. Шундай экан, уларнинг қалб қўри, юрак сўзи, мاشақатли меҳнати бежиз кетмайди. Бу уларнинг ҳар бирини бедор ва беором меҳнат қилиш, ўз измларида ҳамина огоҳ ва хушёр бўлишга чорлади. Шундан келиб чиқиб, ич-ичимдан ҳайқириб айтгим келади:

— Парвозинг Ҳаққуш парвозидек юксалаверсин, айтган ҳар сўзинг элни руҳий ўйғоқлик ва маънавий юксаклик, тинчлик, осоиишталикка чорлайверсин, «Ватанпарвар»им!

Оlamda nima kўp, rўznomalar kўp,  
Улар чоп этилар ҳар ерда тўп-тўп.  
Бири дилга марғуб, бириси матлуб.  
Лек улар ичидаги ёлғиз севарим,  
Жонажон рўзномам «Ватанпарвар»им!

Ватан сўзи эрур, олий, муқаддас,  
У ҳар бир юракда берур садо, сас,  
Қилолмас асти хор уни бирор кас!  
Қарогим ичра сен ёруғ гавҳарим,  
Нурафшон рўзномам «Ватанпарвар»им!

Сен тинчлик жарчиси, маслақдошимсан,  
Узоқ йўл сафарда, дўст, сирдошимсан,  
Ҳар оғир жабҳада кўмакдошимсан,  
Илк лавҳам босилган кўнгил дафтарим,  
Паҳлавон рўзномам «Ватанпарвар»им!

Сен кириб бормаган хонадон йўқдир,  
Миллат ва мағзабга жой, макон йўқдир,  
Ҳар сўзинг нишонга отилган ўқдир!  
Эзгулик ишларга бош, сафарбарим,  
Нуқтадон рўзномам «Ватанпарвар»им!

Орзу инжуларин жиловдорисан,  
Жанговар сафларнинг байроқдорисан,  
Дил сўзим ўзингсан, қалбим торисан,  
Қаторда нори кўп, жасур аскарим,  
Чароғбон рўзномам «Ватанпарвар»им!

Ўргандим мен сендан жасорат илмин,  
Темурнома, ҳарбий маҳорат илмин,  
Она-юрт маконга муҳаббат илмин,  
Садоқат боғида мулки сарварим,  
Чин боғбон рўзномам «Ватанпарвар»им!

Ёзилдим сен учун келаси йилга,  
Отландим сен билан кент, ёруғ йўлга!  
Яна ҳам дадил бўл, яқин ҳар дилга,  
Йўлига интизор, мард, музafferим,  
Қадрдон рўзномам «Ватанпарвар»им!

Улуғвор номингга бўлгин ҳамоҳанг,  
Ҳар сонинг, саҳифанг чиқсин ранг-барамнг,  
Сенга баҳт талайди Искандар аканг,  
Омон бўл ҳамиша тинчликсеварим,  
Эй, посбон рўзномам «Ватанпарвар»им!

## **НАСАФЛИК ДҮХТИРБОБО**

*(Акромжоғы ақа билан сұхбатдан)*

### **ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИ СЎЛИМ-СЎЛИМ, У ТОМОН НЕЧА БОР ТУШДИ ЙЎЛИМ!**

— Акром ақа, ёдингизда бўлса керак, сиз билан институтни тутатганимиздан сўнг орадан анча вақт ўтиб, 1980 йилнинг куз ойларида тасодифан эрталаб Тошкент аэропортида учрашиб қолдик.

— Ҳа, сиз биринчи рейс билан Самарқандга, мен эса Қарши самолётига чиқиши учун маҳсус жой олдида автобус кутиб турган эдик, сиз ҳарбий кийимда эдингиз.

— Ўшанда бу қисқа муддатли учрашув баҳона яна топишиб, оиласиз билан ўзаро борди-кељди қила бошлидик.

— Биз бундан ниҳоятда хурсанд бўлган эдик. Тоғ-тоғ билан учрашмас, одам одам билан учрашар, бир-бирининг тафтини олар экан.

— Кейинчалик, мен тиббий хизматдан нафақага чиққач, аниқроғи, 1989-90 йилларда ёшлиқдаги ҳамкасб қадрдонларим, армияда бирга хизмат қилган собиқ қуролдош, жанговар дўстларимни соғиниб, уларнинг дийдорига тўйиш мақсадида, шунингдек, Иккинчи жаҳон уруши йилларида жангоҳларда ва фронт ортида мардлик, жасорат намуналарини кўрсатган ўзбекистонлик «Оқ либосли ҳалоскорлар» номли китобимга материаллар қидириб, бир неча бор шахсий енгил машинамда Тошкентдан чиқиб, йўл-йўлакай Самарқанд, Каттақўғон, Хатирчи, Навоий, Бухоро, Қарши, Бешкентда бир муддат тўхтаганман, Термизгача борганман.

— Кўшни Туркманистоннинг Чоржўй, Байрамали, Мари деган шаҳарларига ўтиб кетишинингизга ҳам озгина қолган, янгилишмасам.

— Тўғри, яқин дўст-қадрдонлар дийдорига тўйиш учун нафақат Мари, балки ундан анча нарига, ҳатто Ҳироттacha ҳам боришга тайёрман!

— Қойил! Сизнинг бунақа хайрли ва савобли ишларингизга тан бермай иложимиз йўқ, Искандархон.

— Бу борада сиздан ўтиб, қаерга ҳам бораардик, Акром ақа. Одамларга астойдил меҳр-муҳаббатли, садоқатли бўлишни аввало Худо, кейин ота-онамиз, қолаверса, сиздан ўрганганимиз.

— Раҳмат, камтарликни бир чеккага йиғиштириб, Ҳудо берган мартабамизни янада ошириб юбордингиз, қўйинг бунаقا гапларни. Бу дунёдаги ғанимат дамларда ўргадаги масофанинг узоқ-яқинлигига қарамай, бир-биримизга керак бўлмасак, ўз вақтида ҳол-аҳвол сўраб, хабар олиб турмасак, нима деган одам бўлдик? Шу ҳам одамийликми? Ўргадаги меҳр, оқибат, садоқат, саховат қани?

— Шу ўринда нима сабабданdir бир неча йил аввал ёзган шеърим ёдимга тушди. Рухсатингиз билан шуни эслаб, ўқиб берсам.

— Марҳамат!

Осмон тўла фаришта,  
Ҳаммалари ҳар ишда.  
Қўли-қўлига тегмай,  
Эрта-кеч югурипда.

Иш деганнинг на боши,  
На охирин кўришар.  
Битақолсин шу иш деб,  
Хар биттаси тиришар.

Ерда бўлса одамзод.  
Бир дам тинч, тек туролмас,  
Қолиб кетар деб юмуши,  
Бўғзидагин ютолмас.

На ўлганга борар у,  
На тирикдан ҳол сўрар.  
Гўё дунёга устун,  
Бўлмоқчидаёт югурап.

Иш-иш лея унутар,  
Ёру дўст, қариндошин.  
Бирим икки бўлсин деб,  
Тоғ-тошга урар бошин.

Билмаски, умр ўтар,  
Умр эса бир ондир,  
Шу инсоннинг ўзи ҳам  
Бу дунёга меҳмондир.

Үткінчи бу дунёning,  
Ғанимат ҳар лақзаси.  
Үлчанмас инсонийлик  
Қанча дея ақчаси.

Ҳаётда ишдан ўзга,  
Мехр-оқибат бордир,  
Инсон ёргу оламда  
Мехр, шафқатға зордир.

Адо бўлмас иш, ташвиш,  
Бир кам икки бу дунё.  
Яхшилик қил, ёритсин.  
Йўлларингни нур, зиё!

Биз ахир фаришталар  
Олдида бир заррамиз.  
Йўқолса меҳр, шафқат,  
Қай ишга ултурамиз?

Бўлармикин бу ишнинг  
Шарофати, унуми?  
Бўлармикин кўнгилнинг,  
Фарогати, тиними?

Нурамай Мехр тоги,  
Унга тиргак бўлайлик.  
Хор-зор бўлмасин Инсон,  
Хушёр сергак бўлайлик!

Шундай қилсак, Искандар,  
Кетмагай дарз иймонга.  
Мехр-шафқат, яхшилик  
Нондек зарур Инсонга!

— Кечирасиз Искандархон, бунақа чуқур маъноли, фалсафий шеърларни ўзингиз ёзасизми?

— Йўқ! Асосан аёлим айтиб турадилар, мен уларни оқизмай-томизмай қоғозга тушираман.

— Гапингизда ҳазил бўлса ҳам унда жуда катта маъно, мазмун, ҳақиқат борлигига имоним комил.

— Худонинг ўзи бизга меҳрибончилик қилиб, Ойдинхон, Шарофатхонга ўхшаган доно, зукко, меҳр-муҳаббатли, садоқатли,

саховатли, сабр-тоқатли, бағри кенг, құли очиқ, иймон-инсофли аёлларни муносиб күрган бўлса, бунга фақат шукур қиласиз, холос!

— Э, нимасини айтасиз дўстим! Бахтимизга омон бўлишсин, узоқ йиллар қўшганимиз билан қўша қариб, бола-чақаларимизга бош-қош бўлайлик, бошимиз яхшиликдан, тўйдан чиқмасин!

— Айтганингиз келсин!

— Хабарим бор, Ойдинхон билан узоқ масофа босиб, бир неча кун Бухорои шарифда, Фаргона водийсида, Термиз, Деновда бўлибсизлар. Қалай, дўстларимиз эсон-омонми, оилалари тинчми?

— Шукур. Уларнинг аксарияти аллақачон бу оламдан ўтиб кетишиди. Аллоҳ ўз раҳматига олган бўлсин. Барҳаётлари ҳам кек-сайиб, бирор хастиаликка чалиниб, аранг ўзларини эплаб юришибди. Уларнинг бола-чақалари билан имкониятимиз даражасида ўзаро борди-келдимиз бор, турли маърака, тўй-ҳашамларда кўришиб турдикан.

— Энг муҳими, икки ўртадаги самимий дўстлик, биродарлик ришталарининг узилмай, тобора мустаҳкамланиши.

— Афсуски, меҳрсизлик оқибатида бу ришталар сўнгги пайтларда анча сустлашиб қолди. Ота-боболаримиз ажлод-авлодларимиз қони, исми-жисми, жонидан ўтган ноёб меҳр-муҳаббат, садоқат ҳис-тўйғуларининг янги замон, шароитлар билан уйғунлашиб, бардавом эттиришимиз муаммо бўлиб қолди.

— Шу мавзуга оид яна бир шеърим ёдимга тушди, уни ҳам эътиборингизга ҳавола қилсан:

Меҳр асли нимадир?  
Гавҳар тўла кемадир.  
Лангари — жон, иймондир,  
Бандаргоҳи — виждондир.

Меҳр оддий саломдир,  
Энг табаррук қаломдир.  
Яратганинг неъмати,  
Туҳфаси, зўр инъомдир.

Меҳр булоқ, жилғадир,  
Қуйилар кўл, дарёга.  
Эл-юрт ундан сув ичар,  
Чиқар уммон, дунёга.

Меҳр дарё бўлмаса,  
Биёбондир гулистон.  
Куриб Орол мисоли,  
Озор чекар тирик жон.

Меҳр вафо, садоқат,  
Оқибатга эгизак.  
Унга ҳасад, аловат  
Бегонадир, ёт бешак.

Меҳр ноёб туйғуки,  
Дилда дурдай яширин.  
Порлаб оташ, күёцдай  
Сочар ҳар ён ўз нурин.

Барча нарса топилар:  
Амал, бойлик, мол-дунё...  
Аммо меҳр топилмас,  
Усиз кўнгил зим-зиё.

Бу оламдан ўтармиз,  
Тўймай асло меҳрга!  
Умр бўйи эгиб бош,  
Бу илоҳий сехрга!

Ватан — меҳр булоғи,  
Юмилмасин ҳеч кўзи!  
Унда бирор нопокнинг  
Ювилмасин қўл, юзи!

Бемеҳрлик — фожиа,  
Ёвузлиқдир, даҳшатдир!  
Бемеҳрга лаънатдир,  
Меҳрлига раҳматдир!

Бўлай десанг одам гар,  
Меҳржон бўл Искандар,  
Зоҳиран бўл халқ билан,  
Ботинан бўл Ҳақ билан!

— Раҳмат! Барака топинг, Искандархон, айнан бизнинг дили-  
миздагини хўб топиб ёзибсиз. Илоҳо, бир-биримизга бўлган меҳ-  
римиз умрбод бўлсин!

— Хўш, ишларингиз қалай, Акром ака? 1990 йили Каршига келганимда янги лавозимга тайинланиб, энди иш бошлаган эдингиз.

— Раҳмат, ишларимиз ёмон эмас, у пайтларда иккинчи сонли вилоят шифохонаси бор-йўғи қирқ ўринга мўлжалланган бўлиб, бу ерда даволанувчилар сони жуда кам, саноқли эди. Сабаби, дори-дармонлар танқислигидан ташқари, иситиш, иссиқ ва совуқ сув таъминоти тармоғи бутунлай ишдан чиқсан, бинодаги хоналарнинг поли, тахталари чириган, томдаги шиферлар синиб, қор, ёмғир ёқсан пайтларда чакка ўтиб, хона деворлари нураб, кўкариб, ўртада «ўрдаклар сузиг юриши» етмаганидек, канализация тармоғи ишламай, бу ердаги шароит белгиланган санитария-гигиена қоидаларига зид, ночор, хароба аҳволга келиб қолган экан. Бунинг устига шифохона ҳудуди девор билан ўралмагани, атрофи кечакундузи очиқ бўлгани боис ён-атрофдаги қўни-қўшинилар хонадонларида боқаётган мол-ҳолларини bemalol бу ерга қўйиб юборишар экан. Натижада ҳайҳотдай майдонда на бирор дов-дараҳт, на гул, майса соғ-бутун қоларди, ҳаммаёқ оёқости, қаровсиз ҳолда эди. Ишни биринчи навбатда деворларни тикилашдан бошладик. Кейин не қийинчиликлар билан жамоатчилик асосида канализация тармоқлари учун Қувурлар топиш, уларни жой-жойига қўйиш, шифер, тахта келтириб, шифохона биноларининг томи, хоналарни таъмирлашга киришдик. Шу билан баравар шифохона ҳудудидаги жаъми қуриган, эпақайга келмайдиган дов-дараҳтлар ўрнига кўп йиллик, сояли, мевали кўчатлар, турли гуллар ўтқаздик, уларни сугоришга аҳамият бердик. Кейинчалик хоналардаги ётиш-туриш шароитларини кескин ўзгартиридик, янги каравотлар, жовононлар, стол-стуллар, телевизорлар қўйдик, кутубхона очдик. Айни пайтда навбатчи тиббий ходимлар, уларнинг хоналарида зарур асбоб-ускуна, жиҳозларни ҳам ўзгартириб, қулай шарт-шароитлар яратдик. Кўп ўтмай, шифохона ҳудудидаги кичик бинода фаолият кўрсатаётган вилоят тиббиёт ходимлари малака ошириш билим юртини бошқа жойга қўчириб, у ерда ҳам таъмирлаш ишларини жадал бошлаб юбордик. 1992 йилдан бошлаб, шифохонамиз ёнидан олтмиш ўринли, кунига бир юз эллик қатновга мўлжалланган янги даволаш корпуси қуришга киришдик. Бу янги бинода албатта ванна, ошхона, шунингдек, ҳар бир хонада санитария-гигиена шохобчалари ишлашига алоҳида аҳамият берилди. Ниҳоят, 1994 йилга келиб, янги қурилган бино ишга тушди, даволанувчилар учун энг зарур ва қулай шароитлар яратилди.

Аммо бу даврға келиб, мустақиллик шароғати билан соғлиқни сақлаш тизимида янги ислоҳотлар ўтказила бошлади. Республика ҳукуматининг маҳсус қарорига мувофиқ, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг курортлар бошқармаси билан ҳамкорлиқда тузилган шартнома бўйича, бу ҳудудла «Қашқадарё соҳили» номли янги сиҳатгоҳ ташкил этилди. Натижада энди қурилган икки қаватли, олтмиш ўринли бино, кўшимча бўлимлари билан иккинчи сонли шифохона ихтиёрига ўтказилди. Эски бинода эса, янги ташкил этилган сиҳатгоҳ ўз фаолиятини бошлади. Бундан кўзланган мақсад — собиқ Иттифоқ тарқалиб кетиши, ўткинчи бозор иқтисодиёти қийинчиликлари муносабати билан кўпчиллик даволаниш ва дам олиш мақсадларида узоқ жойларга эмин-эркин бориш имкониятидан маҳрум бўлди. Шунинг учун ҳам аҳолининг ўзи яшаб турган жойида даволаниши учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида шундай муҳим қарор қабул қилинди ва бу кутилганидан ҳам афзал натижалар берди.

— Демак, бир ҳудудла ўзига мустақил бўлган икки хўжалик юзага келибди-да?

— Ҳа, шундай бўлди.

— Энди сиз янги ташкил этилган «Қашқадарё соҳили» санаторийиси бош шифокори сифатида белга қамиш боғлаб, ишга киришиб кетдингиз. Қалай, қийналмадингизми?

— Аввало, бундай ташкилотчилик ишлари мен учун янгилик эмас. Сабаби, бу соҳада аввалдан озми-кўп ҳаётий тажриbam, кўниқмаларим бор эди. «Қозонда бўлса, чўмичга чиқар», дейишганидек, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раҳбарияти янги соҳада иш бошлашим ҳамда санаторийининг тўлақонли фаолият кўрсатиши учун ёрдамини аямади, мени ҳар томонлама кўллаб-куватлади.

Биринчи галда бизни зарур маблағ билан таъминлади, бир юз эллик ўринли ошхона қурдик. Ошхона учун маҳсус идиштовоқлар, стол, стуллар ва безаклар ҳамда овқат пиширадиган чўян плиталар харид қилдик. Орадан бир йил ўтгач, бир юз йигирма ўринли киноконцерт, томоша залини ишга туширдик. Шу бино таркибида шахмат-шашка, фитобар, маънавият хонаси ва бойитилган кутубхонани ишга туширдик.

Шу орада даволаш-ташхис маркази қурилиши бошланди. Бир сменада икки юз кишини даволашга мўлжалланган ташхис маркази замонавий тиббий асбоблар билан таъминланди.

— Ўтган йиллар мобайнида сизнинг раҳбарлигингиз остида «Қашқадарё соҳили» санаторийисининг Ўзбекистондаги бошқа

сихатгоҳларга нисбатан ўрни, аникроғи, нуфузи, умумий кўрсат-  
кичлари қандай бўлди?

— Бу саволга мендан кўра бошқалар, яъни Ўзбекистон касаба  
уюшмалари Федерацияси Курортлар ва санаторийлар Бош бош-  
қармаси раҳбарияти, дам олувчилар, қолаверса, расмий ҳисо-  
ботлар, маълумотномаларга асосланиб аниқ бир фикр айтилса,  
маъқул бўлади.

— Келишдик! Кўлимиздаги дастлабки маълумотга кўра, 2000  
йилдан 2009 йилгача «Қашқадарё соҳили» санаторийси Ўзбекистон  
Касаба уюшмалари Федерациясининг биринчи, иккинчи ва  
учинчи даражали дипломини ўз жамоасида сақлаб, ғолибликни  
сақлаб келган. Бу катта мувваффақият албатта. «Қашқадарё соҳили»  
сихатгоҳи жамоасининг эл-юрга топган обрўси, эришган ютуқ-  
ларида сизнинг ҳам узоқ йиллик самарали камтарона қилган  
меҳнатингиз, заҳматингизнинг ҳиссаси бор, албатта.

### **ҚАШҚАДАРЁ БЎЙЛАБ САФАРИМ, ОЧИЛМАГАН КЎНГИЛ Дафтарим!**

— Акром ака, ёдимда, 1998 йилнинг август ойида биз бир  
гуруҳ ҳамкасб курсдошларингиз: мен, Файзуллахон Юсупов,  
Ўткир Ваҳобов, Шоакбар Мирзаев ва Жалолиддин Раҳимов  
сизнинг Ойдинхон билан муборак ҳаж сафарига бориб келганин-  
гизни кутлаш учун эрталаб Тошкент — Қарши поездидага келдик.  
Бизни кенг кучоқ очиб, марказий темир йўл бекатида кутиб  
олдингиз, уйингизда қайта-қайта меҳмон қилдингиз. Бизни  
«Қашқадарё соҳили» сихатгоҳининг энг қулай ва шинам хона-  
ларига жойлаштиридингиз. Ўшанда биз санаторийдаги шароитлар  
билан танишдик. Санаторий ҳудудидаги экилган дов-дараҳтлар  
ўзини тутиб, ён-атрофга қуюқ соя ташлаган, мевалар шифил  
ҳосилга кирган, ҳар қадамда аввойи гуллар очилиб, муаттар  
ҳидларини таратарди. Ҳаво иссиқ, дим бўлгани билан ўзимизни  
жуда яхши ҳис қиласардик. Сиз барча зарур юмушларингизни  
шогирдларингизнинг зиммасига юклаб, ётиш-туришимиз, ўз вақ-  
тида овқатланишимиз, дам олишимиз, турли зиёратгоҳларга  
боришимизни қатъий режа асосида амалга оширадар эдингиз.  
Иккита енгил машина бизга ажратилган. Ҳатто Абдуллахон исмли  
ёш, дўмбоққина йигитча кўлида видеокамера кўтариб, бизнинг  
ҳар бир ҳаракатимизни моҳирона тасвирга туширади. Уч-тўрт  
кун мобайнида ҳамма жойда сизнинг ва яқин дўст-биродар-  
ларингизнинг ҳурмати ва иззатини ўз кўзимиз билан кўриб,  
дилдан ҳис этганимиз, азиз меҳмонингиз бўлганмиз, ташки-

лотчилик қобилияtingизга қойил қолиб, тан берганмиз. Сизнинг пухта ўйлаган режангиз бўйича енгил машиналарда Қашқадарё бўйлаб сафарга чиққанмиз, Китоб, Яккабоғ, Чироқчи, Мироқи, Шаҳрисабз, Варганзада бўлиб, қадимий ёдгорлик, обидалар, зиёратгоҳларни кўриб ҳайратга тушганимиз. Бизда айниқса, афсонавий Шаҳрисабздаги машҳур Оқсарой, Дор ул-саодат, Дор ут-тиловат, Кўкгумбаз каби муҳташам обидалар, бетакрор мъеморий ёдгорликлар, Жаҳонгир Мирзо мақбараси мажмуи атрофидаги сеҳрли сокинлик, улуғворлик, қадимий, серилдиз чинорларнинг сервиқорлиги чуқур таассурот қолдиранг. Ҳар қадамда шу муборак замин фарзандлари бўлмиш Амир Темур бобомиз, Абу Муҳаммад Кеший, Шамсиддин Кулол ва Ҳазрати Башир каби азиз авлиёлар, Фироқий, Хиромий, Равнақий, Фақирий каби улуғ шоир ва алломаларнинг ўлмас руҳи кезиб юради.

Бундан ташқари жаҳон маданияти хазинасига бебаҳо ҳисса қўшган Ҳусрав Дехлавий, Мирзо Бедил, Мирзо Голиб сингари улуғ ва табаррук зотларнинг асл насл-насаби шу муқаддас заминдан тарқалгани боис чин қалдан фахр, ифтихор ҳистайгуларидан энтикардик. Афсуски, бу оламга машҳур, улуғ ва табаррук аждодларимизнинг ўтмиши, тарихий, маданий мероси тўғрисида умуман бехабар ва билимсиз эканлигимиз учун уларнинг руҳи олдидаги ҳижолат чекиб, изтиробга тушар, ичичимиздан зил кетар эдик. Қолаверса, Қашқадарё воҳасининг турли шаҳар ва қишлоқларида таваллуд топган буюқ зотлар, машҳур адаб ва уламолар, Нахшабий ва Насафий таҳаллуси билан ижод қилган ўнлаб Насаф ва Кеш алломалари ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳам деярли ҳеч нарса билмаслигимиздан уялиб, ер ёрилмасдию, ерга кирмас эдик. Кейинчалик, «Биз киммиз? Кимларнинг авлодимиз» деган саволларга жавоб қидириб, аста-секин ўзимизни, ўзлигимизни англашга астойдил ҳаракат қила бошлидик. Энди бунга катта имкониятлар очилган эди.

Биз сизнинг яқин дўст, ҳамкасбингиз Насимхон ота ҳамроҳлигига Қашқадарё воҳасида донг таратган тасаввуф шайхларидан бири, Мирзо Улуубек ва Али қушчининг замондоши бўлган Султон Сайид Аҳмад Вали, яъни Ҳазрат Башир яшаб ўтган муқаддас жойларни зиёрат қилдик.

Эл-юрт ичидаги бунчалик катта обрў-эътиборга эга эканлигингиз, ҳамма катта-кичик сизни журмат қилиб, «Эшонбобо, Дўхтирабобо, Ҳожибобо» дейишидан бошимиз осмонга етган. Ҳамма нарсадан бизни қойил қолдириб ва таажжубга соглани шу бўлдики, сиз қаерда, қайси даврада ва ким билан бўлманг, узоқ йўлда транспортда кетаяпсизми фарқи йўқ, фикру хаёлингиз

эзгуликда, Аллоҳда бўлади. Бирпасда негадир бетоқат бўлиб қоласиз. Бунинг сирини ошкор қилмай, ҳеч кимга ҳеч нарса демай, бу ҳақда ёнингиздаги суҳбатдошларингизга таъна, танбеҳ, дашном бермай, секингина ўрнингиздан турасиз, дарров бир чеккага бориб, ёки ўтирган жойингизда қибла томонга ўгирилиб, секин овоз чиқариб аzon айтасиз, қироат билан беш вақт (бомдод, пешин, аср, шом ва хуфтонда) намоз ўқишнинг ҳамма суннат ва фарзларини қазо қилмай, кечиктиримай тўлиқ адо этасиз, қўлингизни очиб дуо қиласиз: «Эй Раббимиз, бизга бу дунёда ҳам, охиратда ҳам яхшиликни бергин ва бизни дўзах олови азобидан сақлагин, омин».

Сизнинг бундай ибратли ҳатти-харакатларингизни кўриб, шояд биз ҳам тақводор бўлсак, деб астойдил ният қиласиз. Хуллас, Қашқадарёга сафарга келиб, не-не улуғ ва муқаддас қадам-жолар, мақбара, қабристонларни зиёрат қилиб, ўзимга-ўзим ўхшамайроқ, сал бошқачароқ, дунёга омонатроқ бўлиб қолдим назаримда. Шунинг таъсирида бўлса керак, хаёлимга куйидаги сатрлар қўйилиб кела бошлиди:

Бир лаҳзада кенг олам кўзимга тор кўринди,  
Барча ўтмиш-кечмиш ўзимга оп кўринди.  
Нурагандай бўлди тоғ, эриган қор кўринди,  
Мени тортган домига ул заҳри мор кўринди.

На бойлигу, на амал, на дўсту ёр кўринди,  
Келди жоним бўғзимга ҳолим ночор кўринди.  
Ўйладим, не қилмиш им хуш ёқмади Эгамга?  
Нечун келдим, кетарман сифмай ёруғ оламга?!

Боқсан дилим тубига, меҳрга зор кўринди,  
Иймонни бут қилмасам, сирим ошкор кўринди.  
Кувла ғафлат лашкарин, Искандар, ғор кўринди!  
Ушбу дамлар ғанимат, улфати чор кўринди!

— Аллоҳ ҳаммамизни паноҳида асраб, иймонимизни саломат қиласин!

## ТЎҚИЛМАГАН ҲИКОЯТЛАР, РИВОЯТЛАР

— Ҳаётда кўпчилик билан дўст-қадрдон бўлиб юрар экансану вақти-соати келганда кимдан кимга нима буюриши ёки буюрмаслигини билмас экансан киши.

— «Насиб этса келар Шому Ироқдин, насиб этмаса кетар қошу қовоқдин», дейишган экан машойихлар.

— Бир куни эрталаб азонда хонадонимиз телефони жиринглаб қолди. Гүшагини күттарсам, Термиздан дўстимиз Тўракул Бердиев қўнгироқ қиласяпти. Салом-аликдан сўнг:

— Қадрдонимиз Неъматжон Юсупов оламдан ўтиб қолди. Жаноза намози асрда Деновда бўлар экан, — деди овози ўзгариб.

Бу нохуш хабардан ҳангуманг бўлиб қолдим. «Наҳотки, яқинда кўришган эдик-ку. Туппа-тузук юрган эди-ку», дейман ўзимга-ўзим. Дарров эс-хушимни йифиб, қадрдоним Шоҳимардон Қодировга қўнғироқ қилдим. Кутилмаганда бу кўнгилсиз воқеани эшигтан Шоҳимардон ҳам анчагача ўзига кела олмади. Сабаби, бу уч ўртоқ мендан кўра ҳам қалин дўст-қадрдон, сирдош, маслакдош эдилар. Институтла ўқиганимизда олти йил талабалар ётоқхонасининг тор хонасида сиқилишиб яшаган, борларини ўртада баҳам кўриб, бир қозонда пишган таом, қотган нон еб, туз ялаб, совуқ сув ичиб, аччик, нордон, шўх-шодон кунларда ош-қатиқ бўлишган эди-да! Мен ҳам бошқа дўст-қадрдонларим қатори уларнинг хоналарига тез-тез кириб, ҳангомалашиб турардим. Баъзан ой охирлаб, стипендияларимиз аллақачон тугаб, еб-ичишга бирор егулигимиз қолмаган пайтларда ҳам худди ҳозир тўйиб серёф ош, ёки гўштли кабоб егандек дам-бадам кекириб, ғижим бўлган кўйлак, шимларимизни дазмоллаб, қалин, қора соchlаримизни сув билан ҳўллаб, силлиқ тараф «халқимизнинг ҳаётини ўрганиш учун» ташқаридаги боғ-роғларга чиқардик, мириқиб тоза ҳаводан нафас олиб, хуш кайфиятда ортимизга қайтардик, ўқишга берилардик.

— Айтиш керакки, сурхондарёлик бу икки дўстимиз ўша пайтларда биздан олдин бир-икки кўйлакни ортикроқ йиртишгани, бунинг устига оиласи, бола-чақали бўлишгани учун ҳам ниҳоятда босиқ, камтар, хушмуомала, самимий, тўғри сўз, тўпори, ҳисоб-китобли, «Етти ўлчаб, бир кесадиган», сабр-тоқатли, меҳмондўст эдилар.

Айниқса, пахта теримига чиққанимизда уларнинг олдига тушадиган чаққон, шоввоз топилмасди, яхшигина пул ишлаб, қишлиқ харажатларини фамлаб олишарди. Ҳуллас, мақсадлари фақат ўқиш, ҳалол меҳнат қилиш бўлган бу йигитларимизнинг борлиги, юриш-туришлари биз учун катта ибрат эди.

Табиийки, бу дўстларимизнинг иккови ҳам ўқишни тугатгач, ҳаётда ўз ўринларини топишиди, эл-юрт эътиборига тушишиди. Масалан, Неъматжон Юсупов умрининг охиригача, ўзи туғилиб ўстган Денов шаҳрида шифокорлик билан шуғулланди. Тўракул

Бердиев эса вилоят шифохонасига узоқ йил раҳбарлик қилди, кўплаб шогирлар етиштириди.

Биз енгил машинада қушдек учиб, тоғ-қир ошиб, Қаршидан Деновга ўз вақтида етиб бордик. Мен, Тўракул, Шоҳимардон, Собир Бозоров ва бошқа дўстларимиз марҳумни сўнгги йўлга кузатдик, кўзимизда аччиқ ёш билан юрак бағримиз эзилиб, узоқ видолашдик, оиласига ҳамдардлик билдиридик, энди янада яқин ва қадрдан бўлишга аҳдлашиб хайрлашдик. Аллоҳ ўз раҳмати ва мағфиратига олган бўлсин, яхши одам эди.

Қани энди, бу оғир жудолик, йўқотишнинг охири бўлса! Афсуски, унинг на боши, на охири кўринмасди, ҳаёт ўз йўлида шиддат билан аёвсиз давом этарди.

Орадан ярим йил ҳам ўтмай эр-хотин дам олиш, даволаниш учун «Кисловодск» сиҳатгоҳига йўлланма олдик. Тошкентдан самолётда учиб кетаётганимизда бизга етиб келган нохуш хабар қалбимизни тилка-пора қилди, ўзимизни қаерга қўйишимиз, нима қилишимизга ҳайрону лол қолиб, аламли ёшларимизни ичимизга ютдик, самолётда учишимишни ҳам, ундан ўзимизни пастга ташлашимизни ҳам билмай қолдик!

Жонажон, меҳрибон, садоқатли, қадрдан дўстимиз Тўракул Бердиевдан жудо бўлибмиз! Шунча йил бирга ўқиб, яқин дўст-қадрдан бўлиб юрган ўртоғимиз билан рози-ризолик қилиш, тобутини кўтариш, гўрига бир сиқим тупроқ ташлаш билан бизга насиб этмади!

— Ҳаёт қизиқ экан-да. Туғилиш борки, ўлим бор. Лекин инсон қачон, қаерда ва қандай ҳолатда ўлишини билмайди. Бу фақат барчамишни йўқдан бор қилган ёлғиз Яратганимизгагина аён бўлган сир-синоат, холос.

— Тўғри. Инсон дунёга келибдики, пешонасига ёзилган саноқли умри, рисқу насибаси, баҳти ёки баҳтсизлиги, қувончи, ғамташвиши, аламлари билан озми-кўп яшайди, ҳаёт синовидан ўтади.

— Энг қизиги, Аллоҳ кимгадир узоқ умр, тўла-тўқис баҳтсаодат, амал, бойлик беради, лекин вақти келиб унинг рисқу насибасини бутунлай узиб қўяди, на бир қултум сув ича олади, на бир ушоқ нон юта олади!

— Яна кимнингдир рисқу насибасини мўл-кўл қилиб ташлайди-да, умрини шартта қисқартириб қўяди!

— Шунинг учун ҳам фарзанд туғилганида дуо қилишадики, ЭХудо, ўзинг берган неъматингнинг умрини узоқ, ота-онаси, ризқу насибаси, баҳти-саодати, иймон-эътиқоди, инсофи билан бутун қилиб бергин!

— Ҳа, дуода гап кўп. «Дуо олган етар муродга, қарғиш олган қолар уятга!», деб бежиз айтишмаган. Ҳаётда ҳар ким яхши дуо олишга, эзгу ишлар қилишга интилиши зарур. Ҳамма нарсанинг ҳисоб-китоби бор, кутилмаганда албатта ўлим шаробини ичади, ажал эса эшик қоқиб, ё қоқмай тўсатдан келади, буни унутмаслик керак.

— 2003 йилнинг бошида институтда бирга ўқиган ҳамкасбимиз, Тошкент педиатрия тиббиёт институти ректори бўлган, таниқли олим Аминбой Сулаймоновнинг тўқсондан ошган онаси қазо қилибди, деган ноҳуш хабарни кечроқ эшишиб қолдик. Дарҳол телефон орқали Аминбойга, Тошкентга қўнғироқ қилдик, ҳамдардлик билдиридик. Фотиҳа ўқиш учун қаерга боришимиз ҳақида сўз кетди. Шунда Аминбой деди: «Раҳмат дўстларим, ортиқча овора бўлманглар. Бу онамнинг тўйлари, яхшиликнинг кечи йўқ. Худо хоҳласа, Наврўз байрами арафасида пешинда у кишининг хотира эҳсонларини ўтказамиз, ўша куни кела қолинглар, мен ҳам Бухорога албатта етиб бораман, баҳонада дийдорлашамиз». Бизга ҳам шу фикр маъқул бўлди.

19 март куни эрталаб енгил машинада уч-тўрт киши бўлиб, Қаршидан Бухорога йўл олдик. Одамлардан суриштириб пешинга яқин Жондор туманидаги қишлоққа етиб бордик. Аминбойнинг онаси, ака-укалари яшайдиган кўча, уй атрофи катта-кичик авто, от-улов, тумонат одамлар билан тўлиб-тошган, ҳамма мотамсаро ҳолатда, узоқдан қулоғимизга йиғи-сиғи овози чалиниб, юракларни эзарди. Биз тўқсон ёшдан ошган момонинг хотира эҳсони шунчалик йиғи-сиғи билан ўтаётганидан ҳайратга тушдик. Аллақандай ноҳуш хаёллар оғушида одамларга яқинлашдик.

Ҳамроҳларимиздан бири Шоҳимардон машинадан эртароқ тушиб, вазиятни билиб келишга, Аминбой дўстимизга бизнинг келганимизни айтишга ошиқди. Бироқ орадан кўп ўтмай, афти-антори оқариб-бўзарид ортига қайтди-да, негадир хомуш тортиб деди:

- Аминбой кетиб қолибди!
- Қаёққа кетибди?
- Нимага кетибди?
- Онасини таъзиясини ташлаб кетибдими?
- Бўлиши мумкин эмас, у бунақа номарлардан эмас эди-ку!
- Ҳа, Аминбой кетибди, — деди Шоҳимардон ўпкаси тўлиб, ўзини тутолмай ҳўнграб йиғлаганича.

Кейин билсак, бир-икки кун олдин тезюарар поездда Тошкентдан Бухорога эртароқ етиб келган Аминбой онаизорининг қабрини зиёрат қилгач, тўсатдан юраги қаттиқ безовта бўлиб, кечаси бандаликни бажо келтирибди. Шундоқ катта олим, дўх-

тирга ҳеч ким ёрдам беролмабди. Бу ҳақда Тошкентга яқинлари, оила аъзоларига хабар қилингани экан, уларнинг бу ерга учоқда етиб келишларини ҳисобга олиб, жанозани намози аср ёки шомга тайинлашибди! Хуллас, ўша куни қий-чув, дод-фарёл билан Аминбой дўстимизни азиз ва меҳрибон онаизорининг қабри ёнига, қўшимзор қилиб, қўйиб келдик. Ҳудо раҳматий ва жаннатий қилган бўлсин уни, яхши йигит эди!

— Ўз туғилиб ўсган уйи, қишлоғига тупроқ тортиб келган экан-да, раҳматлик!

— Буни тақдир дейдилар.

— Ҳа, тақдирга тан бериш керак. Лекин тақдир тақозосига кўникумасликнинг иложи ҳам йўқ. Ўлим ҳақ, у барчага баравар, кутимаганда, ҳоҳияган вақтида келади.

— Шу ўринда ёдимга бир ривоят тушди. Бир вақтлар жаҳонни фатҳ этган Искандар Зулқарнайн деган шоҳ ўлими олдидан васият қилиб, дафн маросимида тобутдан икки қўлини чиқариб қўйишларини буюрган. Бу билан у шундай улуғ ҳукмдор ҳам бениҳоя бойликка эга бўлгани билан нариги дунёга икки қўли очиқ, ҳеч нима олиб кета олмаётганига ишора қилган.

— Иккинчи бир ривоятда айтилишича, у ўлими яқинлигини сезгач, онасига мактуб битган. Унда онасига насиҳат қилиб, Тангри таолонинг ҳоҳиш-иродасига тан бериб, ортиқча фарёд чекиб бўзламаслигини илтимос қилган ва бу дунёда ҳеч ким абадий қолмаслигини тъъкидлаган. Искандар Зулқарнайн ўз мактубида онасига бир зиёфат уюштиришни ва бу зиёфатда таомларга ҳеч кими ўлмаган кишигина қўл узатиши мумкинлигини эълон қилишни сўраган.

Маълум бўлишича, бу зиёфатда бирон-бир киши таомга қўл узата олмаган. Искандар Зулқарнайннинг бу насиҳат-тадбири меҳрибон онасини тинчлантириш, Аллоҳнинг қазои қадарига кўникутириш эди, холос. Оламнинг ишлари қизиқ. Ойнинг ярми коронғу, ярми ёруғ бўлар экан, — деди яна Акром ҳожи ака. — Қаранг, кейинги беш-үн йил ичida қанча яқинларимиз, ёру дўстларимиз бошига не-не кулфатлар, ғам-ташвишлар тушмади, уларнинг кўпларидан айрилиб қолдик. Бу йўқотишларни енгиш учун озмунча сабр-тоқат керакми?

— Ҳа, нимасини айтасиз, — дея суҳбатимизга қўшилди Ойдинхон ҳожи опа. — Шоир айтганидек, филча сабр-тоқат керак, ҳай-ҳай!

— Айниқса, энг яқин дўст-биродарларингдан жудо бўлиш катта даҳшат, тенгсиз фожия!

— Биласиз, Искандархон, институтда ўқиган кезларимизда жуда кўп садоқатли дўст-биродарлар ортирган эдик. Булар

водийсидан: Ҳамдамжон Юсупов, Содиқжон Баҳромов, Раҳмонжон Абдуллаев, Шерали Муллажонов; Қирғизистондан Убайдулла Бойматов, Қозоғистондан Обиджон Муллажонов, Бўқадан Убайдулла Қосимов, Сурхондарёдан Тўракул Бердиев, Собир Бозоров, Нельматжон Юсупов, Бухородан Аминбой Сулаймонов, Саттор Фаттоев, Тошкентдан Эркин Қодиров, Аҳмаджон Истроилов, Шоакбар Мирзаев, Ҳусниддин Ёкубов, Ботир Миразимов, Воҳид Ҳожиматов, Эркин Шомирзаев, Матъмурахон Икромова, Раиса Азизова, Зубайра Шералиева, Заҳро Эгамбердиева, Қаршидан Карим Ниёзкулов, Саъдулла Темуров ва бошқалар.

— Афсуски, буларнинг кўпчилиги аллақачон, фоний дунёдан боқий дунёга риҳлат этишди, жойлари жаннатдан ато этган бўлсин.

— Лекин ўзларидан яхши ном, яхши из қолдириб кетишди.

— Сарвари олам, Муҳаммад саллалоҳу алайҳи вассаламнинг олдиларига бир йигит келиб: «Ё Расулуллоҳ, мен бир савоб иш қиласайинки, Аллоҳим гуноҳимни маҳфират айлаган бўлсин. Шу савоб ишим гуноҳларимга каффорат бўлсин», — деб илтимос қилиби.

Пайғамбаримиз:

— Онанг борми? — деб сўрабдилар.

— Йўқ, онам оламдан ўтганлар, — дебди йигит, — нима учун онамни сўрайapsиз, ё Расулуллоҳ?

— Агар онанг ҳаёт бўлганларида эди, у кишининг хизматларини қиласардинг. Сени дуо қиласдилар. Шу билан Яратган эгам гуноҳларингни кечираарди.

Пайғамбаримиз, ўйлаб туриб, йигитдан яна сўрабдилар:

— Холанг ёки амманг бормилар?

— Аммам оламдан ўтиб кетганлар, онамнинг сингиллари — холам барҳаётлар! — дебди йигит.

— Undай бўлса, холангнинг хизматларини қилгин, ҳаққингга дуо қиласалар, дуоларини ололсанг, Аллоҳ гуноҳларингни кечиради, — дебдилар.

— Билингки, амма, хола — она ўрнида, амаки, тоға — ота ўрнида бўларкан. Ота-она вафотидан сўнг улардан хабар олиб, меҳр-мурувват кўрсатиб турилса, ота-онанинг руҳи шод бўлар экан.

— Яна бир йигит сўрабдики, «Ё Расулуллоҳ, ота-онам бу дунёдан ўтганларидан кейин руҳларини нима билан шод этиб турман? — деб. Шунда пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо (с.а.в.) марҳамат қилиб: «Ота-онагни яхши кўрган, уларга яқин бўлган одамлар билан тез-тез алоқада бўлиб тургин», — дебдилар. Яъни, ота-онага ким яқин? Албатта, ака-ука, опа-сингиллар. Ота-

онангиздан кейин қолган яқин қариндош-урұғ, ёру дүстлар ҳолидан хабар олиб туришлик, улар билан маслағат ила иш күришлик, нақадар хайрли ва савобли иш.

— Яқында олдимизга бизни күргани бир йигит келиб кетди, ким деб үйлайсиз?

— Ким бўларди, бирор таниш-билишингиз бўлса керак-да?

— Деновдан, марҳум дўстимиз Неъматжон Юсуповнинг ўғли бу ердалигимиздан хабар топиб, атайин шунча жойдан майдачуида кўтариб келибди!

— Одамнинг қадр-қиммати, ҳурмати унга келтирилган арзимас совға-салом билан эмас, балки унга билдирилган заррача самимий одамийлик, эътибор билан ошади, кўнгли тоғдек кутарилади.

— Дарҳақиқат, ҳаётда биродарлик, дўст тутиниш жуда катта неъмат. Аслида дўст-биродар дегани ниҳоятда улуғ мақом. Ҳаёт эса, улкан синов майдони!

— Оташнафас шоиримиз Эркин Воҳидов ёзганидек: «Дўст бўлиш осон, лек уни асраш қийин». Вақт фанимат, дам фаниматлигига азиз умримизнинг, дўст-биродарлигимизнинг қадрига етайлик. Отахон шоиримиз Faфур Fуломнинг шоҳ сатрлари билан айтганда:

Бир оннинг баҳосин ўлчамоқ учун

Олтиндан тарозу, олмосдан тош оз.

Нурлар қадами-ла чопган секунднинг

Барини тутолмас айюҳаннос овоз!

— Шу ўринда тарозу билан боғлиқ бир ривоят ёдимга тушди. Молу-дунёга ҳирс қўйган бир подшоҳнинг қизи бетоб бўлиб қолибди. Дунёда уни кўрмаган табибу шифокорлар қолмабди. Ҳеч ким дардига шифо бера олмасмиш. Бир тоғнинг тепасидаги форда валийуллоҳ ибодат билан машғул эканлар. Бу гапларни эшишиб, фуқаро раиятга раҳмлари келибди. Қизимни тузатмаяпсанлар, деб подшоҳ табибу ҳакимларни дорга остириб, ҳалқига зулм қила бошлабди. Валийуллоҳ Аллоҳга илтижолар қилиб, ибодатдан сўнг, секин юриб тоғдан тушибди. Саройга келибди. Уни дарров шоҳ ҳузурига олиб кирибдилар, подшоҳ тахтда ўтирганча, ўрнидан ҳам турмасдан кибр билан: «Эй чол, табиблик қўлингдан келадими?» – дебди. У эса подшоҳга салом бериб, дебди:

— Ҳаммаси Аллоҳнинг инояти, иродаси ила амалга ошади, подшоҳим, Аллоҳдан беамр тикон ҳам кирмайди. Агар рухсат берсангиз, мен беморга шифо беришни Яратгандан сўраб, муолажа қилиб кўрсам.

— Майли чол, уриниб күр, лекин билиб қўйки, агар қизимнинг дардига шифо бера олмасанг, танангдан бошингни жудо қилурмиз!

Валийуллоҳни қиз ётган хонага олиб кирибдилар. У киши қиблага қараб, ибодатга тутинибдилар. Аллоҳдан илтижолар қилиб, дуо ўқибдилар. Ва қийиқчага тугилган дармондорилардан бир неча хилини бир-бирига аралаштириб, қизга дамлаб берибдилар. Муолажа бу жумадан, у жумагача давом этибди. Еттинчи куни подшоҳнинг қизи иштаҳага кириб, таом истеъмол қилибди. Яна ҳафта ўтиб, оёққа турибди. Ўзида йўқ хурсанд подшоҳ, валийуллоҳга қараб: «Эй қария, сен улуғ табиб экансан. Қизимнинг дардига шифо бердинг. Энди тила-тилагингни», — дебди. Валийуллоҳ эса бир жилмайиб қўйибди-да:

— Мен истаган нарсани, сиз беролмайсиз, деб қўрқаман, подшоҳим, — дебди.

— Нималар деяпсан, менинг бойлигим қанчалигини биласанми? Дунёнинг симу зарлари ҳаммаси менинг хазинамда. Сўрайвер!

— Ундей бўлса буюринг, бир катта тарозу келтирсингилар, кўрамиз, бойликларингиз менга бериш учун етармикан?

Валийуллоҳнинг бу гапини эшитиб, подшоҳ энг катта тарозу келтиришларини буюрибди. Энди бу чол қилган хизмати учун барча тиллоларимни ўлчаб олади, шекилли, — деб хаёлидан ўтказибди.

Тарозуни олиб келибдилар. Валийуллоҳ жуда осонлик билан бир қўзининг қорачигини олибди-да, тарозунинг бир палласига қўйибди.

Энди мана бу паллага симу зар қўйинг, шу кўз гавҳарича олтин берсангиз кифоя, — дебди. Тарозунинг бир палласига қанча олтин келтириб қўймасинлар, ҳеч тош босмасмиш. Охири подшоҳ тожидаги дуру гавҳарларни ҳам тарозуга қўйибди. Яна тош босмабди. Шунда Валийуллоҳ бир сиқим тупроқ олиб, кўз гавҳарининг устига сепган эканлар, тарозунинг симу зар солинган палласини босиб кетибди.

— Подшоҳим, сиз дунёнинг ҳийласига учиб, молу дунё ҳар нарсадан устун, деб юрибсиз. Кўзи очлик ёмон дард. Унга мубтало бўлган одам ҳамма нарсадан, ҳатто иймонидан ҳам айрилади. Зеро, бу оч кўзни фақат тупроқ тўлдиради. Лекин тупроққа кирганда қилинган тавба-тазаррудан фойда йўқдир. Аллоҳим сизни ана шулардан огоҳ этиш учун қизингизга дард берди. Мени сабабчи қилиб юборди. Ва шу йўл билан сизни синаяпти. Энди бу ёғига ўзингиз биласиз, — дебди.

— Шундан аён бўладики, ўткинчи умрда нафс балосига йўлиқмай, ақл, дид-фаросат, сабр-тоқат, меҳр-оқибат билан яшаш зарур. Бу дунёга меҳмонмиз, ҳамма бирин-кетин ўтади, кўли очиқ кетади.

Ва ниҳоят, суҳбатимиз сўнгида ўртамиизда бўлиб ўтган дунёвий, ҳаётий муаммолар хусусида шоир Чустийнинг «Оқибатни ким билур?» деган машҳур ғазалларидан жавоб топгандек бўлдик:

Эй тафаккур оламида фикри дарё дўстлар,  
Бу саволимга жавоб бергайму доно дўстлар,  
Билгали бу сир иложин борму асло дўстлар,  
Ҳайратимни ортирап ҳар дам бу дунё дўстлар,  
Телба этмасму мени охир бу савдо дўстлар.

Умримиз лавҳига ёзган турли ҳатни ким билур?  
Қанчадан қанча фараҳ, қанча ғалатни ким билур?  
Одам аҳлидан ниҳоний ҳайриятни ким билур,  
Билмаган соҳибкаромат оқибатни ким билур?  
Фойиб илми-ла ёзилмишилар бу иншо дўстлар.

Билмадимким қанча умрим, қайди туфроғим қолур,  
Билмадим мендан кейинроқ қайси ўртоғим қолур,  
Тўну дўппим кимга қолгай, кимга белбоғим қолур,  
Боғу рофим кимга қолгай, ким учун лоғим қолур,  
Бу муаммо, бу муаммо, бу муаммо дўстлар.

Билмадим бир томчи сув кимдан бўлур менга насиб,  
Ким куяр ҳолимга-ю, кимлар бўлур менга ҳабиб,  
Билмадим давлат-ла ўтгайманму — ё мискин ғарип,  
Бу таажжубдир, таажжубдир, таажжубдир ажиб,  
Менга пинҳон, кимга маълумдир бу маъно дўстлар.

Оқибатнинг чеҳраси шундай узоқ пинҳон экан,  
Қанча донишманл эса бу маънида нодон экан,  
Ҳай дариг, оз вақт учун инсон азиз меҳмон экан,  
Қолса яхши ном билан ким, Чустий беармон экан,  
То абад қолгай юракларда бу сиймо дўстлар.

## ОЛИЖАНОБ ФАЗИЛАТЛАРИМИЗ ЙҮҚОЛМАСИН

Ушбу мақолани ёзишга киришар эканман, беихтиёр хаёлимда беозор болалик чоғларим жонланади... Уйда ҳам, күчада ҳам отана, ёши улуғларимиз, устозу мураббийларимиз доимо катталарга ҳурмат, кичикларга иззатда бўлиш, уларга меҳр-шафқат, меҳр-муруват кўрсатиш, «сен» ҳам, «сиз» ҳам бир оғиздан чиқиши, барча катта-кичиклар билан самимий саломлашиш, хушмуомала бўлиш, ортиқча бақириб-чақирмаслик, оғизда емиш билан сўзлашмаслик, кўча-кўйда сақич чайнаб, хунук кўринишида юрмаслик, акс ҳолда бундай одатлар беодоблик, тарбиясизлик эканлигини кўп уқтиришарди. Хуллас, турмушдаги юриш-туриш одоби, маданияти ҳақида эрта-кеч қулоғимизга қуйиб туришарди. Энг асосийси, уларнинг ўzlари бу борада бизга шахсий намуна кўрсатишарди.

Сира ёдимдан чиқмайди. Урушдан кейинги йиллар эди. Оҳангаронга бориб, поездда қайтдим. Ҳозирги Шимолий темир йўли бекатидан Эски шаҳар, яъни Чорсуга қатнайдиган 1-трамвайга чиқдим. Вагонда одам кўп, тиқилинч. Озгина юк халтам бор эди. Ўзимдан оғир бу юкни аранг ердан узиб, кўтараман деганимда парти кетиб, шарти қолган ямоқ-ямоқ шимимнинг орқа томонидаги чоки сўклибми, йиртилибми кетди. Ноиложликдан бир қўлим юкимда-ю, иккинчиси кетимда бўлиб қолди! Хижолатдан бирор кўрмасин, деб ўзимни вагоннинг бир чеккасига урдим. Яқинроқда бир жой бўшаб қолган эди, ўша ерга ноилож ўтириб, нафасимни ростладим. Мендан ёши каттароқ йўловчиilar туриб, бўш жойни эгаллаганимдан ўзимни ўғри мушукдай нокулай сеза бошладим. Ҳудди ҳамма менга қараб қўлини ниқтаётганди: «Тур ўрнингдан, зумраша! Ўзингдан катталар туриб, талтайиб ўлтиришни сенга ким қўйибди? Ҳе, сени тарбия қилган ўша ...» Аммо мен азбаройи ноиложликдан ичимни ит-мушук тирнаб, «Бетимнинг қалини, жонимнинг ҳузури» қабилида юзимни тескари буриб, миқ этмай, без бўлиб ўлтира бердим. Ўзимдан ўтганини ўзим билардим, холос. Бешёғоч бекатига етиб келганимизда маҳалламиздаги бир таниш одамнинг мен ўтирган вагонга чиқаётганига кўзим тушиб, ичимдан зил кетдим, аъзори-баданимни совуқ тер босди. Ичимда: «Ишқилиб, мени кўриб қолмасинда, уят бўлади» деган ҳайқириқ, безовталиқ бош кўтарарди. Таниш одам ўчакишгандек, қаршимга келиб, тикка туриб қолди. Қани ўша пайт, ер ёрилсаю ерга кириб кетсан, унинг ҳам, бошқанинг ҳам кўзига кўринмасам. Лекин кўпчиликнинг олдида қийин, ночор аҳволдаман. «Бўлар иш бўлди. Ўлтиравер ўрнингда михлаб

күйгандек! Маза-маза bemazaniki!» — дедим ўзимга ўзим. Таниш одам ҳам атайин мени синамоқчи бўлгандай, кўриб-кўрмасликка олди, индамади. Сездимки, унинг маҳалласидан, туппа-тузук хонадондан шундай беор, сурбет, тарбиясиз, ноқобил фарзанд чиққанидан у ҳам хижолатда. Охири, Чақар ариқ бекатига келгач, иккаламиз олдинма-кетин вагондан пастга тушдик. У ўз йўлига кетди. Мен чаққонлик билан юкимни елкамга ташлаб, одам камроқ, пастқамроқ Дархон ариқ бўйлаб, пилдираганча Чукур кўпrik томон равона бўлдим.

Орадан бир-икки кун ўтгач, отам мени бир чеккага чақириб, дакки бердилар:

— Нима учун тунов куни трамвайдага фалюнчи амакингта салом ҳам, жой ҳам бермадинг, аҳмоқ? Мен сенга шундай тарбия берган-мидим, қулоқсиз? Бугун чойхонада кўпчиликнинг олдида менга бу воқеани айтиб, юзимни шувут қилди-ку! Бу қанақа янгилик? Энди мен маҳаллада қандай бош кўтариб юраман?

Отам шундай дедилар-у, менинг жавобимни ҳам кутиб ўтирумай, жаҳл устида қулоқ-чаккам аралаш тарсаки тортиб юбордилар.

— Агар яна шунақа беодоблик қилсанг, сен билан бошқача гаплашиб қўяман! Мен билан ўйнашма, бола!

Мана, ёшим 75 га қирса ҳамки, ҳали-ҳали қулогим остида қайнаган шавла ўша пайтдагидай ловуллаб, қизиб туради, ҳар сафар трамвайга чиққанимда беихтиёр эски ярам янгиланади.

Аҳамият берган бўлсангиз, метронинг «Пахтакор», «Алишер Навоий» ва бошқа бекатларида эрта тонғдан ярим кечгача вагонлар бўши, тиқилинчлигидан қатъи назар оҳанрабо тасмасига ёзib олинган бир хил эълон-эслатмалар тўтиқушдай тинмай сайрайверади: «Ҳурматли йўловчилар! Ёш болали, ногирон ва кекса йўловчиларга жой беринг!» Афсуски, бу эълонни эшитгувчилар кўпу, уни амалда бажарувчилар кам, йўқ даражада. Бу эълонни тинглаган аксарият йўловчиларнинг фикру хаёли фақат бир нарсада, пул, фойда, майшат ва ҳоказода бўлса ажаб эмас. Бу ҳолат уларнинг гап-сўзи, хатти-ҳаракати, ўтириш-туришидан маълум. Чунки бундай одам қиёфасидаги айрим кимсаларнинг нафақат қулоги, балки дилини ҳам чант-губор, мөғор, пўпанак босган десак, хато бўлмайди. Шунинг учун ҳам улар бунақа эълон-эслатмалар, панду насиҳатларни эшитавериб, даққи бўлиб кетишган, бамисоли роботга айланнишган. Бир нарсани айтсанг, ноилож қилишади, бўлмаса...

Ахир худо яратган ҳар бир бандасига келишган қадди-қомат, ҳусн, гавда берганида шунга яраша озми-кўпми дид-фаросат ҳам

Күшиб берган бўлиши керак-ку! Аммо қани ўша дид-фаросат? Ҳамма нарса мўл-кўлу аммо дид-фаросат тақчил бўлиб турган ҳозирги даврда «Тўғри гап түққанингга ёқмайди». Баъзи одамларга бир оғиз сўз камлик қилса, бошқасига бир яримтаси ортиқчалик қилади. Хуллас, кейинги пайтларда одамлар ўртасида меҳру оқибат, меҳру муҳаббат, меҳру мурувват, шарму ҳаё, андиша каби ноёб хислатлар бир қадар сусайиб қолгандай чамамда. Ўйлаймизки, бундай маънавий қашшоқлашиш, мол-дунёга ружу қўйиш ўткинчи, бевафо нарсалардир. Зотан, бу дунё қайтар дунёдир, ким нима экса, ўшани ўради. Шунинг учун ҳам «Гапни гапир уққанга, жонни жонга суққанга» деганлари бежиз эмас. Одамларда меҳр-муҳаббат, меҳр-мурувват, меҳр-шафқат, меҳру оқибат бўлган ва бўлади, фақат уни асраш, авайлаш, ардоқлаш, эъзозлаш зарур, холос. Шу маънода хаёлимга севимли шоиримиз Абдулла Ориповнинг қуйидаги сатрлари келади:

Дема кўтарилди меҳру оқибат,  
Биргина чора бор бундай чоқ фақат:  
Токи бор танда жон, оғзингда сўзинг,  
Энди хабар ол ўзингдан ўзинг!  
... Бир кун трамвайта чиқсанг ҳойнаҳой,  
Сенга бир кимса бўшатмагай жой!  
Холи ўриндиққа тушса гар кўзинг,  
— Ўлтиринг, Домла! — де ўзингга ўзинг...  
Хуллас, йўқолмаган меҳру оқибат,  
Бунингchorасини изла, топ фақат!

## **ҲИКОЯЛАР, ҲАЖВИЯЛАР, ҲАНГОМАЛАР**

### **КУЛГИМИЦИНГА НЕ ЕТСИН!**

Ўзбек халқи қачон, қаерда хушчақчақлик қилишни, дилкашликни ўрнига кўйиб келган. Таникли олим Расул Мұхаммадиев ўзининг «Асия» китобида: «Ўзбек халқ оғзаки ижодининг жанрларидан бири асқиядир. У кенг халқ оммасининг ҳәётини, меҳнат ва кураши, ўзаро муносабатларини, эстетик фалсафасини акс эттирувчи энг оммавий жанр. Унинг негизида сўз ўйинлари, қочириқлар, чандишлар, киноялар, муболағалар ётади. Асия фикрлаш мусобақасидан иборат сўз санъати ҳамдир», деб юксак баҳо берган.

Дарҳақиқат, асия, қулгига «чехранинг гули, кўнгил озиғи, давранинг офтоби», деб бежиз таъриф берилмаган. Кулгининг инсон табиатида тутган ўрни ва аҳамияти жуда катта. Чин дилдан кулган кишининг кўнглидан губор, танасидан чарчоқ бир зумда тарқалади, кайфияти чоғ бўлиб, ҳәёт ва меҳнат фаолияти ошади, билаги куч-қувватга тўлади, дили яйрайди, умри зиёда бўлади.

Руҳшуносларнинг илмий хуросаларига кўра, қулги – овоз пардалари, юз, қорин, қўл ва оёқ мушаклари, қон айланиш жараёнини бир маромга келтирадиган табиий омил сифатида бебаҳо аҳамиятга эта экан.

Инсон ҳамиша ўзида соғ ва бегараз қулгига мойиллик сезади. Шунинг учун ҳам қизиқчилар дарғаси Юсуфжон қизиқ Шакаржонов: «Кулинг дўстлар, умрингиз узоқ бўлади», деб бежизга айтмаган ва буни ўз шахсий ҳаётида исботлаб ҳам берган.

Кулгининг инсон саломатлигини мустаҳкамлаши, умрини узайтириши ҳақида буюк алломалар жуда кўп ва хўб ёзишган. Буюк ҳаким Абу Али ибн Сино «кулги текин дори, кишилар учун бебаҳо малҳамдир», деб алоҳида таъкидлаган ва кундалик иш фаолиятида бундан кенг, унумли фойдаланган. Ўзбек мумтоз шеърияти сultonи Алишер Навоий Ҳиротда яшаган пайтида халқ саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш учун ўзи ташкил этган «Дор уш-шифо» («Саломатлик уйи»)га машҳур табиблар билан бирга қизиқчи ва асқиячиларни ҳам жалб қилган экан.

Шундай қилиб, XIV асрларда Шарқда камол топган кулги-шифо усули аста-секин Оврўлога, сўнг Амриқогача етиб борган. Булғориянинг Габрово шаҳрида илмий-тадқиқот институти, Сан-Франциско университети қошида кулги институти, Швециянинг Мутала шаҳри марказий шифохонасида кулги-шифо бўлими, Хиндистонда кулги орқали даволайдиган шифохоналар очилгани ҳақида маълумотлар бор.

Бу борада бизнинг ибрат олса арзийдиган салафларимиз ва улар яратган ўзига хос мактабларимиз етарли. Шу ўринда Фарғона водийсида Турсунбува Аминов, Фойибота Тошматов, Абдулҳай маҳсум Қозоқов, Мамарозик Исҳоқов, Обид Норматов, Насриддин Мирзаҳмедов, Муҳиддин Дарвешев; тошкентлик Абдураҳмон ака, Қаюм ака, Нажим ака, Носир ака, Сулаймон ака, Жўра ота, Абулқосим Тўйчиев, Айнидин Зайниддинов, Қодирхон Усмонов, Турсунбой Файзиев, Фозилжон Султонов, Убайдулла Абдуллаев, Жалолиддин Раҳимов ва бошқаларнинг номларини фаҳр билан тилга олиш кифоя. Эндилиқда бу сўз усталарининг анъаналарини умидли ёшлар давом эттираётганилиги қувонарли ҳолдир.

Лекин шуни унутмаслик лозимки, асқия, кулги, қаҳқаҳа орқали энг муҳим ижтимоий-ахлоқий муаммолар «пардага ўралиб» ўртага ташланади, даврнинг, ҳозирги куннинг катта ҳақиқати «Қизим сенга айтаман, келиним сен эшит» қабилида айтилади. Бироқ, одамлар кулар экан, деб турли давраларда бўлар-бўлмас бепарда қочиримларни айтиш, асқиячилик санъатининг аҳамиятини бир қадар тушириб юбориши ҳеч гап эмас. Ана шундай ҳолдан эҳтиёт бўлмоғимиз даркор.

Хуллас, сўз заргари Абдулла Қаҳҳор айтганидек: «Асқия ҳозирги вақтда икки вазифага хизмат қилиши керак: бири – халқимизнинг янги ҳаёт қуриш йўлидаги мақсади ва курашини ифода қилиши; иккincinnиси эса, ҳаётимиздаги салбий ҳолатларни танқид қилиб, халқимизни эстетик томондан тарбиялаши зарур».

Текин ва шифобахш дори – кулгимициннинг баҳосига нима етсин. Кулгисевар дўстлар, келинг бир кулишайлик. Асабларимизни мустаҳкамлаб, ўткинчи фам, ташвишлардан ҳоли бўлайлик!

*Билол АМИНОВ,  
элшунос олим.*

## ҚИЁФАДОШИМ

Ҳаммаси соқол-мўйловдан бошланди. 1992 йилнинг баҳорида шифохонага тушдим. Аҳволим анча жиддийлиги боис шифокорлар бошимда парвона. Ўсиб кетган соқол-мўйловни қириш ўёқда турсин, қимирашга ҳам рухсат йўқ. Бир неча кундан кейин аҳволим яхшиланиб, оз-моз юрадиган бўлдим. Ўшанда биринчи қылган ишим, ўзимни кўзгуга солиб кўрдим, соқол ўсиб кетган. Олмоқчи бўлдим, лекин қизиқчиликми, ишқибозчилик учунми, менда соқол қўйиш нияти пайдо бўлди. Кўнглим майли-да, соқолнинг ўёқ-буёгини тўғриладим, сўнг кўзгуга қараб, «соқол муборак» деб, ўзимга-ўзим кулиб қўйдим. Назаримда шу соқол мени бир неча ёшга улгайтириб юборди. Ҳамхоналарим соқол-мўйловни кўриб:

- Ярашибди, юзингизга улуғворлик бағишлибди, — дейиши. Мени кўргани келган рафиқам ҳанг-манг бўлиб қолди.
- Вой, адаси, сизга нима бўлди? Тузукмисиз?..
- Шундай қилиб, шифохонадан, тап-тайёр оқсоқол бўлиб чиқдим.

## БУ ОДАМ ЖУДА ТАНИШ-КУ!

Кўча-кўйда юрганимда, ҳамма менга қараб-қараб қўйганда, кўпинча, ўринларидан туриб, жой беришганда, ўзимни ноқулай сезаман. Баъзан атрофдагиларнинг ўзаро шивир-шивири қулоғимга чалинадаи:

- Ие, бу одам жуда таниш-ку!
- «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи»ни олиб борадиган оқсоқолку! — дейди шериги.
- Йўғ-е! — дейди гапни бошлагани.— Бу кинорежиссер Латиф Файзиев! Ишонмасангиз, гаров ўйнаймиз!.

## ЎЗИНГИЗНИ УЙИНГИЗ-КУ, КИРАВЕРИНГ!

Таниқли актёр Эркин Комилов билан анча яқинмиз. У йўли тушса, ишхонамга кириб ўтади. Бир куни Ҳиндистондан қайтгани, у ерда «Алиф лайлло ёки Маккора» бадиий фильмида суратга тушиб қайтганини айтди ва хайрлашаркан:

- Исқандар ака, ҳозир ёнимда таклифнома йўқ, Яқинда «Санъат саройи»да шу фильмнинг тақдимоти бўлади, сиз ҳам боринг, — деди...

Тайинланган куни айтилган жойга борсам, тумонот одам. Атрофга олазарак боқсам, Эркин Комилов кўринмайди. Таклифномам йўқлиги учун ичкарига киришга ҳижолат тортиб турсам, эшикогаси:

— Келинг, келинг, марҳамат! — дея манзират қилди.

— Таклифнома...

— Э, таклифномани нима қиласиз, тақсир! Ўзингизнинг уйингиз-ку, тортимасдан кираверинг! Ҳамма сизни кўргани келган-ку ўзи...

У шу атрофда юрган бир йигитни олдига чақириб, тайинлали:

— Домлани ичкарига олиб кириб, жойларига ўтқазиб чиқ!

Мен миннадорчилик билдириб, йигитга эргашдим. Боряпман, хаёлимда шу фикр: «Бу одам ҳам мени Латиф Файзиевга ўхшатди-ёв!»

### «КУТЛУҚ ҚОН»НИ БИРОЗ БЎШРОҚ ИШЛАГАНСИЗ...

1994 йилнинг 5 июнида Тошкентда Ҳалқаро теннис мусобақаси тантаналарининг очилиш маросимиға бордим. Чап ёнимда ўтирган бақалоққина киши мен билан самимий кўришиб, қуюқ сўрашди:

— Яхши юрибсизми, домла?

— Раҳмат!

— Ижодлар тузукми?

— Ёмон эмас.

— Ҳозир қайси мавзуда ишляйпсиз?

— Уруш қатнашчилари ҳақида...

— Ие, мавзуни ўзгартирибсиз-да. «Кутлуг қон» киносини бироз бўшроқ ишлагансиз, аммо «Алиф лайло ёки Маккора»ни қойил қилгансиз. Бола-чақалар билан мазза қилиб кўрдик.

— Сиз мени кимгадир ўхшатдингизми, биродар?

— Йўғ-е! Сиз кинорежиссёр Латиф Файзиевсизку!

### ИСКАНДАР, МЕНГА ҚАРАНГ!

Ўзбекистон телевидениесида қадрдан дўстим, шоир ва журналист Анвар Юсуфий хизмат қиласарди. Уни кўпинча «Пахтакор» метро бекати олдидағи газета дўкони олдида папиросни бурқситиб турган ҳолда кўриш мумкин. У бир куни кула-кула:

— Яқинда трамвайдага, эски ТошМИ томондан қайтаётган эдим,— деб бир воқеани гапириб берди.— «Болалар дунёси»

бекатида ўрта бўйли киши йўлга тескари қараб турибди. Уни сизга ўхшатиб, вагон ойнасидан «Искандар! Искандар!» дея чақирдим. У бўлса индамади, мен томонга ўгирилиб қарамади ҳам. Яна чақирдим, миқ этмайди. Унинг ёнида бир аёл турган экан, «Сизни чақиряпти!» деб елкасига туртди. Шунда ҳам у мен томонга қарамади. «Наҳотки, Искандар мени танимади?» дея хафа ҳам бўлдим. Кейин бирдан эсимга тушди. «Ахир у киши Сиз, Искандар эмас, таникли кинорежиссер Латиф Файзиев бўлса-чи!» дедим ва ўзимча кулиб қўйдим. Ҳақиқатан ҳам ўша сиз эмасмидингиз?

### РАҲМАТ СИЗГА, ДОМЛАЖОН!

1994 йили божам ўғелини уйлантириди. «Висол оқшоми»да тўкин дастурхон атрофига ўтирасак, ўртакаш йигит, қўлида микрофон, олдимга келди-да, астойдил миннатдорчилик билдира бошлади:

- Раҳмат сизга, домлажон!
- Нима учун? — деб сўрадим.
- Менга берган сабоғингиз учун!
- Тушунмадим, қачон ва қаерда сизга сабоқ берган эканман?
- Киностудияда, домлажон, Мана, ҳаётда ўз йўлимни топиб олдим, сира кам бўлганим йўқ. Яна бир бор раҳмат, домлажон!

### ХУШ КЕЛИБСИЗ, ЎРТОҚ ЛАТИФ ФАЙЗИЕВ!

Болалигим Оҳангароннинг табиати гўзал Облик қишлоғига ўтган. Ҳамқишлоқларим, қадрдонларимни қўмсаб, она қишлоғимга тез-тез бориб тураман. Барча дўстларим дилкаш, меҳмоннавоз, бағри кент йигитлар. Бир куни дарё бўйидаги салқин оромгоҳда улар билан чақчақлашиб ўтирасак, дўстим Асомхон ҳазиллашиб қолди:

— Сизнинг йўқлаб келишингиз, биз учун катта байрам, дўстим! Хуш келибсиз, қишлоғимизга! Тез-тез келиб туринг, ўртоқ Латиф Файзиев!...

### ТЕЛЕВИЗОРГА ҲАМ ИШОНИБ БЎЛМАЙ ҚОЛДИ

Бир куни рафиқам билан «Фарҳод» бозорида юрсак, картошка сотаётган йигит шеригига мени кўрсатиб, шивирлаб қўйди:

— Тавба! Кечакишурун бу одамни «вафот этди», деб телевизорда эълон қилишган эди. Бугун бозорда юрипти! Телевизорга ҳам ишониб бўлмай қолди.

— Сиз назарда тутаётган қиёфадошим вафот этган бўлса-да, руҳи тирик. Кartoшкани арzonроқ сотсангиз, унинг руҳи шод бўлади,— дедим мен ҳам гапни ҳазилга буриб.

\* \* \*

Латиф Файзиев билан учрашиб, дилдан суҳбатлашиш армонга айланди. Менинг у кишига айтар сўзларим бўлганидек, санъаткорнинг менга айтар гаплари бормиди? Афсус, ўлим деган чавандоз у кишини орамиздан олиб кетди. Мен шундай санъаткорга қиёфадош бўлганимдан, кишилар бизни бир-биримизга ўхшатишларидан ҳали ҳануз миннатдорман!

### ЗИКРИЛЛА АКАНИНГ ЗИЁСИ

Аслида ҳарбий шифокор, тиббиёт фанлари номзоди, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган врач, Пирогов номидаги мукофот соҳиби, табиатан хушчақчақ, моҳир қаламкаш, тиниб-тинчимас инсон Зикрилла Эгамбердиев (уни ҳамкаслари «Захар Богданович») деб аташарди) нинг номи эл-юрга маълум ва машҳурдир. У киши қайси даврага қўшилмасин, ўша даврага файз кирап, ҳазил-мутойибанинг кети узилмас, ичакузди қаҳ-қаҳалар осмону фалакка кўтарилаарди. Сабаби унинг ҳаёти, меҳнат фаолияти латифаю, турли саргузаштларга бой эди.

Бу қизиқ-қизиқ латифаларнинг ижодкори ва ижрочиси ҳам Зикрилла аканинг ўзи эди. У киши ҳар бир воқеани моҳир актёрларга хос маҳорат билан ижро этганда, даврадагилар завқ-шавққа тўлиб кетарди. Қизифи — бу табаррук зот ҳаммани оғзига қаратиб, ўзи ҳеч нарса бўлмагандек, жилмайиб тураверарди. Баъзан жаранглаб турган овозлари туйкус ўзгариб, йиғлаб ҳам берардилар. Бирпасда яна кулиб, ўтирганларни дуо қилиб қўярдилар.

Ўзининг таъбири билан айтганда, у киши «пешингача дўхтири, пешиндан кейин мухбирчилик» қиласидарди. Жаҳонгашта, қувваи ҳофизаси кенг, билимдон бу инсон қизи, тиббиёт фанлари номзоди Зарифа Эгамбердиева билан ҳамкорликда ўттиздан зиёд китоблар ёзиб, ҳалқимизга катта маънавий бойлик қолдирди. «Луқмони Ҳаким изидан», «Донолар саломатлик ҳақида», «Тиббиёт хазинасидан», «Тиббиётдаги ажойиб ходисалар» каби кўплаб асаллари бунга яққол мисолдир.

Инсон астойдил ният қилса, муродига етаркан. 1955 йили Оҳангароннинг Облик қишлоғида ўрта мактабни тугатиб, Тошкент Давлат тиббиёт институти (ТошМИ) да ўқини учун Тош-

кентга келдим. Кириш имтиҳонлари тадорикида юрсам, отам буйрак шамоллаши билан мутахассисга учрашиш учун бир-икки кун ёнимда қолдилар. Ота-бала институтга бордик, мутахассисга учрашиб, қайтаётсак, институт боғида отам танишларини учратиб қолдилар. Улар анчадан бери кўришмаган эканларми, ҳайтовур кучоқлашиб, сенсирашиб кўришиши, ҳатто кўз ёши ҳам қилиб олишди. Кейин четроққа чиқиб, анчагача ўёқ-буёқдан гаплашишиди. Қораҷадан келган, ўрта бўйли, майор унвонидаги бу ҳарбий киши, турган гап, эътиборимни тортди. Юрагим жиз этгандек бўлди. Мен унинг келишган қадди-қомати, ўзига ярашган ҳарбий кийими, айниқса, ҳазил-мутойибаси, дона-дона, чертиб-чертиб гапиришига маҳлиё бўлиб қолдим.

— Бу ерларда нима қилиб юрибсан? — деб сўраб қолди у кипи отамдан. Отам мени кўрсатиб:

— Ўғлим Искандар. У тиббиёт институтига ўқишга кирмоқчи. Сенга ўхшаб ёзув-чизувга, адабиёти ихлоси баланд. Ҳарбий шифокор бўлмоқчи,— дедилар.

Отамнинг дўсти менга қўлини узатаркан:

— Тиббий хизмат майори Зикрилла Эгамбердиев! Отангиз Абдурафиқ қори билан тиббиёт билим юртида бирга ўқиганмиз,— деди ҳарбийча талаффуз билан.— Қолаверса, бир-биримизга куёв жўралик ҳам қилганмиз.

Зикрилла aka менга узоқ тикилиб қолди. Менимча, отам билан мени чоғиштириди. Чунки отам паст бўйли, чуваккина, мен бўлсам, бўйдор, суяги бақувват йигитча эдим.

— Мен бу йигитчани акант ё укангми, деб ўйлабман, — деди у киши кулиб. — Бирор сизларни ота-бала демайди.

— Бу катта хотинимдан ёдгор бола. Ўзим емай, едирганим учун бўйи шунаقا ўсиб кетди-да, — ҳазиллашди отам.

— Биринчи хотининг оламдан ўтганми? Узр, эшифтмаган эканман. Жойи жаннатда бўлсин! — деда Зикрилла aka фотиҳа қилиб қўйди.

Ўртада мен нокулай аҳволда қолдим. Отам кулиб:

— Ҳазил, ўртоқ, Худога шукур, онаси ҳаёт. Ҳали мендан кейин ҳам узоқ яшаб, болаларининг камолини кўради, — деди. — Бунинг яна ўзига ўхшаган ука-сингиллари бор.

— Иншооллоҳ, айтганинг келсин! Мен гапингни чин билиб, довдираб қолдим. Энди бунаقا ҳазил қилма, яхши галга ҳам, ёмон гапта ҳам фаришта омин, дейди. Илоҳим қўшганинг билан қўшақарив, болаларингнинг роҳатини кўр, — деди Зикрилла aka, кейин қўшиб қўйди: — Айтмоқчи, менинг Заҳро, Зарифа исмли

қизларим ҳам ўқишга кирмоқчи. — Зикрилла ака қизларини чақириб қолди. — Ҳой, қора қизларим, бүёққа келинглар!

Истараси иссиққина иккита қиз келиб, бириң-кетин биз билан саломлашиши.

Менда, ота қадрдонимнинг фарзандлари билан танишиш истаги туғилди. Ниятнинг холислигини қарангки, уччаловимиз ҳам институт талабаси бўлдик. Мен, Заҳро билан даволаш факультетида, Зарифа эса санитария-гигиена факультетида таҳсил олдик. 1961 йили институтни тугатиб, оиласи, бола-чақали бўлиб, ҳаётда ўз йўлимизни топдик. Ҳозиргача борди-келди қилиб турамиз. Зикрилла ака бундан хурсанд бўлиб, бизни дуо қилас әдилар. «Ўртоғимнинг ўғли», деб мени алоҳида мөхр-муҳаббат билан алқардилар.

Мен ўзаро сұхбат, учрашувларда Зикрилла аканинг босиб ўтган ҳаёт йўли билан боғлиқ қизиқ-қизиқ ҳангомаларни унинг ўз оғзидан эшишган, кейинчалик кўплаб мақола ва эсдаликларини ўқиб, ажойиб-ғаройиб тақдир эгаси билан яқиндан танишганимдан фахрланиб юрадим. Айниқса, унинг «Луқмони Ҳаким изидан» номли ҳасби ҳолига оид ҳужжатли қиссасини ўқир эканман, унинг нақадар синчков, доно ва зукко бўлганлигидан ҳайратландим. Фақат бугина эмас, балки Ватан ҳимоячиси, саломатлик посбони сифатида Иккинчи жаҳон уруши жанггоҳларила, тинч мөҳнат қучогида Зикрилла аканинг кўрсатган жасорати, мардлигига тасаннолар айтгим келарди.

Лавҳамиз дебочасида айтганимдек, Зикрилла ака билан илк учрашганимизда, «оғзимга туфлаб» қўйган эканларми, мен ҳам институтни тугатишим билан у киши сингари узоқ муддатли ҳарбий хизматга сафарбар этилдим. 1961—1965 йилларда Зикрилла ака билан Тошкент ҳарбий госпиталида бир неча бор учрашдик. Устоз 1965 йили тиббий хизмат подполковники унвонида истеъфога чиқиб, адабий, ижодий ишга шўнғиб кетди, мен эса шогирд мақомида бўлдим. Зотан, Зикрилла ака нафақат менинг, балки бутун Ўзбекистоннинг фахри эдилар. Устоздан яхши ном, ёрқин хотиралар, кўплаб китоблар, ширин суханлар мерос бўлиб қолди. Улардан айримларини эътиборингизга ҳавола қиласиз, азиз китобхон!

## ТОПҚИРЛИК

1930 йилнинг ўрталарида Тошкент Давлат тиббиёт институтидаги ўқиган Зикрилла ака билимга чанқоқ эди, лекин рус тилини яхши билмагани унга панд берарди. Устига-устак, тиббиётга оид

дарсликлар рус тилида, машгулотлар ҳам шу тилда олиб бориларди. Ҳадемай, давлат имтиҳонлари яқинлашиб, аканинг пайтавасига курт тушади. Чунки «Одам анатомияси»дан имтиҳонни таниқли олим, профессор Сергей Циммерман олар эди. Ака дарров топқирилик қилиб, ўша пайтларда рус тилини нисбатан яхши биладиган курсдоши (кейинчалик таниқли олим, невропатолог, тиббиёт фанлари доктори, профессор бўлиб етишган Ҳусниддин Салоҳиддинов)га дардини ёради:

— Жон ўртоқжон, менга ёрдам бермасант, аҳволим чатоқ. Ўзинг биласан, рус тилига нўноқман. Шуни Циммерманга ётиғи билан тушунтир, имтиҳонда менга тилмочлик қилишинингга розилигини ол. У сени ҳурмат қиласди. Ҳўл деса, мен оғзимга келганини жаврайбераман, сен кемтик жойларини тўлдириб, қўшиб-чатиб таржима қилиб турасан. Қарабсанки, ошиғимиз олчи.

Хуллас, ният ижобат бўлиб, Зикрилла ака имтиҳон топширгани кирибди. Саволлар унга танишлиги, қолаверса, ёнида моҳир тилмоч борлигидан руҳланиб, ўзбек тилида мавзуни ёритиб, русча, лотинча атамаларни қистириб, билганича баён этибди. Гап орасида бадан аъзоларини қимиirlатиб, мавзуга оид ишора қилибди:

— Мускулус стерноклеидоматоидеус тўш ва ўмров суюклиридан бошланиб, чакка суягининг сўрғиҳисимон қисмига келиб ёпишади. Унинг асосий вазифаси — бошни, бўйинни мустаҳкам ушлаб, керакли томонга буришдир. — Гап орасида қўшиб қўйибди: — Бу ёғини Ҳусни оғайни ўзинг олиб қочасан. Ҳущёр тилмоч вазифасини бажаришга киришибди:

— Доктор Игамбердиев говорит, что... — деган экан, домла унинг гапини бўлибди:

— Вы сначала мне объясните, что обозначает его фамилия?

— Это значит: Богданов, то-есть Эгамберган, Худоберган, божъим данный человек!

— Очень приятно! Продолжайте дальше. Следующий вопрос, доктор Богданов!

Бундан яйраб кетган Зикрилла ака давом этибди:

— Кейинги савол ошқозон ҳақида. Ошқозон рус тилида «желудок», лотинчаси «гастер» ёки «вентрикулус», яллиғланганда, гастрит, вентрикулит, дейилади. Ошқозон уч қисмдан иборат: унинг қизилўнгачдан бошланадиган қисми, ўрта қисми, ўн икки бармоқли ичак билан бирлашадиган қисмлари бор. Бундан ташқари, ошқозоннинг учта: ички, ўрта ва ташқи қаватлари мавжуд. Уларнинг вазифаси ошқозонга тушган озиқ-овқат маҳсулотларини майдалаб, парчалаб, тегирмондан ўтказиш, ҳазм қилиш, домлажон.— Яна қўшиб қўйибди:— Энди буёғини ўзинг

олиб қочасан Ҳусни оғайни. Бу ердан эсон-омон чиқсак, битта чойхона палов мендан!

— Подождите, подождите! — дебди домла столни тақирлатиб.— Причем здесь чайхана и плов?

— Доктор Игамбердиев, то-есть Богданов говорит, что,— давом этиби тилмоч,— сегодня мы до экзамена сидели в чайхане и ели плов, как раз об этом говорили,уважаемый профессор!

— Вот какие Вы молодцы ребята! Едите плов в чайхане и думаете о науке, об анатомии человека! Спасибо Вам, доктор Богданов! Действительно ваша фамилия соответствуют своему названию! Вы очень одаренный и талантливый человек, преподнесенный Богом! — дебди профессор курсанд бўлиб, сўнг имтиҳон дафтарчасига «5» баҳо қуибди.

## АЗОННИ ҲАМ, ОЗОННИ ҲАМ ЁЗДИМ-КУ!

Зикрилла ака иккинчи курсда ўқир, биокимёдан имтиҳон топшириш учун ниҳоятда талабчан, қаттиқўл профессор Дамин Соҳибовнинг олдига боради. Домла кўзойнак остидан Зикрилла акага қараб:

— Азонни ёзинг! — дейди.

Талаба ўйлаб ўтирамай бир парча қоғозга катта-катта ҳарфлар билан дона-дона қилиб «Азон» деб ёзади. Бундан домланинг тепа сочи тикка бўлиб, қош-қовоғи уюлади.

— Мен сизга озонни ёзинг, дедим!

— Хўп бўлади, домлажон, озон бўлса, озон-да. Ҳозир ёзиб бераман!

Талаба олдин ёзганини қайта ёзишга эриниб, «Азон» даги «A» ҳарфини ўчириб, устига «O» ҳарфини ёзади. Яна домланинг пешонаси тиришади:

— Мен озоннинг кимёвий формуласини сўраяпман! Унинг оксиген эканлигини билмаган одам қандай қилиб имтиҳон топшириши мумкин? Боринг, тайёрланиб келинг! Баҳоингиз икки!

Талаба — Зикрилла ака, қараса, иш чатоқ, дарров ялинишга тушибди:

— Шонманг, домлажон! Бу қанақаси? Бир-биrimизни тўғри тушунмадик чоғи. Ахир, «Азон» дедингиз, ёздим. Кейин «Озон» дедингиз, уни ҳам ёздим, тўғрими? Биламан, домлажон, ёмғир ёққанда ҳавода озон кўпайиб, ҳаммаёқни арzon озон босиб кетади, одамлар маза қилиб нафас олади. Мен унинг формуласи «ноль училигини» билар эдим, лекин нима учун шундай бебаҳо модданинг баҳоси «ноль беш» эмас, деб кўнглим тўлмай юради.

Майли, сиз айтганча бўлсин, ноль уч бўлса, ноль уч-да. Илтимос, нолини ўзингизга қолдириб, учини менга қўйинг, домлажон, стипендиядан куруқ қолмай.

— Ўз тилидан илингандомла, қулиб, «уч» қўйиб берибди ва Зикрилла ака стипендияга илиниб қолибди.

## ПУЛ ЎЙНА-Ё, ПУЛ ЎЙНА!

Зикрилла ака, нашриётда нашр этилган китоблари учун катта миқдорда қалам ҳақи олибдилар-да, уни газетага ўраб, рафиқаларининг қўлига берибдилар:

— Ҳурибиби, мана, бизга осмондан бир даста пул тушди!

— Ҳайрият-е, кеча бир чеким носга пул тополмай юрган эдингиз. Бугун бўлса қўлингизда жарақ-жарақ пул!

— Ҳа, астойдил сўрасанг, осмондан пул тушаркан!— дебди Зикрилла ака мийигида қулиб.— Энди буни эҳтиётлаб, яшириб қўйинг, бир кунимизга яраб қолар.

— Хўп бўлади, дадаси! Топганингизга барака берсин! Сизга яна куч-қувват, илҳом берсин!

Эртаси эрталаб Зикрилла ака ҳовлига чиқса, пул дегани ҳазондек сочилиб ётганмиш. Кўча эшигини очай, деб йўлакка борса, мушуги эркаланиб оёқларига сурканармиш. «Ие, бу қанақа янгилик? Қўлингга озгина пул тушса, хотининг ҳам, мушугинг ҳам мулойим бўлиб қолар экан-да?», деб хаёлларидан ўтказибдилар. Кейин паст овозда хотинларини чақириб:

— Ҳурибиби, кечаги қилган дуоингиз ижобат бўлиб, бугун яна осмондан пул ёғдирипти. Мушумизнинг хурсандлигини қаранг!— дебдилар.

— Вой, дадаси, астойдил дуо қилсангиз, ҳақиқатдан ҳам Худо ўз бандасига марҳамат қиласар экан. Ўзим ҳам тушимда сизни дуо қилиб, Яратганга ҳамду санолар айтиб чиқдим. Дуоларим бекор кетмабди,— дебди хотинлари қўлига супурги олиб, ҳовлини супуришга киришаркан.

— Энди бу пулларни йигиб, кечагисига қўшиб қўйинг, Ҳурибиби,— дебди Зикрилла ака мулойимлик билан.

— Хўп, бўлади, дадаси!

— Ҳа, айтмоқчи, Ҳурибиби, бу янги пулларни бир санаб қўрайлик-чи, кейин кечагисига қўшиб қўярсиз. Эр-хотин бир пул санайлик. Бўлинг, Ҳурибиби, негадир юрагим ҳаприқиб кетяпти!

— Ҳозир дадаси, ҳозир! Пулингиз йўқлигига юрагингиз бунақа ҳапқирмасди-ку! Ҳурибиби ҳовли этагидаги тахта уюми орасига қўл сиқиб, ҳанг-манг бўлиб қолибди.

- Вой, дадаси, мушук үлгур кечаги пулни ҳовлига сочганга үхшайди!
- Мен ҳам айтдим-а, мушук негадир оёғимга ҳадеб суркалиб, эркалик қиляпти деб! Бекорга эмас экан-да!
- Мушук офтобга бекорга чиқмайды-да, дадаси! У бечора ҳам суюниб кетиб, шунча пулнинг ҳидига маст бўлган-да!
- Замони келибди, мушугимиз ҳам бир яйраб, ўйнаб қолсин. Сичқонлар кемирганда нима қилардик? Хайрият шу мушук бор экан!
- Шундоқ хушёр мушук билан ҳар қанча фахрлансак арзиди.
- Мен ҳам шуни айтаман-да, Ҳурибиби! Пул ўйнаё, пул ўйна, ёшлигинда гул ўйна!— дебди Зикрилла аканинг ўзида ӯзи рақста тушиб.

### ОТЕЛЛОГА ЎХШАЙМАНМИ?

Зикрилла ака билан қариб сирдош, ҳазилкаш эдик. У киши билан тез-тез учрашиб, фикр алмаштириб турардик. Ёзинг иссиқ кунларидан бирида уйларига борсам, ўзлари ёлғиз. Ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, ҳовлининг ўртасига катта тогорада сув кўйиб, ювениб, офтобда қораймоқчи бўлиб турган эканлар.

- Ўзингиз қорасиз-ку, яна қаерингизни қорайтирмоқчисиз?— деб ҳазиллашдим.
- Ҳа, бир оз қорайишм керак экан. Ҳурибибидан ҳар куни гап эшитяпман.
- Шунда соchlарингиз ҳам қораядими?
- Йўқ, янада жингалакроқ бўлади,— дедилар ҳурпайган оппоқ соchlарини қўллари билан тараган бўлиб. Кейин қорайиб, терлаб кетган юзларини бирдан тундлик қоплади. Кўзларини катта очиб, қўлларини белга тираб, дедилар:
- Нима, мен қораманми? Баъзи олифталар сингари чиройли, сип-силлиқ сўзлай олмайманми? Дездемона, қани рўмолча, ўзим сенга совға қилган рўмолчани бер! Агар тезда бермасант, фало-катта йўлиқишинг муқаррар!

Мен аввалига эсанкираб қолдим. Кейин Зикрилла аканинг машҳур актёр Аброр Ҳидоятов қиёфасига кириб, Отелло ролига тақлид қилаётганини сезиб қолдим.

Зикрилла ака тезда асл ҳолатларига қайтдилар ва:

- Қалай, қулоғимга сирға тақиб олсан, Отеллога ўхшайманми?— дедилар.

## ДЕРАЗАДАН ОШИБ ТУШМАСАМ ЭДИ

Бир куни домланинг уйларига борсам, каравотда дам олиб ётибдилар. Кайфиятлари йўқроқ, дарров сездим. Салом-аликдан сўнг, кўзлари хира тортаётганидан шикоят қилдилар:

— Бу калла худди қовоқнинг ўзи бўлди-қолди, ичидагач вақо қолмаганга ўхшайди. Шунча ғимирлатсан-да, миқ этмайди, паришонхотир бўлиб қолибманми!

— Ўзингиз ҳам унга дам бермай, кечакундуз ишлатдингиз-да, устоз! Бир эмас, ўттизта китоб ёзишининг ўзи бўладими? — дедим.

— Калла ишлаган пайтларда хўб ёзив қолган эканман-да! Қани энди у сал дурустроқ ишласаю, яна қитоб ёёсам! Биласизми, ичим тўла гап, теша тегмаган гаплар! Негадир қўлимга қалам олсан, тихирлик қиласди, бу қаллага ҳеч вақо келмайди. Ўз ёғимга ўзим қоврилиб ётибман! Ишламайдиган бунаقا калла кимга керак! Елкада оғир юк бўлиб тураверадими?

— Ишлаб қолар. Тез-тез дам бериб туриңг.

— Фойдаси бўлармикан?

— Албатта!

— Бунинг устига яқинда Ибн Сино даҳасидан бизга икки хонали уй беришиди. У ерга бориб-келганимдан бери юрагим ваҳимада. Иссиқ жон, бир гап бўлиб қолса, маййитни иккинчи қаватдан пастга қандай олиб тушишади? Ё деразадан оширишармикан-а?

— Э, яхши ният қилинг, устоз! Аввало ўлманг, шунаقا бўлиб қолган тақдирда ҳам кўчада қолмайсиз, албатта васиятингизни бажо келтирамиз!

— Мен ҳам шундай қилсаларинг керак, деб ўйлайман. Яна ким билади. Сиз ҳушёр йигитсиз, кўзим тириклигида бир нарсани айтиб қўяй. Газета-журналларда ишлайдиган оғайниларимни яхши биласиз. Мабодо шунаقا бўлиб қолса, уларга хабар беринглар, ҳеч бўлмаса фотиҳага келишар.

Ярим ҳазил, ярим чин — бу гаплардан аъзойи-баданимни совуқ тер босди.

## СЎНГГИ ҚЎНФИРОҚ

1994 йил 31 декабрь эди. Пешиндан кейин соғлиқни сақлаш вазирлигидан Зикрилла акага қўнфироқ қилдим. Ишларим кўпайиб, янги йил билан табриклай олмаганим учун узр сўрадим.

— Раҳмат, болам! — дедилар. — Шунинг ўзи катта гап. Янги йилда саксонга кираман, эл-юртга ош бераман. Ўзингиз бош бўласиз.

— Ниятингизга етинг.

— Энди бир нарса дейишим қийин, болам. Биз пишиб турган ошмиз. Қачон «бўл» деса, биз тайёрмиз-да. «Боеготовность номер один»да как штик турибмиз! Сиз ёшлар омон бўлинглар. Айтмоқчи, уйдаги анча-мунча нарсаларимни соғлиқни сақлаш музейига бериб юбордим. Қолганлари сизники, ертўланинг қалитини сизга топшириб кетаман. Бу ёғини ўзингиз боплаб, бўшаштирумай давом эттирасиз, хўпми, болам?

— Э, устоз, музейингиз ҳам, қалитингиз ҳам ўзингизга буюрсин, ҳали узоқ яшайсиз!

— Йўқ, ҳақиқий ўғил бола гап шу! Я так решил, значит так и будет, ясно?

— Есть, ўртоқ командир!

— Янги йил баҳонасида бир келсангиз, озгина шўхлик қиласмилик...

— Албатта бораман...

«Бораман» дедим-у, ўша куни бормаганимга то ҳануз пушаймонман. Чунки устоз, эртаси куни, 1995 йил 1 январда бандаликни бажо келтирдилар. Орадан ярим йил ўтар-ўтмас, рафиқалари Ҳурибиби ҳам оламдан ўтдилар. Уларни Яратган ўз раҳматига олган бўлсин, омин!

## ТИРИК САЙЁРА

Бу воқеа 1986 йилнинг бошларида бўлган эди. Мактабдош, маҳалладош дўстим, моҳир қаламкаш Тўлқин Расулов, қадрлонларим Солих Ёкубов ва Маҳмуджон Комилжоновлар «Тошкент оқшоми» газетаси таҳририятида ишлашарди. Хизматдан бўш вақтларимда уларнинг ҳузурларига бориб, сұхbatлашар, ижодий йўл-йўриқ, маслаҳатлар олардим.

Бир куни Тўлқин Расуловнинг хонасига кирсам, унинг қаршиисидаги ўриндиқда қорақадан келган, қотмагина йигит нималарнидир қоралаб ўтиради. Саломлашдик.

— Бу киши янги ходимимиз, шоир Муҳаммад Юсуф бўладилар, — ҳамхонасини менга таништириди Тўлқинжон. Кейин менга юзланиб,— бу киши эса ҳарбий шифокор ва ижодкор Искандар Раҳмон, бизнинг фаол мухбирларимиздан,— деди.

Бунга жавобан Муҳаммад Юсуф бошини қимиirlатиб, самимий жилмайди.

— Сиз билан танишганимдан хурсандман. Янги ёзган нарсларингиз бўлса, олиб келинг, бирга ҳамкорлик қиласмиз.

Мен фурсатни қўлдан бой бермай, яқинда ёзган бир машкимни унинг қулига тутқаздим. У қоғоздаги ёзувларни диққат билан ўқиб чиқди.

— Матькул. Мавзуни яхши танлабсиз. Қолдириб кетинг.

Орадан кўп ўтмай, «Тошкент оқшоми»нинг 1986 йил 15 март сонида менинг «Барқарор тинчлик қуий» деган шеърим эълон қилинди. Шу-шу Мұхаммад Юсуф билан яқиндан танишиб, дўст, қадрдон бўлиб қолдик. Бир куни у мени таниқли ҳофизимиз Шерали Жўраев билан бўладиган ижодий мулоқотга бирга боришини таклиф қилди. Бажонидил рози бўлдим. Мулоқотдан олдин «Халқлар дўстлиги» саройи олдидаги хиёбонда севимли ҳофиз иштирокида бир гуруҳ ижодкорлар эсадалик учун сувратга тушдик. Ҳозир бу тарихий суврат шахсий архивим, альбомимда сақланмоқда. Ҳар сафар бу расмни кўрганимда ўша кунги унутилмас, ҳаяжонли учрашув, самимий суҳбатлар ёдимга тушади.

Орадан кўп ўтмай, Мұхаммад Юсуфнинг иш жойи ўзгарди, у билан камроқ кўришадиган бўлдик. Лекин матбуот, телерадио дастурлари орқали унинг серқирра, баракали ижоди маҳсулларидан доимо хабардор ва мамнун бўлиб турдим. Бир куни «Халқ сўзи» газетасида Мұхаммад Юсуфнинг автоҳалокатта учраганлиги ҳақидаги нохуш хабарни ўқидиму у даволанаётган шифохонага учиб бордим. Ҳол-аҳвол сўрашдик, унга ҳамдардлик билдириб, таскин бердим, ўзини эҳтиёт қилишини уқтиридим. Кўп ўтмай, у соғайиб, оиласи бағрига, хизмат язиғасига қайтди.

Лекин ҳар сафар учрашганимизда у сиҳат-саломатлигидан шикоят қилмаса-да, умрнинг ниҳоятда тез, беҳуда ўтаётгани, вақтнинг, айниқса, одамнинг бекадр ва ғаниматлиги, жўшиб-тошиб ижод қилиш учун фурсат етмаётганидан афсусланарди. Шунга қарамай, унинг куни билан жамоат ишлари, учрашувларда бўлиб, қачон ва қандай шароитда ижод қилаётгани, бир-биридан гўзал ва таъсирчан, ҳаётий асарлар ёзib, эл-юрт оғзига тушаётгани, иззат-хурматга сазовор бўлаётганига ҳавасинг келарди киши. Лекин негадир унинг батзи шеърларида очиқдан-очиқ ва сира тап тортмай ўлим ва ажал, тақдир ҳақида ёзганида бирдан сесканиб, кетарди одам! Ё алҳазар, у ўзининг тасодифий ўлими ҳақида аввалдан бир нарса билганими, сезганими, деб ҳам ўйлаб қоласан. Аммо, у бу ҳақда ҳеч кимга ҳеч нарса демай, ҳеч қандай тушкунлик ва таҳликага борилмай, дилидаги барча дард, аламлари, ҳасратлари ва кечинмаларини ёниб, куйиб ёзарди, хуморидан чиқарди. У ўзининг тенгсиз жасорати, фидойилиги, башоратомузлиги билан тирикларни гафлат уйқусидан уйғотиб, ҳақиқий инсонийлик, ҳушёрлик, огоҳликка чорларди десам, муболага бўлмас.

Менинг сүнгги ҳаёттый тафсилотим баёнини ким қандай қабул қиласы, билмадым. Лекин бу тоғылыштың түюлиши мүмкін. Аммо фақат Аллохға аён, чин ҳақиқатдир. Ишонасизми, мен қадрдоним Мұхаммад Юсуфнинг бошига түшиши мүмкін бўлган оғир мусибатнинг шабада-шарпасини унинг ўлимидан бир ҳафта олдин, яъни жума куни тушимда кўрган эдим. Бундай ҳолатни тиббий тилда телепатия — бўлажак воқеа, ҳодисаларни олдиндан кўриш, узоқдан ҳис этиш, сезиш дейилади.

Халқимизда «Тушингни сувга айт», деган доно мақол бор. Шунга кўра мен бу кўрган тушим таъбирини ҳеч қаердан изламай, хаёлим паришон, ўзим лол ва ҳайрон, дилим вайрон ҳолатда изтироб чекардим. Тасодифни қарангки, орадан бир ҳафта ўтиб, айнан ўша жума тунидаги тушим ўнгимда қайталанди, тасдиқланди. Мен бу кўрган-кечирганиларимни баҳоли қудрат қоғозга туширдим, уни минг ҳижжат ва узр билан эътиборингизга ҳавола қилмоқдаман.

Балки, бу кечинмаларим марҳум Мұхаммаджоннинг ҳистайғулари, руҳи покига бир қадар яқинлиги, муштараклиги ифодаси белгисидир.

Жума куни. Мұхаммад Юсуф  
Илк бор ногоҳ кирди тушимга.  
Сүҳбатлашдик анҳор бўйида,  
Келолмайман ҳамон хушимга.

— Ака— деди ғамгин, оҳиста,  
Ҳар галгидек майин жилмайиб.  
Дардим оғир, юқ босар мени,  
Кетмасайдим бехосдан тойиб!

Ўтган ҳафта Марҳамат бориб,  
Отам қабрин қилдим зиёрат.  
Онажоним олиб дуосин,  
Енгил тортдим, бўлсин ижобат.

Эҳ, бевафо дунё экан бу,  
Ким олдин-у ким кейин кетар!  
Ҳеч ким билмас қайда ўлишин,  
Ажал келса елдайн кетар!

— Қўйинг шоир, бўлманг умидсиз,  
Софайишнинг изланг чорасин.  
Ухланг кўпроқ тўйиб, мириқиб,  
Кўрсатмайди бир дард қорасин!

— О, ухласам яхши бўларди,  
Ухлайман-да, энди ўлганда!  
— Сиз ўлсангиз ер тўярмиди,  
Ҳамма ўлар вақти келганда.

Сиз бунаقا ўлимни ўйлаб,  
Тушкунликка тушманг ҳеч, — дедим.  
Яхши ният қилинг ҳамиша,  
Ишлайверманг эрта-кеч, — дедим.

Қани шоир, беринг кўлингиз,  
Томирингиз кўриб қўяйин.  
Фам, ташвишни қўйинг чеккага,  
Бир шеър ўқинг, завққа тўяйин.

Шеър ўқимай, шоири замон  
Кўлга қалам ва қоғоз олди.  
Хаёлан бир аҳли донишнинг  
Сийратига тикилиб қолди.

«Тузалмайди дардим менинг ўлсам керак,  
Тупроқ билан, оға-ини бўлсам керак.  
Ўлим нима? Бу ҳам битта сайр, Она,  
Ўғлинг қаро ерга кетди, хайр Она!»

Шу вақт кўқдан оппоқ соқолли  
Бир фаришта олдига тушди!  
Кўришдилар. Муҳаммаджонни  
Елкасига олдию учди!

Жума туни. Муҳаммад Юсуф  
Кирган эди ногоҳ тушимга.  
Бу не ўзи? Тушимми, ўнгим,  
Келолмайман ҳамон ҳушимга!

Аллоҳ қиласин уни раҳматий,  
Ўлимга шай, авлиё эди!  
Рухи уйғоқ, кўзлари огоҳ,  
Оташнафас бир дунё эди!

2004 йил, 29 апрель.

## МЕХРИБОНЛАР

### Ҳикоя

1943 йилнинг иссиқ ёзи. Хонобод қишлоғидаги пилла қабул қилувчи пункт қаршисидаги анҳор бўйига қурилган шинам чойхонада уч-тўрт киши давра қуриб, алланима ҳақида қизғин баҳслашарди. Олти-етти ўшлар чамасидаги кўз-қошлари қора, оппоққина хушбичим ва серҳаракат бир бола чой ташиш билан овора.

Чойхонага ўрта бўйли, қорачалан келган бир киши, — туман матлубот уюшмаси раиси Комилжон Шербоев келди. У бир чойнак кўк чой чақириди.

Ҳалиги бола бир зумда чой келтириди-да биқир-биқир қайна-ётган самоварнинг ёнидаги стулга бориб ўтириди.

— Ҳар ҳолда бу етимчани яна болалар уйига элтиб қўйиш керак эди-да, — деди суҳбатланишиб ўтирганлардан бири чордона қураркан.

— Қайси етимчани, ака? — сўради энди пиёлага қўйган чойни ҳўпламоқчи бўлиб оғзига яқинлаштирган Комилжон ака. У чойнак пиёласини кўтариб уларнинг олдига борди.

— Ҳув авави ўтирган болани,— деб жавоб қилди боши билан болани ишора қилиб чойхоначи. Кейин чап қўли билан бошидаги чуст дўпписини олиб, ўнг қўли билан бошини аста-аста силаб сўзида давом этди:

— Бултур, кеч кузда Қўқоннинг Қайқободидан шу бола билан ўзимизнинг Қизилой қишлоғимизга бир Шомурод Мадмуродов деган косиб келган экан. Бечоранинг умри калта экан денг, ўғли билан бир тўшакда ётиб кечаси ўлиб қопти. Бу болани болалар уйига келтиришган эди. У ерда туришни истамай, менинг олдимга қочиб келаяпти.

— Ҳеч кими йўқми? — сўради қизиқсинишиб Комилжон ака.

— Йўқ, — хомуиш, чуқур нафас олиб жавоб қайтарди чойхоначи.

— Болани мен ўз тарбиямга олсам қандай бўларкан, — деди Комилжон ака.

— Жуда яхши бўларди, — деди у ҳаяжонланишиб, — мен ҳам тарбияласам бўларди-ю, қўпчиликмиз, — бу гапни айтгач, у бошини эгиб, кўзини бироз бир нуқтага тикиб турди.

— Армияга кетган укамдан беш, ўзимнинг етти болам, ҳаммаси менинг қарамоғимда. Ҳар ҳолда бу бола сизнинг кўлингизда бўлса, чакки бўлмасди.

Комилжон ака болани етаклаб чойхонадан чиқаркан:

— Отинг нима, ўғлим? — деб сўради.

- Орифжон, — деди бола ўзига хос уятчанлик билан.
- Нечага кирдинг?
- Олтига.
- Менга ўғил бўласанми?

Бола нима дейишими билмай, хўрсиниб чукур нафас олди.

Ўпкаси тўлиб, сўзсиз жим қолди, ота-онасининг унга қилган меҳрибончилигини, уни ширин-ширин сўзлар билан эркалаганликларини эслаб, енгининг учи билан юзига оққан бир-икки томчи ёшларини артди.

Боланинг бу ҳолига Комилжон ака жуда хафа бўлиб, чўнта-гидан дастрўмолини олди, Орифжоннинг юз-кўзини артиб унинг чўнтағига солиб қўйди. У чукур хўрсиниб ўзича деди: «Э, бечора болагина онасидан ажралган жўжалек, бу ерларда тентираф юришингга сени ким мажбур этди? Сенинг ёш бошингга бу кулфатларни ким келтирди? Буларнинг ҳаммасига малъун немис фашистлари сабабчи бўлмагандан, балки ҳозир ота-онангнинг иссиқ бағрида яшаб, уларнинг қувончига-қувонч қўшармидинг! Кўзига нур, билагига куч, белига мадор бўлармидинг! Кўй эркам, йифлама, сен хору зор бўлмайсан, мен сенинг отанг бўламан, келажак сен билан, баҳтинг сен билан, қўзим. Фалаба бизники бўлади. Шундай кунлар келарки, бошингда қўёш порлаб, бу кунларни туш каби эсларсан. Мен сени ўқитаман. Сенинг ёшлигинг мен каби — қоронғу уй, лип-лип чироқ, ҳафтияқ ва кўчада тупроқ чангитиш билан ўтмайди. Ўксинма бўтам, ўксинма».

Улар енгил машинага тушиб уйларига йўл олишди. Умрида биринчи марта машинага ўтириш Ориф учун жуда қувончли ҳол эди. У «Ҳақиқатан ҳам бу киши менга ота бўларкан, мени шунаقا машинада уйга олиб келаяпти-а», деб ўйлаб севинчи ичига симай келарди.

Машина чанг-тўзоннинг ортда қолдириб, илон изи йўллардан күшдай учиб борарди. Эсаётган елда кўркам Чотқол тогининг тубидаги адирларга экилган олтий буғдой ажойиб куй чалиб, шовуллайди. Ўнг кўл томонда зилол сувли Оҳангарон дарёси қўёши нурида илон тангасидай ялтираб, тошдан-тошга иргийди, жўшади, тармоқланиб, тўқайзорлар ичига кириб, кўздан гойиб бўлади. Узоқ-узоқлардан тоғ чўққисидаги зар ҳошиядай товланувчи оппоқ қорлар, тогдаги қора-қора бўлиб кўринувчи арчалар, астаста ўтлаб юрган кўй, эчки подалари кўзга чалинади.

Ориф машинада кетаркан, табиат манзараларига қизиқиб қарап, кетма-кет саволлар берарди:

- Хув анави қора нарсалар нима?
- Кўй-эчки подаси.

- Улар кимники?
- Колхозники, давлатники.
- Сизда ҳам борми?
- Ҳа, бизда ҳам бор, күй бор, сигир бор, жажжигина бузоқ бор, товуқлар бор.
- Уларни мен боқаман-а?
- Ҳа, сен боқасан, ўғлим. Сен боқасан. Улар сеники-да. Атайлаб сен учун олганман.

Яқындағина Комилжон акага турмуш қурған Ҳадича опа уларни күчә эшигі олдида күтиб олди, Ориф билан иссиққина күришди. «Бу ким?» деган савол назари билан әрига қаради. Комилжон ака Ҳадича опани четроққа тортиб:

- Бу — уруш туфайли ота-онасидан айрилған бир бечора. Бу бола бизнинг паноҳимизда ўсади, ўғлимиз бўлади, — деди.

Ориф ичкарига кирап экан, ҳовлидаги барча нарсаларни: гуллар, мева дараҳтлари, сўри қилинган ток, ҳовли бурчагидаги күй қўтони ва унинг олдида қозикқа боғлаб кўйилған ола бузоқ кўздан кечирди. Бузоқ ерга ётиб олиб қўзини юмиб кавшанар, баъзан тилини чиқариб, тумшуғини, у ёқ-бу ёғини ялаб кўярди. Ориф бузоқни кўриб отасининг гапи ростлигига яна бир карра ишониб, севиниб кетди. Чопқиллаб бориб уни қучоқламоқчи бўлди-ю, ётсираганидан бўлса керак, бундай қилмади.

- Келақол болам, юз-қўлларингни ювиб, овқатланиб ол. Кейин ювинтириб, янги уст-бош кийгизаман, — деди Ҳадича опа.

Комилжон аканинг бу иши ҳамма ёққа овоза бўлиб кетди. «Ўғил муборак» деб келган кампирлар: «Умрингдан барака топкур Комилжон, зап савоб иши қиптими-а. Бола ҳам боламисан, бола экан-да. Бир мулойим, юзлари ойдай, қошлири камондай, тиқмачоқдек бола эканми, ишқилиб бегона кўздан асрасин», дейишиди.

Ориф ҳар куни кечқурун узун таёқчасини қўлига олиб қўшни болалар билан подага борар, дўмбой ўйнар, сигир-қўйларини уйга ҳайдаб келарди. Нима ҳам бўлди-ю, бир куни уларнинг қўшниси Роҳат хола касал бўлиб қолиб, сигирини олиб келиш учун подага боролмапти. Шунда Ориф ҳеч ким айтмаса ҳам унинг сигирини ҳайдаб келган эди, холанинг кўнгли тоғ бўлиб қанча вақтгача уни дуо қилиб, оғзидан туширмай юрди.

Мактабда унинг зеҳни ўтқирлигидан ўқитувчилар: «Бу боланинг келажаги бор» деб унга ишонч билдириб бир-бирларига, болаларга гапиравар әдилар.

Бир кун Ориф сариқ хитой қоғоздан чиройли қилиб, варрак ясаб, «шамол-шамол, бағринг камол, чўлоқ кетмонингни олиб қоч» деб томга чиқиб учирди. Варрак жуда баландга кўтарилиб,

муштдай бўлиб кўринганда бир варақ қоғознинг ўртасидан тешиб осмонга учирди. Мактабга келгач, ўртоғи Жаббор ва Қодирга: «Мен бугун осмонга хат ёздим, хатим бориб етганда варрагим шундай тирилладики, худди мени осмонга чақираётганга ўхшаб туюлди» деди. Буларнинг гапини тинглаб турган мактаб етакчisi Собир ака: «Жуда тўғри-да, жуда тўғри туюлибди. Сизлар катта бўлгач, Қуёшга, Юлдузга, Марсга чиқасизлар. Осмонда пўлат қушларга миниб, паға-паға булувларни ёриб, учасизлар. Бунинг учун яхши ўқиш керак» деди. Улар жуда хурсанд бўлиб кетишиди. Шундан кейин қоғоздан турли-туман шакллар, қушлар ясад, уларга: «Ойга салом, Қуёшга салом!» деган сўзларни ёзиб осмонга учирисди. Учала ўртоқ гуллардан, капалаклардан гербариylар тўплаб, мактабга совға этишиди.

Ёз кунларининг бирида етакчи уларнинг учовини чақириб, яхши ўқиганингиз, намунали хулқингиз учун Тошкентга, ёш на-туралистлар слётига борасизлар, деганида улар қувона-кувона тайёргарлик кўриш учун уйларига тарқалишиди.

Эрта тонг. Станция. Теварак-атроф жим-жит. Шарқ томондан томондан эсган енгил шабада Орифни еллипб-еллипб кўяр, юзини силаб кетарди. Ориф тоғлар ва қирлардан боришга, ҳали ҳеч ким кўрмаган поездни кўришга ошиқар, атрофга тўйиб-тўйиб боқарди. Чўққи устида кулранг булат осилиб турар, кунчиқар томон беғубор эди. Тоғ тепасидаги қор қип-қизил лоладай, шу қадар ярқираб ёнардики, уни кўриб тўймайсан киши. Қуёш қорли тоғ ортидан кўрина бошлади.

Узоқдан кўриниб турган семафор кўтарилиди. Поезд тўда-тўда оппоқ тутунларни бурқситиб, дарахтзорлар ичидан чиқиб кела бошлади.

Ана, кутилган дақиқалар ҳам келди. Паровоз станцияга «така-так, така-тук, така-так, така-тук» қилиб ҳарсиллаб, ҳайқириб кириб келди. Паровозни, поездни умрида биринчи марта кўрган Ориф ҳанг-манг бўлиб қолди. У паровознинг дарчасидан пастга қараб кулиб турган машинистга «жуда маза экан-ку, бунга» деган назар билан тикилиб, кулиб кўйди.

Вагонга чиқишигач, аввалига анча вақтгача ўртоқларига ҳам гапирмай, худди бир нарсадан қўрққандай ўтирган еридан жилмай, вагоннинг ичини кўздан кечирди. Сўнг етакчидан рухсат сўраб, уни айланиб чиқди, ўринди Қларга ётиб кўрди.

Паровознинг пишиллаб келиши, машинистнинг кулиб туриши, вагонларнинг озодалиги унга алоҳида завқ берив, юрагида машинист бўлиш ҳавасини уйғотди: «Мен ҳам ўша кишига ўхшаган бўлармикинман?».

... Мана, анча йил ўтиб кетди. Ориф еттинчи синфни мувваффақият билан тутатди. Кейин у ўзи орзу қилган темир йўлчилар мактабига ўқишига кирди. У темир йўлчилар мактабида ўқиб юраркан ўз отахони, онахонига жуда меҳрибон бўлса ҳам, ўзининг туққан онаси Хайринисони, опаси Ражабхонни ёдидан чиқармасди. Баъзан эса, уларни эслаб, пана жойларда йиғлаб ҳам оларди. Бу воқеа бўлиб ўтгач, ўртоқлари:

— Ҳа Орифжон, кўзинг қизарибди? Бирор хафа қилдими? — деб унинг атрофини «гур» этиб ўрашар, аҳволини тушуниб: — Қўй, йиғлама ўртоқ. Фақат сен шундоқ эмассан-ку, бошқалар ҳам бор. Агар онанг, опанг тирик бўлса, албатта топамиз, хафа бўлма. Юр футбол ўйинига борамиз, — дейиншарди.

Талабалик йиллари кўп яхши йиллар-да! Ҳар томондан келган янги-янги ўртоқлар, юриш-туришда янгича тартиб-қоида, ўртоқлар билан тўпланишиб, киноларга, музейларга бориш, бирга дарс тайёрлаш, енгил ҳазил, шўх-шўх кулгилар...

Мактаб партасидан бирданига ўқув юртига ўтиб, унинг шартшароитларига кўнникиш анча-мунча қийин. Янги-янги фанлар ўқитилади, уларни тез ўзлаштиришда ўртоқлар билан ҳамжиҳат бўлмасанг бўлмайди.

Ориф дарсларини ётоқхонада бирга турувчи юқори босқич талабаси Асқар, Аъзам, курсдошлари Наримон, Салима, Гулноралар билан тайёрлайди. Ҳаммаси одобли, интизомли ёшлиар.

Салима келишгангина: қораҷадан келган, қорақош, шаҳло кўз қиз. Унинг отаси ҳам темирйўлчи экан. Бултур кузда вафот этибди. Бечора ўлими олдидан қизига насиҳат қилибди:

— Мен шу ишимда йигирма етти йил ишлаб обрў топдим, баҳт топдим. Битта-ю битта қизимсан. Агар сўзимни қулоққа олсанг, ўқишининг битириб менинг изимни бос. Йўқлигимни билдирам. Лекин бил, бу иш жуда нозик, шарафли иш, қизим...

... Ўқишининг охирги йили. Март кунларининг бири. Майдалаб ёмғир ёғаяпти. Эндинга дарсидан бўшаган Ориф Салимага:

— Мен ёмғир шунаقا майдалаб ёғиб турганда сайр қилиб юришни яхши кўраман, сиз-чи? — деди.

Салима эса «қизиқ» дейишдан бошқа сўз айтмай, уялиб бошини қуи эгди-да унга кўзининг қирини ташлаб жилмайиб қўйди.

— Юринг, Салимахон. Шаҳримизнинг кўчаларини кетиб қолмасимиздан бир айланиб чиқайлик.

Ёмғир майдалаб ёғмоқда. Икки ёш шаҳарнинг марказий кўчасида секин-секин қадам ташлаб кетарди. Улар аллава қтагача бир-бирларига нима деб гапиришни, гапни нимадан боғилаш

кераклигини билмай, жим юриши. Чунки, шу вақтгача бирор ерга боришиса, күлчилек бўлиб боришар, бунчалик гап топишга қийналмас эдилар. Ниҳоят Ориф:

— Яқинда тақсимот бўлармиш-а? Эшитмадингизми? — деди.

— Ҳа, эшитдим, — орага бир оз жимлик чўкди, — мана, уч йил ўқидик. Энди сиз у ёққа, мен бу ёққа кетамиз.

Салима чуқур нафас олиб, хаёлга чўмди. Ажралиш нақадар оғир. Уч йил ҳам туш каби ўтиб кетибди. Қани энди у вақтлар яна қайтиб келса.

— Ажралиб қаёққа борардик, хат ёзишиб, кўришиб турамизда. Бир жойга тушсак, дуруст бўларди.

— Дуруст бўларди-ю, бўлмайди-да.

— Қаерга бормоқчисиз ўзингизча?

— Қаёққа юборишса, ўша ёққа.

Шу куни улар ётоқхонага қоронғи тушганда қайтишли. Ориф Салимани қизлар ётоғига кузатиб қўяркан, дарнозадан ичкари киргач, юраги дов бермай, титраб унинг қўлини ушлади. Салима ҳам буни кутгандай Орифнинг қўлини қаттиқ қисиб, қўлини дарров тортиб олди. Кейин кўзини сузиб, лабини чўччайтириб, имо қилди-да, «сиз қолинг, анови ерда қизлар туришибди, уят бўлади, хайр» деб, чопқиллаб кетди.

Ниҳоят тақсимот куни ҳам келди. Директор кабинетининг эшиги олдида битиравчилар тўпланишиб навбат кутишмоқда. Кабинетнинг эшиги очилиб Ориф чиқди.

— Қўйонга! — деди у савол кутмай.

— Табриклаймиз, муваффақият тилаймиз, — деган овозлар атрофни тутиб, самимий қўл қисишилар бошланди. Ориф раҳмат, раҳмат, деди. У турганлар ичидан Салимани қидирар эди. Салима ичкарига кириб кетган экан. Ориф эса севиниб ҳеч қаёққа қарамай, чиқа берибди. Бироз вақт ўтгач у ҳам чиқди.

— Горчаковга! — деди Салима кулиб.

Биринчи бўлиб, уни Ориф табриклаб қўлини қисиб қўйди. Бунинг тагида «айни мудлао бўлибдими, а?» деган маъно ётарди.

Бу вақт атрофдагилар бир-бирларига қараб, самимий кулиб қўйишли.

... Салқин куз оқшоми. Қўйондаги Фурқат бофининг хиёбонларидан бирида депода слесарь бўлиб ишловчи Тўйчи Мўминов билан Ориф суҳбатлашиб ўтиришибди. Гапдан гап чиқиб Тўйчи Орифдан:

— Қаерликсиз, дўстим? — деб сўраб қолди.

— Қўйонлик, яйпанликман.

— Ие, құлни беринг, ҳамшаҳар эканмиз-да, — деди Түйчи кувониб, — ота-онанғиз борми?

Орага сукутлик чүкли. Бироздан сүнг Ориф бошидан ўтган дамларни ҳаяжон билан бирма-бир айтиб бергач, унга ҳам айнан шу саволни қайтарди.

Түйчининг ота-онаси ёшлигидәёқ ўлган, у эса опасининг қўлида катта бўлиб, шу мутахассисликни эгаллашга муваффақ бўлган экан.

— Биласизми, Орифжон, — деди Түйчи ўринларидан туришаркан, елкасига қўлини қўйиб, — шанба куни ишдан сүнг Яйпанга опамниги борамиз, онанғизни, қариндошларингизни суриштирамиз, топамиз.

Улар орзиқиб кутган шанба куни ҳам етиб келди. Қизиқ-а. Орзиқиб кутмай бўладими, тағин ўша кутган вақтингнинг бир йилга ўхшаб имирсилашини айтмайсанми!

Түйчининг опасиникида эрта саҳаргача эртага қиладиган, рўй берадиган ажойиб ишлар ҳақида суҳбатлашиб ширин-ширин хаёлларга чўмдилар.

Эртасига эрталаб улар Түйчининг поччаси билан кўчага чиқишиди. Поччаси: «Қишлоғимизда Хайринисо деган аёл борми? Унинг эри Шомурод 1943 йилда ўғли билан Кўқондан Тошкентга кетган экан, ўғли онасини қидириб келибди!» деб жар солди.

Одамлар дув келиб уларни ўраб олишиди, ҳамма Орифга муҳаббат билан тикилар, баъзилар қўлини қовуштириб келиб, у билан самимий қўл қисишар эди. Одамлар ичиладиган икки қизнинг бири дугонасига секин: «Мунча қошлари қора, чиройли бола экан» деб шивирлаб, сукланниб бокишиди.

Шу вақт кўчадан ҳаворанг «Москвич» ўтиб қолди. Почча қўлини кўтариб: «Толиб, Толиб!» деб уни тўхтатди. Унга масалани англатиб, болаларни таништиргач:

— Жон ука, — деди у, — вақтинг бўлса шулар билан районимизни бир айланиб, укангнинг ҳожатини чиқариб юборсанг, хўпми?

Толибжон бироз ўйланиб турди-да:

— Сиз айтдингиз-ку, биз йўқ дедикми, ака, — деди. — Қани укам, машинага чиқинглар, бир жавлон қилайлик бўлмаса, зорамора топиб қолсак, нима дединглар? «Қари билганни пари билмас» дейдилар, ишни бозорга келган қариялардан сўрашдан бошлаймизми, дейман.

Машина бир зумда бозорга етиб келди. Толибжон бозорга кириб, қариялардан суриштира бошлади. Бу бозорда Нурсуқ қишлоқ кенгашининг молия инспектори Йўлдошев деган оғайни-сига дуч келиб, масалани тушунтирган эди, у бир дақиқа ўйланиб:

— Ҳа, дарвоқе бизда шундай аёл бор, — деди. Биз уни «депутат ойи» деймиз, қизи бор. Ўзи ҳозир Қайқобод қишлоғида яшайды. Қани бола, күрайликчи. Хайрият тирик экан, бечора хотин кунитуни уни ўйларди.

Толибжон бунга жавобан, унинг қаршисида турган Орифни боши билан ишорат қилиб кўрсатди. Улар самимий қучоқлашдилар.

Машина кўзланган манзил бўйича яна йўлида давом этди. Кафтдек текис йўлда физиллаб кетаётган енгил машина йўл четига экилган тол, терак ва кенг пахтазор далаларни чир айлантириб ортда қолдирав, ерга сочилган сариқ тангадай барглар ҳавога кўтарилилар эди.

Нурсуқликлар Хайринисо опани «депутат ойим» дейишар экан, чунки у катта Фарғона каналининг қурилишида фаол қатнашган, жамоа хўжалигида фидокорона меҳнат қилиб, қишлоқ, таман, вилоят Кенгашларига депутатликка сайланган эди.

Машина икки тавақали кўк эшик олдида тўхтади.

«Депутат ойим»нинг ҳовлиси қишлоқнинг энг баҳаво ерларидан бирига жойлашган. Ҳовлининг ўртасидан, қўшнининг пахса девори тагидаги омбор орқали каттагина ариқ ўтади. Кўча эшикдан то тўрдаги айвончага тошдан чиройли қилиб йўлка ишланган, икки атрофида айниқса ёз кунларида қирқоғайни, қизил гул ва гулсафарлар ранг-баранг очилиб, ҳовли ҳуснига ҳусн қўшар, ёқимли ҳид таратади.

Ҳосилни кўтаролмай шохлари срга эгилган олма, узум, шафтоли, беҳи, жийлалар-чи! Ҳаммасидан ҳам жийданинг ҳидини айтмайсизми? Баҳор кунларида эсаётган майин шабада унинг ҳидини димогингта урганда қандай ором оласан, киши...

Эшикни ғирч этиб очиб улар ичкарига киришиди.

Тўрдаги айвонда кўрак чувиб ўлтирган олтмиш ёшлар чамасидаги соchlарига оқ оралаган, ўрта бўйли ҳали бакувват, тетик бир аёл уларга ялт этиб қаради-ю, ўрнидан туриб, усти-бошини қоқиб, у ёқ-бу ёқни йиғишири бошлади. У — фарзанд доғи билан куйган, фикри-ёди унинг хаёли билан банд «депутат ойи» эди.

Ориф дадил одим ташлаб ҳовлига кирап экан, алланечук ўзгариб кетди, юраги дук-дук ура бошлади. У ҳамма ёққа жовдираబ боқар, гўё ҳамма нарса эски қадрдондек туюларди.

Ҳовли Орифнинг эътиборини беихтиёр ўзига тортди. У хаёл тулпорида олам кезиб чиқди, кўз ўнгидан ёшлигига қўшни болалар билан ариқ бўйида пақ-пақ ўйнагани, гуллар ичиди капалаклар кувлаб, шўх-шўх қийқириқлар кўтарган кезлари, отасининг эшикдан «Орифжон! Қани ачом қил-чи, ўғлим!» деб келиб уни бағрига босиб эркалашлари бирма-бир ўта бошлади.

— Ассалому алайкум аяжон, саломатмисиз, тан-жонингиз соғми, ҳорманг, нима ҳаракат, — деди ҳайдовчи айвонга яқинлашаркан.

— Ваалайкум ассалом, келинглар ўғилларим. Раҳмат, ўзинглар ҳорманглар. Ёлғизлик ҳам ўлсин. Шуни тугатай деб, ҳеч қаерни йиғиштиргмаган эдим. Айбга қўшмайсизлар-да айланайлар, қани уйга марҳамат, — деб уларни гарчи танимаса-да, самимий қарши олиб, уйга таклиф қилди.

— Раҳмат, раҳмат, бобой, бола-чақалар сиҳат-саломат, бардам юришиптими?

— Ҳи, — кулди у, — худо бобой билан болани бизга кўп кўрган, биттагина қизим бор. Уни узатиб юборганман. Набираларим бор, худога шукур, бари саломат, бобой билан ўғлим дом-дараксиз йўқолиб кетишган.

— Дом-дараксиз! Бу қандай бўлди? — деб ажабланди ҳайдовчи.

— Кўйинг, болам, уйга киринглар, келишинглар билан ҳасратлашмайлик, — деди ая уларни яна уйга таклиф қилиб.

— Йигитлар, жуда хунук воқеа бўлган экан, шуни эшитайлик, кейин кирамиз-а?

Бу кўз қисишининг тубида «сирни бой берманглар, онахоннинг севинганидан ўтакаси ёрилиб кетмасин, ҳозир бу бечора бизни танимай турибди» деган мазмун ётарди.

— Бўлмаса, кўрпача олиб чиқай, ичкарига кирсанглар бўларди, эссиэзгина, — деб уйга кириб, кўрпача олиб чиқди. Уларни ўтқизгач, бироз хаёлга ботиб, сўз бошлади:

— Тўнғиз қўпкур немис фашистлари биз билан уруш бошлигач, эл-юрт анча қийинчиликда қолди. Ҳамма бизнинг ғолиб чиқишимизга ишонса-да, нечундир кўнгли ҳам, аламга тўлган эди. Доимо қувноқ, кўзларидан кулги аримайдиган амакингизнинг юраклари сиқиладиган, бўлар-бўлмасга мен билан жанжал қилалигиган бўлиб қолдилар. «Қуриб кетсин косибчилигингиз ҳам, юрагингиз сиқилса далага чиқиб ишланг, нима, бу ҳукуматга ёрдам эмасми?» десам: «Сен қолувдинг ақл ўргатмаган, давлат менинг далага чиқиб ишлашимга қараб қолибдими, ўзинг ишлайвер, бир ўғлимни гадойчилик қилсан ҳам боқиб оламан» деб жаҳъ билан Орифжон деган олти яшар момикдеккина ўғлимни олиб чиқиб кетдилар-у, шу-шу дараклари йўқ. Ўғлимга жуда ачинаман, у дунёга келиб нимани кўрди? Ҳаётми, ўлганми буни Худо билади. Эҳ, болам, фарзанд кўру, доғини кўрма экан, — унинг кўзларида тонгда гулдан тўкилган шабнам каби ёш доналари пайдо бўлди, юзида чумолидай ўрмалаётган ёшни дока рўмолининг бир учи билан артиб, сўзида давом этди. — Фикру

ёдим ўшанда. Қани энди у ёнимда бўлса, қариганимда роҳатини, орзу ҳавасини кўрсам. Уруш ҳам элга келган тўй эди. Амакингиз тушмагур ўжарлик қилмагандан бундай мусибатлар мендан йироқда эди. Шундай бахтли тинч, хуррам замонлар келар экан. Хайр майли, тақдир экан-да, болам, тақдирга тан бериши керак.

— Ҳолажон, ўғлингизни кўрсангиз танийсизми? — деди ҳайдовчи унга тикилиб жиддий оҳангда.

Аяжон эса ногаҳон бир нотаниш киши томонидан берилган бу саволга жавоб бериш ўрнига уларнинг учовидан кўзини узмас, юраги дук-дук урап, «Ўғлим ҳақида бирор ҳабар бўлса керак» деган фикр туғилган эди. Шу чоқ Орифнинг кўнгли бўшашиб кетди. У ўпкасини тутолмай, пиқ-пиқ йиғлаб, «онажон» деб унинг бағрига отилди.

Бечора она уларнинг бирини қўйиб, бирини қучар, ўпар эди. Унинг хурсандлигидан кўтарган ҳайқириғига қўни-қўшинилар тўпланди, уйи тўй либосини кийди... «Депутат ойи» терисига сиғмай, чопқиллаб уйга кириб, мева-чевалар олиб чиқди. Одат бўйича уларни Орифнинг устига сочди, ният қилиб олиб қўйган иккита дўппи ва шоҳи белбоғни ҳамроҳларига суюнчига берди.

Ражабхоннинг уйини биладиган бир бола билан ҳайдовчи унинг уйига кетди.

Вақт ярим тундан оққанда одамлар бирин-кетин тарқала бошлиашди. Бу вақтгача улар Орифнинг ўтмишидаги ҳикоясини тинглаб, уни асраб олган, тарбиялаган, ўқитган ота-онасига таҳсин айтишиди. Ориф ҳикоясини сўзлар экан, «депутат ойи» унга тикилганча қимирамай ўтирас, хаёлга чўмиб, сесканиб ўзига келар, «тушимми-ўнгимми» деб Орифнинг елкасига қоқиб, атрофдагиларга қараб қўяр, баъзан кўзига ёш олиб: «Раҳмат ўша меҳрибонларингга, минг раҳмат! Инимга чопон, синглимга атлас кўйлак қилиб, албатта меҳмонга бораман», дерди.

Ориф Облиқдаги уйига ва Горчаковда ишлаётган Салимага бу қувончли воқеа ҳақида хат ёзди. Облиқдагилар бундан жуда севинганликларини билдириб, уларни меҳмонга таклиф этишиди. Орадан бир-икки ҳафта ўтгач, Ориф Салимани онасининг олдига олиб келди. Салиманинг бу ерга келиши жуда оғир бўлди, албатта. У келишни истаса ҳам, нечундир уялиб, розилик бермаганида Ориф: «Менинг онамни кўришни истамайсизми, менинг бахтимдан хурсанд эмасмисиз?» деб хафанаомо, қизиқ-қизиқ гаплар айтиб, уни кўндириди.

... Январь. Бўралаб қор ёғмоқда. Совуқ ўзининг сехрли қўли билан юзни ачитиб, бурунни чимчилайди. Поезд станцияга келиб тўхтади.

- Ана Ориф акам, ана Орифжон, — деган овозлар эшитилди.
- Ориф онасини вагондан тушириб, Комилжон аканинг қучоғига отилди, онаси эса:
- Фойибона, лекин дил яқин синглим сиз бўлсангиз керак, истарангиздан кўриниб турибди, — деб Хадича опани самимий кучоқлаб кўришди. Комилжон билан кўришиб:
- Орифжоннинг тўйига, унинг турмуш тўйига сизларни айтгани келдим, айланайлар, — деганида ҳаммалари:
- Ие, ие, тўй муборак, тўй муборак, албатта ўзимиз бош бўламиз, — деб самимий кулишди.

## ЎЗИМ ГАПЛАШИБ ҚЎЯМАН

Укасининг тўйи Тўйчибой учун анча олдинроқ бошланиб, меҳнат таътилига чиқиши ҳаракатига тушди.

- Мен оиласининг каттасиман, тўйга бош-қош бўлмасам, уят ахир, — деди раҳбарига вазиятни ётиғи билан тушунтириб.
- Гап бўлиши мумкин эмас, ука, — деди раҳбар ярим ҳазил, ярим чин қилиб жилмаяркан, томоқ қирди. — Тўйдан олдин чойхонада битта ошни қойиллатиб кўйсанг, эртасидан таътилни бошлайвер, мушугингни ҳеч ким пишт демайди.
- Ош сиздан айлансан, хўжайин! — тўлқинланиб кетди Тўйчибой. — Вақтини айтсангиз бўлди, ош ҳам тайёр-да, ака! Бир оғиз суханингиз!
- Майли, эрта шанбада бўлақолсин. Душанбадан тўй ҳаракатига тушиб кетасан.
- Раҳмат, хўжайин, раҳмат! Тўй ҳам сизсиз ўтмайди-да.
- Албатта, албатта, шу кунга етайлик, уч-тўртта ёру дўстлар билан тўйни безаймиз, ука. Бу томонидан кўнглинг тўқ бўлсин!
- Кутамиз, хўжайин, кутамиз!..

Тўй ўша шанба кунидан «бошланган» бўлса, қариндош-уруг, дўст-биродарларни тўйга таклиф этиш, бозор-ӯчар, дегандек яхши ташвишларга уланиб кетди. Тўйчибойнинг хурмачаси ҳам очилиб кетди. Ипакдек эшилиб, тўғри келган билан чўқишираберди. Ўзи тўйбоши сархуш бўлса, сахиylашади, тўй тўйига айланади. Шу билан бирга уни қўллаб-куватлаб, қўлтиғига сув пуркайдиганлар ҳам дарров топила қолади.

«Қозон қурар» куни эса Тўйчибойнинг «бити тўқилди». Пиёз-нинг пўстидай унинг улфати кўп эмасми, бари «тўй муборак»ка келиб, тоза шакаргуфторлик қилишди. «Сабзи тўғрар» ҳам бинойи ўтди. Эрталаб ош, лекин Тўйчибойнинг хуши ўзида эмас: таги кесилган дараҳтдек чайқалади, овози мойланмаган араванинг

гупчагидек ғичирлаб чиқади. У бу ҳолатини мастилик эмас, хур-сандчилик деб билди ва ҳаммага ақл ўргатиб, турли топшириқ берар, топшириқларини сўзсиз бажарилишини талаб қиласди. Кимдир гапини икки қиласа борми, эшитганини эшитади.

Тўй ҳам режани яхши кўради. Режасиз тўй – бош-бошдоқлик, исрофгарчилик, тартибсизликдан бошқа нарса эмас. Меҳмонларни кутиб-кузатиш, ҳар бирининг кўнглини топиш турган-битгани санъат! Масалан, дастурхонда чети учган, қінғир-қўйшиқ пиёла-чойнак қўйилса борми, меҳмон нима деб ўйлади? Албатта, ҳурматсизлик деб ўйлади-да! Биттасига қошиқ етмай қолса-чи? Ёки бирорта нозик меҳмон пойгакка тушиб қолса-чи? Э, тўйнинг мингта муаммоси бор. Шуларнинг бари тўйбошининг диққат-эътиборида бўлиши керак. Хўш, бизнинг тўйбошининг аҳволи қандай?

Уни чеккароқ бир хонага олиб киришди, бироз дам олишини уқтиришиди. Тўйчибой дарров ҳуррак ота бошлади. Қанча ухлаганини билмайди, бир пайт боши устига оппоқ ридоли киши келиб:

– Тўйчибой, вақтингиз тугади! – деди. – Тайёргарлик кўринг, наҳорда жонингизни оламан!

– Кимсиз? Шундай кунда мен билан ҳазиллашаяпсизми, тақ-сир? – деди Тўйчибой сархушлик билан жилмайиб. – Тўй нима бўлади? Наҳорга ош, меҳмонлар келади. Мен ўлиб ётсам, кел-ганлар нима дейди?

– Ҳазил-пазили йўқ, Тўйчибой, гапим рост. Юқоридан шундай фармон бўлди!

– Ўлим ҳақ, тақсир. Лекин муддатини сал орқага ташлашнинг иложи йўқми? – деди Тўйчибой ялинган оҳангда. – Бир бечора-нинг неча йиллар йигиб-териб, элга ош бераман, деган тўйини азага айлантириш адолатданми?

– Афсус, бизда илтимос инобатга олинмайди. Яратганнинг хоҳиши шу, иним. Кўнишга мажбурсиз...

Оппоқ ридоли киши аста-секин кўздан ғойиб бўлиши билан Тўйчибой ўрнидан сакраб турди-да, ўзини ташқарига урди. Ташқарини электр чироқлари нурафшон қилиб турар, ҳаммаёқ чиннидек супуриб-сидирилган, дастурхонлар тузалган, хуллас, бу ёғи тўйга тайёргарлик, ҳаммаёқ саранжом-саришта. Бу ман-зарани кўриб, Тўйчибойнинг хаёлидан шундай гаплар кечди: «Наҳотки, шунча тайёргарлик азага бўлса? Ё, тавба! Эрталаб гурра-гурра одамлар ошга, деб келишса-ю, эшик олдида ука-ларим белбоғ боғлаб туришса-я?»

Тўйчибой ўйлаганларидан эти жунжикиб, юраги товонига тушди, бадани қалтиради. У оҳиста юриб, ҳофизларга ҳозирланган ёғоч сўрига бориб ўтирди. Атрофга яна бир бор разм солди. Ҳовли тўридаги пешайвонли уйдан тўй тараффуди билан елиб-югуриб юрган саксон ёшлардаги онаси шу томонга кела бошлади. Тўйчибойнинг олдига келгач:

— Яша, болажоним! Ука-сингилларингга бош бўлиб, мени курсанд қилдинг! — деди ўғлиниңг елкасига қоқиб. — Қани энди шу кунларни отанг кўрса эди? Начора, насиб қилмаган экан! Жойи жаннатда бўлсин!. Келинимга ҳам раҳмат! У ҳам сендан кам меҳнат қилмади. Иккаланг кўш хўқиз бўлиб, шу рўзгорни бут қилдинглар. Худо хоҳласа, шу қилган яхшиликларинг болаларингдан қайтади, иншооллоҳ! Мен, сизлардан мингдан минг розиман, болам! Ишқилиб, яхши кунларингни кўрай, ғамларингни кўрмай. Тўй деб анча чарчадинг, болажоним. Неча кундирки, тиниминг йўқ. Бир пас чўзилиб, дамингни ол, ҳадемай меҳмонлар кела бошлайди.

Тўйчибой онасининг ўзгача завқу шавққа тўла гап-сўзларидан кувонса, келган ваҳийни ўйлаб, ич-ичидан зил кетарди: «Эй, меҳрибон онагинам! Бугунги шодлигинг бир неча соатдан кейин бошингга не-не алам бўлиб қайтишини билсанг эди! Кувончдан порлаётган кўзларингдан ҳали замон аччиқ-аччиқ ёшлар тўкилади-ку! Суянган тогинг сени ташлаб кетади! Ўн гулидан бир гули очилмаган ўғлинг сўлади! Алвидо, онагинам! Сен ҳам мендан рози бўл!»

Тўйчибойнинг кўзларига беихтиёр ёш келиб, томоғига бир нарса тикилди. «Бирор ўлганда, унинг жасади тепасида айтиб-айтиб, овоз чиқариб йиглаш ҳам санъат, — деб қўйди ўзича ва кимдир эсига тушиб, атрофга олазарак боқди. — Айтмоқчи, фалончининг овози чиқмаяпти? Ҳабари бўлмагандир-да ҳали. Эшитганида келарди. Йиглашни қотиради-да, барака топгур: сув деганда шарбат берган жигарим! Нон деганда новвот берган жигарим! Бу дийдиёдан кимнинг жигар-бағри хун бўлмайди, дейсиз. Албатта унга хабар бериш керак! Айтмоқчи, унга хабарни ким беради?»

У савол назари билан ҳовлига тикилган эди, кенжатой укасини кўриб, олдига чорлади:

— Акаларингни чақир!..

Бир зумда тўрт ака-ука Тўйчибойнинг олдига қўл қовушириди:

— Бирор камчилик борми, ака?

— Назаримда, тайёргарлик яхши, — деди Тўйчибой.

— Ошпаз билан чойхоначи хизматда, новвой ҳам нонни ис-сиқ-иссиқ етказиб беради, — дейишиди укалар бараварига.

- Фақат, — деди уларнинг гапини бўлиб Тўйчибой ва бирдан кўзига ёш олди.
- Нима, фақат? — деди укалардан бири. — Нимадан кўнглингиз тўлмаяпти?
- Тўйда мен бўлмайман-да, — деди Тўйчибой маҳзун оҳангда.
- Нега? Нима учун? — укаларнинг саволи шундай бўлди.
- Хабар келди, — деди ака.
- Қандай хабар? Кимдан?
- Азоил келиб, огоҳлантириб кетди. Наҳорда жонимни олармиш!

- Нима деяпсиз, ака? Балки туш кўргандирсиз?
- Йўқ, туш эмас, ҳақиқат!
- Наҳотки тўйимиз...

— Афсуски, шундай! Яхши-ёмон гапирган бўлсан, мендан рози бўлинглар! Ош ўтгунча бу ҳақда ҳеч кимга билдириманлар, ҳатто онамга ҳам, тушунарлими? Тўй азага айланмасин!

— Акажон, нима деяпсиз? Ҳазиллашманг! Ахир, сизсиз тўй ўтадими? Отамиз ўрнида отамизсиз-ку!

Ака-укалар кўзларига астойдил ёш олиб, ҳўнг-ҳўнг йиглашди. Шу пайт қаердандир Тўйчибойнинг хотини пайдо бўлиб, ака-укаларнинг дийдиёсини эшишиб қолди.

— Ҳа, нима гап? Тинчликми? Жам бўлиб олиб, яна қанақа режа тузяпсизлар? — деди қўлини белига тираб. Қараса, ака-укалар бас қиласидиган эмас, хотин бирдан жиддий тортди: — Нима! Нега йиғлайпсизлар?

— Мен кетадиган бўлиб турибман, хотинжон, — деди Тўйчибой кўз ёшини енгига артиб. — Шунаقا хабар келди.

— Қаёққа? — ажабланиб сўради хотин. — Ошни ташлаб қаёққа кетмоқчисиз?

- Қаёққа бўларди, дорилбақога-да!
- Бу гапни ким айтди сизга?
- Азоил келиб-кетди.
- Ўша Азоилингиз бекорларнииг бештасини ебди! Ҳали ўзимизнинг яна беш боламизни уйлантиришимиз керак, сизга жавоб берадиган аҳмоқ йўқ! Ҳеч қаёққа кетмайсиз!

— Ихтиёр менда бўлганида эди... Наҳорда олиб кетаман, деди...

— Кетмайсиз, дедимми, вассалом, ҳеч қаёққа кетмайсиз! Қани ўша Азоилингиз? Менга кўрсатиб қўйинг-чи, ўзим у билан гаплашаман. Сиз жинни бўлиб қолгансиз! Аввало, тўйбоши деган, ана у зормандани камроқ ичади. Тўй бошланибдики, шишанинг ичига кириб олгансиз. Энди «ўламан Саттор», деб ҳаммани

куйдириб юрибсиз. Бир оз тиниқиб дам олинг, ҳаммаси ўтиб кетади! Ваҳиманғиз ҳам қурсин!

— Ахир, Азроил...

— Қўрқманг, ўша Азроил келса, менга рўбарў килинг!..

Хотин қаҳқаҳ отиб уйга кириб кетаркан, унинг важоҳатини кўрган киши: «Бу аёл Азроил билан бемалол гаплаша олади», деб ўйлаши шубҳасиз эди.

## ТАЛВАСА

Мужгонийнинг қўли ишга бормади. Гўё бирор ўласи қилиб ургандай, аъзойи-бадани қақшайди, боши қовоқарининг инидек гувиллайди, дам-бадам кўнгли озади. «Қани энди бир коса муздек қатиқ бўлса», деб ўйлади. Иложи бўлса, ўрта йўлда узала тушсаню, ерга бағрини бериб ётса. Унинг бу ҳолга тушишига хотини Оқилахон сабабчидек гўё. Шу учун бўлса керак, ҳар икки галининг бирида хотинига заҳрини сочади.

Кейинги пайтларда кўпроқ ичса, уни ваҳима босадиган, уйқуси қочадиган бўлди. Бунинг устига, кўзга кўринмас кишилар кулогига шивирлайдиган бўлиб қолган. Икки-уч кундан бери бу овозлар анча яқиндан эшитиладиган бўлган: «Эркакман, деб юрибсиз-да, Мужгоний! Хотинингиз уйда бўлмайди. Уйдан эрта чиқиб, кеч қайтасиз, ҳеч гапдан хабарингиз йўқ». Бундан Мужгонийнинг юраги ғаш бўлиб, аламини ароқдан олади... Бир пайтлар бошида шляпа, бўйнида галстук, юришлари сипо Мужгонийга кўрганларнинг ҳаваси келарди. Қадди-қомати келишган, хушмуомала бу йигит тузуккина мутахассис эди. Бир-икки ихтиросига катта-катта мукофот олди-ю, оёғининг тагини йўқотиб қўйди. Шундан кейин саломга алик олмайдиган, маҳаллага қўшилмайдиган бўлди. Ўзига улфатлар топиб, кунда ичадиган одат чиқарди.

У бугун ҳам шубҳа билан ишдан қайтаркан, дўкон ёнидаги кунда-шунда улфатлари билан ичиб, дўппи ҳидлашди-да, кейин уйга кирмоқчи бўлди. Қараса, эшик ичкаридан берк, бирдан ҳаприқиб кетди. Эшикни зарб билан тепган эди, эшик очилди-ю, Оқилахон кўринди. — Биз ҳам кирсак майлими? — деди эр истеҳзоли кулиб.

— Ичмай келадиган кунингиз борми? Юрагимни қон қилиб юбордингиз-ку! — деди хотин зарда билан. Бу эр учун баҳона бўлди.

... Ўринсиз таъналардан силласи қуриган Оқилахон йиглай-йиглай ухлаб қолди. Мужгоний ҳам кайфи бироз тарқади шекилли, жавраб-жавраб ётишга тараффудланди. Ётишдан олдин пичоқ билан болтани каравот остига келтириб қўйди. Назарида, хотини

аллакимлар билан тил бириктириб, уни ўлдиришмоқчи. Ҳар эҳтимолга қарши тайёргарлик күриб қўйиши керак-да. Алла маҳалгача уйқуси қочиб, хаёл сурин ётди. Яна ўша нотаниш овозлар эшилди. У кўзини юмиб, бошини кўрпа остига тиқди. Бироқ, овозлар пасайиш ўрнига зўрайди: «Ишонмасанг, бу ёққа қара», дейишиди улар. Мужгоний кўрпа остидан бошини чиқариши билан «тап» этган товушдан чўчиб тушди.

— Ким?

— Биз! — уй бурчагидан эркакча товуш эшилди. Мужгоний қараса, уй бурчагида иккита нааша турибди: бири олдинги оёғини бир-бирига ишқалаб, иккинчиси қанотини силаб-силаб, бир пайт бинойидек одамга айланди. Мужгоний тарашадек қотди-қолди.

— Рұксатсиз бирорнинг уйига киришга ким сизларга изн берди? — деб сўради Мужгоний ўзига келгач, — ҳеч бўлмаса эшикни тақиллатсаларинг бўларди. Ичкарида аёл бордир, деб ҳам ўйламадингларми? Сизларга эшикни ким очди?

— Бизлар эшикдан кирмадик, — деди қўл қовуштириб тургани кулимсираб.

— Унда қаердан кирдинглар?

— Дераза тирқишидан, — деди иккинчиси.

— Жуда осон! Хоҳласангиз сизга ҳам ўргатиб қўямыз, — деди биринчи йигит чўнтагидан бир шиша ароқ чиқариб, стол устига қўяркан. — Биз хоҳласак, пашшага, хоҳласак, одамга айлананимиз мумкин.

— Жуда ажойиб-ку!

— Ҳа, ажойиб! — деда Мужгоний ўйланиб қолди: «Уларнинг ҳунарини ўрганиб олсан ёмон бўлмас экан. Бир думалаб пашшага айланардим-да, бирорнинг чўнтагидан пулини олиб, улфатларни хурсанд қиласдим».

— Бизларни бу ерга бир аёл таклиф этган эди, — деди улардан бири лабидан сўлак оқизиб.

— Қайси аёл? Менинг хотинимми?

— Билмасак, у эрим уйда йўқ, деган эди, шекилли.

— У билан кўпдан бери танишмисизлар?

— Ҳа, анчадан бери.

Мужгоний кўзларини катта очиб, кўрсаткич бармоғи билан хотинини кўрсатди:

— Мана шу аёлми?

— Худди шу, — дейишиди ҳар иккаласи бараварига. Мужгоний титраб-қақшаб қўлинини каравон остига юбориб, болтани олди.

— Шошманг, биродар! Сизга ҳунаримизни ўргатайлик, кейин майли, — дейишиди йигитлар,

— Керак эмас! — деди Мужгоний ва болтани күтарган эди, улар сариёдек эриб, күздан ғойиб бўлишиди. Мужгоний энди хотинига ташланди:

— Ҳали сен ўз эрингга хиёнат...

... Мужгоний кўзини очса, деразалари темир панжарали касалхонада ётибди. Беморлар ҳам савдойи: бири йигласа, бири кулади. Мужгоний ёнидаги bemорга сўз қотди:

— Қаеринг оғрийди, оғайни?

— Жигарим. Жигарим шишиб кетган, — жавоб берди bemор.

— Бу нимадан бўларкан?

— Ичкиликдан-да!

— Бу қанақа касалхона ўзи?

— Вой, қаерга келиб қолганингни билмайсанми ҳали, жинни?

Мужгоний қаерга келиб қолганини билди-ю, аламдан инグラб юборди.

## БИР ПАРЧА ГЎШТ

Касалхонада сўзамолгина йигит билан ҳамхона бўлдим. Муолажадан сўнг, айниқса, ҳордиқ пайтида, ўтган-кетганни эслаб, гурунг қиласиз. Менинг гапиришга унчалик ҳушим йўқлиги боис, кўпроқ у гапиради, мен бўлсам, Сарибойнинг Шум болага берадиган машҳур саволини тез-тез эслатаман:

— Иннайкейин?

Бундан руҳланган ҳамхонам тўлқинланиб кетади. У гапираверади, мен орада бир оз мизғиб ҳам оламан. Кўзимни очсан, у ҳамон гапираётган бўлади.

— Иннайкейин? — саволни қайтараман.

— Э, тоға, ёш бўлсам-да, кўп бурди-балоларни бошимдан ўтказганман, — дейди у. — Қишлоқ боласиман-да, дала ишлари борми, мол боқиш борми, барига қўлим ўралаверади. Лекин ўқишига унчалик тобим бўлмади, амаллаб ўрта мактабни тугатиб олдим.

— Иннайкейин?

— Дадам вилоятда анчайин обрўли одам: аҳолини газ ва сув билан таъминлаш корхонасининг раҳбари. Кўпчиликнинг ҳожатини чиқарадилар, ошна-оғайнилари бисёр. Шу десангиз, мен мактабни битирадиган йили вилоят политехника институти газ, сув қувурларини алмаштирадиган бўлди. Улар албатта, дадамга мурожаат қилишган. Дадам бу ишни қисқа муддатда бажариб, навбат ҳисоб-китобга тақалганда, институт раҳбарияти бошини қашиб қолган ва дадамга ялинишга тушиштан:

— Жон ака, болаларингиз бўлса, ўқитиб берамиз. Бу ёғига рози бўлинг...

Шу пайт, турган гап, дадамнинг эсига мен тушганман.

— Демак, сендан угина, мендан бугина, — деган дадам. — Майли, харажатларни амаллаб ёпамиз. Эвазига мен сизларга бир парча «гўшт» олиб келиб бераман, шуни одам қилиб берсаларингиз бўлди.

— Бир парча гўшт? — ажабланган институтдагилар.

— Ҳа, бир парча гўшт, — деган дадам оғзини тўлдириб. — Бир ўғлим бор, шуни ўқитиб берасизлар. Суяги меники, гўшти сизларники, келишдикми?

Савдо пишгач, дадам мени қишлоқдан қушхонага олиб бориляётган ҳўқиздек институтга етаклаб бордилар ва қўшқўллаб домлаларнинг қўлига топширдилар. Домлалар менга караб кулиши:

— Бунингизни турган-битгани суюк-ку, — дейишди. Дадам ҳам сўзга чечан одам:

— Қўй бир терининг ичидаги неча бор семириб, неча бор озади. Бу ҳам бир қўйдай гап-да, озгин бўлса, семиртириб берасизлар!

Шундай қилиб, институтга жойлашдим. Ўқишилар ҳам бошланиб кетди. Биринчи кунданоқ хол қўйдим. Нимага дейсизми? Битта варақани тўлдириша қирқ учта хато килибман.

— Иннайкейин?

— Иннайкейин десангиз, варақа варақа бўлмай қолди, нақд лолазор бўлди. Мени-ку қўяверинг, юзим шолғомга айланди.

— Иннайкейин?

— Нимасини айтай, тоғажон, — у давом этди: — «Бошга тушганини кўз кўрар», деб ўқий бошладим. Лекин каллага ҳеч вақо кирмайди. Домлалар боғдан келса, мен тоғдан келаман. Бир куни декан олдига чақириб олди.

— Сендан ҳаракат, биздан баракат, ука, — деди койиган бўлиб. — Озгина ҳаракат қил-да бундоқ. Бизни ҳам уятга қўйдинг-ку. Агар ўқигинг келмаса, дадангга айт, бир келиб-кетсин!

Дадам бир қўйни нимталаб олиб келганларидан кейин, декан мени тинч қўйди. Ҳуллас, учинчи курсни битиргунимча, беш қўй ва бир новвоснинг гўшти деканнинг томоғидан ўтди.

— Иннайкейин?

— Э, тоға, боғланган ит овга ярамас экан, — тушкун кайфият да давом этди йигит. — Дадамнинг ҳам бунга ақллари етиб қолди. «Ўқимай қўяқол, ўғлим, ўқимаганлар ҳам кунини кўриб юрибди-ку! Юр, қишлоққа, декандан омон қолган қўйларни дала-даштда боқиб, тоза ҳавода яйраб юрганга нима етсин», деди дадам ва мени қишлоққа олиб кетди.

— Иннайкейин?

— Бир куни қизиқ бўлди-да, — завқланиб кетди йигит, — дадам, ғунажинни қўшни қишлоқдаги буқага «учраштириб» кел, дедилар. Мен ғунажинни етаклаб кетаётсан, собиқ синфдошим Умрихон олдимдан чиқиб қолди.

— Бозордан келяпсанми? — деб сўради мэндан. — Ғунажинни неча пулга олдинглар?

— Қанақа бозор, — дедим ҳовлиқиб. — Қўшни қишлоқдаги буқанинг олдига олиб боряпман.

Умрихон лабини буриб, «Қўшмачи» деди-ю, олдинлаб кетди.

Мен йигитнинг соддалигидан кулдим ва яна қадимий саволни тақрорладим:

— Иннайкейин?

— Э, яхши иш бўлмади. Буқани важоҳатини кўрган ғунажиннинг бир пасда кўзи ола-кула бўлиб, жон таслим қилди. Сўй десам, қондан кўрқаман. Ҳаром ўлди, жонивор. Ўлмагандан, жуда узоқ яшарди. Ғунажин ўлгаңдан кейин менинг ҳам ишим чаппасига кета бошлади. Армияга бориб, бир ой деганда қайтиб келдим. Ичимда касалим бор эмиш. Ўт пуфагим касалмиш. Тўгри-да, ўт пуфаги ўт ишлаб чиқармаса, юракда ўт нима қиласди? Юрагида ўти борлар армияда хизмат қиласди-да, шундай эмасми, тога?

— Шундай, — дедим унинг гапини маъқуллаб. Лекин эртаси жуда қизиқ воқеа бўлди. Ҳамшира «зонд ютасиз», деб олдига найча қўйиб, нарига хонага чиқиб-келгунича, йигитчамиз найчани чайнаб, қарийб ярмини ютиб қўйибли. Бунга ҳам кулдим, ҳам ачиндим. Йигирма бешга қадам босган йигитнинг то ҳануз бир парча гўштлигича қолгани мени ўйга толдирди.

## ЮМШОҚ СУПУРГИ

Метро бекатида турсам, ноҳос қулоғимга таниш овоз эши-тилди:

— Во-ей, намунча тиқиласиз? Қовурғамни синдириб юборай дедингиз-а, ўргулай!

Беихтиёр ўша томонга қарагандим, жиккаккина одамга кўзим тушди. Унинг чехраси иссиқ қўринган билан, ҳадеганда таниёлмадим. Шу пайт унинг ҳам кўзи менга тушди ва тилла тишларини ярақлатиб жилмайди:

— Султонмисан?

Кўпчиликдан хижолат тортиб, бошимни қимирлатиб қўйдим. У мен томонга силжиди.

— Күзимта оловдай күриндинг-эй! Қани энди тиқилинч бүлмаса, бир бағирлашиб күришардик, — қилпантлади у.  
— Ҳечқиси йўқ, — дедим қўл узатиб. — Ўзгарибсан, танимай қолдим.

Шу пайт у илондай буралиб, интраб юборди:

— Во-ей, қўлинг бунча қаттиқ! Омбурдай-а, қўлимни узиб олай, дединг-ку! — деди у ўнг қўлини ҳаволатиб.

— Нима, ҳали ҳам қўлингни совуқ сувга урмай юрибсанми? — деб сўрадим.

— Ўлсин, ҳозир қўлни совуқ сув тугул балчиққа ҳам тиқиб юрибман, ўргоқжон! Тирикчилик, деб эртаю кеч тинмайман. Қўлим юмшоқ бўлгани билан товоним тошга айланди-ку!

— Кўп юрасанми?

— Бош ишламаса, оёққа жабр-да, ўртоқжон. Вақти-да ўқиганимда, сизларга ўхшаб юрадим... Буни қара, кўришмаганимизга ҳам ўттиз йилдан ошибди! Сен ўзгармабсан, ўша-ўша. Мен қариб қолдим.

— Соқол қўйган одам қарирканми? — дедим унинг кўнглини кўтариб. — Соқолингни демаса, ҳеч ҳам ўзгармагансан.

— Энди олма билан ўрик бўлармидик, — яна нолиди у. — Куриб кетмагур соқол ҳам бир даҳмаза экан. Кунора тартибга келтириб турмасанг, патак бўлади-қолади. Ҳар куни кўзгуга қарайман.

— Мактабда ҳам чўнтағингдан кўзгу тушмасди.

— Памитинг зўр-да, ўша кунлар ҳали ҳам эсингда экан!

— Ҳозир нима иш қиласан?

— Бозордаман, ўртоқжон, насибамни бозордан териб юрибман. Аслида бунга сабабчи хотиним. Қўярда-қўймай бозорга ҳайдади мени. Оёқ тирасам, қизимизнинг узатилиши-ю, ўғлимизнинг уйланишини пеш қилди. Ноилож олдига тушдим ва дастлаб ишни тижоратчи хотинларга қўшилиб, четга чиқиб-келишдан бошладим. Ҳар тугул ёмон бўлмади. Чўнтакка уч-тўрт танга тушгач, бозорга ўзим югурдиган бўлдим. Шу-шу, бозорчига айландим, ўртоқжон.

— Синфдош болаларни, тўэс, қизларни кўриб турибсанми?

— Вой, қаердан кўраман? Мактабни битириши-ю, ҳаммаси бирин-кетин эрга тегиб кетди. Авваллари уларнинг эрлари билан танишиб, бир неча йил борди-келди қилиб юрдик. Кейин нима жин урди, гап-сўз йўқ, узоқлашиб кетдик. Тўрт ўғил, уч қизга ота бўлдим, қуда-андам бор... Вой, ўлай, гап билан тушадиган жойимдан ўтиб кетай дебман, — деди у ўзига хос нозу карашма билан хайрлашаркан. Кейин иккита катта юк халтасини аранг кўтариб, навбатдаги бекатда тушиб қолди.

Унинг орқасидан қараб қоларканман, болалик кунларимизни эсладим. Ҳалимдеккина бўлиб ўсган бу дўстимиз бошқачароқ зди, қиликлари кўпроқ, қизларнига тортиб кетарди. Эҳтимол, оиласдаги муҳит таъсир қилгандир. У тўққиз қиздан кейин туғилган ёғиз ўғил эди-да. Бизларнинг даврамизда юрарди-ю, қовушолмасди, дарров қизлар томонга ўтиб оларди. Мабодо эркакча гап қилиб қўйсак, уятдан қизариб кетарди ва «Одам жуда уялиб кетди-ку», деб қўярди... Яхши, қиличдай хотинга тушибди, бўлмаса, ҳали ҳам миёвлаб юрарди. «Эрни эр қиладиган хотин», деганлари шу бўлса керак-да!

## БУРУНБОЙ

Касалхонада ётганимда, хонага бир киши кирди. Рости, ўзидан олдин бурни кирди хонага.

— Зерикмайгина ётибсизми? — деди у жилмайиб. Кейин бармоғи билан узун бурнининг учини аста қашиб қўйди. — Қанақа касаллик билан ётибсиз?

- Томоқ, ангинам бор, — дедим.
- Ашулачимисиз? — деб сўради у томдан тараша тушгандек.
- Нима, фақат ашулачиларнинг томоғи оғрийдими? Ўқитувчиман!
- Ҳа, унда касбий касаллик экан. — Ўзингиз-чи?
- Бизники — бурун.
- Бурун? Бурунга нима қилди?
- Сўраманг, бари бурунги гап, — деди у яна бир бор бурнини қашиб. — Ёшлиқдан одат бўлиб қолган, бўлар-бўлмас жойга ҳам савил қолгур шу бурунни суқиб юраман. Ҳидни ҳам зўр олардимда. Қўшнимизнинг сигирини сутининг ҳидидан модами, нарми туққанини айтиб берардим. Мактабда-ку, қўяверинг, қизлардан ҳид олиб, сочини нимада ювишини билардим.
- Нима, ҳамманинг бошини ҳидлаб юрармидингиз?
- Менда ички сезги бор эди-да. Ўқитувчиларни ҳидидан танирдим. Синфдош болаларнинг қайси бириникида ит, қайсиникида мушук борлигини аниқ айтиб берардим.
- Йўғ-е, ошириб юбормадингизми?
- Менда узоқдан ҳид олиш қобилияти ҳам бор эди-да.
- Зўр қобилияtingиз бор экан.
- Э, бунаقا қобилият бўлганидан бўлмагани яхши эди, — бирдан нолиб кетди у. — Шу, бурнимни суққан сримдан, бурним қонаб чиқади. Ҳафталаб қўзимнинг ости кўкариб юради. Кўр-

ганлар: «Яна қаерга бурун сүқдингиз?» деб сўрайди. «Палон жойга», десам, «У ер сиз бурун суқадиган жойми?» деб дакки беришади. Маҳалладагилар «Бурунбой» деб лақаб қўйишган.

— Бу ерга...

У дарров гапимни юлиб олди.

— Кўриб турибсиз, бурун шолғомдай бўлиб кетган. Бурундан нафас ололмай қолдим. Кечалари отган хуррагимдан уй титраб кетади. Шуни даволатгани келдим бу ерга.

— Фойдаси бўляптими?

— Бурундан нафас ола бошладим, лекин нимагадир ҳид ололмаяпман! Шуниси чатоқда. Дўхтирларнинг айтишига қараганда, энди бурнимга мушт тупса ҳам сезмасмишман.

— Бу яхши-ку. Бўлар-бўлмас жойга бурун тиқишидан қутилибсиз.

— Қутилишга қутилдим-у, ишим нима бўлали?

— Қаерда ишлайсиз?

— Атири заводида синовчиман-да...

## САРИЁФ МАҲСУМ

Кейинги пайтларда улфатлари унга «Сариёф маҳсум», деб лақаб қўйиб олишди. Нима қилсин, шу лақабни ўзига ўзи сотиб олди. Уч-тўртта одам тўплланган ерга Маҳсум келиб қолса, ўз ўзидан сухбат мавзуси сариёққа бориб тақалади. Бир ерга меҳмонга борса, еса-емаса, олдига сариёф келтириб қўйишади:

— Озгина сариёфдан олинг, бўёғи яхши кетади!..

Бунинг бошланиши бундай бўлган эди. Бир куни улфатлар жам бўлиб, шакаргуфткорлик бошланганда, Маҳсум "кашфиёт"ини ўртага ташлади:

— Аввал бир бўлак сариёғни ютсанг, кейин қанча иссанг мойдек кетавераркан, — деди у.

— Бунақасини биринчи бор эшитишимиш, — ажабланишди улфатлар.

— Хўп денглар, сариёғда хосият кўп, — фикрини давом эттириди Маҳсум.

— Қанақа хосият?

— Бирор каттароқ жойга бошлиқ бўлдингиз, — деди Маҳсум. — Ҳар куни турли хил одамлар билан ўтирасиз. Ўтиргандан кейин ана ундан бўлмаса, гап гапга қовушмайди. Меҳмоншорчилик кўп бўлади. У ерда ҳам албатта, ичкилик бўлади. Кўзингиз қиймайди, олишга мажбурсиз. Шунақа пайтда бир

бўлакча сариёғни ютиб юборсангиз, олам гулистон! Сариёғ ичакларни мойлаб, сув юқмас қиласди. Кейин ҳар қанча иссангизда, маст бўлмайсиз.

— Буни қаердан биласиз? — деб сўрашди улфатлар.

— Биттаси ўргатди-да, отини сўраб нима қиласизлар! — деди Махсум иддао билан. — Мана, мен неча марта синадим, дуруст. Энди уйдан сариёғ аримайди. Бугун, бу ерга келишдан олдин совутгичга қарасам, сариёғ йўқ. Болалар нонга суртиб, пок-покиза туширибди. «Хой, — дедим, — сариёғни есаларинг енглар, лекин менинг тегишимга тегманлар!»

— Ёпирай?

— Ҳа, шунаقا, дўстларим!

Махсумнинг айтганига кириб, ўртага сариёғ тортилди. Кейин нима бўлди, денг? Махсум ҳаммадан олдин чўзилиб қолди. Эҳтимол, у сариёғдан камроқ егандир?

## ИСМИ «Қ» ҲАРФЛИ ҚАРИНДОШ

Ота-оналар доимо эҳтиёткор бўлишади. Болаларига: «Кўча эшикни ёпиб юринглар. Эшик тақилласа, очишдан олдин кимлигини сўранглар. Бегонага эшик очманглар. Акс ҳолда, уйга шайтон кириб келиши, сўнг турли кўнгилсизликлар рўй бериши мумкин», деб тайинлашади.

Болалар-чи? Улар: «Шайтон эшикдан қандай киради? Унинг кўриниши қанақа: одамга ўхшайдими ёки бошқа нарсагами? У қандай ёмонлик олиб келиши мумкин?», деган саволларни бериши табиий.

Бу саволларга ота-оналар тахминан шундай жавоб беришади:

— Масалан, куппа-кундуз куни эшик тақиллаб қолди, дейлик, — деб бошлашади улар. — Кимлиги сўралмасдан эшик очилса, таниш ёки нотаниш одам турган бўлади. Таниш бўлса, дуруст. Бегона бўлса-чи? Мабодо у ёмон ният билан келган ўғри бўлса-чи? Эшик очилиши билан у ўзини ичкарига уради, уйдаги ҳамма нарсани олиб кетади.

Бир куни ишдан ҳориб-чарчаб келсам, менга пешвоз чиққан олти ёшли ўғлим Бахтиёр, бугун кимдир эшигимизни тақиллаттанини айтиб қолди.

— Ким? — деб сўрадингми?

— Сўрадим, — деб жавоб берди у. — Мен, тоғангман, деб айтди. «Қайси тоғамсиз?» деб сўрасам, «Ҳа, энди бигта тоғангманда, эшикни очавер, жиян», деди ва уйда ким борлигини суриштириди. Мен, унга уйда ёлғизлигимни айтдим-у, негадир юрагим

така-пука бўлди. Назаримда, ҳозир шайтон ичкари кириб, бир кор-ҳол юз берадигандай. У яна эшикни очишими сўради.

— Шунда ҳам сен эшикни очмадинг? У ҳеч бўлмаганда исмини айтдими?

— Айтди, — деди Бахтиёр бошини қашиб, — исми «Қ» ҳарфи билан бошланади. Нима эди-я? Шундоқ тилимнинг учидатурипти.

— Бирор гап дедими у? — сўрадим мен.

— «Оббо, жиян-еъ, мендек тоғангни танимадинг», деди. «Тоғам бўлсангиз, адам билан ойимнинг исмини айтинг-чи?» дедим. Лекин у исмларингизни айттолмаса-да, дўжтир эканлигинизни айтди.

— Кейин нима бўлди?

— Кейин у «Майли, эшикни очмай қўяқол. Аданг ишдан келса, палончи тоғам келдилар, оналари қазо қилган экан, шанба куни наҳорга ошга борар экансиз, деб тайинлаб қўй», деди.

— Ким бўлди экан? — дедим ўзимга-ўзим савол бериб.

— Ислами «Қ» ҳарфидан бошланади, — деди ўғлим яна бир бор. Эр-хотин уни сўроқقا олдик:

— Қобилми?

— Йўқ.

— Қурдатми? Қамариддинми?

— Йўқ.

— Қамариями?

— Ҳа, ҳа, — деди ўғлим калаванинг учини топгандай бўлиб.

— Ие, Қамария бўлса, ўзингнинг катта ойинг ўлиптилар-да! — дедим кўзимга ёш олиб. — Наҳотки?

— Йўқ! — деди ўғлим. — Бошқасини айтинг, Қамария эмас!..

Алламаҳалгача исми «Қ» ҳарфи билан бошланадиган қариндош-уругларни бирма-бир эсладик, лекин қайси бири эканлигини билмадик.

Эрталаб вақтли туриб, болалигим ўтган маҳаллага бордим, ҳаммаёқ жим-жит, ҳеч қандай маъракага тайёргарлик йўқ. Ишхонадан божаларга, амаки-жиянларга қўнгироқ қилиб, исми «Қ» ҳарфи билан бошланадиган қариндошларни суриштиридим. Ҳеч гап йўқ.

Орадан икки ҳафта ўтгач, кўчада қариндошлардан бирини учратиб қолдим. У Қумрихон аммамнинг эри Қосимжон ака эди.

— Ўғилчангиз ёш бўлса ҳам, эҳтиёткор экан, — деб қолдилар кулиб. — Икки ҳафта бурун эшигингларга борсам, «кимсиз» деб эшикни очмади. Онамизнинг маъракаларига айтгани боргандим.

Ўғлимнинг эҳтиёткорлиги учун мен қизариб кетдим...

## ҚҰШНИЛАР

### Хикоя

Одилжон хизмат сафаридан қайтар экан, күча бошида маҳалладош йигитни күриб қолди.

— Эшитдингизми? — деди йигит у билан сўрашаркан. — Собиржон қизини чиқаряпти. Кечқурун чиқинг, гаплашиб ўтирамиз.

— Уйга айтган бўлса, албатта... — жавоб берди Одилжон. Чунки у тўйга айтилмаганини биларди.

— Қизиқмисиз? Кўздай қўшнини айтмай кимни айтади! Кечқурун чиқинг, албатта.

Одилжон Собиржоннинг тўй қилаётганини эшитиб жуда фалати бўлиб кетган эди. Бир томондан, ён қўшнисининг кўпдан бери лой чанталлаб, зўри зар билан янги уйини битириб, қиз чиқараётганига қувонса, иккинчи томондан, бўлиб ўтган бир кўнгилсиз воқеа ич-ичини кемириб, қўшнисидан уялиб юрарди.

Озмунча гап-сўз, таъна эшитдими у? Собиржон бу маҳаллага яқинда кўчиб келган ва ҳаммадан бурун Одилжон билан танишган. Икки қўшни кўпинча кечқурунлари кўчага сув сепиб, эшиклари олдидағи супачада шахмат суришарди. Одилжон кези келганда маҳалланинг катта-кичиги билан уни таништиради.

Собиржон янги кўчиб келгани учун қўни-қўшниларни уйига чақирмоқчи бўлди. Одилжон ўзи бўш бўладиган кунни тайинлади. У келадиган меҳмонларни кутиб оладиган бўлди. «Собиржоннинг ёлғизлигини билдиримайлик», деган қўшнилар эргароқ келиб, қўлларидан келган ишга уннаб кетишиди. Бирор самовар қўйди, бирор сабзи артди.

Одилжон пешинга яқин танбур кўтариб чиқди. Уйқуга тўймаган бўлса керак, ранги оқаринқираб турар, кўзлари ич-ичига тушиб кетганди. «Эштайлик», деганларга ярим соат танбур созлаб, кўзини юмидан узундан-узоқ бир жуфт хиргойи қилди-да, сўнг танбурни токчага тираб қўйди. У игна устида ўтиргандай, жуда бетоқат, дам-бадам томогини қириб йўталар, соатга қааради. Охири сабри чидамай ўрнидан турди-да, Собиржонни бир четга тортди.

— Биласизми, қўшнижон, — деди у айб қилган боладек ердан кўз узмай, зўрма-зўраки илжайиб, — ҳамкасабалар бир ердан иш олиб қўйишган экан, соат тўртда учрашмоқчи эдик. Бораману, узримни айтиб, қайтиб келаман, хафа бўлмайсиз.

— Ахир, сиз бўлмасангиз бу ёғи қандай бўлади? Мен кўпчиликни танимайман-ку! — деди Собиржон мулоиймлик билан.

— Биласизми, дүстим, бораман-у, изимга қайтаман, хотирингиз жам бўлсин. Ўзим келиб ўтиришингизни қизитиб бераман. Мана, танбурни қолдириб кетяпман-ку.

— Нима дердим, зоримиз бору зўримиз йўқ, ака.

Кутиш ёмон нарса. Кутган одаминг ўз вақтида келса — тузук. Келмаса, дилинг сиқилиб кетади. Собиржоннинг дили сиқилди. Лекин қўни-қўшни, ёр-дўстлари тўпланиб, унинг кўнглини кўтаришди. Баъзилар токчадаги танбурга имо қилиб, «ting-ting» и келибди-ю, ўзи келмапти-да, асбобининг қадрига етмаган, ўз қадрини на билсин», деб асқия ҳам қилишиди.

Меҳмонлар орасида хушовоз йигит бор экан, йифинни шундай қизитиб бердики, ҳамма хурсанд бўлди.

Одилжон эртасига Собиржондан узр сўради. Собиржон:

— Ўша ерда қистириладиган яканни биз ҳам қистиардик, — деди.

— Гап унда эмас, Собиржон!

— Гап унда бўлмаса, буғдойдами?..

Шу воқеадан кейин қўшилар бир-бирларини кўрганда, ер остидан саломлашадиган бўлишиди. Бу ҳам етмагандек, чойхонала уч-тўртта шинавандалар Одилжонни ўртага олиб, изза қилишиди.

— Бунақа эмас-да. Йигит киши лафзини пулга сотмайди. Бултур ҳам шунақа қилган эдингиз. Ахир, бир жойда турамиз, тобуткашмиз, ука.

Одилжон шу мазмундаги гапларни кўп эшилди. Шундан сўнг, ўз қадрига етадиган, санъатини хор қилмайдиган, айтган жойга бориб, айтмаган жойдан қоладиган бўлди,

У, бугун Собиржон йигинга айтган бўлса, уникига чиқиб, астойдил хизмат қилишни, ўз номини оқлаб олишини кўнглига туғиб кўйди. Уйига кирганда, хотинидан Собиржон тўйига айтган-айтмаганлигини суриштириди. Хотинидан «йуқ» жавобини эшилгач, гумони тўғри чиққанига яна бир карра ишонди. «Балки энди чиқиб қолар», деди ўзича умидланиб. У ҳар эҳтимолга қарши ювениб, соқолини олди, танбурни ҳам созлаб қўйди. Бироқ, орадан анча вақт ўтса-да, ҳеч кимдан дарак бўлмади. Бу етмагандек, хотини «меҳмонга айтишса, чиқарарман», деб ёпган бир тоғора сомсани олиб келиб, унинг олдига «тўқ» этиб қўйди.

— Эссиэтина, атайлаб тандирда ёпган эдим, увол бўладиган бўлди-да. Аксига олиб, ойимнинг йўқликларини айтмайсизми? Балки, бирор жойда лозимандамиз бормиди? Биронта ўртоғингизнинг хотин-потини туғмаганми, йўқлаб келардим?

— Э, кўп валдира ма! Чиқавермайсанми, тоғарангни кўтариб!

— Нима, айтмаган жойга йўнмаган таёқ бўлиб-а? Сомса хор бўпти-да! — У жаҳл билан уйга кириб кетиб, ўша ердан жавради:  
— Қизиқ-да! Шундай ён қўшнинг тарақа-турук тўй қилса-ю, қўзи-  
қўзига тушиб турадиган қўшнисини айтмаса! Кечадан бери  
болалар «Собиржон амакимникида тўй бўлаётганимиш», деб  
кулоқ-миямни ейишиди. Ақалли хотини бир оғиз айтса бўларди.  
Ўл, хотин бўлмай, биз ҳам тўй қилармиз ҳали. Ҳамма бало сиз-  
нинг ўша отарга кетиб қолганингизда, билдингизми? Ҳаммани  
айтиб, бизни яккамохов қилиб, четга чиқариб қўйишиди!

Одилжон барча андишани йиғишириб, «Айтмаган бўлса ҳам  
чиқаман», деб турган эди, хотинининг «Айтмаган жойга йўнмаган  
таёқ», деган гапидан кейин ҳафсаласи пир бўлди. Унинг томогига  
бир нима тиқилгандек бўлди ва бошини кўргага буркаб ётиб олди.  
Нафаси қайтиб бошини чиқарган эди, тўйхонадан магнитофонга  
ёзив олинган қўшиқ эшитилди. Бу Одилжоннинг овози эди.

*Мен сенга насиҳат айлай, айтмаган жойга борувчи бўлма...*

Одилжон кечаси билан тикан устида ағанаб чиқди. Эрталаб  
эр-хотин бир-бирларига тумсайиб чой ичиб ўтиришган эди,  
эшикдан онаси кириб келди.

— Вой, болам-ей, келганинг яхши бўпти-да. Собиржон аканг  
сени сўрайвериб, тиллари чақа бўлиб кетди, бечора. Келиним  
ишдалигига хотиниям чиқиб тўйга айтиб кетди. Сизларга айтиш  
эсимдан чиқипти. Роҳатой, болам, қариллик курсин, ҳеч нарса  
пишира олмагандирсиз? Кеча холангизниги кетаётсам, йўлда  
учраб, яна тайинлади, «Сафардан келиб қолса, албатта чиқади»,  
дедим. Қалай, тўйлари яхши ўтдими?

Эр-хотин бир-бирларига бўзрайганча қараб қолишиди.

### СИРФА (Воқеий ҳикоя)

*Қадрдон дўстим Мирсоатнинг  
ёрқин хотирасига бағишилайман.*

Ишхонамда ишлаб ўтирсам, телефон жиринглаб қолди. Гўшак-  
ни қулоғимга тутган эдим, эркак кишининг овози эшитилди:

— Амаки, сизмисиз? Мен Эрсоат аканинг ўғли Ўринбойман.  
— Қайси Эрсоат? Э-ҳа, танидим. Қалай, саломатмисиз? Уйда-  
гилар яхшими? Розия бувим тетикмилар?  
— Яхши, яхши! Ҳаммалари эсон-омон. Ўзинглар тинч-  
мисизлар?

- Эшитаман, Ўринбой.
- Ўзим боролмай, телефон қилганим учун узр. Тўйга бирга бўласизлар энди, амаки.
- Ия, муборак бўлсин! Қанақа тўй?
- Уйланяпман.
- Ҳали жуда ёшисиз-ку, Ўринбой!
- Катта бувим кўзимнинг тиригига кўриб қолай, деб кўймалилар. У киши ҳам ғанимат, пинниб турган ош.
- Жуда маъқул иш бўпти-да, ўғлим. Биздан нима хизмат?
- Дадамнинг йўқликларини билдирамай, тўйга бош-қош бўлсангиз, хизмат шу-да, амакижон!

Ўринбой шундай деди-ю, овози ўзгариб жим бўлиб қолди. Менинг ҳам кўзимга беихтиёр ёш келиб, томоғимга бир нима тиқилди.

— Албагта борамиз, ўғлим, — дедим ўзимни қўлга олиб. Кейин хаёл мени узоқ-узоқларга олиб кетди.

...Болаликдан Эрсоат билан қишлоқда бирга ўсдик. У уч-тўрт ёшдалигида дадаси урушга кетиб, қайтиб келмади. Онаси Розия хола Эрсоатни бағрига босиб, емай-едирди, киймай кийдирди. Аёл боши билан қишин-ёзин сёғида керза этик, далага чиқиб ер чопди, дехқончилик қилди. Уруш йиллари фронтга ёрдам, деб келинчаклигига ота-онаси совға қилган қимматбаҳо тақин-чоқларини «ёрдам фонди»га топширди. Лекин эрининг никоҳ тўйлари куни совға қилган тилло сирғасини авайлаб-асради. «Келин кўрсам, унга совға қиласман», деб ният қилди. Уруш тугади. Ўслининг кўнглини ўкситмаслик учун не-не жойлардан чиққан «харидор»ларга рад жавобини берди. «Эримдан қолган ёлғиз ёдгоримни катта қилиб, роҳатини кўрсам, шунинг ўзи катта баҳт!» деди.

Розия хола шу мақсадда йиллар бўйи йиққан-терганини сандиққа урди, бўлажак келинга сарпо йиғди. Эрсоат ёш бўлса-да, онасининг қаватига кириб, унга қарашибди. Ёзда буғдоизордан бошоқ терди, сомон йиғди, моллари учун қишки ем-ҳашак ҳозирлади. Қишида эса енгил-елпи кийиниб, ўзидан катта курак билан томдаги қорларни кураб, мол-ҳолларига парвона бўлди, ўқишини қилди. Ниҳоят, ўрта мактабни тутатиб, тиббиёт институтига ҳужжат топширди, аммо омади келмади. Умидсизликка тушмай, кўмир конида ишлади, келаси йил имтиҳонларига тайёрланди. «Интилганга толе ёр», деганларидек кейинги йил ўқишига кирди. Шунда ҳам онасига қарашиб турди.

Онанинг бирдан-бир мақсади – ёлғыз ўелини тезроқ уйлантириш ва қатор-қатор неваралар күриш эди. Сандигини очди, йиғиб-тергәнларини чиқарди, лекин кичкина түгунчага тегмади. Эрсоатдан иккى қиз, иккى ўғыл невара күрди. Уларни ўзи бешикка солиб, ўзи алла, эртак айтиб, катта қилди. Энди оғзы ошга етиб, күрган қийинчиликларини унугиб, қилган меңнатларининг роҳатини кўраётганида, ўғли баҳтсиз ҳодиса туфайли оламдан ўтди. Розия буви қариганида ишонган тоғидан айрилиб, кўзида ёш, бир қучоқ неваралари билан чирқиллаб қолди.

Ўғли ўлганида, келини қорнида олти ойлик ҳомила билан қолган эди. У туғилгач, исмини Ўринбой қўйишиди. Онаизор тақдирга тан берди, неваралар билан овунди. Келини ишлади, қайнана уйда, бола-чақаларга бош бўлиб, қора қозонни қайнатди. Болалар ҳам бирин-кетин ўсиб, улгайиб, оиласи бўлишиди. Энди Розия буви ўғлининг ўрнини тўлдирган кенжатой невараси Ўринбойни ер-кўкка ишонмай, унинг яхши кунлари учун топган-тутганини яна сандиққа сола бошлади. Мана, ака-опаларидан кейин навбат Ўринбойга ҳам етибди. Кўрсатганингга шукур! Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор! Вақт ҳам худди оқарувдек ўтиб кетаркан.

Шу кунларга етиб келган Розия бувига ҳаёт қийинчиликлари ўз таъсирини кўрсатиб, боладек беозор ва беғубор бўлиб қолган. У кейинги йилларда қўлига нима тушса, дарров ўраб-чирмаб туғиб қўяр, кўрпачагами, ёстиқ остигами яннирадиган одат чиқарди. Кейин дам-бадам уларни текшириб кўрап, ўринларини алмаштириб қўяди.

Биз, эр-хотин совға-салом кўтариб, тўйхонага кириб боргани мизда, Розия буви айвон тўрида, ўз жойида ўтириб, одатдаги машғулоти билан банд эди. уни на келди-кетди, на карнай-сурнай овози қизиқтиради. У, гўё соқовдек на саломга алик олар, миқ этмай, қовоғини соганича ниманидир тимирскилаб қидирад, безовталанарди. Мен бешик тебратиб ўтирган қизчадан сўрадим:

- Бу бешик кимники?
- Бизники, — деб жавоб берди қизча.
- Бунда кимлар катта бўлган?
- Ҳаммамиз.
- Бу нима деганинг?
- Ҳаммамиз-да: катта дадам, холаларим, тоғаларим, опачаларим, акаларим, мен...
- Сизларни ким катта қилган?
- Розия бувимлар-да!..

Шу пайт қуда томондан келгеннларга курси етмай қолган бўлса керак, кимдир айвонга шошиб кириб, сўрамай-нетмай Розия буви қаршисида турган курси устидаги нарсаларни, унинг суюнчиғи ва оёқларига боғланган тугунчаларни тез-тез ечиб, хонтахта устига қўйди-да, курсини ташқарига олиб чиқиб кетди. Бундан кампирнинг безовталиги, бесарамжонлиги авжига чиқди. Унинг юзлари қизариб, муштлари тугилди. Ниҳоят, алламаҳалгача давом этган тўй ниҳоясига етди. Бироқ кампирга ҳеч нарса татимас, ўтирган жойида тугунларини қайта-қайта титкилаб, ниманидир қидирар, қидирганини тополмай қалтирас, кўзлари пирпиради...

Тўйдан бир ҳафта ўтиб, ёш келин ҳовли супириб, стол-стулларнинг чангини артиб юрса, бир эски стул суюнчиғига боғланган тугунчага кўзи тушиб қолди. «Нима экан бу?» деб уни очиб қаради-да, бир жуфт тилло сирғага кўзи тушди. Юраги ҳаприқиб, топилмани яна тугунчага авайлаб ўради-да, воқеани қайнанасига айтди.

— Тилло сирғамиз топилди, — деди қайнана хурсанд бўлиб. — Ойим бечора уни нимага тугиб, қаерга беркитиб қўйганларини билмай, безовта эдилар. Юринг, келинпошша, уларни хурсанд қиласайлик.

Тилло сирғани кўрган кампирнинг кўзлари ёришиб, юзларига табассум ёйилди. Тили ҳам айланиб қолди:

— Бу менга чолимдан қолган ёлғиз ёдгорлик, болам. Худога шукур, топилди, — деди Розия буви кўзига ёш олиб. — Бу энди сенинг мулкинг, қизим. Бахтли кунларингда тақиб юр!

Розия буви сирғани ўз қўли билан янги келиннинг қулоғига тақиб қўйди.

## ОРЗУЛАРИ КЎП ЭДИ

Биз, болалиқдан бир кўрпа остида тепкилашиб катта бўлган дўстлар эдик. Тўй-ҳашамда, бирор маъракада, байрам ластур-хонларида биримиз кўринмай қолсак, иккинчимиз ичикиб қолардик. Марҳум ёзувчи Ҳабибулло Қодирийнинг «Огам ҳақида» хотира китобида шундай сатрларга кўзингиз тушади: «...Жосият бибим бир кун паранжисини ёпинади-да, Эшонгузардаги мулла Зайниддин деган ҳаммаҳалламизнинг уйига чиқади. Мулла Зайниддин Қодирийдан қарийб йигирма беш ёш катта, замонасининг ўқимишли, зиёли, обрўли давлат кишиси бўлади (мулла Зайниддин амаки бир неча йиллар – 1910 йилгача Россия шаҳарларида яшаган, Тошкентдан бориб, дўкон очган, бойлар қўлида чапдаст мирза, приказчилик қўлган). Бибим мулла Зайниддиндан илтимос қиласади:

— Абдуллангиз ўқиши битириб, уйга кириб қолди. Қилар иши яккаш ўқиш, ёзиш. Бирор монандроқ ишта киритиб қўйсангиз. Худо хайрингизни берсин...»

Кейинчалик мулла Зайниддин амакининг тавсияси билан «ўзига ўхшаш русча ёзув-чизувни билувчи, ҳалол ва чапдаст» одам Абдулла Қодирийни Чорсудаги Расулмуҳаммадбойнинг чит дўконига ишга киритгани ҳикоя қилинади.

Дўстим Жалолиддин ана шу табаррук зотнинг кенжা фарзанди эди. Жалолиддин туғилган оила кўп болали бўлиб, онаси Раҳбарнисо Отамирза қизи (1891–1975) ўн икки болани (фарзандликка қабул қилганлари бу ҳисобга кирмайди) ювиб-тараб вояга етказган. Зайниддин ота билан Раҳбарнисо ая тарбиялаган олти ўғил ва олти қиздан тарқаганлар ҳозирги кунда уч юздан ошиб кетган, деса муболага бўлмас. Уларнинг барчаси одоб-ахлоқли, меҳр-оқибатли, ўқимишли кишилар бўлиб етишган. Обиддин Зайниддинов – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган меъмор, Давлат мукофоти соҳиби; Нуриддин Зайниддинов – маориф ходими; Айниддин Зайниддинов – моҳир журналист, бадиий сўз устаси; Муҳиддин Зайниддинов – иқтисод фанлари доктори, профессор, Республикада хизмат кўрстган фан арбоби; Мушарраф Зайниддинова – таниқли адабиа, мураббия; неваралари Шавкат Зайниддинов – иқтисод фанлари доктори, профессор, Республикада хизмат кўрсатган иқтисодчи; келинлари Азизахон Зайниддинова – фалсафа фанлари доктори, профессор, Давлат мукофоти соҳиби. Бу сулола вакиллари номини яна давом эттириш мумкин...

Бир ҳангома то ҳануз ёдимда. 1960 йиллар эди. Уйимиизда бўлиб ўтган маъракада истеъдолли шоир Ҳайриддин Салоҳ ҳам қатнашди ва Жалолиддинга ҳазиллашиб, тўрт мисра шеър айтди:

Демак, сиз Жалолиддин Зайниддин,  
Акангиз – асқиячи Айнииддин.  
Ёнгин Мирзо сизга почча-ю,  
Ўзингиз у кишига қайнииддин?!

Ўшанда биз ажойиб ўхшатмани эшишиб, мириқиб кулишдик. Дўстим Жалолиддин жуда қиска, аммо мазмунли ҳаёт кечирди. 1955 йили Тошкент шаҳридаги 45-ўрта мактабни тутатиб, сўнг Молия-иқтисод институтини битириб, ўттиз йилдан ошикроқ Тошкент Давлат университетининг сиёсий-иқтисод кафедрасида мураббийлик қилиб, билими, тажрибаси, куч-ғайрати-ю, қалб қўрини талаabalарга баҳшида этди, ҳурмат-эътибор топди. Қатор илмий-назарий мақолалар, қўлланмалар яратди, жамоат иш-

ларидың фаол иштирок этди. «Бир йигитта қирқ ҳунар оз», деган мақол худди шу Жалолиддинга мос тушарди, назаримда. Унинг билмаган ҳунари, қымбаган касби йўқ эди, ҳисоб. Ака-укалари, ёру дўстлари билан аҳил, турли тадбирларда камарбаста эди, миришкорлиги, тадбиркорлиги, жонкуярлигини ҳалигача эслаб юрамиз.

Мана, неча йилдирки дўстим Жалолиддиннинг дилкаш сұхбатларини, давраларга файл киритувчи қувноқ қаҳқаҳасини, қизиқ-қизиқ ҳаётий ҳангомаларини, ичакузди асқияларини соғинамиз. Дўстим ёлғиз қизи Умидохоннинг камолини, невара-лари Шоҳжаҳон, Дилнавозхон, Шоҳумарларнинг жамолини кўрганида гулдай яшнаб, булбулдай сайраб кетарди.

Унинг таниқли сўз усталари Абулқосим Тўйчиев, Фозил дўхтири Султонов, Жалолиддин Раҳимов, Убайдулла Абдуллаевлар билан ижодий ҳамкорликда яратилган, турли давраларда янградан, вақтли матбуот саҳифаларида эълон қилинган асқия пайровлари бизга, қолаверса, келажак авлодларга мерос бўлиб қолди.

## ДАРВЕШ

Кечқурун уйимиздаги телефон жиринглаб қолди.

- Эшитаман.
- Бу шоир Боқиҷон Соқийнинг хонадонларими? — деган майин овоз келди нариги тарафдан.
- Худди шундай!
- Шоирни мумкинми?
- Эшитаман, ўзлари.
- Аввало, ассалому алайкум!
- Ваалайкум салом!
- Мен телемухбир Карим Тошматий бўламан. Тахаллусим Дарвеш. Озгина дарвешлигимиз бор-да. Кечирасиз, катта бўлсангиз — акамсиз, кичик бўлсангиз — укамсиз. Яқин ўртоқларнинг тавсиясига биноан, сиз билан ижодий учрашув ўтказмоқчиман. Насиб бўлса, учрашув жуда қизиқарли ўтади. Бунга тайёргарлик зўр! Чунки бундан аввал ҳам бир неча таниқли ижодкорлар билан учрашувлар ўтказиб, озми-кўпми элнинг оғзига тушганимиз. Жаннатий устозимизFaфур Гулом бир вақтлар менга: «Болам, агар шоир бўлмасанг, шоирпарвар бўлгин!» деганлар. Шу гап қулогимга қўроғиндан қўйилиб қолган. Хуллас, бир учрашсак, нима дейсиз?
- Эътиборингиз учун раҳмат, Каримжон ака! Фақат...
- Нима, фақат?

— Сиз ўйлагандек, катта шоир ёки ижодкор эмасман. Күнгил учун қофоз қоралаб тураман, холос. Бирорта каттароқ, машхурроқ қаламкаш билан учрашув ўтказганингиз маъқулдир?

— Йўқ, ака, ҳозирги кунда Ватан мавзусида сиздан ўтказиб ёзалигани йўқ, гапимга ишонаверинг! Камтарликни бир чеккага йиғиштириб, мен билан очиқчасига гаплашаверинг. Бўш вақтингиз қачон бўлишини айтсангиз бўлди, олдингизга физиллаб бораман. Гапнинг ўғил боласи шу!

— Хўп, майли, кўндиридингиз. Сешанба куни учрашайлик, бўлмаса.

— Маъқул. Хайр, кўришгунча!

Мен бу сермулозамат одам билан учрашувни хаёлимда тасаввур этиб, нима ҳақда ва қандай суҳбатлашишим кераклигини тахминий режалаштира бошладим. Душанбада яна қўнгироқ бўлди.

— Мабодо режангиз ўзгармадими?

— Қарорим қатъий! Хўп десангиз, эртага албатта учрашамиз.

— Қаерда учрашамиз?

— Бизнинг уйга келинг, ёлғизман, бемалол гаплашамиз. Бир йўла бирга тушлик ҳам қиласми.

— Маъқул! Манзилингизни айтинг. Дарвешга манзилимни тушунтирдим.

— Келишдик, кутинг!..

Эрталабдан меҳмонга тансиқ таом тайёрлаш тараддудига тушдим. Ёз эмасми — пишиқчилик, мева-чева етарли. Янги гулкарардан димлама қилмоқчи бўлдим. Қарасам, уйда туз билан нон йўқ. Меҳмон келгунча дўконга чиқиб келаман, деб турсам, эшик жиринглаб қолди. «Оббо, меҳмон эртароқ келибди-ёв», деб эшикка йўналдим.

— Ким?

— Дарвешман!

Эшикни очсам, соч-соқоли ўсган, юпунтина кийиниб, елкасига тўрва-халта осган бир киши илжайиб турибди. Ёнида қорачагина ўғилчаси ҳам бор. «Мухбир ўзи айтгандек, ҳақиқий дарвеш экан-да», деган гап ўтди хаёлимдан,

— Келинг, Дарвеш, марҳамат! — дедим уни ичкарига чорлаб.

— Раҳмат, ако! Бизга шу ер ҳам бўлаверади, — эътиroz билдириди у.

— Киринг ичкарига. Остонада суҳбатлашиш ноқулай.

— Яна бир бор раҳмат, ако! Иложи бўлса, бир-икки танга садақа қилинг, Худо йўлига. Топганингизга барака берсин, мартабангиз бундан-да зиёда бўлсин! Бола-чақаларингизнинг роҳатини кўринг, ғам-ташвиш кўрманг! Бошингиз тўйдан чиқмасин, илойим!

— Ие, сиз ҳали ҳақиқий дарвешмисиз? — дедим кулиб. —  
Мен сизни...

Тез ичкаридан шириналык, эңсон учун пул олиб чиқдим-да, унга бердим. Шу пайт тогни урса талқон қиладиган бу йигитнинг уялмай-нетмай, уйма-уй юриб, тиланчилик қилганига ғашим келди.

— Э, ука, шу гавда, сохти-сүмбат билан тиланчилик қилиб юргани уялмайсизми? Бирор жойда ишласанғиз бўлмайдими? — дедим.

— Ишлаймиз, ако. Кечаси давлат корхонасида қоровулман, кундузи ота қасбидамиз. Бачаларни ойлик билан боқиш, тириклий қилиш қийин, ако. Узр, ако, сизни ҳам уринтиридик. Кунқизиб кетмай, кундалик режаларни бажарайлик, вақт ғанимат!

— Сизда ҳали кундалик режа ҳам борми?

— Бўлмаса-чи, ако? Режасиз иш бўлмас. «Бир товуққа ҳам сув, ҳам дон керак», дейдилар машойихлар. Ётиб еганга тоғ чидамайди.

— Э, соғ бўлинг, дарвеш!

— Айтганингиз келсин, ако!

Тиланчи дарвеш кетгандан кейин ўзимча роса кулдим. Суҳбат ниҳоясига етган бўлса-да, кутган меҳмоним келиб-кетса-да, рўзгордаги камчиликларни тўлдириш учун ташқарига чиқдим. Қайтишда уйимиз яқинидаги бекатда одмигина кийинган, қўлтиғига катта қора жилд қистирган ўрта ёшлиардаги кишини кўриб, кўнглім бир нимани сезди. У бир кишидан бизнинг уйни суриштираётган эди. Мен унга яқинлашиб, сўрадим:

— Ким керак сизга?

— Шоир Боқижон Соқий, — деди у.

Мен унинг оғиздан ўзимнинг исмимни эшитарканман, ҳали замон эшигимизга келган дарвеш кўз олдимга келиб, беихтиёр кулиб юбордим. У ҳайрон бўлиб менга қараб қолди.

## ЁЗЛОҚ

Пешанаси ярқираб, Райхониддинга ҳам дўппидеккина дала ҳовли, яъни ёзлоқ насиб этди. Албатта, текинга эмас, насияга. Шундай бўлса-да, «қарз узилар, хотин ёнга қолар», деганларидек, у таваккал қилди ва таниш-билишларидан, қариндош-уруғларидан қарз кўтариб, шу бир парча ерни гуллатиш учун жон-жаҳди билан тиришди. Қисқа фурсатда дарё бўйида жойлашган ёзлоққа машина-машина серунум тупроқ туширди, текислади, ўғит солди, атрофини симтўр билан тўсади, ариқ қазиб, сув келтирди,

хуллас, ташландиқ ерни обод қилди. Дәхқончиликка зүр бериб, қаровсиз тақыр ерга турли күкательарни экиб ташлади. У куну тун меңнат қыларкан, саҳий қүёшнинг нурлари, ғир-ғир эсган шабада, осмондаги саноқсиз юлдузларнинг жилваси, чигирткаларнинг чириллаши, қурбақаларнинг вақирлаши Райхониддиннинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўши. Чарчаш нималигини билмай, офтобда қорайиб экин-тикинларни сугорди, чопик қилди, бегона ўт-ўланлардан тозалади. Ҳар бир ниҳолни ўз боласидек парваришлаб, уларга мөхрини берди.

Райхон, жамбил, гултохихўрз, турли мева-чева ва сабзавот кўчатлари нишона бераётганида унинг хурсандлигини кўрсангиз эди. Меҳнатинг ҳосилини кўриш, унинг мевасидан тотишдан ортиқ баҳт, роҳат бормикан! Баҳорда экилган ток, тол, терак қаламчаларининг уч-тўрт ойдаёқ кўкка чўзилиб, одам бўйи бўлиб қолганидан завқланмай бўладими?..

Афсус, унинг барча хурсандчиликлари узоққа бормади. Ер эгаси билан тўлиқ ҳисоб-китоб қилмагани ишнинг белига тепди, қаттиқ панд берди. «Насия ноннинг ҳам куюги, ҳам кесаги бўлади», деганлари рост гап экан. Узоқ вақт қаровсиз ётган жойнинг қисқа муддатда ҳосилдор ерга айлангани ер эгасининг кўзини ўйнатди, ҳавасини келтирди, нафсини қитиқлади. У ўртадаги келишувни бузишга, ерни қайтариб олишга ва бошқага қимматроққа сотишга жазм қилди.

Нафсилембрини айтганда, ер эгаси тўғри қилди! Райхониддиндек содда, ишонувчан, лақма одамнинг кўзини мошдек очди. «Ҳой, биродар, қўлингда нақд пулинг, сармоянг йўқ экан, нима қиласан насияга жой олиб? Энди бориб тушингни сувга айт! Охирги пушаймон, ўзингга душман!»

Икки ўртада гуллаб-яшнаб, шигил ҳосилга кирган экинтикинлар ҳайф кетадиган бўлди. Улар энди қаровсиз қолади, оёқостига тушиб, пайҳон бўлади. Райхониддиннинг наздиди, бу экин-тикинларда айб йўқ! Улар гўёки никоҳсиз туғилган болалардай беозор. Гарчи ер эгаси билан ўртадаги келишув барҳам топган бўлсада, ўз қўли, меҳнати билан етиширилган барча ҳосилни ўз ҳолига ташлаб қўйиш, уларни «тирик етим» қилиш, гўё бола-чақасини ташлаб, кейин нафақадан қочиб юрган отадек эди.

Райхониддин хатоларини тўғрилаш, билиб-бilmай қилган гуноҳларини ювиш учун ҳам меҳнати ҳосилидан кўнглини узолмай, уларни асраш, авайлаш тадорикига тушди. Бу эзгу мақсад йўлида ўртадаги «айрилиқ»дан бағри қанчалик ёниб, ўртанишига қарамай, мөхр-муҳаббати тушган, аммо қўли калталик қилиб, «висолига етолмаган» ёзлоқида етиширилган ҳосилини ёр-дўст-

лари, қўни-қўшнилари, кўча-кўйдагиларга беминнат улаша бошлади.

— Марҳамат, кашнич, райҳондан олинг! Уларни ўз қўлим билан экканман, ёзлогимда етилган! Кимга ўсма керак, тортингмай ола берсин!

Райҳониддин етиштирган кашнич, райҳон, қовуннинг хушбўй ҳиди атрофга тарапди, одамларнинг баҳри-дили очилди. Баъзилар унинг бу ишидан ажабланди:

— Тавба! Шу замонда ҳам бегоналарга текинга саҳоват кўрса-тишарканми? Бу одам савдои бўлиб қолганми?

Бу гап-сўзларни эшитган Райҳониддиннинг қалби ғурур, ифтихор, меҳр-шафқат туйгулари билан тўлди. Чунки унинг ҳалол меҳнати барчага татиди, у шунисига хурсанд. Ёзлоқдан ажралгани парносига ҳам келмайди.

— Кимга кашнич, кимга райҳон керак?!

## ОББО, СОМСОҚВОЙ-ЭЙ!

Тошкентнинг Бешёғоч даҳаси Эшонгузар (ҳозирги Каттабоғ) маҳалласидаги 45-ўрта мактаб олдида замонасининг маърифатли, маданиятли кишиларидан Сайдкамолхон домла (1876—1941) хонадони яшайди. Таниқли адаб Ҳабибулла Қодирий «Отам ҳақида» номли хотира китобида у кишининг номини алоҳида меҳр билан қаламга олгани сизга маълум.

Сайдкамолхон домланинг оддийгина, ички ва ташқи бўлмали ҳовлиси бўлиб, бу ҳовлидан келди-кетди аримасди. Бу хонадонда ўша даврнинг не-не улуғ ва табарруқ зотлари — Алижон домла, Абдулла Қодирий, Абдураҳмонхўжа Қози домла, Манноп табиб, Мулла Зайниддинларнинг муборак қадамлари изи қолган.

Саҳоватпеша, етимпарвар Сайдкамолхон домла хонадонларидан дарвешнамо, боши хумдай Сомсоқ деган ёши қирқлар атрофидаги фақир кимса ҳам паноҳ топган эди. Аслида Сомсоқ хизматкор, қоровул ҳам эмас, балки домланинг беозор эркатойи, овунчоги ҳисобланарди. Шу сабаб бу ерда Сомсоқقا ҳеч ким қаттиқ гапирмас, дилини оғритмасди. Маҳалланинг катта-кичиғи ўзининг топган-тутгани билан уни сийлар, кўнглини овларди. Сомсоқ алоҳида иззат-хурматга эта бўлиб, эрта-ю кеч овқат ейишдан бўшамас, бўрдоқидай семириб, қорни тарвуздай дум-думалоқ эди. Икки юзи нақш олмадай қип-қизил, бурни доим терлаган, соч-соқоли, тирноқлари ўстган, лабининг икки чети бичилган, лунжи осилган, кийим-боши бир аҳволда бўларди. Сомсоқ эрта баҳордан кеч кузгача оёқяланг кўча кезарди. Шундан бўлса керак,

товоңлари тарс-тарс ёрилган, баъзан тупроқ аралаш қон талашиб, яра-чақасини, ғув-ғув пашша таларди. Қиши келиб, совуқ тушиб, қор ёққанида усти енгил-елни жанда, оёғи калиш күрарди. У күпинча күчә эшик олдида деворга суюниб, офтобшувоқда ўлтирас, ўтган-кетганга ер остидан хўмрайиб қарапди. Бирор егулик берса, уни дарров оғзиға соларди. Айём, айниңса, рўза кунлари унинг куни туғарди: егани олдида, емагани ортида бўлар, кийим-бошига ҳам сон тегарди. Домланинг кўрсатмаларига мувофиқ, уйдаги хизматкорлар ҳафтада бир-икки марта Сомсоқни ювинтириб, усти-бошини алмаштириб қўйишса-да, у ўз билганидан қолмасди. Буни кўрган маҳалланинг қитмир болалари ундан кулишар, кесак отиб, калака қилишарди. Шунда у йиглаб, ўзини четта олар, жаҳли чиқиб, ўшқиради:

— Нима, ойингни эриманми, нега менга тош отасан!

Бошқа болаларга нисбатан мен унга айрича кўз билан қарапдим. Уни кўрдим дегунча, олдига бориб ҳол-аҳвол сўрардим, ширинликлар билан сийлардим. Шунда унинг қош-қовоғи очилиб, ер остидан менга майин жилмайиб қўярди.

— Анув бола ёмон! Менга тош отиб, пешонамни гурра қилди, ундан қўрқаман. Сен яхши боласан. Тўйингда қорнимни роса тўйдиргансан-а? Бўкиб қолишимга озгина қолган, — дерди мени ҳар кўрганида.

Айтишларича, Сайдкамолхон домла бир куни Сомсоқقا:

— Пастки маҳаллага, Лаклакхонага тушиб, Зиёвиддин қори, Зухриддинхон, Ҳомидхўжа, Абдуҳакимхўжа, Абдурафиқонларга хабар бергин, — дебди. — Шу бугун, асрдан кейин бизниги норинхўрликка чиқишин! Тушундингми?

— Тушундим, — дея бош қимиrlатиби Сомсоқ.

— Тушунган бўлсанг айт-чи, кимга нима дейишинг керак? — дея сўрабди домла.

Сомсоқ айтилган гапларни оқизмай-томизмай қайтарибди ва унинг ижросига киришибди. Энг аввал Зиёвиддин қорининг кўча эшигини тақиллатиби ва унга домланинг гапини тайинлабди. Хонадон эгаси берган катта сопол лагандаги совуқ мошқичирини пок-покиза тушириб, орқасига қайтиби. Кейин яна ўша кўчага, Ҳомидхўжанинг уйига бориб, унга ҳам тайинлабди. Мелихон амма мис товоқда узатган серқатиқ мошхўрдани ичиб, орқасига қайтиби. Бир оздан сўнг яна ўша кўчага, Зухриддинхоннинг уйига бориб, домланинг гапини етказиби. Фотимахон ая ёпган иссиқ-қина сергўшт, серёғ сомсадан беш-олтитасини еб, устидан бир коса сув ичиб, орқасига қайтиби. Ҳар бориб-келганини домлага айтиб турар экан.

Пешиндан кейин яна ўша күчага, Чақар ариғи яқинидаги Абдуҳакимхўжа, Абдурафиқонларнинг уйига бориб, топшириқни бажариб, улар берган овқатларни еб қайтиби. Бундан ҳайратланган домла Сомсоққа дебдилар:

— Қизиқ экансан-ку, Сомсоқвой! Бизнинг уй билан Лаклакхона ораси, нәри борса бир чақирим келади. Шунга эрталабдан бери беш марта бориб келдинг-а, барака топкур! Бир марта борганингда ҳамма ишни битириб келсанг бўлмайдими, жиннивой?

— Жинни эмасман, домлажон! — дебди Сомсоқ бошини баланд кўтариб. — Ахир ҳар бир хонадонда еб-ичтанимни ҳазм қилиш учун бироз юриб, ҳаракат қилмасам, ўлиб қоламан-ку, домлажон! Унда сиз менсиз нима қиласиз?

— Тўғри айтасан, Сомсоқвой, — дебди Сайдкамолхон домла кулиб. — Ҳаракатда баракат, деганларини яхши биларкансан-да! Оббо, Сомсоқвой-эй!

## ТУШ ВА ХУШ

Кўпдан бери Шерл Жерлни яқиндан кўрмаган, ширали қўшиқларини эшитмаган эдим. Унинг Нью-Йоркда машхур қизиқчимиз билан концерт бераётганини эшитдим-у, йўл тадорикига тушдим. Дарров Америка элчихонасига бориб, рухсатнома, бориш-келиш учун самолётга чилта олдим. Ажабланманг, биздай чапақай тижоратчи учун Америкага қиласидиган сафаримиз ўзимизнинг Тўйтепага бориб-келгандай гап. Энг муҳими, кўнгил тинч, ният яхши бўлсин экан.

Хуллас, бозорнинг олд гулларидан саралаб, катта гулдаста тузиб, савлат билан самолётга чиқдим. Самолётимиз Атлантика уммони устидан ҳатлаб, Америка ерига енгилгина, оҳиста қўнди.

Самолётдан тушарканман, қўлимдаги гулдаста орасида гиёҳ-ванд моддами ёки портловчи ускуна йўқмикан, деб роса элакдан ўтказиши. Титкилайвериб, тўғриси, гулдасталиги ҳам қолмади. Шунча жойга гул кўтариб келганимга ҳижолат тортдим. Ахир гул дегани Америкада ҳам топиларди-ку! Бирорга беришга ярамаган гулдастани нима қилишимни билмайман. Чапақай жаҳлим чиқиб, уни дуч келган жойга ирғитиб юбормоқчи бўламан-у, ҳеч иложини тополмайман. Негаки, ҳар қадамда, транспортларда таъкидлаб туришибди: «Ҳурматли фуқаролар ва меҳмонлар! Транспортга чиқаётганингизда ёки ундан тушаётганингизда қўлингиздаги буюмларингизни унубиб қолдирманг! Мабодо, эгасиз қолдириб кетилган буюмга кўзингиз тушса, ҳайдовчи,bekat назоратчиси ёки полицияга хабар беринг!»

Шунинг учун озгина жиззакилик қилсам, қош қўяман деб кўз чиқаришим ҳеч гап эмас. Ҳар қанча оғир бўлмасин, тишимни-тишимга қўйиб, гулдастани маҳкам қулоқлаб олдим. Устига-устак, инглиз тилини билмаслигим панд берди, атрофдагилар билан гаплашишга қийналаман. Бу ердагиларга ҳам ҳайронман, умрларида биринчи бор гул кўраётгандек, қўлимдаги гулдастага қарайверишади, қарайверишади. Мен хижолатдан кутилиш мақсадида, дуч келган таксига ўтириб, севимли хонандам концерт бераётган санъат кошонасига йўл олдим. Ҳаяжонланиб, терлаб кетаётганимни кўрган қора кўзойнакли ҳайдовчи ҳар замонда менга шубҳа билан қараб қўяди. Охири сабри чидамадими, инглиз тилида мендан сўради:

- Хуш келибсиз, жаноб!
- Раҳмат! — дедим ийманибгина.
- Хўш жаноб, қаердан келяпсиз?
- Тошкентдан.
- Бу гулларни кимга олиб кетаяпсиз?
- Шерл Жерл концерт бераётган экан, ўшанга.
- Ким экан у Шерл Жерл?
- Таниқли ҳофиз.
- Ҳофиз дегани нима, жаноб?
- Қўшиқчи.
- Нега уни биз танимаймиз?
- Сизнинг танимаганингиз, бизнинг айбимиз эмас-ку! Унинг машҳурлиги Майл Жексондан қолишмайди.
- Унинг оммабоп қўшиқлари борми?
- Албатта. «Биринчи муҳаббатим», «Онагинам», «Гулбадан», «Карвон»... Хуллас, унинг ҳар бир қўшиғи оммабоп!
- Унинг қайси ашуласи сизга кўпроқ ёқади?
- Деярли барчаси! Айниқса «Онагинам»ни эшиттганда кўзимдан ёш чиқиб кетади.
- Қўшиқ нима ҳақда, жаноб?
- Она ҳақида!
- Она дегани нима?
- Мать, Мамми...
- Понятно, — деди ҳайдовчи рус тилида, кейин қўшиб қўйди: — Она она-да! Номи ҳамма жойда бир хил жаранглайди, унинг меҳри чегара билмайди. У — севги-муҳаббат, меҳр-садоқат рамзи! Мать!
- Шунинг учун ҳам ҳофизнинг «Онагинам» ашуласини эшитиш учун атайин бу ерга келяпман-да! — дедим ҳаяжонимни яшира олмай.

- Нима, сизларда унинг концерти бўлмайдими?
- Бўлади, лекин чипта топиш...
- Ишқилиб, бу ердагисига читтангиз борми?
- Борайлик-чи, бир гап бўлар. Ҳозирча қўлимда гулим борку, — дедим аллақандай ишонч билан.
- Молодец! Бу гапингизда жон бор! — деди ҳайдовчи қора кўзойнагини қўлига олиб, менга ҳавас билан боқаркан.

Кейин билсам, ҳайдовчи хорижга келиб қолган ҳамشاҳарларимиздан экан. Биз манзилга етиб келганда, концерт аллақачон тугаб, томошабинлар тарқалишяпти. Концерт юксак савияда ўтганлиги томошабинларнинг чехрасидаги табассуму кайфиятларидан маълум эди.

Мен ҳаяжондан нима қилишимни билмай, бирпас довдираб қолдим. Концертга кечинканим учун қўлимдаги гулларни томошабинларга тарқатдим. Шу пайт хаёлимда мархума Онажонимнинг ёрқин сиймоси кўз ўнгимда гавдаланди. У менга мурожаат қиласди:

«Оҳ, болагинам! Менинг руҳимни шод этиш учун шунча йўл босиб, дунёнинг бир чеккасига гул кўтариб, овора-ю сарсон бўлиб юрибсанми-а? Билишимча, мени эслаб, яқин ўртоқларингга дастурхон ҳам ёзармишсан? Мен шундоққина ёнинг даман-ку, Тошкентнинг Чопонота даҳасидаги қабристондаман, бир калима Куръонингга зор-интизор бўлиб ётибман, болам. Мана, узоқ Америкага етган қадаминг мен томонга етмади-я. Қабрим устидаги ўт-ўланлар қовжираб ётипти. Сен бўлсанг ҳурматим учун олис юртларда гул тарқатиб юрибсан. Бу ҳимматинг учун раҳмат, болам! Сенда шундоқ яхши ният, армон бор экан, уни жойида қил, вақтида қил! Эл-юрт ичиди мақтаниш, сохта обрў ортириш, хўжа кўрсин учун қилма, онанг ўргилсан! Мен сендан умрбод розиман. Қаерда бўлсанг, тани-жонинг соғ, кайфиятинг чоғ, иймонинг саломат, эътиқодинг мустаҳкам бўлсин, болажоним!..»

Жиққа терга ботиб, чўчиб уйғонсам кўрганларим туш экан. Анчагача ўзимга келолмадим. Ўрнимдан туриб, ювиниб-тарандим, сўнг Онажоним қабрининг зиёрати учун Чопонота даҳаси томон отландим. Йўлда кетиб борарканман, аллақайси томондан ажиб бир қўшиқ садолари қулоғимга чалинарди:

*Онагинам, дориломон кунлар келди, шафақлари ол,  
Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор...*

## АСКИЯЛАР

### ТИЛ ПАЙРОВИ

**Искандар.** Айниддин ака, мана мустақил республикамиз ҳам ўзининг дадил қадамларини ташляяпти. Буни бутун жаҳон кузатиб турипти ва олқишлияяпти. Демоқчиманки, худога шукур, Ўзбекистонимиз ҳам ТИЛга тушиб қолди.

**Айниддин.** Тўғри айтасиз, Искандаржон. Мустақиллик шарофати билан ўзбекларнинг ҳам ТИЛИ чиқиб қолди.

**Искандар.** Менимча, унинг ТИЛИ бу воқеадан анча илгари чиқкан эди чамамда?

**Айниддин.** Жуда тўғри, у туғилибоқ ТИЛга кириб кетган. Бўладиган бола бошидан маълум, дейишади-ку, ука.

**Искандар.** Бундан чиқди, ТИЛИ чиққунча унинг саводи ҳам анча чиқиб қолган экан-да?

**Айниддин.** Ҳа, балли! Баъзан боланинг тантгайини кўтараман леб, ТИЛчасига зарар етказиб ҳам қўйишади.

**Искандар.** Бола туғилганда қулогига аzon айтилса, зарур расм-русумлар қилинса, унинг ТИЛИ тезроқ калимага келса керак-а?

**Айниддин.** Албатта-да, Искандаржон.

**Искандар.** Шундай қилиб, ўзбек тилига давлат мақоми берилганига ҳам йигирма йилдан ошди. Энди ТИЛимиз янада бурро бўлади, иншоолло! Ахир қачонгача ТИЛимизни қисиб юрамиз?

**Айниддин.** Илгари марказдагилар нима дейишса, ТИЛимизни тишлаб, тўтиқушдек шуни такрорлайверар эдик.

**Искандар.** Тилингизни қичитиб қўйдимми, устоз? Дилингизда анчагина гапларингиз бор экан.

**Айниддин.** «Айтсан ТИЛим, айтмасам дилим куяди»-да, ука. Лекин эсингизда бўлсин: тўтиқушга ТИЛмоч керак эмас?

**Искандар.** Тўғри айтасиз. «Тилга эътиборсизлик – элга эътиборсизлик», дейишади. Элнинг дилини билиш учун энг аввало унинг тилини билиш керак.

**Айниддин.** Жуда тўғри фикр. Ақли расо одам астойдил ҳаракат қиласа, бир-икки йил ичida атрофидагилар билан бемалол ТИЛлашадиган бўлади.

**Искандар.** Янглишмасам ўзингиз ҳам қозок, қирғиз, тожик, туркман, татар, рус, озарбайжон ТИЛларида эркин сўзлашасиз, шекилли?

**Айниддин.** Худди шундай! Аммо уйда келинойингиз билан күш ТИЛИда сўзлашаман.

**Искандар.** Ие, буниси қизиқ бўлди-ку! Қолганлар билан қайси тилда гаплашасиз?

**Айниддин.** Унисини қўяверинг-у, мабодо олдингиздан бирор фаришта чиқиб қолиб: «ТИЛа ТИЛагингни!» деса, нима дер эдингиз?

**Искандар.** ТИЛнинг суюги йўқ дегандек, юртимизда тинчлик, омонлик бўлсин, дейман-да, ака.

**Айниддин.** Шу гап эсингизда бўлсин, яна шошилиб ТИЛнингиздан гуллаб қўйманг!

**Искандар.** Бунаقا дашном бераверманг, устоз. Бундайларнинг ТИЛдан қолганини кўп кўрганмиз.

**Айниддин.** Кечагида метрода кетаётиб икки-учта намангандлик қизларнинг гапига қулоқ солдим. ТИЛлари бирам ширин эканки! Бундай қарасам, уларнинг ёнида ўzlари ҳам ўтирган эканлар. Мени кўрмай: «Гар юз ТИЛим бўлса бўлсин ТИЛим-ТИЛим бегонани ёд айласам» деб, хиргойи ҳам қиласптилар.

**Искандар.** Ўшандан кейин уйга кетаётиб, кўчада гандираклаб кетаётган битта пиёнистани кўриб: «Кўзим чиқсан сени кўргунча бундоқ. Кесилсин ТИЛ сени сўргунча бундоқ!» – дедим

**Айниддин.** Агар у ҳушёр бўлганида ТИЛингизни суғуриб олган бўларди.

**Искандар.** Хуллас, ТИЛга эҳтиёт бўлиш керак экан-да.

**Айниддин.** Энди, Искандаржон, соатининг ТИЛи ҳам вақтимиз тугаб қолганини кўрсатяпти, гапиравериб ТИЛИмиз ҳам чаҳа бўлаёди. Яна бирор гапингиз борми?..

**Искандар.** Ҳаҳ, нимадир демоқчи эдим-а? шундоққина ТИЛИмнинг учидаги турипти. Ҳа, ҳа топдим. Мана, ўлкамизда олтин куз. Ерининг ТИЛини билган деҳқонларимиз бу йил етиштирган қовун, тарвузлар нақ ТИЛни ёради-я!

**Айниддин.** Қани энди вақт бўлсаю, ўша ерларга борсак. Сиз ТИЛИмлаб ердингиз, бизга қириб берсангиз ҳам бўлаверарди

**Искандар.** Жуда баланддан келдингиз, устоз. Сизнинг шартингизни бажариш учун полизчидан ТИЛхат олиш керак. Майли, бўпти! ТИЛхат олишни менга қўйиб беринг.

**Айниддин.** Ўғил бола гап, Искандаржон. ТИЛёгламалик қилган одам ТИЛдан қолсин! Мен эса, ТИЛингиздан чиққанини ТИЛлога битаман.

**Искандар.** Раҳмат, устоз! Энди дилдаги, ТИЛдаги ТИЛсимларни очайлик. ТИЛИмиз шунчалик бой, жозибали, сермазмун, сержило экан, уни қадрлайлик, ардоқлайлик!

## БЕЛИМИЗДА БЕЛБОҒ БОР

**Искандар.** Айниддин ака, Сизни полвон деб эшигтганман. Келинг, бир БЕЛлашайлик!

**Айниддин.** Майлику-я, тағин БЕЛингиз чиқиб кетадими, дейман-да.

**Искандар.** Құрқманг, шу choқча қанча атоқли полвонларни БЕЛанги қилганман.

**Айниддин.** Э-ҳа! БЕЛим бақувват, денг.

**Искандар.** Ҳар ҳолда «БЕЛИмизда БЕЛбоғ» бор-да.

**Айниддин.** Қани, бошладик бўлмаса. Ие, нима бўлди. Искандаржон, ҳали БЕЛингиздан ушламасимдан рангингиз БЕЛиладай оқариб кетди?

**Искандар.** Ҳар ҳолда кўпни кўрган, БЕЛдор одамсиз, киши бироз чўчир экан.

**Айниддин.** Ёшлигимда пахсачига лой отиб берадиган БЕЛкаш эдим-да.

**Искандар.** Айтудим-а, сизда бир сир бор, деб. Ёшлигингизда БЕЛ ишлатиб катта бўлган экансиз-да!

**Айниддин.** Айтишади-ку, «БЕЛни пешлаган билар, ерни ишлаган билар», деб! Сизни БЕЛанчакка солиб, қимирилатиб қўйишса миқ этмай ухлар экансиз. Мени уч-тўрт ёшимгача бешикка БЕЛАшган экан. БЕЛИмнинг бақувватлигию, оёқ-қўлимнинг тўғрилиги шундан-да, ука.

**Искандар.** Ҳозирги кўпчилик йигит-қизларнинг бўй-басти дарозу, БЕЛИ бироз хипчароқ эмасми, назарингизда устоз?

**Айниддин.** Жуда тўғри илғабсиз, Искандаржон. Уларнинг фикри-хаёли яхши еб-ичиш, кийинишида. Улар фақат боғчадалигига қўлларига БЕЛча олиб, озгина қум, тупроқ ковлашган холос.

**Искандар.** Демоқчисизки, ўшандан бери БЕЛкурак нималигини билишмайди-а?

**Айниддин.** Ҳа, балли! Кўпчилик йигитларимиз енгил-елпи пул топиб, 5–10 минг сўмни БЕЛларига тушиб, ялло қилиб юришишти. Қизларимиз бўлса, БЕЛоручка бўлиб ўсишапти.

**Искандар.** «БЕЛИ оғримаганнинг нон ейшини кўр», деб шуни айтишади-да!

**Айниддин.** Албатта, бу нарсалар яхшиликнинг БЕЛгиси эмас.

**Искандар.** «Фарзанд – БЕЛнинг қуввати» деймизу, устоз, аммо уларга биз катталар яхши ўрнак кўрсатмаяпмиз. Ҳамма иллат шунда бўлса керак.

**Айниддин.** Чумолининг ҳам «БЕЛИ ингичка бўлгани билан меҳнаткаш». Ёшларни ҳалол меҳнатга ўргатишимиш керак.

**Искандар.** Баъзилари насиҳат қилсангиз дарров гапнинг БЕЛига тепишади.

**Айниддин.** Масалан, завод, фабрикаларда, далаларда қўл кучи, БЕЛ қуввати талаб қилинадиган ишлардан қочиб, тоғни урса талқон қиласдиган паҳлавон йигитлар уялмай-нетмай аёлларнинг ички кийиминими, китоб-дафтарми, атрми, совун сотиб ўтиришишти!

**Искандар.** Бундай ноxуш ҳолларга қарши вақтида курашмасак оғзи бурнимиз қонга БЕЛаниши ҳеч гап эмас, ундан Худо асрасин!

**Айниддин.** Ие Искандаржон, сездингизми, БЕЛбоғ узилди шекилли, бир нарса «чирт» этди-ку!

## БЕКАТЛАР ПАЙРОВИ

**Жалолиддин.** Абулқосим ака, уч-тўртта шинавандалар сизни тўйга таклиф қилиш учун манзилингизни сўрашган эди, айтолмадим. Уйингизга бориш учун қайси бекатда тушиш керак эди?

**Абулқосим.** Бизнинг бекатга борганда автобус ҳайдовчи орқасига қараб, «ЁНГОҚ»ликлар тушинглар, дейди.

**Жалолиддин.** Ёнгоқликман, деб мақтанаисизу, лабингизга қизил помада суртсангиз «ОЛЧА»дан чиққан бўласиз-қоласиз.

**Абулқосим.** Жалолиддин ука, биласиз, сизга меҳрим жуда баланд. Шунинг учун мен сизнинг «ОҚ ТЕПА»нгиздан сира кетмайман.

**Убайдулла.** Бу гапингиз фирт ёлғон, Абулқосим ака. Чунки сизни қидирганлар доим «ОЛТИН ТЕПА»дан топаяпти.

**Искандар.** Бизни мабодо қидирсангиз «ТИНЧЛИК» томонга ўтинг, Абулқосим ака билан «АЛОҚА»да бўламиш.

**Жалолиддин.** Искандар, кеча далага чиққанингизда билмасдан бир илоннинг думини босиб олибсиз. Илон бошини кўтарса, кўзларингиз ола-кула бўлиб, «ОҚ ИЛОН» дебсизми?

**Абулқосим.** «ОҚ ИЛОН»дан бир бекат нарига ўтсангиз тўппатўри Жалолиддиннинг «ДАРВОЗА»сига борасиз.

**Убайдулла.** Тўғри, Жалолиддиннинг олдинги турган жойи «ДАРВОЗА» эди, ҳозир «КАТТА ҲОВУЗ».

**Искандар.** Сиз айтган «КАТТА ҲОВУЗ» кўмилиб, «САССИК ҲОВУЗ»га айланиб кетган, хабарингиз йўқми, ҳали?

**Жалолиддин.** Абулқосим акам беш-олтита кўй боққанларидан бери у кишининг турар жойлари ҳам «ПОДАХОНА» бўлиб қолди.

**Абулқосим.** Жалолиддинни қидирган одам ҳеч уйидан тополмайди. Чунки у кўча-кўйда «ЭСКИ ЖЎВА»ни ўйнаб юрар экан.

**Убайдулла.** Абулқосим ака, кеча бир базмга борган эдик, тўй эгаси сизни сўради. Мен улар «ХОТИН КЎПРИК»да қолдилар, дедим, тўғри айтибманми?

**Искандар.** Аттанг, мендан сўрашганда сочларини ёйиб «АЛВАСТИ КЎПРИК»да ўтирибилиар, дердим.

**Жалолиддин.** Абулқосим аканинг қорнини кўрган одам «ДОМБРОБОД» дейди.

**Абулқосим.** Сизнинг афти-башарангиз, рангингизга қараган одам «ҚОРАТОШ» дейди.

**Убайдулла.** Автобусга чиқиб, чиптага қўл узатганда Абулқосим акам мен «ФЕРМА»дан чиқдим, десалар, Жалолиддин «РОДДОМ»дан чиқдим, дейди.

**Искандар.** Эшитдингизми, яқинда Абулқосим акамни худо бир асрари, уларни сим арқон билан кўтарма кран ёрдамида «ЧУҚУРСОЙ»дан аранг тортиб олишиди.

**Жалолиддин.** Абулқосим акам қарисалар ҳам жанжал-кашликлари сира қолмади-қолмади-да. Кечагида кўкракларига уриб юрибдилар, «БЕШЁФОЧ»нинг олтинчи ёғочи менман деб!

**Абулқосим.** Жалолиддин укам, сизни олти метр оқ сурпга ўрасам, эски «КАФАНОВ» бўласиз қўясиз.

**Убайдулла.** Нафасингизни иссиқ қилинг, Абулқосим ака. Сизга баланд пошнали туфли кийгизсам, «КАБЛУКОВА» бўласиз қоласиз.

**Искандар.** Абулқосим ака, елкангизга миниб олайми, «ЧАҚИЧМАН» деб?

**Жалолиддин.** Искандар, сиздан илтимос, Абулқосим акамнинг елкаларига минманг. У киши саксон ёшга чиққанларидан кейин мункиллаб «ОДО» бўлиб қолганлар.

**Абулқосим.** Жалолиддин, агар шу ғапларни мастилик қилиб гапираётган бўлсанг, четроққа чиқиб «ЎҚЧИ».

**Убайдулла.** Абулқосим ака, сиз бамисоли от кўшилган аравасиз. Оти чиқариб олинса, «ЛАНГАР» бўлиб қоласиз.

**Искандар.** Ёш болалар Абулқосим аканинг ёнига келмасликларининг сабабини биласизми? Кўлларига олиб? «НАНАЙ», «НАНАЙ» деб жонидан тўйдирадилар.

**Абулқосим.** Дўстлар, мустақиллик шарофати билан биз билмайдиган ҳар хил номлар ўрнига жойларнинг асл номлари тикланаяпти. Мана шунаقا ишларни кўриб одам «РОҲАТ» қиласида!

## ШОХМОТ ПАЙРОВИ

**Убайдулла.** Искандар, шахмат ҳам қизиқарли спорт турларидан бири. «ЖАНГ МАЙДОНИ»га таклиф қилсан розимисиз?

**Искандар.** Бажону дил. Фақат шахматни Жалолиддин билан ўйнаманг. Чунки унинг ғирром ўйнайдиган ФЕЪЛИ бор.

**Жалолиддин.** Ундан деманг, феълим ёмон бўлса, сизларни ҳайдар эдим, «КИШТ-КИШТ» деб.

**Убайдулла.** Сизнинг ғирромлигингизни мен ҳам яхши биламан, кўпинча УШЛАГАНИНГИЗНИ ЮРМАЙСИЗ.

**Искандар.** Жалолиддин умрида бир марта ҳам эшак минмаган, аммо доим мақтанади, «ОТ ЎЙНАТАМАН» деб.

**Жалолиддин.** Искандар, бир нарсага ҳайрон бўлиб турибман, ўзингиз оддий арифметик тўрт амални зўрға биласиз-ку. Яна шахмат МАСАЛАСИНИ ечасизми?

**Убайдулла.** Жалолиддин, сиз масала ечишга уста бўлсангиз, майли бир ЎЙНАБ кўрсатинг.

**Искандар.** Жалолиддинда яхши ўйин нима қилсин. Кучли шахматчилар орасида у оддий ПИЁДА-ку!

**Жалолиддин.** Искандар, сиз ҳам унча кучли ўйинчи эмассиз. Подполковник ҳарбий унвонингиз бўлгани билан армияда оддий СИПОҲ эдингиз.

**Убайдулла.** Искандар подполковник бўлса, ўйин вақтида РУҲИНГИЗ тушиб кетмасмикин?

**Жалолиддин.** Искандар, илтимос доналарни термасдан СИПОҲГАРЧИЛИК қилманг.

**Убайдулла.** Доналар терилган бўлса, ҳозирча ютуқлар ҳақида гапирмайман. Менга сизларнинг ФИГУРАЛАРИНГИЗ керак.

**Искандар.** Убайдулла ака, юришларингиз бўш, лекин гапларингиз ДОНА-ДОНА-я.

**Жалолиддин.** Мен Искандарни ортиқча мақтаб юборибман, «ШОҲИМНИНГ КЎЗИ ОЧМАС» деб...

**Убайдулла.** Яхши формада бўлиш ва ақлли юриш қилиш учун ҳар куни ишга, ўқишига кегаётганингизда ярим соат ПИЁДА юринг.

**Искандар.** Жалолиддин, икки йилдан бери Отчопарда сув сотяпсиз. Аммо ишлайман десангиз, ФИЛдек кучингиз бор-а.

**Жалолиддин.** Тириклий-да энди. Мана, сиз ҳам соппа-соғ оёғингиз туриб, машинада юрибсиз-ку, «ПОТ-ПОТ»деб!

**Убайдулла.** Эҳтиёт бўлинглар, ҳозир икковингиз ҳам ВИЛКАдасиз.

**Искандар.** Вилкага олганингиз билан барибир қўлингиз баланд бўлмайди, менда «ҲИНДЧА ҲИМОЯ» бор.

**Жалолиддин.** Нима қилай, ҳозир ўринларингизни алмаштириб РОКИРОВКА қилиб қўяйми?

**Убайдулла.** Искандар, эҳтиёт бўлинг, қўриқчинингиз бўлмаса УРИБ оламан.

**Искандар.** Битта пиёданни текинга олганингиз билан ютуқ барибир мен томонда, чунки аллақачон МАРКАЗни эгаллаб бўлдим!

**Жалолиддин.** Искандар, ёшингиз етмишдан ошгани билан барибир гўрлигингиз қолмади-қолмади-да. Учта чиройли юришимга «БОЛАЛАРЧА ТАСЛИМ» бўлдингиз қолдингиз-а?

**Убайдулла.** Халқаро гроссмейстер РУСТАМ ҚОСИМЖОНОВ Ўзбекистон шахматини дунёга танитди. Унга ўхшаб кўплаб иқтидорли ёшларимиз, Нодираю давронларимиз шахмат бўйича жаҳон чемпионлари Ўзбекистондан чиқишиларига сира шубҳа йўқ! Қани, ОТИнгизни суринг! Бўлмаса МОТ бўласиз!

## АНАҚА-МУНАҚА

Телефон жиринглайди. Эшмат гўшакни қулоғига тутади. Нариги томондаги Тошмат билан савол-жавоб бошланади:

**Эшмат:** Алло, эшитаман.

**Тошмат:** Ҳэлло! Анақамисан?

**Эшмат:** Да, да, шунақаман.

**Тошмат:** Унақа бўлса, анақа қиласиз.

**Эшмат:** Қанака?

**Тошмат:** Шунақа, шунақа.

**Эшмат:** О, кей!

**Тошмат:** Анақа олган әдим.

**Эшмат:** Қанақа?

**Тошмат:** Құлға олиб, на ухо тутадиган анақа борку, ўшанақа.

**Эшмат:** Телефонми?

**Тошмат:** Но!

**Эшмат:** Микрофонми?

**Тошмат:** Унақамас, бунақа.

**Эшмат:** Қанақа?

**Тошмат:** Ҳалиги, по часовой стрелке бураб, анақа қиласынан бор-ку, ўшанақа.

**Эшмат:** Соатми?

**Тошмат:** Да, да, ўшанақа.

**Эшмат:** Ну, что за проблем?

**Тошмат:** Ўшани анақа қилмоқчи әдим.

**Эшмат:** Қанақа?

**Тошмат:** Как тебе объяснить? Вот, есть день и ночь, да?

**Эшмат:** Да, конечно.

**Тошмат:** Там есть анақа.

**Эшмат:** Қанақа?

**Тошмат:** Например, шундай: сундай, мондай, тиесдай, веднесдай дальше.

**Эшмат:** Короче, дни недели, ҳафта күнлари, так? Душанба, сешанба, чоршанба... дегандай?

**Тошмат:** Да, да, точно шунақа.

**Эшмат:** Ну и что?

**Тошмат:** Хотел указатель часов остановить на Четверг. Как у нас по узбекский называется, веднесдай?

**Эшмат:** Пайшанба по моему.

**Тошмат:** Точно! Данкэ, данкэ, шунақа! Веднесдай!

**Эшмат:** Шундай, шундай! Зачем тебе это понадобилось?

**Тошмат:** Анақа қилмоқчыйдим, анақа?

**Эшмат:** Қанақа?

**Тошмат:** По нашему есть шунақа обычай, который называется: омин, фотиҳа.

**Эшмат:** Да, да! Иногда по четвергам режим петуха и делаем фотиҳа, то есть омин.

**Тошмат:** Шунақа қилмоқчыйдим.

**Эшмат:** Кимга, нимага?

**Тошмат:** Папаша, мамашани вспоминать қилиб, шунақа қилмоқчыйдим.

**Эшмат:** Ну, молодец! Что, ты ешё своих родителей вспоминаешь, да? А мы..., давным давно, ...

**Тошмат:** Что ты? Что ты! Но! Но! Ни в коем случае унақа қилиш нельзя, о кей?

**Эшмат:** О, кей, о, кей!

**Тошмат:** Бунақада знаешь, не дай Бог, анақа бўламиз-а, анақа!

**Эшмат:** Қанақа?

**Тошмат:** Как будто маймун, орангутан, шимпанзе бор-у, ўшанақа!

---

## МУНДАРИЖА

Аждодларим-авлодларим .....	4-77
Ҳаёт сўқмоқлари .....	78-273
Насафлик Дўхтиробо .....	274-294
Хикоялар, ҳажвиялар, ҳангомалар .....	295-360

---

*Адабий-бадиий нашр*

**Искандар Раҳмон**

## ИЖОД ГУЛШАНИ

**Наср**

I

*Тошкент — «Istiqlol» — 2012 й.*

Муҳаррир **Жаббор Рассоқов**  
Мусаҳҳиҳ **Нариза Атабоеva**  
Мусаввир **Шуҳрат Одилов**  
Саҳифаловчи **Суннат Пўлатов**

Нашриёт лицензияси AI №217, 03.08.2012 й.

Босиша рухсат этилди 13.09.2012 й. Таймс Таш гарнитураси. Бичими 60×84 1/16.  
Ҳажми 22,5 б.т.+1,0 б.т. вкл. Офсет қоғози. Адади 100 нусха.

«Istiqlol nashriyoti», Тошкент ш., 100129, Навоий кучаси, 30-уй.

«Istiqlol nashriyoti» матбаа бўлимида чоп этилди.  
Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30-уй. Буюртма № 70.